

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ



ПРОСПЕР МЕРИМЕ

---

КАРЛ IX САЛТАНАТИНИНГ ЙИЛНОМАСИ. НОВЕЛЛАЛАР



ПРОСПЕР МЕРИМЕ

---

Карл IX  
салтанатининг  
йилномаси



Роман

Новеллалар

О. ШАРАФИДДИНОВ  
*таржимаси*

ТОШКЕНТ

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1986

**«ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ»  
СЕРИЯСИНИНГ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

---

Зулфия  
Эркин Воҳидов  
Жамол Камол  
Омон Матжон  
Қодир Мирмуҳамедов  
Мирмуҳсин  
Асқад Мухтор  
Ғайбулла Саломов  
Рубен Сафаров  
Александр Удалов  
Ўлмас Умарбеков  
Ўткир Ҳошимов  
Озод Шарафиддинов  
Шоислом Шомуҳамедов  
Азиз Қаюмов  
Матёқуб Қўшжонов


# КАРЛ IX САЛТАНАТИНИНГ ЙИЛНОМАСИ

*Роман*





## МУҚАДДИМА



Кейинги вақтларда мен XVI асрнинг охирларига оид мемуар ва памфлетлардан анчагинасини ўқиб чиқдим. Сўнг ўқиганларимни саралаб, қаймоғини йиғмоқни ихтиёр этдим, шундай қилдим ҳам.

Мен фақат тарихда учрайдиган латифанамо воқеаларга қизиқаман, чунки уларда муайян даврдаги урф одатлар билан хулқ-атворларнинг ҳаққоний манзараси ўз аксини топган бўлади. Қизиқ воқеаларга иштиёқни унчалик мақтовга сазовор деб бўлмайди, аммо айб бўлса ҳам шуни эътироф этишим керакки, Аспазия ёхуд Перикл қулининг ҳақиқий мемуарларига Фукидидни бажону дил алишардим, негаки, мемуар муаллифнинг китобхон билан самимий суҳбати бўлиб, уларда *инсон* тасвири мавжуд. Мени эса, асосан, инсон қизиқтиради. XVI асрнинг *французи* ҳақида Мезре бўйича эмас, Мовлюк, Брантом, де' Обинье, Таван, Лану ва бошқаларнинг асарлари бўйича тасаввур ҳосил қиламиз. Бу муаллифларнинг услубларида улар ҳикоя қилиб берган воқеалардай ўзига хослик бор.

Этуаль йўл-йўлакай шундай деб ёзади:

«Шатонсф деган жувон қирол Польшага жўнаб кетмасидан аввал унинг жазманларидан бири бўлган эди. Шу жувон Марселдаги турманинг бошлиғи флорентиялик Антиоттига ишқи тушиб қолиб, унга тегиб олади, кейинчалик эрининг зино йўлига кирганини билиб қолиб, уни ўз қўли билан ўлдирди».

Мана шу ва яна шунга ўхшаган бошқа кўпгина латифанамо воқеалар ёрдамида — улар Брантомда тўлиботошиб ётибди — хаёлан одамнинг феъли атворини тасаввур қиламан, шунда кўз ўнгимда Генрих III замонидаги сарой хонимининг сиймоси жонланади.

Уша замонлардаги урф-одатларни бизники билан тақ-

қослаш ва бизнинг давримизда кучли эҳтирослар йўқолиб кетганига, лекин ҳаёт осудароқ ва айтиш мумкинки, хушнудроқ бўлиб қолганига эътиборни жалб қилиш менга жоииз кўришади. Фақат бир масалани ҳал қилиш лозим бўлади: биз ота-боболаримиздан тузукроқмизми? Бу масалани ечиш эса унча осон эмас, негаки, вақт ўтиши билан айнан бир хил бўлган воқеаларга қараш кескин ўзгаради.

Мана, масалан, 1500 йилда одам ўлдирини ёки заҳарлаш бизнинг замонамиздагидек даҳшатли туюлмас эди. Дворянин ўз душманини хонина ўлдирар эди-да, гуноҳдан ўтишни илтимос қила бошларди, бунга эришгач, давраларда яна бемалол юраверарди. Ундан юз ўгиришни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмас эди. Баъзи ҳолларда, агар қотиллик қонуний интиқом туйғуси билан қилинган бўлса, қотилни номусли одам дейишарди. Бизнинг давримизда одам ўзини таҳқирлаган аблахши дуэлда ўлдирса, шундай дейишади.

Шунинг учун ҳам мен аминманки, XVI асрда яшаган одамларнинг хатти-ҳаракатларини XIX аср андозалари билан баҳолаб бўлмайди. Тараққий этган мамлакатда жиноят ҳисобланадиган нарса кам тараққий этган мамлакатда жасорат тимсоли бўлаверини мумкин, ваҳшиёна замонларда эса у ҳатто мақтовга сазовор бўлган бўлса ҳам ажаб эмас. *Айни бир иш* ҳақида ҳукм чиқарганда, албатта, унинг *қайси мамлакатда содир бўлганини ҳам* инобатга олиш керак, чунки икки аср бир-биридан қаңдай фарқланса, иккита халқ ҳам бир-биридан шундай фарқ қилади<sup>1</sup>.

Маҳмат-Али замонасида мамлук бейлар Мисрга ҳокимликни даъво қилишарди. Кўнлардан бир кўни Маҳмат-Али уларнинг саркардаларини саройга, ўз хузурига зиёфатга таклиф қилади. Улар саройга кириб улгурмаслариданоқ, дарвозалар таққа ёпилади. Юқори айвонда яшириниб олган албашилар уларни ўққа тутинишади. Шу кундан бошлаб Маҳмат-Алининг якка ўзи Мисрда ҳукмронлик қила бошлайди.

Хўш, нима бўпти? Биз Маҳмат-Али билан музокара олиб борамиз. У европаликлар наздида ҳурмат-эътиборга сазовор одам, ҳамма газеталарда уни улуғ одам деб ёзишади, Мисрнинг валлиёмати дейишади. Ҳолбуки, қуролсиз, ҳимоясиз одамни аввалдан тайёрлаб қўйилган режа билан ўлдиршдан ҳам даҳшатлироқ нарса борми? Бироқ ҳамма гап шундаки, маҳаллий расм-русмларга кўра буңдай тузоқлар жоиз ҳисобланади ва бошқа илож



йўқлигидан шундай қилинади, деб изоҳланади. Бу ўринда Фигароннинг иборасини эсламай бўлмайди: *Ma, per Dio, l'utilita!*\*

Агар бир министرنинг ихтиёрида (мен бу ерда унинг номини айтиб ўтирмайман) унинг буйруғи билан истаган одамини отиб тапшлашга тайёр турадиган албанлар бўлса, у зиёфатлардан бирида опозициянинг ҳамма атоқли вакилларини нариги дунёга жўнатадиган бўлса, унинг кирдикори *амалда* Миср подшосининг қилғилигидан заррача ҳам фарқ қилмаган бўларди. Аммо маънавий нуқтаи назардан бу иш юз карра жиноийроқ. Ўлдирмоқ — ортиқ бизнинг расмимиз эмас. Аммо ўша министرنинг ўзи кўпгина либерал сайловчиларни ишдан ҳайдади, майда амалдорларни қувди, бошқаларга таҳдид қилди. Қарабсизки, сайлов унинг кўнглидагидек ўтди. Агар Маҳмат-Али Францияда министр бўлганида бундан нари ўтмас эди, француз министри Мисрга бориб қолган тақдирда, албатта, рақибларини ўққа тутар эди, негаки, ишдан ҳайдашлар мамлукларнинг онгига етарли таъсир кўрсата олмас эди<sup>2</sup>.

Варфоломей туни ҳатто ўша замонлар учун ҳам жуда катта жиноят бўлган эди, аммо такрор айтаман, XVI асрда қирғин XIX асрдаги қирғиндек даҳшатли жиноят ҳисобланмасди. Яна шунини илова қилиш керакки, қирғинда — бевоситами, билвоситами — миллатнинг кўпчилиги қисми иштирок этган; уларнинг ҳаммаси гугенотлар устига ёпирилишган, чунки улар гугенотларга келгинди, душмандай қарашган.

Варфоломей туни испанларнинг 1809 йилдаги псеинини эслатувчи ўзига хос миллий ҳаракат бўлган эди. Парижликлар имонсизларни қирғин қилишар экан, оллоҳнинг хоҳиши билан ҳаракат қилаётганларига ишончлари комил эди.

Мен — ҳикоячиман. 1572 йилдаги тарихий ҳодисалар оқимини изчил баён қилиб беришим шарт эмас. Бироқ, модомики, Варфоломей туни ҳақида гап бошлаган эканман, тарихимизнинг бу қонли саҳифасини ўқиганимда миямга келган фикрларни китобхон билан баҳам кўрмай туролмайман.

Қирғиннинг сабаблари тўғри тушунилганми? Қирғин аввалдан тайёрланганми ёхуд кўққисдан қабул қилинган қарорнинг оқибатими? Балки тасодифий ҳодисадир?

---

\* Жин урсин, тушурдим, лекин фойдаси бор-да! (*Италя.*)

Бирорта муаррих менинг бу саволларимга қаноатланарли жавоб бергани йўқ.

Муаррихлар далил сифатида шаҳардаги мишмишларни, ўйлаб тўқилган гап-сўзларни келтиришади, бироқ бундай муҳим тарихий муаммони ҳал қилиш тўғрисида гап кетганида ҳар хил мишмишлар ҳам, олди-қочди гаплар ҳам ҳеч қандай қадр-қимматга эга бўлмайди.

Баъзиларнинг тасдиқлашича, Карл IX мунофиқликнинг тажассуми бўлган, бошқалар уни серзарда, сержаҳл, ҳовлиқма одам сифатида тасвирлашади. Агар у 24 августдан анча аввал протестантларга таҳдид қилган бўлса, демак, у қирғинни зимдан тайёрлаб борган, агар протестантларнинг бошини силаб-сийпаган бўлса, демак, у мунофиқлик қилган.

Ҳақиқатдан узоқ мишмишларнинг жуда осон тарқалиб кетишини исботламоқ учун мен фақат биттагина воқеани айтиб бермоқчиман — сиз уни ҳамма тарихий асарларда учратишингиз мумкин.

Гўё Варфоломей тунидан тахминан бир йилча муқаддам қирғин режаси тахт қилиб қўйилган эмиш. Режа бундай бўлган экан: Пре-о-Клерда ёғоч минора қуришлари керак экан. Унга герцог Гиз дворянлар ва католик солдатлар билан бирга ўрнашиб олишмоқчи экан, адмирал эса протестантлар билан бирга минорага ҳужум қилиши керак экан. Буларнинг ҳаммаси қирол қамал қандай содир бўлаётганини кўриб туриши учун қилинган экан. Ана шу ўзига хос мусобақа вақтида берилган белгига мувофиқ католиклар милтиқларини ўқлаб, душманларини мудофаага ҳозирлик кўришларидан олдин қириб ташлаши керак экан. Бу воқеани безаб-бежаш учун яна ҳикоя қилишадик, Карл IX нинг яқинларидан бўлмиш Линьероль эҳтиётсизлик қилиб, суиқасдни фош қилиб қўйган эмиш — қирол гап билан протестант зодагонларни шармандаи шармисор қилганида, у қиролга шундай деган эмиш: «Давлатпаноҳ! Бир оз сабр қилинг. Бизнинг истеҳкомимиз бор. У биз учун ҳамма даҳрийлардан қасос олади». Бироқ шуни эътиборга олишингизни сўрайман: ҳозирга қадар ҳеч ким бу истеҳкомнинг биронта тахтасини ҳам кўрган эмас. Қирол лақмани қатл этишни буюрибди. Гўё ўша режани канцлер Бираг тузган эмиш, шу билан бирга уни бир гап айтган дейишади. Бу гап унинг батамом бошқача ниятда эканидан далолат беради: қиролни унинг душманларидан халос этиш учун унга, яъни Бирагга бир печашпаз кифоя қилар экан. Бу тадбир анча ўнғай эди,

минора режаси эса ўзининг ғалатилиги туфайли деярли рўёбга чиқариш мумкин бўлмаган режа эди. Дарҳақиқат: наҳотки, яқиндагина бир-бирига душман бўлган икки гуруҳ юзма-юз тўқнашиши керак бўлган ҳарбий ўйинга тайёргарлик кўрилса-ю, бу протестантларда шубҳа туғдирмаса? Ундан ташқари, гугенотларни бир ёқлик қилмоқчи бўлган одам уларнинг ҳаммасини бир жойга тўплаб, қўлига қурол бериб ўтирмаса керак. Шуниси равшанки, агар сунқасдчилар ҳамма протестантларни қириб ташлашни ўзларига мақсад қилиб олган бўлсалар, уларни қуролсиз ҳолда якка-якка йўқ қилишлари мақсадга мувофиқ эди.

Мен астойдил шунга аминманки, қирғин аввалдан тайёрланмаган. Баъзи муаллифлар нима сабабдан қарама-қарши фикрда эканликлари менга қоронғи. Лекин бу муаллифлар Екатеринани жуда ёвуз хотин, аммо XVI асрдаги энг ўткир сиёсатчилардан бири деб билишади.

Маънавий принципларни ҳозирча бир ёққа қўйиб турайлик-да, бу ёлғон режани фақат фойдалилиги нуқтаи назаридан кўриб чиқайлик. Мен, бу режа саройга фойда бермас эди, деган фикрдаман. Бунинг устига у бениҳоя уқувсизлик билан амалга оширилган, шунга қараб ҳукм қилиш мумкинки, уни анча бефаросат одамлар тузишган.

Бундай режадан қирол ҳокимияти ютармиди ёки ютқазармиди? Уни амалга оширишга розилик бериш қирол ҳокимиятининг манфаатларига тўғри келармиди? Шу масалани бир ўйлаб кўрайлик-чи.

У пайтларда Франция учта йирик партияга бўлинган эди. Буларнинг бири протестантлар партияси бўлиб, шаҳзода Конденинг ўлиmidан сўнг унга адмирал раҳбар бўлиб қолганди. Иккинчиси эса қирол партияси бўлиб, у партиялар ичида энг ожизи эди. Ниҳоят, учинчиси ўша пайтдаги ашаддий роялистлар — Гизлар партияси эди.

Албатта, Гизлардан ҳам, протестантлардан ҳам баравар хавфсираши лозим бўлган қирол бир-бирига душман бу икки гуруҳни ўзаро тўқнаштириб қўйиб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга интилиши керак эди. Булардан бирини мажақлаб ташлаш — бутун инон-ихтиёрни иккинчисига бериб қўйиш бўларди.

Мувоzanатни сақлаш ўша пайтлардаёқ яхши маълум эди ҳам амалда қўлланиларди. Яна Людовик XI: «Ажратиб ташлаб, ҳукмронлик қил», — деган эди.

Энди Карл IX нинг художүй бўлган-бўлмаганини кўрайлик. Сидқидилдан художүй бўлса, у биронта эҳтиётсиз иш қилиб қўйиши мумкин эди, бироқ ундай қилгани йўқ. Ҳамма нарса шундан далолат бериб турибдики, у эркин фикр эгаси бўлмаган тақдирда ҳам, иккинчи томондан, ашаддий художүй ҳам эмас эди.<sup>3</sup> Унга раҳнамолик қилган опаси ҳам ҳокимиятга бўлган муҳаббат йўлида, мабодо диний эътиқодларга эга бўлганида, иккиланмай уларни қурбон қилиб юборган бўларди.

Бироқ тахмин қилайликки, Карлнинг ўзи ёхуд онаси, боринги, ана, ҳукумат сиёсатининг ҳамма қоидаларига хилоф ўлароқ Францияда протестантларни қириб ташлашга аҳд қилган, дейлик. Борди-ю, улар шундай қарорга келишса, албатта, ҳамма усулларни ўйлаб кўриб, энг ишончли усулни танлаб олишган бўларди. Ўшанда уларнинг эсларига келган энг ишончли тадбир қиролликдаги ҳамма шаҳарларда реформатларни бир вақтнинг ўзида қирғин-барон қилиш бўларди, чунки сон жиҳатидан устун бўлган душманнинг ҳужумига дуч келган реформатлар ҳеч қаерда қаршилиқ кўрсата олмас эдилар.<sup>4</sup> Уларни бартараф қилиш учун бир кун кифоя эди. Ассуэр яҳудийларни худди шу тарзда қириб ташлашни ният қилган. Ҳолбуки, тарихдан бизга маълум: қиролнинг протестантларни қирғин-барон қилиш ҳақидаги бириччи фармонига 28 август деб муҳр босилган, яъни бу фармон Варфоломей тунидан тўрт кун кейин чиққан. Фармон чиққанда даҳшатли қирғин ҳақидаги хабар қирол чопарларини ортда қолдириб, ҳамма жойга аллақачон етиб борган, протестантларни жунбишга келтирган эди.

Айниқса, протестантларнинг истехкомларини забт этиш муҳим иш эди. Истехкомлар уларнинг қўлларида экан, қирол ҳокимияти ўзини хавф-хатардан холи ҳис қилолмасди. Бинобарин, агар католиклар ҳақиқатан ҳам аввалдан пухталаб қўйилган режа ассидида фитна уюштирган бўлсалар, турган гапки, зудлик билан улар икки та тадбирни амалга оширган бўлишарди: улар 24 августда Ла-Рошелни забт этиб, Франциянинг жанубида реформатларнинг бирлашини халақит бериш мақсадида бутун бир армияни шай қилиб қўйишган бўларди.<sup>5</sup>

На униса, на буниси қилингани йўқ.

Шунчалик муҳим оқибатларга олиб келадиган жиноят режасини тузиб қўйган одамлар уни бу қадар уқувсизлик билан амалга оширишди, деб ўйламайман. Ҳақиқатда эса кўрилган тадбирлар шу қадар заиф бўлиб

чиқдики, Варфоломей тунидан бир неча ой кейин уруш янги куч билан аланга олди ва бу урушда бутун шуҳрат, албатта, реформатларга насиб бўлди. Улар бундан ўз манфаатлари йўлида яхши фойдаланишди.

Давом этайлик: Варфоломей тунидан икки кун аввал Колинъи ўлдирилди — бу фитна ҳақидаги тахминни узил-кесил чиппакка чиқармайдими? Ялпи қирғин-барондан сал олдин протестантлар раҳнамосини ўлдиришининг нима кераги бор эди? Бу гугенотларни чўчитиб қўймасмиди? Уларни ҳушёр торттирмасмиди?

Биламан, баъзи бир муаллифлар адмиралнинг ўлдирилишини герцог Гизнинг ёлғиз ўзигагина тақайдилар. Аммо афкори омманинг бу жиноят учун қиролни айблаганини ва қотил қиролдан инъом олган деган гапларини гапирмаёқ, мен бу фактдан фитна мавжудлиги ҳақидаги тахминга қарши яна бир хулоса чиқарган бўлардим.<sup>6</sup> Дарҳақиқат, агар фитна мавжуд бўлган бўлса, унда герцог Гизнинг иштирок этиши муқаррар эди, шундай бўлса, нега энди у қон тўкишни икки кунгина кечиктириб, биратўла ўчини ола қолмади? Наҳотки, ўз мухолифининг ўлимини икки кунга тезлаштираман, деб бутун фитнанинг муваффақиятини хавф остида қолдириш керак эди?

Ожизона қудратим етганча бу муаммони ҳал қилишга уриниб кўраман.

Колинъи ўз давлатпаноҳи билан уч маротаба тенг ҳуқуқли музокара олиб борди — шунинг ўзи унга қарши оташин нафрат уйғотиши мумкин эди. Жанна д'Альбре вафот этганида шаҳзодаларнинг иккови — қирол Наваррский ҳам, шаҳзода Конде ҳам ҳали жуда ёш эдилар, уларнинг кетидан ҳеч ким эргашмас эди, шунинг учун ҳам Колинъи ҳақиқатан реформатлар партиясининг ягона раҳнамоси эди. Колинъининг ўлиmidан сўнг иккала шаҳзода ҳам душманларининг қўлида ўлжадай бўлиб қолди — энди уларнинг тақдири бутунлигича қиролга боғлиқ эди. Демак, Карл IXга ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Колинъининг ўлими, ёлғиз унинггина ўлими керак эди. Афтидан, Карл IX герцог Альбренинг: «Бир наҳангнинг боши ўн минг қурбақанинг бошидан қимматроқ», деган сўзларини унутмаган бўлиши керак. Аммо, борди-ю, қирол бир зарб билан адмиралдан ҳам, герцог Гиздан ҳам қутула олганида, унинг ҳокимияти чекланмаган бўларди.

Қирол бундай қилиши керак эди: даставвал у адмиралнинг ўлдирилишини герцог Гизнинг бўйнига қўйи-

ши ёхуд лоақал бу қотилликни унга тўнкаши лозим эди, сўнгра эса унинг бошини гугенотларга тақдим этишга тайёр эканини эълон қилиб, унга қарши қотил сифатида тергов бошлаб юбормоғи даркор эди. Герцог Гиз Морвелга шерик бўлганми-йўқми — биз унга кафил бўлолмаймиз, аммо унинг шоша-пиша Париждан жўнаб қолгани ва қиролдан шунчаки ҳомийлик кўрган реформатор Лотарингия хонадонининг шаҳзодаларига таҳдид қилгани бизга аниқ маълум.

Париж кишилари у пайтларда ашаддий мутаассиблар эди. Шаҳарликлар миллий гвардия қабилада бир нарса тузишган эди. Бу ҳақиқий қўшиннинг ўзгинаси бўлиб, биринчи чақирिқ биланоқ қўлга қурол олишга шай турарди. Парижликлар герцог Гизни отасининг хоғираси учун ҳам, ўзининг шахсий хизматлари туфайли ҳам қанчалик севсалар, шаҳарни икки марта қамал қилган гугенотларни шунчалик ёмон кўришарди. У пайтларда қиролнинг сингилларидан бири уларнинг диндаги шаҳзодага эрга текканидан, парижликларнинг саройдаги мавқеи бирмунча дуруст эди, бироқ улар бундан янада ғурурланиб кетишди ва душманларини баттар ёмон кўришди. Хуллас, бу мутаассиблар ўзларининг даҳрийлик йўлига кирган ватандошларини қирғин-барон қилишга ташланишлари учун бирорта одам уларга раҳбар бўлиб, «Ур!» деб нидо қилиши кифоя эди.

Ҳам қиролдан, ҳам протестантлардан таҳдид кўрган герцог халқнинг мададига суянишга мажбур эди. У шаҳар лашкарининг бошлиқларини тўплаб, уларга даҳрийлар фитна уюштирганини айтади, фитначилар ҳаракат бошлаб улгурмай, уларни мажақлаб ташлашни талаб қилади. *Ана шундан кейингина* қирғин-барон қилишга аҳд қилинади. Бу фитна жуда қаттиқ сир тutilади. Фитнага жуда кўп одам жалб қилинган бўлса-да, ҳеч ким сирни очиб қўймайди. Бунинг боиси жуда осон изоҳланади: фитна ҳақидаги ниятнинг туғилиши билан унинг рўёбга чиқиши ўртасида атиги бир неча соатгина вақт ўтади, холос. Агар воқеа бошқача тарзда содир бўлганида эди, бу бағоят фавқулодда ҳодиса бўлур эди, негаки *Парижда ҳар қандай сир яшин тезлигида ошкор бўлади*<sup>7</sup>.

Ҳозир қирғинда қирол қай даражада иштирок этганини аниқлаш маҳол: мабодо у қирғинни маъқулламаган тақдирда ҳам, ҳеч шубҳа йўқки, унга йўл қўйиб берди. Икки кун давомида қотиллик ва зўравонлик давом этди. Икки кун ўтгач, қирол ҳамма нарсадан бўйин

товлаб, қирғинни тўхтатишга унналиб кўрди.<sup>8</sup> Аммо, халқнинг ғазабига бир эрк берилмасин — кейин унча-мунча қон билан уни қондириб бўлмайди. Бу гал олтин миш мингдан ортиқ қурбон берилди. Монарх эса оқим бўйлаб сузишга мажбур бўлди. У афв ҳақидаги фармонини бекор қилиб, унинг ўрнига бошқа фармон чиқарди. Бунинг оқибатида қотилликлар тўлқини бутун Францияни босди.

Варфоломей тунига менинг қарашим ана шундай, аммо уни баён қилиб бўлгач, мен лорд Байроннинг сўзларини такрорлайман:

I only say, suppose this supposition:  
«D, Juan» canf, st, LXXXV.\* 1829.

---

\* Менинг гапим битта: бу тахмин. «Дон Жуан», қўшиқ I, LXXXV банд (ингл.)

РЕЙТАРЛАР

The black band came over  
The Alps and their snow,  
With Bourbon the rover  
They passed the broad Po.  
Lord Byron.  
*The deformed transformed\*.*

Парижга борар экансан, Этамнга яқин бир жойда ҳозир ҳам улкан тўрт бурчак бир иморат яққол кўзга ташланиб туради. Унинг деразалари чўзинчоқ, дағал ҳайкалчалар билан безатилган. Эшигининг устида ўйиб ишланган токча бор. Илгарилари у ерда Биби Марямнинг ҳайкали турарди, аммо революция вақтида эркак аёл жинсидаги барча авлиёларнинг қисмати бу ҳайкалнинг ҳам бошига тушди: Ларсий революцион клубининг раиси уни тантанали тарзда синдириб ташлади. Кейинчалик унинг ўрнига Биби Марямнинг бошқа ҳайкалини қўйишди. Тўғри, буниси ганчдап ишланган эди, аммо ипак латта-путталар ва шиша тақинчоқлар туфайли жуда башанг кўринар ва шу иморатнинг ўзида жойлашган Клод Жиро қовоқхонасига савлат бахш этиб турарди.

Бундан икки юз йиллар муқаддам, аниқроғи — 1572 йилда ҳам бу иморат ҳожатмандларга бошпана ўрнида хизмат қиларди, бироқ у пайтларда кўриниши бутунлай бошқача эди. Деворидаги ёзувлар гражданлар урушининг ҳолатидан дарак берарди. Уларнинг орасида «*Яшасин шаҳзода!*»<sup>9</sup> деган ёзув бор эди, ёнида эса «*Яшасин герцог Гиз! Гугенотларга ўлим!*» деган ёзувни ўқиш мумкин эди. Ёзувларнинг нарироғига аллақандай солдат кўмир билан дор ва унга осиб қўйилган одамнинг суратини чизиб, англашилмовчилик чиқмасин учун расмининг остига «*Гаспар де Шатильон*» деб ёзиб қўйибди. Бироқ орадан кўп ўтмай бу ўлкада протестантлар устув келган кўринади, чунки уларнинг раҳнамосининг помп-

\* Раҳнамоси Бурбон бўлмиш  
Қароқчилар тўдаси  
Қорли Альпдан доvon ошгач,  
По дарёсин кечмишди.

Лорд Байрон. «Қиёфаси ўзгарган майиб» (ингл.).



ви кимдир ўчириб, ўрнига «Герцог Гиз» деб ёзиб қўйибди. Бошқа ёзувлар хира тортиб, ўқиб бўлмайдиган аҳволга келган, ўқиб бўлганда ҳам, уларнинг мазмуни анча беҳаё бўлганидан, айтиб бериш амримаҳол. Лекин улардан шу нарса аён бўлиб турибдики, у пайтларда ҳар икки гуруҳнинг бошлиқларини қанчалик расво қилишган бўлса, қирол билан унинг онасини ҳам шунчалик беҳурмат қилишган. Аммо гражданилик ва диний эҳтирослар қуюнидан, айниқса, шўрлик ҳайкалча кўпроқ озор тортган кўринади. Ҳайкалнинг йигирматача жойини ўқ шикастлантирган. Бундан гугенотларнинг «мажусий санамларни» (улар бундай ҳайкалларни шу ном билан аташарди) нечоғли ғазаб билан чилпарчин қилишга уринишгани кўриниб турибди. Ҳайкал ёнидан художўй католик ўтганида камоли эҳтиром билан шляпасини олиб ўтган, чавандоз протестант эса аркебузасидан унга ўқ узишни ўз бурчи деб билган, мабодо ўқи мўлжалга тегса, гўё афсонавий ёвуз ҳайвонни нобуд қилгандай ёхуд мажусийликка чек қўйгандай ҳузур қилган.

Бир неча ой муқаддам бир-бири билан душман икки диний гуруҳ ўртасида битим тузилган, аммо сулҳ тузиш пайтида ичилган қасамлар носамимий бўлган эди. Ҳар икки гуруҳ ўртасидаги ғазаб ҳали сўнгани йўқ эди. Ҳамма нарса ҳарбий ҳаракатлар яқиндагина тўхтаганидан далолат бериб турар, ҳамма нарса сулҳнинг мустаҳкам бўлиши мумкин эмаслигидан дарак берарди.

*Олтин арслон* меҳмонхонаси солдатлар билан тўлиб-тошган. Уларнинг талаффузи ва ўзларига хос кийимларидан немис суворилари эканлиги сезилиб турибди. Улар *рейтарлар*<sup>10</sup> деб аталарди. Протестантлар саҳийлик билан ҳақ тўлашга қодир бўлган вақтларида улар протестантларга ўз хизматларини таклиф қилиб, етиб келишарди. Чапдаст сувори ва уста мерган бўлмиш рейтарлар жанг пайтида қудратли куч эдилар. Бироқ уларнинг бошқа шуҳратлари ҳам бор эди — улар ғалабадан кейин ҳамма нарсани шафқатсизлик билан талон-торож қилишда донг чиқаришган эди. Ростини айтганда, улар бу шуҳратга чиндан ҳам ортиқроқ сазовор эдилар.

Эллик суворидан иборат меҳмонхонага жойлашган отряд Орлеанда гарнизон хизматини ўташ учун кеча Париждан йўлга чиққан эди. Баъзилар деворга қантарилган отларини тозалаш билан овора, баъзилар ўт ёқиб, сихларини айлантиришяпти, хуллас, ўзларига овқат пиширишяпти. Шўрлик меҳмонхона хўжайини қўлида қалпоғини эзгилаганча, кўзида ёши милтираб, ўчоқ

бошидаги тартибсизликка термилиб турибди. Унинг товуқхонасини йўқ қилишди, қазноғини талашди; солдатлар шишаларнинг пўкагини чиқазишга эриниб, томоғидан шартта-шартта синдириб ташлайверишди. Ҳамма кулфатларнинг устига-устак, хўжайин ўзига душманларча муомала қилаётган одамлардан кўрган зарарларини ундириб олишни хаёлига ҳам келтиролмаслигини яхши биларди. Ҳолбуки, ҳарбий интизомни бузувчилар ҳақида қиролнинг фармони бор эди. У бешафқат замонларда — уруш бўладими, тинчликми, барибир — қуроли кўшин доим маҳаллий аҳолининг боқувида бўлар эди. Бу тартибни ўзгартириш ҳақида ҳеч ким чурқ этишга ботина олмасди.

Ёғу қурумдан қорайиб кетган дуб стол ортида рейтарларнинг капитани ўтирибди. У элликларга кирган, баланд бўйли, қирра бурунли, юзи тунд, семиз одам эди. Унинг сийрак сочлари оқара бошлаган, юзида чап қулоғидан бошланиб қалин мўйлов ичида йўқолиб кетадиган энли чандиғи бор эди. Совути билан дубулғасини ечиб қўйибди. Венгер чармидан тикилган камзули ҳадеб қурол ишқаланаверганидан қорайиб кетибди, баъзи жойлари ҳафсала билан ямалган. Қиличи билан тўппончалари курси устида ётибди — зарур бўлиб қолса, капитан бир зумда уларни қўлга олиши мумкин. Ёнида фақат энли ханжари қолган: у пайтларда тadbиркор одам бу қуролни фақат ўринга ётганидагина қўлидан қўярди.

Унинг чап томонида икки бети қип-қизил, бўйи баста келишган ёш йигит ўтирибди. Унинг камзулига кашта тикилган, умуман, унинг либоси кўшнисининг либосидан башанглиги билан ажралиб турибди. Ҳолбуки, у бор-йўғи штандарт-юнкер, кўшнисини эса капитан эди.

Шу стол ёнида ўтирган иккита ёш жувон уларга улафат эди. Иккови ҳам йигирмалар атрофида бўлиб, устида ўзгалар устидан тушган либос. Афтидан, бу кийимлар ўлжага олинган эди. Либосларида фақирлик билан ҳашамат ғалати бир тарзда бирлашиб кетган эди. Бирининг устида аллақачон ўнгиб, тусини йўқотган зарҳал нимча билан оддий чит юбка, еккинчисининг устида духоба кўйлак билан эркаклар киядиган хўроз папи қалдалган шляпа. Қизларнинг иккови ҳам хушрўйгина. Уларнинг дадил нигоҳи ва тап тортмай гапириши солдатлар орасида яшашга кўникиб қолганларидан далолат берарди. Улар биронта аниқ ниятлари бўлмаган ҳолда Германиядан йўлга чиқишган эди. Духоба кўйлакли жувон лўли эди — у картада фол кўрар ва мандолина ча-

лиши биларди. Иккинчи жувон сал-пал жарроҳликдан хабардор бўлиб, чамаси, штандарт-юнкернинг бошқача бир меҳрига сазовор кўринарди.

Стол атрофида ўтирганларнинг ҳар қайсисининг рў-парасида шиша билан стакан турар ва тўртовлон кечки овқатни кутиб, шароб ичиб, гаплашиб ўтиришарди.

Аmmo очлик кор қилиб, суҳбат унча қовушавермади. Шу пайт меҳмонхона дарвозаси олдига баланд бўйли, анча башанг кийинган, чиройли саман от минган ёш йигит келиб тўхтади. Карнайчи рейтар ўтирган курсисидан туриб бориб, нотаниш йигитнинг отининг жиловидан олди. Нотаниш йигит буни ҳурмат нишонаси ўрнида қабул қилиб, миннатдорчилик изҳор этмоқчи бўлди. Аммо орадан кўп ўтмай, адашаётганини билиб қолди. Негаки, карнайчи отнинг оғзини йириб, билагон одамдек, унинг тишларини кўрди, кейин бир неча қадам тисариллиб, зотдор жониворнинг оёқларига, яғринига сичков назар ташлаб, мамнуният билан бош ирғади.

— Отингиз жуда яхши экан, *жаноф!*— деди у бузуқ тилда ва яна бир неча немисча сўз айтган эди, буни эшитиб, шериклари қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди. Бу чоқ карнайчи шериклари даврасига яна қўшилиб олган эди.

Бундай такаллуфсизлик йўловчига ёқмади. Бироқ у карнайчига нафратли нигоҳ ташлаш билан қаноатланди, кейин бировнинг ёрдамисиз ўзи отдан тушди.

Айни шу дақиқада ҳовлига чиққан меҳмонхона хўжайини унинг қўлидан жиловини олди-да, рейтарлар эшитмайдиган қилиб қулоғига шивирлади:

— Марҳамат қилинг, афандим! Лекин яхши вақтда келмадингиз: авлиё Христофорнинг қаҳрига учрагур бу малъунлар жиҳозларимнинг ярмини синдириб битирди. Сиз билан бизга ўхшаш мўмин христианларга сира тўғри келмайди булар.

Йигит истеҳзо билан жилмайди.

— Булар ким ўғи, протестантларнинг сувориларими?— сўради у.

— Ундан баттарроқ — рейтарлар, — деб изоҳ берди трактирчи. — Келганларига ҳали бир соат ҳам бўлгани йўғу, анжомларимнинг ярмини синдириб битиришди, уйнинг куйгурлар. Ўзлари ҳам, бошлиқлари ҳам малъун адмирал Шатильондайи учига чиққан муттаҳам экан.

— Соқолингиз оппоғу, лекин жуда ҳам эҳтиётсиз экансиз! — деди йигит. — Борди-ю, протестантларга дуч келиб қолган бўлсангиз, унда нима қилардингиз? Буна-

қа гапларингиз учун пешанангизни сиаб қўймас эди.

Шу сўзларни айтар экан, йигит оқ теридан тикилган этигига хипчин билан шатиллатиб уриб қўйди.

— Нима?.. Нима деяпсиз?.. Сиз — гугенотми?.. Яъни, протестантмисиз, демоқчимаң?— деди ҳашг-манг бўлиб трактирчи.

У бир қадам тисарилиб, янги келган одамга бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Гўё эғнидағи кийим-бошидан қайси динда эканини аниқлашга имкон берадиган бирон нишонани қидириб топмоқчидай эди. Йигитнинг кийими ва кулиб турган самимий чеҳрасини кўриб, трактирчи бир оз хотиржам бўлди ва аввалгидан ҳам пастроқ овозда шивирлади:

— Протестант зангори бахмал камзул киярмиди? Гугенот испан шалворини кийганини кўрганмисиз? Йўқ, бўлмаган гап. Мени алдолмайсиз, йигитча! Даҳрийлар бунақа башанг кийинишмайди. О, Биби Марям! Энг асил духобадан тикилган камзул-а! Уларга ўхшаган ялангоёқлар учун бу етти ухлаб, тушида ҳам кўрмаган зеб-зийнат-ку!

Шу онда хивич ҳавони ёриб ўтиб, шўрлик трактирчининг юзига тушди — суҳбатдоши ўзининг қайси динда эканини унга шу йўл билан намойиш қилган эди:

— Лаънати лақма! Тилингни тийиб юришни сенга ўргатиб қўяман! Қани, олиб бор отимни отхонага! Қараб тур, олдидан ем-хашак аримасин!

Трактирчи бўйинини эгиб, шивирлаб, немис даҳрийларининг ҳам, француз даҳрийларининг ҳам шаънига лаънатлар ёғдириб, отни саройга ўхшаган кулбага етаклаб кетди. Отга қандай муомала қилар экан, деб йигит унинг орқасидан бормаганида, шак-шубҳасиз, бечора жонивор оч қолган бўларди, негаки, трактирчининг наздида даҳрийнинг оти ҳам даҳрий-да!

Нотаниш йигит ошхонага кирди-да, сарғиш-қорамтир пат қадалган кенг соябонли шляпасини нозик ҳаракатлар билан бошидан олиб, саломлашди. Капитан унинг таъзимига жавоб қилди, сўнг икковлари бир неча муддат илдаммай бир-бирларини кўздан кечиришди.

— Капитан!— деб гап бошлади нотаниш йигит.— Мен дворянман, протестантман, бу ерда маслакдошларимни учратганимдан гоят хурсандман. Агар сиз эътироз билдирмасангиз, кечки овқатни бирга қилсак.

Нотаниш йигитнинг башанг либоси ва ибораларининг латифлиги капитанда яхши таассурот қолдирди. У бирга

овқатланишга бажону дил рози бўлди. Боя эслатиб ўтганимиз ёш лўли қиз Мила шоша-пиша сурилиб ноганиш йигитга жой берди. Табиатан бировнинг хизматини қилишга мойил бўлганидан, ҳатто ўз стаканини ҳам берди, капитан эса шу ондаёқ унга май қуйди.

— Менинг исми шарифим Дитрих Горнштейн,— деди капитан йигит билан қадаҳ уриштирар экан.— Сиз, албатта, капитан Дитрих Горнштейнни эшитган бўлсангиз керак? Дре ёнидаги жангда, кейин Арпеле-Дюк ёнидаги жангда Шум йигитларга бош бўлганман.

Нотаниш йигит шу йўл билан ундан ҳам исми шарифини сўрашаётганига фаросати етди.

— Афсуски, капитан менинг номим сизникидек машҳур эмас,— деб жавоб берди у.— Мен ўзим тўғримда гапиряпман, негаки, отамнинг номи граждандар уруши вақтида жуда машҳур эди. Мени Бернар де Мержи дейишади.

— Бу номни мен билмай, ким билсин?— деб нидо қилди Дитрих Горнштейн, сўнг стаканига тўлдириб май қуйди.— Мен, жаноб Бернар де Мержи, отахонингизни яхши танийман. Биз у киши билан биринчи граждандар уруши вақтида танишиб қолган эдик. Жуда қадрдон бўлганмиз. Отангизнинг саломатлиги учун, жаноб Бернар!

Дитрих Горнштейн стаканини кўтариб, отрядига немисчалаб бир нарсалар деди. Кейин у стаканини оғзига олиб бориши билан ҳамма суворилар қалпоқларини осмонга отиб, бир нималар деб қичқиришди. Меҳмонхона эгаси буни, қирғинга чақириқ, деб ўйлаб, тиз чўкди. Бернарнинг ўзи эса бундай ғалати иззат-икромни кўриб, бир оз таажжубланди. Буларга жавобан, немисча хушмуомаланинг ана шундай изҳори учун миниатдорчилик билдиришини ўз бурчи деб билган де Мержи капитаннинг саломатлигига қадаҳ кўтармоқчи бўлди.

У келмасидан олдиноқ пишалар қақшатқич ҳужумга дучор бўлишган эди, шунинг учун янги қадаҳга май етмай қолди.

— Тур ўрнингдан, мунофиқ!— мурожаат қилди капитан меҳмонхона эгасига. У ҳамон тиз чўкканча ўтирар эди.— Тур ўрнингдан, май олиб кел! Кўрмаяпсанми, пишалар бўм-бўш?

Таъсирлироқ бўлсин учун штандарт-юнкер унга бўш шишани олди. Хўжайин қазноққа қараб югуриб кетди.

— Анча муттаҳам экан,— деди де Мержи,— лекин шишангиз унга теккапида, омон қолмас эди.

— Сатқан сар!— деди қаҳ-қаҳ уриб штандарт-юнкер.

— Папистнинг боши шишадан пишиқроқ,— деб гапга аралашди Мила.— Лекин бўм-бўш, хувиллаган бўлади.

Штандарт-юнкер янада баландроқ овозда кулди, қолганлар ҳам унга қўшилди, ҳатто Мержи ҳам кулгига эш бўлди. Лекин, рост, уни жилмайишга мажбур қилган нарсаларни қизнинг заҳарханда ҳазили эмас, дўндиқ лаблари бўлди.

Май келтирилди, кейин кечки овқат тортилди. Бир оз сукутдан сўнг яна капитан гап бошлади. Бу гапнинг оғзи овқатга тўла эди.

— Нега энди жаноб де Мержини танимас эканман! Шаҳзоданинг биринчи юриши бошланганида, у полковник лавозимида бўлиб, пиёда аскарлар қисмида хизмат қиларди. Орлеанни биринчи марта қамал қилиш чоғида биз у билан икки ой бир уйда турганмиз. Қалай, ҳозир саломатлиги дурустми, кайфи чоғми?

— Худога шукур, қартайиб қолганига қарамай, анча тетик. У менга рейтарлар тўғрисида, Дре яқинидаги жанг вақтида уларнинг довурак ҳужумлари ҳақида кўп гапириб берган.

— Мен унинг катта ўғлини ҳам билардим... Акангиз, капитан Жоржни!.. Яъни... ҳалиги гапдан аввалроқ билгандим демоқчиман.

Мержи сезиларли даражада хижолат тортди.

— Жуда довурак йигит эди,— деб давом этди капитан,— аммо, жин урсин, ҳаддан зиёд қизиққон эди! Отахонингизга жуда раҳмим келади. Менимча, ўғлининг хиёнати уни қаттиқ изтиробга солган бўлса керак.

Мержи сочларининг остигача қизариб кетди. У акасини оқлаш учун бир нималар деб мпнирлади, лекин сезилиб турардики, у қалбининг ич-ичида акасини рейтарлар капитанидан ортиқроқ қораларди.

— Бу гап сизга хуш келмаяпти, шекилли?— деди Дитрих Горнштейн.— Майли, бошқа гаплардан гаплашайлик. Бу протестантлар учун катта йўқотиш, қирол учун қимматбаҳо тошилдиқ. Эшитишимча, у қирол ҳузурида иззат-ҳурматда эмиш.

— Сиз, ахир, куни кеча Париждан чиққансиз,— деб гапни бошқа томонга бурмоқчи бўлди Мержи.— Адмирал Париждами? Уни, албатта, кўрган бўлсангиз керак? Хўш, ҳозир аҳволи қалай?

— Биз йўлга чиққанганимизда, у сароӣ аҳли билан бирга Блуадан қайтиб келди. Кайфияти жуда яхши, ўзи тетик ва бардам. Унга ўхшаган азамат ҳали яна йигир-

мата граждaн урушига «миқ» этмай бардош бера олади. Ҳазрати олийлари уни чунонам хуш кўрадиларки, ҳам-ма папистлар ҳасаддан «ёриламан» дейди.

— У бунга лойиқ! Қирол ундан чексиз миннатдор.

— Бу гапни эшитинг: мен кеча Луврда бўлган эдим. Зинада қирол адмиралнинг қўлини сиққанини кўрдим. Гиз уларнинг орқасидан эгаси урган итдай хомуш келарди. Биласизми, ўша пайт хаёлимга нима келди? Гўё бир одам ярмаркада арслонни кўрсатяпти-ю, худди кучукдай, уни қўл беришга мажбур қилипти. Раҳнамо ўзини дадилликка солиб, сир бой бермаётган бўлса-да, ҳар ҳолда қўлини ушлаб турган панжаларнинг даҳшатли тирноқлари ҳам борлигини бир лаҳза бўлса-да, унутмайди. Ҳа, ҳа, агар қирол ўша дақиқада адмирал тирноқларини ҳис қилмаган бўлса, турган жойимда тил тортмай ўлай.

— Адмиралнинг қўли узун,— деб қўшиб қўйди штандарт-юнкер. (Протестантлар қўшинида бу ибора мақолга айланиб кетган эди.)

— У ўз ёшига нисбатан ҳали ҳам келишган эркак,— деди Мила.

— Мабодо менга, «уними ё ёш папистни танлайсанми», дейишса, мен жазманликка адмирални танлаган бўлардим,— деб гапга қўшилди штандарт-юнкернинг маҳбубаси Трудхен.

— У динимизнинг таянчи,— деди Мержи. Адмирал шаънига айтилаётган мақтовларда унинг ҳам иштирок этгиси келиб қолди.

— Лекин интизом масаласига келганда, у ҳаддан ташқари қаттиққўл,— деди капитан бош чайқаб.

Штандарт-юнкер маънодор қилиб кўз қисиб, семиз башарасини буриштирди. Бу унинг жилмайгани эди.

— Буни мен сиздан кутмаган эдим, капитан,— деди Мержи.— Ўз қўшинидан интизомга қатъий рия қилишни талаб қилар экан, бунинг учун адмиралга таъна қилиш кўпни кўрган солдатга ярашмайди.

— Ҳа, албатта, интизом керак. Лекин бошқа томон ҳам бор-да! Солдатнинг қисмати енгил эмас. Шундоқ экан, озиб-ёзиб вақтни кўнгилхушлик билан ўтказиш имкони туғилиб қолса, унга хушчақчақлик қилишни ман этиб бўлмайди. Лекин, сирасини айтганда, ҳар тўқисда бир айб, дейишади. Гарчи адмирал мени дорга тортган бўлса ҳам, мен унинг саломатлигига қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан.

— Адмирал сизни дорга тортганми?— деб қайта

сўради Мержи.— Лекин афти ангорингиз жойида; заррача ҳам осилган одамшикига ўхшамайди.

— Ҳа, *жин урсин*, у мени дорга осган. Лекин мен кек сақлаётганим йўқ. Унинг саломатлигига ичайлик!

Мержи суриштиришда давом этмоқчи эди, бироқ капитан стаканларни тўлдириб, шляпасини бошидан олдида, сувориларига уч карра «ура» деб қичқиришни буюрди. Мержи яна рейтарга мурожаат қилди:

— Қани, айтинг, капитан, нима сабабдан сизни дорга осилган эди?

— Арзимаган сабаб билан: Сентонжда хароб бир мопастирь, аввал, талон-торож қилинганди, кейин тасодифан ўт тушиб, ёниб кетди.

— Тўғри, лекин монахлардан *ҳеч қайсиси* у ердан чиққани йўқ,— деб гап қўшди штандарт-юнкер ва хахолаб кулиб юборди — унинг зукколиги ўзига нашъа қилган эди.

— Нима аҳамияти бор? Эртами, кечми — барибир, бу аблаҳларнинг ҳаммаси ўтга тушади. Лекин, шундоқ бўлса ҳам, ишонасизми, жаноб де Мержи, адмирал мендан чинакамига хафа бўлди. У мени ҳибсга олиш ҳақида буйруқ берди, бош профос эса зудлик билан буйруқни амалга оширди. Адмиралнинг ҳамма мулозимлари, дворянлар, амалдорлар, Ланунинг ўзи (маълумингизким, Лану аскарларга ён босмайди — уни *Гурзи* деб атаганлари бежиз эмас), лашкарбошиларининг ҳаммаси адмиралдан мени афв этишни илтимос қилишди, бироқ у сира кўнмади. Бўрига ем бўлгур мендан шу даражада ғазабланган экан. Ғазабдан тиш ковлагичини бутунлай гажиб ташлади. «Бизни Монморанси тасбеҳидан ва адмиралнинг тиш ковлагичидан ўзинг асра, тангрим», деган иборани эшитган бўлсангиз керак, албатта?! Адмирал нима деди денг? «Эй тангрим! Мен гуноҳкор бандангни кечир! Талончи аёлни қизлигидаёқ маҳв этиш керак, негаки, у бизнинг бепарволигимиз оқибатида мартабали хопимга айланиб олса, ҳаммамизни маҳв этади». Шу орада ер остидан чиққандек, қўлтиғига Ижил қистирган руҳоний пайдо бўлди, унинг ҳамроҳлигида мени дуб остига бошлаб боришди... Дуб ҳозир ҳам кўз ўнгимда турибди: бир шохи тарвақайлаб кетган, гўёки атайин мени осил учун ўсгандай... Бўйнимга сиртмоқ солишди. Ҳар гал уни эсга олсам, томоғим қуриб, янтоқ тиқилгандай бўлади.

— Бу ерда уни ҳўллаб олишнинг иложи бор,— дея Мила стаканга май тўлатиб унга узатди.



Капитан уни бир кўтаришда ичиб, ҳикоясини да-  
вом эттирди:

— Аллақачон жонимдан умидимни узиб қўйгандим. Ўзимга-ўзим дуб ёнғоғидек кўриниб кетдим. Шунда бирдан ярқ этиб миямга бир фикр келди. «Жаноби олийлари!— дедим.— Наҳотки, Дре яқинида Шум йигитларга сардорлик қилган бир одамни кўзингиз қийиб, осиб юбораверсангиз?» Қарасам, тиш ковлагичини қўйиб, бошқасини оляпти. «Жуда соз!— деб ўйладим ўзимча.— Бу яхшилиқ аломати!» У Кормье деган бир саркардани олди-да, чақириб, унинг қулоғига бир нарсалар деб шивирлади. Кейин профосга қараб, «Қани, торт арқонни!» деди-да, ўзи нарига кетди. Мени қоидаси билан осибди, аммо азамат Кормье қиличини суғуриб, арқонни кесиб юборди, мен эса қисқичбақадай қип-қизил аҳволда ерга гушиллаб йиқилдим.

— Сизни табриклайман,— деди Мержи,— осон қу-  
тулибсиз.

У диққат билан капитанга тикилди — афтидан, дор-га осилишдай жазога сазовор бўлган одам билан улфатчилик қилиб ўтирганидан бир оз хижолат чекаётгандай кўринарди. Бироқ, ўна даҳшатли замонда ҳар қадамда жиноят содир бўлиб турарди, шунинг учун жинояткорларни ҳозиргидек қаттиқ қоралаб бўлмайди. Бир гуруҳнинг шафқатсизлиги маълум даражада иккинчи томоннинг жавоб тадбирларини оқлайди, диний заминда тугилган нафрат миллий бирлик туйғусини деярли бўғиб ташлаган эди. Яна шуниси ҳам борки, очигини айтганда, Мила зимдан Мержигга кўз қирини ташлаб ўтирарди. Қиз эса борган сари унга манзур бўлиб бормоқда эди. Майнинг кайфи ҳам бор — у рейтарларнинг чўян бошига кўрсатаётган таъсирдан кўра Мержининг навқирон миясини тезроқ забт этмоқда. Хуллас, шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб, Мержини ўз улфатларига нисбатан сермуруват муомалага ундамоқда эди.

— Мен бир ярим ҳафтагача капитанни усти ёпиқ аравада яшириб юрдим. Уни фақат кечаларни чиқарар эдим,— деди Мила.

— Мен унга егулик келтириб турардим,— деб гапга қўшилди Трудхен.— Ишонмасанглар, ўзи айтсин.

— Адмирал ўзини Кормьедан қаттиқ ғазабланган қилиб кўрсатди, аммо иккови ҳам майнавозчилик қилишган эди. Кейин мен анча вақтгача армиянинг кетидан эргашиб боравердим. Адмиралнинг кўзига кўринишга юрагим дов бермади. Ниҳоят, Лоньяк қамали вақти-

да у менга хандақда рўпара келиб қолди-да: «Дўстим Дитрих! Модомики, сени осиишмаган экан, энди отиб ташлай қолишсин!» деди. Шундай деб у истехком дево-ридаги ўпирилган жойга ишора қилди. Унинг нима демоқчи эканини дарров тушундим ва Лоньякни хужум билан забт этишга дадил отландим. Эртаси куни эса қўлимда ўқ тешиб ўтган шляпани ушлаб, катта кўчада унинг ёнига бордим. «Жаноб олийлари!— дедим.— Мени қандай осиишган бўлсалар, шундай отишди». Адмирал хиёл кулди-да, менга ҳамёнини узатди. «Ма,— деди у,— бунга янги шляпа сотиб ол!» Ушандан бери икковимиз иноқмиз... Лекин, Лоньякни талаганда ҳам чакана таламадик-да! Эсласам, сўлагим оқади.

— Ушанда жуда ҳам чиройли шоҳи кўйлакларни ўлжа олгандик!— хитоб қилди Мила.

— Ич кийимларидан ҳам роса тушувди,— таъкидлади Трудхен.

— Катта монастирдаги монах аёлларнинг ҳам кўп додини бергандик!— гапга аралашди штапдарт-юнкер.— Икки юзта отлиқ аркебузчи юзта монах аёлга қўноқ бўлувди.

— Йигирмадан ортиқ монах аёл папизмдан воз кечувди — гугенотлар уларга шунчалик манзур бўлибди,— деди Мила.

— Аргулетларимга<sup>11</sup> қараб, одамнинг ҳаваси келарди!— хитоб қилди капитан.— Улар черков либосларига бурканиб олиб, отларини суғоргани олиб боришарди. Отларимизга черков столларидан охур ясаб бергандик, ўзимиз кумуш қадаҳлардан черков шаробини ичувдик.

У бошини ўгириб, яна вино чақирмоқчи бўлди, аммо трактирчининг юзида сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган даражада даҳшат билан қўлини қовуштириб, кўзини осмонга қадаб турганига кўзи тушди.

— Аҳмоқ!— деб елкасини қисди довиюрак капитан Дитрих Горнштейн,— фақат учига чиққан аҳмоқларгина католик попларининг олди-қочди гапларига инонади. Гапни эшиттинг, жаноб де Мержи. Монконтур яқинидаги жангда мен тўппончадан ўқ узиб, герцог Анжуйскийнинг мулозимларидан бўлган бир дворянни жойида тил тортқизмай қўйдим. Кейин камзулини ечиб олиб, қорнида нима кўрдим денг? Бир лахтак шоҳи. Унга авлиёларнинг номи тикилган экан. Бу ўқдан асрар эмиш. Гўрними? Мен унга протестантларнинг ўқи тешиб ўтолмайдиган тумор йўқлигини исбот қилиб бердим.

— Ҳа, туморлар кўп,— деб гапни илиб кетди штандарт-юнкер.— Менинг юртимда парча-парча пергамент сотишади. Гўё у темир ва қўрғошпидан асраб эмш.

— Нидерландияда асил пўлатдан Якоб Леско ясайдиган совутнинг донғи кетган. Мен ўшанақа совутни афзал кўраман,— деди Мержи.

— Лекин мен ҳар ҳолда аминманки, одам ўқ қор қилмайдиган аҳволга эришиши мумкин,— деб яна гап бошлади капитан.— Дреда бир дворянини ўз кўзим билан кўрганман — ўқ нақ кўкрагига тегди. Аммо у сеҳрли бир дорини билар экан, жанг олдидан ўшани баданига суриб олган экан. Ундан ташқари, ҳўкиз терисидан тикилган кўкракпешни бор эди. Баданида бирон жойи ҳам кўкармабди. Одатда зарбдан кейин из қолади — ўша ҳам йўқ.

— Дворянини ўқдан сақлаб қолиш учун кўкракпешнинг ўзи кифоя қилган деб ўйламайсизми?

— Эҳ, французлар, французлар, ўлгудай ишонмайдиган халқсиз-да! Хўп, бошқа бир нарсани айтиб берай. Менинг кўз ўнгимда силезиялик бир аслаҳасоз қўлини столга қўйиб турди, одамлар унга пичоқ уришди, аммо териси ҳатто шилинмади ҳам. Куляпсиз-а? Бунга афсона деяпсизми? Унда Миладан сўранг. Унинг юртида жодугарлик ҳам шунчалик оддий нарса ҳисобланади. Мила сизга кўпгина даҳшатли воқеаларни айтиб бериши мумкин. Баъзан узоқ куз оқшомларида очиқ ҳавода гулхан теварагида давра қуриб ўтирардик, Мила эса бизга ҳар хил саргузаштларни гапириб берарди. Унинг гапларидан сочимиз тикка бўлиб кетарди.

— Мен бажону дил эшитардим,— деди Мержи.— Гўзал Мила! Барака топинг. Айтиб бера қолинг.

— Рост, Мила,— деб маъқуллади капитан,— биз манагини ичиб қўйишимиз керак. Уигача сен бирор воқеани айтиб бера қол.

— Ундай бўлса, диққат билан эшитинглар,— деди Мила.— Сиз эса, йигитча, ҳеч нарсага ишонмас экансиз. Ишонмасангиз — ишонманг, майли, лекин гапга халақит берманг.

— Нега менинг тўғримда бунақа фикрдасиз?— сўради ярим овозда Мержи Миладан.— Ростини айтсам, аминманки, сиз мени сеҳрлаб қўйдингиз: аллақачон сизга ошиқу беқарор бўлиб қолдим.

Мержи лабларини унинг ёноғига яқинлаштирди, аммо Мила енгил ҳаракат билан уни четлаштирди ва

ҳамма қулоқ солаётганига амин бўлмоқ учун хонага кўз югуртириб, гапини саволдан бошлади:

— Капитан! Сиз, албатта, Гамельнда бўлгансиз, а?

— Бирон марта ҳам бўлмаганман.

— Сиз-чи, юнкер?

— Мен ҳам бўлмаганман.

— Нечук? Наҳотки ичингизда ҳеч ким Гамельнда бўлмаган бўлса?

— Мен у ерда бир йил турганман, — деди суворилардан бири столга яқинлашиб.

— Ундай бўлса, Фриц, сен Гамельн ибодатхонасини кўргансан, а?

— Кўрганда қандоқ!

— Рангдор деразаларини ҳам кўрганмисан?

— Ҳа, албатта.

— Дераза кўзларида қандай сурат бор?

— Дераза кўзларидами? Чап деразага, эсимда бўлса, новча барзанги одамнинг сурати солинганди. У сурнай чалаётган эди, унинг орқасидан болалар югуриб кетишмоқда эди.

— Тўғри. Энди сизларга ана шу барзанги одам билан болалар воқеасини айтиб бераман.

Кўп йиллар муқаддам Гамельн шаҳрини сон-саноксиз каламушлар босиб, аҳоли бу офатдан бениҳоя азият чеккан эди. Шимол томондан қуюндай ёпирилиб келган каламушларнинг кўплигидан ҳамма ёқ қоп-қорайиб кетганди. Бу махлуқлар юрган кўчалардан извошчилар ҳам ўтишга ботинолмай қолишди. Каламушлар дуч келган нарсани кўз очиб-юмгунча кемириб таплашарди. Мен манави хуштаъм шаробни қандай осон сипқарсам, каламушлар омбордаги қоплоғлик ғаллани ҳам шунчалик осонгина гумдон қилишарди.

Мила винони ичиб, оғзини артди-да, яна давом этди:

— На қопқон, на тузоқ, на заҳар уларга кор қилди. Бремендан баржада юз мингтача мушук олиб келинди, аммо бу ҳам фойда бермади. Мингта каламушни йўқ қилишса, унинг ўрнига аввалгилардан ҳам очофатроқ ўн мингта янгиси пайдо бўлаверди. Хуллас, бир халоскор келиб, бу офатдан қутқармаса, Гамельнда бир кафт ҳам дон қолмас, аҳолининг очликдан қирилиб кетиши муқаррар эди.

Кунлардан бир куни жумада бургомистрнинг олдида новча, офтобда қорайган, чайир, кўзи чақчайган, оғзи катта, устига қизил камзул, бошига учли қалпоқ кийган, кенг шалворига ленталар тақиб олган, кул ранг пай-

поқли, бошмоғига оловдай қип-қизил чамбар таққан бир одам кириб келади. Ёнбошида чарм халтаси осиглик. У ҳозир ҳам жонлидай кўз ўнгимда турибди.

Ҳамманинг диққат-эътибори Мила кўз узмай қараб турган деворга қадалди.

— Сиз уни кўрганмидингиз?— деб сўради Мержи.

— Ўзим кўрмаганман, уни бувим кўрган экан. Бувим бу одамнинг қиёфасини шу қадар аниқ тасаввур қилардики, ҳатто унинг суратини ҳам чизиб бериши мумкин эди.

— Хўш, у бургомистрга нима депти?

— У юз дукат эвазига шаҳарни офатдан халос этишни таклиф қилибди. Албатта, бургомистр билан шаҳар аҳолиси ҳеч қандай гап-сўзсиз рози бўлишиб, қўл олишибди. Шунда нотаниш одам бозор майдонига чиқибдида, ибодатхонага орқасини ўгириб туриб,— шуни эслаб қолишинларни сўрайман,— халтасидан бронза сурнай олиб, аллақандай бир куйни чала бошлабди. Бу куйни немис машшоқларидан ҳеч ким ҳеч қачон чалмаган экан. Куйни эшитиши биланоқ ҳамма омборлардан, ҳамма коваклардан, бўғотлардан унинг ёнига юзлаб, минглаб каламуш билан сичқонлар ёпирилиб келаверишибди. Нотаниш одам чалишдан тўхтамай, Везерга қараб йўл олибди, қирғоқда шалворини ечиб, сувга тушибди, унинг орқасидан эса каламушлар ҳам сувга тушаверишибди. Турган гапки, уларнинг ҳаммаси фарқ бўлиб кетибди. Шаҳарда фақат битта каламуш қолибди — негалигини ҳозир айтиб бераман. Жодугар,— нотаниш одам, албатта, жодугар эди,— сувга тушишга улгурмай қолган битта каламушдан сўрабди: «Нега Клаус деган қари каламуш ҳанузгача келгани йўқ?»— «Афандим, у қариликдан юролмай қолган»,— деб жавоб берибди, каламуш. «Ундай бўлса бориб, олиб кел!»— дебди унга жодугар. Каламуш орқасига қайтиб, шаҳарга борибди ва кекса семиз оппоқ каламуш билан бирга қайтиб келибди. Бу каламуш шу қадар қари, шу қадар мункиллаб қолган эканки, ўзи қимирлай олмас экан. Ёш каламуш унинг думидан тортиб судраб келибди ва шу кўйи икковлари ҳам сувга кирибди ва бошқа шериклари қатори улар ҳам сувга фарқ бўлишибди. Шундай қилиб, шаҳар каламушлардан тозаланибди. Аммо нотаниш одам ҳақини олгани маҳкамага келганда, бургомистр билан шаҳарликлар энди калмушлардан қўрқадиган жойи қолмаганини эътиборга олиб, бу одамнинг эса ҳимоячиси йўқ, уни бир оз сиқувга олсак ҳам бўлаверади, деб ўйлашиб,

уялмай-нетмай, ваъда қилинган юз дукаат ўрнига атиги ўн дукаат пул беришибди. Нотаниш одам норози бўлибди — шунда уни сўкиб, ҳайдашибди. Нотаниш одам, берган ваъдаларингнинг устидан чиқмасанглар, бу сизга қимматроқ тушади, деб таҳдид қилибди. Шаҳар аҳли унинг пўписасини эшитиб, қаҳ-қаҳ уриб кулишибди-да, маҳкамадан турткилаб, ҳайдаб чиқаришибди. Бунинг устига-устак, каламушбоз, деб ҳақорат қилишибди. Болалар ҳам бу лақабни илиб олишибди-ю, унинг орқасидан бақириб-чақириб, янги дарвозагача эргашиб боришибди. Янаги жума куни қоқ пешинда нотаниш одам яна бозор майдонида пайдо бўлибди, бироқ бу гал унинг шляпаси алвон рангда бўлиб, бошига қийшайтириб қўндириб олган экан. У халтасидан аввалги сафар чалган сурнайга ўхшамаган бир сурнай олиб, чала бошлабди. У чалиши ҳамон, олти яшардан ўн беш яшаргача бўлган ҳамма болалар нотаниш одамнинг орқасидан эргашиб кетишаверибди. Шу алфозда улар шаҳарни тарк этишибди.

— Гамельн аҳли-чи? Индамай қараб тураверибдими?— деб сўрашди бир вақтнинг ўзида капитан ҳам, Мержи ҳам.

— Улар жодугарга эргашиб, Коппенберггача боришибди. У пайтларда ўша тоғда ғор бор экан — кейин унинг оғзини уриб ташлашган. Сурнайчи ғорга кирган, кетидан болалар кирган. Аввалига сурнайнинг овози аниқ эшитилиб турган, кейин тобора бўғиқроқ эшитила борган, ниҳоят, сурнай тиниб, ҳамма ёқ сукупатга чўмган. Болалар ғойиб бўлишган. Ўша пайтдан бери уларнинг қисмати номаълум.

Дўли қиз тингловчиларни кўздан кечирди — уларнинг чеҳраларидаги ифодага қараб ҳикояси қанчалик таъсир қилганлигини билмоқчи эди.

Биринчи бўлиб Гамельнда турган рейтар гап бошлади:

— Бу ҳақиқатан ҳам бўлган воқеа — Гамельнда бирор галатироқ воқеа тўғрисида гапиришадиган бўлса, шаҳар аҳлининг гапи шундай бўлади: «Бу воқеа болаларимиз ғойиб бўлгандан йигирма йил ёхуд ўн йил ўтгач содир бўлган... Фон Фалькенштейн шаҳримизни болаларимиз ғойиб бўлганидан олтинчи йил кейин талонторож қилган».

— Шуниси қизиқки, — деб яна гап бошлади Мила, — шу вақтнинг ўзида Гамельндан олисда — Трансильванияда аллақандай болалар пайдо бўлиб қолишган: улар пе-

мисча жуда яхши гапиришган, лекин қаёқдап келиб қолганларини тушунтириб бериша олмаган. Уларнинг ҳаммаси маҳаллий қизларга уйланишган ва фарзандларига она тилларини ўргатишган. Трансильванияда ҳозирга қадар немис тилида гапиришларининг боиси шунда.

— Улар жодугарнинг сеҳрига чалинган Гамельн болалари бўлса керак-да?— деб сўради Мержи жилмайиб.

— Худо ҳаққи, бунинг ҳаммаси чин!— деб хитоб қилди капитан.— Мен Трансильванияда бўлганман. У ерда немис тилда гапирадиганлар борлигини биламан. Ҳолбуки, теварак-атрофда ҳамма тушуниб бўлмайдиган аллақайси тилда гапиришарди.

Бошқа ҳамма гаплардек, капитаннинг изоҳи ҳам чинлиги билан ажралиб турарди.

— Хоҳласангиз, фол кўриб қўяй,— деб Мержига мурожаат қилди Мила.

— Бажону дил,— деб жавоб берди у ва чап қўли билан лўли қизининг белидан қучиб, ўнг қўлини унга узатди.

Мила индамай беш минутча унинг кафтига тикилиб турди. Ўқтин-ўқтин у бош чайқаб қўярди.

— Қани, айтинг, қўзим: мен севган аёлимнинг васлига етармикинман?

Мила унинг кафтига чертди.

— Ҳам бахт, ҳам кулфат,— деди у.— Мовий кўзлардан ҳар парсани — яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кутса бўлади. Лекин энг ёмони шуки, сен ўз қонингни тўкасан.

Капитан билан юнкер бундай машғум кароматдан баравар ҳанг-манг бўлиб қолишди шекилли, «чурқ» этиб оғиз очишмади.

Нарироқда тикка турган трактирчи зўр бериб чўқина бошлади.

— Ҳозир нима қилишимни айтиб берсанг, сенинг чинакам сеҳргар эканингга ишонардим,— деди Мержи.

— Мени ўпасан,— деб шивирлади Мила.

— Ие, чиндан сеҳргар экан-ку!— деб хитоб қилди Мержи ва уни ўпди.

Кейин у ярим овозда хушрўй фолбин қиз билан суҳбатини давом эттирди — уларнинг бир-бирига майллари лаҳза сайин кучайиб бораётгани кўришиб турарди.

Трудхен мандолинага ўхшаш бир чолғу асбобини қўлига олди. Унинг деярли ҳамма торлари бут эфан.

Трудхен немисча марш чала бошлади. Кейин атрофини суворилар қуршаб олганини кўриб, она тилида солдатча қўшиқ айтди. Рейтарлар овозларининг борича қўшиқнинг нақоратини олишди. Трудхенга қараб, капитан ҳам қадимий гугенотлар қўшиғини чунонам айтдики, деразалар дириллаб кетди. Қўшиқнинг оҳанги ҳам худди мазмунидек ғалати эди.

Шаҳзода Конде шаҳид бўлди,  
Дунёи фонийга кўчди у.  
Бироқ ёвга даҳшат солар  
Қиргинларда адмирал.  
Ўнг қўлида Ларошфуко  
Душманларни қувлайди.  
Унинг зарбин еган ёвлар  
Бўрилардек увлайди.

Рейтарларнинг кайфи оша бошлади — ҳар қайсиси ўзича куйлашга тушди. Полнинг усти шиша синиқларига ва овқат қолдиқларига тўлиб кетди. Сўкишлардан, қаҳқаҳалардан, мастона ашулалардан ошхонанинг девори дириллади. Бироқ орадан кўп ўтмай, Орлеан майининг кучи билан мастона зиёфат иштирокчиларининг кўпчилигини уйқу элитди. Солдатлар узун курсиларда ётиб қолишди. Юнкер эшикка иккита соқчи қўйиб, гандираклаганча, каравотга бориб ётди. Мувозанатини сақлаб қолган капитан ҳеч ёнга қийшаймай, зинадан кўтарилиб, трактирчининг хонасига кирди. Меҳмонхонадаги энг яхши хона шу бўлганидан, капитан уни ўзига танлаган эди.

Мержи билан лўли қиз-чи? Капитан қўшиғини бошлашдан анча аввалроқ уларнинг иккови ғойиб бўлганди.

*Иккинчи боб*

## МАПШАТНИНГ ЭРТАСИ

Ҳ а м м о л :

*Шу ондаёқ ҳақиқи чўзинг, афандим!*

*М о л ь е р. «Куллиги таннозлар»*

Мержи уйғонганида алламаҳал бўлиб қолганди. Унинг миясида оқшомги ўтириш ҳақидаги хотиралар аралаш-қуралаш бўлиб кетибди. Кийимлари хонада сочилиб ётибди, чамадони полда очиқ турибди. Мержи каравотга ўтирди. У хонадаги тартибсизликларни кузатаркан,



хаёлини жамлаб олмоқчи бўлгандай, пешанасини ишқар эди. Юзида ҳорғинлик ифодаси, айни чоқда, чехрасида таажжуб ва ташвиш белгилари ҳам бор эди.

Эшик ортидан тош зинада гурсиллаган қадам товуши эшитилди ва эшикни тақиллатиб ҳам ўтирмай, хонага трактирчи кириб келди. У кечагидан ҳам тундроқ эди, лекин кўзлари кечагидек қўрқув билан эмас, беписандлик билан боқарди.

У хонани кўздан кечириб чиқди ва бу ердаги тартибсизликдан даҳшатга келгандай, чўқинди.

— Эҳ!— деб хитоб қилди у.— Қим айтади сизни навқирон йигит деб? Шу пайтгача тўшакда ётибсиз-а! Қани, туринг. Сиз билан ҳисоб-китоб қилишимиз керак.

Мержи таҳдидкорона эснаб, бир оёғини олдинга узатди.

— Нега ҳамма ёқ бу қадар бетартиб? Нега чамадоним очиқ?— деб гап бошлади у. Унинг овозидаги порозилик оҳанги хўжайинниқидан ҳам ошиб тушарди.

— Нега? Нега?— деб унинг жиғига тегди хўжайин.— Мен қаёқдан билай? Чамадонингизни бошимга урамани? Уйимни бошингизга кўтариб, тўс-тўполонини чиқарган ўзингиз-ку! Пирим авлиё Евстафия ҳаққига қасам ичиб айтаманки, сиз буларнинг ҳаммасини тўлаб берасиз.

Трактирчи бу сўзларни айтар экан, Мержи қип-қизил чўғдай калта шимини кийди. Тугмаси қадалмаган чўнтагидан ҳамёни тушди. Афтидан, ҳамёнининг полга тегиши Мержи кутганидек бўлмади чоғи, у ташвишли қиёфада шоша-пиша ҳамёнини ердан олиб, ичини очди.

— Ўғирлаб кетишибди!— деб қичқирди у трактирчига юз ўгириб.

Ҳамёндаги йигирмата олтин эю ўрнига атиги иккитаси қолибди.

Эсташ амаки елкасини қисиб, нафратомуз кулиб қўйди.

— Мени тўнаб кетишибди!— деб такрорлади Мержи шоша-пиша белбоғини боғлар экан.— Ҳамёнимда йигирма эю пулим бор эди. Ҳозир уларни топиб берасан. Мени сенинг уйингда тўнашди.

— Соқолим ҳаққи қасамёд қиламанки, мен бундан беҳад мамнунман! — деди трактирчи сурбетлик билан.— Алвасти — ўғри хотинларга айланишиб нима қилардингиз! Лекин, шуниси ҳам борки,— деб илова қилди у паст овозда,— ўхшатмасдан учратмас, дейдилар. Даҳрийлару, жодугарлару товламачиларга ўхшаш дор таги-

дан қочганларнинг ҳаммаси ҳам иноқ — ораларидан қил ўтмайдиған бўлишади.

— Нима дединг, аблаҳ? — қичқирди Мержи. Дилида трактирчининг таъналари ҳақлиғини сезган сари унинг ғазаби жўшиб борарди. Ҳар қандай айбдор одам каби, у сўкиниб хумордан чиқиш имкони туғилганидан хурсанд эди.

— Нима дединг дейсизми? — баланд овозда жавоб берди трактирчи чираниб. — Сиз уйимдаги бор буди-шудимни синдириб, расво қилдингиз. Охирги сугача ҳақини тўлаб қўйишингизни талаб қилипман.

— Мен фақат ўзим учун тўлайман... Бир ливр ҳам ортиқча бермайман. Қани капитан Корн... Горнштейн?

— Қадимий хуштаъм шаробининг ўзидан икки юз шпшадан ортиқ ичилди, — деб қичқирди Эсташ амаки. — Ҳаммасининг ҳақини сиз тўлайсиз.

Мержи кийиниб бўлди.

— Қани капитан? — деб қичқирди у гулдурак овоз билан.

— Жўнаб кетганга икки соат бўлди. Қораси ўчсип! Ҳамма гугенотларни куйдириб юбормасимиздан даф бўлсин!

Жавоб ўрнига Мержи унинг қулоқ-чаккасига тортиб юборди.

Бехос еган калтагининг зарбидан трактирчи икки қадам орқага тисарилди. Шимининг чўнтагидан катта-коч пичоқнинг суяк дастаси чиқиб турарди. У апил-тапил пичоққа ёпишди. Трактирчи дабдурустан босиб келган ғазабини тиймаганда бирон кор-ҳол юз бериши турган гап эди. Лекин ақл-идрок ғазабдан устун келди. Мержининг каравотнинг бош томонида осиялик турган узун қиличга қўл чўзгани ҳам унинг назаридан четда қолмади. Бу трактирчини тенгсиз жангдан дарҳол воз кечишга мажбур қилди. У бор кучи билан:

— Талашди! Ёндиришди! — деб бақариб, зинадан югуриб пастга тушиб кетди.

Жанг майдони Мержига қолди. Бироқ бу ғалабадан бирон наф чиқишига унча ақли бовар қилмаганидан, камарини тақиб, унга тўппончасини осди, чамадонини беркитиб, кўтариб олди-да, биринчи дуч келган судьянинг ихтиёрига боришга аҳд қилди. У энди эшикни очиб, зинанинг биринчи пиллапоясига оёқ қўйган ҳам эдики, ногаҳон кўз ўнгида ёв қўшини намоен бўлди.

Олдинда қўлига даққиюнусдан қолган алебарда ушлаб олган трактирчи келарди. Унинг ортида сих ва сў-

йил кўтарган учта ошпаз йигит, энг орқада эса аркебуза ушлаган қўшни. На у, на бу томон бунчалик тез юзма-юз келишларини кутмаган эди. Рақибларни атиги беш-олтитагина пиллапоя ажратиб турарди.

Мержи чамадонини ташлаб, тўппончасини қўлга олди. Унинг бу қилиғи Эсташ амаки билан сафдошларига уларнинг жанговар тартиблари нақадар номукамал эканини ошкор қилди. Саламиндаги форслар каби улар сон жиҳатдан устунликларидан фойдаланишга имкон берадиган маррани эгаллашни лозим кўришмади. Уларнинг қўшинидаги ягона милтиқ эгаси қуролини ишга соладиған бўлса, олдидаги сафдошларини ярадор қилиши муқаррар эди, ҳолбуки, гугенот бутун зинани юқоридан настгача мўлжал остида тутиб, бир ўқ биланоқ уларнинг ҳаммасини жойларида тил торттирмай қўядигандай кўринарди. Гугенот тўппончасини шарақлатиб ўқлаган эли, буни кўриб, улар ўқ отилгандай кўрқиб кетишди. Душман сафи беихтиёр орқасига ўгирилди ва кенгроқ ҳамда қулайроқ жанг майдонини излаб, ошхонага томон жуфтакни ростлади. Тартибсиз чекинганда муқаррар тарзда юз берадиган саросимада хўжайин ўз алебардасига қоқилиб, зинадан учиб кетди. Мержи ҳиммати баланд рақиб бўлганидан тўппончадан фойдаланишни пасткашлик деб билиб, қочоқларга чамадонини улоқтириш билан кифояланди. Чамадон ҳам пиллапоялар устида тобора тезроқ иргий-иргий, уларнинг устига кўчкндай етиб борди ва ёв қўшинини узил-кесил тумтарақай қилди. Зина ёвдан халос бўлди, синиқ алебарда эса ўлкага қолди.

Мержи зинадан югуриб ошхонага тушди — у ерда ёв бир қатор бўлиб саф тартиб турган экап. Аркебузчи қуролини шай қилиб, пиликни пуфлаб ўт олдирмоқда эди. Хўжайин йиқилганида бурни пачақ бўлган экап — ҳозир у афти башараси қонга беланган ҳолда ярадор Менелай юнонлар сафининг ортига ўтиб олганидай, ўз қўшинининг орқасида турарди. Махаон ёхуд Подалириянинг ўрнини хўжайиннинг хотини эгаллаган: унинг сочлари тўзғиб кетган, қалпоғининг боғичи ечиқ. У кир сочиқ билан эрининг афти башарасини артяпти.

Мержи қатъий ҳаракат қилди. У тўғри аркебуза эгасининг устига бостириб бориб, тўппончасини унинг кўкрагига тиради.

— Пиликни ташла, бўлмаса отиб ташлайман! — деб бақирди у.

Пилик ерга тушди. Мержи унинг тутаб турган учини

этиги билан эзгилаб ўчирди. Шу лаҳзада иттифоқчиларнинг ҳаммаси якдиллик билан қуролларини ташлашди.

— Сизнинг масалангизга келсак,— деб хўжайинга мурожаат қилди Мержи,— мен боя жиндай таъзиригизни бериб қўйдим. Ўйлайманки, бундан кейин мижозларингизга дурустроқ муомала қиладиган бўларсиз. Истасам, бу ернинг судьясига айтиб, меҳмонхонагизни ёптириб қўяман. Лекин мен кек сақлайдиганлардан эмасман. Қани, қанча қарзим бор?

Эташ амаки Мержи гапираётди, тўлпоқчасининг тепкисини туширганини, кейин уни белбоғига суқиб қўйганини кўриб, анча дадил тортди ва юзини арта туриб, жаҳл билан гапирди:

— Идиш-оёқларни чил-чил қилдингиз, бекордан-бекорга мени урдингиз, бир мўмин христианнинг бурнини пачақ қилдингиз... ҳаммаёқнинг тўс-тўполоғини чиқардингиз... Билмадим, энди буларнинг ҳаммаси неча пул тураркин?

— Бўпти, бўпти,— деди истехзо билан Мержи.— Бурнингиз пачақ бўлган бўлса, унинг ҳақини тўлайман. Қўрқманг, паст кетмайман, чамамдаги баҳони бераман. Синган идиш-оёқларингизнинг ҳақини рейтарлардан талаб қилинг — бу уларнинг қилмиши. Шундай қилиб, кеча оқшомги овқат учун қанча тўлашим кераклигини айтсангиз, кифоя.

Хўжайин аввал хотинига, сўнг ошпаз йигитларга, ундан кейин қўшнисига қаради — гўё у улардан ҳам маслаҳат сўраётгандай, ҳам нажот кутаётгандай эди.

— Рейтарлар, рейтарлар!..— деди у.— Улардан ҳақ ундириш унча осон эмас. Капитан менга атиги уч ливр берди, юнкердан эса тепки едим, холос.

Мержи қолган икки тилласидан бирини чиқарди.

— Келинг, дўст бўлиб қолайлик,— деди у ва пулни Эташ амакига ирғитди, аммо трактирчи энсаси қотиб, уни илиб олмади. Пул ерга тушди.

— Бир экю, холосми?— деб хитоб қилди у.— Юзта синдирилган шишанинг баҳоси бир экюми? Талон-тороғ қилинган уйнинг баҳоси бир экюми? Шунча калтакка бир экюми?

— Бир экю-я! Ҳаммасига бор-йўғи бир экю, холос, а?— деб унинг гапини маъқулларди хотини шикоятомуз оҳангда.— Бизникида жаноб католиклар кўп қўниб ўтишади. Рост, баъзан ғалва ҳам қилишади, лекин ҳамма вақт ҳақини бекаму кўст тўлаб кетишади.

Мержининг ёнида пули бўлганда эди, у, албатта, маслакдошларининг сахийлик бобидаги шуҳратига ҳиссасини қўшган бўларди.

— Бўлса бордир,— деб қуруққина эътироз билдирди у,— аммо жаноб католикларни ҳеч ким тўнамаган бўлса керак. Ўзингиз биласиз,— деб қўшимча қилди у,— бир экюни олаверинг, бўлмаса, бундан ҳам қуруқ қоласиз.

Бу гапни айтар экан, у шундай ҳаракат қилдики, гўё пули олгани эгилаётгандай бўлди.

Хўжайиннинг хотини бир зумда пулни ердан олди.

— Қани, отимни олиб чиқинглар! Сен эса сихингни қўй, чамадонни олиб чиқ.

— Отингизними, афандим?— деб сўради Эсташ амакининг хизматкорларидан бири афтини бужмайтириб.

Трактирчи ҳар қанча хафа бўлмасин, бу сўзларни эшитини билан бошини кўтарди, унинг кўзларида аламзадалик учқунлари ялт этиб кетди.

— Отингизни ҳозир ўзим олиб чиқаман, жаноб, тақсиримнинг учқур отларини ўзим ҳозир олиб чиқаман.

Хўжайин сочиқни юзида тутгани ҳолда ҳовлига чиқди. Мержи унинг орқасидан эргашди.

Кеча бу ерга миниб келган саман оти ўрнига тиззалари қирилган, юзи чандиқ, мункиллаган қирчангини етаклаб чиққанларини кўриб, Мержи ҳанг-манг бўлиб қолди. Асил фламанд барқути қопланган эгари ўрнида ҳошиясига мис қадалган оддий солдатча чарм эгар турарди.

— Бу нимаси тагин? Менинг отим қани?

— Отингизнинг қаердалигини, афандим, протестантлардан, рейтарлардан сўрайсиз, —деб жавоб берди хўжайин ясама мутелик билан.— Отингизни донгдор ажнабийлар олиб кетишди. Отлар бир-бирига ўхшайди. Улар адашган бўлса бордир.

— Чакана от эмас экан,— деди ошпаз йингитлардан бири.— Йигирма ёшдан кам бериб бўлмайди!

— Асил жангари отлиги кўриниб турибди,— деди бошқаси.— Қаранг, манглайда қилич зарбидан чандиқ қолган экан.

— Зоти ҳам дурустга ўхшайди. Тўриқ экан. Баайни протестант пасторининг ўзи!

Мержи отхонага кирди — у ер бўм-бўш эди.

— Отимни олиб кетишларига ким йўл қўйди?— деб қичқирди у дарғазаб бўлиб.

— Нима иложимиз бор эди, афандим?— деб гапга аралашди отхонага қарайдиган хизматкор.— Отингизни карнайчи олиб кетди. У билан отимизни алмаштирдик, деди.

Мержи ғазабдан бўғилаёзган эди — у аламини кимдан олишни билмай хуноб бўлди.

— Мен капитанни топаман,— деди у ғижиниб,— капитан мени тўнаган побакорининг таъзирини бериб қўяди.

— Албатта, албатта, тўғри қиласиз, тақсир,— деб маъқуллади хўжайини.— Капитан — ҳаҳ, оти нима эди-я — юздан шундоққина кўриниб турибди — олижаноб одам.

Аммо Мержи юрагининг қаърида сезиб турардики, уни капитаннинг бевосита буйруғи билан тўнашган бўлмасалар-да, ҳар ҳолда бу иш унинг рухсати билан қилинган.

— Тақсиримнинг чамадонларини тақсиримнинг эгарларига жойлаб берайми?— деб сўради отбоқар таҳқирона эҳтиром билан.

Бу аблаҳларнинг мазахидан жўнаб кетмагунча қутулмаслигини Мержи тушунди. Шунинг учун чамадонни эгарга боғлаб жойлашлари биланоқ, у сакраб бегона эгарга миниб олди, бироқ от нотаниш одамни туйиб, маккорлик қилди: у янги хўжайиннинг чавандозлик бобидаги уқувини синаб кўрмоқчи бўлди. Лекин, кўп ўтмай, устида тажрибали чавандоз ўтирганини фаҳмлаб, ҳозир унинг ҳазил ёки эркаликни кўтармайдиган кайфиятда экашига амин бўлди. Бир неча марта қаторасига шатталаган эди, чавандоздан бу қилиғига муносиб тухфа олди — чавандоз отнинг биқинига жаҳл билан шпорини санчди. Шундан кейингина от полат қилишни маъқул кўриб, йўртиб кетди. Аммо янги хўжайинни синайман деб, анчагина куч сарфлаб қўйган эди — шунинг учун бундай вазиятда жаҳондаги ҳамма қирчангиларнинг бошига тушадиган қисмат унинг ҳам бошига тушди: жонивор кўп юрмай, гушиллаб йиқилди. Қаҳрамонимиз шу заҳот сапчиб ўрнидан турди. У унча шикастланмаган эди, аммо бошига ёғилаётган таҳқир ва мазахлардан роса фиғон чикди. У мазах қилаётганларни қиличнинг ясси томони билан калтаклаб, ўч олмоқчи бўлди, бироқ мулоҳаза юритиб кўриб, узоқдан айтилаётган таҳқирларни эшитмаётганга солиб қўя қолишга аҳд қилди. Шу кўйи у яна йўлга тушди, аммо энди аввалгидай йўртиб эмас, қадамлаб жўнади. У Орлеан йўлидан кетиб борар

экан, ортидан маълум масофада болалар югуриб борарди. Уларнинг каттароқлари Жан П...унк<sup>12</sup> ҳақидаги қўшиқни куйлашарди, кичиклари эса жон ҳолатда:

— Ур гугенотни! Ур гугенотни! Гулханга ташла уни!— деб бақирарди.

Мержи ярим миляга яқин йўлни отини лўкиллашиб босиб ўтди. Кейин бу аҳволда бугун рейтарларга етиб олиши амримахол эканига кўзи етди; ўйлаб кўриб, от, ҳеч шубҳасизки, аллақачон пуллаб юборилган, пулланмаган тақдирда ҳам бу жаноблар уни қайтиб беришни хаёлларига ҳам келтиришмайди, деган хулосага келиб, отидан бутунлай ажраганига секин-аста тан берди. Шу фикрга келиши билан, яна мулоҳаза юритиб кўриб, Орлеан йўлига юришининг ҳожати йўқлигини фаҳмлади-да, Париж йўлига бурилди. Аммо Парижга олиб борадиган катта йўлдан юрмай, пастқам йўллардан жўнади: негаки, бошига тушган кулфатларнинг шоҳиди бўлмиш машъум меҳмонхона ёнидан ўтгиси келмади. Мержи болалигидан ҳамма нарсанинг яхши томонини кўришга одатланган эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди — унга фалокатдан осон қутулгандай туюла бошлади: ахир, уни шипшийдан қилиб тўнашлари мумкин эди, ҳатто ўлдириб кетишлари ҳам мумкин эди. Ҳолбуки, нима бўлганда ҳам ёнида бир тилласи қолди. Усти боши бут, яна от ташлаб кетишибди. Рост, от жуда ночор, лекин бир амаллаб қадам босаяпти-ку! Ростини айтганда, дўндиққина Мила ҳақидаги хотиралар бир неча марта уни жилмайишга мажбур қилди. У бир неча соат йўл юрганидан сўнг нонушта қилиб олгач, ҳамёндаги йпгирма экюдан атиги ўн саккиз экюни олган бу виждонли қизнинг гоят назокат билан иш тутганини ўйлаб, унга нисбатан ҳатто меҳри товланди. Ажойиб саман отини йўқотганига тан бериши қийинроқ бўлди, аммо карнайчининг ўрнида ашаддий ўғри бўлганида, отнинг ўрнига бошқа от қолдирмаслиги турган гап эди.

Парижга Мержи оқшом пайти — шаҳар дарвозаларининг ёпилишидан сал аввалроқ кириб келди-да, Сен-Жак кўчасидаги меҳмонхонага қўнди.

САРОЙ ЕШЛАРИ

Jachimo  
 ...The ring is won.  
 Posthumus  
 The stone's too hard to come by,  
 Jachimo  
 Not a whit,  
 Your lady being so easy.  
 Shakespeare. *Cymbeline*\*.

Мержи юқори мартабали танишларим адмирал Колинъидан бир оғиз илтимос қилишади-ю, шу билан қўшин сафига кириб оламан, деб ўйлаган эди. Одамларнинг айтишича, бу қўшин тез орада Фландрияда ана шу буюк саркарданинг байроғи остида жангга кириши лозим эди. Мержи отасидан унинг ошналарига мактуб олиб келмоқда эди. Шу суянган одамлари ўзини Карлнинг саройига олиб киришади, адмиралга ҳам таништиришади, деган умидда эди. Колинъининг ўзига яраша аъён ва мулозимлари бор эди. Мержи акаси бу ерларда анчагина мўътабар киши эканини билар, лекин уни қидириб топса маъқул бўлармикин, йўқми — бунга ишончи комил эмас эди. Жорж Мержи диндан чиқиб оиладан ўзини деярли батамом узиб қўйган эди, у оила учун бегона одам бўлиб қолганди. Диний қарашлар заминида оилавий низолар у пайтларда тез-тез рўй бериб турарди. Жоржнинг отаси анчадан бери ўз ҳузурида *имонсиз* ўглини тилга олишни ман қилиб қўйганди. У бундай бағритошлигини Инжилнинг сўзлари билан оқларди. Унда айтилган: *Агар ўнг кўзинг сени йўлдан оздирадиган бўлса, уни ўйиб ол.* Ёш Бернар бу даражада бағритош бўлмаса-да, барибир, акасининг диндан чиққанини оила шаънига доғ деб биларди. Табиийки, бунинг оқибатида укалик туйғулари анча совиган эди.

\* Я к и м о

... Мана менинг узугим.

П о с т у м

Унга етиб олмоғингиз анча машаққат.

Я к и м о

Хотинингиз енгил қилди машаққатимни.

Ш е к с п п р. «Цимбелин» (ингл.)



Акаси билан қандай муомалада бўлишини ҳал қилишдан, тавсияномаларни эгаларига элтиб беришдан аввал, бўш ҳамёнини тўлдириш чорасини ўйлаш керак эди. Мержи шу мақсадда меҳмонхонадан чиқиб, Сен-Мишель кўпригидаги заргарлик дўкончасига қараб йўл олди. Бу заргар уларнинг оиласидан бир оз қарздор бўлиб, шу қарзни олишга Мержининг ишонч қоғози бор эди.

Кўприкка чиқаверишда у олифта кийинган йигитларга дуч келди. Улар бир-бирларининг қўлларини ушлаб олишиб, дарёни кўздан яшириб турган икки қатор сон-саноқсиз дўконча ва устахоналар орасидаги торгина йўлни тўсиб туришганди. Йигитларнинг орқаларидан хизматкорлари келар, улар *дуэль* деб аталган узун дудам қилич ва ханжарлар кўтариб олишганди. Ханжарнинг косаси шу қадар катта эдики, ўрни келганда бемалол қалқонлик вазифасини ўтайвериши ҳам мумкин эди. Афтидан, йигитларга бу қуроолларни кўтариб юриш оғир туюлган бўлса керак, балки хизматкорларининг кийим-бошлари банаиғ эканини кўз-кўз қилишмоқчи бўлишгандир.

Йигитларнинг бугун кайфи чоғ кўринарди — улар бетўхтов хахолаб кулиб келишарди. Ёнларидан яхши кийинган аёл ўтиб қолса, унга шаддодлик билан эҳтиромли таъзим қилишарди. Бу такасалтанглардан қай бирлари қора плашли помдор одамларни туртиб ўтишдан завқ олишади. Улар бу сурбет сарой ёшларининг шаънига шивирлаб лаънатлар ёғдириб, ўзларини четга олишарди. Улфатлардан биттасигина бошини қуйи солганча хомуш келмоқда. Афтидан, у шерикларининг бачканаликларига иштирок этгуси йўққа ўхшарди.

— Жин урсин сени, Жорж! — деб хитоб қилди ҳамроҳларидан бири унинг елкасига бир уриб. — Нега бунақа хомушсан? Чорак соатдан бери оғзингни очганинг йўқ. Ё индамасликка сўз берганмисан?

«Жорж» деган номни эпитиб Мержи сесканиб тушди, аммо шу ном билан аталган одамнинг нима деб жавоб берганини ажратолмай қолди.

— Юз пистолдан гаров ўйнайман, — деб давом этди бояги ҳамроҳи, — бирор танноз унинг юрагидан урган. Шўрлик! Сенга раҳмим келяпти. Парижлик таннозга мубтало бўлишдан ёмони йўқ.

— Жодугар Рудбекка учраш, — деб маслаҳат берди бошқа бири, — у сенга қизни иситадиган дори беради.

— Мабодо, капитан дўстимиз бирор монах жувонга хуштор бўлиб қолмаганмикин?— деб сўради учинчиси.— Бу ярамас гугенотларнинг диндори ҳам, динсизи ҳам Исонинг келинларига сира кун бермайди.

«Жорж» деб аталган йигит хомуш жавоб берди — унинг овозини Мержи дарҳол таниди:

— Бэ-э, қўйсангиз-чи, ишқий саргузаштларга қайғу-рармидим. Йўқ, гап бошқа ёқда,— дея у овозини пасайтириб илова қилди:— Мен Пондан отамга мактуб бериб юборган эдим. Понс қайтиб келиб, айтди — отам ҳали ҳам мени кечирмабди.

— Отанг эскича одам-да,— деб гапга қўшилди яна бир йигит.— Амбуазни эгаллаб олмоқчи бўлган гугенотлардан у.

Шу пайтда капитан Жорж бехосдан ўгирилиб, Берпарни кўриб қолди. У таажжубдан ҳайқириб, қучоғини очганича унга ташланди. Бернар ўйлаб ўтирмай, қўлларини узатиб, уни кўкрагига босди. Учрашув бунчалик кутилмаган тарзда рўй бермаганида у, эҳтимол, совуқроқ муомала қилишга уриниб кўрарди, аммо табиий оғанилик туйғуси ўз кучини кўрсатди. Улар узоқ айрилиқдан кейин топишган дўстлардек, қуюқ кўришишди.

Қучоқлашишлар ва дастлабки ҳол-аҳвол сўрашишлар ниҳоясига етгач, капитан Жорж бу учрашувни томоша қилиб, ағрайиб туриб қолган ошналарига ўгирилди:

— Жаноблар!— деди у.— Кутилмаган учрашувни қаранг-а! Мени афв этасизлар, энди мен сиздан ажрайман. Укам билан бир тўйиб гаплашай. У билан кўришмаганимизга етти йилдан ошди-ёв...

— Йўқ, йўқ, жин урсин сени, буни хаёлингга келтира кўрма. Тушлик буюрилган. Сен биз билан бирга тушлик қилишинг керак.

Йигит бу гапларни айтар экан, Жоржнинг этагидан маҳкам ушлаб олган эди.

— Бевиль тўғри айтади, —деди бошқаси.— Сени қўйиб юбормаймиз.

— Нега бемаъни гапни гапиряпсан?— деб давом этди Бевиль.— Укам ҳам биз билан бирга тушлик қилади. Улфатимиз бир кишига кўпаяди-қўяди, вассалом.

— Афв этасизлар мени,— деб гап бошлади Бернар,— бугун ишим кўпроқ эди. Мен мактубни элтиб беришим керак.

— Эртага элтиб берарсиз.

— Йўқ, уни, албатта, бугун етказишим керак... Ундан ташқари,— деб қўшимча қилди Бернар хижолато-

муз табассум билан,— очигини айтсам, ёнимда пулим йўқ. Мен бир жойдан пул олишим керак...

— Шу ҳам баҳонами!— деб хитоб қилишди ҳаммалари баравар.— Ҳақиқий христианлар билан ўтириб оқатлавиш ўрнига жухуддан қарз кўтаргани борасизми? Биз бунга йўл қўймаймиз.

— Менга қаранг, дўстим,— деди Бевиль белбоғига осиб қўйган узун ипли ҳамёнини мақтанчоқлик билан силкитиб.— Мен хазиначингиз бўла қолай. Кейинги икки ҳафта давомида қимордан роса омадим келган...

— Юринг, юринг! Нега бу ерда туриб қолдик. Қани, кетдик *Маврга* тушлик қилгани!— деб қичқиришди қолганлар. Капитан ҳамон дудмалланиб турган укасига мурожаат қилди:

— Мактубларни элтиб беришга улгурасан! Пул эса менда бор. Юравер биз билан. Парижда одамлар қандай яшашларини кўрасан.

Бернар рози бўлди. Акаси навбати билан ошналарини таништирди:

— Барон де Водрейль, шевалье де Ренси, виқонт де Бевиль ва ҳ. к.

Улар янги танишларига бир талай ёқимли гапларни айтишди. Бернар уларнинг ҳар қайсиси билан навбатманавбат ўпишиб чиқди. Охирида уни Бевиль маҳкам қучоқлади.

— Ўҳ-ҳў!— деб хитоб қилди у.— Оғайнилар, ўлай агар, ошнамиздан даҳрийнинг ҳиди келяпти. Бир пис-толга қарши тилла запжир тикиб, гаров ўйнайман — сиз протестантсиз.

— Сиз ҳақсиз, муҳтарам афандим, мен протестантман, лекин шуниси ҳам борки, рисоладаги протестант эмасман.

— Минг одамнинг ичидан гугенотини дарров топан. Жин урсин, бу протестант афандиларини! Уларнинг дини ҳақида гап қўзғалиб қолса, дарҳол такаббуropa қийфага кириб олишади.

— Менинг назаримда, бунақа нарсалар ҳақида ҳазил-ҳузул билан гапириб бўлмайди.

— Жаноб де Мержи ҳақ,— деди барон де Водрейль.— Лекин, сиз, Бевиль, бир эмас — бир кун муқаддас нарсаларни мазах қилганингиз учун роса таъзирингизни ейсиз.

— Манави авлиёни бир кўриб қўйинг,— деди Бевиль Бернарга.— Бузуқилик бобида ҳаммамизни йўлда қолдиради-ю, яна насихат қилиб, дийдиё ўқийди-я!

— Менинг бўлганим шу!— деб эътироз билдирди Водрейль.— Ҳа, бузуқман, шайтонга ҳай бериб, нафсимни тийишга қодир эмасман, лекин ҳурматга сазовор нарсани доим ҳурмат қиламан.

— Менинг энг ҳурмат қиладиганим... волидан муҳтарамам. Мен билган аёллар ичида энг дурусти шу киши. Ундан ташқари, азизим, католикми, гугенотми, папистми, жуҳудми, туркми, менга барибир. Улар орасидаги низолар мени синган тақачалик ташвишга солмайди.

— Имонсиз!— деб гудранди Водрейль ва дастрўмоли билан пана қилиб, оғзини чўқинтирди.

— Сен шуни билиб қўйишиңг керакки, Бернар,— деб гап бошлади капитан Жорж,— бизниң орамизда фозиллар фозили Теобальд Вольфстейниусга ўхшаган ўткир мунозарачиларни тополмайсан. Биз диний суҳбатларга унчалик аҳамият бермаймиз, худога шукур, вақтимиз етмайди — қиладиган ишимиз кўп.

— Мен ўйлайманки, ҳозиргина ўзинг помини тилга олган фозил ва муҳтарам пасторниң панд-насихатларини эшитсанг, сенга фойдадан холи бўлмас эди,— деб эътироз билдирди Бернар бир оз надомат билан.

— Қўй энди, укажон! Сен билан бу тўғрида гаплашсак, кейинроқ гаплашармиз. Менинг тўғримда қандай фикрда эканиңни биламан... Лекин... ҳозир бу гапниң мавриди эмас... Мен ўзимни дуруст, номусли одам деб биламан. Эртами-кечми сен бунга амин бўласан... Ҳозир эса бу гапларни қўяйлик-да, бир кўнгилахушлик қилайлик.

У гўё ўзига оғир ботган фикрни қувиш учун қўли билан пешанасини сидирди.

— Меҳрибон акажоним!— деди секин Бернар ва акасиниң қўлини қисди. Жорж ҳам Бернарниң қўлини қисди, сўнг икковлари ҳам қадамларини илдамлатиб, ўртоқларига етиб олишди.

Луврдан башанг кийинган сон-саноқсиз одамлар чиқиб келишмоқда эди. Капитан ва унинг дўстлари уларниң деярли ҳаммалари билан саломлашишди, баъзи бирлари билан эса ҳатто ўпишиб кўришишди. Шу ернинг ўзида уларга кенжа Мержини таништиришди. Шундай қилиб, Бернар бир лаҳза ичида анча-мунча мўътабар одамлар билан танишиб олди. Танишганда ҳам уларниң номинигина эмас, лақабларини (у пайтда сал-пал таниқли одамларниң ҳаммасига лақаб қўйишарди) ва улар тўғрисида оғизма-оғиз кўчиб юрадиган бўлар-бўлмас мишмишларни ҳам билиб олди.

— Анави рангпар оқ сариқ маслаҳатчини кўряпсизми?— дейишарди унга.— У мессир Petrus de finibus\*, французчасига Пьер Сегье. Бир иш бошласа, жуда ҳафсала билан киришади ва ҳар гал мақсадга етмагунча қўймайди. Манави кичкина — капитан *Фирибгар*, бошқача айтганда, Торе де Монморанси. Анави *Шиша-деккина архиепископ*; овқатланмаса, хачирда бир қадар қаддини тутиб тўғри ўтира олади. Манави сизнинг қаҳрамонларингиздан бири — жасур граф де Ларошфуко, лақаби *Карамёқтирмас*: сўнгги уруш вақтида полиздаги карам қаторлари кўзига ландскнехтлар отряди бўлиб кўришибди-ю, уларга қабаб ўт очишни буюрибди.

Чорак соатдан камроқ вақт ичида Бернар саройдаги деярли ҳамма хонимларнинг хушторларининг исмини, уларнинг ҳусни туфайли содир бўлган барча дуэлларни билиб олди. У хонимларнинг обрў-эътибори уларни деб дулда ҳалок бўлганларнинг сонига боғлиқ эканини фаҳмлади. Масалан, хуштори иккита рақибни ўлдирган де Куртавель хонимнинг мартабаси шўрлик графиня де Померанднинг шуҳратидан баландроқ экан, негаки, графиня туфайли атиги битта арзимас дуэль бўлган экан, у ҳам бўлса енгил жароҳат билан тугаган экан.

Оқ хачир миниб келаётган қадди-қомати келишган аёл Бернарнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Унинг ёнида иккита хизматкор кузатиб келар, хачирни эса жиловбардор етаклаб келмоқда эди. Сўнгги мода билан тикилган кўйлаги безакларининг оғирлигидан осилиб кетибди. Афтидан, у ҳаддан зиёд гўзал кўринади. Маълумки, хонимлар у пайтда кўчага, албатта, ниқоб тутиб чиқишарди. Бу аёлнинг юзини яшириб турган ниқоб қора духобадан эди. Кўзлари учун қилинган ёриқдан унинг териси кўзни оладиган даражада оппоқ эканини, кўзлари мовий эканини чамалаб билса бўларди.

У йигитларни кўриб, жиловбардорга секинроқ юришни буюрди. Бернарга ҳатто аёл нотаниш йигитни кўриб, унга синчиклаб тикилгандай туюлди. У яқинлашиб келганида, барча шляпалардаги жиғалар ер супурди, у эса қатор бўлиб саф тортиб турган мухлисларининг тўхтовсиз янграётган саломларига жавобан бежиримгина бош ирғаб алик оларди. Жувон нари кетиб борар экан, енгилгина шабада унинг узун шоҳи кўйлагининг этагини ҳилпиратди. Этак остидан оқ барқутдан тикилган туфли

---

\* Мақсадга эришувчи Пётр (лот.).

ва қирмизи шоҳи пайпоқнинг бир бўлаги шафақдай ярқираб кўришиб кетди.

— Бу хоним ким?— деб қизиқиб сўради Бернар.

— Дарров жигардан урдими!— деб хитоб қилди Бевиль.— Бунинг таажжубланадиган жойи йўқ: гугенотлар билан папистларнинг ҳаммаси графиня Диана де Тюржига ошиқу беқарор.

— Бу саройдаги гўзал хонимларнинг бири,— деб кўшимча қилди Жорж.— Ёш йигитлар учун энг хавфли малаклардан. Лекин, жин урсин, бу истехкомни забт этиш унча осон эмас.

— У туфайли нечта дуэль бўлган?— сўради Бернар кулиб.

— Ў, графиня уларни ўнлаб санайди,— деб жавоб берди барон де Водрейль.— Бироқ бу нима бўпти! Бир гал унинг ўзи дулда қатнашишга жазм қилган. Йўлига тўғаноқ бўлган сарой хонимларидан бирига ҳамма қондаларга биноан даъватнома юборган.

— Ёлгондир-е!— деб хитоб қилди Бернар.

— Бу бир марта бўлган эмас,— деди Жорж.— У Сент-Фуа хонимга ҳам қондаси билан ёзилган даъватнома юборган. Даъватнома чиройли услубда ёзилган бўлиб, унда Сент-Фуа хоним ҳаёт-мамот жангига даъват этилган. *Ашаддий* дуэльбозлар<sup>13</sup> ўртасида расм бўлганидек, қилич ёхуд ханжарда кўйлакчан жанг қилиш таклиф этилган.

— Бу хонимларни кўйлакчан аҳволда бир кўриш учун пстаганига бажону дил секундант бўлардим,— деди шевалье де Ренси.

— Дуэль бўлдими?— сўради Бернар.

— Йўқ,— деб жавоб берди Жорж.— Уларни яраштириб қўйишди.

— Жоржнинг ўзи уларни яраштириб қўйган,— деди Водрейль.— Ўша пайтда у Сент-Фуанинг хуштори эди.

— Ёлгон гапни қўйсанг-чи! Ҳаммани ўзингга ўхшатаверма!— деб эътироз билдирди Жорж. Унинг камсуқумлик қилаётгани шундоқ сезилиб турарди.

— Тюржи билан Водрейль иккови бир дарахтнинг меваси,— деди Бевиль.— Тюржида дин билан ҳозирги ахлоқ аралаш-қуралаш бўлиб кетган: у жувон дулда жанг қилмоқчи бўлади. Ҳолбуки, агар адашмасам, бу ўтакетган гуноҳ иш. Бунинг устига ҳар куни икки марта пбодат қилгани боради.

— Ҳадеб жиғимга тегаверма, ўз ҳолимга қўй,— қичқирди Водрейль.

— Тюрживнинг ибодатга қатнашида гап бор — у ўзини ниқобсиз кўз-кўз қилгани боради,— деди Репси.

— Менимча, аёлларнинг кўпчилиги ибодатхонага атайин шунинг учун боришади,— деб гап қўшди Бернар ўзга динни мазах қилишга имкон туғилганидан шодланиб.

— Протестант динидаги аёллар ҳам аъло эмас,— дея илиб кетди Бевиль.— Уларда ваъз тугаганидан кейин чироқни ўчириб қўйишади. Ана унда нималар бўлишини кўрсангиз эди... худо ҳаққи, баъзан лютеран бўлиб кетгим келади.

— Сиз бу ёлғон-яшиқларга ишонасизми?— дея сўради Бернар ижирганиб.

— Ишонганда қандоқ! Биз ҳаммамиз кичкина Феранни яхши биламиз. У Орлеанда протестантлар ибодатхонасига нотариуснинг хотини билан учрашгани борган экан. Лекин ўзи ҳам асил нарса экан-да! У гапириб берса, оғзимнинг суви келади. Ибодатхонадан бошқа учрашадиган жойлари йўқ экан. Бахтига гугенот ошналаридан бири паролни айтиб берибди. Уни ибодатхонага киритишибди. Қоронғида дўстимиз вақтни бекорга ўтказмаганини сиз бемалол тасаввур қилолсангиз керак, албатта.

— Бундай бўлиши мумкин эмас,— деди қуруқ оҳангда Бернар.

— Мумкин эмас? Нега энди мумкин бўлмасин?

— Чунки биронта ҳам протестант папистни ибодатхонага олиб кирадиган даражада паст кетмайди.

Унинг бундай жавобидан ҳамма кулиб юборди.

— Ха-ха!— деб хитоб қилди де Водрейль.— Гугенот бўлса, у на ўгри, на сотқин, на муҳаббат можароларида қўшмачи бўла олмайди, деб ўйлайсиз, шекилли?

— У ойдан тушганми?— қичқирди Репси.

— Мабодо бирор гугенот дўндиқчага мактуб қўндиришим зарур бўлиб қолса, мен уларнинг попига мурожаат қилардим,— деди Бевиль.

— Бунинг боиси, албатта, шунда бўлса керакки, сиз бунга ўхшаш топшириқларни ўз руҳонийларингизга бериб ўрганиб қолгансиз,— деб жеркиб ташлади Бернар.

— Ўз руҳонийларингизга, дедингизми?— деб сўради Водрейль ғазабдан бўзариб,

— Бас қилинглар бу бемаъни баҳсни,— деб баҳшлашаётганларни босди Жорж. У баҳшлашаётганлар борган сари бир-бирига қаттиқ ботадиган гап айтаётганини пайқайди.— Қўйинглар, қайси мазҳабга мансуб бўлмасин,

мунофиқлардан гапирмайлик. Менинг таклифим бор: кимки ё «гугенот», ё «папист», ё «протестант», ё «католик» деган сўзни ишлатса, жарима тўласин.

— Мен рози!— деб хитоб қилди Бевиль.— Жаримага биз ҳозир бораётган трактирда ҳаммамизни кагор билан меҳмон қилсин.

Орага сукунат чўкди.

— Орлеан яқинида бечора Лануани ўлдиришгандан бери Тюржининг аниқ хуштори йўқ,— деди Жорж дўстларини диний баҳсдан чалғитиш мақсадида.

— Парижлик аёлнинг хуштори бўлмаслиги мумкин, деган гапни қайси мард ботиниб айта олади?— деб қичқирди Бевиль.— Ахир, Коменж унинг теграсида гирди-капалак-ку!

— Айтувдим-а, бақалоқ Наварет қорасини кўрсатмайдиган бўлиб қолди, деб,— деди Водрейль.— У донгдор рақибидан чўчиган кўринади.

— Нима, Коменжнинг рашки ёмонми?— деб сўради капитан.

— Рашки шерникидан баттар,— деб жавоб берди Бевиль.— Сўлим графиняга ошиқ бўлишга журъат этган ҳар қандай одамни ўлдиришга тайёр. Шунинг учун графиня шўрлик хушторсиз қолмаслик учун Коменжга кўнишга мажбур.

— Бу хавфли одам ким бўлди?— сўради Бернар. У ўзи сезмаган ҳолда графиня де Тюржигга тааллуқли ҳар нарсага қизиқиб қолган эди.

— У бизнинг энг машҳур *ашаддий* дуэлбозларимиздан бири,— жавоб берди Ренси.— Олисдан келганингиз учун ҳозир бу сўзнинг маъносини сизга тушунтириб бераман. *Ашаддий* дуэлбоз — ҳеч ками кўстсиз асил зодагон бўлади. Бировнинг плаши бехос тегиб кетса ёхуд биров тўрт қадам нарида ерга тупурса, ё шунга ўхшаш бошқа бирон арзимас сабаб бўлса, кифоя — у дуэлга чақираверади.

— Бир марта Коменж бир одамни Пре-о-Клерга бошлаб келди,<sup>14</sup>— деб гап бошлади Водрейль.— Икковлари ҳам камзуллларини ечиб, қиличларини қўлга олишди. Коменж сўради: «Сен овернилик Бернимисан?» Бояги одам жавоб берди: «Сира ҳам-да! Менинг номим Вилькье. Мен Нормандияданман». Коменж унга деди: «Ие! Шунақа дегин. Мен адашибман-да. Майли, бўлар иш бўлди. Модомики, сени дуэлга чақирдимми, уришиш керак». Шундай деб, у бечорани бекордан-бекор побуд қилди.



Шундан кейин ҳаммалари Коменжнинг абжирлиги ва уришқоқлигини кўрсатадиган мисоллар келтира бошладди. Мавзунинг ниҳояси йўқ экан. Трактирга етиб боргуларича йўл-йўлакай тўхтамай гапириб боришсада, гап тамом бўлмади. *Мавр* трактири шаҳардан ташқарида бир боғнинг ичкарасига жойлашган эди. 1594 йилдан бошлаб унинг яқинида Тюильри қасри қурила бошлаган. Трактирга дворянлар, Жоржнинг дўстлари ва яқин ошналари тўпланишган эди. Стол атрофига улар кўпчилик бўлиб ўтиришди.

Барон де Водрейль билан ёнма-ён ўтириб қолган Бернар бароннинг ўтираётиб чўқинганини ва кўзларини юмиб, аллақандай бошқача дуони шивирлаб ўқиганини пайқади:

— *Laus Deo, pax vivis, salutem defunctis, et beata viscera virginis Mariae quae portaverunt aeterni Patris Filium!*\*

— Сиз лотинча биласизми, жапоб барон?— сўради Бернар.

— Дуо ўқиганимни эшитдингизми?

— Эшитишга эшитдим, лекин сизни ишонтириб айтишга журъат ётаманки, ҳеч нарса тушунганим йўқ.

— Очигини айтсам, лотинча билмайман, ҳагто шу дуонинг маъноси ҳам менга қоронғи. Бу дуони менга холам ўргатиб қўйган. Шу дуо унга ҳаминша қўл келган экан. Ўзим ҳам унинг кучини бир неча марта синаб кўрганман.

— Менимча, бу католикларнинг лотинчаси бўлса керак. Биз — гугенотлар уни тушунмаймиз.

— Жарима! Жарима!— деб қичқириб юборишди Бевиль билан капитан Жорж.

Бернар қаршилик қилмади ва стол устига яна бир қатор шишаларни териб ташладди. Буни кўриб ўтирганларнинг ҳаммаси бир зумда янада яйраб кетишди.

Сухбатдошларнинг овози борган сари кўтарила борди. Бернар бундан фойдаланди. У атрофида бўлаётган воқеаларга парво қилмай, акаси билан сухбатлаша бошлади.

Иккинчи марта тортилган овқатни еб бўлай деганларида икки меҳмон айтишиб қолиб, уларнинг *aparte*\*\* ини бузди.

\* Оллога ҳамд, жамикки жонзотларга саломатлик бўлсин, ўлганларнинг жони жаннатда бўлсин, мангу олов фарзандига ҳомиладор бўлган Биби Марямга ҳамду санолар...

\*\* Ўзаро сухбат (*лот*).

— Бу ёлгон!— деб қичқирди шевалье де Ренси.

— Ёлгон?— қайтариб сўради Водрейль. Бусиз ҳам қути ўчиб турган бароннинг юзи мурданикидек оқариб кетди.

— Мен бундан номуслироқ, бундан иффатлироқ аёлни билмайман,— давом этди шевалье.

Водрейль заҳарханда билан елкасини қисди. Ҳамманинг эътибори бу саҳнанинг иштирокчиларига жалб бўлган эди — ҳар ким лоқайд бир сукунат билан жанжалнинг оқибати нима бўлишини кутаётгандай кўринарди.

— Нима бўлди, жаноблар? Нега шовқин соляписизлар?— деб сўради капитан. У ҳар доимдагидек тинчликни бузишга бўлган ҳар қандай уринишга дарҳол чек қўймоқчи эди.

— Нима бўларди? Дўстимиз шевальенинг айтишича, унинг хуштори Силери иффатли аёл эмиш,— деб совуққонлик билан изоҳ бера бошлади Бевиль.— Дўстимиз Водрейль эса, бундай эмас, дейди. У Силерининг баъзи қилмишларидан воқиф эмиш.

Буни эшитиб, ҳамма «гурр» этиб кулиб юборди. Бу кулги оловга ёғ сепгандай бўлди. Ренси ғазабли кўзларини чақчайтириб, Водрейль билан Бевилга қаради.

— Мен унинг мактубларини кўрсатишим мумкин,— деди Водрейль.

— Қани кўрсат-чи!— ўшқирди шевалье.

— Ундай бўлса, майли,— дея Водрейль ғазабли истеҳзо билан жилмайди.— Мен ҳозир бу жанобларга унинг мактубларидан бирини ўқиб бераман. Улар, албатта, унинг хатини мендан кам билишмайди, ахир, мен ундан мактуб олиш бахтига мушарраф бўлган ва унинг меҳрибонликларидан баҳра олган ёлғиз одамман, деб даъво қилаётганим йўқ. Мана, ундан нақ шу бугун олган мактубим.

У киссасидаги мактубни пайпаслаётгандай ҳаракат қилди.

— Ўчир овозингни, ёлғончи!

Стол энли эди, бароннинг қўли рўпарасида ўтирган шевальега етмас эди.

— Мен ҳозир сенинг ёлғончилигингни исбот қилиб бераман. Лекин бу далил бошингни ейди!— деб қичқирди у ва шевальенинг бошига шиша отди.

Ренси чап бериб қолди ва сапчиб ўрнидан туриб, ўтирган стулини ағдариб, деворга осиглик қиличига ташланди.

Ҳамма сапчиб ўрнидан турди: баъзилар жанжаллашайтганларни ажратишга уринди, баъзилар бир чеккага чиқиб турди.

— Бас қилинлар! Жинни бўлибсизлар!— дея қичқирди Жорж ва барон ўзига яқин тургани учун унинг йўлини тўсди:— Аллақандай арзимаган бир аёлни деб уришиш дўстларга ярашмайди.

— Бошга шиша отинг — тарсаки уриш билан бир,— деб ҳукм чиқарди Бевиль.— Қани, шевалье, ошна, қилични яланғочла!

— Халақит берманглар! Халақит берманглар! Қани, жой бўшатинглар!— деб бараварига чуввос солишди деярли ҳамма меҳмонлар.

— Ҳой, Жаҳо, эшикларни беркит!— деди эринчоқ оҳангда *Мавринг* хўжайини. У бунақа гапларга кўнигиб кетган эди.— Худо кўрсатмасин, соқчилар келиб қолишса ёмон бўлади. Улар жанобларга халақит беришади, яна менинг трактиримга ҳам исноди тегади.

— Нима бало, бадмаст ландскнехтларга ўхшаб ошхонада уришмоқчимисизлар?— деб давом этди Жорж вақтни чўзишга уришиб.— Лоақал эртага қолдиришлар.

— Эртага бўлса, эртага-да,— деди Ренси. У қиличини қинига қайтариб солиб қўймоқчи бўлди.

— Кичкина шевальемиз кўрқяпти,— деди Водрейль.

Бу гаини эшитиб, Ренси йўлини тўсиб турган одамларни итариб ташлади-да, дилозорга ташланди. Икковлари ҳам жон-жаҳдлари билан қиличбозлик қилишга кетишди. Аммо Водрейль чап қўлига ҳафсала билан сочиқ ўраб олишга улгурган эди. Энди у рақибининг ҳамлаларини қайтариш керак бўлганида ундаи моҳирлик билан фойдаланарди, Ренси эса бундай эҳтиёткорлик чорасини кўрмаган эди. Шунинг учун у дастлабки ҳамлалардаёқ чап қўлидан зарб еди. Лекин у мардона олишарди. Ниҳоят, у хизматкорига «ханжарни бер», деб қичқирди. Бевиль хизматкорни тўхтатиб, модомики, Водрейлнинг ханжари йўқ экан, рақиблар ундан фойдаланмаслиги кераклигини айтди. Шевальенинг дўстлари эътироз билдиришди, орада жанжал кўтарилди. Агар Водрейль чек қўймаганда, дуэль ялпи муштлашишга айланиб кетиши муқаррар эди. У рақибини кўкрагидан оғир ярадор қилди. У йиқилди. Шунда Водрейль эпчиллик билан Ренси-нинг қиличини босди. Ренси қиличини кўтаролмай қолди. Водрейль рақибини узил-кесил ҳалок этиш учун сўнгги ҳамлага чоғланди. Дуэль қондалари бундай ваҳшийликка йўл қўяр эди.

— Қуролсиз рақибни ўлдиришми?— хитоб қилди Жорж ва Водрейлнинг қиличини тортиб олди.

Шевальега етказилган жароҳат ўлимга олиб борадиган даражада оғир эмас эди, аммо шевалье кўп қон йўқотди. Сочиқлар билан унинг жароҳатини чапдиб боғлашди. Жароҳатини боғлашар экан, у ғайритабиий бир тарзда кулиб, олишув ҳали тугамаганини айтди.

Орадан бир оз фурсат ўтгач, табиб билан монах етиб келди. Улар ярадорни талашиб, бир печа муддат ўзаро жиқиллашишди. Бу тортишувда, ҳар қалай, жарроҳ ғолиб чиқди; у беморни Сена соҳилига олиб боришни буюрди, у ердан эса шевальени қайиқда уйига олиб кетди.

Хизматкорлар қонга буланган сочиқларни олиб чиқиб кетишди, полдаги қон изларини ювиб тозалашди, бошқалари эса бу орада столга янги шишаларни қўйиб чиқишди. Водрейль ҳафсала билан қиличини артиб қинига солди. Кейин чўқиниб, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, киссасидан мактуб чиқарди. Дўстларидан шовқин қилмасликни сўраб, мактубнинг биринчи сатрини ўқиб берди. Унинг сўзлари атрофидагиларнинг гулдурак қаҳқаҳасига кўмилиб кетди.

«Азизим! Жонимга тегиб кетган сурбет шевалье...»

— Бу ердан кетайлик!— деди акасига Бернар нафрат билан.

Капитан унинг кетидан чиқди. Ҳамманинг диққат-эътибори ўқиладиган мактубда эди, шунинг учун ака-уканинг ғойиб бўлганини ҳеч ким пайқамади.

### *Тўртинчи боб*

## ДИНДАН ҚАЙТГАН

*Дон Жуан:*

*Наҳотки сен ҳозир айтган гапларимнинг ҳаммасига чиппа-чин ишониб ўтирибсан? Наҳотки, тилим билан дилим бири бири билан иттифоқ, деб ўйлайсан?*

*М о л ь е р. «Тош меҳмон»*

Капитан Жорж укаси билан бирга шаҳарга қайтди ва уни тўғри уйига бошлаб келди. Йўл-йўлакай бир-бирларига бир оғиз ҳам гап айтишмади: ҳозиргина ўзлари шоҳид бўлган воқеа икковига ҳам оғир таъсир қилганди. Шу сабабга кўра икковининг ҳам гаплашишга хушлари йўқ эди.

Жанжал, унинг кетидан рўй берган қоидага хилоф дуэль у вақтларда оддий воқеа ҳисобланарди. Дворянларнинг сал нарсага жиртакилик қилавериш одатлари бутун Францияда хунук оқибатларга сабаб бўлди: Генрих III, Генрих IV даврида ваҳшиёна дуэллар туфайли нариги дунёга сафар қилган дворянларнинг сони ўн йиллик граждандар урушида ҳалок бўлганлардан ҳам кўпайиб кетди.

Капитан яшайдиган уйнинг жиҳозларида эгасининг нозик диди сезилиб турарди. Анчагина қаноатли ҳаёт кечиришга ўрганиб қолган Бернарнинг диққат-эътиборини, даставвал, шоҳи пардалар билан гулдор гиламлар ўзига жалб қилди. Бернар ундан кейин яна бир хонага кирди. У ерни акаси менинг «ибодатхонам», деб атар экан — у пайтларда ҳали «будуар» (пардозхона) сўзини ўйлаб топишгунча йўқ эди. Чиройли пақшлар туширилган дуб скамейка, италян рассомининг мўйқаламига мансуб бўлган мадонна, шамшод новдаси солиб қўйилган табаррук сувли коса бор эдики, буларнинг ҳаммаси хонани гўё зуҳду тақвога мўлжаллангандай қилиб кўрсатарди. Айни чоқда қора чарм қопланган диван, Венеция кўзгуси, аёл портрети, қурол-аслаҳа ва музика асбоблари уй эгасига бу дунёнинг айши ишратлари озми-кўпми бегона эмаслигидан далолат бериб турарди.

Бернар табаррук сувли коса билан шамшод новдасига беписанд назар ташлади — улар акасининг дин йўлидаги кўнгилни вайрон қиладиган хиёнатини эслатиб турарди. Пакана хизматкор мураббо, конфет ва рангсиз вино олиб келди — у пайтларда чой билан кофе ҳали расм бўлмаган эди, қаноатли ота-боболаримизга эса вино ноёб ичимликлар ўрнини босаверган. Бернар қўлида стакан ушлаганча, кўзларини мадоннадан косага, косадан скамейкага югуртирди. Сўнгра у чуқур хўрсиниб, диванда бемалол ёстаниб ётган акасига қаради-да:

— Сен чинакам папистнинг ўзи бўлибсан! Онамиз кўрса ҳозир нима дерди?— деди.

Афтидан, бу гап капитаннинг жон-жонидан ўтиб кетди шекилли, у қалин қошларини чимириб, қўли билан шундай ҳаракат қилдики, гўё бу билан укасидан ярасига туз сепмасликни ўтиниби сўраётгандай эди. Аммо Бернар суриштиришда давом этди:

— Наҳотки, сен бутун оиламиз сиғинадиган диндан тилингдагина эмас, ҳатто дилингда ҳам воз кечган бўлсанг?

— Оиламиз сиғинадиган диндан, дейсанми? Лекин

мен ҳеч қачон у динга сизинган эмасман-ку!.. Наҳотки мен... Наҳотки мен сизларнинг бемаъни руҳонийларингиз қулоғингизга қуядиган ёлғонга ишонсам?!. Наҳотки мен...

— Ҳа, албатта, аърофга, тавбаинг муқаддаслигига, папанинг беайблигига ишониб осонроқ. Гапуцинининг чанг босган кавуши қаршисида тиз букиш маъқулроқ! Ҳадемай сен ҳам ҳар гал овқатга ўтираётиб, барон де Водрейлнинг дуосини ўқийдиган бўласан!

— Менга қара, Бернар. Мен ҳар қанақа баҳсни ёмон кўраман, диний баҳсларни-ку мутлақо ёқтирмайман. Бироқ эртами-кечми, барибир, сен билан гаплашиб олишимиз керак. Шундоқ экан, ҳозир ўзинг гап очиб қолдинг, майли, бир-биримизга дилимиздагини очиқ айтийлик. Мен сен билан очиқчасига гаплашаман.

— Демак, сен папистларнинг аҳмоқона ёлғон-яшиқларига ишонмайсан, шундайми?

Капитан елкасини қисди-да, оёғини полга осилтириб шпорларидан бирини жиринглатди.

— Папистлар! Гугенотлар! Ҳар яковви ҳам бидъат! Мен ўз ақл-идрокимга бемаъни бўлиб кўринган нарсага ишона олмайман. Бизнинг диний китобларимизни ҳам, сизларникини ҳам бирини олиб, бирига урса арзийди. Лекин,— деб қўшиб қўйди у жилмайиб,— бизнинг черковларимизда баъзан яхши куйлар чалиб туришади, сизларникида эса қулоққа пахта тиқиб, қочиндан бошқа илож йўқ.

— Буни қара-я! Динингнинг афзаллиги шуми? Шунини деб диндан чиқиб ўтирибсанми?

— Бу динни меники дема. Мен ҳеч нарсага ишонмайман. Мустақил фикрлашга ўрганганимдан бери, гидроким ўз йўлини тошиб юра бошлагандан бери...

— Хўш?

— Мен ҳеч қандай панд-насихатларга муҳтож бўлмай қолдим. Сен менга нима дейишингни билиб турибман. Менинг ҳам ўз умидим, ўз ғамим бор эди. Уйлайсанки, мен болалигимдаги ёқимли хурофотларни сақлаб қолиш учун зўр бериб ҳаракат қилмадимми? Мен диншуносларимизнинг барча асарларини ўқиб чиқдим — уларда қалбимни ўртаган муаммоларга жавоб изладим, аммо топмадим. Аксинча, шубҳаларим ортди, холос. Хуллас, мен ортиқ динга ишаноламай қолдим, ишонмай қўйдим. Имон — қимматбаҳо тухфа: бундай тухфа менинг қисматимда йўқ экан. Бироқ устимдан зар тўкса-

лар-да, мен оламда бирор кимсани бу тухфадан маҳрум этмас эдим.

— Сенга ачинаман.

— Нима ҳам дердим, ўзингча сен ҳақсан... Мен протестантлик чоғимда ваъз-насихатларга ишопмас эдим, католик бўлиб олганимдан кейин мессадан ҳам кўнглим қолди. Бундан ташқари, жин урсин, ҳар қандай бақувват диний эътиқодни чинпақка чиқариш учун граждандар урушининг кулфатлари кифоя қилмайди, деб ўйлайсанми?

— Бу кулфатлар одамларнинг иши, бунга парвардигорнинг йўлидан қайтган одамлар сабабчи.

— Сен ўзгаларнинг гапини такрорлайсан. Бу гапинг мени ишонтирмайди. Мен сизларнинг худойингизни тушунмайман, тушуна олмайман... Мабодо, мен унга ишонадиган бўлсам, дўстимиз Жодель айтганидек, шунчаки, *хўжа кўрсинга* ишонардим...

— Модомики, сен иккала динга ҳам лоқайд экансан, унда нега уларнинг биридан воз кечиб, қариндош-уруғларимизни, дўст-биродарларимизни шунчалик хафа қилдинг?

— Мен отамга йиғирматача хат ёздим. Унга кўнглимдагиларни очиқ айтиб, ўзимни оқламоқчи бўлган эдим, аммо отам бу хатларнинг биронтасини ўқимай, ўтга ташлаб куйдириб юборди. У менга ашаддий жиноятчига қилинадиган муомалани қилди.

— Биз — онам икковимиз унинг ҳаддан зиёд бағри-тошлигини маъқул кўрмаган эдик. Агар у фармойиш бермаганида...

— Буни энди эшитиб турибман. Аммо, энди кеч. Мени пухта ўйламай, бу ишни қилишимга мажбур этган нарса, биласанми, нима? Мен, албатта, иккинчи марта бу ишни қилмаган бўлардим.

— Ана, айтмадимми? Сенинг пушаймон эканингга имоним комил эди.

— Пушаймон? Йўқ. Мен, ахир, ҳеч қандай ёмон иш қилганим йўқ-ку? Сен мактабда лотин тили билан юнон тилини ўқиб юрган кезларингда, мен совут кийиб, оқ шарф боғлаб<sup>15</sup>, биринчи граждандар урушига жўнаб кетган эдим. Сизларнинг сон-саноқсиз хатоларингизга сабаб бўлган бақалоқ шахзодаиғиз, сиз мақтаган шахзода Коңде ишқий саргузаштлардан бўшаган чоғларидагина сизларга эътибор берган. Мени бир аёл яхши кўрарди — шахзода уни мендан илтимос қилди. Мен кўнмадим, шундан кейин у менга ашаддий душман бўлди-қол

ди. Нима қилиб бўлса ҳам мени ер юзидан супуриб ташлашни ният қилиб олди.

Хушрўй бақалоқ шаҳзода  
Айш-ишратга мубтало.

Ўзининг аҳволи бу-ю, мутаассиб католикларга бузуқлик ва имонсизликнинг тимсоли, деб мени пеш қилганига ўлайми?! Менинг биттагина жазманим бор эди, мен унга вафодор эдим. Имонсизлик масаласига келсак... Ахир, мен ҳеч кимни йўлдан оздирганим йўқ-ку? Нечун менга қарши уруш эълон қилиш керак?

— Шаҳзода бундай пасткашликка қодир, деб ҳеч қачон ўйламаган эдим.

— У ўлиб кетди. Сизлар уни осмону фалакка чиқариб қўйдиллар. Оламда ҳамма вақт шунақа бўлади. Унинг фазилатлари йўқ эмас эди. У мардларча ҳалок бўлди, мен уни кечирдим. Аммо ҳаётлигида унинг қудрати зўр эди. Мендай фақир бир дворянин гап қайтаришга журъат этгани учун шаҳзода унга жипоятчига қарагандай қарай бошлади.

Капитан хона бўйлаб юра бошлади, кейин тобора ҳаяжони зўрайиб, гапини давом эттирди:

— Қўшиндаги ҳамма пасторлар, ҳамма мунофиқлар шу заҳоти менга ташланишди. Мен уларнинг панд-насиҳатларига қанчалик эътибор бермаган бўлсам, акиллашларига ҳам шундай бепарво эдим. Шаҳзоданинг яқинларидан бири унга хушомад қилиб, ҳамма саркардаларимизнинг ҳузурда мени бузуқ деб атади. Мен унга турсаки тортиб юбордим, кейин дуэлда ўлдирдим. Бизнинг қўшинда кун ора ўнтагача дуэль бўларди. Саркардалар бунга панжа орасидан қарашарди. Лекин менга қолганда бундай бўлмади — шаҳзода ҳаммага ўрнатилган гап қилиб, менинг таъзимимни бермоқчи бўлди. Юқори мартабали кишиларнинг илтимослари билан, — уларнинг орасида барака топгур адмирал ҳам бор эди, — менинг гуноҳимдан ўтишди. Аммо шаҳзоданинг менга нафрати ҳали сўнмаган эди. Жизнейль яқинидаги жангда мен пистолетлар билан қуролланган суворилар отрядига қўмондонлик қилдим. Мен биринчи бўлиб жангга отилдим, аркебуза ўқи тегиб, совутим икки жойидан пачақ бўлди, чап қўлимга найза тегди — буларнинг ҳаммаси ўзимни аямаганимдан далолат бермайдими? Менинг қўл остимда йигирмага яқин одам бор эди, бизга қарши эса қирол хизматидаги швейцарларнинг бутун бошли бир



батальони турарди. Шаҳзода Конде менга ҳужум қилишни буюрди... Мен ундан рейтарларнинг икки отрядини илтимос қилдим... у эса... у мени қўрқоқликда айблади!

Бернар ўрнидан туриб, акасининг қўлларидан тутди. Капитан ғазабдан кўзлари чақнаб, яна уйнинг у бурчидан бу бурчига одимлай бошлади.

— У мени зарбоф либосларга бурканган барча аёнлар ҳузурида қўрқоқ деб атади,— деб давом этди Жорж,— бир неча ойдан кейин эса Жарнак ёнида шаҳзодани ташлаб, аёнлари тумтарақай қочишди. Шаҳзода ўлдирилди. У мени таҳқирлагандан кейин мен учун фақат биргина йўл қолди. У ҳам бўлса, жангда қурбон бўлиш эди. Ҳа, шундай аҳд қилдим. Агар бахтли тасо-диф билан тирик қолгудай бўлсам, бундан кейин ҳеч қачон шаҳзодадай адолатсиз бир кимсани ҳимоя қилиш учун қилич яланғочламайман, деб қасамёд қилиб, швейцарларга ҳамла қилдим. Мени оғир ярадор қилишди, эгардан учиб кетдим. Ўшанда куним битган эди-ю, аммо мени герцог Анжуйский хизматидаги бир дворянин қутқариб қолди. У биз билан бирга бугун тушлик қилган бебош Бевиль эди. У мени герцогга таништирди. Менга жуда яхши муомала қилишди. Мен интиқом ўтида ёнмоқда эдим. Менинг кўнглимни овлашди, саховатпешам герцог Анжуйскийнинг хизматига киришга ундашди, қўйидаги мисрани рўкач қилишди:

*Omne solum forti patria est, ut piscibus aequor.\**

Мен протестантларнинг ажнабийларни ватанимизга ҳужум қилишга чақиришларидан дарғазаб эдим... Энди мен сенга бошқа динни қабул қилишга мажбур этган ягона бир сабабни очиқ айта қолай. Мен қасос олишни истардим. Шаҳзода Конде билан жанг майдонида тўқнашиб, уни ҳалок қилиш ниятида католик динини қабул қилдим. Аммо қарзимни мен учун бошқа бир аблаҳ тўлаб қўйди. У шу даражада ярамас ниш қилдики, ҳатто шаҳзодага нафратимни унутиб қўйдим. Унинг қонга беланган жасадини таҳқирлаш учун солдатларга беришди. Мен уларнинг қўлидан жасадни тортиб олиб, устига плашимни ёпиб қўйдим. Бироқ бу пайтда мен тақдиримни католиклар билан боғлаб бўлган эдим. Мен уларнинг сафида эскадронга қўмондонлик қилардим. Улардан юз ўғира олмасдим. Лекин мен собиқ маслакдошларимга,

---

\* Балиқнинг ватани денгиз бўлганидек, ҳар қарич ер — доврак йигитнинг ватани (лот.)

озгина бўлса-да, ёрдам беришга муваффақ бўлганимдан хурсандман: қўлимдан келганча диний урушнинг шафқатсизликларини юмшатишга уриндим, аввалги дўстларимдан баъзи бирларининг ҳаётини сақлаб қолниш бахтига мушарраф бўлдим.

— Оливье де Басвиль кўп жойларда унинг ҳаётини сен сақлаб қолганингни гапириб юради.

— Ҳуллас, ана шу пақа, мен католикман,— деди Жорж бирмунча хотиржам оҳангда.— Ҳамма дин қатори бу ҳам дин. Католик руҳонийлари билан тил топиниш осонроқ. Манави гўзал мадоннага қара. Бу айш-ишрат қилиши яхши кўрадиган бир итальян аёлининг сурати. Мунофиқ одамлар менинг художўйлигимдан бошлари осмонга етиб, ана шу сохта Биби Марямга топинишади. Бизнинг пасторлардан кўра улар билан келишиш анчагина осон — сен гапимга ишонавер. Мен истаганимдай ҳаёт кечиряпман, аҳён-аҳёнда арзимаган ишларда авомга бир оз ён босиб қўямал. Мендан ибодатхонага бориш талаб қилинадими? Баъзи-баъзида дўндиқчаларни кўриб келиш учун бориб ҳам қўямал. Ўз кашинишга эга бўлишим керакми? Йўқ, бекор айтибсизлар! Менинг ўз кашиниш бор, у — собиқ аркебузчи. У бир эю эвазига ҳамма гуноҳларимга тавба қилганим ҳақида шаҳодатнома бериш билан бирга, ўз қавмидаги жозибадор жонлонларга менинг ишқий мактубларимни етказиб туради. Жин урсин! Яшасин месса!

Бернар ўзини жилмайишдан тўхтата олмади.

— Ма, ол, бу менинг ибодатномам,— деб капитан Бернарга кумуш тўқали духоба ғилофга солинган чиройли муқовадаги китобни узатди.— Бу ҳам сизларнинг китобларингиздан қолганимайди.

Бернар китобнинг жилдидаги *«Сарой ибодатномаси»* деган ёзувни ўқиди.

— Муқоваси чиройли экан!— деди у ижирганиб. Кейин китобни акасига қайтариб берди.

Капитан уни очди-да, жилмайиб туриб, яна Бернарга узатди. У биринчи саҳифада қуйидагиларни ўқиди: *Пантэагрюэлнинг отаси буюк Гарантюанинг мудҳиш ҳаёти ҳақида моҳият изловчи магистр Алькофрибас томонидан яратилган қисса.*

— Мана буни китоб деса бўлади!— дея хитоб қилди капитан табассум билан.— Мен мана шу рисола учун Женева кутубхонасидаги жамки диний китобларни беришга тайёрман.

— Айтишларига қараганда, бунинг муаллифи жуда

билимдон одам бўлган, бироқ билимдан ўзи наф кўрмаган экап.

Жорж елкасини қисди.

— Сен аввал ўқиб чиқ, Бернар, баҳосини кейин берарсан.

Бернар китобни қўлига олиб, бир оз сукут сақладида, кейин деди:

— Хафа бўлишга, албатта, ҳаққинг бор эди; аммо менга шуниси алам қиладики, хафалик туйғуси билан кейинчалик ўзинг, эртами-кечми, пушаймон ейдиган ишни қилгансан.

Капитан бошини қуйи солиб, кўзларини гиламга тикди. У гиламнинг гулларини синчиклаб томоша қилаётгандай кўринарди.

— Ўтган ишни қайтариб бўлмайди,— деди у билинар-билимас хўрсиниб.

— Балки мен яна, ахир бир кун протестант динига қайтарман,— деб бирмунча қувноқроқ оҳангда илова қилди у.— Майли, етар! Энди бунақа зерикарли парсалар ҳақида бошқа гаплашмайлик.

— Менинг маслаҳат ва ташвиқотларимсиз ҳам ўзинг шу фикрга келасан деган умиддаман.

— Эҳтимол. Кел, энди ўзинг тўғрингда гаплашайлик. Саройда нима қилиш ниятидасан?

— Қўлимда адмиралга ёзилган тавсияномам бор. У мени ўз хизматига олар, деб ўйлайман. Мен у билан бирга Нидерланд сафарига борини ниятидаман.

— Арзимайдиган иш бу! Агар дворянини довиюрак бўлиб, ёнида қиличи бўлса, у бировларнинг хизматини қилмаслиги керак. Яхшиси, қирол гвардиясига кўнгилли бўлиб кир. Хоҳласанг, менинг енгил сувориларим сафига қўшил. Бизнинг ҳаммамиз қатори сен ҳам адмирал байроғи остида сафарда иштирок этасан, ана шунда сен ҳеч кимнинг хизматкори бўлмайсан!

— Қирол гвардиясига киришга заррача ҳам хоҳишим йўқ — буга сира ҳам кўнмайман. Сенинг отрядингда бажону дил солдат бўлиб хизмат қилардим, лекин отам биринчи сафаримни бевосита адмирал қўли остида ўтказишимни истайди.

— Барибир гугенотлигингизга борибсизлар-да! Яқдилликни тарғиб қиласизлару, қўйинларингга тош солиб юрасизлар.

— Бу нима деганинг?

— Буми? Бундай деганим: қирол ҳамон сизнинг назарингизда мустабид, сизларнинг пасторларингиз, айт-

ганидай, золим Ахав. Йўқ, ҳатто у қирол ҳам эмас, балки тахтга зўрлик билан чиқиб олган кимса. Людовик ўн учинчининг вафотидан<sup>16</sup> кейин Франциянинг қироли — Гаспар Биринчи.

— Бемаъни ҳазил!

— Сирасини айтганда, сен кекса Гаспар хизматида бўласанми ёхуд герцог Гизга хизмат қиласанми, бунинг фарқи йўқ. Шатильон — буюк саркарда, у сенга жанг қилишни ўргатиб қўяди.

— Уни ҳатто душманлари ҳам ҳурмат қилишади.

— Тўппончадан ўқ узиш, ҳар қалай, унинг обрўсига пугур етказди.

— У ўзининг айбсизлигини исбот қилди. Қолаверса, Шатильоннинг бутун ҳаёти Польшадаги қабилаларча ўлдирришда унинг иштироки ҳақидаги миш-миш гапларни рад этади.

— Сен *Fecit cui profuit*\* деган лотинча иборани эшитмаганмисан? Ўшанда тўппончадан ўқ узилмаганида, Орлеан ишғол қилинган бўларди.

— Нима қипти, католиклар армиясида битта одам камайибди-да, шунга ҳам ота гўри — қозихонами?

— Шундоқку-я, лекин асил одам эди-да! Наҳотки мана бу бир байт шеърни эшитмаган бўлсанг:

Гизчиларнинг уруғи қуримагунча,  
Францияда ҳаммаша Мере тошлар.

Ўзи бир оз уқувсизроқ ёзилгану, шундай бўлса ҳам сизларнинг ҳамма диний китобларингизга арзийди.

— Бу гўдаклар пўписаси, холос. Агар мен ҳозир гизчиларнинг ҳамма жиноятларини санаб берадиган бўлсам, узундэн-узоқ айбнома чиқади. Агар мен қирол бўлганимда эди, Францияда тинчлик ўрнатиш учун Гизлар билан Шатильонларнинг ҳаммасини чарм қопга тиқиб, оғзини яхшилаб чашиб, биронтаси ҳам қочиб кетмаслиги учун унга юз минг қадоқли темир боғлаб, сувга улоқтиришни буюрардим. Яна бошқа баъзи бировларни ҳам бажону дил шундай қилган бўлардим.

— Яхшиямки француз қироли эмассан.

Кейин суҳбат анчагина хушчақчақ тусга кирди. Сиёсатдан бошқа гапиришмади, диний масалалар ҳам ортиқ тилга олинмади. Ака-ука энди ажралиб кетишганларидан кейин бошларидан кечирган майда-чуйда саргузашт-

\* Ким манфаатдор бўлса, ўша қилган (лот.)

ларни бир-бирларига ҳикоя қилиб беришди. Бернар рост-гўйлиги тутиб кетиб, акасига *Олтин арслон* меҳмонхона-сидаги можарони айтиб берди. Жорж чин кўнгилдан кулиб, ўн саккиз экюни олдириб қўйгани муносабати билан ҳам, зотдор саман отидан ажрагани муносабати билан ҳам укасини масхара қилиб ўтирди.

Шу атрофдаги черковда ибодатга чақириб қўнғироқ чалинди.

— Жин урсин, юр, ваъз эшитамиз!— деб хитоб қилди капитан.— Аминманки, бу сенинг кўнглингни очади.

— Миннатдорман, ҳозирчалик ўз динимдан чиқиб, бошқасига кирмоқчи эмасман.

— Юра қол, азизим, юра қол. Бугун бузрук Любен ваъзхонлик қилади. У диний қоидаларни шунақанги қизиқ тавсиф этадики, у ваъзхонлик қиладиган бўлса, одамлар ёпирилиб келишади. Ундан ташқари, бутун сарой аҳли бугун муқаддас Иаков черковига тўпланади. Томоша қилса арзийди.

— Графиня де Тюржи-чи? У ҳам келадими? Ниқобсиз келар, а?

— Бўлмаса-чи? Албатта келади. Агар сен ҳам унинг хушторлари қаторидан жой олмоқчи бўлсанг, чиқиб кетаётганигда эшик олдида тўхтаб, унга табаррук сув тутишни унутма. Бу ҳам католик динининг ёқимли урфи одатларидан бири. Эҳ-ҳе! Табаррук сув тутиб, қанчадан-қанча нозик қўлларни сиқмадим, уларга қанчадан-қанча ишқий мактублар тутқазмадим!

— Табаррук сув, мен ундан шу қадар ҳазар қиламанки, бошимдан зар сочишса ҳам унга лоақал битта бармоғимни ҳам тикмасман.

Капитан хахолаб кулиб юборди. Кейин икковлари ҳам плашларини кийиб, авлиё Иаков ибодатхонасига қараб йўл олишди. Ибодатхона гавжум эди. Уларнинг орасида кўзга яқин нозанинлар ҳам кўп экан.

ВАЪЗ

*Бақироқ, соат созлашга моқир, месса билан кечки ибодатни қойил қилиб ташлайдиган — хуллас, асил монах эди у. Монах бўлганида ҳам унақа-мунақа монах эмас, монахликни бошлаб ўрнига қўядиган монах эди.*

*Р а б л е*

Капитан Жорж билан унинг укаси черковда воизга яқинроқдан қулайроқ жой излаб юришарди, черковнинг асбоб-анжомлари сақланадиган хонада янграган гулдурос қаҳқаҳа уларни ханг-манг қилиб қўйди. Улар хонага кириб, қувноқ, юзлари қип-қизил бақалоқ одамни кўришди. У францисканчи монах ридосида бўлиб, бир тўда олифта кийинган йигит-яланглар билан чақчақлашиб турарди.

— Қани, қани, бўталоқларим, миянгизни ишлатинг, — дерди у. — Хонимларнинг сабри тугади. Тезроқ менга мавзу беринг.

— Қандай қилиб аёллар эрларини лақиллатишларини гапириб бера қолинг, — деди йигитлардан бири. Жорж уни дарҳол овозидан таниди — у Бевиль эди.

— Нима десам экан ўғлим, бу яхши фикр. Лекин понтуаз воизи ўз ваъзид айтганидан кўра дурустроқ бирон нарса айта олармиканман? У: «Мен ҳозир қўлимдаги чамбарни ичингизда эрига энг кўп хиёнат қилган аёлнинг бошига қўяман!» дебди, шунда бу гапни эшитиш биланоқ ҳамма аёллар ўзларини ҳамладан четга олгандай, қўллари билан бошларини тўсиб олишибди ёки ёпинчиқларини ёпинишибди.

— Отахон! — деб унга мурожаат қилди яна бир йигит. — Мен атайин сизни деб келдим. Бугун бизга бирон ўйноқироқ парсани айтиб беринг. Зинодан гапиринг. Ҳозир нима кўп, зино кўп.

— Зино кўп! Ҳа, жаноблар, сизларнинг орангизда у кўп учрайди: ахир, сизлар йигирма беш ёшдасиз, мен эсам элликни уриб қўйдим. Менинг ёшимда муҳаббат ҳақида гапиришмайди. Зинонинг қанақа бўлиши аллақачон эсимдан ҳам чиқиб кетган.

— Камтарлик қилманг, отахон. Бу ҳақда ҳозир ҳам аввалгидан қолишмайдиган тарзда мулоҳаза юрита ола-

сиз. Бошқаларни қўяверингу, лекин биз сизни яхши билмиш.

— Шаҳвоният ҳақида гапиринг,— деб таклиф қилди Бевиль.— Ҳамма аёлларнинг фикри бир жойдан чиқяпти — бу масалада сиздан ўткири йўқ эмиш.

Бу ҳазилга жавобан монах маккорона кўз қисди ва унинг кўз қисимида одатда ёшларга нисбат бериладиган гуноҳ ишни унга ҳам тақашаётганидан мағрур ва мамнун экани сезилиб турарди.

— Йўқ, бу ҳақда ваъда гапиришимдан наф йўқ, акс ҳолда сароӣ нозанинлари бу масалада менинг ҳаддан зиёд қаттиқлигимни кўриб, тавба-тазарру қилгани ҳузуримга келмай қўйишади. Лекин, ростини айтсам, мабодо мен бу гуноҳи азимни қоралайдиган бўлсам, одамлар бир лаҳзалик ҳузур-ҳаловат деб ўзларини мангу азобга маҳкум этишларини исбот этиш учунгина бу ишни қилардим.

— Нима қилсак экан?.. Ана, капитан Жорж ҳам келиб қолди! Қани, Жорж, ваъзга мавзу топиб берчи! Отахонимиз бизнинг маслаҳатимиз билан ваъз айтишга ваъда берганлар.

— Қандай мавзу бўлса ҳам майли,— деди монах.— Лекин тезроқ ўйланглар, жин ургурлар! Мен аллақачон минбарда бўлишим керак эди.

— Вой, жин урсин сизни, отахон! Сўкинишда қиролдан қолишмас экансиз-ку! — хитоб қилди капитан.

— Гаров ўйнайман, у ваъзда бирон марта ҳам сўкинмайди,— деди Бевиль.

— Кўнглим тусаб қолса, нега сўкинмас эканман, сўкинаман,— деди монах дадилланиб.

— Ўн пистоль тикаман — сўкинишга журъат эта олмайсиз.

— Ўн пистоль? Ташланг қўлни!

— Бевиль, мен сенга тенг шерикман,— деди капитан.

— Йўқ, йўқ,— деб эътироз билдирди Бевиль.— Дийнатли отахонимизнинг табарруқ пулига ёлғиз ўзим эга бўлмоқчиман. Борди-ю, у оғзига «жин» сўзини олса, қасамёд қиламанки, ўн пистолнинг баҳридан ўтаман. Воизнинг оғзидан чиққан сўкиш ўн пистолга арзийди.

— Мен ҳозирданоқ сизга айтиб қўя қолай — сиз ютқаздингиз,— деди монах Любен.— Мен ваъзимни ўткиргина сўкишдан бошлаймам. Ҳа, қалайсизлар, жаноб дворянлар? Ёнингизда қиличнинг осиглиги, шляпаларингизда жиға бўлса, сўкинишни фақат бизга чиқар-

ган, деб ўйлайсизларми? Йўқ, хомтама бўлмаглар. Ҳали кўрамиз...

У хонадан чиқди ва бир лаҳза ўтар-ўтмас минбарда пайдо бўлди. Шу ондаёқ тўпланганлар унга ҳурмат юзасидан жим бўлишди.

Воиз минбар қаршисида тигиз турган одамларга кўз югуртирди. У ҳозиргина гаров ўйнаган одамани қидираётган эди. Рўпарасида устунга суяниб турган Бевилини кўргач, қошларини чимирди-да, бир қўлини ёнига қўйиб, газаб билан сўз бошлади:

— Менинг суюкли биродарларим! Ҳаммаиғизни фалондай, пистондай қилиб...

Таажжуб ва порозилик ифодаси ўлароқ бошланган шивир-шивир воизнинг нутқини бўлди, тўғрироғи, воиз атайин қилган қисқа сукунатни тўлдириди.

— ...жинлар, алвастилар жаҳаннамда қийнамаслиги учун, — деб бирданига оҳангини ўзгартирди монах, — парвардигор сизга мадад йўллаган. Бу худои таолонинг қудрати ва қонидир. У бизни жаҳаннам ўтидан халос этади.

Бу гал ялпи қаҳқаҳа унинг гапини бўлди. Бевиля белбоғидан ҳамёнини олди-да, ютқазганига ишора қилиб, воиз кўриши учун бор кучи билан силжитди.

— Ана шунақа, суюкли биродарларим, чехрангизда шодонлик белгилари пайдо бўлди, шундай эмасми? — деб давом этди монах Любен пинагини бузмай. — *Биз жаҳаннамдан халос қилинганмиз.* «Қандай латиф сўзлар», — деб ўйлаётгандирсиз. — Энди бундан бу ёнига фақат қўл қовуштириб кайфичоғлик қилиш қолди. Бу ярамас жаҳаннам ўтидан қўрқмасак ҳам бўлади. Рост, ҳали аърофнинг ҳам алангаси бор. Майли, бўлса бўлар. Унинг кучи нима бўларди — бир шам ёлқинича келадиди-да. У куйдирган жойларни ўнта ибодат билан ювиб ташлаш мумкин. Шундоқ экан, қани, келинлар, ебичиб, кайф-сафо қилайлик, дўндиқчалар билан майшат қилайлик!

О, гуноҳкор бандалар! Сизлар шундай ният қилгансизлар. Лекин мен сизга бошқа гапни айтмоқчиман — ният қилишга қилиб қўйиб, кейин чувингиз чиқиб ўтирмасин.

Демак, жаноб дахрийлар, мутаассиб гугенотлар, сизлар ўйлайсизларки, Исо алайҳиссалом сизни халос этиш учун қурбон бўлган деб? Бекорларни айтибсиз! Хом хаёлни қаранг-а! Бундай разил ва қабиҳ одамлар учун у ўзининг муқаддас қонини тўкармиди? Таъбир



учун афв этасизлар, бу тўнғизлар олдига мунчоқ сочиш билан барабар. Халоскоримиз эса аксинча қилган — у мунчоқ олдига тўнғиз сочган: ахир, мунчоқ денгиз тубида бўлади-ку. Халоскоримиз эса денгиз қаърига икки минг тўнғизни улоқтирган.

*Et esse impetu abiit totus grex praiceps in mare.\**

Оқ йўл сизга, жаноб тўнғизлар! Қошки эди ҳамма дахрийлар орқангиздан жўнаб қолишса!

Шу ерга келганда нотиқни йўтал тутди, у тингловчиларга назар ташлаб, сўзамоллиги қавмига яхши таъсир қилаётганини кўриб, хурсанд бўлди. Сўнг давом этди:

— Шундай қилиб, жаноб гугенотлар, бизнинг динимизга кириш, имилламанг, аке ҳолда... ҳаммангиз нестнобуд бўлиб кетасиз. Сизлар жаҳаннамдан халос бўлганингиз йўқ. Бинобарин, ибодатхоналарингиздан шаталоқ отиб қочинг. Яшасин месса!

Сиз эса — менинг суюкли биродарларим — хурсанд бўлиб, қўлларингизни ниқалаб, жаннатул-маъво ҳақидаги хаёллар билан бармоқларингизни ялаб ўтирибсиз, шундай эмасми? Қўлимни кўксимга қўйиб туриб, сизларга айтадиган гапим шуки, биродарларим, сиз яшаб турган қиролнинг жаннатмонанд саройидан жаннатул-маъвога қадар масофа, ҳатто тўғри кесиб чиқаман деганингизда ҳам, Сен-Лазар дарвозасидан Сен-Дени дарвозасигача бўлган масофадан олис.

Исо Алайҳиссаломнинг қудрати, ўлими ва қоши сизларни дўзах азобидан қутқарди, халос этди. Ҳа, сизлар азалий гуноҳдан фориг бўлдингиз, мен бунга аминман. Аммо ҳушёр бўлинг, яна «лақ» этиб, шайтоннинг тузогига илиниб қолманг. Сизларни огоҳлантириб қўяй: *Circuit quarens quem devoret.\**

О, менинг суюкли биродарларим! Шайтон — моҳир қиличбоз; у Катта Жанни ҳам, Кенжа Жанни ҳам, Инглизни ҳам йўлда қолдиради. Рост айтяман — унинг ҳамласи зўр.

Болаликдаги кўйлақларимиз ўрнига шалвор киядиган бўлишимиз биланоқ, яъни ёшимиз улгайиб, гуноҳи азимга ботадиган даражага етишимиз биланоқ шайтон ҳазрати олийлари бизни ҳаётнинг Пре-о-Клерга чорлайди. Биз ўзимиз билан у ерга олиб борадиган қурол —

\* Шунда тўсатдан ҳамма пода ўзини денгизга отди (лот.)

\*\* Теваракда тентираб, емоққа ўлжа излаб юрибди (лот.)

муқаддас сиру асрорлар, у эса бутун бошли ўқ-дори омборини олиб келади. Бу омбор — бизнинг гуноҳларимиз, улар шайтонга қурол-яроғ, совут-қалқон ўрнида хизмат қилади.

Ана, унинг дуэль бўладиган жойга чиқиб келишини кўряпман: унинг қорнида *Мечкайлик* — бу унинг совути; *Ялқовлик* унга шпорлар хизматиши ўтайди; белида *Шаҳвоният*, бу жуда хавfli қилич; *Ҳасад* унинг ханжари; бошига *Такаббурликни* дубулгадай кийиб олган; киссасида *Хасислик*, зарур бўлиб қолганда уни ҳам дарҳол ишга солиши мумкин. *Ғазаб*, у билан жам бўлиб келадиган сўкиш-қарғишлар ва ундаи туғилувчи жамики оқибатлар масаласига келсак, уларни шайтон ўз оғзида асрайди. Бундан сиз унинг тиш-тирноғигача қуроллангани ҳақида хулоса чиқаришингиз мумкин.

Парвардигор жангни бошлашга ишора қилгандан кейин шайтон боодаб дуэлбозлар каби сизга: «Афандим! Маррага турдингизми?» деган сўзлар билан мурожаат қилмайди. Йўқ, у мўмин христианга дабдурустан, огоҳлантирмасдан ташланади. Христиан эса, ҳозир у қорнига *Мечкайлик* билан туширишини сезиб, ҳамлани *Рўза* билан даф қилади.

Шу ўринга келганда воиз ҳажни олди-да, уни қиличдек ниқталай бошлади — унинг бу хатти-ҳаракатларини энг мураккаб усулларни ўргатаётган қиличбозлик муаллиминикидан фарқ қилиш қийин эди.

— Шайтон чекиниб туриб, сизга *Ғазаб* билан кескин зарба беради, сўнг *Мунофиқлик* қилиб, *Маккорлик* ишлатиб, сизни *Такаббурлик* билан туширади. Христиан аввалига *Сабр-қаноатни* ўзига қалқон қилади, кейин эса *Такаббурлик* зарбасига *Мутелик* билан қарши зарба беради. Шайтон дарғазаб бўлиб, аввал сизга *Шаҳвоният* найзасини санчади, аммо унинг ҳамласи *нафсини тийиши* билан даф қилинганини кўриб, шиддат билан рақибига ташланади ва уни *Ялқовлик* ёрдамида чалади, *Ҳасад* ханжари билан жароҳатлайди, айна чоқда, унинг қалбига *Хасислик* уруғларини сепади. Бундай пайтда христиан оёқ узра дадил туриши, ҳушёрликни бўшаштирмаслиги керак. *Меҳнат* уни *Ялқовликнинг* чалишидан, одамларга *Меҳрибончилик* (буниси жуда қийин гап, биродарларим) *Ҳасад* ханжаридан асрайди. *Хасисликнинг* макру ҳийлаларига келсак, унга чап беришнинг бирдан-бир йўли *Хайри эҳсон*, *Саховатдир*.

Аммо, биродарларим, сизларга ҳам ёпингиздан, ҳам рўпарапигиздан ҳужум қилишса, гоҳ найза санчишса,

тоҳ қилич чопишса, бунақа душманинг ҳар қандай зарбасини даф этишга қобил одамлар орангизда кўп топилармикки? Мен ўз ҳаётим давомида мағлуб бўлган жангчиларнинг кўпини кўрганман. Бундай дақиқаларда жангчи *Тавба-газаррунинг* ёрдамига суянамаса, тамом: бу унинг ҳалок бўлгани, деяверинг. Бу сўнги чорадан кейин фойдалангандан кўра, аввал фойдаланган маъқул. Сиз сароӣ аҳли, ўйлайсизларки, *гуноҳкорман*, деб айтишга кўп вақт талаб қилинмайди. Йўқ, адашасизлар, биродарларим! Ўон бераётган шўрликларнинг қанчадан-қанчаси, *гуноҳкорман*, дегиси келади, аммо улгурсалар, *гуноҳ*... дейишга улгурадилару, овозлари сўнади. Қараб-сизки, жони у дунёга равона бўлибди. Қани, энди уни қидириб топинг-чи! Тополмайсиз.

Монах Любен яна бир неча муддат ўз ваъзхонлигидан ўзи завқланиб, гапиришда давом этди. У минбардан тушганида, сўз санъати ишқибозларидан бири салкам бир соат давом этган ваъзхонликда ўттиз еттита сўз ўйини ва ҳозир келтирганимиз сингари сон-саноқсиз ўткир иборалар борлигини айтди. У католикларнинг ҳам, протестантларнинг ҳам мақтовига сазовор бўлди. Сўнгра у қойил қолганликларини изҳор қилиш учун бошқа қавмлардан ҳам ёпирилиб келган хушомадгўй тингловчилар қуршовида анча вақтгача минбар ёнида туриб қолди.

Ваъз айтилаётган пайтда Бернар бир неча марта графиня де Тюржини сўроқлади. Акаси уни кўзлари билан излаб, кўп овора бўлди. Ё гўзал графиня черковда буткул йўқ эди, ёхуд бирон қоронғи бурчакда мухлис-ларнинг кўзидан яшириниб олганди.

Бернар черковдан чиқиб келаётиб:

— Бу аҳмоқона ваъзхонликка тўпланганлар пасторларимиздан бирортасининг чип кўнгилдан чиқариб айтadиган самимий суҳбатини эшитганларида эди.

— Ана графиня де Тюржи,— деб шивирлади капитан Бернарнинг қўлини қисиб.

Бернар ўтирилди-да, башанг кийинган жувоннинг қоронғи йўлакдан лип этиб яшиндай ўтиб кетганини кўрди. Уни оқ сариқдан келган, хипча, озғин, хотинчалиш чехрали, айтиш мумкинки, атайин палапартиш кийинган ёш бир йигит қўлтиқлаб олган эди. Унинг ҳамроҳи ҳаммани зир титратган Коменж эди.

Бернар графиняга бир нигоҳ ташлашга зўрға улгурди. У кейинчалик ҳатто графинянинг чехрасини аниқ тасаввур ҳам қила олмади. Шундай бўлса-да, графиня

унда зўр таассурот қолдирди. Коменж эса унга сира ҳам ёқмади, лекин нимаси ёқмаганини ўзи ҳам билмас эди. Ана шу озгин одамнинг ҳалитдан номи чиқиб қолгани унинг гашини келтирди.

«Графиня мабодо шу ердагилардан биронтасини севиб қолгудай бўлса, бу қабиҳ одам уни муқаррар ўлдиради.— ўйлади Бернар.— У графиня кимни севиб қолса, ҳаммасини ўлдиришга қасам ичган».

Унинг қўли беихтиёр қиличининг дастасига югурди, лекин шу лаҳзадаёқ у ичида бу қилмини учун ўзини койинди. «Менга нима-я! Коменж графинянинг кўнглини овлабди. Мен бўлсам бу аёлнинг чеҳрасини тузукроқ кўрганим ҳам йўқ. Шундоқ бўлгач, унинг нимасига гайирлик қиламан?»

Шундай бўлса-да, бу фикрдан унинг кайфияти бузилди, черковдан капитаннинг уйига етгунча — бутун йўл давомида сукут сақлаб борди.

Улар етиб келишганда, дастурхонга кечки овқат тортилган эди. Бернар унча иштаҳаси бўлмай овқатланди, дастурхонни йиғиштириб олишлари биланоқ ўзининг меҳмонхонасига ошиқа бошлади. Капитан эртага, албатта, кўчиб келиш шarti билан Бернарга жавоб берди.

Капитан укасига пул, от ва бошқа зарур нарсалар берганини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Булардан ташқари, у саройдаги тикувчи билан яна бир савдогарнинг адресларини ҳам берди. Хонимларга манзур бўлгиси келган ҳамма дворянлар қўлқоп, шалвор, балад пошнали ғарчи бор бошмоқ каби буюмларни фақат ана шу савдогардан харид қилишарди.

Қоронғи тушиб, зулматга чўмган кўчалардан аксининг икки хизматкори Бернарни меҳмонхонагача кузатиб қўйишди. Улар қилич ва тўппончалар билан қуролланиб олишган эди. Ҳамма гап шундаки, у пайтларда кечқурун Парижда соат саккиздан кейин юриш — бизнинг давримизда Севилья билан Гранада ўртасидаги йўлдан қатнашдан ҳам хатарлироқ эди.

РАҲНАМО

Jacky of Norfolk, be not so bold,  
For Dickonthy master is bought and sold,  
Shakespeare. «*King Richard III*»\*

Бернар де Мержи ўзининг оддийгина меҳмонхонасига қайтиб келгач, хонадаги сири хира тортган, ранги ўнгиб кетган жиҳозларни маъносиз нигоҳ билан кўздан кечирди. Бир замонларда оқланган хонанинг деворлари хираланиб қасмоқ босиб кетганди. Бернар хаёлан бу хонани ҳозиргина чиқиб келган уйнинг ипак қопланган деворлари билан таққослар экан, гўзал мадоннани эслаб, уни ўз деворида осиглиқ авлиёнинг бўёқлари кўчиб кетган сурати билан солиштирар экан, кўнглига ёмон ўйлар кела бошлади.

Ҳашамни, нафосатга тўла буюмларни, аёлларнинг меҳр-мурувватини, қиролнинг эъзозларини Жорж оғиздан чиқинчи жуда осон бўлган биргина сўзнинг эвазига олган: энг муҳими — шу сўзнинг тилда айтилиши, дилингни ҳеч ким титкилаб ўтирмайди. Бир лаҳзада у иззат-икром билан ҳаёт кечириётган диндан қайтган протестантларнинг номларини эслади. Бундай пайтларда ҳамини шайтон ёнгинангизда туриб, васвасага сола бошлайди. Бернар ҳам унинг тазйиқи билан адашган фарзанд қиссасини эслади, аммо бу қиссадан у ғалати ҳисса чиқарди: диндан қайтган гугенот ўз имонида ҳеч иккилашмай муқим турган католикдан афзал ҳисобланар экан.

Ҳар хил шаклларга кириб, миясига беихтиёр келаётган бир фикр уни ўз ҳолига қўймай, бутун вужудини чулғаб олган эди. Айни чоқда, бу фикр унинг қалбида ижирганиш туйғусини уйғотди. У Инжилнинг Женева нашрини олиб ўқий бошлади. Бу китобни илгари онаси ўқир эди. Мутолаа уни бир оз тинчлантирди. У китобни қўйиб, уйқуга ётишдан аввал ота-боболари сиғинган динга умрининг охиригача содиқ қолишга қасамёд қилди.

Мутолаа қилиб, қасам ичганига қарамай, ўтган кундаги саргузаштлар уйқусида безовта қилди. Тушига ал-

\* Гурурни қўй, тилингни тий, Жон Норфолк,  
Аллақачон сотилмишдир хўжайиннинг Дик.

Шекспир. «*Қирол Ричард III*» (ингл.)

вон рангдаги шоҳи пардалар, тилла идишлар, тўнтарилган стол, қиличларнинг ярқираши, винога аралашиб кетган қон кирди. Кейин мадоннанинг суратини кўрди — мадонна рамкадан чиқиб келиб, унинг қаршисида рақсага туша бошлади. Бернар унинг юз ифодасини хотирасида сақлаб қолишга уринди, аммо, қараса, кўз ўнгиде қора ниқоб пайдо бўлди. Мовий кўзларни, ниқобнинг тирқинида кўриниб турган оппоқ терини айтмайси-ми!.. Ниқобнинг тасмалари бирдан ечилиб кетди — самовий гўзалликка эга бўлган чеҳра пайдо бўлди. Бироқ у хирароқ эди — бу малакнинг жимирлаб турган сув устидаги аксини эслатарди. Бернар беихтиёр кўзини ерга тикди, лекин шу ондаёқ яна қаради, аммо бу гал малакни эмас, қўлида қонга буланган қилич кўтарган даҳшатли Коменжнигина кўрди, холос.

У жуда эрта уйғониб, унча оғир бўлмаган буюмларни акасиникига элтиб қўйишни буюрди, у акаси билан бирга шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш ниятида эди. У бу ниятдан воз кечиб, ёлғиз ўзи отасининг мактубини етказиш учун Шатильонлар қасрига қараб йўл олди.

Қасрнинг ҳовлисида хизматкорлар гавжум, отлар кўп эди. Мержи уларнинг орасидан турганиб-суртиниб даҳлизга томон ўтди, аммо у ерда ҳам отбоқарлар, мулозимлар кўп экан. Улар фақат қилич билан қуролланишган бўлса ҳам адмирални яхши кўриқлашмоқда эди. Қора кийинган дарвозабон Мержининг нафис тўр тикилган ёқасига, акасидан олиб, бўйнига тақиб олган олтин занжирга назар ташлади-ю, ҳеч қандай гап-сўзсиз уни айвонга бошлади. Шу пайт адмирал айвонда эди. Қирқдан ортиқ асилзодалар, дворянлар ва руҳонийлар бош яланг, одоб сақлаган ҳолда адмиралнинг атрофини қуршаб туришарди. Адмирал оддийгина кийинган бўлиб, либоси қора эди. Бўйи баланд, лекин елкасини бир оз қисиб юрарди. Уруш ташвишлари унинг кенг пешанасида чуқур ажинлар қолдирибди. Оппоқ узун соқоли кўкрагига тушиб турибди. Аслида ичига кирган ёноқлари жароҳат изидан янада ботганроқ кўринарди. Жароҳат изини узун мўйлови ҳам буткул яшира олмаган. Монконтур ёнидаги жангда тўппончадан узилган ўқ унинг юзига тегиб, бир неча тишини синдирган эди. Юзида қаҳр эмас, маъюслик ифодаси бор эди. Жасур Данделонинг<sup>18</sup> ўлимидан кейин уни бирон марта ҳам жилмаймаган дейишади. У устида хариталар ва планлар ётган столга суяниб турарди. Уларнинг орасида калин Инжил ҳам

кўриниб турибди. Хариталар ва планлар устида тишков-лагичлар сочилиб ётибди. Улар адмиралнинг одатини эслатиб турарди. Бу одат эса кўпинча одамлар оғзида гап бўларди. Стол ортида мирза ўтирарди. У берилиб мактублар ёзар, кейин уларни имзо қўйиш учун адмиралга тақдим этарди.

Адмирал маслакдошларининг назарида қиролдан ҳам юқори турарди, чунки унинг шахсиятида ҳам қаҳрамонлик, ҳам авлиёлик қиёфаси мужассам эди. Шундай улғу одамни кўриб Мержининг қалби эҳтиромга тўлиб-тошди, унга яқинлашар экан, беихтиёр бир тиззасини букиб таъзим қилди. Бунақа ғалати эҳтиромдан таажжубланиб, ранжиган адмирал унинг ўрнидан туришига ишора қилди ва бир оз энсаси қотиб, унинг қўлидаги мактубни олди. Мактубни олибоқ муҳрга қаради.

— Бу менинг эски ошпам, барон де Мержидан,— деди у.— Сиз эса, йигитча, ҳайрон қоладиган даражада унга ўхшар экансиз. Унинг ўғлимисиз дейман?

— Жаноб адмирал! Агар отамнинг ёши ўтиб қолган бўлмаганида у ҳурмат-эҳтиромини шахсан ифода этиш учун, албатта, ўзи келган бўлурди.

— Жаноблар!— деб атрофдагиларга мурожаат қилди Колинъи мактубни ўқиб чиқиб.— Сизларга барон де Мержининг ўғлини таништиришга рухсат бергайсиз. У бизнинг сафимизга қўшилиш учун атайин икки юз миля масофани босиб келибди. Кўриниб турибдики, Фландрияга сафар қилсак, кўнгиллиларга зориқмаймиз. Жаноблар! Умид қиламанки, ҳаммангизга бу йигит манзур бўлур. Унинг отасини ҳаммангиз чин кўнгилдан ҳурмат қиласиз.

Бу гапни эшитиб йигирматача одам Мержи билан қучоқлашиб кўришишга ташланди ва унга хизматларини таклиф қила бошлади.

— Сиз урушда қатнашишга улғурдингизми, азизим Бернар?— деб сўради адмирал.— Аркебуз отишмаларини эшитганмисиз?

Мержи қизариб, ҳали имон учуп жанг қилиш бахтига мушарраф бўлмаганини айтди.

— Ўз ҳамюртларингизнинг қонини тўкишга тўғри келмагани учун сиз хурсанд бўлишингиз керак, йигит,— деди Колинъи жиддий оҳангда.— Худога шукур,— деб қўшимча қилди у хўрсиниб,— граждандар уруши тамом бўлди, художўйлар енгил тортиб қолди. Сиз биздан кўра бахтлироқ экансиз, чунки сиз фақат қирол ва ватан душманларига қарши қилич яланғочлайсиз.

У йигитнинг елкасига қўлини қўйиб, давом этди:

— Имоним комилки, сиз уруғингиз шаънига доғ туширмайсиз. Ҳаммадан аввал мен отангизнинг хоҳишини бажо келтираман: сизни ўзимга мулозим қилиб оламан. Испанлар билан тўқнашганимизда, уларнинг байроғини эгаллаб олишга тиришинг — сизни корнет лавозимига кўтаришади ва сиз менинг полкимга ўтасиз.

— Орт ичмаман,— деб хитоб қилди қатъий қиёфада Мержи,— биринчи жангдан кейиноқ корнет бўламан. Акс ҳолда, отам фарзандидан жудо бўлсин.

— Жуда соз, довюрак бўталоғим. Сен отангга ўхшайсан. Бир вақтлар у ҳам худди шундай дерди.

Адмирал интендантни ҳузурига чақирди:

— Бу менинг интендантим, Самюэль. Агар кийим-кечагингга пул керак бўлса, унга мурожаат қил.

Интендант икки букилиб таъзим қилди, аммо Мержи миннатдорлик билдириб, таклифни рад этди.

— Отам билан акам мендан ҳеч нарсани аяшмайди,— деди у.

— Акангиз?.. Капитан Жорж Мержими? У биринчи уруш пайтидаёқ динимиздан чиққан эди, а?

Мержи бошини қуйи солди, унинг лаблари овозсиз пичирлар эди.

— У довюрак солдат,— деб давом этди адмирал,— аммо инсон худодан қўрқмас экан, унинг довюраклиги нима бўларди? Йигит! Сизнинг оилангизда ўрпак олса арзийдиган нарса ҳам бор, ўрпак олишга арзимайдигани ҳам бор.

— Мен акамнинг хиёнатидан эмас... жасурлигидан ўрпак оламан.

— Майли, Бернар, менинг ҳузуримга тез-тез келиб туринг. Мени отангиз ўрнида кўринг. Бу ерда — Парижда ҳақ йўлдан адашини осон, аммо сизни тез орада номингизни шон-шуҳрат билан қоплашга имкон берадиган жойга жўнатиш умидидан.

Мержи эҳтиром билан бош эгиб, аъёнлар тўдасига қўшилиб кетди.

— Жаноблар!— деб Колиньи Мержининг келиши билан чала қолган гапини давом эттирди.— Менга ҳар томондан хушxabарлар келиб турибди. Руандаги қотиллар жазоланган...

— Тулузадагилари жазолангани йўқ,— деб унинг гапини бўлди мутаассибларникига ўхшаш тунд юзли кекса пастор.

— Сиз адашяпсиз. Мен ҳозиргина бу тўғрида ха-



бар олдим. Ундан ташқари, Тулузада аралаш комиссия таъсис этилган<sup>19</sup>. Ҳазрат олиёлари кун сайин адолат барчага баравар эканини тасдиқловчи янгидан-янги далилларни намойиш этмоқда.

Кекса пастор ишонинқирамай бош чайқади.

Қора барқут либос кийган ошшоқ соқолли аллақандай қария хитоб қилди:

— Ҳа, унинг одиллиги барчага баравар! Карл билан унинг муҳтарама онаси бир зарба билан Шатильонлар, Монморанслар ва Гизларни қулатса, хурсанд бўлишарди.

— Қирол ҳақида аҳтиром билан гапириш, жаноб де Бонисан,— деб таибеҳ берди Колинъи зарда билан.— Эски низоларни унутиш керак! Ҳа, унутиш керак! Исо алайҳиссаломнинг дилозорларни кечириш ҳақидаги ўгитига биздан кўра католиклар дурустроқ ихлос билан амал қилишади, дейилган гап-сўзларга асос бериш бизга ярашмайди.

— Отамнинг хокига қасамёд қилиб айтаманки, шундай қилиш биздан кўра уларга осонроқ,— минғирлади Бонисан.— Қийнаб ўлдирилган йигирма учта қариндошим дарров эсимдан чиқиб кетармиди?

У аччиқ-тизиқ сўзларни гапиришда давом этар экан, қўққисдан айвонда мункиллаган бир чол пайдо бўлди. Унинг қиёфаси кўнгилни оздирадиган даражада эди. Устида кийилавериш ёғи чиқиб кетган плаш. У одамлар орасидан туртишиб ўтиб, Колинъига муҳрланган қоғоз узатди.

— Сиз ким бўласиз?— муҳрни бузмай туриб сўради.

— Дўстларингизнинг бириман,— деб жавоб берди чол хирилдоқ овозда ва дарҳол жўнаб қолди.

— Мен бу одамнинг саҳарлаб Гизлар қасридан чиқиб келаётганини кўрган эдим,— деди аллақайси дворян.

— У жодугар,— деди кимдир.

— Заҳарлашга моҳир,— деди яна биров.

— Герцог Гиз уни адмирал жанобларини заҳарлагани юборган.

— Заҳарлагани?— деб сўради адмирал елкасини қисиб.— Мактуб орқали заҳарлайдими?

— Наварра қироличасининг қўлқонини эслап!<sup>20</sup>— деб қичқирди Бонисан.

— Мен на заҳарланган қўлқонга ва на заҳарланган мактубга ишонаман. Аксинча, герцог Гизнинг бундай қабиҳ ишга қобил эмаслигига аминман!

Колинъи муҳрни бузмоқчи бўлган эди, Бонисан унинг олдига югуриб бориб, юлқиб мактубни олди.

— Муҳрни буза кўрманг!— деб қичқирди у.— Акс ҳолда заҳар нафасингизга уради.

Ҳамма адмирални қуршаб олди, у эса Бонисандан қутулиш чорасини изларди.

— Мактубдан қсра ҳовур чиқаётганини кўриб турибман!— деб қичқирди аллаким.

— Ташланг уни! Тапланг!— деб қичқирди ҳамма.

— Қўйсанглар-чи мени ўз ҳолимга! Ҳаммангиз ақлдан озибсиз!— деди адмирал уларнинг хуружидан қутулишга интилиб.

Бу олағовур ичида мактуб ерга тушди.

— Самюэль, дўстим!— деб қичқирди Бонисан.— Садоқатингизни исбот қилинг. Мактубни очинг-да, унинг ичида шубҳаланадиган ҳеч нарса йўқ эканига қаноат ҳосил қилганингиздан кейин уни хўжайинингизга тутқазинг.

Бу топшириқ интендантга унча ёқмади. Аммо Мержи мактубни олди-да, ўйланиб ўтирмай, муҳрни шартта бузди. Бир зумда унинг тевараги бўшаб қолди — худди хонанинг ўртасида ҳозир бомба портлайдигандай, ҳамма теварақ-атрофга чекинди. Бироқ мактубнинг ичидан заҳарли ҳовур кўтарилмади, ҳеч ким лоақал акса ҳам ургани йўқ. Қўрқинчли конверт ичида анча кир бўлиб кетган қоғоз бор экан, холос. Унга атиги бир неча мисрагина хат битилган эди.

Хатар ўтиб кетиши биланоқ элдан бурун ўзини четга тортган одамлар олдинга ўтишга ошиқишди.

— Бу қандай сурбетлик!— деб қичқирди Колинъи ғазаб билан. У бир амаллаб Бонисаннинг қучоғидан бўшаб олган эди.— Менга аталган мактубнинг муҳрини бузишга қандай журъат этдингиз?

— Жаноб адмирал! Мабодо, мактубда нафас йўлларига кириб таъсир этадиган заҳар бўлса, ундан менга ўхшаш йигит қурбон бўлса ҳам сизнинг омон қолишингизни афзал деб билдим. Негаки, сизнинг қимматли ҳаётингиз имонимиз ҳимояси учун зарур.

Бу гапдан кейин Мержининг шаънига шивир-шивир мақтов гаплар эшитилди. Колинъи мулојимлик билан унинг қўлини қисди, меҳрибон нигоҳ билан унга индамай қараб турди-да, кейин деди:

— Модомики, хатни очишга журъатинг етган экан, бирагўла энди уни ўқиб ҳам бера қол.

Мержи ўқий бошлади:

«Ғарбда кўкни қонли шафақ босган. Юлдузлар ғойиб бўлди, самода ёлқинли шамширлар кўринмоқда.

Буларнинг қандай оқибатларга олиб келишини кўрмаслик учун сўқир бўлмоқ даркор. Гаспар! Шамширингни белиннга тақ. Отингни эгарла. Бўлмаса, бир оз фурсатдан сўнг гўштинг *тулжиларга ем бўлади*».

— *Тулжилар* деб *Гизларга* шама қилаётганга ўхшайди,— деди Бонисан.

Адмирал нафрат билан елка қисди. Атрофдагилар сукут сақлашмоқда эди. Ҳамма хатдаги башорат таъсирида экани сезилиб турарди.

— Парижда қанчадан-қанча одам беҳуда ишлар билан машғул!— деди Колинъи совуқ оҳангда.— Аллаким тўғри айтган: Парижда ўн мингтача тақасалтанг башорат қилиш билан тирикчилик қилар экан.

— Ҳар нима бўлганда ҳам, бу огоҳлантиришга бепарво қараб бўлмайди,— деди пиёда аскарлар капитани.— Герцог Гиз сизнинг қорнингизга қиличчини санчмагунча бемалол ухлай олмаслигини ошкора айтганди.

— Бироп қотил ҳузурингизга кираман деса, бемалол кириб келаверади,— деб қўшимча қилди Бонисан.— Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, ҳар гал Луврга боришдан аввал совет кийиб олардим.

— Беҳуда гап, дўстим!— эътироз билдирди адмирал.— Қотиллар сиз билан бизга ўхшаган кекса солдатларга ҳамла қилишмайди. Биз улардан эмас, улар биздан кўпроқ кўрқишади.

Кейин у Фландрияга қилинадиган юриш ҳақида ва диний эътиқод масалалари тўғрисида гапира кетди. Баъзилар унга қирол номига ёзилган илтимосномаларини тутқазишди. Адмирал ҳамма илтимос билан келганларни очиқ чеҳра билан қабул қилди, уларнинг ҳар қайсисига муносиб яхши муомала қилди. Соат ўнда у шляпаси билан қўлқопини келтиришларини сўради — Луврга борадиган вақт бўлган эди. Баъзилар у билан хайр-маъзур қилишди, лекин кўпчилик унинг мулозими ва айни чоқда, соқчиси сифатида у билан бирга равона бўлди.

*Еттинчи боб*

**РАҲНАМО**

*(Давоми)*

Капитан укасини кўриши биланоқ узоқдан унга қичқирди:

— Хўш, қалай, Гаспар Биринчинини кўрдингми? Қандай қарши олди?

— Шунчалик яхши қарши олдики, бу учрашувни ҳеч қачон унутмайман.

— Хурсандман.

— Эҳ, Жорж! У қанақа одам-а!

— Қанақа бўларди. Тахминан, ҳамма қатори одам-да. Рост, менинг хизматкоримдагига қараганда унинг шуҳратнарастлиги билан сабр-қаноати бир оз ортиқроқ. Фарқи фақат келиб чиқишида. Омади бор экан, Шатильонлар оиласида туғилган.

— Демак, сенингча, келиб чиқиши унга ҳарбий санъатни ўргатган? Демак, у келиб чиқиши туфайли замонамизнинг энг етук саркардаси бўлиб олган? Шундайми?

— Албатта, йўқ. Лекин унинг фазилатлари неча мартабалаб мағлуб бўлишига халақит берган эмас. Қўй, майли, бу гапни бас қилайлик. Бугун адмирал билан кўришибсан, жуда ҳам соз. Ҳаммасининг кўнглини олиш керак. Бошқалардан аввал Шатильоннинг ҳузурига борганинг яхши бўлибди. Энди нима қилдик? Эртага овга чиқишни истайсанми? Борсанг, сени бир одам билан таништираман. У билан ошначилик қилиб туриш зарар қилмайди. Мен француз қироли Карлни назарда тутяпман.

— Қиролнинг овида иштирок этаманми?

— Албатта! Гўзал нозанинларни ва ажойиб отларни кўрасан. Мадрид қасрида тўпланамиз. У ерда эртага саҳарда ҳозир бўлишимиз керак. Мен ўзимнинг отимни сенга бераман. Кафилманки, уни ниқталашнинг ҳожати бўлмайди, тозилардан ортда қолмайди.

Хизматкор Бернарга мактуб берди — ҳозиргина қиролнинг чопари олиб келибди. Бернар мактубни очиб ўқиди ва Бернарни корнет лавозимига тайинлаш ҳақидаги фармонни кўриб ака-ука ҳанг-манг бўлиб қолишди. Фармон бутун қоидаларга амал қилиб ёзилган ва остига қиролнинг муҳри босилган эди.

— Буни қара-я! — деб хитоб қилди Жорж. — Кутилмаган эҳсон! Аммо Карл Тўққизинчи сенинг оламда мавжуд эканингни қаёқдан била қолди? Жин урсин! Корнет қилиб тайинланганинг ҳақидаги фармонни сенга қандай жўнатдийкин?

— Менимча, бу иш учун адмиралдан миннатдор бўлишим керак, — деди Бернар.

Шундан кейин у акасига ўзи довураклик билан очган сирли мактубни гапириб берди. Капитан воқеанинг хотимасини эшитиб, чин кўнгилдан мириқиб кулди ва укасини роса мазах қилди.

КИТОБХОН БИЛАН МУАЛЛИФ  
ЎРТАСИДАГИ СУЎБАТ

— Жаноб муаллиф! Энди бемалол портретлар тасвирига киришаверсангиз ҳам бўладиган пайт келди. Яна қандай портретлар денг! Ҳозир сиз бизни Мадрид қасрига — қирол саройининг энг гавжум жойига олиб борасиз. Сароймисан — сарой! Ҳозир сиз бизга ана шу француз-итальян саройини кўрсатасиз. Бизни бир неча ёрқин характерлар билан таништиринг. Ҳозир биз кўп ажойиб нарсаларни билиб оламиз. Шунчалик улуғ одамлар ўртасида ўтказилган кун бениҳоя ажиб ва қизиқ бўлиши керак.

— Афв этасиз, жаноб китобхон, мепдан нимани илтимос қиляпсиз? Мен Франция тарихини ёзишга имкон берадиган истеъдодга эга бўлганимда беҳад хурсанд бўлардим. Унда ёзувчилик қилиб ўтирмасдим ҳам. Аммо, айтинг-чи, нега энди сиз романимдаги воқеаларда иштирок этмаган шахслар билан сизни таништиришимни истайсиз?

— Уларга асарингиздан ўрин бермаганингиз — сизнинг кечириб бўлмайдиган хатоингиздир. Нечук шундай? Сиз бизни 1572 йилга кўчириб ўтасизу, лекин қанчада-қанча машҳур одамларнинг портретини тасвирламоқчи эмассиз? Қўйинг бу гапни! Бу ерда ҳеч қандай иккиланишга ўрин йўқ. Ёзинг. Мен сизга биринчи жумлапни айтиб бераман: *меҳмонхона эшиги очилиб, ундан...*

— Афв этасиз, жаноб китобхон. Мадрид қасрида ҳеч қандай *меҳмонхона* бўлган эмас. Меҳмонхоналар...

— Ҳа, хўп, майли! *Улкан зал одамлар билан гавжум эди*, деб ёзинг. *Уларнинг орасида...*

— Қани, уларнинг орасида кимлар бўлишини истардингиз?

— Жин олсин! *Primo*,\* Карл Тўққизинчининг...

— *Secundo*...\*\*

---

\* Биринчидан (лот.).

\*\* Иккинчидан (лот.).

— Шошманг. Аввал унинг либосини тасвирланг, кейин ташқи кўринишини кўрсатинг, кейин унинг маънавий қиёфасига ўтинг. Ҳозир ҳамма романнавислар шу йўлдан боришади.

— Либосими? У ов кийимида эди, белбоғига катта-конт бурғу осиб олганди.

— Жуда камгап бўлиб олдингиз-ку!

— Унинг ташқи кўринишига келсак... Шошманг... Эҳ худойим-ей, унинг Ангулем музейидаги ҳайкалини кўриб қўя қолинг-да! У иккинчи залда, тўқсон саккизинчи рақамга эга.

— Лекин, жаноб муаллиф, мен Парижда турмайман-да! Карл Тўққизинчининг ҳайкалини кўраман, деб ата-йин Парижга боришимни истайсизми?

— Хўп, майли, бўлмаса. Ёшроқ келишган бир йигитни кўз олдингизга келтиринг. Боши елкасига бир оз қапишган. У бўйинини чўзиб, ноқулай бир тарзда бошини олдинга эгиб юради. Бурни каттароқ. Лаблари нафис, оғзи катта, юқори лаби чўччайиброқ туради, ранги сўлгин, катта-катта зангори кўзлари ҳеч қачон гаплашиб турган одамга тик қарамайди. Ҳар қалай, унинг кўзларидан *ВАРФОЛОМЕЙ ТУНИ* ёхуд шунга ўхшаган бошқа бирор нарсани уқиб олиб бўлмасди. Йўқ, йўқ! Унинг юз ифодаси шафқатсиз ва қаҳрли эмас, аксинча, маъносиз ва бесаранжомроқ. Ҳамма ўрнашиб ўтириб олган улкан меҳмонхонага кириб келган биронта ёш инглиз йигитни кўз олдингизга келтирсангиз, унинг тўғрисида анча тўлиқ тасаввур ҳосил қиласиз. У башанг кийинган бир гуруҳ хонимлар ёнидан ўтади — улар сукут сақлашади. Улардан бирининг кўйлагига тегиб кетади, бошқаси ўтирган стулга қоқилиб тушади, минг азобда уй бекасининг олдига етиб боради. Шундагина пайқайдики, уни эшик олдига олиб келиб қўйган каретадан тушаётиб, енгги бехосдан гилдиракка тегиб кетибди ва ифлос бўлибди. Ана шундай довдираб қолган чехраларни умрингизда сира ҳам кўрмаган бўлишингиз мумкин эмас. Балки зодагонлар орасида юра-юра ўзишгизга тўла ишонч ҳосил қилиб, асилзодалар даврасида пайдо бўлишдан чўчимай қўйганингизга қадар, сиз ҳам кўзгу олдида қайта-қайта машқ қилган бўлсангиз ажаб эмас.

— Хўш, Екатерина Медичи-чи?

— Екатерина Медичими? Жин урсин, уни унутиб қўяёзбман-ку! Унинг номини қайтиб тилга олмасман, деб ўйлайман. Бу семиз аёл ҳали анча дуркун эди. Мен-

даги маълумотларга қараганда, ёши ўтинқираган бўлса ҳам, ҳусни анча сақланиб қолган, бурни катта, денгиз касалининг илк хуружларига дуч келган одамдай, лабларини маҳкам қисиб олган. Кўзлари ярим юмуқ, у лаҳза сайин эснайди, бир хил оҳангда гапиради. Товуши сира ўзгармайди. У: «Жонимга теккан аёлдан қандай қутулсам экан?» деган иборани ҳам, «Мадлен! Кучукчамга ширин сут қуйиб беринг», деган иборани ҳам, мутлақо бир хил оҳангда гапиради.

— Шундай бўлса ҳам, унга биронта жиддийроқ гал айттиринг. У яқиндагина Жанна д'Альбрени заҳарлаган. Ҳар ҳолда шунақа миш-миш гаплар тарқалган эди. Бу воқеа унга озми-кўнми таъсир қилгандир, ахир?

— Мутлақо. Таъсир қилганида, унинг тилларда достон бўлган машъум матонати чипшакка чиққан бўларди. Бундан ташқари, меъга авиқ маълумки, ўша куни у фақат оби ҳаво ҳақида гапирган.

— Генрих Тўртинчи-чи? Наварралик Маргарита-чи? Бизга доворак, хушмуомала, энг муҳими — олижаноб Генрихни кўрсатинг. Маргарита мулозимининг қўлига ишқий мактуб тутқазсин, Генрих эса бу пайтда Екатеринбургнинг бирон канизагининг қўлини қисиб турган бўлсин.

— Агар Генрих Тўртинчи ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ёшгина йигитга қараб, ҳеч ким келажакда унинг мардлик кўрсатишини, Франциянинг қироли бўлишини хаёлига ҳам келтиролмас эди. Икки ҳафтача аввал онаси қазо қилган эди. Бугун у буни унутиб юборишга улгурди. Шпкорбон билан эртага овламоқчи бўлган кийик ҳақида эзмаланиб гаплашиб ўтирибди. Мен сизни, овчи бўлмасангиз керак, деган умидда бу суҳбатдан фориғ этаман.

— Маргарита-чи?

— У бетоб эди, шу сабабга кўра хонасидан чиққани йўқ.

— Баҳонангиз дуруст-ку! Герцог Анжуйский-чи? Шаҳзода Конде-чи? Герцог Гиз-чи? Таван, Регц, Ларошфуко, Теллиньи-чи? Торе, Мерю-чи? Яна бошқалар-чи?

— Кўриниб турибдики, сиз уларни менадан кўра яхшироқ билар экансиз, яхшиси, мен сизга дўстим Мержи ҳақида гапириб бераман.

— Ундай бўлса, мен романингизда кўнглимдаги нарсани тополмайдиганга ўхшайман.

— Ҳа, тополмасангиз керак, деб қўрқаман.

## ҚЎЛҚОП

Cayóse un escarpin de la derecha  
Mano, gue de ja izquierda importa poco.  
A la senora Blanca, y amor loco.  
A dos hidalgos disparó la flecha  
Lope de Vega. «*El guante de dona Blanca*»\*

Сарой аҳли Мадрид қасрида эди. Атрофини канизаклар қуршаб олган қиролчи қирол овга отланишдан аввал понушта қилгани келади, деб ўз хонасида кутиб ўтирарди. Ҳолбуки, қирол бадавлат князлар ҳамроҳлигида айвон бўйлаб аста сайр қиларди. У билан бирга шикорга бориши лозим бўлган эркаклар шу ерга тўпланишган эди. У сарой аҳлининг гап-сўзига паришонхотир қулоқ солар, кўнчилиқка зарда билан кескин жавоб қайтарарди. Қирол иккала ака-уканинг ёнидан ўтар экан, капитан тиз букиб таъзим қилди-да, унга янги корнетни таништирди. Бернар эгилиб таъзим қилди ва ҳазрати олийларига марҳамати учун мпннатдорчилик билдирди.

— Адмирал менга айтган йиғит сизмисиз? Сиз капитан Жоржнинг укасимсиз?

— Шундай, давлатпаноҳ.

— Католикмисиз ёхуд гугенотмисиз?

— Протестантман, давлатпаноҳ.

— Мен шунчаки қизиқяпман-да, Ўлай агар, менга садоқатли одамларнинг қайси динга сифинишига заррача аҳамият берсам.

Қирол шу гапларни айтгач, қиролчи ҳузурига қараб йўл олди.

Бир неча дақиқа ўтгач, айвонда бир тўда аёллар пайдо бўлишди. Улар, эркаклар зеркиб қолишмасин, деган ниятда келган бўлсалар керак. Мен гўзалларга тўла бу саройдаги фақат бир соҳибжамол ҳақида гапириб берман. Қиссамда катта роль ўйнайдиган соҳибжамолни, яъни графиня де Тюржини назарда тутяпман. У сувори аёллар киядиган узун либосда эди. Кийими кенггина ва

---

\* Бланканинг қўлқопи тушди,  
Ўнгми, майли, сўлми қўлидан.  
Шу туфайли икки зодагон  
Мажруҳ бўлди севги ўқидан.

Лопе де Вега. «*Донья Бланканинг қўлқопи*» (исп.)



айни чоқда жуда бежирим эди. У ҳали ниқобини кий-  
гунича йўқ. Юзининг кўзни қамаштирадиган даражада  
оқлигидан қоп-қора сочи янада қорароқ кўринарди. Бир-  
бирига деярли тутшиб кетган камон қошлари унинг чеҳ-  
расига шиддатли ифода бахш этган, аммо бундан унинг  
бутун қиёфаси заррача ҳам жозибасини йўқотмаган эди.  
Аввал унинг шаҳло мовий кўзларидан фақат такаббур-  
лик ва менсимаслик ифодасини ўқиш мумкин эди, аммо  
суҳбат жонланиши биланоқ, унинг кўз қорачиқлари кат-  
талашиб, мушукники сингари кенгаяр, уларда ёлқин  
чақнарди. Ана ўшанда манмап деган савлатдор мағрур  
ийгит ҳам ҳеч бўлмаганда бир муддат бу кўзларнинг  
сеҳрига тушиб қолмаслиги мумкин эмас эди.

— Графиня де Тюржи! Бугун жуда ҳам лобар-а!—  
деб шивирлашарди сарой аҳли. Уларнинг ҳар бири ҳам  
графинянинг латофатидан тузукроқ баҳраманд бўлиш  
ниятидан олдинроқ ўтиб, унга яқин боришга интиларди.

Графиня де Тюржининг йўлида турган Бернар унинг  
ҳуснига маҳлиё бўлиб, анграйганча туриб қолди. Гра-  
финянинг кенг ипак енги унинг камзулига тегиб кетган-  
дан кейингина Бернарнинг ҳуши жойига келиб, йўл  
бериш кераклиги эсига тушди.

Графиня Бернарнинг ҳаяжонини кўриб ичида мам-  
нун бўлган бўлса бўлгандир. Ҳар ҳолда у, саховатпеша-  
лиги тутиб кетиб, чиройли кўзларини Бернарнинг кўзига  
тикди. Бернар бир лаҳза довдираб қолди, унинг икки  
бети қизариб кетди. Графиня жилмайди ва унинг ёни-  
дан ўтар экан, қўлқопини тушириб юборди, аммо қаҳра-  
монимиз саросимадан қоққан қозикдай қотиб қолган  
эди — қўлқопни олиб беришга фаҳми етмади. Шунда  
Бернарнинг орқасида турган малла йигит (бу — Коменж  
эди) уни туртиб, бир чеккага сурди-да, қўлқопни ердан  
олиб, эҳтиром билан ўпди-да, кейин де Тюржи хонимга  
узатди. Графиня унга миннатдорлик билдирмай, юзини  
Бернарга ўгирди ва бир неча муддат унга жонини суғу-  
риб оладиган ижирғаниш билан қараб турди, сўнгра  
кўзлари билан капитан Жоржни излаб топиб, атайин  
баланд овозда гапирди:

— Капитан! Манави ландавурнинг кимлигини бил-  
майсизми? Унинг фаросатсизлигига қараганда, у, албат-  
та, гугенот бўлса керак?

Ялли кулги шўрлик Бернарни ҳаддан ташқари хи-  
жолатга солди.

— У менинг укам, хоним,— деб жавоб берди Жорж  
пастроқ овозда.— Парижга келганига атиги уч кун бўл-

ди. Номусим ҳаққи, онт ичаманки, сизнинг тарбиянгизни олиб, эпақага келгунга қадар Лануа ҳам укамдай бе-сўнақай эди.

Графиня хиёл қизарди.

— Ҳазилингиз яхши эмас: мен сизга айтсам, капитан, оламдан ўтганларни ёмонлашмайди. Қўлингизни беринг, бир хоним сиз билан гаплашиб қўйишимни илтимос қилган эди. У сиздан рози эмас.

Капитан эҳтиром билан унинг қўлтигидан олди-да, айвоппнинг нариги, холироқ томонига етаклади. Кета туриб графиня яна бир бор Бернарга ўгирилиб қаради.

Бернар аввалгидай гўзал графинянинг хуснидан кўзи қаманиб, унга суқланиб боқиш истагида ёниб ва айни чоқда унга қарашга журъат этолмай турган эди, елкасига кимдир астагина қоққанини сизди. У ўгирилиб, барон де Водрейлни кўрди. Барон уни қўлтигидан олиб, бир чеккага бошлади. У холи гаплашишларига ҳеч ким халақит бермасликлари учун шундай қилганини айтди.

— Азиз дўстим!— деди барон.— Сиз янги одамсиз, афтидан, бу ерда одам ўзини қандай тутиши кераклигини билмайдиган кўринасиз.

Мержи унга таажжуб билан тикилиб қолди.

— Акангиз банд, сизга маслаҳат беришга фурсати йўқ. Агар изи берсангиз, мен акангиз ўрнини босаман.

— Мен тушунмаяпман, сиз...

— Сизни қаттиқ таҳқир этишди. Сизнинг қиёфангиз ташвишли кўринади. Сиз интиқом режасини тузаяпсиз, деб ўйладим.

— Интиқом? Кимдан?— сўради Мержи сочларининг тагигача қизариб.

— Ахир, пакана-бақалоқ Коменж ҳозиргина сизни бор кучи билан туртиб юборди-ку! Бу иш қандай бўлганини бутуп сарой аҳли кўрди. Ҳамма ҳозир сизнинг буни шундай қолдирмаслигингизни кутяпти.

— Айвоп тўла одам, биров бехосдан мени туртиб юборган бўлса, бунинг ҳайрон қоладиган нимаси бор?

— Жаноб де Мержи! Мен сиз билан яқин таниш бўлиш шарафига ноил эмасман, лекин сизнинг акангиз билан қадрдон дўстимиз. Акангиз ҳам тасдиқлаши мумкинки, мен Исо алайҳиссаломнинг биров озор берсангизнинг гуноҳидан ўтиш кераклиги ҳақидаги таълимга имкон борича амал қиламан. Мен сира ҳам сизни гиж-гижлатмоқчи эмасман, лекин айни чоқда, Коменж сизни бехосдан туртиб юбормаганига эътиборингизни жалб қилмоқни бурчим деб ҳисоблайман. У сизни шушнинг

учун туртдики, бу билан сизни ҳақорат қилмоқчи бўлди. Боринги, у сизни туртмаганда ҳам, барибир, сизни таҳқирлади: Тюржининг қўлқопини ердан олиб, сизга мансуб бўлган ҳуқуқни камситди. Қўлқоп сизнинг оёқларингиз остида эди, ergo \* уни ердан олиб эгасига беришга ёлғиз сизнинг ҳаққингиз бор эди... Ана, анави томонга қаранг. Айвоннинг нариги бурчида Коменжни кўряпсизми? У, бармоғи билан сизни кўрсатиб, масхара қиляпти.

Мержи ўгирилиб, Коменжни кўрди. У атрофини қуршаб олган йигитларга кула-кула алланималарни гапирар, йигитлар эса зўр қизиқиш билан унинг гапларини тинглашарди. Гап ўзи тўғрисида кетаётганига Мержининг ҳеч қандай далили йўқ эди, аммо хайрихоҳ дўстининг гапи қилар ишни қилиб бўлганди: Мержи кўксига ашаддий ғазаб туғён уриб келаётганини ҳис қилди.

— Мен у билан овдан кейин гаплашаман. Ўйлайманки... — деб гап бошлади у.

— Ҳеч қачон оқилона тadbирларни орқага силтаманг. Бундан ташқари, сизга озор бериши биланоқ рақибингизни интиқомга чақирсангиз, бу худога ҳам хуш келади. Узоқ мулоҳазалардан кейин қилсангиз, бу билан худои таолони ҳам ранжитган бўласиз. Бирор кимсани жаҳл устида дуёлга чақирсангиз, бунинг унчалик гуноҳ жойи йўқ. Аммо, борди-ю, кейин олишадиган бўлсангиз, буни фақат бир мақсадда, сўзингизнинг устидан чиқмай қолиб, оғирроқ гуноҳга ботмаслик мақсадида қиласиз. Айтгандай, сизнинг протестант эканингизни унутиб қўйибман. Нима бўлганда ҳам у билан олишув вақтини ва жойини дарҳол келишиб олинг. Мен ҳозир сизларни учраштириб қўяман.

— У мenden кечирим сўрар, дейман.

— Буни, яхшияси, хаёлингизга ҳам келтирманг, дўстим. Коменж ҳали бирон марта «Мен ноҳақман» деган гапни айтган эмас. Лекин, у номусли одам. Албатта, сизнинг талабингизни қондиради.

Мержи ўзини қўлга олиб, лоқайдроқ кўринишга ҳаракат қилди.

— Модомики, Коменж мени ҳақорат қилган экан, — деди Мержи, — менинг унга даъвойим бор. У менинг даъвойимга истаган тарзда жавоб бериши керак.

— Жуда соз, азизим! Довюраклигингиз менга маъқул тушди. Ахир, сиз Коменжнинг энг чапдаст қилич-

\* Бинобарин (лот.).

бозларимиздан бири эканидан хабардор бўлсангиз керак. Очигини айтганда, бу жаноб қилич ўйнатишга жуда ҳам уста. У Римда Брамбилдан таълим олган. Кенжа Жан у билан қиличбозлик қилишга ортиқ ботинолмай қолди.

Буларни айтар экан, барон Мержининг оқаринқираган чехрасига синчиклаб назар солди. Ҳолбуки, Бернар олишувнинг оқибатидан қўрқшдан кўра, ҳақоратдан кўпроқ ҳаяжонланмоқда эди.

— Мен бажону дил сизга секундантлик қилиш вазифасини зиммамга олардим, аммо биринчидан, эртага ибодатга боришим керак, иккинчидан эса, ўзим де Ренси билан олишишим керак. Бинобарин, ҳозир яна бошқа бирор кимсага қарши қилич яланғочлашга ҳаққим йўқ.<sup>21</sup>

— Миннатдорман. Агар иш дуэлга бориб тақалса, акам менга секундант бўлади.

— Капитан бу соҳанинг билимдони. Ҳозир мен сизни Коменжнинг олдига олиб бораман. Гаплашиб оласиз.

Мержи таъзим қилди, сўнгра деворга ўгирилиб, Коменжга айтадиган гапини дилидан ўтказиб бошлади. Бу иш билан машғул экан, у юзига ҳам шунга мувофиқ ифода беришга ҳаракат қилди.

Дуэлга чақиринч ғоят нозик иш — бошқа кўп нарса каби бунга ҳам машқ орқасида эришилади. Қаҳрамонимиз биринчи марта *бу ишга* киришмоқда эди — шунинг учун у бир оз хижолат чекмоқдайди. Бироқ уни қилишнинг зарбаси чўчитаётгани йўқ, у ножиоз бирор гап айтиб қўйиб дворянлик иззат-нафсига путур етишидан ҳадикда эди. У анча дадил ва айни чоқда мулоим бир жумлани ўйлаб топиши билан барон де Водрейль уни қўлтиқлаб, йўлга бошлади — ўйлаган жумласи шу ондаёқ хаёлидан учиб кетди.

Коменж қўлида шляпасини ушлаганича, таҳқирли бир эҳтиром билан таъзим қилиб, мулоим оҳангда сўради:

— Муруватли афандим! Мен билан гаплашиш хоҳишлари бормиди?

Бернарнинг қони гупуриб, юзига урди. У ўйлаб ўтирмай, Коменжга қатъий оҳангда жавоб берди. Бунақа қатъиятни ҳатто ўзи ҳам кутмаган эди.

— Сиз сурбетсиз. Менинг сизга даъвом бор.

Водрейль маъқуллаб, бош ирғади. Коменж қаддини ростлади ва ўша вақтнинг таомилига кўра, икки қўлини белига қўйиб туриб, мутлақо жиддий оҳангда гапирди:

— Сиз, марҳаматли афандим, *даъвогарсиз*, биноба-

рин, мен жавобгарман. Шундай бўлгач, қурол танлаш ҳуқуқи менга берилади.

— Хоҳлаганингизни танланг.

Коменж ўйланиб қолгандай бўлди.

— Эсток<sup>22</sup> — яхши қурол,— деди у,— лекин унинг жароҳати одамни бадбашара қилиб қўйиши мумкин. Ахир, бизнинг ёшимизда,— деб изоҳ берди у,— маъшуқагнинг олдига чандиқли башара билан бориш кимга ҳам хуш келади, дейсиз. Қилич камроқ жойни илади-ю, лекин шу илгани ҳам кифоя қилади.— Шундай деб, у жилмайди.— Шундай қилиб, мен қилич билан ханжарни танладим.

— Жуда соз!— деб жавоб берди Мержи ва терс бурилиб, кета бошлади.

— Бирпас тўхтаг!— деб қичқирди Водрейль.— Учрашиб жойи ва вақтини келишиб олишни унутдингиз.

— Сарой аҳли Пре-о-Клерда олишади,— деди Коменж.— Агар, борди-ю, марҳаматли афандим, яхши кўрган бошқа жойингиз бўлса, айтинг.

— Пре-о-Клер бўлса, Пре-о-Клер-да!

— Вақти масаласига келсак... Баъзи сабабларга кўра мен саккиздан олдин турмайман... Ўзингиздан ўтар гап йўқ. Бугун мен уйда тунамайман. Прега тўққиздан олдин етиб келолмайман.

— Майли, тўққиз бўла қолсин.

Атрофига нигоҳ ташлар экан, Бернар ўзидан унча узоқ бўлмаган масофада графиня де Тюржи турганини кўрди — графиня аллақачон капитандан ажраганди, у эса бошқа аёл билан гаплашмоқда эди. Мана шу қалтис ишнинг гўзал сабабчисини кўриб қаҳрамонимиз дарров кеккайиб олганини ва ясама беташвиш қиёфага кирганини тасаввур қилиш қийин бўлмас.

— Кейинги вақтларда қизил шалвор кийиб олишини расм бўлган,— деб маълумот берди Водрейль.— Агар сизда йўқ бўлса, мен кечқурун бериб юбораман. Унда қон билинмайди — анча озодароқ бўлади.

— Менимча, бу гўдаклик,— деди Коменж.

Мержи мажбуран жилмайди.

— Хуллас, дўстларим,— деди барон де Водрейль— у, афтидан, беш бармогидай биладиган ишини адо этаётган одамдай, ўзини бемалол ҳис этарди,— энди учрашувингизнинг *секунданлари* билан *тьерсларини*<sup>23</sup> келишиб олиш қолди, холос.

— Бу жанобнинг саройга келганига кўп бўлгани йўқ,— деди Коменж.— *Тьерс* топиш унга қийинлик қил-

са керак. Мен ён беришга тайёрман — секундантнинг ўзи билан қаноатлана қолайлик.

Мержи ўзини зўрлаб, жилмайишга уринди.

— Бу назокат белгиси,— деди барон.— Жаноб де Коменждай гапга кўнадиган одам билан бир иш қилсанг, роҳат қиласан.

— Сизга менинг қиличимдай узун қилич керак бўлади,— деб давом этди Коменж.— Шунинг учун мен сизга Лоранни тавсия этаман. Унинг *Заррин қуёш* номли устахонаси Феронри кўчасида жойлашган. У шаҳардаги энг яхши қуролсоз. Сизни мен юборганимни айтсангиз, ҳамма истагингизни бажо келтиради.

Бу гапларни айтиб бўлиб, у орқасига бурилди-да, ҳеч нарса бўлмагандай, аввалги суҳбатдошлари даврасига бориб қўшилди.

— Табриклайман сизни, жаноб Бернар,— деди Водрейль.— Сиз дуэлга яхши чақирдингиз. Яхши ҳам гапми, аъло даражада бўлди. Коменж бундай оҳангда гаплашишларига ўрганмаган. Ундан ўтдан қўрққандай қўрқишади. Айниқса, у паҳлавон Канильякни ўлдиргандан кейин қўрқиб қолишди. Бундан икки ой аввал у Сен-Мишелни ўлдирди. Бироқ бу унинг шуҳратини орттирмади, негаки Сен-Мишель хавфли рақиблардан эмас эди. Канильякнинг йўли бошқа. У бештами-олтита дворянни ўлдирган, ўзи эса заррача шикастланмаган эди. У Неаполда Бореллидан таълим олган. Айтишларича, Лансак жон бераётиб, унга бир зарбанинг сирини айтиб берган эмиш, кейин у шу зарба билан қанча одамнинг ёстигини қурутди. Яна шуниси ҳам борки,— ўз-ўзи билан гаплашаётгандай давом этди барон,— Канильяк Осердаги черковни тўнаб, муқаддас нарсаларни оёқ ости қилган эди. Бу гуноҳи учун худо жазосини берган бўлса керак.

Мержига бу гапларни эшитишнинг қизиғи йўқ эди, лекин Водрейль бир зум бўлса-да, «қўрқоқлик қияпти» деб ўйламасин учун суҳбатни қўллаб туришни бурчи деб билди.

— Бахтимга, мен ҳеч қачон биронта черковни ўмарган эмасман, муқаддас нарсаларни оёқ ости ҳам қилган эмасман,— деди у.— Бинобарин, олишиш менга унчалик хавфли эмас экан.

— Сизга яна бир маслаҳат беришга изн бергайсиз. Коменж билан қиличбозлик қилаётганингизда, унинг бир макрига эҳтиёт бўлинг. Шу макр туфайли капитан Томазо жонидан жудо бўлувди. Коменж авжи олишув қизганда, «қиличимнинг учи синди», деб қичқиради. То-

мазо юқоридан тушадиган зарбани кутиб, қиличини боши устида тўсади. Ҳолбуки, Коменжнинг қиличи синган-нетган эмас экан; пайтдан фойдаланиб, у қиличини дасгасигача Томазонинг кўкрагига суқади. Негаки, Томазо бундай ҳамлани кутмагани учун кўкрагини ҳимоя қилмаган экан... Лекин, сизларнинг қуролингиз бошқа — бу қуролда унинг макри у қадар хавфли эмас.

— Мен унга қарши жон-жаҳдим билан олишаман.

— Ҳа, айтгандай, яна бир гап бор. Косаси бақувват ханжарни танланг; ҳамлаши даф этишда бунинг аҳамияти гоят катта. Чап қўлимдаги чандиқни кўрдингизми? Бир кун олишувга ханжарсиз чиққанимдан бўлган бу. Мен Талар деган йигит билан жанжаллашиб қолувдим. Ушанда ханжар йўқлигидан, чап қўлимдан ажрашимга сал қолган.

— У ярадор бўлганмиди?— деб сўради Мержи паршонхотирлик билан.

— Мен ўз пирим авлиё Маврикий ҳаққига оит ичиб, уни ўлдирман, деган эдим, шунга биноан уни ўлдирдим. Кейин мато билан дока олиб олишни унутманг. Олишувда одам ҳамма вақт ҳам тил тортмай ўлавермайди. Ибодат вақтида қиличингизни меҳробга қўйиб қўйсангиз чакки бўлмас эди... Айтгандай, сиз протестантсиз-а!.. Яна бир оғиз гап. Чекиниш шаънимга доғ туширади, деб ўйламанг. Аксинча, Коменжни имкони борича кўпроқ ҳаракат қилишга мажбур этинг. Унинг нафаси дарров сиқилиб қолади, уни ҳолдан тойдириш-да, кейин қўлай вақтини топиб, кўкрагига боплаб санчинг. Қараб-сизки, жони чиқади-кетади.

Бурғуларнинг баланд овози қиролнинг отга минганини маълум қилиб янграмаганда, барон шу тахлитдаги фойдали маслаҳатлардан яна ачча-мушчасини қалаштириб ташлаган бўларди. Қиролича истиқомат қиладиган хонанинг эшиклари очилиб, ҳазрати олийлари шикор лпбосида зинага қараб йўл олди.

Капитан Жорж гаплашиб турган аёлни қолдириб, укасининг олдига келди-да, унинг елкасига қоқиб, шодон бир қилёфада деди:

— Омадинг бор экан, дайди! Мушукниқкидай мўйлови бор манави арзандани кўринглар! Парижга келиб улгургани йўғу, ҳамма аёллар унга маҳлиё. Хабаринг борми, соҳибжамол графиня мен билан чорак соат сенинг тўғрингда гаплашди? Энди, бу ёғига ҳушёр бўл. Шикор давомида фақат у билан ёнма-ён бўл. Мулойимроқ муомала қилгин. Жин урсин, нима бўлди сенга?

Қасал-пасал бўлиб қолганинг йўқми? Ҳозир гулханга ташланадиган протестант попига ўхшаб, турқинг бўзариб кетибди. Қани, жип ургур, жиндай чехрангли оч!  
— Овга бориш унча кўнглимга сиғмаяпти. Менга қолса...

— Агар сиз шикорга бормасангиз, Коменж сизни қўрқиб кетди, деган хаёлга боради,— деб шивирлади унга барон де Водрейль.

— Кетдик!— деди Бернар қўли билан қизиб кетган пешанасини ушлаб.

У бошидап ўтган саргузаштни акасига овдан кейин айтиб бермоқчи бўлди. «Қандай шармандалик!— деди у ўзига-ўзи.— Бирдан де Тюржи хоним мени қўрқоқлик қиляпти деб ўйласа-я!.. Эртанги дуэль ҳақидаги ўй тинчлик бермаётгани учун мени ов лаззатидан ҳам воз кечди деса-я!»

*Унингчи боб*

## ШИКОР

The very butcher of a silk button, a deal list, a  
guellist a dgentleman of the very first house, —  
of the first and second cause: Ah! the immoral  
passado tho pinto reverso!  
Shakespeare. «Romeo and Juliet»\*.

Қаср ҳовлисида башанг кийинган сон-саноқсиз хонимлар билан эркаклар зотли асил отлар миниб, уймаллашиб юришарди. Бургуларнинг овози, итларнинг акиллаши, бир-бирлари билан ҳазил-ҳузул қиляётган чавандозларнинг шовқини бирлашиб, овчининг қулоғига хуш ёқадиган, лекин оддий одамнинг қулоғини қоматга келтирадиган ғала-ғовурни вужудга келтирган эди.

Бернар ғайри шуурийй бир тарзда акасига эргашиб саройга кирди ва асов андалуз йўрғасини миниб олган соҳибжамол графиня билан тасодифан ёнма-ён келиб

\* У ипак тугмаларнинг чинакам соҳибқирони, дуэлбоз, бошидап-оёғигача дворян, дуэлнинг бирламчи ва иккиламчи баҳоналаридан хабардор. Оҳ, ўлим билмас pasado! Pinto reverso!

Шекспир. «Ромео ва Жульетта» (ингл.).



қолди. Графиня ниқобини тутиб олганди, унинг оти эса туёқлари билан ер тепиниб, сабрсизлик билан сувлуғини чайнарди. От шундай асов эдики, унча-мунча чавандознинг унга бас келиши амримаҳол эди. Лекин графиня эса шундай от устида ҳам худди ўз хонасидаги ўриндиқда ўтиргандай, ўзини бемалол ҳис қиларди.

Капитан йўрганинг сувлуғини тортиб қўйиш баҳонасида графинянинг ёнига келди.

— Мана менинг укам,— деди у суворига ярим овозда. Шундай бўлса-да унинг гапи Бернарга ҳам эшитилиб турарди.— Бу шўрлик болага мурувват қилинг, у Луврда сизни кўргандан бери эс-ҳушини буткул йўқотиб қўйди.

— Унинг исми эсимдан чиқибди,— деди сувори анча кескин оҳангда.— Нима эди?

— Бернар. Эътибор бердингизми, хоним, унинг бөлбоғи сизнинг лентангизнинг рангида.

— Отда юришни биладими?

— Ҳадемай ўзингиз бунга амин бўласиз.

Жорж таъзим қилди-да, кўнглини овламоқчи бўлиб ўзи яқиндан бери хушомад қила бошлаган сарой хонимининг ёнига кетди. У эгарининг қошига бир оз энгашиб, хонимнинг оти жиловидан тутди, орадан кўп ўтмай, укасини ҳам, унинг соҳибжамол ва такаббур ҳамроҳини ҳам эсидан чиқарди.

— Сиз Коменж билан таниш экансиз-да, жаноб де-Мержи?— деб сўради графиня.

— Ким, менми, хоним?.. Сал-пал танишман,— дудуқлана-дудуқлана жавоб берди Мержи.

— Ахир, ҳозиргина у билан гаплашиб туриб эдингиз-ку!

— Бу бизнинг биринчи бор гаплашимиз эди.

— Унга нима деганингизни билиб турирман.

Графинянинг кўзлари ниқоб остидан гўё унинг қалбида нималар бўлаётганини билмоқчидай боқарди.

Бу гаплардан Бернар бағоят ҳижолатга тушди. Унинг бахтига шу чоқ аллақандай хоним уларни қувиб етди-да, графиняга бир нарса деди. Шундай бўлса-да, нега шундай қилаётгани ҳақида ўз-ўзига аниқ ҳисоб бермай, у графиня билан ёнма-ён кетаверди. Балки, у бу билан анча нарида уларнинг ортидан келаётган Коменжнинг гашига тегмоқчи бўлгандир.

Ниҳоят, овчилар қасрдан чиқишди. Ҳуркитилган кийик ўрмон ичига кириб кўздан ғойиб бўлди. Овчиларнинг ҳаммаси унинг орқасидан қува кетишди. Де Тюр-

жи хонимнинг отни моҳирона бошқараётганини, йўлда дуч келган тўсиқлардан заррача тап тортмай ўтиб бораётганини кўриб, Мержи унга қойил бўлди. Мержининг оти ҳам асил барбарий отлардан эди, шу сабабга кўра у ҳам графинядан ортда қолмай кетиб борарди. Аммо граф де Коменжнинг оти ҳам чакана эмас экан. У ҳам графиня билан ёнма-ён борарди. Табиийки, унинг бу юриши Мержининг гашини келтирмоқда эди. Отлар бор жучи билан чопиб бораётганига, ов ишқи кўнглини ўртаётганига қарамай, де Коменж тез-тез графиняга гап қотарди. Бернар эса қалбининг қаърида Коменжнинг чаққонлигига, беғамлигига ва энг муҳими, аҳамиятсиз гапларни беозор ва мулойим қилиб гапира олиш қобилиятига ҳасад қилмоқда эди. Унинг гаплари, афтидан, графиняга хуш ёқяпти шекилли. Бу эса Бернарга алам қилмоқда эди. Зимдан рақобатга киришган икки рақиб на баланд говларни, на кенг ўпқонларни назар-писанд қилишмаётир — шу кўйи улар аллақачон неча марталаб ҳаётларини жиддий хавф остида қолдирдилар.

Графиня тўсатдан овчилар тўдасидан ажралиб чиқди-да, қирол ва унинг мулозимлари кетаётган йўлдан чиқиб, ён томондаги сўқмоққа от солди.

— Қаёққа?— деб қичқирди Коменж.— Адашиб қоласиз. Бурғу овози билан итларнинг вовиллаши анави томондан келаётибди, эшитмаяписизми?

— Ундай бўлса, сиз ўша томонга бора қолинг. Ҳеч ким сизни мажбур қилаётгани йўқ.

Коменж ҳеч нима демай, отининг бошини графиня бошлаган йўлга бурди. Мержи ҳам улар билан бирга кетди. Улар юз қадамча юриб, ўрмон қўйиғига кирганларидан кейин, графиня отини тўхтатди. Унинг ўнг томонида Коменж, чап томонида Мержи бораётган эди, улар ҳам тўхташди.

— Отингиз жуда яхши жангари от экан, жапоб де Мержи,— деди Коменж.— У ҳатто терламабди ҳам.

— Бу барбарий от, акам уни бир испандан сотиб олган. Қилич зарбидан орттирган чандиғи ҳам бор, мана. У Мопконтур ёлида жароҳатланган.

— Сиз уруида бўлганмисиз?— деб сўради графиня Мержига мурожаат қилиб.

— Йўқ, хоним.

— Бундан чиқди, сиз унда милтиқ яраси қапақа бўлишидан беҳабарсиз-а?

— Ҳа, хоним.

— Қилич зарбидан-чи?

— Ҳа, хоним.

Мержига графиня жилмайгандай туюлди. Коменж истеҳзо билан юқори лабини чўччайтирди.

— Дворян йигитга жиддий жароҳатдан ортиқ ҳусн бўлиб тушадиган нарса йўқ,— деди у.— Шундай эмасми, хоним?

— Агар унга ҳалол эришган бўлса.

— «Ҳалол эришган», деганингиз нима?

— Фақат жанг майдонида етган жароҳатгина одамга шухрат келтиради. Дуэлдаги жароҳат эса бутунлай бошқа гап. У менда нафратдан бошқа ҳеч нарса қўзғамайди.

— Жаноб де Мержи отга миннидан олдин сиз билан суҳбатлашиб олганми, дейман?

— Йўқ,— деб қуруққина жавоб қилди графиня.

Мержи Коменжнинг ёнига келди.

— Муҳтарам жаноб!— деди у паст овозда,— овчиларга қўшилганимиздан кейин, икковимиз ўрмон қўйнига киришимиз мумкин. У ерда мен сиз билан учрашишдан бўйин товлаш йўлида ҳеч қандай тадбир кўрмаганимни исбот қилишга уриниб кўраман.

Коменж унга шундай бир назар билан қарадики, унда аянч ҳам, мамнуният ҳам бор эди.

— Ҳуда соз! Сизга ишонмасликка ҳеч қандай асосим йўқ. Сизнинг таклифингизга келсақ, мен уни қабул қилмайман: авомгина гувоҳларсиз олишади. Бу ишга жалб қилган дўстларимизни гувоҳлик имкониятидан маҳрум қилсақ, бунинг учун улар бизни афв этишмайди.

— Ихтиёрингиз, муҳтарам жаноб,— деб Мержи графиняга етиб олишга ошиқди.

Графиня бошини қуйи солганича кетиб борарди: у ўз хаёллари билан банддай кўринарди. Уларнинг учови сукут ичида йўл айриладиган жойга етиб келишди — шу ерда уларнинг йўллари тугарди.

— Бурғу овози келяптими?— сўради Коменж.

— Менимча, овоз чап томондан, ҳов анави чакалақдан келяпти,— деди Мержи.

— Ҳа, бурғу овоз, энди аниқ эшитдим. Ҳатто айтишим мумкинки, бу Болонья валторнаси. Гаров ўйнашим мумкин — бу валторна ошнам Помпийнянники. Болонья валторнаси билан бизнинг парижлик шўринг қурғур ҳунармандрлар ясайдиган валторна орасида осмон билан ерча фарқ бор. Сиз буни тасаввур ҳам қилолмайсиз, жаноб Мержи.

— Овози анча жойдан эшитилар экан.

— Овоз бўлганда ҳам қандоқ денг? Оҳангдорлигини қаранг! Унинг овозини эшитиш биланоқ ўн миля юрган итларнинг ҳам чарчоғи тарқаб кетади. Очигини айтганда, яхши буюмларни фақат Италия билан Фландрияда қилишади. Менинг валлон ёқам сизга маъқулми? У овчилик либосига жуда ярашади. Менинг балларда киядиган ёқаларим билан шалворим ҳам бор. Уларнинг олдида бу ёқам жуда содда. Сиз буни ҳам Парижда тикишган, деб ўйлаётгандирсиз? Йўқ, қаёқда дейсиз. Уни менга Бредадан келтириб беришган, Фландрияда менинг бир дўстим бор. Истасангиз, у сизга ҳам худди шундай ёқа жўнатиши мумкин... Ҳа-я!— деб гапини бўлди ва у кулиб юборди.— Хўб паришонхотирман-да! Эй танграм-ей! Бутунлай хаёлимдан чиқиб кетибди.

Графиня отини тўхтатди.

— Коменж! Шикор олдинда! Бурғу овозига қарганда, кийикни ҳайдай бошлашган кўринади.

— Гапингиз тўғрига ўхшайди, хоним.

— Сиз кийик ҳайдашда иштирок этишни истамай-сизми?

— Албатта, истайман. Акс ҳолда, овчи ҳам чавандоз деган шаънимизга путур етади.

— Ундай бўлса, ошиқсангиз бўларди.

— Ҳа, отларимиз дам олиб бўлди. Қани, бизга ўрناق бўлинг.

— Мен чарчадим, у ёғига бормайман. Менинг ҳузуримда жаноб де Мержи қолади. Сиз бораверинг!

— Лекин...

— Сизга неча марта айтиш керак? Отингизни ҳайданг!

Коменж жойидан қўзғалмади. Бутун қони юзига тепди. У гоҳ Бернарга, гоҳ графиняга қаҳрли назар билан қарарди.

— Де Тюржи хонимнинг холи қолгилари келиб қолибди-да?— деди у истеҳзо билан жилмайиб.

Графиня қўли билан чакалак томонга ишора қилиб, бармоқларини зарда билан «йўқол» деган маънода силкитди. Аммо Коменжнинг ҳали ҳам ўз ўрнини рақибига бўшатиб беришга раъйи йўқ кўринарди.

— Майли, сизга бор гапни ошкора айтмасам бўлмайди шекилли. Бизни холи қолдиринг, жаноб де Коменж, сизни таъбим тортмай қолди. Хўш, энди тушунгандирсиз?

— Жуда яхши тушундим, хоним,— деб газаб билав жавоб берди у ва овозини пасайтириб қўшиб қўйди:—

Сизнинг янги суйгулигингиз масаласига келсак... унинг сизга овунчоқлиги узоққа бормас... яхши қолинг, жаноб де Мержи, *кўришгунча!*

Сўнгги сўзларини у дона-дона қилиб айтди, сўнг отининг биқинига шпорини ниқтаб, чоптириб кетди.

Графинянинг оти унинг оти орқасидан талпинди, аммо графиня жиловини тортиб, уни қадамлаб юришга мажбур қилди. Ўқтин-ўқтин у бошини кўтариб, Мержи томонга нигоҳ ташлар, гўё у билан гаплашишни истагандай кўринар, кейин эса гапни нимадан бошлашни билмагани учун хижолатдан яна нигоҳини олиб қочарди.

Мержи биринчи бўлиб гап бошлашга мажбур бўлди:

— Хоним, мени афзал кўрганингиздан бошим осмонга етди.

— Жаноб Бернар! Сиз олишишни биласизми?

— Биламан, хоним,— деб жавоб берди у таажжуб билан.

— Шунчаки билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Сиз олишишни яхши... жуда яхши биласизми?

— Бир дворянчалик биламан, албатта. Лекин қиличбозликдан дарс беришга ярамайман.

— Бизнинг юртимизда дворянлар қурол ишлатишга шунақа чаптастки, уларнинг олдида ҳарб ишини касб қилиб олганлар ҳам ип эшолмай қолишади.

— Ҳа, тўғри, эшитганман — кўпгина дворянлар вақтларини қиличбозлик залларида ўтказишар эмиш. Ҳолбуки, улар вақтни бошқа бирон жойда тузукроқ ўтказишлари мумкин эди.

— *Тузукроқ дейсизми?*

— Албатта-да! Қиличбозлик залида сув терга ботиб юргандан кўра,— деб сўради у жилмайиб,— хонимлар билан ширин суҳбатда вақт ўтказган аъло эмасми?

— Айтинг-чи, сиз дуэлда кўп олишганмисиз?

— Худога шукур, бирон марта ҳам олишмаганман, хоним. Нега мендан бунақа нарсаларни суриштиряпсиз?

— Шунини билиб қўйингки, аёллар бирон иш қилишса, улардан: «Нима мақсадда шундай қилияпсиз?» деб сўраб бўлмайди. Ҳар ҳолда, яхши тарбия кўрган одам сўрамайди.

— Бу қоидага амал қилишга ваъда бераман,— деди Мержи ва хиёл табассум билан отининг бўйнига эгилди.

— Ундай бўлса, эртага сиз ўзингизни қандай тута-сиз?

— Эртага?

— Ҳа, эртага. Ўзингизни гўлликка солаверманг.

— Хоним...

— Жавоб беринг. Ҳамма гапдан хабарим бор. Жавоб беринг!— деб хитоб қилди у ва шоҳона улуғворлик билан қўлини унинг томонига чўзди.

Графиня бармоқларининг учи унинг енгига тегди. Бундан йигит бечора сесканиб кетди.

— Имкони борича ўзимни яхши тутишга ҳаракат қиламан,— деб жавоб берди у ниҳоят.

— Муносиб жавоб. Қўрқоқ ҳам, мақтанчоқ одам ҳам бу жавобни бермайди. Лекин хабарингиз борми — биринчи олишувингизда сиз бениҳоя хавфли рақибга рўпара бўласиз?

— Иложим қанча. Албатта, менга қийин бўлади. Очиғи, ҳозир ҳам осон бўлаётгани йўқ,— деб қўшиб қўйди у табассум билан.— Ахир, мен шу пайтгача фақат деҳқон аёлларини кўргандим. Сарой ҳаётига кўни-кишга улгурмай, француз саройининг энг соҳибжамол аёли билан холи қолиб ўтирибман.

— Келинг, жиддий гаплашайлик. Сарой аҳли ўртасида қилич чопишда Коменжга тенг келадигани йўқ. Унинг ўзи учига чиққан жанжалкаш. Дуэлбозларнинг пири.

— Ҳа, буни эшитдим.

— Эшитган бўлсангиз, хавотир олмаяпсизми?

— Такрор айтаман: мен имкони борича ўзимни яхши тутишга ҳаракат қиламан. Қиличим ёрдам берса, энг муҳими, тангрим қўллаб юборса, қўрқадиган жойим йўқ!..

— Тангрим қўлласа эмиш!..— ижирганиб деди графиня.— Сиз гугенотсиз-а, жаноб де Мержи?

— Гугенотман, хоним,— деб жиддий жавоб берди у. Бу саволга у ҳамиша жиддий оҳангда жавоб берарди.

— Унда, олишув сиз учун янада қўрқинчлироқ бўлиши керак.

— Сўрашга изи беринг, нечук?

— Ўз ҳаётини хавф остида қолдиришга чидаса бўлади, бироқ сиз ҳаётингиздан ҳам ортиқроқ нарсани — имонингизни хавфга дучор қиляпсиз-ку!

— Сиз, хоним, ўз динингизнинг ақидаларидан келиб чиқиб, шундай мулоҳаза юртяпсиз. Бизнинг динимизнинг ақидаларидан кўпроқ тасалли топса бўлади.

— Сиз қалтис ишга қўл ургансиз. Довга сизнинг имонингиз тикилган. Ютқазсангиз, жонингиз дўзах азо-

бига дучор бўлади. Ютқазинингиз эса салкам муқаррар.  
— Ундай бўлса ҳам, бундай бўлса ҳам, барибир, менга қийин. Мабодо мен эртага *католик* сифатида ҳалок бўлсам, бўйнимда *жуда оғир гуноҳ* билан ўлган бўлар эдим.

— Хўп ўхшатдингиз-ку! Жуда катта фарқи бор!— деб хитоб қилди де Тюржи хоним. Бернарнинг баҳсда графиня сиғинадиган динга таяниб далил келтирганининг иззат-нафсига тегди шекилли.— Бизнинг ақондчиларимиз сизга тушунтириб беришади...

— Мен бунга аминман, хоним. Улар ҳамма нарсани тушунтириб беришга қодир. Улар илоҳий китобни кўнгилларига сиққан кўйга солиб тавсиф қилаверадилар. Мана, масалан...

— Бас қилинг! Гугенот билан бир зум гаплашсанг, бас, биронта баҳона топиб сенга таъна тошини ёғдираведади.

— Бунинг боиси шуки, биз илоҳий китобни ўқиймиз, сизларда эса ҳатто руҳонийларингиз ҳам уни билмайди. Келинг, яхшиси, бошқа гаплардан гаплашайлик. Нима дейсиз, кийикни ушлаб бўлишганмикин?

— Назаримда, динингизга жуда қаттиқ берилган одамга ўхшайсиз.

— Яна шу гапми, хоним?

— Сиз динингизни энг тўғри дин деб ҳисоблайсизми?

— Энг тўғригина эмас, энг яхши, энг аъло дин деб ҳам ҳисоблайман. Акс ҳолда мен эътиқодимни ўзгартирган бўлур эдим.

— Акангиз эътиқодини ўзгартирган-ку.

— Унинг католик динига кириши учун ўз асослари бор эди. Менинг эса протестант бўлиб қолаверишим учун ўз асосларим бор.

— Уларнинг ҳаммаси ўжар, ақл-идрокнинг гашига қулоқ осмайди!— деб графиня ранжиб хитоб қилди.

— Эртага ёмғир ёғади,— деди Мержи осмонга қараб.

— Жаноб де Мержи! Акангизга бўлган дўстона туйғуларим, шунингдек, сизга таҳдид солиб турган хавфхатар менинг қалбимда сизга нисбатан хайрихоҳлик туйғуларини уйғотмоқда...

Мержи эҳтиром билан таъзим қилди.

— Сиз даҳрийлар, примга ишонасизми?

Мержи жилмайди.

— Туморга қўл теккизганнинг ўзида имон қочади, деб ҳисоблайсизлар. Шундай эмасми? — давом этди у.—

Рим-католик черковининг қавми ўртасида тумор тақиб юриш расм. Сиз тумор тақишдан воз кечармидингиз?

— Бизда бу расм йўқ. Биз — протестантларга бу расм бефойда кўринади.

— Менга қаранг. Бир кун менинг жиянларимдан бири този итнинг бўйнига тумор осибди-да, кейин йи-гирма қадам нари бориб, уни аркебузадан йирик сочма билан отибди.

— Ит ўлибдими?

— Сочма ўқнинг биронтаси ҳам тегмабди.

— Мўъжиза! Қошки эди менинг ҳам шунақа туморим бўлса.

— Ростми? Бўлганда тақиб юрармидингиз?

— Албатта. Тумор итни асраган бўлса, одамни, албатта... Лекин, мен билмадим, даҳрий итдан аъломи-йўқми? Мен католик итини кўзда тутяпман...

Де Тюржи хоним унинг гапига парво қилмай, қўлагининг кўкрагидаги тугмасини чаққонгина ечди-да, кўк-сида қора лентага осилган олтин медальонни чиқарди.

— Олинг!— деди у.— Тақиб юришга ваъда бердингиз. Вақти билан кейин қайтариб берарсиз.

— Агар бу менга боғлиқ бўлса, албатта, қайтараман.

— Сиз уни, албатта, эҳтиёт қиласиз, а? Яна шак-коклик қилиб юрманг. Уни имкони борича эҳтиёт қилинг.

— Сиз берасизу, эҳтиёт қилмайми, хоним.

Де Тюржи хоним унга туморни узатди. У олиб бўйнига тақиб олди.

— Католик шундай муқаддас туморни совға қилган қўлга, албатта, қуллуқ қилган бўларди.

Мержи графинянинг қўлини олиб, ўпмоқчи бўлди.

— Йўқ, йўқ, кечикдингиз!

— Келинг, рози бўла қолинг. Мен учун яна бундай қулай имконият туғилиши амримаҳол.

— Қўлқопни ечинг,— деб у Бернарга қўлини узатди.

Қўлқопни ечар экан, у қўлининг енгилгина қисилганини ҳис қилди. Шунда у графинянинг оппоқ гўзал қўлига ёлқинли бўса қўндирди.

— Жаноб Бернар!— деб гап бошлади графиня овозида ҳаяжон билан.— Сиз охиригача ўжарлик қилаверасизми? Сизга ҳеч нарса кор қилмайдимиз? Бирон кун келиб, мен учун бизнинг динимизга киришингиз мумкинми?

— Қаёқдан билай?— кулиб жавоб берди у.— Яхши-



роқ илтимос қилинг, кўпроқ ялининг. Бир нарсани аниқ айта оламан, у ҳам бўлса, мени динимдан фақат сиз чиқара олишингиз мумкин.

— Менга қаранг. Қўлингизни кўксингизга қўйиб, ростини айтинг-чи: мабодо биронта аёл... қўлидан келиб...

Графиня дудмалланиб қолди:

— Нима қўлидан келиб?

— Ҳа, майли. Масалан, айтайлик, муҳаббат туфайли бўлса... Лекин, менга ростингизни айтинг. Жиддий гапиринг!

— Жиддий?

У графинянинг қўлини яна олишга ҳаракат қилиб кўрди.

— Ҳа. Бошқа диндаги аёлга муҳаббат... Ҳа, шунақа аёлга муҳаббат сизни ўзгаришга мажбур этолмасмиди? Парвардигор ҳар хил воситаларни қўллайди.

— Саволингизга очиқ ва жиддий жавоб беришимни истайсизми?

— Буни талаб қиламан.

Мержи бошини қуйи солиб, дудмалланди. Очиғини айтганда, у силлиқроқ жавоб ахтармоқда эди. Де Тюржи хоним унинг қалбида умид учқунларини ёққан, у графинядан мутлақо воз кечиб ниятида эмас эди. Ҳолбуки, унинг саройга келганига атиги бир неча соатгина бўлган, ҳали унинг виждони, яъни пойтахтдан олисда яшган одамнинг виждони ғоят нозик эди.

— Итларни кийикка гижгизлатишяпти!— қичқирди графиня тўсатдан ва бу қадар машаққат билан туғилаётган жавобни эшитмади.

У отига қамчи босиб, чоптириб кетди. Мержи ҳам унинг кетидан от солди, аммо графиня унга на қайрилиб боқди, на бирон оғиз гап гапирди.

Бир лаҳза ўтиб, улар овчиларга қўшилишди.

Кийик аввал ҳовузга тушиб олди — уни у ердан ҳайдаб чиқариш анча мушкул бўлди. Баъзи суворилар отдан тушиб, қўлларига узун таёқ олиб, шўрлик жониворни яна қочишга мажбур қилишди. Аммо совуқ сув унинг тинкасини қуритиб қўйган эди. Кийик ҳансираб, тили осилиб ҳовуздан чиқди-да, сакраб-сакраб югура кетди. Уни кўриб, тозиларнинг кучига куч қўшилгандай бўлди. Кийик бир оз масофани югуриб ўтгач, қочиб қутула олмаслигини ҳис қилди; у йўғон дубнинг олдида тўхтаб, сўнги тадбирни ишлатди: шохларини ўқталиб, итларга юзланди. Биринчи бўлиб ташланган тозиларни

шоҳига илиб, улоқтириб урди. У бир отни ҳам чавандоз билан қўшиб ерга ағдарди. Шундан кейин одамлар ҳам, отлар ҳам, тозилар ҳам эҳтиёткор бўлиб қолишди — улар кийикнинг атрофини кенг доира бўлиб қуршаб олишди. Аммо ҳеч ким унинг тарвақайлаб кетган даҳшатли шохлари етадиган яқин масофага ботиниб боролмади.

Қирол қўлвада ов пичоғи билан отдан чаққон сакраб тушди-да, кийикнинг орқа томонидан пусиб бориб, унинг лайини қирқиб юборди. У аламли чинқирққа ўхшаш овоз чиқариб, шу лаҳзада ерга қулади. Тозилар унинг устига ёпирилишди. Итлар унинг бошидан, тумшугидан, тилидан тишлаб олишган эди. Кийик шўрлик қимир этолмай қолди. Унинг кўзларидан йирик-йирик ёш тирқиради.

— Хонимлар яқин келишсин!— деб қичқирди қирол.

Хонимлар яқинлашишди. Уларнинг деярли ҳаммаси отдан тушган эди.

— Мана сенга, *парнайо!*— деди қирол ва кийикнинг биқинига пичоғини санчиб, жароҳатни кенгайтириш учун уни қайириб олди.

Тизиллаб отилган қон қиролнинг юзига, қўлига, кийимларига сачради.

«Парнайо» дегани — кальвинчиларнинг лақаби бўлиб, кўпинча католиклар уларни нафрат билан шундай деб аташарди.

Қирол бу сўзни қандай вазиятда айтганидан қатъий назар, у атрофдагилардан баъзи бировларга ёмон таъсир қилди, баъзи бировлар эса қиролни маъқуллашди.

— Қирол ҳозир қассобга ўхшайди,— деди анча баланд овозда афтини бужмайтириб адмиралнинг куёви ёш Телиньи.

Саройда гап ташийдиганлар кўп бўлишади. Улар Телиньининг гапини бир зумда давлатпаноҳнинг қулоғига етказишди, у эса бу гапни кўнглига тугиб қўйди.

Кийикнинг ичак-човоғини тозиларга ташлашди. Сарой аҳли итлар ичак-човоқни талашиб-тортишиб еб бўлишларини мириқиб томоша қилишди-да, сўнгра Парижга томон йўл олишди. Қайтиб келишар экан, Мержи акасига уни қандай ҳақорат қилишганини ва бунинг учун Коменжни дуэлга қандай чақирганини гапириб берди. Насихату таъналар энди бефойда эди. Капитан эртага у билан бирга боришга ваъда берди.

## АШАДДИЙ ДУЭЛБОЗ ВА ПРЕ-О-КЛЕР

For one of us must yield his breath<sup>4</sup>  
Ere from the field on foot, we flee •  
«The duel of Stuart and Warton»\*

Шикордан кейинги ҳорғинликка қарамай, Мержи анча вақтгача ухлай олмади. Бутун вужудини ҳаяжон қучганди. У тўшагида тўлғанар, хаёл аллақаёқларга етаклаб кетарди. Ҳар хил ўйлар, эртанги ҳодисага заррача ҳам дахли бўлмаган фикрлар ари галасидай миясида гувиллаб, тинкасини қуритди. Бир печа марта хаёлига, ҳозирги қақшоқ жиддий хасталикнинг белгисию бир неча соатдан кейин хасталик кучайиб, тўшакка чилпарчин қилиб ташлайди, деган ўй келди. Унда қандай қилиб бош кўтариб юради? Одамлар унинг тўғрисида нима дейишади? Айниқса, де Тюржи хоним билан Коменж нима деркин? Белгиланган дуэль муддатини яқинлаштириш учун у ҳозир ҳамма нарсасидан кечишга тайёр эди.

Бахтига, тонг яқинлашиб қолганди. Мержи томирларидаги қон ортиқ аввалгидай гупурмай қўйганини ҳис қилди. Бўлажак тўқнашув ҳақидаги ўйлар ҳам энди уни ортиқ эзмай қўйди. У хотиржам кийинди. Унинг бугунги либоси ҳар қачонгисидан кўра бежиримроқ эди. У хаёлида дуэль бўладиган жойга соҳибжамол графиня етиб келади-ю, унинг енгил ярадор бўлганини кўриб ўз қўли билан ярасини боғлайди ва унга бўлган муҳаббатини ҳаммага ошкор қилиб қўя қолади, деб тасаввур қилди. Лувр соати саккизга занг урди — бу Бернарни воқеликка қайтарди. Шу лаҳзада эник очилиб, акаси кириб келди.

У ниҳоятда маъюс — туни билан ухламай чикқани чехрасидан кўриниб турарди. Шунга қарамай, у Бернарнинг қўлини сиқар экан, ўзини мажбур қилиб жилмайди ва шу билан кайфи чоғ эканини кўрсатмоқчи бўлди.

— Мана қилич билан ханжар,— деди у,— иккови ҳам Толедодан, Лунодан. Кўр-чи, қилич унча оғирлик қилмайдими?

У узун қилич билан ханжарни каравотга қўйди.

---

\* Жанг майдовин ташлаб қочгунимизча,  
Иккимиздан биримизнинг кунимиз битгай.

«Стюарт билан Уортон ўртасидаги дуэль» (ингл.).

Бернар қилични қинидан суғуриб, эгиб кўрди, учига назар ташлаб мамнун бўлди. Шундан кейин у ханжарга эътибор берди. Унинг косачасида тешикчалари кўп эди. Бу тешикчалар рақиб қиличини тутиб қолиш учун, қилич санчилгандан кейин уни чиқариб олиш қийин бўлсин учун қилинган эди.

— Менимча, бунақа ажойиб қурол билан ўзимни ҳимоя қилишим унча мушкул бўлмаса керак?— деди Бернар.

Сўнгра кўкрагида осиглик турган де Тюржи хоним тақдим этган туморни кўрсатди ва кулиб туриб, қўшимча қилди:

— Манави тумор эса мени ҳар қандай совутдан аълороқ асрайди.

— Ҳаердан олдинг буни?

— Ҳани, топ-чи?

Аёллар ўртасида эътибори катталигини акасига кўрсатиб қўйиш истаги Бернарни Коменжни ҳам, унинг кўз ўнгида қинидан суғурилганча яланғоч ётган жанговар қилични ҳам бир лаҳза унутишга мажбур қилди.

— Бошимни тикиб айтаманки, уни сенга анави телба графиня берган. Ўзини ҳам, туморини ҳам жин урсин.

— Биласанми, у менга бу туморни атайин берди. Бугунги дуэлда асқатсин, деди шекилли.

— Унинг бир қилиғини ёмон кўраман — қўлқопини ечиб, оппоқ чиройли қўлини ҳаммага кўз-кўз қилади.

— Мен, албатта, папистларнинг туморига ишонмайман, бундан худо асрасин,— деди Бернар қизариб,— лекин қисматимда бугун ҳалок бўлиш бор бўлса, жон бераётганимда кўкрагимда у муҳаббат гарови деб берган мана шу тумор турганидан графиня воқиф бўлишини иштайман.

— Жуда катта кетяпсан-ку!— деди капитан елкасини қисиб.

— Манави онамга мактуб,— деди Бернар. У бу гапни айтар экан, овози титради.

Жорж индамай мактубни олиб, стол ёнига келди. Стол устида бежиримгина Инжил ётарди. У пайтларнинг кийимида ҳар хил тасмачалар жуда кўп бўларди. Укаси уларни боғлаб бўлгунча, капитан бирон нарса билан банд бўлиш мақсадида Инжилни ўқишга тутинди.

У Инжилнинг тўғри келган бир саҳифасини очиб, унда онасининг қўли билан ёзилган қуйидаги сўзларга дуч келди: «1547 йилнинг 1 май куни ўғлим Бернар ту-

ғилди. Парвардигор! Ҳамма вақт уни ўзинг асра! Парвардигор! Уни ҳар қандай ёмонликдан узоқ тут!»

Капитан лабини тишлаб, китобни стол устига қўйди. Бернар буни кўриб, акамнинг кўнглига бирон шаккок фикр келди, деб ўйлади. У маънодор қиёфада Инжилни олиб, уни гулдор ғилофига солди-да, эҳтиром билан жавонга яшириб қўйди.

— Бу онамнинг Инжили,— деди у.

Бу пайт капитан хонада айланиб юрарди. У ҳеч нарса деб жавоб бермади.

— Жўнаш фурсати бўлмадимиз?— деб сўради қайишларини қадар экан Бернар.

— Йўқ, ҳали нонушта қилишга улгурамиз.

Уларнинг иккови ҳам стол ёнига келишди. Стол устида пирог солинган лаганчалар, вино тўла каттакон кумуш кўза турарди. Улар овқатланишар экан, гўё суҳбат икковини ҳам жуда қизиқтираётгандай бир алфозда, анчагача винонинг фазилатларини муҳокама қилишди ва уни капитаннинг қазноғидаги бошқа винолар билан чоғиштиришди. Уларнинг ҳар қайсиси кўнглидан кечаетган ҳақиқий туйғуларини суҳбатдошидан мазмунсиз гап-сўзлар билан яширишга уринарди.

Капитан биринчи бўлиб турди.

— Кетдик,— деди у хирилдоқ товушда.

Шундай деб, у шляпасини кўзига бостириб кийди-да, зинадан югуриб тушиб кетди.

Улар қайиққа ўтириб, Сенадан ўтишди. Уларнинг чехрасига қараб, Пре-о-Клерга нима учун кетишаётганини фаҳмлаган қайиқчи алоҳида такаллуф кўрсатиб, уларга ўтган ойда иккита жаноб унинг қайиғини ижарага олганини батафсил гапириб берди. Жаноблардан бири граф де Коменж экан. Улар бирорта одамнинг халақит бериб қолишдан қўрқиб, қайиқда бемалол олишмоқчи бўлишган. Жаноб де Коменж рақибининг кўкрагига қилич санчибди. Афсуски, қайиқчи унинг исми шарифини билмайди. Ярадор дарёга йиқилибди. Қайиқчи уни қутқариб қололмабди. Гап давомида қайиқчи эшкак эшишдан тинмади.

Улар соҳилга етиб боришганида бир оз қуйроқда иккита эркак ўтирган яна бир қайиқ кўринди.

— Ана, улар ҳам келишяпти. Шу ерда туриб тур,— деб капитан Коменж билан де Бевиль тушган қайиқ томон югуриб кетди.

— Ҳа, сенмисан?— деб хитоб қилди виконт.— Коменж кимни ўлдириши керак — сеними, укангними?

Шундай дея туриб, у табассум билан капитанни қучоқлади.

Капитан билан Коменж такаббурлик билан таъзим қилиб кўришишди.

— Муҳтарам афандим!— деди Коменжга капитан бир амаллаб Бевилининг қучоғидан бўшалар экан.— Мен ҳеч кимнинг номусига доғ туширмаган жанжалнинг ҳалокатли оқибатларининг олдини олиш учун уриниб кўришни бурчим деб биламан. Мен аминманки, дўстим (у Бевилин кўрсатди) менинг уринишимни қўллаб-қувватлайди.

Бевилининг афтида норозилик ифодаси найдо бўлди.

— Менинг укам ҳали жуда ёш.— деб давом этди Жорж.— У донгдор одам эмас, қиличбозлик бобида ҳали шуҳрат қозонмаган. Шунинг учун мен ўта нозиклик билан иш тутишга мажбурман. Сиз, муҳтарам афандим, аксинча, катта обрўга эгасиз, агар сиз жаноб де Бевиль билан менинг ҳузуримда укамни беҳосдан туртиб юборганингизни тан олишни лозим кўрсангиз, бундан фақат довруғингиз янада ортган бўларди.

Коменж қаҳ-қаҳ уриб кулиб, унинг гапни бўлди:

— Нима бало, ҳазиллашяпсизми, қимматли капитан? Наҳотки, мени аллақандай мишиқнинг олдида тавба қилиш учун тонг саҳарлаб маъшуқасининг иссиқ тўшагидан туриб келади ёхуд Сенани кечиб ўтади, деб ўйлангангиз?

— Муҳтарам афандим! Сиз менинг укам ҳақида гапирётганингизни унутиб қўйяпсиз. Бу тарзда сизнинг ҳақоратингиз...

— Менга деса, отангиз бўлмайдими? Менга нима! Сизнинг оилангиз менинг парвойимга ҳам келмайди.

— Ундай бўлса, муҳтарам афанди, истанг-истаманг, бутун оиламизга жавоб беришингизга тўғри келади. Онда мен тўнғич бўлганим учун, марҳамат қилиб, мендан бошлайсиз.

— Кечирасиз, жаноб капитан. Дуэль қондаларига кўра, ким олдин мени чақирган бўлса, ўша билан олишишим керак. Биринчи бўлиб олишинга укамнинг, судларда айтиладиган иборани қўлласак, *дахлсиз* ҳаққи бор. Уни бир ёқлик қилганимдан кейин сизнинг ихтиёрингизда бўламан.

— Мутлақо тўғри!— деб хитоб қилди Бевиль.— Дуэлининг бошқа тартибда бўлишига йўл қўймайман.

Уларнинг гапи чўзилиб кетганидан таажжубланган Бернар шу томонга аста яқинлашиб кела бошлади. Бер-

нар уларга етиб келганда акаси Коменж устига ҳақоратлар қуюнини ёғдирмоқда эди. У Коменжни ҳатто «аблаҳ!» деб ҳам сўқди. Аммо Коменж бу ҳақоратларнинг ҳаммасига пинагини бузмай:

— Укангиздан кейин сиз билан шуғулланаман!— деб жавоб берди. Бернар акасининг қўлидан тутди.

— Жорж!— деди у.— Менга хўп яхши хизмат кўрсатаётган экансан-да! Мен ҳам сенга худди шундай хизмат кўрсатишимни истайсанми? Марҳаматли афандим!— деб у Коменжга мурожаат қилди.— Мен сизнинг ихтиёрингизда. Истаган вақтингизда бошлашимиз мумкин.

— Ҳозироқ бошлайверамиз,— деб жавоб берди у.

— Жуда соз, азизим!— деди Бевиль ва Бернарнинг қўлини қисди.— Агар бугун сени шу ерда кўмингдай қайғули вазифа зиммамга тушмаса, истиқболнинг порлоқ бўлади, йигит!

Коменж камзулини ечиб қўйди, туфлисидаги ленталарни ечди — бу билан у ҳеч қандай ён беришларга рози эмаслигини билдирмоқда эди. Ашаддий дуэлбозларнинг таомили шунақа бўлади. Бернар билан Бевиль ҳам шундай қилишди. Фақат капитангина плашини ечмади.

— Сенга нима бўлди, дўстим Жорж?— сўради Бевиль.— Мен билан муштлашишнинг кераклигидан беҳабармисан? Дўстлари олишаётганда қўл қовуштириб, томоша қилиб турадиган одамлардан эмасмиз-ку! Биз андалуз таомилига амал қиламиз.

Капитан елкасини қисди.

— Мени ҳазиллашяпти, деб ўйлаяпсанми? Чин сўзим, мен билан олишишнингга тўғри келади. Жин урсин мени, агар сен билан олишмасам.

— Эсингни едингми? Аҳмоқ экансан-ку!— деди капитан совуқ оҳангда.

— Жин урсин! Ё сен ҳозир мендан кечирим сўрайсан, ёхуд мен сени...

У ҳали қинидан суғурилмаган қилични шунақа бир таҳдид билан кўтардики, гўё ҳозироқ Жоржни уриб юборишга тайёр эди.

— Сен олишмоқчимисан?— деб сўради капитан.— Марҳамат.

У бир зумда устидаги камзулини ечиб ташлади.

Коменж бениҳоя бежирим ҳаракат билан қиличини бир сермаган эди, қини йиғирма қадамча жойга бориб тушди. Бевиль ҳам шундай қилмоқчи бўлди, аммо қилич қиндан ярим суғурилганича қолди. Бу бесўнақайлик

аломати, ёмонлик белгиси ҳисобланарди. Ака-укалар ҳам Коменжчалик бежирим қилиб бўлмаса-да, ҳар ҳолда қиличларини яланғочлаб, қинларини улоқтирдилар — улар халақит бериши мумкин эди. Уларнинг ҳар бири ўнг қўлида яланғоч қилич, чап қўлида ханжар билан ўз рақибининг рўпарасидан жой олди. Тўртта қилич бир-бири билан барабар тўқнашди.

Жорж бир усул қўллади. Уша пайтларда бу усулни Италиядаги қиличбозлик устозлари *liscio di spada é cavare alla vita*<sup>24</sup>, деб аташарди. Бу усул занфликка кучни қарама-қарши қўйишдан, рақиб қиличини қайириб ташлаб, унга зарба беришдан иборат эди. Жорж бир зарб билан Бевилнинг қўлидан қиличини уриб туширди ва қиличининг учини унинг ҳимоясиз кўкрагига қадади, сўнг эса қилични санчиш ўрнига уни совуққонлик билан пастга туширди.

— Мен билан олишиш сенга йўл бўлсин, — деди у. — Олишувни бас қилайлик. Лекин ҳушёр бўл — ҳадеб жингма тегаверма!

Жоржнинг қиличи кўксига қадалиб турганини кўрган Бевилнинг ранги ўчиб кетди. У хижолат ичида унга қўлини чўзди, сўнг икковлари ҳам қиличларини ерга санчишди ва шу дақиқадан бошлаб бутун диққат-эътиборлари билан асосий рақибларнинг олишувини кузата бошладилар.

Бернар довурак бўлиб, ўзини бардам тута оладиган йигит эди. Қиличбозлик усулларини дурустгина билар, жисмоний жиҳатдан ҳам Коменждан бақувватроқ эди. Бунинг устига Коменж тунги машатдан кейин ўзини анча ҳорғин ҳис қилмоқда эди. Дастлаб Коменж жон-жаҳди билан ҳамла қилганида Бернар ўта эҳтиёткорлик билан унинг ҳамлаларини қайтариб турди ва ханжари билан кўкрагини тўсиб, қиличини рақибининг юзига ўқталиб, унинг ҳамма режаларини чиппакка чиқаришга интилди. Кутилмаганда бундай қаршиликка дуч келган Коменж асабийлаша бошлади. Унинг ранги бўзарди. Довурак одамларнинг бўзариши уларнинг ғазабланаётганидан нишонадир. У янада жон-жаҳди билан ҳужумга ўтди. Ҳамлалардан бирида у ақл бовар қилмайдиган чапдастлик билан Бернарнинг қиличини қайириб ташлади, унга яшиш тезлигида санчувчи зарба берди. Бу зарба билан унинг қиличи Бернарнинг кўксини тешиб ўтиши муқаррар эди. Бироқ бир сабаб билан зарба ниҳоясига етмай қолдики, бу китобхонга чинакам мўъжизадай туюлиши мумкин. Қиличнинг учи силлиқ олтиндан қи-



линган туморга тегиб, сирғалиб кетди ва йўналишини ўзгартирди. Қилич кўкракка тикка санчилиш ўрнига қовурғанинг ёнидан ўтиб, аввалги жароҳатдан икки энли наридан чиқди. Коменж қиличини суғуриб олишга улгурмай, Бернар унинг бошига ханжари билан чунонам урдик, ўзи ҳам мувозанатини йўқотиб қулаб тушди. Коменж унинг устига йиқилди. Секунданлар уларнинг икковини ҳам ўлди деб ўйлашди.

Бернар шу ондаёқ ўрнидан туриб, йиқилаётганида қўлидан тушиб кетган қиличини ердан олишга интилди. Коменж қимир этмасди. Бевиль уни суяб кўтарди. Коменжнинг афт-башараси қоп-қора қон эди. Бевиль рўмол билан қонни артиб, ханжарнинг зарби кўзга тўғри келганини ва дўсти тил тортмай ўлганини кўрди. Тиг, ҳеч шубҳасиз, миягача етиб борганди.

Бернар маъносиз нигоҳ билан жасадга тикилди.

— Бернар! Ярадормисан?— деб сўради капитан унинг ёнига югуриб келиб.

— Ярадорман?— деб қайтариб сўради Бернар. Шундагина у кўйлагини қондан ҳўл бўлиб кетганини пайқади.

— Ҳечқиси йўқ,— деди капитан.— Қилич ялаб ўтибди.

У рўмоли билан қонни артди, сўнгра жароҳатни боғлаб қўйиш учун Бевилдан рўмол сўради. Бевиль Коменжнинг жасадини суяб турарди. У жасадни майса устига қўйиб, Жоржга ўзининг рўмолини ҳам, Коменжнинг камзули чўнтагидан олган рўмолни ҳам беришга ошиқди.

— Вой, шайтон-ей! Мапа бунини зарба деса бўлади! Қўлингиз ҳам аноий эмас экан, ошна! Жин урсин! Чекка жойлардан сизга ўхшаган уддабурунлар келаверадиган бўлса, Париждаги ашаддий дуэлбозларнинг ҳоли нима кечади? Марҳамат қилиб айтинг-чи, неча марта дуелда олишгансиз?

— Бугун биринчи олишишим,— жавоб берди Бернар.— Худо ҳаққи, дўстингизга ёрдам берсангиз-чи!

— Ёрдამнинг нима ҳожати бор? Сиз уни шунақа сийладингизки, у энди ортиқ ҳеч нарсага муҳтож бўлмайди. Тиг мияга етиб борибди. Зарба бениҳоя қудратли бўлибди. Қоши билан ёноғига қаранг — ханжарнинг косаси мумга босилган муҳрдай ўйиб кирибди.

Бернарнинг бутун вужудида қақшоқ турди. Унинг ёноқларидан йирик-йирик ёш думалади.

Бевиль ханжарни суғуриб олиб, синчиклаб кўздан кечирди — унинг ўйиқ жойлари қонга тўла эди.

— Коменжнинг укаси бу қурол шаънига шам ёқса арзийди. Мана шу ажойиб ханжар туфайли жуда катта давлат унга мерос қолади.

— Кетайлик... Мени бу ердан олиб кет,— деди Берпар сўлгин овозда ва акасининг қўлидан тутди.

— Қайғурма,— деди Жорж Бернарга камзулини кийгизар экан.— Сирасини айтганда, бу одам ачишишга унчалик арзимайди.

— Шўрлик Коменж!— деб хитоб қилди Бевиль.— Буни қара-я! Умрида биринчи марта олишувга тушган гўдак сени побуд қилди-я! Сен эса камида юз марта олишган эдинг. Шўрлик Коменж!

У мотам нутқини шундай тугатди.

Бевиль дўстига сўнгги бор нигоҳ ташлаб, ўша вақтдаги таомилга кўра бўйнида осилиб турган соатни кўрди.

— Э, жин урсин!— хитоб қилди у.— Энди сенга соат на ҳожат!

У соатни олиб: «Коменжнинг укаси шундоқ ҳам бойиб-тошиб кетади, менга эса дўстимдан хотира бўлади»,— деб ғудраниб, уни киссасига солиб қўйди.

Ака-укалар қайта бошлашди.

— Шошманглар!— деб қичқирди Бевиль апил-тапил камзулини кияр экан.— Ҳой, жаноб де Мержи! Ханжарингизни унутибсиз! Бунақа нарсани йўқотиб бўладими?

У ханжарни марҳумнинг кўйлагига артди-да, ёш дуэлбозга етиб олиш учун югурди.

— Узингизни босинг, азизим,— деди у қайиққа сакраб чиқар экан.— Бунчалик хомуш бўлаверманг. Менинг маслаҳатимга кириш: хомушликни тарқатиш учун бугуннинг ўзида уйингизга бормаи, тўғри жазманингизни кига боринг. У ерда шундай бир ҳафсала билан меҳнат қилинган, роппа-роса тўққиз ойдан кейин давлатга янги гражданин ишъом этадиган бўлинг. Бугун давлат сиз туфайли битта гражданидан маҳрум бўлди. Сиз ишъом этадиган янги граждани унинг ўрнини қоплайди. Шунда олам сиз туфайли ҳеч нарса йўқотмаган бўлади. Ҳой қайиқчи, қани, чаққонроқ эш. Ғайрат қилсанг, бир пистоль кўшиб бераман. Бизга алебарда кўтарган одамлар яқинлашмоқда. Улар Нель минорасидаги соқчилар. Улар билан ади-бади айтишиб ўтирмаганимиз маъқул.

## ОҚ ЖОДУ

*Кечаси тушимга ўлган балиқ билан пачақ тухум кирибди, жаноб Анаксарх менга айтдики, пачақ тухум билан ўлган балиқ бахтсизлик келтирармиш.*

*Мольер. «Ҳашаматли ошиқлар»*

Алебарда билан қуролланган одамлар Пре-о-Клер яқинида жойлашган соқчилар отрядидан эди. Улар Пре-о-Клерда тез-тез бўлиб турадиган олишувларнинг олдини олишлари лозим эди. Аммо улар ҳамisha сусткашлик қилишар ва жанжал бўлаётган жойга етиб келишганида, одатда, олишув бартараф бўлган бўларди. Яна шуниси ҳам борки, тинчлик ўрнатиш йўлидаги уларнинг уриниши кўпинча беҳуда кетар, олишаётганлар ярашишга кўнмас эди. Неча марталаб шундай бўлганки, ҳаётмамот учун олишаётган рақиблар жанги тўхтатиб, уларни ажратмоқчи бўлган солдатларга барабар ҳужум қилишган! Шунинг учун ҳам соқчиларнинг вазифаси одатда ярадорларга ёрдам кўрсатиш ёхуд ўлганларнинг жасадини олиб кетиш билан чекланарди. Бугун ўқчилар зиммасига ана шу иккинчи вазифани ўташ тушган эди. Улар буни одатдагидек ўхшатиб бажаришди, яъни жасадини олиб кетишдан олдин, унинг қиссаларини қоқиштиришиб, кийим-кечагини ўзаро бўлиб олишди.

— Қимматли дўстим!— деб мурожаат қилди Бевиль Бернарга.— Сизга бир яхши маслаҳатим бор: сизни хуфёна тарзда мэтр Амбруаз Пареннинг олдига олиб боришинг. Ҳароҳатини тикиш ёки чиққан қўлни жойига солиш бобида унга тенг келадигани йўқ. Лекин, рост, даҳрийлик бобида Кальвиннинг ўзига ҳам дарс беради. Лекин у ўз ишини беш бармоғидай билади. Энг сидқидил католиклар ҳам унинг олдига бориб туришади. Фақат маркиза де Буасьергина гугенотнинг қўлидан ёрдам олишга рози бўлмади. У бундан кўра ўлимни афзал кўрди. Ун пистолдан гаров ўйнашим мумкин — у шўрлик ҳозир жаннатда айниини қилиб юрибди.

— Яранг арзимас яра,— деди Жорж.— Уч кундан кейин битиб кетади. Лекин Коменжнинг Парижда қариндош-уруғлари бор. Улар Коменжнинг ўлимига газабланишмаса, деб қўрқаман.

— Ҳа-я! Унинг онаси бор. У орийат юзасидан дўсти-

мизга қарши тергов қўзғайди. Майли, ҳечқиси йўқ. Шатильон орқали ҳаракат қиласиз. Қирол гуноҳингиздан ўтишга рози бўлади. Ахир, у адмиралнинг қўлида мумдай гап.

— Иложи бўлса, бу воқеа адмиралнинг қулоғига етиб бормаслигини истардим,— деди Бернар заиф овозда.

— Хўш, нега энди? Протестант мислсиз бир чапдастлик билан католикни нариги дунёга жўнатганини эшитиб, серсоқол қария ғазабга келади, деб ўйлайсизми?

Бернар жавоб бериш ўрнига чуқур хўрсиниб қўйди.

— Коменж саройда машҳур эди. Унинг ўлими шовшув қўзғамай қўймайди,— деди капитан.— Бироқ сен дворянлик бурчингни ўтадинг, холос. Бўлиб ўтган воқеада сенинг шаънингга доғ туширадиган ҳеч нарса йўқ. Мен кўпдан бери қария Шатильоннинг ҳузурига борганим йўқ эди — мана энди у билан мулоқотни тиклаш имкони туғилди.

— Бир неча соат зиндонда ўтириш — унчалик хуш ёқадиган иш эмас,— деб яна гап бошлади Бевиль.— Мен укангни ишончли жойга яшириб қўяман, ҳеч ким тополмайди. Иш босди-босди бўлиб кетгунча ўша ерда бемалол туравериши мумкин. Ахир, у даҳрий бўлгани учун монастирға қабул қилишмас, дейман.

— Сиздан беҳад миннатдорман,— деди Бернар,— лекин таклифингиздан фойдалана олмайдиганга ўхшайман — бу менга зарар етказиши мумкин.

— Ҳеч-да, азизим. Дўстлик шунақада асқатади! Мен сизни жиянларимдан бирининг уйига жойлаб қўяман — унинг ўзи ҳозир Парижда эмас. Уйи бутунлай менинг ихтиёримда. Мен у ерға бир кампирни қўйиб қўйганман, у сизга қараб туради. Кампир менга содиқ. Сиз билан биздақа ёшларға бунақа кампирлар баайни хазина. Унинг тиббиётдан, сеҳру жодудан, илми нужумдан хабари бор. Ҳамма нарса қўлидан келади. Айниқса, қўшмачиликни жуда ҳам ўрнига қўяди. Менинг илтимосим билан ҳатто қироличанинг ўзига ҳам ишқий мактуб олиб боришға кўнмаса, тил тортмай ўлай.

— Соз! — деб яқун ясади капитан.— Мэтр Амбруаз унга дастлабки ёрдамни кўрсатади, кейин уни дарҳол ўша уйға жойлаймиз.

Улар шу тарзда гаплашиб, ўнг соҳилға етиб келишди. Бернарни отға анча қийинчиликлар билан мингазишди. Кейин Жорж билан Бевиль уни аввал машҳур жарроҳға олиб боришди, у ердан эса Сент-Антуан деган

жойга — холи бир уйга олиб келишди. Жорж билан Бевиль уни юмшоқ тўшакка ётқизиб, кампирнинг қарамоғига топширишди-да, оқшом чоғи жўнаб кетишди.

Агар одам бошқа бир одамни ўлдириб қўйса, у бу ишни умрида биринчи дафъа қилган бўлса, анча вақтгача, айниқса, қош қорайгандан кейин, марҳумнинг ўлим олдидаги азоблари қотилнинг кўз ўнгига келиб, уни ёмон қийнайди. Қалласи мудҳиш ўйлардан говлаб кетади. Шу боисдан суҳбатда иштирок этиш жуда қийин бўлади, ҳатто оддий гап-сўзларни гапириш ҳам унга малол келади. Аммо гаплашмай деса, ёлғизлик қотилни ваҳимага солади, чунки мудҳиш фикрлар одам танҳо қолганда янада зўраяди. Акаси билан Бевиль тез-тез келиб турганига қарамай, дуэлдан кейинги дастлабки кунларда Бернар юраги сиқилиб, ўзини қўйгани жой тополмай юрди. Кечалари у уйқудан маҳрум эди: яраси яллиғланиб кетган, туни билан бутун вужуди ловиллаб чиқарди. Тунги соатлар Бернар учун энг оғир соатлар бўлди. Фақат: «Де Тюржи хоним мени ўйлапти ва довюраклигимга қойил бўляпти», деган фикргина унга бир оз таскин берарди. Таскин берарди-ю, лекин азоби-ни енгиллата олмас эди.

Бернар турган уй қаровсиз қолган боғнинг ичкари-сига жойлашган эди. Бир кун Бернар июль тунидан нафаси бўғилиб кетиб, бир оз сайр қилиб, ҳаво олмоқчи бўлди. У плашини елкасига илиб, эшик томон йўл олди аммо эшик ташқаридан занжирлаб қўйилган экан. Кампир паришонхотирлик билан занжирлаб қўйган бўлса керак, деб ўйлади. Кампир шу яқин ўртада ётарди, лекин шу пайт у ширин уйқуда бўлса керак, «чақирганим билан барибир, уйғонмайди», деган фикрга келди Бернар. Уйнинг деразаси унча баланд эмас, дераза ёпидаги ер юмшоқ эди, негаки, уни яқиндагина чопиб қўйишганди. У деразадан сакраб, зум ўтмай боққа тушди. Осмонни булут қоплаган эди. *Биронта милт этган юлдуз кўринмасди.* Аҳён-аҳёнда бир оз эсиб қўйган шабада гўё дим ҳаво орасидан зўрға ўтиб келаётгандай туюларди. Соат тунги иккилар эди, атроф оғир сукунатга чўмган.

Мержи ширин орзулар оғушида маст бўлиб, сайр қила бошлади. Тўсатдан кимдир боғ эшигини аста тақиллатди. Бу заиф тақиллашда аллақандай сир борга ўхшарди. Тақиллатаётган одам овозни эшитиш билан эшикнинг очилишига ишонган кўринади. Холи бир уйга

шундай бемаҳалда келиш кимга зарур экан — бу ғалати туюлмаслиги мумкин эмас эди. Мержи боғнинг қоронғи бир бурчагига биқиниб олди — бу ердан у ўзи панада ўтириб, ҳамма нарсани кўриб турарди. Уйдан қўлида фонус кўтариб биров чиқди — у, шубҳасиз, кампир эди, чунки уйда ундан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Кампир эшикни очди, боққа капюшонлик кенг қора плаш кийган бир одам кирди.

Бернар бу сирга беҳад қизиқиб қолди. Келган одамнинг жуссасига ва кийим-бошига қараганда, аёл киши эди. Кампир уни таъзим билан қарши олди, аёл эса зўрга бош ираб қўя қолди. Лекин у кампирнинг қўлига алланарса тутқазди, бундан кампир хурсанд бўлиб кетди. Кейин аллақандай маъдан нарсанинг жаранглаб ерга тушганига ва кампирнинг ҳовлиққанча эгилиб, ердан ниманидир тимирскилаб излай бошлаганига қараб, Мержи унга пул берилганидан воқиф бўлди. Кампир фонарни тўсиб, йўл бошлади, нотаниш аёл унга эргашди. Боғнинг ичкарасида яшил шийпонга ўхшаш бир жой бор эди — доира қилиб экилган арғувонлар ва улар орасида қалин ўсган буталар шийпон ҳосил қилганди. Шийпоннинг иккита йўли, аниқроғи, икки пештоқи бор эди. Ўртасида тош стол турарди. Кампир билан плашга ўралган аёл шу шийпонга киришди. Мержи дамани ичига ютиб, уларнинг орқасидан қусиб келди-да, буталар олдига келгач, уларнинг гапини эшитадиган масофада тўхтади. Мержи биқинган жойдан шийпон ичида тош фонарнинг хира ёғдусида нима бўлаётгани ҳам кўриниб турарди.

Кампир аввал стол устида турган манқалда бир нарсани ёқди, у лов этиб ўт олди-да, шийпонни оқ кўкиш ёғду билан ёритди. Гўё туз қўшилган спирт ёнаётгандек эди. Сўнгра кампир тош фонарни ўчириб қўйдими ёки шуъласини пана қилдими, ҳар ҳолда манқалда липиллаб турган олов ёғдусида потаниш аёлни аниқ кўролмади қолди. Ҳатто унинг юзида нардаси бўлмаганида ҳам таниб олиш амримаҳол эди. Бироқ Бернар кампирни аниқ таниди. Унинг овози ҳам, жуссаси ҳам заррача шубҳага ўрин қолдирмаган эди. Лекин кампир юзига негадир қора бўёқ чаплаб олган, шу сабабга кўра, у оқ қалпоқ кийган мис ҳайкалга ўхшаб қолганди. Стол устида ғалати буюмлар турибди. Мержи уларнинг нима эканини биллолмади гаранг бўлди. Бу буюмлар аллақандай тартибда териб қўйилганди. Улар Бернарга мевага, жониворларнинг суягига, қонга беланган кийим лахтакларига ўхшаб

кўринди. Кўнгилни оздирувчи латта-путталар орасида баландлиги бир футча келадиган мумдан ишланган одам гавдаси турарди.

— Қани, гапир, Камилла,— деди паст овозда юзига парда ташлаб олган аёл,— унинг аҳволи тузук дейсанми?

Бу овозни эшитиб, Мержи чўчиб тушди.

— Бир оз дуруст, хоним,— деб жавоб берди кампир.— Сизнинг маҳоратингиз туфайли тузалишти у. Лекин манави лахтакларда қон жуда кам экан, мен дурустроқ ёрдам беролмадим.

— Амбруаз Паре нима деяпти?

— Нима дерди у подон? Унинг нима дегани сизга барибир эмасми? Яраси чуқур, хавфли, қўрқинчли. Гапимга ишонаверинг, сеҳр-жодусиз уни тузатиб бўлмайди. Аммо арзу самодаги малакларга кўпроқ қурбонлиқ қилиш керак... Қурбонлиқ учун эса...

Аёл дарров фаросат ишлатди.

— У тузалиб кетса, ҳозир берганимдан икки баравар кўпроқ оласан,— деди у.

— Астойдил ишонаверинг. Бу ёғини менга қўйиб беринг.

— Оҳ, Камилла! Бирдан ўлиб қолса-я!

— Қўрқманг. Малаклар бошафқат, само юлдузлари йўлимизни ёритиб турибди. Сўнги қурбонлигимиз — қора қўй уни бизнинг фойдамизга оғдирди.

— Сенга бир нарсани топгунимча она сутим оғзимдан келди. Мен уни бир ўқчидан сотиб олдирдим. Ўқчи мурдани роса тинтиган экан.

Аёл плашининг остидан алланима чиқарди — Мержи хира ёғдуда қиличнинг тиғи ярқираганини кўрди. Кампир қилични олиб оловга тутди.

— Худога шукур! Тиғда қон бор экан. У занглаб қолибди. Унинг қони баайни хитой аждарининг ўзи — иўлатга теккан бўлса, шундай ёпишадики, уни қириб ҳам олиб бўлмайди.

Кампир қилич тиғини кўздан кечиришда давом этди. Бу орада аёл қаттиқ ҳаяжонга тушиб, бетоқат бўла бошлади.

— Камилла! Буни қара! Қон шупдоққина қилич дастасининг ёнгинасида-я! Зарба ҳалокатли бўлган бўлса-я!

— Бу юрак қони эмас. У тузалиб кетади.

— Тузалиб кетадими?

— Ҳа, тузалади-ю, шу он бошқа бир бедаво дардга чалинади.

— Қанақа дардга?

— Севги дардига.

— Оҳ, Камилла, гапинг ростми?

— Мен бирон марта ёлгон гапирганмидим? Бирон марта айтган гапим ўнг келмаганмиди? Олишувда унинг голиб чиқишини сизга айтиб берувдим-ку! Олишувда малаклар унинг томонида бўлишини айтмабмидим? У олишиши керак бўлган жойга қора товуқ билан кашиш дам солган қилични мен кўмиб келмабмидим?

— Ҳа, рост.

— Мен ҳунаримни ишлатиб, асрамоқчи бўлган одамнинг зарби мўлжалга тегсин учун рақибининг суратига сиз игна санчмаганмидингиз.

— Рост, Камилла. Коменжнинг суратига игна санчгандим. Лекин мен юрагига санчгандим, айтишларига қараганда, у бошидан зарба ебди.

— Ҳа, албатта, ханжар бошига тегибди. Аммо у ўлди-ку! Демак, унинг юрагидаги қон уйишиб қолган.

Бу сўнгги далил, афтидан, аёлни таслим қилди шекилли. У жим бўлиб қолди. Кампир қилич тиғига малҳам суриб, уни ғоят ҳафсала билан латтага ўради.

— Биласизми, хоним, мен қилич тиғига чаён ёғини сураман, малаклар бу ёғни йигитнинг ярасига етказишади. Бу Африка малҳами йигитни худди ярасига сураётганимдай таъсир қилади. Агар кўнглим тусаб, қиличнинг учини оловда қизитадиган бўлсам, шўрлик ярадор йигит худди ўзи оловда қовурилаётгандек азоб чекарди.

— Унақа қила кўрма-я!

— Бир куни оқшом пайтида мен ўчоқ ёнида ўтириб, ҳафсала билан қиличга малҳам суртмоқда эдим. Шу қилич билан бир йигитнинг бошига икки марта уриб, рақибни уни оғир жароҳатлаган экан. Мен уни тузатиб юбормоқчи эдим. Малҳамни суриб ўтириб, пинакка кетиб қолибман. Бирдан эшик тақиллади — йигитнинг хизматкори келибди. «Хўжайинимнинг дарди оғирлашди, чиқиб келаётганимда у оловда ёнаётгандек тўлганмоқда эди», деди. Сабаби нима экан денг? Мен мудраганда, қилич қўлимдан сирғалиб тушибди-ю, учи оловга кириб қолибди. Дарҳол қилични оловдан олдим-да, хизматкорга: «Сен боргунча хўжайинингнинг аҳволи анча енгиллашиб қолади», дедим. Ҳақиқатан ҳам, муздек сувга бир хил дориворларни солдим, дарров унга қиличнинг учини тикиб қўйдим-да, ўзим бемордан хабар олгани жўнадим. Борсам, мени кўриши билан нима дейди денг: «Оҳ, қим-



матли Камилла! Ҳозир аҳволим жуда соз бўлиб қолди. Муздек сувда чўмилиб яйраётгандайман. Бундан олдин қизигап панжара устидаги авлиё Лаврентийнинг аҳволида эдим».

Кампир қилични ўраб бўлди-да, мамнун оҳангда гапирди:

— Энди дуруст бўлди. Ундан кўнглим тўқ. Сўнгги расм-русмини қилайлик.

Кампир оловга бир неча чимдим хушбўй кукун ташлади ва тўхтовсиз чўқиниб туриб, аллақандай тушуниб бўлмайдиган гапларни гапирди. Аёл қалтироқ қўли билан мум ҳайкалчани олди-да, уни манқал устида тутиб туриб, ҳаяжонли овозда гапирди:

— *Манқал оловида шу мум исиб, эригандек, сенинг қалбинг ҳам менга муҳаббат оташида эриб оқсин, о, Бернар Мержи.*

— Жуда соз! Энди манави яшил шамни олинг — у ярим тунда ҳамма қоидаларга риоя қилиб қуйилган. Уни эртага Биби Марям тасвири олдида эритинг.

— Хўп бўлади... Сен менга анча таскин бердинг. Лекин мен ҳамон хавотирдаман. Кеча кечаси тушимда у ўлиб қолибди.

— Қайси ёнбошингизда ухлагандингиз? Ўнг ёнбошингиз биланми, чап ёнбошингиз биланми?

— Қайси ёнбошда кўрилган туш яхши бўлади?

— Аввал айтинг, одатда қайси ёнбошингизда ухлайсиз? Кўриб турибман, сиз ўз-ўзингизни алдамоқчисиз.

— Мен доимо ўнг ёнбошимда ухлайман.

— Ундай бўлса, хотиржам бўлинг. Тушингиз яхшиликка.

— Айтганинг келсин. Лекин у тушимда ранги қум ўчган, қонга беланган, кафанга ўралган ҳолда кўринувди.

Шуни айтиб, ўгирилди-ю, яшил шийпоннинг пештолларидан бири олдида турган Мержини кўриб қолди. Буни сира кутмаганидан, у шундай чинқириб юбордики, буни эшитиб Бернар ҳам қўрқиб кетди. Кампир бехосданми ё атайинми манқални ағдариб юборди. Лов этиб баланд алапга кўтарилди ва Мержи бир неча лаҳза кўзи қамашиб, ҳеч нарсани кўрмай қолди. Иккала аёл ҳам лип этиб ғойиб бўлишди. Буталар орасида сийрак жой борлигини кўрган Мержи зум ўтказмай, уларнинг ортидан қувди, лекин алланимага қоқилаб, йиқилишига сал қолди. Бу унинг тузалишининг бош сабабкори бўлмиш бояги қилич эди. Қилични суриб қўйиб, йўлга чиқиб олиш учун фурсат керак эди. У кенг ва тўғри йўлгага чиқиб,

қочоқ аёлларга етиб олгани энди ҳеч нарса халақит бермайди, деб ўйлаганди, эшик тарақлаб ёпилгани эшитилди. Иккала аёл ҳам ғойиб бўлган эди.

Шундай соҳибжамол ўлжани қўлдан чиқариб юборгани Мержигга ёмон алам қилди. У пайпаслана-пайпаслана хонасига кириб борди-да, ўзини каравотга ташлади. Барча мудҳиш ўйлари хаёлидан чиқиб кетди, ҳамма виждон азоби, ҳар қандай таҳликали туйғулар сеҳру жодуга дуч келгандай уни тарк этди. Энди у Париждаги энг соҳибжамол аёлни севиш ва унинг севгисига сазовор бўлиш нақадар катта бахт эканини ўйларди. Юзига парда тутган аёл де Тюржи хоним. Энди бунга ишончи комил. У тоғ отай деганда ухлаб қолди ва кун яримдан оғанида уйғонди. Ёстиги устида конвертга солинган мактуб кўрди — унинг қандай қилиб бу ерга келиб қолгани номаълум эди. У конвертни очиб, хатни ўқиди:

«Йигит! Аёлнинг шаъни сизнинг камтарлигингизга боғлиқ бўлиб қолди».

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, кампир кирди. У шўрва олиб келган эди. Бугун одатдагига хилоф ўлароқ у белбоғига йирик-йирик тасбеҳ осиб олганди. Юзини ҳафсала билан ювиб ташлабди. Унинг териси энди ортиқ мисга ўхшамас, балки дуд босган эски чармни эслатарди. Кампир кўзини ердан узмай, оҳиста қадам ташларди — бу дунёнинг ташвишлари илоҳий нарсаларни ўйлашдан диққат-эътиборини чалғитмасин деган одам шундай қадам ташлайди.

Мержи сирли мактубда айтилган талабни тузукроқ адо этиш учун, даставвал, ҳаммадан нимани яшириш кераклиги ҳақида аниқроқ маълумотга эга бўлишим лозим, деган қарорга келди. У кампирнинг қўлидан шўрвани олди-да, кампир қайтиб, эшик олдига етиб бормасидан унга гап қотди:

— Сиз менга номингиз Камилла эканини айтмагандингиз шекилли.

— Камилла?.. Менинг исмим Марта, афандим... Марта Мишлен, — деди кампир ҳаддан ташқари таажжубга тушган қиёфада.

— Хайр, майли, Марта бўлса Марта бўла қолсин. Лекин сиз одамлар билан мулоқотда бўлганингизда бу исмингизни ишлатасиз шекилли. Малоикаларингиз билан мулоқотда бўлганингизда сизни Камилла дейишади, чогим?

— Малоикалар?.. Ё парвардигор! Нималар деясиз?

У чўқиниб олди.

— Етар, бас. Мени тентак деб ўйламанг. Мен ҳеч кимга айтмайман. Гап орамизда қолади. Менинг саломатлигим ҳақида шунчалик жон куйдираётган аёл ким?

— Қанақа аёл?

— Қўйинг, ростини айтаверинг. Чин дворян сўзим, мен сирни очиб қўймайман.

— Рост айтяпман, афандим, нималар деяётганингизга ақлим етмаяпти.

Мержи унинг ўзини ҳайрон қолаётган қилиб кўрсатаётганини ва қўлини кўксига қўйиб туришини кўриб, ўзини кулгидан тўхтата олмади. У бош томонида осиглик турган ҳамёнидан бир тилла олиб, кампирга узатди.

— Манавини олинг, меҳрибон Камилла. Мени жуда яхши парвариш қиляпсиз. Мени тезроқ тузалсин, деб қиличга сидқидилдан чаён ёғини суртяпсиз. Очигини айтганда, мен аллақачон сизга бирон нарса совга қилишим лозим эди.

— Нега ундай дейсиз, афандим. Рост айтяпман. Мен ҳайрон бўлиб қолдим.

— Менга қаранг, майли, Мартамисиз, Камилламисиз, жин урсин. Қўп ғашимга тегаверманг. Қани, жавоб беринг! Кечаси ким учун сеҳру жоду ишлатдингиз? Қим эди у аёл?

— Ё парвардигор! Жаҳли чиқди. Ё яна алаҳлай бошладимикан?

Тоқати тоқ бўлган Мержи кампирга қараб ёстиқни улоқтирди. У мутелик билан ёстиқни жойига қўйди, ерга тушган тилла пулни олди. Шу чоқ капитан кириб келиб, оқибатидан хавфсираётган сўроқдан кампирни озод қилди.

*Ун учинчи боб*

## ТУҲМАТ

King Henry IV  
Thou dost belie him, Percy, thou dost  
believe him!  
Shakespeare, «King Henry IV»\*

Уша кун и эрталабоқ Жорж укаси ҳақида гаплашиб келиш учун адмиралнинг ҳузурига йўл олган эди.

\* Қирол Генрих IV.

Ёлгон гапирибсан, Перси, унинг шаънига!

Шекспир. «Қирол Генрих IV» (ингл.).

У икки оғиз қилиб адмиралга бор гапни айтиб берди. Адмирал тиш ковлагичини чайнаб туриб, унинг гапни типглади — бу унинг ранжиганига ишора эди.

— Бу гаплардан хабарим бор,— деди у.— Билмадим, бутун шаҳарнинг тилида дoston бўлиб турган бир воқеани менга гапириб беришингизга нима ҳожат бор эди?

— Жаноб адмирал, бизнинг оиламизга бўлган доимий мурувватингизни билганим учунгина вақтингизни олмоққа журъат этдим. Бу гал ҳам саховатингизни аямасиз, қиролдан укам ҳақида бир оғиз илтимос қиларсиз, деб умид қилишга изн бергайсиз. Ҳазрати олий қошидаги ҳурмат-эътиборингиз...

— Агар ҳақиқатан ҳам ҳурмат-эътиборга эга бўлсам, менинг ҳурмат-эътиборим,— деб капитаннинг гапини бўлди адмирал,— шунга асосланадими, мен ҳазрати олийларига фақат қонуний илтимослар билан мурожаат қиламан.

«Ҳазрати олийлари» сўзини айтар экан, адмирал бошидан шляпасини олди.

— Сизнинг саховатпешалигингизни суистеъмол қилишга укамни мажбур этган вазият, бахтга қарши, бизнинг замонамизда оддий воқеа бўлиб қолган. Утган йили қирол афв этиш ҳақида бир ярим мингдан ортиқроқ фармонга имзо чекди. Қиролнинг саховатидан Бернарнинг рақиби ҳам бир печа марта баҳраманд бўлган эди.

— Жанжални укангиз бошлаган экан. Лекин бирон ярамас уни қайраб солган бўлса ҳам ажаб эмас. Қошқийди, шундай бўлиб чиқса.

Адмирал шундай деб капитанга тикилиб қаради.

— Жанжалнинг хунук оқибатларига йўл қўймаслик учун мен анчагина ҳаракат қилдим. Лекин ўзингизнинг хабарингиз бор, жаноб де Коменж жанжални фақат қилич ёрдами билан бартараф қилишдан бошқа нарсани тан олмасди. Дворянлик шаъни ва аёлларнинг фикри...

— Ҳали ёш йигитнинг калласига шунақа гапларни қуяябман, деп! Укангизни ашаддий дуэлбоз қилмоқчимисиз? Отасининг ўғитлари бир қулоғидан кириб, иккинчисидан чиқиб кетганини билса, отаси хафа бўлмайди-ми? Ё парвардигор! Гражданлар уруши тинганига ҳали икки йил бўлмай, улар тўккан дарё-дарё қонларини унутиб ўтиришибди-я! Шунча қон уларга камлик қилган экан! Уларга қолса, французлар ҳар куни бир-бирининг гўштини еса...

— Менинг илтимосим сизга номаъқул тушишини билганимда...

— Менга қаранг, жаноб де Мержи. Мен христианлик бурчимга амал қилиб, газабимни тийишим ва укангизнинг гуноҳини кечишим мумкин эди. Бироқ гап-сўзларга қараганда, укангизнинг олишувдаги хулқ-атвори...

— Бу билан нима демоқчисиз, жаноб адмирал?

— У француз дворянлари ўртасида қабул қилинган қоидаларга риоя қилмай олишган эмиш...

— Унинг тўғрисида бундай разил тухматни тарқатишга ким журъат этди?— деб хитоб қилди Жорж. Унинг кўзлари газабдан ёнмоқда эди.

— Тинчланинг. Даъво қиладиган одам йўқ — ҳали ҳозирча аёллар билан олишиш расм бўлгани йўқ... Коменжнинг онаси қиролга тафсилотларини айтиб берибди. Бу тафсилотлар укангизнинг шаънига доғ туширади. Улар шундай даҳшатли жангчи қандай қилиб мулозимлик ёшидан чиқиб улгурмаган бир гўдакнинг қўлида шу қадар осон ҳалок бўлганини изоҳлаб беради.

— Она гами — улуғ, муқаддас гам. Лекин кўзлари ёшга тўлиб турган она ҳақиқатни кўролармикин? Жаноб адмирал, менинг укам ҳақида де Коменж хонимнинг гапига қараб ҳукм юритмасиз, деган умид билан ўзимга таскин бераман.

Колинъи иккиланиб қолди шекилли. Энди унинг оҳангида аввалгидай аччиқ истехзо йўқ эди.

— Коменжнинг секундант Бевиль яқин дўстингиз эканини рад этмасиз, ахир?

— Мен уни кўпдан бери биламан. Ҳатто унинг олдидан бурчдорман ҳам. Бироқ у Коменж билан ҳам ошна эди. Бундан ташқари, Коменж секундантликка уни ўзи ташлаган эди. Ниҳоят, Бевиль довурак, софдил йигит.

Адмирал дил-дилдан ҳазар қилаётганига ишора қилиб, лабини бурди.

— Бевиль софдил эмиш!— деди у елкасини қисиб.— Даҳрий. Бузуқлик ботқоғига ботиб қолган бир одам.

— Ҳа, Бевиль — софдил йигит!— деб қатъий такрорлади Жорж.— Буни гапириб ўтиришга ҳожат йўқ. Олишувда мен ўзим иштирок этгандим. Наҳотки, жаноб адмирал, бизнинг шаънимизга сиз шубҳа билдирсангиз, наҳотки сиз бизни қотилликда айбласангиз?

Капитаннинг оҳангида таҳдид бор эди. У герцог Франсуа де Гизнинг ўлдирилишига шама қилгандай бўлди. Адмирални ёмон кўрадиган католиклар, бу ишда

Колиньининг қўли бор, деб ҳисоблашарди. Адмирал ё шамани тушунмади, ёхуд ичига ютиб қўя қолди. Ҳар ҳолда, унинг юзидаги бирор асаби қилт ҳам этмади.

— Жаноб де Мержи!— деди у совуқ ва беписанд оҳангда.— Диндан қайтган одамнинг ўз шаъни ҳақида гапиришга ҳаққи йўқ. Унга, барибир, ҳеч ким ишопмайди.

Капитан аввал лов этиб қизарди, кейин мурдадек оқариб кетди. Жаҳлнинг ганига кириб, чолга қўл кўтариб қўймаслик учун икки қадам орқага тисланди.

— Марҳаматли афандим!— деб хитоб қилди у.— Фақат кекса ёшингиз ва юксак амалингизгина сизга бечора бир дворянни тап тортмай ҳақоратлаш, ундаги бор бўлган энг қимматли парчасини қоралаш имконини беради. Аммо мен сиздан ўтишиб сўрайман: яқинларингиздан биронтасига, биронтаси бўлмаса, майли, бир печтасига буюринг — ҳозир сиз айтган гапни такрорлашин. Худо ҳаққи, қасамёд қиламанки, бу гап уларнинг оғзидан чиқиши билан бўғзига ёпиштирардим.

— Ашаддий дуэлбозларнинг расми шунақа. Мен уларнинг қондаларига амал қилмайман ва улардан ўртак оладиган яқинларимни қувиб соламан,— деди Колиньи ва Жоржга орқа ўтирди.

Капитан юрагида дўзах алангаси билан Шатильонлар қасридан чиқди, санчиб отига миңди-да, аламини шўрлик жонивордан олмоқчи бўлгандай, лаҳза сайин унинг биқинига шпорларини санчиб, чоптириб кетди. У шундай учиб борардики, йўлида учраган пиёдаларни босиб кетишига сал қолди. Жоржнинг омади бор экан — йўлида биронта ҳам ашаддий дуэлбозга дуч келмади, акс ҳолда у қиличини яланғочлаш имконини қўлдан чиқармас эди.

Венсенга яқинлашгандагина Жорж бир оз ўзига кела бошлади. У биқини қонга беланган, терлаб кетган отининг бошини буриб, Париж томонга йўл олди.

— Шўрлик дўстим!— деди у отига аччиқ истеҳзо билан.— Сендан аламимни оляпманми, а?

У бегуноҳ жониворнинг ёлини силади-да, укаси яшириниб ётган уй томон одимлаб равона бўлди.

Бернарга адмирал билан учрашгани ҳақида гапириб берар экан, баъзи тафсилотларни айтмади, лекин Колиньи унинг учун илтимос қилишни истамаганини яширмади.

Бир печа дақиқа ўтгач эса хонага Бевиль кириб келди ва тўғри келиб Бернарнинг бўйнига осилди.

— Табриклайман сизни, азиз дўстим!— деб хитоб қилди у.— Мана, гуноҳингиздан ўтилгани ҳақидаги фармон. Қироличанинг саховати билан бунга эришдингиз.

Бернардан ҳам кўра унинг акаси ҳанг-манг бўлиб қолди. Бернар бу саховат юзига парда тутган аёл, яъни графиня де Тюржи туфайли бўлганини фаҳмлаб турарди.

### *Ун тўртинчи боб*

#### УЧРАШУВ

*Гап бундай: ҳадемай хоним келади.*

*Фурсат йўқ, гапингиз лўндароқ бўлсин.*

*Мольер. «Тартюф»*

Бернар акасиникига кўчиб ўтди. У қироличанинг ҳузурига бориб, миннатдорчилик билдирди, сўнг яна саройга бора бошлади. Луврга кириши биланоқ Коменж шуҳратининг бир қисми унга мерос тариқасида ўтганини пайқади. Кўз таниш бўлган одамлар унга дўстона эҳтиром билан таъзим қилишарди. Бернар билан мулоқотда бўлган одамларнинг иззат-икромии замирида ҳасад сезилиб турарди. Хонимлар ундан кўзларини олмас, унга карашмалар қилишарди: у пайтларда аёлларни ром қилишнинг энг муқаррар чораси, дуэлбоз, деб шуҳрат чиқариш эди. Агар эркак киши дулда уч-тўртта одамни ўлдирган бўлса, бу унинг учун ҳусннинг ҳам, бойликнинг ҳам, ақл-идрокнинг ҳам ўрнини босаверар эди. Хулласи калом, бизнинг қаҳрамонимиз Луврда пайдо бўлиши биланоқ, унинг атрофида ивир-шивир гаплар бошланди: «Ана кенжа Мержи! Коменжни ўлдирган — шу», «Вой, мунча ёш экан!», «Бирам келишган эканки!», «Ҳусндан ҳам берган экан», «Бурама мўйлови заб ярашибдимиз?», «Унинг маъшуқаси ким экан, билмайсизми?»

Бернар эса хонимлар орасидан мовий кўзли қора қош де Тюржи хонимни топишга беҳуда уришарди. Кейин у ҳатто де Тюржининг уйига ҳам борди, аммо унга де Тюржи хоним Коменжнинг ўлиmidан кейин кўп ўтмай Париждан йигирма миляча масофада жойлашган мулкларидан бирига жўнаб кетганини айтишди. Бахил одамларнинг гап-сўзига қараганда, жазманлик даъвосида юрган одамнинг ўлиmidан кейин де Тюржи хоним холи қолишни истаб қолганмиш, азасини тинчроқ жойда тутмоқчи бўлганмиш.

Кунлардан бирида эрталаб капитан понуштани кутиб, диванда *Пантагрюэлининг мудҳиш ҳаётини* ўқиб ётар, Бернар эса сеньор Уберто Вишибеллодан гитара чалиш бўйича сабоқ оларди. Хизматкор келиб, Бернарга уни пастда шинам кийинган бир кампир кутаётганини, унинг қиёфаси сирли эканини, у Бернар билан гаплашмоқчи эканини айтди. Бернар шу ондаёқ пастга тушди. Келган на Марта, на Камилла эмас, аллақандай помаълум кампир эди. Бернар унинг қурушқоқ қўлларидан хушбўй ҳид анқиб турган мактубни олди. Мактуб зарҳал тасма билан боғланган бўлиб, яшил мумдан муҳр босилган, лекин муҳрда герб ўрнига бармоғини лабига қўйиб турган Амурнинг суратию кастильча ёзилган «Callad»<sup>25</sup> деган ундов бор эди. Бернар мактубни очди. Унда испанча ёзилган биргина мисра бор эди. *Esta noche una dama espera l V. M.*<sup>26</sup>

Бернар унинг маъносини зўрға тушунди.

— Мактуб кимдан?— деб сўради у кампирдан.

— Бир хонимдан.

— Номи нима?

— Билмадим. У менга, испанман, деди, холос.

— У мени қаердан танир экан?

Кампир елка қисди.

— Ўзингиздан кўринг: мардлигингиз ва хушмуомалангиз туфайли шунчалик шуҳрат орттиргансиз,— деди у истехзо билан.— Сиз менга жавобингизни айтинг: борасизми, йўқми?

— Қаёққа бориш керак?

— Бугун кечқурун саккиз яримда Герман Оксерский ибодатхонасининг чап томонига келинг.

— Демак, ўша хоним билан ибодатхонада учрашар эканман-да?

— Йўқ. Сизни кутиб олган одам ўша аёлнинг олдига олиб боради. Лекин, ҳеч кимга айтманг. Ёлғиз боринг.

— Яхши.

— Ваъда берасизми?

— Сўз бераман.

— Бўлмаса, хайр. Орқамдан борманг.

Кампир эгилиб таъзим қилди ва хиёл ўтмай чиқиб кетди.

— Бу кекса қўшмачининг сенда нима иши бор экан?— сўради капитан укаси қайтиб келгани ҳамон. Музика муаллими кетиб бўлган эди.



— Ҳеч, шундоқ,— деб ясама лоқайдлик билан жавоб берди Бернар. У ҳаддан зиёд диққат-эътибор билан мадоннанинг суратини томоша қиларди.

— Қўйсанг-чи! Сенинг мендан яширадиган сириг бўлмаслиги керак. Балки учрашувингга кузатиб қўярман, кўчада пойлаб турарман, рашкчи эри келиб қолса, таъзириши берарман?

— Айтдим-ку, ҳеч гап йўқ, деб.

— Ўзинг биласан. Сир тутсанг, тутавер. Лекин, мен аминманки, менинг билгим келаётган бўлса, сенинг ҳам ёрилиб, дардингни айтгинг келяпти.

Бернар паришонхотирлик билан гитара торларини чертди.

— Айтганча, Жорж, мен бугун Водрейлникидаги оқшомги зиёфатга бормаيمان.

— Ҳа-а, демак, учрашув бугун оқшомда экан-да! Кетворганми? Сарой хонимими? Шаҳар аҳлиданми?

— Ростини айтсам, билмайман. Менга таништиришмоқчи бўлишган аёл... бу ерлик эмас. Кимлигини билмайман.

— Лоақал у билан қаерда учрашишинг кераклигини биларсан?

Бернар мактубни кўрсатди ва кампирдан эшитган гапларини айтиб берди.

— Езувини ўзгартирибди,— деди капитан.— Бундай эҳтиёткорликни нимага йўйишга ҳам ҳайронман.

— Балки зодагон аёлдир, Жорж.

— Ҳозирги йигитларга ҳайронман-да! Жиндай баҳона бўлса, бас, дарров аравани қуруқ олиб қочишади. Уларнинг назарида, энг олий мартабали аёллар уларга муштоқ.

— Мана, мактубни ўзинг ҳидлаб кўр.

— Нима бўпти? Бу ҳеч нарсани исбот қилмайди.

Тўсатдан капитаннинг чеҳраси тундлашди — унинг хаёлига хавотирли фикр келди.

— Коменжлар кек сақлайдиган одамлар,— деди у.— Борди-ю, улар ана шу мактуб билан сени хилват жойга бошлаётган бўлса, Коменжни ўлдирганинг учун сендан қасд олишмоқчи бўлса, нима бўлади?

— Йўғ-е, унчалик бўлмас.

— Ахир, муҳаббат воситасида ўч олишлар кам бўлганми! Сен Инжилни ўқигансан. Далила Самсонга қандай хиёнат қилганини эсла.

— Мактубни жозибадор аёл ёзган бўлса керак. Бунинг устига яна испан аёли-я! Бўлмағур тахмин туфай-

ли шундай учрашувдан воз кечсам, ўтакетган қўрқоқлик бўлмайдими?

— Ҳар ҳолда, учрашувга қуролсиз борма. Хизматкорларимдан иккитасини бирга олиб олсанг ёмон бўлмасди.

— Шуниси қолувди! Ишқий саргузаштларимга бутун шаҳарни гувоҳ қилар эканман-да?

— Ҳозир шунақа расм. Қадрдон дўстим д'Арделе маъшуқасиникига совут кийиб, белбоғига иккита тўппонча қистириб борганини ўзим неча марта кўрганман... Унинг ортидан эса отрядидан тўртта солдат эргашиб боради. Ҳар бирининг қўлида ўқланган аркебуза. Сен ҳали Парижни билмайсан, ука. Ортиқча эҳтиёткорлик зарар қилмайди, ишонавер. Совут халақит берхб қолса, уни доим ечиб қўйса бўлаверади.

— Мен хавотир бўлаётганим йўқ. Коменжнинг қариндошлари кўнгилларида менга кек сақлаб юришган бўлса, кечаси тунда йўлимни тўсишса ҳам бўларди.

— Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам, тўппончани олиб олмасанг, сенга рухсат бермайман.

— Майли, олсам-олавераман. Лекин кулгига қоламан.

— Ҳали шошма. Қиладиган иш бор. Оқшомда Мержилар оиласининг шаънига доғ туширмаслик учун ҳозир тўйиб овқатланиб олишинг керак. Бир жуфт каклик билан хўроз тожи солинган пирог еб оласан.

Бернар ўз хонасига кириб кетди. У ерда кам деганда тўрт соат ўтириб, сочини таради, жингалак қилди, атир сепди ва дилида латофатли нотаниш нозанинга айтадиган гапларини пишитди.

Мержи учрашувга кечикмай вақтида борганини китобхон ўзи фаҳмласа керак, албатта. У ибодатхонага кириб ярим соатча айланиб юрди. Шамларни, устуларни, тақводорлар келтиришган садақаларни уч марта санаб чиқди. Шундан кейин қўққисдан жигар ранг плашга бурканган аллақандай кампир унинг қўлидан тутди-да, индамай кўчага олиб чиқди. Бир неча марта у кўчадан бу кўчага бурилишди. Кампир шунда ҳам миқ этиб огиз очмади. Ниҳоят, у Бернарни биринчи қарашда одам турмайдигандай кўринган тор кўчага бошлаб келди. Тор кўчанинг охирига келишганида, кампир пастаккина эшик олдида тўхтаб, киссасидан калит чиқариб, очди. Аввал ўзи кирди, кетидан Мержи кирди. У қоронғида кампирнинг плашидан ушлаб олган эди. Ичкарига қадам қўйиши билан орқасида эшик шақирлаб тамбаланганини

эшитди. Кампир шивирлаб, олдинда зина борлигидан огоҳ қилди ва йигирма еттига пиллапояни босиб чиқиши кераклигини айтди. Зина тор, пиллапоялари потекис, бузуқ эди. Бернар бир печа бор уларни тарақлатиб юборишига сал қолди. Ниҳоят, йигирма етти поғона кўтарилиб, чоғроқ майдончага чиққанларидан кейин кампир эшикни очди — Мержи бирдан кўзига урган чироқ шуъласида бир лаҳза ҳеч нарсани кўролмади қолди. У хонага кириб, ундаги жиҳоз-анжомларнинг гўзаллигига танг қолди. Уйнинг ташқи кўринишидан, ичи шундай гўзал бўлади, деб кутмаган эди.

Хонанинг деворларига ипак матолар қопланган бўлиб, уларнинг баъзи жойлари тўзган бўлса-да, ҳали тоза эди. Хона ўртасида стол турар, унинг устида иккита пушти ранг шам липилларди. Чиройли вазаларда ҳар хил мевалар ва қанд-қурслар уюб қўйилган. Биллур қадаҳлар ва кўзачалар шам ёғдусида жимирилди. Кўзачаларга ҳар хил нав винолар тўлатиб қўйилган. Стол ёнида иккита ўриндиқ, афтидан, меҳмонга атаб қўйилган. Уйнинг тўрида ярмини шоҳи парда тўсиб турган каравот. У қизил ёғочдан ишланган бўлиб, жимжимадор нақшлар билан безатилган эди.

Кампир бошидан капюшонни олди. Бернар плашини ечди. Шундагина Бернар мактуб олиб келган кампирни таниди.

— Вой шўрим!— деб хитоб қилди кампир тўппонча билан қилични кўриб.— Нима бало, паҳлавонлар билан олишмоқ ниятидамисиз? Қизиқ бўлибди-ку! Мабодо бу ерда зарба ишлатиш даркор бўлса, тагин қилични ишлатиб ўтирманг.

— Гапингиз рост, лекин хонимнинг ака-укаларими ёхуд дарғазаб бўлган отасими суҳбатимизга халақит бериб қолишлари мумкин. Унда тўппонча ўқининг дуди билан уларнинг кўзига тўсиқ қўйишга тўғри келади.

— Бундан қўрқманг. Ундан кўра бу хона маъқул бўлдимми-йўқми, шунга айтинг.

— Хона бениҳоя шинам экан, тан бераман. Лекин бу ерда ёлғиз ўзим зерикиб қоламан.

— Келиб сиз билан улфатчилик қиладиган одам топилар. Лекин аввал менга бир нарсани ваъда қилинг.

— Нимани?

— Агар католик бўлсангиз, қўлингизни салб устидан узатинг (кампир жавондан салб олди). Агар гугенот бўлсангиз, Кальвинми... Лютерми... ё бошқа азиз-авлиёларингиз номига қасам ичинг.

— Нима деб қасам ичай?— деб унинг гапини бўлди  
Бернар жилмайиб.

— Бу ерга келиши керак бўлган хопимнинг ким  
эканини билишга ҳаракат қилмайсиз.

— Шарти осон эмас-ку?

— Ўзингиз биласиз. Қасам ичинг! Бўлмаса, сизни  
қайтиб кўчага чиқариб қўяман.

— Майли, сўз бераман. Бу ваъдам мендан талаб  
қилаётган бемаъни қасамларингиздан инобатлироқ.

— Хайр, майли. Бир оз сабр қилинг. Истасангиз, еб-  
ичиб ўтиринг. Кўп ўтмай, испан хонимни кўрасиз.

Кампир капюшонини бошига илди-да, калитни икки  
марта бураб, эшикни қулфлаб, чиқиб кетди.

Мержи ўриндиққа ташланди. Унинг юраги гупиллаб  
урарди. Бундан бир неча кун муқаддам Пре-о-Клерда  
рақиби билан олишаётганда бўлганидек, қаттиқ ҳаяжон-  
га тушганди.

Уй оғир сукунатга чўмган, Бернар машаққат билан  
бир амаллаб чорак соатни ўтказди. Бу муддат ичида  
унинг хаёлига нималар келмади — гоҳ Венера девордаги  
суратдан чиқиб келиб, унинг қучоғига ташланди, гоҳ ов  
кийимида графиня де Тюржи пайдо бўлди, гоҳ қотиллар  
тўдаси бостириб келди ва ниҳоят, унга ошиғу беқарор  
бўлиб қолган кампир бўйнига осилди. Буниси ҳаммаси-  
дан ҳам ўтиб тушди.

Ҳамма ёқ осойишта, сокин эди. Ҳеч нарса биров  
келаётганидан дарак бераётгани йўқ. Тўсатдан эшикнинг  
қулфида калит айланди, эшик очилди-ю, бир зумда ўз-  
ўзидан қайтиб ёпилгандай бўлди. Хонага ниқоб тутган  
аёл кириб келди.

Унинг қомати баланд, жуссаси келишган эди. Бели  
ингичка, кўйлаги қадди-қомати расолигини янада таъ-  
кидлаб турарди. Аммо оппоқ барқут бошмоқ кийган но-  
зик оёқларидан ҳам, гулдор қўлқоп кийиб олган кичкина  
қўлларидан ҳам нотаниш аёлнинг ёшини аниқ белгилаб  
олиш қийин эди. Фақат аллақандай ноаниқ белгиларга  
қараб, қандайдир сеҳрли бир куч, борингки, тақдирнинг  
имоси туфайли унинг ёши йигирма бешдан ошиқ эмас-  
лигини тахмин қилиш мумкин эди. Устидаги либоси ба-  
шанг, бежирим ва айни чоқда, содда эди.

Мержи сапчиб ўрнидан турди-да, унинг қаршисида  
бир тиззасини букиб таъзим қилди. Аёл унга томон қа-  
дам қўйди-да, мулоимгина қилиб гапирди:

— *Dias os guarde, caballero, Sea V. M. el bienvenido.*<sup>27</sup>

Мержи унга ҳайрат билан тикилди.

—Habla V. M. español?<sup>28</sup>

Испанча гапириш бир ёқда турсин, Мержи уни жу-  
да ёмон тушунарди.

Аёл, афтидан, раижиди. У Мержи қўйиб берган ўриндиққа ўтирди ва ишора билан уни ҳам қаршисига ўтиришга таклиф қилди. Сўнгра у француз тилида гапира бошлади. Лекин оҳангидан бу тил унга бегоналиги сезилиб турарди. Аммо баъзан бу оҳанг бутунлай йўқолиб кетар ва унда алланечук зўракилик борлиги сезилиб турарди.

— Муҳтарам афандим! Сизнинг жасурлигингиз мени бизнинг жинсимизга хос бўлган эҳтиёткорликни унутти-  
га мажбур қилди. Мен сиздай бекаму кўст йигитни кўр-  
гим келди. Мана, одамлар оғзида дoston бўлган йигитни кўриб турибман.

Мержи қизариб, аёлга таъзим қилди.

— Наҳотки, сиз шу қадар бағритош бўлсангиз, хоним? Ниқобингизни олиб қўйсангиз бўларди. У, ҳасад-  
гўй булутдай, мендан қуёш нурини тўсиб турибди. (Бу жумлани у испан тилидан таржима қилинган аллақандай китобдан ўқиб олган эди.)

— Муҳтарам афандим! Агар феъли атворингиз менга маъқул тушса, сиз юзимни ҳали кўп кўрасиз. Аммо бугунчалик шунчаки суҳбатимиздан кифояланасиз.

— Оҳ, хоним, сиз билан суҳбатлашиш чинакам ҳузур бағишлайди, бироқ бу менинг қалбимда сизни кўриш иштиёқини аланга олдирмоқда.

Бернар унинг қаршисига тиз чўкиб, ниқобини олмақчидай бир ҳаракат қилди.

— Росо а росо,<sup>29</sup> француз афандим, сиз ҳаддан зиёд шаддод экансиз. Ўтиринг, бўлмаса, мен чиқиб кетаман. Агар сиз менинг кимлигимни ва сизни учрашувга чақириб, ўзимни қандай хатарга қўйганимни билсангиз, бу ерга келиб, сизга муруват кўрсатганимнинг ўзи билан кифоялашиб қўя қолардингиз.

— Ростини айтсам, овозингиз менга таниш.

— Лекин, шундоқ бўлса-да, овозимни биринчи марта эшитиб турибсиз. Айтинг-чи, бир аёл сизни севиб қолса, сиз уни вафодорлик билан яхши кўришга қобилмисиз?

— Сизнинг шу ерда, ёнимда эканингизнинг ўзиёқ...

— Сиз мени ҳеч қачон кўрмагансиз, бинобарин, мени яхши кўришингиз ҳам мумкин эмас. Қайёқдан биласиз, мен чиройлиманми ёхуд хунукманми?

— Аминманки, бениҳоя гўзалсиз.

Мержи нотаниш аёлнинг қўлини ушлаб олди, аёл

қўлини тортиб олди-да, ниқобини ечмоқчи бўлгандай, уни ниқобига олиб борди.

— Ҳозир хунук, бадбашара эллик яшар аёлни кўрсангиз нима бўларди?

— Бундай бўлиши мумкин эмас.

— Эллик ёшда ҳам севиб қолишлари мумкин.

У хўрсинди, йигит сесканиб кетди.

— Қадди-қоматингизнинг расолиги, мендан олиб қочишга бекор уринаётган қўлингиз — ҳаммаси айтиб турбдики, сиз ёшсиз.

Бу сўзларни у астойдил ишонч билан эмас, шунчаки хушмуомалалик юзасидан айтди.

— Афсус!

Бернар ташвишланиб, бесарапжом бўла бошлади.

— Сиз эркакларга муҳаббатнинг ўзи кифоя эмас. Сизга яна ҳусн ҳам керак.

У яна хўрсинди.

— Ўтириб сўрайман, ниқобингизни ечиб қўйишимга изн беринг.

— Йўқ, йўқ!

У тез ҳаракат билан Бернарни силтаб ташлади.

— Менга берган ваъдангиз эсингиздан чиқмасин.

Шундан кейин у мулоимроқ гапирди.

— Сизни ёнимда кўриш менга ёқади, борди-ю, мен ёши ўтган ва хунук бўлиб чиқсам ёки сизнинг кўзингизга шундай кўринсам, сиз мени ташлаб кетиб қолишингиз мумкин.

— Жилла бўлмаса менга қўлингизни кўрсатинг.

У атир ҳиди анқиб турган қўлқопини очиб, момик, оппоқ қордай қўлини Бернарга узатди.

— Қўлингизни танидим!— деб хитоб қилди у.— Бутун Парижни ахтариб, бунақа гўзал қўлни тополмайсан.

— Шунақамв? Қани, кимнинг қўли экан бу?

— Бир графиняники...

— Қайси графиняники?

— Графиня де Тюржиники.

— Ҳа-а... Кимни айтаётганингизни биламан. Тўғри, Тюржининг қўли чиройли, аммо у махсус тайёрланган бодом ёғини суради. Менинг қўлларим эса юмшоқроқ. Мен бундан фахрланаман.

Бу гапларнинг ҳаммасини у шу қадар табиий оҳангда айтдики, соҳибжамол графинянинг овозини танигандай бўлган Бернарнинг юрагида шубҳа уйғонди. Ҳозир энди у хато қилганини тан олгудай аҳволда эди.

«Биттасининг ўрнига иккита жазмап...— деб ўйлади у.— Ҳақиқатан, фаришталар менга мадад беряпти».

Мержи де Тюржи хонимнинг қўлида узук кўрган эди. Ҳозир нотаниш аёлнинг чиройли қўлидан шу узук изини ахтарди, аммо чиройли, момиқ бармоқларнинг биронтасидан ҳеч қандай из топа олмади.

— Тюржи!— деб хитоб қилди нотаниш аёл кулиб туриб.— Демак, сиз мени Тюржи деб билиясизми? Беҳад миннатдорман! Қуллуқ! Худога минг қатла шукурки, ундан дурустроқман.

— Тўғриси айтсам, мен билган аёллар ичида графиня энг гўзали.

— Нима бало, унга ошиқмисиз?— сергакланиб сўради нотаниш аёл.

— Бўлса бордир. Лекин сиздан ўтиниб сўрайман, ниқобингизни ечиб, менга графинядан чиройлироқ аёлни кўрсатинг.

— Сиз мени севишингизга ишончим комил бўлгандан кейингина... ҳа, фақат шундан кейингина сиз юзимни кўрасиз.

— Сизни севишим... Ахир, сизни кўрмасдан туриб, қандай севай?

— Қўлимни кўриб турибсиз — гўзал. Юзимни ҳам худди шундай гўзал деб тасаввур қилинг.

— Энди аниқ билдим — сиз соҳибжамолсиз. Овозингизни ўзгартириш эсингиздан чиқиб қолибди. Энди қўлга тушдингиз. Ўлай агар, овозингизни танидим.

— Шу овоз Тюржиникими?— деб сўради у кулиб кучли испанча оҳангда.

— Ҳа, албатта.

— Адашяпсиз, адашяпсиз, сеньор Бернардо! Менинг исмим донья Мария... Донья Мария де... Майли, фамилиямни кейин айтаман. Мен Барселонаданман. Отам мени жуда қаттиқ тутади, лекин ҳозир у саёҳат қилиб юрибди. Мен унинг йўқлигидан фойдаланиб, кўнглик хушлик қилиш, француз саройини кўриш учун бу ерга келдим. Тюржи масаласига келсак, сиздан илтимос, менинг олдимда унинг отини бошқа атаманг. Мен унинг номици хотиржам эшита олмайман. У сарой хонимлари ичида энг ярамаси. Айтгандай, унинг қандай қилиб бева қолганидан хабардормисиз?

— Қулоғимга чалингандай бўлувди.

— Қани, айтиб беринг. Нима деб эшитгандингиз?

— Эри ўз оташи билан хизматкор қизни ёндириб турганда тутиб олган эмишу, ханжарни олиб, эрини

боглаб туширган эмиш. Бир ой ўтгандан кейин шўрлик жон берибди.

— Унинг кирдикори сизга... мудҳиш кўриняптими?

— Очиғини айтсам, мен уни оқлайман. Айтишларича, у эриши севар экан. Мен эса рашкни ҳурмат қиламан.

— Сиз мени Тюржи деб ўйлаяпсиз, шунинг учун шунақа деяпсиз. Лекин мен аминманки, дил-дилингизда сиз ундан жирканасиз.

Унинг овози ғамгин ва маъюс бўлиб қолди, аммо бу Тюржининг овози эмас эди. Бернар нима деб ўйлашини билмай қолди.

— Буниси қандоқ бўлди?— деди у.— Сиз испан бўла туриб, рашкни ҳурмат қилмайсизми?

— Бу тўғридаги гапни бас қилайлик. Бўйингизда осилиб турган қора лента ниманики?

— Туморники.

— Мен сизни протестант деб ўйловдим.

— Ҳа, мен протестантман. Аммо туморни менга бир аёл берган. Ундан эсдалик деб тақиб юрибман.

— Менга қаранг: агар сиз менга манзур бўлмоқчи бўлсангиз, ҳар қанақа хонимларни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Сиз учун ҳар қандай аёлнинг ўрнини ўзим босмоқчиман. Туморни сизга ким берди? Яна ўша Тюржими?

— Чин сўзим, у эмас.

— Алдаяпсиз.

— Демак, сиз де Тюржи хонимсиз.

— Энди қўлга тушдингиз, сеньор Бернардо!

— Қандай қилиб?

— Тюржини кўрганимда, ундан сўрайман — даҳрийга муқаддас нарсани беришдай шаккокликка қандай журъат қилдйкин?

Мержи борган сари довдирамоқда эди.

— Шу тумор менга керак. Менга беринг!

— Йўқ, мен уни беролмайман.

— Мен беришингизни истайман. «Йўқ», дейишга тилингиз борадими?

— Мен уни қайтиб беришни ваъда қилганман.

— Ваъда нима деган нарса? Сохта аёлга берилган ваъданинг кучи бўлмайди. Ҳамма нарсадан эҳтиёт бўлинг — эҳтимол, бу хатарли тумордир. Сеҳр-жоду қилиб қўйилган бўлса, нима дейсиз? Тюржини кўнгли қора, жодугар дейишади.

— Мен сеҳр-жодуга ишонмайман.

— Жодугарларга-чи?



— *Сеҳргар аёлларга* жиндай ишонаман.— У «сеҳр-гар аёллар» деган сўзларни таъкидлаб айтди.

— Келинг, туморни менга бера қолинг. Ушанда, балки, ниқобимни ечарман.

— Нима десангиз деяверингу, лекин овозингиз гра-финя де Тюжиники.

— Сўнгги марта сўрайман: туморни берасизми, йўқми?

— Агар ниқобингизни ечсангиз, уни сизга *қайтариб беришим* мумкин.

— «Тюржи, Тюржи», дейишингиз жонимга тегиб кетди. Севсангиз севаверинг уни, менга нима!

Нотаниш аёл ўзини хафа бўлганга солиб, Бернардан сурилиб ўтирди. Кўкрагини тортиб турган атлас кўтарилиб, тушиб турарди.

Бир неча минут аёл индамай ўтирди, сўнг кескин ҳаракат билан Бернарга ўгирилди-да, истехзо билан гапирди:

— *Valame Dios! V. M. no es caballero, es un monje.*<sup>30</sup>

Аёл мушти билан уриб, стол устида ёниб турган иккита шамни қулатди, шиша ва лаганларнинг ярмини агдарди. Хонага бир зумда қоронғилик чўқди. Шу лаҳзада у бир силкиб, ниқобини ечиб ташлади. Зим-зиё қоронғилик ичида Мержи бировнинг қайноқ лаблари унинг лабларини излаётганини, биров уни маҳкам қучиб олганини ҳис қилди.

### *Ун бешинчи боб*

## ҚОРОНҒИДА

*Тунда ҳамма мушуклар қора кўринади.*

Яқин орадаги черковда соат тўртга занг урди.

— Вой шўрим! Соат тўрт бўлибди! Тонг отмасдан уйга қайтишга улгурармиканман?

— Вой топбағир-ей! Мени ташлаб кетмоқчимисиз?

— Кетишим керак. Тезда учрашамиз.

— Учрашамиз! Қимматли графиня! Ахир, мен сизни кўролганим йўқ!

— Вой, ҳали ҳам гўдак экансиз-ку! Қўйинг графинянгизни! Мен донья Марияман. Кун ёришса, мен сиз ўйлаётган одам эмаслигимга ўзингиз амин бўласиз.

— Эшик қаерда? Мен ҳозир чақираман...

— Ҳеч кимни чақириб керак эмас. Мени қўйиб юборинг, Бернардо. Мен бу хонани биламан, ҳозир чақмоқ-тошни топаман.

— Эҳтиёт бўлинг. Синган шипани босиб олманг. Кеча ҳамма нарсани кунчаякун қилгансиз.

— Қўйворинг!

— Топдингизми?

— Вой, бу менинг корсетим-ку! Эй худойим-ей! Энди нима қилдим? Ҳамма тасмаларини ханжарингиз билан кесиб ташлаган эканман.

— Кампирдан сўраб кўриш керак.

— Ёта беринг, мен ўзим. *Adiòs, querido Bernardo!*\*

Эшик очилиб, шу заҳотиёқ яна ёпилди. Эшик ортидан қувноқ кулги овози эшитилди. Мержи ўлжа қўлдан чиққанини тушунди. У унинг ортидан қувмоқчи бўлганди, қоронғида ўриндиққа туртиниб кетди, оёғига кўйлакми, пардами илашди, хуллас, эшикни тополмади. Тўсатдан эшик очилиб, қўлида тош фонарь билан кимдир кирди. Мержи узоқ ўйлаб ўтирмай, кирган аёлни маҳкам қучоқлаб олди.

— Қалайсиз энди? Қўлга тушдингизми? Энди сизни қўлдан чиқариб бўлибман!— деб хитоб қилди у ва мулоҳимгина бўса олди.

— Қўйинг-е, жаноб Мержи,— деди аллаким дағал овозда.— Одамни бўғиб қўясиз-ку!

Мержи кампирнинг овозини таниди.

— Э, жин урсин сизни!— қичқирди у. Мержи индамай кийинди, қуроли билан плашини олди-да, уйдан чиқиб кетди. Унинг кайфияти ғалати эди, гўё жуда ажойиб май ичгану, кейин хизматкорнинг айби билан бир замонлар қазноқда қолиб кетган шипада сақланувчи қўланса доридан майга қўшиб ичиб юборгандай эди.

Уйда Бернар акасига ёрилиб гапирмади. «Қоронғида яхши ажрата олмадим, ҳар ҳолда бир соҳибжамол испан қизи экан»,— деб қўя қолди, аммо унинг кимлиги ҳақидаги шубҳалари тўғрисида ипдамади.

---

\* Хайр, қимматли Бернардо! (*Исп.*).

ЭЪТИПРОФ

А м ф т р п о в :

Алкмена, ўгинаман, оқила бўлгил,

Гаплашайлик икковимиз дахмазаларсиз.

Мольер. «Амфигрион»

Икки кунгача сохта испанкадап ҳеч қандай хабар бўлмади. Учинчи кун ака-укалар де Тюржи хопимнинг кеча Парижга қайтганини, бугун, албатта, қиरोличанинг ҳузурига таъзимга боражагини эшитишди. Улар шопаниша Луврга етиб боришди. Улар графиняни айвонда учратишди — у атрофини қуршаб олган хонимлар билан суҳбатлашиб турарди. Бернарни кўрганда у заррача ҳам хижолат бўлмади. Ҳатто ҳар доимгидек оппоқ юзига жиндай қизил ҳам югурмади. Уни кўриб, графиня эски танишидай бош ирғаб кўришди, кейин қулоғига эгилиб, шивирлади:

— Энди эътиқодингизга путур етгандир, дейман? Сизни диндан чиқарадиган мўъжиза рўй берди!

— Масалан?

— Ахир, туморнинг сеҳрини ўзингизда синаб кўрмадингизми?

Бернар ишончсизлик билан жилмайди.

— Менга тумор тақдим этган позик қўллар ҳақидаги хотира ва шу қўллар қалбимда уйғотган муҳаббат кучимга куч қўшди, мени янада абжир қилди.

Графиня қулиб юборди ва бармоғи билан унга таҳдид қилди:

— Ҳаддингиздан ошяпсиз, жаноб корнет? Мен билан шу тарзда гаплашиб бўлар эканми?

У қўлқонини ечиб, сочларини тўғрилади. Бу орада Бернар кўзларини унинг қўлига тикди, кейин жозибадор графинянинг жаҳл билан боқиб турган тийрак кўзларига қаради. Йигитнинг лол бўлиб туришини кўриб, графиня қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Нега куласиз?

— Нега менга бунчалик таажжуб билан тикилиб қолдингиз?

— Мени афв этасизу, лекин мен сўнгги кунларда жуда кўп лол қоляпман.

— Шунақа денг! Ғалати! Қани, бўлмаса, ҳар қа-

дамда сизни лол қолдираётган қизиқ воқеалардан биронтасини айтиб беринг.

— *Ҳозир* бу ерда мен сизга улар тўғрисида гапириб ўтирмайман. Бундан ташқари, мен уч кун муқаддам ўргатишган испанча шиорни эслаб қолганман.

— Қанақа шиор?

— Бу шиор биргина сўздан иборат: *Callad!*

— Хўш, бу шиорнинг маъноси нима экан?

— Ие! Ҳали сиз испан тилини билмайсизми?— унга тикилиб туриб сўради Бернар.

Аmmo графиня синовга дош берди, у ўзини Бернарнинг сўзларидаги яширип маънони тушунмаганга солди. Тўғри, унинг кўзларига тикилиб турган йигит пировардида графинянинг нигоҳига чидолмай кўзини олиб қочишга мажбур бўлди.

— Болалигимда бир неча испан сўзини билардим, ҳозир эсимдан чиқиб кетган,— деб жавоб берди графиня ўта хотиржам оҳангда.— Шунинг учун гапингизни тушунишимни истасангиз, мен билан французча гаплашинг. Қани, хўш, ўша шиорнинг маъноси нима экан?

— Маъносими? Тилингни тийиб юр, дегани экан.

— Қошқи эди саройдаги йигитларимиз шу шиорга амал қилишса. Амал қилганда ҳам шунчаки оғизда эмас, балки чинакамига амал қилишса. Лекин сиз билимдон одам экансиз-ку, жаноб де Мержи! Испан тилини кимдан ўргангансиз? Албатта, бирор хонимдан бўлса керак?

Мержи унга позик бир табассум билан қаради.

— Мен испанча атиги бир неча сўзни биламан,— деди у секин,— мечинг хотирамда улар муҳаббат туфайли ўрнашиб қолди.

— Муҳаббат?— деб истеҳзо билан сўради графиня.

У балад овозда гапирарди. «Муҳаббат» сўзини эшитиб, бир неча хоним савол назари билан улар томонга қаради. Унинг истеҳзоси Мержига оғирроқ ботди. Бундай муомала унинг иззат-нафсига тегарди; у чўнтагидан яқинда олган испанча мактубни чиқариб, графиняга узатди.

— Мен аминманки, сиз ҳам билимдонликда мендан қолишмайсиз,— деди у,— бунақа испан тилини тушуниш сизга мушкул бўлмас.

Диана де Тюржи мактубни юлқиб олди-да, ўқиб чиқди ёхуд ўқигандай бўлди ва қаҳ-қаҳ уриб кулиб, уни ёнидаги хонимга узатди.

— Мана, де Шатовье хоним, бу ишқий мактубни ўқинг. Жаноб де Мержи уни маъшуқасидан яқинда ол-

ган экан. Унинг сўзига қараганда, мактубни менга совға қилмоқчига ўхшайди. Энг қизиғи шундаки, мен бу ёзувни танийман.

— Бунга заррача шубҳам йўқ,— деди истехзо билан Мержи, лекин овозини баланд кўтармади.

Де Шатовье хоним мактубни ўқиб кулди-да, йигитлардан бирига узатди, у бошқасига берди. Шундай қилиб, бир лаҳзада айвонда Мержигга аллақандай испан аёли ошиқу беқарор эканидан беҳабар бирон кимса қолмади.

Қаҳқаҳалар бир оз пасайгач, графиня Мержидан масхараомуз оҳангда: «Сизга мактуб йўллагап хоним соҳибжамол эканми?»— деб сўради.

— Ростини айтсам, хоним, у сиздан қолишмайди.

— Вой худойим! Нималар деяпсиз? Сиз уни кечаси кўрган бўлсангиз керак? Мен уни жуда яхши танийман... Жуда соз, сизни табрикласак бўлар экан.

Шундай деб у янада баландроқ овозда кулди.

— Жонгинам!— деб унга мурожаат қилди Шатовье.— Жаноб де Мержининг кўнглини олишга муваффақ бўлган бахтиёр испан аёли ким экан?

— Мен унинг помини айтаман, лекин аввал жаноб де Мержи шу хонимлар ҳузурида айтсин — у ўз маъшуқасини кундуз кунни кўрганми, йўқми?

Мержининг аҳволини кўриб, кулмаслик мумкин эмас эди: у ўзини жуда ўнғайсиз ҳис қилар, чехрасида гоҳ саросималик, гоҳ таассуф ифодаси пайдо бўларди. У индамади.

— Хайр майли. Сиру асрорлар етар!— деди графиня.— Бу мактубни сеньора донья Мария Родригес ёзган. Мен унинг дастхатини яхши танийман.

— Мария Родригес!— деб нидо қилинди хонимлар ва яна бараварига қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди.

Мария Родригес элликдан ошиб қолган аёл эди. Мадридда у дуэнья бўлган эди. Уни Францияга қайси шамоллар учуриб келгану, қайси хизматлари учун Маргарита Валуа уни саройга олган — бу ҳаммага жумбоқ эди. Балки Маргарита алвастига ўхшаш бу аёлни ёнида атайин сақлар — у билан таққослаганда Маргаританинг ҳусни жамоли ортиқроқ кўриниши мумкин. Ахир, рассомлар ҳам соҳибжамолларни бадбашара паканалар билан бирга тасвирлашади-ку! Луврда Родригес такаббуруна қиёфаси ва расмдан қолган либоси билан ҳамма аёлларнинг кулгисини қистатиб юрарди.

Мержи ичида қўрқиб кетди. У дуэньяни кўрганди. Ҳозир виқобли аёл ўзини донья Мария деб атаганини

эслаб, даҳшатга тушди. Унинг кўз ўпги қоронғилашиб кетди. У бутунлай саросимага тушиб қолди. Атрофида эса қаҳқаҳа кучайгандан-кучаярди.

— У камсуқум аёл,— давом этди графиня де Тюржи.— Ундан яхшисини тополмас ҳам эдингиз. У тиш қўйиб, қора нарик кийиб олса борми? Ана унда кўрасиз? Ёши ҳам кўн улур эмас, ҳали олтминдан олмаган.

— У жоду ишлатган!— хитоб қилди Шатовье.

— Ундай бўлса, сиз кўҳна нарсаларнинг шайдоси экансиз-да?— деб сўради яна бир хоним.

— Эркакларга ачинаман.— деди хўрсиниб қироличанинг капизаги.— Девона кўйинга тез-тез тушиб туришди.

Бернар кучи етганча ўзини ҳимоя қилди. Унинг устига ҳақоратомуз табриклар дўлдай ёғилди, у жуда ноқулай аҳволда қолди. Аммо шу пайт тўсатдан айвоннинг нариги четида қирол пайдо бўлди — кулги, ҳазиллар бир зумда тинди. Ҳамма унга йўл беришга ошиқди, ғалаговур ўрнига сукунат чўкди.

Қирол ўз хонасида адмирал билан узоқ суҳбатлашди, энди эса дўстларча елкасига қўл ташлаб, Колинъини кузатмоқда эди. Адмиралнинг оппоқ соқоли ва қоп-қора либоси қаршисига Карлнинг навқироп чехраси ва безакдор башанг либоси якқол ажралиб турарди. Уларга қараб, навқироп қирол подшоларда камдан-кам учрайдиган топқирлик билан ўз фуқароси орасидаги энг фозил ва энг доно қарияни маслаҳатгўй қилиб таппаб олибди, деб ўйлаш мумкин эди.

Улар айвондан ўтиб борар эканлар, ҳамманинг нигоҳи уларга қадалиб турди. Шу пайт Мержи кўққисдан қулониинг ёнгинасида графинянинг шивирини эшитиб қолди:

— Бас қилинг аразни! Мана, олинг! Лекин, тапқари-га чиққанда ўқийсиз.

У шлянасини ушлаб турган эди, шу чоқ шляна ичига бир нарса тунди. Бу муҳрланган бир варақ қоғоз бўлиб, ичига аллақандай қаттиқ буюм ўралган эди. Мержи уни олиб чўнтагига солиб қўйди, чорак соат ўтгандан кейин, Луврдан чиқиб очди, қоғоз — мактуб, ичидаги нарса калит экан.

«Боғимнинг эшиги шу калит билан очилади. Бугун кечқурун соат ўнда. Мен сизни севаман. Ниқобимни энди тутмайман. Сиз ниҳоят кўрасиз донья Марияни ва

*Дианани».*

Қирол адмирални айвоннинг четигача кузатиб қўйди.

— Хайр, отахон,— деб адмиралнинг қўлини қисди.— Сизни яхши кўришим ўзингизга маълум. Мен ҳам билманки сиз ҳам жону танингиз, бутун ичак-човоғингиз билан меникисиз.

Бу сўзларни айтиб, қирол бутун айвонни бошига жўтарадиган даражада қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Қирол ўз хонасига қайтаётиб, капитан Жоржнинг ёнидан ўтаётганида, тўхтаб, унга гапирди:

— Эртага ибодатдан кейин менинг ҳузуримга киринг.

Қирол қўққисдан ўгирилиб, ҳозиргина Коллинъи чиқиб кетган эшикка хавотирланиб қараб қўйди, сўнг ўз хонасига кирди-да, маршал Ретц билан холи қолди.

*Ун еттинчи боб*

## АУДНЕНЦИЯ

Macbeth:

*Do you find*

Your patience so predominant in your nature,

That you can let this do?

Shakespeare\*

Капитан Жорж белгиланган соатда Луврга етиб келди. Унинг келганини хабар қилишлари биланоқ эшик оғаси гилам дарпардани кўтариб, уни қиролнинг хонасига олиб кирди. Давлатпаноҳ мўъжазгина стол ортида ўтириб, нималарнидир ёзмоқда эди. Қирол фикридан чалғимаслик учун капитанга, «кутиб туринг», деган маънода ишора қилди. Капитан столдан олти қадам нарида эҳтиромли қиёфада туриб қолди ва қиладиган иши бўлмагандан хонани кўздан кечириб, жиҳозларини томонга қила бошлади.

Хонанинг жиҳозлари анча содда эди; унинг деворларига ҳар хил овчилик буюмлари бетартиб илиб қўйилган.

---

\* Макбет

Ёхуд сизда қаноат мўлми?

Таҳқирларга чидайсиз мудом?

Шекспир (ингл.)

Узун аркебуза билан овчилар бурғуси орасида Биби Марямнинг тасвири туширилган яхшигина сурат илинган. Сурат тепасида деворга каттагина шамшод новдаси ўрнатилган. Давлатпаноҳ хат ёзаётган столнинг устида қоғоз ва китоблар уйилиб ётарди. Ерда тасбеҳ, ибодатнома, қуш тутишга тузоқ, лочиннинг бўйнига осадиган қўнғироқча ётибди — уларнинг ҳаммаси бир уюм қилиб қўйилган. Шу ернинг ўзида ёстиқ устида баҳайбат този ит мудрамоқда.

Тўсатдан қирол даргазаб бўлиб қўлидаги қаламни ерга улоқтирди-да, бейбо сўзлар билан сўкинди. Бошини қуйи солиб, нотекис қадамлар билан хонани бир неча бор айланаб чиқди-да, кейин қўққисдан капитаннинг олдида тўхтаб, уни ҳозир кўриб қолгандай, хавотир билан тикилди.

— Э, сизмисиз!— деб хитоб қилди у бир оз ортига тисланиб.

Капитан ергача эгилиб, таъзим қилди.

— Сизни кўришдан гоят мамнунман. Сиз билан гаплашадиган гапим бор эди... Лекин...

Қирол дудмалланди.

Жумланинг охирини кутиб, Жорж оғзи очилганча, бўйини чўзиб, чап оёғини бир оз олдинга чиқариб турарди. Хуллас, рассом «интизорлик» деган мавзуда сурат ишлайман деса, менимча, капитаннинг ҳозирги ҳолатидан маъқулроқ ҳолат тополмас эди. Лекин қирол яна бошини қуйи солиб олди — энди унинг фикрлари ҳозир айтгандай туюларди.

Сукунат бир неча минут давом этди. Қирол ўтирди ва ҳорғин ҳаракат билан пешанасини пайшаслади.

— Жин ургур қофия-ей!— хитоб қилди у депсиниб. Этигида доим тақиб юрадиган шпорҳари жиринглаб кетди. Този уйғонди ва «хўжайиним чақирявти», деб гумон қилиб, сапчиб ўрнидан турди, ўриндиқ ёнига бориб, олдинги оёқларини қиролнинг тиззасига қўйди, чўзинчоқ тумшугини чунонам кўтардики, Карлнинг боши пастда қолиб кетди, кейин ҳеч қанақа такаллуфсиз жағини катта очиб, эснади — ит — ит-да, уни тавозе ва такаллуфга ўргатиб бўлмайди.

Қирол итни ҳайдади — у бир хўрсиниб, жойига қайтиб борди.

Қирол яна тасодифан кўриб қолгандай, капитанга кўз ташлаб, гапирди:

— Кечирасиз, Жорж! Бу ж... қофия<sup>31</sup>, деб она сутим оғзимга келди.



— Халақит беряпманми, ҳазрати олийлари?— сўради капитан таъзим билан.

— Йўқ, йўқ,— жавоб қилди қирол.

У ўрнидан туриб, алоҳида бир илтифот белгиси ўлароқ, капитаннинг елкасига қўлини қўяр экан, жилмайди, лекин у фақат лаблари билангина жилмайди, унинг маъносиз кўзлари жилмайишда мутлақо иштирок этгани йўқ.

— Шикордан кейин дам олиб улгурмагандирсиз?— деб сўради у. Тўғридан-тўғри, гапнинг пўскалласини айтиб қўя қолиш унга бир оз ноқулай эди шекилли.— Қийинги тушмагур ҳаммамизни анча уринтирди.

— Давлатпаноҳ! Агар мен ўтган кунги шикордан толиқадиган бўлсам, ҳазрати олийларининг енгил суворилар отрядига қўмондонлик қилишга номуносиб одам бўлардим. Сўнгги урушларда отдан тушмаслигимни кўриб, жаноб Гиз менга «албан», деб лақаб қўйган эдилар.

— Ҳа, рост, сенинг моҳир чавапдозлигингни эшитувдим. Қани, айт-чи, аркебуза отишда ҳам чапдаст-мисан?

— Ҳа, давлатпаноҳ! Чакки эмасман, лекин, албатта, сизга етишимга йўл бўлсин. Бунақа маҳорат ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди.

— Менга қара, манави узуп аркебузани кўряпсанми? Уни ўн иккита сочма билан ўқла. Агар олтмиш қадам жойдан бирон даҳрийни мўлжалга олиб отсанг, биронта ўқи хато кетса, турган жойимда тил тортмай ўлай!

— Олтмиш қадам катта масофа, лекин унчалик эмас. Шундоқ бўлса ҳам ҳазрати олийлари, сиздек мерган билан мусобақаланишга журъат қилолмас эдим.

— Икки юз қадамдан отиб ҳам одамга теккизса бўлади, бироқ ўқ шунга яраша катталиқда бўлиши керак. Қирол аркебузани капитаннинг қўлига тутқазди.

— Чиройли ишланган экан. Мўлжали ҳам аниқ бўлса керак,— деди Жорж аркебузани синчиклаб кўриб.

— Кўриб турибман, азизим, қуролни яхши билар экансан. Қани, бир мўлжалга ол-чи! Қанақа бўларкин, кўрмоқчиман.

Капитан мўлжалга олди.

— Аркебуза яхши нарса-да!— деб оҳиста давом этди Карл.— Юз қадамдан туриб, бир бармоғингни боссанг бас, қарабсанки, душманингдан халос бўлибсан! Мерганнинг ўқиға қалқон ҳам, совут ҳам бардош бера олмайди.

Болалигидаёқ пайдо бўлган одатига кўра ми ёхуд тугма тортипчоқлигининг оқибатида ми Карл IX ҳеч қачон суҳбатдошининг кўзига тик қарамаслигини мен айтган эдим. Аммо бу гал у капитаниннг кўзларига тик қараб турар, юзидаги ифодаси ҳам галати эди. Жорж беихтиёр кўзини олиб қочди, қирол ҳам шу ошнинг ўзида кўзларини ерга қадади. Бир лаҳза жимлик чўкди. Бу жимликни биринчи бўлиб Жорж бузди.

— Моҳир мерган бўлиш яхши, албатта. Лекин, барибир, қилич билан пайзага етмайди...

— Бу ганиннг тўғри. Лекин аркебуза ҳам...— Қирол галати жилмайди ва тўсатдан сўраб қолди:— Адмирал сени қаттиқ хафа қилган, дейишадими, Жорж?

— Давлатпаноҳ...

— Бу менга аниқ маълум. Шундай бўлса ҳам, истардимки... Қани, ўзинг гапириб бер-чи!

— Мутлақо тўғри, давлатпаноҳ! Мен у билан бир машъум иш тўғрисида гаплашган эдим. Бу ишда ўзим ҳам иштирок этувдим.

— Укангнинг дуэли тўғрисидами? Ҳусни бор у ярамаднинг, ўзини ҳам ҳимоя қола олади: естаган одам билан тенгма-тенг олинади. Мен бунақа одамларни ҳурмат қиламан. Коменж олифта эди, такаббурлигига яраша жазосини олибди. Лекин ярамас соқолдор сени нега уришди? Сира ҳам бунинг тагига ета олмайман.

— Қўрқаманки, бунинг асосий сабаби диний эътиқодларимиздаги тафовут. Мениннг диндан чиққанам. Буни ҳамма аллақачон унутиб юборган бўлса керак, деб ўйлардим.

— Унутиб юборган?

— Сиз ҳазрати олийлари, диний пизоларни унутиб юборишда жуда яхши ўрнак кўрсатдингиз. Сизнинг ҳайрон қоладиган одиллигингиз...

— Сен шуни билиб қўйки, дўстим, адмирал ҳеч нарсани унутмайди.

— Мен буни сездим, давлатпаноҳ!

Жоржнинг чеҳраси яна тундланди.

— Хўш, энди нима қилмоқчисан, Жорж?

— Қим, менми, давлатпаноҳ?

— Ҳа. Яширмай, тўғрисини айт.

— Давлатпаноҳ! Мен бир бечора дворянман, адмирал — чол. Мен уни дуэлга чақира олмайман. Ундан ташқари, давлатпаноҳ, — деди у таъзим билан, — мен мабодо уни дуэлга чақирини пмкониға эга бўлганимда

ҳам, барибир, бу ишни қилмаган бўлардим: сизнинг га-  
забингизга дучор бўлишдан қўрқиб, ўзимни тўхтатиб  
қолардим.

Жоржнинг назарида шаддодлиги қиролга ёмон таъсир  
қилиши мумкин эди, шунинг учун сўнгги мулоҳим гапи  
билан бу таъсирни, жиндай бўлса-да, юмшатмоқчи эди.

— Қўй, ундай дема!— деб қирол Жоржнинг елкаси-  
га ўнг қўлини қўйди.

— Бахтимага,— деб савом этди капитан,— адмирал  
билан бўлган суҳбат шайнимга қаттиқ тегмади. Лекин,  
борди-ю, ўзимга тенг одамлардан биронтаси менинг по-  
мусимга шубҳа билдирадиган бўлса, мен ҳазрати олий-  
ларидан изи сўрардимки...

— Демак, сен адмиралдан қасос олиш ниятида эмас-  
сан, шундайми? Ҳолбуки, у куп сайин эмас, соат сайин  
ҳаддидан ошмоқда.

Ҳайратдан Жоржнинг кўзлари бақрайиб қолди.

— У сени ҳақорат қилибди, жин урсин, менга айтиш-  
ларича, қаттиқ ҳақорат қилганмиш!— давом этди қи-  
рол.— Дворянин — малай эмас, шундай қилиқлар борки,  
бунинг учун ҳатто давлатпаноҳни ҳам кечириб бўл-  
майди.

— Мен ундан қандай қилиб қасос оламан? Мен би-  
лан олишишни у ўзига эп кўрмайди-ку, ахир?

— Майли, шундай бўлсин. Лекин...

Қирол яна аркебузани қўлига олиб, мўлжалга тўгри-  
лади.

— Тушунянсанми?

Капитан тисарилди. Қиролнинг қилиғи етарли да-  
ражада маънодор эди, юзидаги ёвуз ифода эса бу қи-  
лиқнинг маъноси нима эканига заррача шубҳа қолдир-  
мас эди.

— Нечук, давлатпаноҳ! Сиз менга маслаҳат берасиз-  
ки...

Қирол бор кучи билан қўндоқни ерга урди-да,  
Жоржга газабнок назар билан боқиб, ўшқирди:

— Маслаҳат?.. Вой лаънати-ей! Ҳеч нарса деб мас-  
лаҳат бераётганим йўқ...

Капитан нима қилишини билмай қолди. Охири у  
шундай қилдики, унинг ўрнида бошқа одам бўлганида  
ҳам шундай қилган бўларди; у таъзим қилиб, кўзлари-  
ни олиб қочди.

Карл бир зумда оҳангини ўзгартирди:

— Бу мутлақо сенга, қасос оламан, деб унга ўқ  
узгин, деган маънони билдирмайди... Бу мен учун мутла-

қо фарқсиз. Отамнинг ичак-човоқлари ҳаққи қасам ичаманки, дворянин учун энг қимматбахо нарса, бу — унинг номуси. Номусига теккан доғни ювиб ташлаш учун у ҳеч нарсага писанд қилмаслиги керак. Ҳолбуки, Шатильонлар жаллоднинг шогирди каби такаббур ва сурбет. Биламан, бу аблаҳлар жон деб мени жаҳаннамга жўнатиб, ўрнини эгаллашга тайёр... Адмирални кўрсам, баъзан битталаб соқолини юлиб олгим келади.

Одатда камгап бўладиган одамнинг оғзидан вулқондай қайнаб чиқаётган бу гапларга капитан ҳеч нарса деб жавоб бермади.

— Қани, айт, сен нима қилмоқчисан? Менга қара: мен сенинг ўринида бўлсам, протестантлар йиғини тугаганда унинг чиқишини пойлаган бўлардим. Ана ўшанда деразадан туриб, орқасига ўқ узардим. Туф-ей, ярамас! Жияним Гиз сендан миннатдор бўларди. Сен бу ишинг билан менинг қироллигимда осойишталик ўрнашишига катта ёрдам берган бўлардинг. Ҳозир аҳвол шунақаки, Франция қироли гўё мен эмасу, ана шу даҳрий! Тушундишми? Бу — жонимга тегиб кетди... Мен сенга тўғриси айтяпман: уни дворянининг номусига тегишдан зада қилиш керак. У сенинг номусингни топтаган экан, сен унинг терисини шил. Олишнинг бериши бўлиши керак.

— Пистирмадан туриб одам ўлдириш дворянининг номусини кўтармайди, аксинча, уни баттарроқ булғайди.

Бу жавоб давлатпаноҳга яшин ургандай ёмон таъсир қилди. У турган жойида қотиб қолди. Капитан сари чўзилган қўлларида ҳамон аркебузани ушлаб турарди — у гўё бу қасос қуролидан фойдаланиб қолишни ҳамон капитанга сўзсиз таклиф қилаётгандай эди. Қиролнинг оғзи ярим очик эди, лаблари мурданикидек кўкариб кетди, Жоржга ваҳшиёна بازار билан бақрайиб турган кўзлари гўё уни жодулаётгандай туюлар ва мудҳиш жодуниинг сеҳрини ўзида ҳам синая кўраётганга ўхшарди.

Ниҳоят, қиролнинг титраётган қўлидан аркебуза сирғалиб чиқиб, тарақлаб ерга тушди. Капитан милтиқни ердан олишга эгилди, қирол эса ўзини ўриңдиққа ташлаб, бошини қуйи солиб олди. Унинг лаблари қимирлар, қошлари чимириларди — унинг қалбида кураш кетаётгани сезилиб турарди.

— Капитан! — деди у ниҳоят анча чўзилган сукутдан кейин. — Сенинг енгил суворилар отрядинг қаерда турибди?

— Мода, давлатпаноҳ!

— Сен отрядингга етиб бориб, уни Парижга олиб кел. Бир неча кундан кейин... буйруқ оласан. Боравер!

Қирол бу гапни жаҳл билан кескин айтди. Капитан эгилиб таъзим қилди, Карл эса эшикка ишора қилиб, аудиенция тугаганини маълум қилди.

Капитан бунақа ҳолларда қилиниши лозим бўлган тарзда таъзим қилиб, орқасига тисарила-тисарила чиқиб кета бошлади. Бирдан қирол сапчиб ўрнидан турди-да, капитаннинг қўлидан тутди.

— Лоақал тилингни тийиб юр! Тушундингми?

Жорж яна бир бор таъзим қилиб, қўлини кўксига қўйди. У қирол хонасидан чиқар экан, давлатпаноҳнинг жаҳл билан итни чақиргани қулоғига чалинди. Қамчининг қарсиллаши эшитилди. Афтидап, қирол аламини тилсиз-гуноҳсиз жонивордан олмоқчи эди.

Уйга келиб, Жорж мактуб ёзди-да, уни адмиралга етказишни буюрди:

«Сизни хуш кўрмайдиган, лекин ўз номусини яхши кўрадиган бир одам сизга шу маслаҳатни раво кўради: Герцог Гизга ишонманг, ундан ҳам ортиқроқ, герцогдан кўра қудратлироқ яна бир шахсга ишона кўрманг. Ҳаётингиз хавф остида».

Довюрак Колинъига бу мактуб заррача ҳам таъсир қилмади. Шуниси маълумки, орадан кўп ўтмай, 1572 йилнинг 22 август куни Морвель деган бир аблаҳ аркебузадан отиб, адмирални ярадор қилди. Бунинг учун Морвелни, қирол хизматидаги қотил, деб атай бошлади.

*Ун саккизинчи боб*

### ИШҚМИ, ИМОНМИ?

«This pleasing to beschol'di n a strange  
tongue

By female lips and eyes,

L. Byron. «D, Juan», canto II\*

Агар ошиқ-маъшуқлар аҳтиёткор бўлишса, одамлар уларнинг сиридан воқиғ бўлгунча, ўтса, бир ҳафта ўтар.

\* Ўзгаларнинг тилларини ўрганмоқ учун

Аёлларнинг лаби, кўзи яхши восита.

Лорд Байрон. «Дон Жуан», 11-қўшиқ (ингл.)

Кейин одатда ҳушёрлик сусайиб, эҳтиёткорлик кулгили туюлиб қолади. Ошиқ-маъшуқларнинг бир-бирларига зимдан боқишлари бошқаларнинг ҳам кўзларига чалина бошлайди, бу тўғрида дарров гап-сўз қўзғалади, қараб-сизки, сир ошкор, ҳамманинг оғзида дув-дув гап.

Графиня билан кенжа Мержи ўртасидаги мулоқот ҳам бора-бора Екатерина саройида ҳеч ким учун сир бўлмайд қолди. Купдан-куп ошкора далиллар ҳатто сўқирларнинг ҳам кўзини очиб қўяди. Мана, масалан, де Тюржи хоним одатда қизил лента тақиб юргувчи эди. Бернар ҳам қиличиинг дастасини, камзулининг этагини, бошмоғини қизил лентадан тугилган чамбар билан безайдиган бўлиб қолди. Графиня эркакларнинг соқолига унчалик ҳуши йўқлигини, балки бежирим қўйилган бурама мўйлови яхши кўришини унчалик яширмас эди. Яқиндан бери Мержи ҳам иягини қириб тозалаб юрадиган бўлиб қолди, унинг ёғланган, темир тароқ билан таралган мўйлови эса буралиб, ярим ойга ўхшаб турарди. Унинг учлари бурнидан юқорироққа кўтарилиб турарди. Ниҳоят, бир миш-миш тарқалди: аллақандай бир дворянин бир куни саҳарлаб, Аси кўчасида ўз иши билан кетиб бораётса, унинг кўз ўнгида графинянинг боғига олиб кирадиган эшик очилибди-ю, боғдан бир одам чиқиб келибди. У ҳарчанд плашига ўралмасин, дворянин уни дарров танибди. Бу одам — сеньор де Мержи экан.

Лекин ҳаммани лол қолдирган ва энг инobatли далил ўрнига ўтган нарса шу бўлдики, яқиндагина барча католик урфи одатларини, расм-русмларини очиқчасига масхара қилиб юрган гугенот йигит энди черковга қатнайдиган, маросимларда иштирок этадиган, ҳатто табаррук сувга бармоқ ботирадиган бўлиб қолди. Яқин-яқинларда у буларнинг ҳаммасини мудҳиш шаккоклик деб биларди.

Одамлар бир-бирлари билан, Диана адашган бандасини ҳақ йўлига қайтаряпти, деб пивирлашишарди, протестантлар динига сиғинувчи ён дворянлар эса, «кануциллар билан францискчилар ўрнига — графиня де Тюржига ўхшаш дўмбоққина соҳибжамол ваъз айтиб, панд-насихат қилганда, балки биз ҳам эътиқодимизни ўзгартириш ҳақида тузукроқ ўйлаб кўрармидик», деб гапиришарди.

Аmmo Бернарнинг диндан чиқишидан ҳали дарак йўқ эди. Ҳақиқатан ҳам, у графиня билан бирга черковга қатнар, бироқ унинг ёнида туриб олиб, бутун ибодат давомида художўйларни ранжитиб, қулоғига

алланималарнидир пивирларди. Буниси ҳам майли-я, у ибодатга ўзи қулоқ солмаганининг устига сидқидилдан ишонадиганларнинг ҳам эътиборини чалғитарди. Маълумки, у пайтларда ҳар қандай диний маросим ҳашамдорликда балдан қолишмас ва яхши эрмак ўрнига ўтиши мумкин эди. Пиҳоят, Мержи табаррук сувга бармоғини тикқанда виждон азобига тушмаслигининг бирдан-бир сабаби шу эдики, шу йўл билан у ҳамманинг олдида ошкора тарзда позик момиқ қўлларин қисиб қўйиш имконига эга бўларди. Мержи ҳар гал қисганида эса у қўлларда титроқ турарди. Ҳар ҳолда нима бўлганда ҳамки, гарчи у ўз эътиқоидида собит турган бўлса-да, динининг ҳимояси учун тез-тез жанг қилиб туришга тўғри келди. Бу жангларда кўпинча Диананинг қўли балад келарди, чунки у одатда илоҳий баҳслар учун шундай дақиқаларни ташлардики, бундай чоқда Мержи Дианага бирор нарсаи «йўқ», дейишга жуда қийналарди.

— Жоним Бернар!— деди у оқшомлардан бирида севгилисининг бўйига қоп-қора узун кокилини ўраб ва елкасига бош қўйиб.— Бугун иккимиз ҳам ваъзини эшитдик. Наҳотки, ана шундай гўзал сўзлар юрагингга бориб етмади? Гуинглигинг ҳали узоқ давом этадими?

— Э, азизим! Сенинг ширин овозинг, машғуқона боқиншларинг далдасида келтирадиган илоҳий далилларингки мени ҳеч нарса қила олмаган экан, сассиқ капуцидан нима кутасан, жонгинам Диана?

— Ярамас! Мен сени бўғиб ташлайман.

Бернарининг томоғига кокилини сиқиброқ ўраб, уни ўзига тортди.

— Биласанми, ибодат вақтида қандай эрмак топиб олувдим? Сочингдаги дурларни санаб чиқдим. Айтгандай нега сен уларни хонаингга сочиб юбординг?

— Ўзим ҳам билувдим! Яна ваъзини эшитмагансан! Ҳар гал шу аҳвол! Майли,— деб давом этди у. Унинг оҳангида маъюслик сезиларди.— Сен мени севгандан кўра мен сени ортиқроқ яхши кўраман. Бу равшан. Агар сен мени чиндан ҳам севганингда, аллақачон менинг динимга кирган бўлардинг.

— Диана! Бу узундан-узоқ баҳсларнинг нима кераги бор? Сорбонна ақондлари билан бизнинг пасторларимиз баҳслашишаверсин. Наҳотки, биз тузукроқ вақти-хушлик қилолмаймиз?

— Бас қил... Оҳ, сени эгри йўлдан қутқара олсам, бениҳоят бахтиёр бўлардим. Биласанми, Бернардо, сени

халос этиш йўлида мен тақдиримда кўрсатилгандан икки барабар ортиқроқ аросатда ўтиришга ҳам розиман.

Бернар жилмайиб, Дианани маҳкамроқ қучди, аммо у айтишга тил бовар қилмайдиган бир хомушлик билан уни итариб юборди.

— Лекин сен, Бернар, мени деб шундай қилолмас эдинг. Сенга ўзимни бағишлар эканман, имовимни қандай хавфга дучор қилаётганим парвойинга ҳам келмайди.

Шундай деди-ю, унинг шахло кўзларидан тирқираб ёш келди.

— Жонгинам! Наҳотки билмасанг, муҳаббат кўп гуноҳларимизни оқлайди ва...

— Ҳа, мен буни яхши биламан. Аммо мен сенинг имонингни сақлаб қололсам эди, ҳамма гуноҳларимдан фориг бўлардим. Сен билан бирга қилган гуноҳларимизнинг ҳаммасидан, ҳали яна қилишимиз мумкин бўлган гуноҳлардан пок бўлардим. Бугина эмас, ҳатто гуноҳларимиз бизни қутқариб қолишган ҳам бўларди.

Шуларни айтар экан, Диана Бернарни маҳкам қучиб олди. Унинг сўзларидан фидойи бир аҳтирос ўти ёнарди. Бу панд-насихатлар қандай шароитда қилинаётгани эътиборга олинса, улардан кулмасликнинг иложи йўқ эди. Мержи кулиб юбормаслик учун зўрга ўзини босиб турарди.

— Диндан чиқиш масаласида ҳали сабр қилайлик, Диана. Икковимиз қариб қолганимизда... ишқий лаззатлардан маҳрум бўлиб қолган чоқларимизда...

— Нима қилсам экан сен ярамасни? Нега лабларингда мудҳиш истеҳзо? Бунақа лабларни сира ҳам ўпмасман.

— Мана, жилмаймаяпман.

— Яхши, яхши, фақат хафа бўлма. Менга қара, *querido Bernardo* \*, сенга берган китобимни ўқиб чиқдингми?

— Ҳа, кечаёқ тугатганман.

— Сенга маъқул бўлдими? Жуда доно китоб экан. Динсизлар ҳам уни ўқиб, тилларини тишлаб қолишади.

— Сенинг китобинг, Диана, бошдан-оёқ ёлгон ва сафсата. Папистларнинг асарлари ичида энг бемаъниси шу бўлса ажаб эмас. Сен бу китоб ҳақида комил ишонч билан гапиряпсан. Ҳолбуки, бошимни тикиб гаров ўйнайман — сен ҳатто уни варақлаб ҳам кўрмагансан.

---

\* Азизим Бернардо. (Исп.).



— Ҳа, рост, мен уни ҳали ўқиб чиқишга улгурганим йўқ,— деди бир оз қизариб Диана.— Лекин мен амишманки, унда доно ва тўғри фикрлар жуда кўп. Гугенотлар уни сўкиб, чангини чиқараётгани бежиз эмас.

— Истайсанми, мен сенга бекорчиликдан шунчаки, кўнгилхуши учун қўлимда Инжил билан исбот қилиб бераман...

— Хаёлингга ҳам келтира кўрма, Бернар. Худо сақласин! Мен даҳрий эмасман, мен Инжилни ўқимайман. Имонимни сусайтиришингга йўл қўймайман. Бекорга овора бўласан. Сиз гугенотлар шунақа худо урган қироатхонларсизки, асти қўяверасан. Мунозараларда билимдонлигингизни пеш қилиб, қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдирасизлар, биз шўринг қурғур католиклар бўлсак, на Аристотель, на Инжилни ўқиймиз, сизларга нима деб жавоб қилишни билмай қоламиз.

— Бунинг боиси шуки, сиз — католиклар мулоҳаза юритиб ўтирмай, бу ақлга тўғри келадими, йўқми эканини англашга интилмай ишона берасизлар. Биз бошқача ҳаракат қиламиз: бирор нарсани ҳимоя қилишдан аввал, айниқса бирор нарсани тарғиб қилишдан аввал, уни чуқур ўрганамиз.

— Оҳ, қани эди мен ҳам франкцискчи Жирондай гапга чечан бўлсам!

— Сенинг Жиронинг аҳмоқ, бефаросат. Бақирингга келганда ўрнига қўяди, лекин бундан олти йил аввал очиқ мунозара вақтида бизнинг пасторимиз Удар унинг расвосини чиқарган эди.

— Бу ёлғон! Даҳрийлар тўқиган ёлғон!

— Нечук? Наҳотки хабаринг йўқ? Мунозара вақтида ҳамманинг кўз ўнгида падари бузрукворимизнинг пешаналаридан оққан тер тўғри қўлларидан ушлаб турган Иоани Златоуснинг устига томган экан. Бу воқеа муносабати билан бир аскиябоз ҳатто шеър ҳам тўқиган эди...

— Бас қил! Бас қил! Номатлуб даҳрий гаплар билан миями булғаман. Бернар, азизим Бернар, сендан ўтиниб илтижо қиламан: шайтоннинг гапига кирадиганлар сафидан чиқ, улар сени алдашади, улар сени дўзага тортқилайдилар! Утиниб сўрайман сендан: имонингни сақла, бизнинг черковимиз қўйнига қайт!

Аммо бу ялиниб-ёлворишлар Диананинг жазманига кор қилмади: у жавоб ўрнига истеҳзо билан ишонинқирамай жилмайди:

— Агар сен мени севсанг,— деб хитоб қилди ниҳо-

ят Диана,— мен учун, менга бўлган муҳаббатинг ҳаққи  
ножўя ўйларингдан воз кеч!

— Жонгинам Диана! Сен учун ҳаётимдан воз кеч  
десанг кечайин, лекин ақлим ҳақ деб айтиб турган  
нарсадан кечолмайман. Нима деб ўйлайсан, муҳаббат  
туфайли икки карра иккинчи тўрт эканига ишонмай  
қўйишим мумкинми?

— Тошбағир!..

Бернарнинг ихтиёрида бунақа тортишувларни тўхта-  
тадиган ишончли бир чора бор эди — Бернар шу чора-  
ни қўллади.

— Оҳ, жонгинам Бернар!— деди графния ғамзали  
овозда, тонг отиши билан Мержи истар-истамас кетишга  
чоғланган пайтда.— Сени деб мен ўз руҳимни ҳалок қил-  
япман. Сенинг руҳингни ҳам сақлаб қололмаяпман. Кўр-  
дингни, энди менга ҳатто бу фикр ҳам ортиқ тасалли  
бермайди.

— Хафа бўлма, фариштам! Монах Жирон иккови-  
мизни ҳам *in articulo mortis* \* гуноҳларимиздан фориш  
этади.

*Ун тўққизинчи боб*

### ФРАНЦИСКАНЧИ

*Monachus in claustris  
Non valet ova duo;  
Sed quando est extra,  
Bene valet triginta.\*\**

Эртаси куни Маргарита билан Паввара қиролининг  
никоҳ тўйларидан кейин капитан Жорж сарой министри-  
нинг фармойиши билан Париждан чиқиб, Мода турган  
енгил суворилар отрядига қараб йўл олди. Жоржнинг  
байрам тугамасиданоқ қайтиб келиб қолишига ишонган  
Бернар акаси билан хайрлашар экан, унча ранжигани  
йўқ, ўз қисматига, яъни бир неча кун ёлғиз яшашга  
осонгина кўна қолди. Де Тюржи хоним Бернарнинг вақ-  
тини шу қадар кўп олардики, бир неча муддат ёлғиз

\* Улимдан бир лаҳза олдин (*лот.*).

\*\* Черков ичра монахни  
Икки пулга олмайсан.  
Черковдан ташқарида  
Мақтанмоқдан толмайсан (*лот.*).

қолиш хавфи уни чўчита олмас эди. Тунлари уйда бўлмас, кундузи эса уйқудан бўшамасди.

1572 йил 22 август жума куни Морвель деган бир аблаҳ аркебузадан ўқ узиб, адмирални ярадор қилди. Одамлар орасида, бу разил ёвузликда герцог Гизнинг қўли бор, деган гап тарқалди. Шунинг учун герцог эртаси куниеқ Париждан чиқиб кетди. Афтидан, у реформаторлар гуруҳида ёрилган таҳдид ва шикоятларни эшитмай қўя қолай, деган бўлса керак. Бошда қирол унга нисбатан шафқатсиз чора кўрадигандай бўлди, бироқ кейинчалик унинг Парижга қайтиб келишига қаршилик қилмади. У қайтиб келган куни эса даҳшатли қиргин содир бўлди — қиргин 24 август куни тунда рўй берди.

Ёш протестант дворянлар адмирал ҳузурига боришди, сўнг отларига мишиб, шаҳар кўчаларига таралишди — улар герцог Гиз ёхуд унинг дўстларини учратиб, улар билан жанжал бошлаш ниятида эдилар.

Лекин дастлаб ҳамма ёқ осойишта эди. Ё дворянларнинг кўпчилигини кўриб, халқ кўтарилишга ботинолмай турарди, ёхуд кучини асрамоқда эди. Ҳар ҳолда, уларнинг «Адмиралнинг қотилларига ўлим!», «Йўқолсин гизчилар!» деган хитобларини халойиқ зоҳирдан хотиржамлик билан сукут сақлаб тингларди.

Қўққисдан муқолишдан протестантлар отрядига беш-олтита ёш дворян католиклар пешвоз чиқиб қолди. Уларнинг орасида Гизнинг ақраболари ҳам бор эди. Қаттиқ олишув бўладиган хонаси келган эди, лекин олишув бўлмади. Католиклар мулоҳазакорлик қилибми ёхуд юқоридан олган кўрсатмаларга мувофиқ иш тутганларми, протестантларнинг таҳқирли бақириб-чақиринларига ҳеч қандай жавоб қилишмади. Жавоб қилишмадигина эмас, католиклар отрядининг олдида келаётган хушрўйгина йигит Мержига яқинлашиб келиб, у билан мулоийм саломлашди-да, қадрдонлардек бемалол гап бошлади:

— Яхшимисиз, жаноб де Мержи! Сиз, албатта, жаноб де Шатильонни кўрган бўлсангиз керак? Қалай, аҳволи яхшими? Қотилни ушлашиптими?

Иккала отряд ҳам тўхтади. Мержи барон де Водрейлши таниб, ўз навбатида унга таъзим қилди ва унинг саволларига жавоб берди. Католикларнинг баъзи бирлари бошқа протестантлар билан сўзлаша бошлашди, аммо уларнинг гап-сўзи қисқа бўлди. Иш низога бориб етмади. Католиклар протестантларга йўл беришди ва иккала отряд икки томонга равона бўлди.

Мержи ўртоқларидан орқада қолди — уни барон де Водрейль ушлаб қолганди. Водрейль унинг эгарини кўздан кечирар экан, хайрлаша туриб деди:

— Буни қаранг! Адашмасам, отингизнинг қоринбоғи бўшаб қолипти. Эҳтиёт бўлинг!

Мержи отдан тушиб, қоринбоғни тортиб боғлади. Қайтиб эгарга мишишга улгурмасдан, орқа томондан кимнингдир от чоптириб келаётганини эшитди. Мержи орқасига ўгирилди — аллақандай нотаниш йигит тўғри унинг устига от солиб келмоқда эди. Мержи бу йигитни бугун католиклар отряди ёнидан ўтиб кетаётганда биричи марта кўрган эди.

— Худо шоҳид, ҳозиргина «Йўқолсин гизчилар!» деб кекирдагини чўзганларнинг биронтаси билан бажону дил яккама-якка гаплашардим! — деб хитоб қилди йигит яқин келгач.

— Уни қидириб овора бўлманг, — деди Мержи. — Хизматингизга тайёрман.

— Сиз ҳали ўша муртадлар сафиданмисиз?

Мержи ортиқча мулоҳазаларсиз қиличини қинидан суғуриб олиб, бети билан Гизнинг югурдагининг юзига урди. У бир лаҳзада эгарга осиклик тўппончасини олиб, Мержигга ўқ узди. Бахтига пистон чақилмай қолди. Диापанинг севгилисиди даҳшатли куч билан ҳарифининг бошига қилич урди. У ҳамма ёғи қонга беланиб, отдан қулади. Сўнгги лаҳзага қадар тилсиз гувоҳ бўлиб, воқеани кузатиб турган одамлар ярадорнинг ёнини ола кетишди. Ёш гугенотнинг бошига тошлар ёғилди. Шувда у оломонга бир ўзи бас кела олмаслигини сизди. Тезроқ жўнаб қолишни маъқул кўриб, отига устма-уст қамчи босди. Бироқ у муюлишдан жуда кескин бурилгани учун оти мункиб кетиб, йиқилди. От билан бирга Мержи ҳам йиқилди. Гарчи от Мержини босиб қолган бўлмаса-да, унинг бир зумда сапчиб ўрнидан туришига халақит берди. Ғазабнок оломон фурсатдан фойдаланиб уни қуршаб олди. Мержи орқа томондан деворни паналаб, бир неча муддат уларнинг ҳамласини қиличи билан қайтариб турди. Бироқ кимдир унинг қиличига таёқ билан қулочкашлаб солди.

Қиличининг тиғи синди. Бир зумда Бернарни ағдарди. Оломон уни тилка-пора қилиб юбориши аниқ эди, ammo аллақандай монах жонига ора кириб қолди — у Бернарнинг олдига ёриб ўтиб, гавдаси билан уни тўсди.

— Нима қиляпсизлар, болаларим! — деб қичқирди у. — Унга тегманлар, унинг ҳеч айби йўқ.

— У гугенот!— деб хайқирди ваҳший оломон.

— Гугенот бўлса нима? Фурсати келганда тавба қилади.

Мержини тутиб турган қўллар шу заҳотиёқ уни бўшатди. Мержи ўрнидан турди, сингап қиличини ердан кўтарди ва яна ҳамла қилиб қолишса, жон-жаҳди билан олишинга чоғланди.

— Бу одамга раҳмишгиз келсин,— деб давом этди монах.— Сабр қилинглар, кўп ўтмай, гугенотлар бизнинг ибодатларимизга қатнай бошлашади.

— «Сабр қилинг, сабр қилинг!»— эпсаси қотиб такрорлади бир неча одам.— Бу гапни кўп эшитганмиз. Лекин гугенотлар ҳанузгача якшанба кунлари йигинга тўплавишиб, макруҳ қўшиқлари билан ҳақиқий христианларни ранжитишяпти.

— *От айланиб, қозиғини топади*, деган мақолни эшитмаганмисизлар?— деб сўради монах қувноқ оҳангда.— Худои таолонинг инояти билан гугенотлар ҳадемай бизга ўхшаб ибодат қиладиган бўлиб қолишади. Бу кофир йигитни эса менинг ихтиёримга беринглар. Мен уни ҳақ йўлига киргизаман. Бораверинглар. Қош қўяман деб, кўз чиқариб юрманлар тагин!

Оломон ранжиш билан тарқай бошлади, лекин ҳеч ким Бернарга ортиқ тегмади. Унга ҳатто отини ҳам қайтариб беришди.

— Падари бузруквор, устингиздаги ридопи кўриб, умримда биринчи дафъа гижинаётганим йўқ,— деди Мержи.— Сиздан ҳаддан зиёд миннатдорман. Йўқ, демай, мана шу ҳамённи олсангиз!

— Агар сиз буни бева-бечоралар ҳаққига иона қилаётган бўлсангиз, оламан. Маълумингиз бўлгайким, сизга менинг меҳрим бор, мен акангиз билан танишман. Сизга яхшилик тилайман. Бугундан қолдирмай, бизнинг динимизга ўтинг. Мен билан бирга юрсангиз, ҳаммасини бир зумда бажо келтираман.

— Йўқ, бу ишдан мени дариг тутгайсиз, падари бузруквор. Имонимни ўзгартиришга заррача ҳам хоҳишим йўқ. Қани, айтинг-чи, мени қаёқдан танийсиз? Исми шарифингиз нима?

— Мени бузрук Любен дейишади. Мен яна муғамбирман. Бир уйга кириб-чиқиб туришингизни кўп кўраман... Майли, майли, индамадим. Айтинг-чи, жаноб де Мержи, эпди монахларнинг одамларга яхшилик қила олишига ишондингизми?

— Сизнинг олижаноблигингизни ҳаммага айтаман, падари бузруквор.

— Протестантлар йиғинини католиклар ибодатига алмаштиришни истамайсизми?

— Яна бир карра айтаманки, йўқ. Мабодо черковга борадиган бўлсам, фақат сизнинг ваъзларингизни тинглагани бораман.

— Кўриниб турипти, дидингиз баланд экан.

— Бунинг устига, сизнинг мухлисингизман.

— Иложи қанча, афсуски, ашаддий даҳрийи экансиз. Майли, мен зиммамдаги ишни бажардим — сизни огоҳлантирдим. Бу ёғини ўзингиз биласиз энди. Мен қўлимни ювиб, қўлтигимга ураман. Хайр, ўғлим.

— Хайр, падари бузруквор.

Мержи отига миңди, ҳамма ёғи дабдала бўлган бўлса-да, жони омон қолганига шукур қилиб, уйига қараб йўл олди.

### *Йигирманчи боб*

## ЕНГИЛ СУВОРИЛАР ОТЯДИ

Jaffier

He amongst us

That spares his father, brother or his friend  
Is damned

O t w a y. «*Venice preserved*»\*

24 август куни кечқурун енгил суворилар отряди Сент-Антуан дарвозаси орқали Парижга кириб келди. Чанга буланган усти бошига қараганда, отликлар анча йўл босиб келишган эди. Ботаётган қуёшнинг сўнги шафақлари солдатларнинг қуёшда қорайган юзларини ёрптиб турарди. Уларнинг чеҳраларида аллақандай хавотирлик ифодаси бор эди. Одатда одамнинг кўнгли алла-нечук номаълум мудҳиш воқеаларни ҳис қилса, шундай бўлади.

Отряд собиқ Турнель қасри ёнидаги кенг яланглик томон йўл олди. Ялангликка етиб келганда, капитан

---

\* Ж а ъ ф а р

Лаънатларга кўмилайлик, қайси биримиз

Раҳм қилсак отамизга, оға-инига!

О т у э й. «*Венециянинг қутқарилиши*» (ингл.).

тўхташга буюрди-да, кейин корпет бошчилигида ўн кишини разведкага жўнатди, яқин атрофдаги кўчаларнинг оғзига шахсан ўзи соқчилар қўйиб, ёв қораси кўриниши биласоқ, иликларни ёқиб, хабар қилишни буюрди. Ана шундай фавқулодда эҳтиёткорлик чораларини кўргач, орқасига қайтиб, саф тортиб турган отряд қаршисида отини тўхтатди.

— Сержант!— деб қичқирди у. Унинг овози ҳар доимдагига қараганда қатъий ва талабчан эди.

Гулдор белбоғли, шляпасига зарҳал нишон қадалган кекса сувори эҳтиром билан ўз командирига яқинлашди.

— Отлиқларимизнинг ҳаммасида илик борми?

— Ҳаммада бор, жаноб капитан.

— Ўқдонлар тўлами? Ўқлар етарлими?

— Етарли, жаноб капитан.

— Жуда соз.

Капитан кам сонли отряди ёнидан отини секинлатиб ўтди. Сержант бир от сигарлик масофада унинг ортидан борарди. У капитаннинг нохуш эканини сезди ва анча-гача унга яқинроқ келишга ботинолмай турди. Ниҳоят, юрак ютиб, унинг олдига келди.

— Жаноб капитан! Отларга ем беришга рухсат этинг. Отлар эрталабдан бери ҳеч нарса егани йўқ.

— Мумкин эмас!

— Лоақал бир ҳовучдан сули берайлик. Бир зумда бажарардик.

— Биронта ҳам отнинг сувлиғи чиқарилмасин.

— Борди-ю... Қўлоғимга чалингандай бўлувди... тунда отбоп иш чиқиб қолса-чи?.. Балки... жиндай...

Капитан бетоқатлик билан имо қилди:

— Сафдаги жойингизни эгалла!— деди у қуруқ оҳангда ва йўлида давом этди.

Сержант сафга қайтди.

— Қани, хўш, сержант, демак, рост экан-да! Энди нима бўлади? Нима қиламиз? Капитан нима деди?

Отлиқлар сержантни саволларга кўмиб ташлашди — уларнинг кўпчилиги кекса солдатлар бўлиб, жангларда донг чиқаришган, кўп йиллардан бери сержант билан бирга аскарлик жафосини тортишарди. Шунинг учун ҳам уларнинг бошлиқларига эркин муомала қилишга ҳаддилари сигарди.

— Бугун иш қайнайдиганга ўхшайди,— деди сержант кўп нарсани биладиган, лекин айтишни истамаётган одамдай бир оҳангда.

— Хўш? Нима гап?

— Бир лаҳзага ҳам отларнинг сувлигини чиқариш тақиқланди... чунки... ким билсин, дейсан. Ҳар лаҳза керак бўлиб қолишимиз мумкин.

— Бундан чиқдики, жанг бўларкан-да?— деб сўради сурнайчи.— Ким билан урушаркинмиз?

— Ким билан, дейсанми?— қайтариб сўради сержант. У бу фурсатдан фойдаланиб, жавобини ўйлаб олганди.— Бемаъни савол! Ким билан бўларди? Қиролнинг душманлари билан жанг қиламиз-да!

— Албатта, душман билан жанг қилишимиз турган гап. Лекин ўша душман ким?— деб ўжарлик билан ўсмоқчилайверди сурнайчи.

— Қиролнинг душманлари ким эканини ўзинг билмайсанми?

Сержант таассуф билан елка қисди.

— Қиролнинг душмани — испанлар. Лекин улар пушиб келишолмасди. Шундай қилишса, уларни пайқаган бўлардиқ,— деди тусмоллаб суворилардан бири.

— Йўқ, унақага ўхшамайди,— деб гапга аралашди бошқаси.— Қиролнинг испанлардан бошқа душмани оз дейсанми?

— Бертран ҳақ!— деди сержант.— У кимни айтаётганини биламан.

— Кимни айтяпти?

— Гугенотларни,— жавоб берди Бертран.— Бунда фаҳмлаш учун сеҳргар бўлиш шарт эмас. Ҳаммага маълумки, гугенотлар ҳам немислар сиғинадиган динга сиғишишади, немислар эса бизга душман. Ҳар нима десанглар ҳам мени бу фикрдан қайтаролмайсизлар. Ўзим улар билан бир неча марта жанг қилганман! Айниқса, Сен-Кантен яқинида қаттиқ жанг бўлганди. Улар шайтондек олишишган ўшанда.

— Бу гапинг-ку тўғри-я!— деб яна гап бошлади сурнайчи,— лекин улар билан сулҳ тузилган-ку? Агар хотиримдан кўтарилмаган бўлса, шу туфайли анча шовшув ҳам бўлиб ўтганди.

— Йўқ, уларнинг бизга душманлиги йўқ,— деб унинг гапини тасдиқлади бошқаларга қараганда тузукроқ кийинган ёш сувори.— Биз Фландрия билан урушмоқчимиз. Енгил суворилар қўшинига Ларошфуко қўмондонлик қилади. Ларошфуконинг протестант эканлигини ким билмайди дейсиз. Агар у тирноғининг учигача протестант бўлмаса, турган жойимда тил тортмай ўлай! Ҳатто унинг шпорлари ҳам, шляпаси ҳам *гугенотларникидан*.



— Ұлат тегсип унга!— деб хитоб қилди сержант.— Сен, Мерлен, буни билмайсан. У пайтларда сен ҳали полк-кимизда хизмат қилмас эдинг. Ла-Робре яқинида Пуатуда пистирмада туриб, ҳаммамизнинг қирилиб битишимизга сал қолган эди. Ушанда ҳам бизга Ларошфуко қўмондонлик қилган эди. У ҳамма вақт қўйнида пичоқ олиб юради.

— Рейтарлар отряди енгил суворилар отрядидан яхшироқ, деган ҳам ўша,— деб гап қўшди Бертран.— Манави отнинг қашқалигини аниқ билганимдай, буни ҳам аниқ биламан. Менга қироличанинг мулозими айтиб берганди.

Тингловчилар буни эшитиб, ғазабга келишди, аммо кўп ўтмай ғазаб туйғусининг ўрнини жапговар тайёргарликларнинг боиси нима эканини, ҳамманинг кўз ўнгиде кўрилайётган ғавқулудда аҳтиёт чоралари кимга қарши қаратилганини билиш истаги эгаллади.

— Сержант, ҳой сержант!— деб гап бошлади сурнайчи.— Кеча кечқурун қиролга суиқасд қилишгани ростми?

— Гаров ўйнаганим бўлсипки, бу даҳрийларнинг иши...

— *Андрей салбида* понушта қилиб ўтирганимизда, трактир хўжайини буни, аниқ гап, деди — улар ибодатларни бекор қилишармиш.

— Унда ҳар куни рўза тутишга кунимиз қоларканда,— деди Мерлеп.— Гўшт ўрнига ловия ер эканмизда.

— Ҳа, лекин гугенотлар устун келишса, улар биринчи навбатда енгил суворилар отрядларини чинни идишдай чил-чил қилиниб, уларнинг ўрнига анави итларни — немис рейтарларини қўйишади.

— Бордию, шундай қиладиган бўлишса, мен уларнинг биқинидан дарча очиб қўяман. Худо урсин, бунақада истасанг-истамасанг, католик бўлиб кетасан, одам. Бертран, сен протестантларда хизмат қилгансан. Айт-чи, адмирал сувориларга атиги саккиз су ҳақ тўлайди, дейишади, шу ростми?

— Ҳа, рост! Ундан ортиқ сариқ чақа ҳам бермасди. Ёмон хасис эди чол. Шунинг учун биринчи сафардан кейиноқ жуфтакни ростлаб қолдим-да!

— Капитан бугун нохушроқ кўринади,— деди сурнайчи.— Ўзи заб яхши йигит-да! Солдатлар билан гап-лашишни ёқтиради. Бугун эса йўл бўйи чурқ этмади.

— Нохуш хабарлар бўлса керак-да,— деди сержант.

— Қанақа хабарлар?  
— Гугенотлар тўғрисида биров гап бордир-да!  
— Яна граждандар уруши бошланади,— деди Бер-  
тран.

— Ундай бўлса, бизга яхши,— деди Мерлен. У ҳар нарсанинг фақат яхши томонини кўради.— Кўнглингга сиққанича емирасан, қишлоқларга ўт қўясан, гугенот дўндиқчаларнинг ҳожатини чиқарасан.

— Улар бир вақтлар Амбуазда қилган ишларини яна бошлашмоқчи некилли,— деди сержант.— Бизни шунинг учун чақиришган бўлса керак. Майли. Бир зумда тартиб ўрнатамиз.

Шу пайт корнет разведкадап қайтиб келди. У капитанга яқинлашиб, кўриб келган нарсаларини унга аста айти бошлади, унинг солдатлари эса шерикларига қўшилди.

— Соқолим ҳаққи, Парижда нималар бўлаётганига сира ақлим етмади!— деди разведкага бориб келган солдатлардан бири.— Кўчада биронта жон зотини учратмадик, лекин Бастилия солдатга тўла. Ҳовлини швейцар найзадорлари босиб кетипти. Уларнинг найзаси даладаги бошоқдан ҳам кўп.

— Улар чиқса, беш юз киши чиқар-да,— эътироз билдирди бошқа бири.

— Гугенотлар қиролга суиқасд қилишипти, бунини аниқ билдим,— деб давом этди биринчи солдат,— олағовур пайтида буюк герцог Гиз ўз қўли билан адмирални ярадор қилипти.

— Баттар бўлсин, у — қароқчи!— деб қичқирди сержант.

— Иш шунга бориб етиптики,— деб давом этди сувори,— швейцарлар ўзларининг чулчут тилларида чуввос солиб, «Францияда даҳрийлар ҳаддиларидан ошиб кетишяпти» дейишди.

— Очиғини айтсам, кейинги пайтларда уларнинг димоғлари жуда шишиб кетган,— деди Мерлен.

— Шунақа такаббурлик қилишадикки, асти қўяверасиз. Гўё Жарнак билан Монконтур яқинида биз уларнинг эмас, улар бизнинг таъзимимизни берган, деб ўйлаш мумкин.

— Иложини топинса, гўштни ўзлари еб, суякни бизга улоқтиришарди,— деди сурнайчи.

— Қанийди энди,— деди сержант,— қирол менга: «Бу аблаҳларнинг уруғини қурит!» деб буйруқ берса... Агар унинг сўзини икки қилсам, амалимдан айрилай.

— Бель-Роз! Корнет шаҳарда нима ишлар қилди, айтиб бер!— деб хитоб қилди Мерлен.

— У бир швейцар билан гаплашди. Уларнинг офицери шекилли. Лекин нималарни гаплашишганини эшитолмай қолдим. Офицер унга қандайдир ғалати бир гапни айтди шекилли. Негаки, корнет ҳадеб: «Вой худойим-ей! Вой худойим-ей!» деяверди.

— Қараишлар, биз томонга суворилар от солиб келишяпти. Буйруқ олиб келишаётганга ўхшайди.

— Икки киши шекилли.

Капитан билан корнет уларга пешвоз юришди. Икки отлиқ енгил суворилар отряди томон йўртиб келарди. Улардан бири башанг кийинган, шляпасига пат жига қадаган, зангори нишон тақиб олган бўлиб, жанговар от минган эди. Унинг ҳамроҳи эса бақ-бақалоқ, пакана, чорпахил бўлиб, қора либос кийган, қўлида эса каттақон ёғоч бут ушлаб олганди.

— Жанг бўлиши муқаррар, кўриниб турипти,— деди сержант.— Ана, кашш ҳам келипти. Уни ярадорларнинг тавба-тазаррусига юборишган.

— Оч қорин билан жангга киришга кимнинг тоқати бор,— деди Мерлен.

Икки отлиқ отларининг тизгинини тортиб, секинлаштирди-да, капитаннинг ёнига келишиб, тўхташди.

— Жаноб де Мержининг қўлини ўпаман,— деб гап бошлади зангори нишон таққан одам.— Фақир қулингиз Том де Морвелни талигандирсиз?

Морвелнинг янги кирдикори ҳақидаги хабар ҳали капитанга етиб келганича йўқ эди, у Морвелни машҳур де Муининг қотили дебгина биларди. Шунинг учун ҳам капитан унга қуруққина жавоб берди:

— Мен ҳеч қанақа жаноб де Морвелни танимайман. Ўйлайманки, сиз нима сабабдан бизнинг бу ердалигимизни айтгани ҳузуримизга келгансиз.

— Марҳаматли афандим! Гап меҳрибон давлатпаноҳимизни ва муқаддас динимизни қутқариб қолиш ҳақида кетяпти: уларга хавф таҳдид солиб турипти.

— Қанақа хавф экан?— сўради Жорж нафратомуз оҳангда.

— Гугенотлар ҳазрати олийларининг ҳаётига суиқасд қилдилар. Аммо худога мишг қатла шукурки, уларнинг жинойткорона фитнаси вақтида фони қилинди; тунда мўмин христианларнинг ҳаммаси бирлашиб, гугенотларни ухлаб ётган жойида қириб ташлаши керак.

— Мардонавор Геден мадианитларни шу тарзда қириб ташлаган эди,— деб гап қистирди қора либосдаги одам.

— Нималар деяпсизлар?— хитоб қилди Мержи даҳшатдан вужуди қалтираб.

— Шаҳар аҳли қуролланган,— деб давом этди Морвель,— шаҳарга француз гвардияси ва уч минг кишилик швейцар қўшини келтирилди. Бизнинг кучларимиз тахминан олтмиш минг кишидан иборат. Соат ўн бирда сигнал берилади-ю, қирғин бошланади.

— Аблаҳ одамхўр! Гапингнинг ҳаммаси ёлгон! Қирол қотиллик ҳақида фармойиш бермайди, зарур бўлса, у бунинг учун одам ёллайди.

Лекин бу гапни айтишга айтиб қўйиб, Жорж шу ондаёқ қиролнинг бир неча кун аввал ўзига айтган гапларини эслади.

— Ҳовлиқманг, жаноб капитан! Агар бутун фикри зикрим қирол хизмати билан банд бўлмаганида, мен ҳақоратларингизга муносиб жавоб берардим. Гапимни диққат билан эшитинг: мен сизнинг олдингизга ҳазрати олийлари номидан келдим. Сизнинг отрядингиз билан бирга кетимдан юришингизни талаб қиламан. Бизга Сент-Антуан кўчаси ва унга ёндош маҳаллалар топширилган. Мен сизларга рўйхат келтирганман. Унда биз бугун нариги дунёга жўнатишимиз лозим бўлган одамларнинг номи ёзилган. Падари бузруквор Мальбуш солдатларингизга ваъз айтиб, насиҳат қилади ва уларга оқ бут улашиб чиқади. Бунақа оқ бутлар ҳамма католикларда бўлади. Бўлмаса, қоронғида уларни даҳрийлардан ажратиб бўлмай қолади.

— Бошимдан зар сочсалар ҳам уйқудаги одамларни қора калтак қилишга интирок этмайман.

— Сиз католикмисиз? Сиз Карл Тўққизинчили ўз қиролим деб тан оласизми? Сиз маршал Ретцнинг имзо-сиши танийсизми? Ахир, унинг фармонига бўйсуниб бурчингиз-ку!

Шундай деб Морвель белбоғидан қоғоз олиб капитанга узатди. Мержи отличлардан бирини ёнига чақирди, у аркебузанинг пилигидан бир тутам сомонни ўт олдирди-да, капитанга тутиб турди. Капитан унинг ёруғида ҳамма қодаларга риюя қилиб ёзилган фармонни ўқиди. Унда қирол номидан капитан де Мержиге шаҳар лашкарига мадад кўрсатиш вазифаси юклатилган ва жаноб де Морвелга итоат этиш буюрилган эди. Нима иш қилишларини юқорида номи зикр этилган жаноб де Мор-

вель айтиб бериши лозим эди. Фармонга Сент-Антуан маҳалласида қатл этилиши лозим бўлган даҳрийлар рўйхати, деган сарлавҳа остида рўйхат илова қилинган эди. Енгил суворилар бунинг қандай фармон эканидан бехабар эдилар, улар суворилардан бири ушлаб турган машғала ёғдусида бошлиқлари ҳаддан зиёд ҳаяжонга тушганини кўрмоқда эдилар, холос.

— Менинг сувориларим ҳеч қачон қотиллик билан шуғулланишмайди,— деб Жорж фармон ёзилган қоғозни Морвелнинг юзига қараб отди.

— Қотиллик нимаси?— деди совуққонлик билан руҳоний.— Даҳрийлардан адолатли ўч олиш бу!

— Бургутлар!— деб қичқирди Морвель баланд овозда енгил сувориларга мурожаат қилиб.— Гугенотлар қиролни ўлдиришни ва католикларни қириб ташлашни ният қилишган. Бунинг олдини олиш керак. Тунда улар донг қотиб ухлаб ётганда ҳаммасининг суробини тўғрилаймиз. Қирол уларнинг уйларини сизларга талонга беради.

Бу гапларга жавобан сафларда янграган ҳайқирикда ваҳшиёна қувонч бор эди.

— Яшасин қирол! Гугенотларга ўлим!

— Жим!— ҳайқирди капитан гулдурак овозда.— Бу ерда мен қўмондонман. Бошқа ҳеч ким буйруқ беролмайди... Дўстлар! Бу аблаҳ ёлғон гапиряпти. Боринги, қиролнинг шундай фармони бўлган тақдирда ҳам, барибир, менинг сувориларим ҳимоясиз одамларни ўлдиришга бош қўшмайди.

Солдатлар сукут ичида эди.

— Яшасин қирол! Гугенотларга ўлим!— деб қичқирди Морвель билан унинг ҳамроҳи.

Суворилар уларнинг кетидан такрорлашди:

— Яшасин қирол! Гугенотларга ўлим!

— Хўш, энди қалайсиз, капитан? Итоат этасизми?— деб сўради Морвель.

— Мен энди капитан эмасман!— хитоб қилди Жорж ва капитанлик нишонлари бўлмиш тасмаси билан ярим ой белгисини юлқиб олиб ташлади.

— Хоинни ушла!— қичқирди Морвель.— Ўлдириш исёнчини — у қиролга бўйсунишдан бош тортмоқда!

Аммо биронта солдат ўз бошлиғига қўл кўтармади... Жорж Морвелнинг қўлидан қиличини уриб туширди, лекин уни ўлдирмади. Бунинг ўрнига қиличнинг дастаси билан унинг юзига урди, лекин урганда ҳам шундай куч билан урдик, у отдан учиб кетди.

— Хайр, қўрқоқлар!— деди Жорж сувориларга.— Мен сизларни солдат деб ўйлардим, энди қарасам, солдат эмас, қотил экансизлар.

Сўнг у корнетга хитоб қилди:

— Альфонс! Агар капитанлик амалига миниб кўнглингизда бўлса, қулай пайт келди: манави каллакесарлар тўдасига раҳнамо бўлинг.

Шу сўзлар билан у отига қамчи босиб, шаҳар томонга чоптириб кетди. Корнет унинг ортидан эргашгандай бўлди, лекин бир оз йўртиб боргач, отининг тизгинини тортиб, секинлатди, кейин тўхтади-да, орқасига қайтиб аскарларга қўшилди. Афтидан, капитан бояги гапни жаҳл устида айтган бўлса-да, унга амал қилса арзийди, деган қарорга келди шекилли.

Ҳали ҳам еган калтагидан ўнiglана олмаган Морвель сўкина-сўкина отига миқди. Монах бутни кўтариб, солдатларни биронта ҳам гугенотни соғ қўймасликка ва даҳрийлар қонини дарё қилиб оқизишга ундади.

Капитаннинг таънаси солдатларни анча хижолатга солиб қўйган эди, у жўнаб кетгач, виждон азобидан қутулишди. Улар кўнглига сиққанича талончилик қилиш пайтини кутишмоқда эди. Қиличларини силкитиб, Морвелнинг буйруғини бажаришга олт ичишди.

*Иигирма биринчи боб*

## СЎНГГИ ПЎТИЛИШ

Soothsayer

Beware the Ides of March!

Shakespeare. «Julius Caesar»\*

Ўша куни кечқурун Бернар ҳар куни вақтида уйдан чиқди ва уйнинг девори рангидаги плашига ўраниб, зарур эҳтиёткорлик тадбирларини кўриб, графинянинг олдига қараб йўл олди. Бир неча қадам қўйиши билан ярадор бўлганида уни муолажа қилган жарроҳ Амбруаз Парегга дуч келди. Паренинг Шатильонлар қасридан келётганини пайқаш қийин эмас эди. Мержи ўзини танитиб, адмиралнинг аҳволини сўради.

---

\* Авлиё:

Ид Мартдан сақлан!

Шекспир. «Юлий Цезарь» (ингл.).

— Анча тузук,— жавоб берди жарроҳ,— яраси унча хавfli эмас. Адмиралнинг ўзи бақувват одам. Худо хоҳласа, тузалиб кетади. Мен унга ичадиган дори бердим. Қор қилар, деган умиддаман. Дори таъсир қилиб, тунда яхши ухласа, ажаб эмас.

Аллақандай одам ўтиб кетаётиб, уларнинг адмирал ҳақида гаплашаётганини эшитиб қолди. У қувса стол-майдиган жойга етиб олиб, қичқирди:

— Лаънати адмиралларнинг ҳадемай сиртмоқда рақсга тушади.

Шундай деди-ю, жуфтакини ростлаб қочиб қолди.

— Аблах!— деди Мержи.— Буюк адмиралимиз шундай шаҳарда душманлари қуршовида яшашини ўйласам, ғазабим қайпаб кетади.

— Бахтимизга унинг уйини яхши ҳимоя қилишадди,— деди жарроҳ.— Мен чиқиб келаётганимда, зинанинг усти солдатларга лиқ тўла эди. Улар пилликларни ёқишаётган эди. Эҳ, жаноб де Мержи! Нимасини айта-сиз! Маҳаллий аҳоли бизни ёқтирмайди... Лекин вақт кетди, мен Луврга боришим керак эди.

Улар хайр-маъзур қилишди. Мержи йўлида давом этди. Орадан кўч ўтмай, ширин орзулар уни адмирални ҳам, католикларга қаҳру ғазабни ҳам унутишга мажбур қилди. Лекин шунга қарамай, у одатда қоронғи тушиши билан ҳувиллаб қоладиган Париж кўчалари бугун негандир жуда ҳам гавжум эканини пайқамаслиги мумкин эмас эди. Гоҳ унга юк орқалаган ҳаммоллар рўпара келарди. Уларнинг юки жуда ғалати эди. Мержи қоронғида бу юкларни боғ-боғ қилиб боғланган найзаларга ўхшатди. Гоҳ у солдатларга дуч келарди. Улар милтиқларини елкаларига қўйиб, қўлларида тутаб турган пиллик билан сукут ичида кетиб боришарди. Гоҳ унда, гоҳ бунда дераза очилар, бир лаҳза шам ушлаган одамларнинг қораси кўринар ва шу заҳотиёқ ғойиб бўларди.

— Ҳой, ошна!— қичқирди Мержи ҳаммоллардан бирига.— Бунчалик бемаҳалда қуролни қаёққа олиб кетяпсиз?

— Луврга, жаноб, тунги кўнгилхушликка!

— Оғайни!— деб мурожаат қилди Мержи қоровулбоши сержантга.— Милтиқ кўтариб, қаёққа кетяпсизлар?

— Луврга, жаноб, тунги кўнгилхушликка!

— Ҳой, маҳрам? Нега қирол ҳузурида эмассиз? Отлар сафарбоп қилиб эгарланибди, қаёққа кетяпсизлар?

— Луврга, жаноб, тунги кўнгилхушликка.

«Тунги кўнгилхушлик эмиш!— деди ўзига-ўзи Мержи.— Мендап бошқа ҳамма сирдан воқиф шекилли. Э-э, менга нима-я! Булар билан нима ишим бор! Давлатпаноҳ менсиз ҳам айшипи қилаверади. Унинг қандай кўнгилхушлик қилишини томоша қиламан, деб кўзим учиб тургани йўқ».

Бир оз нари боргач, у ночор кийинган бир одамга эътибор қилди — у баъзи уйларнинг олдида тўхтаб, бўр билан эпикларига бутнинг шаклини чизиб чиқмоқда эди.

— Ҳой оғайни, нега уйларнинг эшигига белги қўйиб чиқяпсиз? Нима бало, уй-жойларга мутасаддимисиз, дейман?

Нотаниш одам ер ютгандай бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Графиня истиқомат қиладиган кўчанинг муволишида Мержи ўзига ўхшаб кенг плашга ўраниб олиб, қарши томондан шоша-пиша келаётган бир одам билан тўқнашиб кетишига сал қолди. Гарчи қоронғи бўлса-да, икковлари ҳам ўзларини кўздан нари тутишга иштилаётган бўлсалар-да, улар бир-бирларини дарров танишди.

— Ҳа, жаноб де Бевиль, хайрли кеч!— деб Мержи кўришгани унга қўлини узатди.

Бевиль ўнг қўлини узатиш учун плашининг тагида алланечук ғалати ҳаракат қилди — ўнг қўлидан чап қўлига оғир бир буюмни олди шекилли, плашининг этаги жиндай очилиб кетди.

— Саломлар бўлсин шавкатли жангчи ва нозанинлар эркатойига!— деб хитоб қилди Бевиль.— Гаров ўйнаганим бўлсинки, олийҳиммат дўстимиз учрашувга боряптилар?

— Ўзингиз-чи?.. Эрларнинг сизда алами кўпга ўхшайди. Адашмасам, совут кийиб олибсиз. Плашингиз остидаги нарсалар ҳам нақ тўппончанинг ўзими, дейман?

— Эҳтиёт бўлиш керак, жаноб Бернар, жуда эҳтиёт бўлиш керак!— деди Бевиль.

Шу сўзлар билан у плашини шундай ўраб олдики, қуроллари кўринмай қолди.

— Кўп таассуфки, мен ҳозир хизматингизда бўлиш имконига эга эмасман. Акс ҳолда, бажону дил маъшуқангизнинг уйи олдида соқчилик қилиб, сизларни хавфу хатардан қиличим билан ҳимоя қилардим. Бугун ҳеч иложим йўқ, бошқа сафар ихтиёрим сизда бўлади. Хафа бўлмайсиз.



— Бугун мен сизни бирга олиб юролмайман, жаноб де Мержи.

Ана шу жуда оддий гапни айтар экан, Бевиль галати бир тарзда жилмайди.

— Бўпти, сизга омад тилайман! Хайр!

— Мен ҳам сизга *омад* тилайман.

Бевиль «омад» деган сўзни сезиларли даражада таъкид билан айтди.

Улар ажралишди, аммо бир неча қадам ўтишгандан сўнг, Мержи Бевиль чақираётганини эшитди. У ўгирилиб, Бевилнинг ўзи томон келаётганини кўрди.

— Акангиз Париждами?

— Йўқ. Лекин бугун-эрта келиб қолса керак... Марҳамат қилиб айтинг-чи, сиз тунги кўнгилхушликда иштирок этасизми?

— Кўнгилхушликда?

— Ҳа. Ҳамма айтяпти: тунда саройда кўнгилхушлик бўлармиш.

Бевиль нималарнидир минғирлади.

— Майли, бўлмаса, яна бир бор хайр!— деди Мержи.— Мен шошиб турибман... Тушунасиш-ку!..

— Шошманг, шошманг! Бир оғиз гап бор. Ҳақиқий дўст сифатида сизга маслаҳат бермасам бўлмас.

— Қандай маслаҳат?

— Ҳозир *маъшуқангизникига* борманг. Эртага мендан миннатдор бўласиз. Гапимга ишонинг!

— Берадиган маслаҳатингиз шуми? Мен тушуна олмаяпман. «*Маъшуқангиз*», деганингиз ким ўзи?

— Қўйинг, ўзингизни гўлликка солманг. Агар мулоҳазакор одам бўлсангиз, ҳозирнинг ўзида Сенанинг нариги соҳилига жўнаб кетинг.

— Бу нима, ҳазилми?

— Ҳазилингиз нимаси? Мен мутлақо жиддий гапиряпман. Такрор айтаман. Сенанинг нариги соҳилига жўнанг. Агар шайтон жуда васвас қилиб қўймаса, Сен-Жак кўчасидаги яқобинчилар монастири томон йўл олинг. Муқаддас падари бузрукворлардан икки уй ўтгач, харобгина бир кулба келади. Унинг пештоқига катта ёғоч бут илинган. Белгиси галатироқ, лекин бунинг аҳамияти йўқ. Тақиллатсангиз, хушмуомала бир кампир эшикни очади ва менга ҳурмати юзасидан сизни бошига қўйиб кутиб олади... Юрагингизда ловуллаётган ишқ ўтини нариги соҳилга олиб ўтинг. Брюлар холанинг хушрўйгина офатижон жиянлари бор... Гапимни уқдингизми?

— Саховатингизга раҳмат. Чин юракдан миннатдорман.

— Йўқ, рост айтяпман, гапимга киринг. Дворян номуси-ла қасам ичаманки, у ерда роҳат қиласиз.

— Бениҳоя миннатдорман. Бошқа гал, албатта, маслаҳатингизга амал қиламан. Бугун эса мени кутишяпти,— деди Мержи ва кетишга чоғланди.

— Сепанинг нариги соҳилига ўтиб кетинг, дўстим. Сизга айтадиган охириги гапим шу. Менинг гапимга кирмаганингиз учун бошингизга кулфат тушса, ўзингиздан кўринг.

Бевилнинг ғайри одатий жиддий оҳанги Бернари ҳайрон қолдирди. Энди бу гал Бевиль уни эмас, у Бевилни тўхтатди.

— Жин урсин, нима деган гап бу, ахир? Тузукроқ тунунтириб гапирсангиз-чи, жаноб Бевиль! Жумбоқларингизни қўйинг.

— Азизим! Сирасини айтганда, очиқроқ гапиришга ҳаққим йўқ, лекин шундоқ бўлса-да, сизга айтаман: *тун яримдан ошмасдан дарёнинг нариги соҳилига ўтиб олинг. Энди хайр...*

— Лекин...

Бевиль анча нари кетиб қолган эди. Мержи унинг кетидан югурмоқчи бўлди, аммо қимматбаҳо вақтини беҳуда сарф қилаётганидан хижолат чекиб, ўз йўлида давом этди ва ниҳоят, орзиқиб кутган манзилига етиб келди... У ўтган-кетган йўловчиларнинг бутунлай кўздан йўқ бўлишини кутиб, панжара олдида сайр қила бошлади. У аллакимнинг шунақа бемаҳалда боққа кириб кетаётганига йўловчиларнинг эътибори жалб бўлишидан хавотирланар эди. Тун жуда сўлим эди, майин шабада ҳилпираб тургани учун ҳаво дим эмас эди, ой гоҳ сузиб чиқар, гоҳ оппоқ енгил булутлар орасига кириб, кўздан яширинарди. Бу тун муҳаббат учун яратилгандай эди.

Бирдан кўчада жон зоти қолмади. Мержи бир зумда дарвозани очиб кириб, уни овозсиз ёлди. Унинг юраги гушиллаб урарди. Лекин у ҳозир ўзини Диананинг ҳузурда кутаётган роҳат ҳақидагина ўйларди, Бевилнинг ғалати гаплари таъсирида кўнглида уйғонган мудҳиш фикрлар бир зумда тарқаб кетди.

У оёқ учида юриб уйга яқинлашди. Бир дераза қия очиб қўйилган эди, қизил нарда орасидан лампа шишанинг шуъласи тушиб турарди. Бу келишиб қўйилган белги эди. Кўз очиб-юмгунча Мержи маъшуқасининг хосхонасига кирди.

Диана мовий ипак қопланган пастаккина диванда ёнбошлаб ётарди. Унинг қоп-қора узун сочлари ёстиққа ёйилган, кўзлари юмуқ эди — гўё у кўзларини очиш учун ўзи билан ўзи курашаётгандай туюлди. Хонадаги шифтга осиб қўйилган ягона кумуш лампа Диана де Тюржининг оппоқ чехрасини ва қирмизи лабини ёритиб турарди. У ухлаётгани йўқ эди, лекин уни кўрган ҳар қандай одам беихтиёр уни оғир туш кўриб, босинқираяпти, деб ўйлаши турган гап эди. Гиламда Бернарнинг этиги ғарчиллади — Диана бир лаҳзада бошини кўтариб, кўзини очди, лаблари шивирлади; у бутун вужуди билан сесканиб тушди, ичидан ёпирилиб келган даҳшатли шидони у зўр-базўр тийиб қолди.

— Сени чўчитиб юбордимми, фариштам?— сўради Мержи унинг қаршисида тиз чўкиб, соҳибжамол графиня яна бош қўйиб олган ёстиқ узра энгашар экан.

— Келдингми, а? Худога минг қатла шукур-ей!

— Наҳотки, мен кеч қолдим? Ҳали тун оғишига анча бор-ку?

— Мен уни айтаётганим йўқ... Бернар! Кирганингни ҳеч ким кўргани йўқми?

— Биронта тирик жон кўргани йўқ... Уни қўй. Сенга нима бўлди, жонгинам? Нега латиф лабларингни менга тутмайсан?

— Оҳ, Бернар, ҳеч гапдан хабаринг йўқ! Ўтинаман, мени қийнама... Мен қаттиқ азоб чекапман. Бошим тарс ёрилиб кетай деяпти. Худди ўтда ёнаётгандек...

— Шўрлик!

— Яқинроқ ўтир. Лекин бугун сен мендан эргалашиш кутма... Сира ҳолим йўқ.

У бошини ёстиққа буркаб олди, шу заҳоти унинг аянчли фарёди эшитилди. Сўнгра бирдан тирсагига таяниб, кўтарилди-да, юзига тушиб турган қалин сочларини, бош силкиб, орқасига ташлади ва Мержининг қўлидан олиб, уни чаккасига қўйди. Бернар унинг чакка томирлари қаттиқ ураётганини ҳис қилди.

— Қўлини муздек экан, жоним кирапти!— деди у.

— Жонгипам Диана! Сенинг бошинг эмас, меники оғриси бўлмасмиди!— деди Мержи ва унинг ловуллаб турган пешанасидан ўпди.

— Гапингни қара... Биласанми, мен нима тилардим?.. Бармоғингни қовоғим устига қўй, шунда енгилроқ бўлади. Кошки эди, тўйиб-тўйиб бир йиғласам. Шунда оғриқ тўхтармиди? Лекин, афсуски, йиғлолмайман.

Графиня жимиб қолди — сукунат ичида анчагача

унинг ҳансираб, оғир нафас олишигина эшитилиб турди. Мержи диван ёнида тиз чўкканича, унинг юмуқ қовоқларини силар ва ўқтин-ўқтин уларни ўпиб қўярди. У чап қўли билан ёстиққа таянди, маъшуқасининг бармоқлари баъзан унинг бармоқларини жон ҳолатда қисарди. Диананинг ёқимли ва айни чоқда, қайноқ нафаси лабларига тегиб, ҳирсини қўзғарди.

— Жонгинам!— деди у ниҳоят,— менимча, сен бош оғриғидан кўра ортиқроқ бошқа бирор нарсадан изтироб чекяпсан? Нима дардинг бор?.. Дардингни айтиб менга ёрилсанг бўлмайдами? Севмоқ — фақат шодликларнигина эмас, ғаму кулфатни ҳам бирга баҳам кўрмоқ демакдир.

Графиня кўзини очмай, бош чайқади. У лабларини гапга жуфтлади-ю, лекин, барибир, илғаб олгудек бирон гап айтмади; бу зўриқиш уни ҳолдан тойдирди шекилли, бошини Бернарнинг елкасига қўйди. Шу орада соат бир яримга занг урди. Диана сесканиб тушди ва ҳовлиқиб ўрнидан қўзғалди.

— Ростини айтсам, гўзалим, сен мени қўрқитяпсан.

— Ҳечқиси йўқ... Ҳозирча ҳеч гап йўқ,— деди графиня бўғиқ овозда.— Соат занги бирам хунуг-ей! Ҳар занг урганида, миямга қизиган темир урилайтгандай бўляпти.

Диана Бернарга пешанасини тутди, у эса ўпишдан ортиқроқ даво ҳам, жавоб ҳам топа олмади. Қутилмаганда графиня қўлларини узатиб, ошиғининг елкасига қўйди ва аввалгидай ёнбошлаб ётганича, алангали назар билан унга тикилди. Унинг қараши гўё Бернарнинг кўксини тешиб ўтадигандай эди.

— Бернар!— деди у илтижо билан.— Қачон сен бизнинг динимизга ўтасан?

— Фариштам! Бугун шу гапларни қўяйлик! Бошинг баттар оғрийди.

— Менинг бошим сенинг ўжарлигинг туфайли оғрияпти... сенинг эса парвойингга ҳам келмайди. Ҳолбуки фурсат ғанимат. Мабодо ҳозир мен жон берадиган бўлиб қолганимда ҳам, барибир, сўнгги нафасимга қадар сени кўндиришга уринаверардим...

Мержи бўса билан графиняни гапдан тўхтатмоқчи бўлди. Бўса анча мўътабар далил, маъшуқа ошиғига қайси савол билан мурожаат қилмасин, ҳаммасига жавоб ўрнида хизмат қилади. Диана ҳамиша Бернарнинг кўнглига қарар эди, аммо бу гал у қатъият билан ҳаттоки, айтиш мумкин, зарда билан уни силтаб ташлади.

— Менга қаранг, жаноб де Мержи! Мен ҳар куни сизни ўйлаб, сиз тутган хато йўлни ўйлаб, қон йиғлайман. Сизни нақадар севишим ўзингизга аён! Мен ҳаётимдан ортиқ кўрадиган одамим истаган дақиқада жисмини ҳам, руҳини ҳам ҳалок этиши мумкинлигини ўйлаб, нечоғли изтироб чекишимни бир тасаввур қилиб кўринг, ахир!

— Диана! Биз бу тўғрида бошқа гаплашмаймиз, деб келишган эдик-ку!

— Йўқ, шўрлик Бернар, бу тўғрида гаплашиш керак! Ким билсин, эҳтимол, тавба-тазарру қилиш учун бир соат ҳам фурсатинг қолмагандир?

Унинг галати оҳанги ва шамалари беихтиёр Бернارнинг эсига Бевилнинг сирли огоҳлантиришларини солди. Унинг вужудида ўзи ҳам англаёлмаган безовталиқ пайдо бўлди, лекин у шу заҳотиёқ ўзини босди, Диананинг яна насихатгўйлиги тутиб қолганини эса Бернар унинг художўйлиги билан изоҳлаб қўя қолди.

— Нима демоқчисан, гўзалим? Атайин бир гугенотни ўлдириш учун ўтган кеча устимизга парда тушиб кетгандек, ҳозир менинг бошимга шифт қулаб тушади, деб кўрқяпсанми? Ўшанда икковимиз ҳам осон қутулган эдик — ҳамма ёғимиз жиндак чанг бўлди, холос.

— Сенинг ўжарлигинг ҳар қандай одамни ҳам жонидан тўйдириб юборади! Менга қара: тушимда душманларинг сени ўлдираётганини кўрдим... Мен ўз кашишимни бошлаб келишга улгурмай қолдим — сен ҳамма ёғинг қоп-қора қонга буланган, дабдала бўлган ҳолда жон бердинг.

— Менинг душманларим? Менимча, менда душман йўқ.

— Тентак! Сизнинг куфрона таълимotingиздан нафратланувчиларнинг ҳаммаси сизга душман! Бутун Франция сизларга қарши! Ҳа, сен ўзинг худои таолога ва черковга душманлигингча қолар экансан, сенга душман бўлиш ҳамма французларнинг бурчи.

— Бу гапни қўяйлик, фармонбардорим! Туш масаласига келсак, унинг таъбирини кампир Камилла қилсин, бу масалада менинг ҳеч нарсага ақлим етмайди. Бошқа бирон нарсадан гаплашайлик... Сен бугун саройга боргансан шекилли? Сенга азоб бераётган, мени хуноб қилаётган бош оғриғингни ўша ердан орттириб келгансан?

— Ҳа, мен яқинда ўша ердан келдим, Бернар. Мен қиролича билан гаплашдим. Унинг олдидан... сени ди-

нингни ўзгартиришга кўндириш йўлида сўнгги дафъа интилиб кўрмакка қатъий аҳд қилиб чиқдим... Бу зарур! Бу жуда зарур!

— Менга қара, жонгинам!— деб унинг гапини бўлди Мержи,— бетоблигинга қарамай, шунчалик эҳтирос билан панд-насиҳат қилишга кучинг етаётган экан, демак, сенинг ижозатинг билан икковимиз вақтни кўнгилхушлик билан ўтказсак ҳам бўлар экан-да?

Графиня бу ҳазилга ярим газабли, ярим нафратли нигоҳ билан жавоб берди.

— Гумроҳ!— деди у секингина гўё ўз-ўзи билан сўзлашаётгандек.— Нега мен унга такаллуф қилиб ўтиришим зарур экан?

Кейин балаandroқ овозда давом этди:

— Аниқ-равшан кўриб турибманки, сен мени севмас экансан. Сенга мен нимаю отинг нима, барибир экан. Мен билан кайфи сафо қилиб, ҳузур қилсанг бас. Менинг изтиробларим сира ҳам парвойингга келмайди... Мен эса сени деб, фақат сени деб виждон азобларига дош бериб ўтирибман. Азоб бўлганда ҳам шунақанги азобки, унинг олдида энг ёвуз одамлар ўйлаб чиқарадиган уқубатлар ҳам ҳеч гап эмас. Оғзининг бир чеккасидан чиқадиган биттагина сўз билан кўнглим хотиржам бўларди. Аммо сен бу сўзни ҳеч қачон оғзингга олмайсан. Сен мени деб бидъатларингнинг биронтасидан ҳам кечмайсан!

— Қимматли Дианам! Нега менга ёпишиб олдинг? Ахир, адолатли бўл-да! Диний хурофотлар кўзингни кўр қилиб қўймасин. Қани, ўзинг айт: мендан ортиқроқ, мендан мутероқ қулни қаердан топасан? Ахир, менинг бутун ақл-идроким, бутун иродам тўлалигича сенга бўйсунган-ку! Такрор айтаман, сен учун ўлмоққа тайёрман, аммо ишонмайдиган нарсамга эътиқод боғлашдан ожизман.

Бернарнинг гапини тинглаб экан, Диана елкасини қисиб, унга нафратомуз нигоҳ билан тикилиб турарди.

— Мен сени деб кўнғир сочимни малла қилолмайман,— деб давом этди у.— Сенинг хоҳишинг билан жуссамни ўзгартира олмайман. Менинг эътиқодим ҳам, азизим Диана, вужудимнинг бир бўлаги. Уни вужуддан ажратаман деган одам ҳаётим эвазига ажратади. Менга йигирма йил таълим беришганда ҳам, ҳеч қачон ишонмайманки, бир бурда нон...

— Жим бўл! Шаккоклик қилма!— деб унинг гапини бўлди Диана ҳокимона оҳангда.— Менинг ҳамма ури-

нишларим беҳуда кетди. Даҳрийлик иллоти теккан одамларнинг ҳаммаси чўян бош! Сиз ҳаммангиз ҳақиқат олдида кўр ва карсиз! Сиз эшитишдан ва кўришдан кўрқасиз. Аммо сиз ортиқ ҳеч нарса кўрмайдиган ва ҳеч нарса эшитмайдиган вақт келди... Черковнинг тапасини кемириб ётган жароҳатдан қутулишнинг фақат бир йўли бор. Бугун шу йўлни қўллашади.

У ҳаяжон ичида хона бўйлаб юра бошлади, сўнг яна гапира кетди:

— Бир соат ўтар-ўтмас даҳрийлик аждарининг етгала боши ҳам кесиб ташланади. Қиличлар қайралган, садоқатли одамлар шай туришибди. Кофирлар ер юзидан супуриб ташланади.

У қўли билан хонанинг бурчидаги соатга ишора қилди.

— Ана кўр, тавба-тазарру қилишининг учун атиги чорак соат вақт қолди. Соат мили анави нуқтага етиб бориши билан қисматининг ҳал бўлади.

У гапини тугатиб улгурмай, аллақандай сурон эшитилди. Бу сурон ёнғин пайтида саросимага тушган оломоннинг суронини эслатарди. Аввалига олисдан ғирашира эшитилган сурон борган сари зўрая берди. Бир неча дақиқадан сўнг эса жом чалингани ва ўқ товушлари баралла эшитила бошлади.

— Капалагимни учириб юбординг-ку!— деб хитоб қилди Мержи.

Графиня дераза олдига югуриб бориб, уни ланг очиб юборди.

Энди на дераза, на унинг пардалари суронни тўсаётгани йўқ эди — у баралла эшитиларди. Сурон орасида азобдан фарёд қилаётганларнинг ҳам, ғалаба напъасидан завқланаётганларнинг ҳам нидоси бор эди. Кўз етган жойга қадар шаҳар устида кўкка қараб жигарранг тутун ўрламоқда. Бунинг барчаси ҳақиқатан ҳам улкан бир ёнғинга ўхшарди. Хонанинг ичи бир зумда дудга тўлди, бу дуд сон-саноқсиз машъалалардан ҳосил бўлганди. Бунинг кетидан ялпи отилган милтиқлар шуъласи қўшни уйнинг деразаларида ялт этиб акс этди.

— Қирғин бошланди!— деб хитоб қилди графиня даҳшат ичида бошини ушлаб.

— Қанақа қирғин? Нималар деясан?

— Тунда ҳамма гугенотларни қириб ташлашади. Қирол шундай буюрган. Ҳамма католиклар қўлига қурол олган, биронта ҳам даҳрий қисматидан қочиб қутулол-

майди. Черков ва Франция қутқариб қолинди. Сен ҳам сохта динингдан воз кечмасанг, муқаррар, ҳалок бўласан.

Мержининг вужудини совуқ тер қоплади. У саросима билан Дианага термилиб турарди — унинг чеҳрасида даҳшат ва айни чоқда шодонлик ифодаси бор эди. У ўз қулоқлари билан эшитаётган ғазабнок сурон энди бутун шаҳарни тутганди. Бу сурон Диана айтган даҳшатли хабар чин эканлигидан далолат берарди. Бир неча дақиқа графиня турган жойида қимир этмай, чурқ этиб оғиз очмай, Бернарга синчиклаб тикилиб қолди. Бармоғи билан у деразага ишора қилди — афтидан, у Бернарнинг тасаввурига таъсир қилиб, «Шаҳар устидаги шафаққа, одамхўрларнинг ёвуз ҳайқириқларига қараб, кўчада қон тўкилаётганини кўз олдинга келтир», демоқчи бўлди шекилли. Секин-аста графинянинг юзидаги ифода юмшай борди. Ёвуз шодонлик ифодаси йўқолиб, даҳшат ифодасигина қолди. Ниҳоят, у тиз чўкиб, илтижо билан гапира бошлади:

— Бернар! Ўтиниб сўрайман сендан — ўзингни ҳалок этма! Бизнинг динимизга кир! Ўзингни ҳам, мени ҳам ҳалок этма. Ахир, мен бутунлай сенга боғлиқман.

Мержи унга ёввойи назар билан боқди-да, орқасига тисарилиб, ундан ўзини олиб қочди, графиня эса қўлларини унга чўзганча, унга эрганиб, тиззаси билан эмаклади. Бернар унга бирон оғиз жавоб айтмай, хонанинг тўрида турган креслога ташланди-да, унинг устига қўйган қиличини олди.

— Ҳой бахти қаро! Нима қилмоқчисан? — хитоб қилди унинг қошига югуриб келган графиня.

— Ўзимни ҳимоя қилмоқчиман. Мен қўй эмаски, сўйишларига индамай туриб берсам!

— Эсингни еб қўйибсан! Бир эмас, мингта қилич ҳам жонингга ора кира олмайди. Қирол гвардияси, швейцарлар, зодагонлар, шаҳар аҳли, хуллас, ҳамма қиргинда иштирок этипти. Кўксига ўнта ханжар қадалмаган биронта ҳам гугенот йўқ ҳозир. Сен учун ҳалокатдан қутулишнинг фақат битта чораси бор — католик динига ўтишинг керак.

Мержи довюрак йигит эди, аммо бугунги тун унинг учун нақадар мудҳиш хатарларга тўла эканини тасаввур қилиб, кўнглида бир лаҳза ҳайвоний қўрқув туйғуси уйғонганини ҳис қилди. Қолаверса, ота-боболарининг динидан воз кечиш эвазига ўзини қутқариб қолиш ҳақидаги ўй миясидан яшишдек ялт этиб ўтди.



— Католик динига ўтсанг, жонинг омон қолишига кафилман, — Диана қўлини қовуштириб илтижо қиларди.

«Агар воз кечсам, кейин бутун умр ўз-ўзимдав нафратланиб ўтаман», деб ўйлади Мержи.

Шундай деб ўйлаши биланоқ, унинг руҳи яна тетик, аҳди қатъий бўлиб қолди. Бунинг устига бир лаҳзалик ожизлиги учун хижолат туйғуси унинг қатъиятига қатъият қўшди. У шляпасини бостириб кийиб, камарини тақди, чап қўлига қалқон ўрнига плашини ўради-да, қатъий қадам ташлаб эшик томон йўл олди.

— Қаёққа кетяпсан, Бернар?

— Кўчага. Мени сизнинг уйингизда, сизнинг кўз ўнгингизда сўйишларини истамайман — бу иш сизга манзур бўлмаса керак.

Унинг овозида эшитилган чуқур нафрат графиняга ёмон таъсир қилди. У Бернарнинг йўлини тўсиб олди. Бернар уни итариб ташлади, итарганда ҳам дағаллик билан итарди. Шунда графиня унинг этагига ёпишиб олиб, ортидан тиззасида судрала бошлади.

— Қўйиб юборинг мени! — қичқирди у. — Нима бало, мени қотиллар қўлига тутқазмоқчимисиз? Гугенотнинг маъшпуқаси ўз худосига унинг қонини қурбон қилади-ю, шу билан гуноҳларини ювадими?

— Кўчага чиқма, Бернар. Ўтинаман. Менинг фақат бир истагим бор — сенинг омон қолишинг. Менинг бахтимга омон бўл, жоним! Муҳаббатимиз ҳаққи ўзингни побуд қилма!.. Фақат бир сўз айтсанг, кифоя, омон қоласан.

— Мен қотиллар ва босқинчилар динини қабул қилайми? Ҳақ йўлида азоб тортаётган авлиёю анбиёлар! Мана, мен ҳузурингизга боряпман.

Мержи бир юлқинган эди, графиня муккаси билан ера йиқилди. У эшикни очётганда, Диана навқиров йўлбарсдай сапчиб туриб, унга ёпишди ва уни бақувват эркакникидан ҳам зиёдроқ куч билан қучоқлаб олди.

— Бернар! — деб қичқирди у кўзида ёш билан ўзини билмай. — Католик бўлганингдан кўра сени шу ҳолатингда ортиқроқ севаман!

Графиня уни диванга судраб борди ва у билан бирга йиқилиб, унинг юзидан сон-саноқсиз бўса ола бошлади. Бернарнинг юзи унинг кўз ёшларидан жиққа хўл бўлди.

— Шу ердан қимирлама, менинг ёлғиз муҳаббатим. Мени ташлаб кетма, баҳодир Бернарим! — дея графиня

уни маҳкам қучганича ҳадеб такрорларди. Графиня ўл-жасини чирмаб олган плондек, Бернарга чирмашиб кет-ганди.— Улар сени бу ердан, менинг қучоқларимдан излашмайди. Сенинг кўксингга етиб бориш учун улар аввал мени ўлдиришсин. Кечир мени, севгим. Ҳаётинг хавф остида эканини айтиб, сени огоҳлантиролмадим. Тилим боғлиқ эди — мен қасам ичгандим. Аммо мен ё сени қутқариб қоламан, ёхуд сен билан бирга жон бе-раман.

Шу пайт бирдан ташқари эшик қаттиқ тақиллаб қолди. Графиня қўрқувдан чиқиб юборди, Мержи эса уни қучоғидан юлқиниб чиқди. Унинг чап қўлида ҳамон плаш ўроғлиқ эди. Шу тобда у ўзида шундай қуд-рат ва шундай қатъият ҳис этдики, агар қаршисида юзта каллакесар пайдо бўлганда ҳам, иккиланмай уларга қар-ши жангга ташланарди.

Париждаги деярли ҳамма уйларнинг эшигига темир панжара тutilган кичкинагина чорбурчак туйнукча қи-линган эди. Уй эгаси шу туйнукдан қараб, келган одам-ни кўриб, эшикни очинг-очмасликка жазм қиларди. Мабо-до таслим бўлганда ҳам чинакам қамалдан кейингина таслим бўлишга кўнадиган кўпгина эҳтиёткор одамлар ҳатто йўгон миҳлар билан темир тасмалар қоқиб маҳкам-ланган бақувват дуб эшиклар ортида ҳам ўзларини беҳа-тар ҳис этмас эдилар. Шунинг учун эшикнинг иккала то-монига торгина шинаклар қилинган бўлиб, ўзи панада турган ҳолда у ердан қамал қилувчиларга қарши ўқ отиш мумкин эди.

Графинянинг ҳамма сир асроридан воқиф бўлган кекса отбоқар туйнукдан қараб, ким эшик қоқганини кўрди-да, роса суриштиргач, бекасига капитан Жорж де Мержи ичкарига киритишни сўраб илтижо қилаётганини айтди. Графиня билан Бернар енгил тортишди. Эшик очилди.

### *Иигирма иккинчи боб*

### **ИИГИРМА ТҮРТТИНЧИ АВГУСТ**

*Қон оқизинг! Қон оқизинг!  
Маршал Таваннинг буйруғи*

Жорж отрядини ташлагач, укасини учратиш умидида уйига шошилди, бироқ укаси хизматкорларга, кечаси келмайман, деб кетган экан. Жорж укасининг графиня-шикида эканини фаҳмлади-да, ўша ёққа югурди. Аммо

қирғип аллақачон бошланиб кетган эди. Ҳар қадамда Жорж тала-тўполонга, каллакесарлар галасига дуч келди: кўп жойларда кўча зашжир тортиб, тўсиб қўйилганди. Жорж Луврнинг ёнидан ҳам ўтди — мутаассиблик бу ерда айниқса авжида эди. Бу атрофда истиқомат қиладиган протестантлар кўп эди, шунинг учун бу ерга беҳисоб католиклар, швейцарлар тўпланиб олиб, протестантларни қиличдан ўтказишмоқда эди. Ўша пайтдаги ёзувчилардан<sup>32</sup> бирининг ибораси билан айтганда, «қон ҳар томондан ирмоқчалар ҳосил қилиб, дарёга оқмоқда эди». Мабодо кўчада кетаётган бўлсангиз, эҳтиёт бўлишингиз лозим эди, негаки, ҳар лаҳзада деразалардан улоқтирилаётган жасад бошингизга тушиши мумкин эди.

Қотилларнинг ёвуз тадбиркорлиги шунда ҳам кўриндики, улар ҳамма вақт соҳилда турадиган қайиқларнинг биронтасини ҳам қолдирмай нариги қирғоққа ўтказиб юборишипти. Шундай қилиб, қайиқда нариги қирғоққа ўтиб, душман хуружидан омон қолишга умид боғлаб, бу ерга келган ва ҳозир Сена соҳилида саросима ичида югуриб юрганларнинг кўпчилиги учун ё дарёда чўкиб ўлиш ёхуд уларни тириқтириб қувиб юрган солдатларнинг қиличига бошини тутиб беришдан ўзга илож қолмаганди. Айтишларига қараганда, сарой деразаларидан бирида Карл IXни ҳам кўриш мумкин экан. У узун аркебуза билан қуролашиб олиб, «овни отиб олиш» билан, яъни шўрлик қочоқларни қириш билан машғул экан.<sup>33</sup>

Ҳамма ёғига қон сачраган капитан мурдалар устидан ҳатлай-ҳатлай кетиб борарди. Одамхўрлардан бири адашиб, ҳар лаҳзада уни ҳам ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмас эди. У солдатлар билан қуролашган шаҳар аҳлининг қўлида боғичи борлигига, шляпасига оқ бут қадаб олганига эътибор қилди. У ҳам мана шу нишонларни тақиб олиши мумкин эди, бироқ қотилларга нафрати шу қадар зўр эдики, уларнинг бир-бирларини таниб олишга хизмат қилувчи нишонларидан ҳазар қилди.

Шатленинг яқинида — дарё соҳилида уни кимдир чақирди. У ўгирилиб қараб, тиш-тирноғигача қуролашган одамни кўрди. Гарчи унинг шляпасига оқ бут қадалган бўлса-да, у қуролини ишлатмаган кўринади. У бамайлихотирлик билан қўлида бир парча қоғозни айлантириб турарди. Бу одам Бевиль эди. У тегирмон кўприкдан тирикларни ҳам, ўликларни ҳам аралашига дарёга улоқтиришларини бепарволик билан кузатиб турарди.

— Бу ерларда нима қилиб юрибсан, Жорж? Нима бало, мўъжиза рўй бердимми дейман? Оллои таоло динимизни сидқидилдан ҳимоя қилишни юрагингга солдимми? Кўриб турибман, гугенотларни овлаётганга ўхшайсан.

— Сен ўзинг бу аблаҳларнинг орасига қандай тушиб қолдинг?

— Ким менми? Жин урсин, мен кузатяпман. Хўп ажойиб томоша бўляпти-да! Э, сен ҳали менинг устмонлигимдан хабаринг йўқ. Мени бошлаб шилиб олган гугенот судхўр бор эди-ку, эсингдами? Мишель Корнабон деган чол.

— Аблаҳ! Уни ўлдирдингми?

— Менми? Ўлдирдинг, дейсанми? Э-э! Мен диний эътиқод ишларига аралашмайман. Ўлдиришинг нимаси, уни подвалимга яшириб қўйдим, у эса бунинг эвазига ҳамма қарзлардан қутулганим ҳақида тилхат берди. Шундай қилиб, мен эзгу бир иш қилдим, шу ондаёқ унинг эвазига мукофот олдим. Рост, ундан тилхатни тезроқ ундириш учун чаккасига икки бор тўппонча тирашга тўғри келди. Лекин, ўлай агар, отишга тўғри келса, барибир, отмас эдим... Ана қара, қара! Анави аёлнинг этаги хомага илиниб қолипти. Ҳозир йиқилади... Йўқ, йиқилмади! Оббо, лаънати-ей! Ғалати, а? Яқинроқ бориш керак.

Жорж унинг ортидан бормади. «Ахир, у шаҳардаги ҳамма дворянлар орасида энг ҳурматга сазоворларидан бири эди-я!»— деб ўйлади у бошига муштани уриб.

У Сен-Жос кўчаси бўйлаб кетди. Кўча кимсасиз ва қоронғи эди, афтидан, бу кўчада реформатлардан ҳеч ким истиқомат қилмаса керак. Лекин теварак-атроф олағовур эди. Бу кўчада олис-олислардаги сурон ҳам аниқ эшитилиб турарди. Тўсатдан машъалаларнинг қизғиш ёғдуси оппоқ деворларни ёритиб юборди. Чипқирган овозлар эшитилди. Унинг орқасидан Жорж сочлари ёйилган, яланғоч аёлни кўрди. Унинг қўлида боласи бор эди. У ақл бовар қилмайдиган тезлик билан югуриб борарди. Унинг ортидан иккита эркак қувиб келарди. Улар йиртқич ҳайвонни қувиб бораётган овчилардек қийқириб, бир-бирларига далда беришарди. Аёл тор кўчага буриламан деганда, қувлаётганлардан бири унга аркебузадан ўқ узди. Ўқ аёлнинг орқасига тегди. У чалқанча йиқилди. Йиқилди-ю, шу заҳоти сапчиб туриб, Жорж томонга бир қадам ташлади ва охириги кучларини йиғиб туриб, боласини унга узатди — гўё у ўз фарзандини

Жоржнинг олижаноблигига сифиниб топшираётгандай эди. Шундан кейин аёл бир оғиз сўз айтолмай жон берди.

— Яна битта даҳрий қанжиқ асфаласофилинга кетди,— деб қичқирди аркебузадан отган одам.— Унтасини ўлдирмагунча хотиржам бўлмайман.

— Аблаҳ!— деб қичқирди капитан ва унга тўпшончасидан ўқ узди.

Қаллакесар боши билан деворга урилди. Бир зумда унинг кўзлари шокосасидан чиқиб кетди, оёғи сирғалиб, ўзи таянчсиз қолган ёғочдай, гурсиллаб ерга йиқилди.

— Войдод! Католикни ўлдириб қўйди!— деб қичқирди унинг шериги. Унинг бир қўлида машъала, иккинчи қўлида қонга беланган қилич бор эди.— Қимсиз ўзингиз? Епирай! Қиролнинг енгил сувориларидан экансиз-ку! Ана буни қаранглар! Хато қилиб қўйдингиз, жаноб офицер!

Капитан белбоғидан иккинчи тўпшончани олиб, тепкисини кўтарди.

Қаллакесар Жоржнинг бу ҳаракати нима оқибатга олиб келишини жуда яхши биларди. У машъалани ташлаб, орқасига қарамай қочиб қолди. Жорж унга ўқни ҳайф кўрди. У ерда чўзилиб ётган аёлнинг устига эгилиб, уни қўли билан ушлаб кўрди ва ўлганига ишонди. Ўқ орқасидан кириб, кўкрагидан чиққан эди. Гўдак заиф қўлчалари билан унинг бўйнидан қучоқлаб олиб, қичқириб йиғларди. Унинг ҳамма ёғи қон эди. Лекин у қандайдир мўъжиза билан ярадор бўлмай қолганди. Бу тўқнашувдан кейин ортиқча эҳтиёткорлик зарар қилмаслигини сезган капитан ўлган одамнинг шляпасини ердан олди-да, унга қадалган оқ бутни олиб, ўзининг шляпасига қадади. Шу тадбири туфайли у бирон корҳолга учрамай графиняни кигига етиб олди.

Ака-укалар бир-бирларининг қучоқларига отилишди. Кейин қучоқлашганлари кўйи бирон оғиз гап айтишга мажоллари бўлмай анча ўтиришди. Ниҳоят, капитан шаҳарда нималар бўлаётганини қисқа қилиб айтиб берди. Бернар қиролга ҳам, гизларга ҳам, попларга ҳам лаънат ёғдирди ва диндош биродарлари қаршилиқ кўрсатишга уриниб кўришса, кўчага чиқиб, уларга кўмаклашишга аҳд қилди. Графиня кўзда ёш билан уни қайтарди, бола эса бўзлаб, онасини изларди.

Бироқ ниҳоясиз йиғлаб-сиқтамоқ, оҳ уриб, фарёд чекмоқ мумкин эмас — ниҳоят, улар энди нима қилиш

кераклиги тўғрисида маслаҳатлана бошлашди. Графинянинг отбоқари болага қарайдиган бир аёл топадиган бўлди. Бернарнинг кўчага чиқиши ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Чиққанда қаерга яширинади, кимдан бошпана топади? Ҳозир қирғин бутун Франция бўйлаб давом этмаётганига ким кафил бўлади? Кўприкларни беадад гвардиячилар отрядлари қўриқлаб турипти. Бўлмаса, реформатлар кўприк орқали Сеп-Жерменга ўтиб олишлари, у ердан эса жанубдаги вилоятларга қочишлари мумкин эди — жанубий вилоятлар аввалдан протестантларга хайрихоҳ эди. Давлатпаноҳдан шафқат тилаш беҳудагина эмас, тентаклик бўларди, негаки, унинг ўзи жазавага тушиб, борган сари кўпроқ қурбон талаб қилмоқда эди. Графиня художўйлиги билан донг чиқарган эди, шунинг учун каллакесарлар унинг уйини синчиклаб тинтиб кўришади, деб ўйлаш қийин эди, хизматкорларидан эса Диананинг кўнгли тўқ эди. Шунинг учун унинг уйи Бернар учун ишончли бошпана бўла оларди. Ҳозирча уни шу ерга яшириб туришга қарор қилиб, кейинчалик яна ўйлашиб кўрадиган бўлишди.

Тонг отиб, кун ёришганида ҳам қирғин тўхтамади, аксинча, у яна ҳам шафқатсизроқ тус олди. Даҳрийликда айблашларидан қўрқиб, шляпасига оқ бут қадамаган, қўлига қурол ушламаган ёхуд бирон панада жон сақлаб қолган гугенотни чақиб қолиш учун югурмаган биронта ҳам катolik йўқ эди.

Қирол саройда хонасига кириб, беркиниб олди, унинг ёнига каллакесарларнинг раҳнамоларидан бўлак ҳеч кимни йўлатишмади, талон-торожда иштирок этиш қасдида юрган авом одамлар шаҳар лашкарига ва солдатларга қўшилишди, черковларда руҳонийлар диндорларни ҳеч кимга шафқат қилмасликка ундашди.

— Илоннинг бошини янчиб ташлаймиз, шу билан граждaнлар урушига биратўла чек қўямиз! — дейишарди улар.

Қонга ташна, башоратларга ўч одамларга оллонинг ўзи уларнинг ғазабкорлигини алқаетганини ва уларни илҳомлантириш учун бир ажиб мўъжиза рўй берганини исбот қилиш мақсадида руҳонийлар чор атрофда ҳайқаришарди:

— Ўлдирилган гўдаклар қабристонига боринглар! У ердаги дўланани кўринглар! Дўлана яна гулланти. Уни даҳрийларнинг қони билан суғоришган экан, дўлана авж олиб кетипти.

Сон-санoқсиз одамлар тантанавор сафларга тизилиб,

қабристон томонга оқа бошлашди. Бу қуролли каллаке-сарлар қабристонга бориб, муқаддас дўланага топинишар ва у ердан оллонинг ўзи белги бериб, ошқора лаънатла-ётган даҳрийларни излаб топиб, ўлдиришга қатъий аҳд қилиб қайтишарди. Ҳамманинг оғзида Екатерина айтган гап. Гўдаклар ва аёлларни сўя туриб, шу гапни такрор-лашарди: *Che pietá lor ser crudele, che crudeltá lor ser pietoso* — яъни энди одам шафқатсиз бўлмоғи керак, ким-ки шафқатсиз бўлса, у одамдир.

Таажжубланидиган жойи шундаки, деярли ҳамма протестантлар урушда бўлишган, шиддатли жангларда иштирок этишган, улар кўпинча душман сон жиҳатдан устун бўлишига қарамай, довюраклик кўрсатиб, ғалаба-га эришган одамлар эди, аммо ана шу қирғин давомида *атиға иккита* протестантгина, гарчи ожизлик билан бўл-са-да, ҳар қалай, каллакесарларга қаршилиқ кўрсатиш-ди. Қизиғи шундаки, бу икковидан фақат биттаси илгар-и урушда бўлган экан. Балки, жанговар тартибларга амал қилиб, сафда жанг қилишга кўникиб қолганлари уларга якка-якка қаршилиқ кўрсатишга, ўз уйини истех-комга айлантиришга халақит бердимикин? Ҳар қалай, жангда суяғи қотган одамлар куни кечагина қаршила-рида зир титраган аблаҳларга қурбонликка аталган қўй-дай бўғизларини тутиб бердилар. Улар мутеликни мард-лик деб билдилар, қаҳрамон шухратидан шаҳидлик шух-ратини афзал кўрдилар.

Қонга ташналиқ бир қадар қонгандан кейин, калла-кесарлар ичидаги энг шафқатлилари ўз ўлжаларига динларидан воз кечин эвазига ҳаётларини сақлаб қо-лишни таклиф этишди. Лекин уларнинг бу таклифидан жуда оз одам фойдаланди. Улар азоб-уқубатлар ва ўлим-дан қутулиш учун ёлғон ишлатишга мажбур бўлишди. Бунинг учун, аҳтимол, уларни унча қораламаса ҳам бў-лар. Аёллар ва гўдакларнинг бошлари узра қилич кўта-риб туринса-да, улар ўз динларига содиқ қолиб, қарши-ликсиз қурбон бўлдилар.

Икки кундан кейин қирол қирғинни тўхтатмоқчи бўлди, лекин оломоннинг насткаш туйғуларига ихтиёр берилса, кейин уни эслаб олиш жуда машаққат бўлади. Ханжарлар зарб беришда давом этаверди. Қиролнинг ўзи-ни кофирларга ён босишда айбланшди. Шундан кейин қи-рол шафқатга чақириб қилган хитобини қайтиб олишга мажбур бўлди ва ёвузликда ақл бовар қилмайдиган иш-лар қилди. Айтиш керакки, ёвузлик ҳамиша унинг феъ-ли атворидаги асосий белгилардан бири эди.

Варфоломей тунидан кейин дастлабки тунларда акаси тез-тез келиб, Бернарнинг ҳолидан хабар олиб турди. У ҳар келганида кўз ўнгида содир бўлган даҳшатли воқеалар ҳақида гапириб берарди.

— Каллакесарлар ва одамхўрлар ўлкасидан бош олиб чиқиб кетадиган кун қачон келаркин?— деб хитоб қилди Жорж.— Французлар орасида яшагандан кўра ваҳший ҳайвонлар орасида яшаш минг карра аъло.

— Мен билан Ла-Рошелга кета қол,— деди Бернар.— У ерда ҳали каллакесарларнинг қўли баланд келмаган бўлса, ажаб эмас. Кел, бирга нобуд бўлайлик! Динимизнинг шу сўнги таянчини ҳимоя қилишда қатнашсак, диндан чиққанинг унут бўлиб кетарди.

— Мен-чи? Мен нима қиламан?— деб сўради Диана.

— Яхшиси, Германияга кета қолайлик. Ё бўлмаса, Англияга борайлик,— деб эътироз билдирди Жорж.— У ерда лоақал бежавотир яшаймиз-ку. Бизга ҳеч ким пичоқ кўтармайди, биз ҳам ҳеч кимга пичоқ санчмаймиз.

Уларнинг нияти рўёбга чиқмади. Қиролга бўйсунидан бош тортгани учун Жоржни турмага тиқишди. Графия эса севгилисининг қўлга тушиб қолишидан хавотирда эди, уни бир амаллаб Париждан қочиб чиқиб кетишига ёрдамлашиш ҳақида ўйларди.

### *Иигирма учинчи боб*

## ИККИ МОНАХ

Калласига қўндиряшиб қалпоқни,  
Бир лаҳзада тайёрлашди монахни.  
*Халқ қўшиғи*

Орлеандан бир оз қуйироқда, Божансига яқин жойда, Луара соҳилига жойлашган қовоқхонада ёшгина монах стол ёнида ўтирибди. У жигарранг ридосига қўшиб тикилган каттакон қалпоғини бир оз тушириб қўйиб дуо китобини берилиб ўқимоқда. Лекин у негадир қироатхонлик учун анча қоронғи бурчакни танлаганди. Белбоғида осилиб турган тасбеҳининг доналари каптар тухумидан ҳам йирикроқ эди. Қаноц билан белбоғига осиб олган бир талай санамлари қимир этиши билан шарақа-шуруқ овоз чиқарарди. У бошини кўтариб, эшикка назар ташлаган пайтларда бежирим оғзи ва турк камонидай буралган мўйлови кўриниб қоларди. Мўйлови шунақанги хуш-



бичим эдики, қўшинда хизмат қиладиган ҳар қандай капитанга ҳам ҳусн бўлиб тушини мумкин эди. Унинг қўллари оппоқ, тирноқлари узун, ҳафсала билан кертилган эди. Буларнинг ҳаммаси кишини, ёш монах йигит диний қонун-қоидаларга кўнда риоя қилавермас экан, қўлига ҳеч қачон на белкурак, на паншаха ушламаган кўринади, деб ўйлашга мажбур қиларди.

Икки бети қип-қизил, тўладан келган деҳқон аёл унинг ёнига келди. Бу аёл қовоқхонада ҳам оқсоч, ҳам ошпаз эди. Буларни ҳам қўяверингу, у шу қовоқхонанинг эгаси эди. Аёл монах қаршисида бесўнақаёй татзим қилиб, сўради:

— Нега энди, падари бузруквор тушликка ҳеч нарса буюрмадингиз. Кун яримдан оғиб қолди-ку?

— Божансидан келадиган кемадан дарак борми?

— Қим билсин, дейсиз! Сув пасайинти. Сузиш қийин бўлади. Лекин ҳали кема келадиган вақт бўлгани ҳам йўқ. Сизнинг ўрнингизда бўлсам, бемалол тушлик қилиб олардим.

— Майли, тушлик қилсам қила қолай. Лекин холироқ хонангиз йўқми? Бу ер жуда ҳам қўланса экан.

— Анчагина инжиқ экансиз, падари бузруквор. Менга ҳеч нарса билинаётгани йўқ.

— Қовоқхонангиз теварағида тўнғиз куйдиришяптими, дейман-да!

— Тўнғиз, дейсизми? Қизиқ экансиз-ку! Тўнғиз эмиш! Ҳа, тўнғиз деса ҳам бўлади. Улар тўнғиз. Аллаким ҳам тўғри айтган эди — улар тўнғизга ўхшаб яшайди. Лекин бу тўнғизларни еб бўлмайди. Улар, мени афв этинг, падари бузруквор, гугенотлар. Бу ердан юз қадамча нарида уларни гулханда ёқиняпти. Шунинг учун бу ердан жизгинак ҳиди келяпти.

— Гугенотлар?

— Ҳа, гугенотлар. Сизга нима? Ўшаларни деб иштаҳангиз бўғилиб ўтирмасин. Тушлик қилиб олишингиз учун бирор холи хона топиб берарман, фақат ҳазар қилмасангиз, бас. Йўқ, энди гугенотлар унча қўланса бўлмай қолди. Лекин уларни гулханга ташламаса, ана унда кўрардингиз. Улар шунақа сассиқки, бурнингизни беркитсангиз ҳам чидаёлмайсиз. Бугун эрталаб улар қумда уюлиб ётишганди. Баландлиги қанча келади десам экан? Манави тошчалик бордир.

— Сиз жасадларни кўргани бордингизми?

— Улар яланғоч бўлгани учун шунақа деб сўраяпсизми? Ахир, улар ўлик-ку, ҳазрат. Бунинг ҳеч бир

ажаблападиган ери йўқ, уларни кўриш — ўлган қурбақани кўришдай гап-да? Кўриниб турипти, кеча Орлеанда роса тузлашганга ўхшашади уларни — Луарада бу даҳрий лаққалар озмунча оқиб келдими. Дарё саёз бўлиб қолган. Шунинг учун ҳар куни қумдан ўлик топишади. Кеча тегирмончининг хизматкори, «балиқ илинмадимикин», деб тўрларини кўргани борган экан, қараса, тўрига аёл жасади илиниб ётганмиш. Унинг қорнини алебарда билан ёриб ташлаштипти. Қаранг, найза манави еридан кириб, манави жойидан, икки курагининг ўртасидан чиқтипти. Хизматкорга қолса-ку, балиқ илингани маъқул эди-я!.. Ие, ҳазрат, сизга нима бўлди? Кўнглингиз айниятими? Истасангиз, тушликдан олдин Божанси виносидан бир стакан келтириб бераман. Дарров беҳузурлигингизни кўтаради.

— Миннатдорман.

— Қани, айтнинг бўлмаса, тушликка нима буюрасиз?

— Нимангиз бор ўзи? Борини бераверинг. Менга барибир.

— Шундоқ бўлса ҳам, айтнинг. Мақтанмайману, лекин қазноғим тўла...

— Майли, бўлмаса, жўжа қовура қолинг. Энди менинг қироатимга халақит берманг.

— Жўжа дейсизми? Жўжа-я! Вой-бў-ў, ҳазрат, хўб қизиқ гап қилдингиз-ку! Ахир, одамлар рўза тугавериб, оғзини ўргимчак тўри қоплаб кетди-ку! Сиз рўза тутмайсиз шекилли? Бундан чиқди, сизга жума кунлари жўжа тановул қилишга папа рухсат берган экан-да?!

— Э-э, эсим қурсин менинг!.. Дарвоқе, бугун жума-я! *Жума кунлари гўштли овқат еманглар.* Менга қуймоқ қилиб бера қолинг. Раҳмат, вақтида эсимга солдингиз, бўлмаса, гуноҳга ботишим ҳеч гап эмас эди.

— Уларнинг ҳаммаси ҳам бир гўр!— деб мингирлади ўзича аёл.— Айтмасанг, рўза куни ҳам жўжани паққосидан тушираверади. Биронта шўрлик аёлнинг шўрвасидан бир тўғрам ёғ топиб олишса борми, оламни босадиган шовқин-сурон кўтаришади.

Шундай деб кўнглини бўшатгач, аёл қуймоқ тайёрлашга киришди, монах эса яна ўқиётган китобига шўнғиди.

— Ave Maria \*, синглим!— деди яна бир монах. Маргарита хола қўлида товани ушлаб, авчагина кат-

\* Севин, Биби Марям! (Лот.)

та қуймоқни ағдармоқчи бўлиб турганида, у қовоқхонага кирган эди.

У оппоқ соқолли, келишган, баланд бўйли, барваста, икки бети қип-қизил чол эди. Аммо унинг қиёфасида ҳаммадан аввал диққатни жалб қиладиган нарса — бир кўзига ҳамда бетининг ярмига қўйиб олган малҳам эди. У французча бемалол гаплашса-да, гапининг оҳангидан француз эмаслиги сезилиб турарди.

У эшикда кўришиши биланоқ ёш монах қалпоғини бостириброқ кийиб олди. Энди унинг юзи бутунлай кўринмай қолди. Аммо Маргарита холани бошқа нарса бениҳоя ажаблантирди: кун иссиқ эди, шунинг учун кекса монах қалпоғини тушириб олган эди, лекин ичкарида ўтирган монахни кўриши билан у ҳам қалпоғини дарров бостириб кийиб олди.

— Айни тушликка келдингиз, тақсир,— деди қовоқхона эгаси.— Кутиб овора бўлмайсиз, улфат ҳам топилади.

Шундай деб у ёш монахга мурожаат қилди:

— Падари бузруквор! Сиз мана бу тақсирим билан бирга овқатланишга қарши эмасдирсиз, а? Қуймоқ ҳидини туйиб, бу ерга келипти. Лекин заб қуймоқ бўлди-да! Егни аяганим йўқ.

— Муҳтарам меҳмонни қисинтириб қўймасам, деб қўрқаман,— деб мингирлади ёш монах.

— Мен эльзаслик фақир монахман...— ғўлдиради чол бошини анча эгиб,— французчани ёмон гапираман... Менинг улфатчилигимдан шеригим унча баҳра ололмасмикин?

— Манзиратни қўйинглар,— деб гапга аралашди Маргарита хола.— Бир мазҳабга мансуб икки монахнинг ҳамма нарсаси — ўрин-тўшаги ҳам, еб-ичиши ҳам ўртада бўлади.

Шу сўзларни айтиб, у скамейкани олди-да, ёш монахнинг рўпарасига — стол ёнига қўйди. Кекса монах ёнбоши билан ўтирди — у ўзини ноқулай ҳис қиладигани биллиниб турарди. Афтидан, у диндош биродари билан яккама-якка ёлғиз қолишни истамаса-да, ичини очлик келтираётганидан бунга кўнишга мажбур эди.

Маргарита хола қуймоқ келтирди.

— Қани, тақсирларим, тушлик олдидан ўқийдиган ибодатингизни тезроқ ўқий қолинглар. Кейин мен қилган қуймоқнинг қанақалигини ўзингиз айтасиз.

Ибодат ҳақидаги гап иккала монахни аввалгидан бадтар саросимага солди.

Кичиги каттасига айтди:

— Сиз ўқий қолинг. Сиз мендап улугсиз!

— Йўқ, қўйинг. Сиз менадан аввал келгансиз — ўзингиз ўқийверинг.

— Йўғ-е, яхшиси, сиз ўқинг.

— Маъзур тутасиз.

— Менинг иложим йўқ.

— Буларни нима қилсам экан-а! Ахир бу аҳволда қўймоқ совиб қолади!— деб хуноб бўлди Маргарита хола.— Бунақа серманзират монахлар дунёда кам бўлади. Майли, улуғинлар тушлик олди ибодатини ўқисин, кичигинлар овқатдан кейингисини ўқийди...

— Мен тушлик олди ибодатини фақат ўз тилимда ўқишни биламан,— деди катта ёшли монах.

Ёши таажжублангандай бўлди ва ҳамтовоғига зимдан назар ташлади. Бу орада кекса монах қўлини ибодатга қовуштириб, қалпоғи ичида тушуниб бўлмайдиган аллақандай гапларни минғирлади. Кейин ўрнига ўтирди-да, вақтни беҳуда кеткизмай, бир зумда қўймоқнинг тўртдан уч қисмини туширди ва бир пиша винони қуритди. Унинг шериги тумшугини лаганчадан кўтармай, фақат бир нарса тишлайдиган бўлсагина оғзини очарди. Қўймоқни тугатиб, ўрнидан турди ва қўлини қовуштириб, дудуқлана-дудуқлана бир қанча лотинча жумлаларни айтди. Уларнинг охиргиси: *Et beata viscera virginis Mariae \**, деган жумла эди. Бутун дуодан Маргарита холанинг тушунгани фақат шу жумла бўлди.

— Гуноҳимни ўзинг кечир, парвардигор! Ўқиган дуонгиз жуда ғалати бўлдимиз, тақсир? Бизнинг кашишимиз батамом бошқача ўқийди шекилли?

— Бизнинг қавмимиз шунақа ўқийди,— деб эътироз билдирди ёш монах.

— Кема қачон келади?— деб сўради ўзгаси.

— Яна бир оз сабр қилинг, ҳадемай келиб қолса керак,— деб жавоб берди Маргарита хола.

Афтидан, бу гап ёш монахга манзур бўлмади, лекин у шу муносабат билан бирон гап айтишга журъат этмай, китобини қўлига олиб, яна қироатга берилди.

Эльзаслик монах эса шеригига орқа ўгириб тасбеҳ ўгира бошлади. Унинг лаблари нималарнидир пичирларди.

«Умрим бино бўлиб бунақа ғалати, бунақа камгап

---

\* Биби Марямнинг қоринлари мушаррафдир (лот.).

монахларни кўрган эмасман», деб ўйлаб, Маргарита хола каштасини тика бошлади.

Чорак соат давомида қовоқхонада сукунат ҳокимлик қилди, сўнгра қўққисдан қовоқхонага тўртта қуролланган одам кириб келди. Уларнинг қиёфаси жуда хунук эди. Монахларни кўриб, улар шляпаларига қўл теккизиб қўя қолишди. Улардан бири Маргарита билан саломлашди ва уни яқин олиб, «Марго», деб атади-да, ҳаммадан аввал вино билан тушлик овқат талаб қилди. «Овқатни тезроқ олиб келмасанг, очдан ўлай деяпман, кўпдан бери жағим қимирлагани йўқ»,— деб уни қистади.

— Вино! Вино!— деб жавради Маргарита хола.— Вино чақириш ҳамманинг қўлидан келади, жаноб Буа-Дофен. Лекин унинг ҳақини ким тўлайди? Жером Кредит, ўзингизга маълум, нариги дунёга сафар қилган. Сизлар эса вино, тушлик ва кечки овқатлар учун мендан олти эюдан ортиқроқ қарзсиз. Ёлғон гапиймаётгандирман, ахир.

— Гапларингиз ҳақ,— кулиб туриб унинг гапини маъқуллади Буа-Дофен.— Бундан чиқдики, қимматли Марго, мен сиздан ҳаммаси бўлиб икки эю қарз эканман. Бундан сариқ чақа ҳам ортиқ эмас. (У ўткирроқ ибора қўллади.)

— Ё парвардигор! Шу инсофданми?

— Бўлди, бўлди, саннашни бас қил. Олти эю бўлса, олти эю-да! Бугун бу ерда еб-ичадиганимизнинг ҳамма харжини қўшиб тўлайман, Марго! Гарчи касбимиз сардаромад касб бўлмаса-да, бугун ҳамёним қуруқ эмас. Бу ярамаслар пулини қаёққа қўяр экан, ақлим етмаяпти-да!

— Худди немисларга ўхшаб ютиб юборишса керак,— деди унинг шерикларидан бири.

— Улат тегсин ҳаммасига!— қичқирди Буа-Дофен.— Буни суриштириб билиш керак. Жарақ-жарақ олтинлар даҳрийнинг жасади билан кетса, бунинг роҳатини итлар кўрадимми?

— Бугун эрталаб пасторнинг қизи роса қийқирди-ми!— деб эслатди учинчиси.

— Бақалоқ пастор-чи?— деб гапни илиб кетди тўртинчиси.— Қулавериб, жағим оғриб қолди. Бечора, семизлигидан сувга ботиши кўп қийин бўлди-да.

— Бундан чиқдики, бугун эрталаб ишингиз ўнгидан келипти-да?— деб сўради Маргарита — у ҳозиргина қазноқдан шишаларни кўтариб чиққан эди.

— Ўнгидан келганда қандоқ!— жавоб берди Буа-

Дофен.— Ўнтадан ортиқроқ одамни сувга улоқтирдик, гулханга ташладик. Уларнинг орасида эркаклар ҳам, аёллар ҳам, гўдаклар ҳам бор эди. Лекин шуниси чатоқ бўлдики, Марго, биронтасининг ҳам ёнида сарик чақа йўқ экан. Бекорга овора бўлганимиз қолди. Ҳа-я, тақсир,— деб ёш монахга мурожаат қилиб давом этди у,— биз бугун эрталаб душманларингизни — ҳароми даҳрийларни қатл этдик. Бу савоб иш туфайли гуноҳларимиздан фориғ бўлгандирмиз, а?

Монах унга ялт этиб қаради-ю, яна қироатига тугинди. Лекин унинг китоб ушлаган чап қўли қалтираётгани яққол сезилиб турарди, ўнг қўлини эса жаҳлини босаётган одамдек мушт қилиб тугиб олган эди.

— Айтгандай, гуноҳлардан, фориғ бўлиш тўғрисида бир гап бор,— деди Буа-Дофен шерикларига мурожаат қилиб.— Биласизларми, тақсирим ҳалоллаб берса, бугун бирон гўштли овқат есак ёмон бўлмас эди-да! Марго холанинг товухонасида шунақа жўжалар кўрдимки, асти қўяверасиз!

— Ундай бўлса, уларни пишира қолайлик,— деб ҳайқирди ўша ёвуз одамлардан бири.— Бир марта жўжа есак, гуноҳга ботиб қолармидик? Эртага ибодатхонага бориб, тавба қиламиз, вассалом!

— Йигитлар!— деди бошқа бири.— Биласизларми, хаёлимга қандай фикр келди? Манави монахлардан гўштли нарса ейишга ижозат ола қолайлик-да!

— Уларнинг ижозат беришга кучлари етмайди.

— Э, топдим!..— деб қичқирди Буа-Дофен.— Мен тузукроқ йўлини биламан. Ҳозир қулоғингизга айтаман.

Тўрттала ярамас одам бир-бирларига яқин келишди. Буа-Дофен шивирлаб, уларга ўз режасини баён қила бошлади. Бу режани шодиёна қаҳқаҳа билан қарши олишди. Фақат уларнинг биттасигина эътироз билдирди.

— Яхши қилмаяпсан, Буа-Дофен. Ҳаммамизни бирон балога дучор қиласан. Мен рози эмасман.

— Ҳим бўл, Гильемен! Бирон кишининг тумшугига ханжар тираса, шу ҳам гуноҳ бўлдимиз?

— Рухонийга эмас-да...

Улар пичирлашиб гаплашмоқда эди. Қулоққа чалинаётган яккам-дуккам сўзлардан уларнинг режаларини билиб олиш учун монахлар бутун вужудлари билан тинглашга мажбур бўлишди.

— Нима фарқи бор?— деб баланд овозда эътироз билдирди Буа-Дофен.— Ундан ташқари, гуноҳи менинг бўйнимга эмас, унинг бўйнига тушади.

— Тўғри, тўғри! Буа-Дофен ҳақ!— қичқирди қолган иккитаси.

Буа-Дофен ўрнидан туриб, югурганича хонадан чиқиб кетди. Бир оздан кейин товуқларнинг қақалаган овозлари эшитилди. Кўп ўтмай Буа-Дофен ҳар қўлида биттадан иккита сўйилган товуқ кўтариб кириб келди.

— Вой, лаънати-ей!— бақирди Маргарита хола.— Товуқларимни сўйиб қўйипти-ку! Жума бўлмаса ҳам тўрга эди! Қани, нима қилмоқчисан бу товуқларни, муттаҳам?

— Секинроқ-да, Маргарита хола, қулоқларимни қар қилаёздингиз. Биласиз-ку, мен билан ҳазиллашиб бўлмайди. Сихларни тайёрланг, қолганини ўзим боплайман.

Шундай деб у эльзаслик монахнинг ёнига борди.

— Ҳой, тақсир!— деди у.— Манави иккита паррандани кўрдингизми? Кўрган бўлсангиз, марҳамат қилиб, уларни чўқинтиринг.

Монах таажжубдан тисарилди, иккинчи монах ўқиётган китобини ёпди, Маргарита хола эса тутақиб сўка кетди.

— Чўқинтиринг дейсизми?— деб қайтариб сўради монах.

— Ҳа, тақсир. Мен бунинг тутинган отаси бўламан, манави Марго тутинган онаси бўлади. Тутинган фарзандларимга исм қўймоқчиман. Буниси Форель, буниси Макрель бўлсин. Чиройли исмлар, а?

— Товуқни чўқинтираманми?— деб хитоб қилди монах ва қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Э, тақсир, ундай деманг! Чўқинтир дегандап кейин чўқинтираверинг-да. Бўла қолинг!

— Вой, уятсиз шарманда-ей!— деб чуввос солди Маргарита.— Менинг уйимда шунақа ножўя бемагагарчиликка йўл қўйиб, қараб туради, дейсанми? Паррандани чўқинтирармиш-а! Нима бало, жуҳуднинг тўйига келганмисан?

— Бу шаллақини нари олиб боринг,— деди шерикларига Буа-Дофен.— Сиз эса, тақсир, ханжаримни ясаган устанинг номини ўқишга кўзингиз ўтадимми?

У ханжарини кекса монахнинг тумшугига тақади.

Шу пайт ёш монах сапчиб ўрнидан туриб кетди, аммо қаноат қилишга жазм этиб, шу ондаёқ жойига қайтиб ўтирди.

— Жониворларни қандай қилиб чўқинтираман, ўғлим?

— Бундан ҳам осони борми, тақсир. Аёл зотидан туғилган жамики инсонни қандай чўқинтирсангиз. уларни ҳам шундай чўқинтирасиз-да. Бошига жиндай сув сепасизу: «Сенга Форель деб, сенга эса Макрель деб ном қўйдим» дейсиз, вассалом. Лекин бу гапларни ўзингизнинг чулчут тилингизда айтинг. Ҳани, муҳтарам тақсир, бориб сув олиб келинг, сизлар эса шляпани отинглар. Ҳаммаси рисоладагидек бўлсин. Эй худо, ўзинг мадад бер!

Ҳаммани таажжубда қолдириб, кекса монах бориб сув олиб келди ва товуқларнинг бошига сепиб, дуога ўхшаган аллашмабалоларни чала-чулпа қилиб гапирди. Унинг дуоси «Сенга Форель, сенга Макрель деб исм қўйдим», деган сўзлар билан тугади. Дуони тугатгач, у ҳеч нарса бўлмагандай жойига бориб ўтирди-да, хотир-жамлик билан тасбеҳ ўгира бошлади.

Маргарита хола ҳайратдан лол бўлиб қолди. Буа-Дофеннинг севинчи ичига сигмас эди.

— Менга қара, Марго,— деб у товуқларни Маргарита холага узатди.— Бизга *форель* билан *макрель* қовуриб бер. Роса рўзабон овқат бўлади-да.

Маргарита, товуқлар чўқинтирилгани билан улуғ айём кунлари уни еб бўлмайди, деб оёқ тираб туриб олди. Қаллакесарлар: «Таъзириятни бериб қўямиз», деб пўписа қилганларидан кейингина у балиқ номлари билан аталган товуқларни сизга тортишга мажбур бўлди.

Буа-Дофен билан шериклари бўлса бир-бирларининг саломатликларига қадаҳ кўтаришиб, қийқириб-бақириб, кайф қилишмоқда эди.

— Ҳой, биродарлар!— деб бақирди Буа-Дофен столга бир мушт уриб.— Папа олий ҳазратларининг саломатлиги учун ва ҳамма гугенотларнинг қирилиб битиши учун ичишни таклиф қиламан. Руҳонийларимиз билан Марго хола ҳам биз билан бирга ичшсин.

Унинг учта шериги чуввос солиб бу гапни маъқуллашди.

Буа-Дофен жиндай гандираклаб ўрнидан турди — унинг кайфи анчагина ошиб қолганди — стаканни тўлдириб вино қўйди-да, ёш монахга тутди.

— Ҳани, падари бузруквор,— деди у,— бизнинг ҳазратимиз учун... Э, йўғ-е, адашиб кетдим... ҳазратимизнинг саломатлиги учун ва гугенотларнинг...

— Мен овқатдан кейин ичмайман,— деди совуқ оҳангда ёш монах.

— Йўқ, ундай деманг, падари бузруквор, ичасиз,



бўлмаса, пега ичгингиз келмаётганини айтиб берасиз. Ё ҳазар қиляпсизми?

Шундай деб, у шишани столга қўйди-да, стаканини ёш монахнинг оғзига тутди. У эса зоҳираи хотиржам қиёфада китобини ўқишда давом этаверди. Вино китобга тўкилди. Шунда ёш монах сапчиб туриб, стаканини юлқиб олди, аммо ундаги винони ичиш ўрнига Буа-Дофеннинг юзига сепиб юборди. Ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кулди. Монах деворга суяниб, қўлларини қовуштирганча, безоридан кўзини олмай турарди.

— Менга қаранг, ҳурматли тақсирим, ҳазилингиз таъбимга ўтиришмади. Агар руҳоний бўлмаганингизда, худо шоҳид, мен сизга одоб-ахлоқни ўргатиб қўярдим.

Шу сўзлар билан у ёш монахнинг юзига қўл узатиб, бармоқларининг учини унинг мўйловига теккизди. Монах бўзариб кетди. У бир қўли билан ҳаддидан олган безорининг гиппа томоғидан олди, иккинчи қўли билан эса шишани олиб, шундай бир ғазаб билан Буа-Дофеннинг бошига солдики, у қип-қизил қонга беланиб, жонсиз қулади.

— Баракалла, огайни!— деб маъқуллади кекса монах.— Ридо кийган одамнинг зарби эмас бу!

— Буа-Дофен ўлиб қолди!— деб чуввос солишди қолган учта безори. Улар шерикларининг қимир этмай ётганини кўриб, юраклари така-пука бўлиб кетганди.— Вой аблаҳ-ей! Ҳали шошмай тур. Бир таъзирингни бериб қўймасам...

Улар қиличларини қиндан суғуришди, аммо ёш монах бениҳоя абжирлик билан ридосининг узун енгини шимариб, Буа-Дофеннинг қиличини олди-да, қатъият билан олишувга чоғланди. Бу орада унинг шериги ридосининг тагидан ханжар олди. Унинг тиғи кам деганда ўн саккиз дюйм келарди. У ҳам бир зумда жанговар қиёфага кириб, шеригининг ёнидан жойи олди.

— Ҳа, безори аблаҳлар!— деб ҳайқирди у.— Ҳозир биз сизларга муомала қандай бўлишини кўрсатиб қўямиз. Олишини мана бунақа бўлади.

Бир зумда учала безори — қай бири ярадор бўлиб, қай бири қиличдан ажраб, деразадан ташлаб қочишди.

— Ё парвардигор!— хитоб қилди Маргарита хола.— Жуда довурак экансизлар-ку, тақсирлар! Хайрият, руҳонийларнинг обрўйига путур етмади. Лекин қовоқ-хонамдан ўлик чиқиши чакки бўлди-да. Энди менинг тўғримда ҳар хил ёмон гаплар тарқалади.

— Э, ўлармиди у!— деб эътироз билдирди кекса мо-

янах.— Ана, қаранг, қимирлаяпти. Чаласпни ҳозир ўзим тўғрилайман.

Шундай деб у ярадорга яқинлашди, унинг сочидан ушлаб, бошини кўтарди ва ўтқир ханжарини томоғига қадаб, калласини сапчадай узиб ташлашга чоғланди. Аммо Маргарита хола билан ёш монах уни шаштидан қайтариб қолишди.

— Вой шўрим! Нима қилмоқчисиз?— деб қичқирди Маргарита хола.— Одам ўлдириш гуноҳи азим-ку! Ҳамма бу шўрликни яхши католик дейди. Лекин, рост, аслида ундай эмас экан.

— Зарур ишлар менпгина эмас, спзни ҳам *зудлик билан* Божаксига жўнашимизни тақозо қилаётганга ўхшайди,— деди ёш монах кексасига.— Кема ҳам келиб қолгандир. Бўла қолинг.

— Гапингиз рост. Мана, ҳозир.

Кекса монах ханжарини артиб, яна ридоси остига яшириб қўйди. Қовоқхона бекаси билан ҳисоб-китоб қилиб икки довюрак монах Буа-Дофеннинг ташвишини Маргарита холага юклашди-да, Луара томонга қараб йўл олишди. Маргарита хола биринчи навбатда унинг киссаларини ковлаштирди: шу йўл билан Буа-Дофендан қарзини ундириб олди, кейин бошидан сон-саноқсиз шиша синиқларини териб олиб, бунақа пайтларда ҳамма шифокорлар амал қиладиган қоидаларга риоя қилиб, бошини боғлаб қўйди.

— Адашмасам, меп спзни қаердадир кўргандайман,— деб гап қотди ёш монах кексасига.

— Жин урсин! Сизнинг юзингиз ҳам менга таниш кўринапти. Лекин...

— Биз сиз билан биринчи дафъа учрашганимизда, хотирамда бўлса, сизнинг эгни-бошингиз бир оз бошқачароқ эди.

— Спзники ҳам!

— Спз — капитан...

— Дитрих Горнштейнман. Сиз билан бирга Этамп яқинида тушлик қилгандик. Ўша дворян йиғит сизмисиз?

— Ушанинг ўзгинасиман.

— Фамилиянгиз Мержи эди, а?

— Ҳа. Лекин ҳозир исми шарифим бошқа. Ҳазрат Амвросий дейишади.

— Меп эса эльзаслик ҳазрат Антонийман.

— Дуруст, дуруст. Йўл бўлсин?

— Худо хоҳласа, Ла-Рошелга.

— Мен ҳам.

— Сизни кўрганимдан гоят мамнунман... Лекин, жин урсин, овқат олдидаги ибодат масаласида мени расво қилдингиз-да. Мен, ахир, биронта калимани билмайман. Сизни эса биринчи кўришимда чинакам монах деб ўйлабман.

— Мен ҳам.

— Сиз қаердан қочиб келяпсиз?

— Париждан. Сиз-чи?

— Орлеандан. Бир ҳафта яшприниб юрдим. Шўрлик рейтарлар... бечора юнкер... ҳаммалари Луарада...

— Мила-чи?

— Католик динига ўтди.

— Менинг отим нима бўлди, капитан?

— Э-э, отингизми? Отингизни ярамас сурнайчи илиб кетган экан. Мен уни дарра билан савалатиб, жазосини бердим... Лекин сизнинг қаердалигингиздан беҳабар эдим, отингизни қайтариб етказишнинг иложини қила олмадим... Лекин сизни учратиб қоларман, деган умид билан уни асраб юргандим. Энди бўлса, кўриб турибсиз, уни биронта ярамас папист илиб кетган бўлса керак.

— Тсс! Бунақа гапларни эшиттириб гапириб бўлмайди. Қани, капитан, бошимизга тушган кулфатни баҳам кўрайлик, худди ҳозир қилганимиздек, бир-биримизга ёрдам берайлик.

— Бажону дил. Дитрих Горнштейннинг томирида бир томчи қон қолгунча, у сиз билан ёнма-ён туриб, қилич ўйнатгани бўлсин.

Улар чин юракдан бир-бирларининг қўлларини сиқиди.

— Менга қаранг. Анави ярамаслар товуқлар ҳақида нима бемаънилик қилишди? Форелий, Макрелий эмиш-а! Инсоф юзасидан айтганда, бу папистлар кўп бемаъни халқ бўлади-да!

— Секин дедим-ку сизга! Ана, кема ҳам кўришди.

Шу тарзда гаплашиб, улар соҳилга етиб келишди-да, кемага чиқишди. Луарада улар сари оқиб келаётган жасадларни ҳисобга олмаганда, улар Божансига саргузаштларсиз етиб боришди.

Дарға жасадларнинг ҳаммаси чалқанча сузиб келаётганига эътиборни жалб этди.

— Улар интиқомга ундамоқда!— деди паст овозда. Мержи рейтарлар капитанига.

Дитрих индамай унинг қўлини сиқди.

ЛА-РОШЕЛЬ ҚАМАЛИ

Still hope and suffer all who can?  
Moore. «Fudge family»\*

Ла-Рошелнинг кўпчилик аҳолиси реформистлар динига ўтган эди. У пайтларда Ла-Рошель жанубий вилоятларнинг пойтахти бўлиб, протестантларнинг суянган тоғи эди. Англия ва Испания билан савдо алоқалари кенг йўлга қўйилганидан Ла-Рошелга кўпгина бойлик оқиб келганди. Катта бойликнинг оқиб келиши одатда мустақиллик руҳини туғдиради ва унга мадад бериб туради. Ла-Рошелда ҳам шундай руҳ мавжуд эди. Шаҳар аҳли, балиқчилар, кўпчилиги денгиз қароқчиларидек саргузаштларга тўла ҳаёт қўйишида хавф-хатарларга ёшлигидан кўникиб қолган сергайрат одамлар эди. Улар учун гайрат-шижоат интизом ва ҳарбий тажрибанинг ўрнини босарди. Шунинг учун ҳам 24 августда содир бўлган қиргин ҳақидаги хабарни ларошелликлар лоқайд мутелик билан қарши олишмади. Ҳолбуки, бошқа жойлардаги протестантларнинг кўпчилиги тақдирга тан бериб қўя қолишган, ўз имони учун курашини ва галаба қилишни ҳаёлларига ҳам келтиришмаган эди, ларошелликлар машъум хабарни эшитиб, курашга қатъий аҳд қилишди. Баъзан одам ночор аҳволда қолганида шундай шижоат ва қатъиятга берилади. Улар якдиллик билан ҳар қандай қийинчиликларга бардош беришга, оғир аҳволга тушиб қолишганда ҳам маккорлиги ва шафқатсизлиги яқинда яна бир карра рўйрост ошкор бўлган душманга шаҳар дарвозаларини очмасликка аҳд қилишди. Пасторлар отанин нутқлар сўзлаб, ларошелликларнинг руҳини кўтаришди. Ларошелликларнинг ҳаммалари эркагу аёл демай, ёшу қари демай бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатлик билан эски истехкомларни тиклашга, янгиларини барпо этишга бел боғлашди. Озиқ-овқат ва қуро-йроғ жамғариб қўйишди, кемаларни шай қилишди. Хуллас, аҳоли фурсатни ганимат билиб, турли-туман мудофаа воситаларини тахт қилиб қўймоқда эди. Қиргиндан омон қолган дворянлар ларошелликлар сафига келиб қўшилар ва Варфоломей тунидаги ваҳшийликдан ганириб беришарди. Уларнинг ҳикояси ҳатто энг юраксиз

\* Ҳамма нарсага дош бериб, ноумид бўлмайдиган ким бор? Мур. «Фейдж оиласи» (ингл.).

одамларнинг қалбида ҳам нафрат уйғотар ва уларни мардликка ундарди. Муқаррарлиги кўришиб турган ҳалокатдан омон қолган одамлар учун уруш ва унинг кул-фатлари ҳозиргина даҳшатли бўрондан омон чиққан денгизчиларга енгил шабададай гап бўлади. Мержи билан унинг ҳамроҳи ҳам бошқа қочоқлар қатори Ла-Рошель ҳимоячилари сафидан ўрин олишди.

Бу тайёргарликлардан хавотирга тушган қирол ва унинг аъёнлари бунинг олдини олмаганликларидан таассуфда эдилар. Сулҳ ҳақида музокара олиб бориш учун маршал Бирон Ла-Рошелга жўнаб кетди. Маршал Бирон ларошелликларга манзур бўлади, деб ҳисобланга қиролнинг баъзи бир асослари бор эди. Маршал Варфоломеё қирғинида иштирок этмаган эди, бундан ташқари, у кўпгина атоқли протестантларнинг ҳаётини сақлаб қолди ва ҳатто унинг ихтиёрига топшириб қўйилган аслаҳахона тўпларини қирол армиясига хизмат қилувчи қаллақесарларга қарши қаратди. У ўзини қиролнинг ноиб сифатида шаҳарга қўйишни ларошелликлардан илтимос қилди ва шаҳар аҳлининг алоҳида ҳуқуқлари ҳамда эркинлигини сақлаб қолишга, шунингдек, қайси динга сиғиниш масаласида ихтиёри ўзларига беришни ваъда қилди. Аммо олтмиш минг протестант қириб ташлангандан кейин Карл IXнинг ваъдаларига ишониб бўлармиди?! Бунинг устига музокаралар вақтида ҳам Бордода протестантларни қириш давом этди. Бироннинг солдатлари Ла-Рошелнинг теварак-атрофини талаш билан банд бўлди, қирол флоти эса портнинг йўлини тўсиб олиб, аллақанча савдо кемаларини ушлаб қолди.

Ларошелликлар Биронни шаҳарга киритишдан бош тортишди ва гизлар давлатни бошқаришдан четлатилмагунча қирол билан ҳеч қанақа битим тузмасликларини эълоп қилишди. Ё улар ҳамма касофатларнинг бирдан-бир сабабчиси гизлар, деб астойдил ишонардилар, ёхуд қиролга садоқат диний манфаатлардан устун туриши керак, деб ҳисоблайдиган протестантларнинг виждонига таскин бериш учун атайин шу гапни ушлаб олишганди.

Битишувнинг иложи бўлмади. Шунда қирол шаҳарга яна бир воситачи йўллади — бу гал у вакил қилиб Лануни танлади. Ланунинг лақаби *Темир қўл* эди — у жангда қўлидан ажрагандан кейин, унга сунъий қўл ясаб беришган эди. Лану ашаддий кальвинчи бўлиб, сўнги гражданлар уруши пайтида фавқулодда мардлик намуналарини кўрсатган ва ғоят ўткир қобилияти ошкор бўлган эди.

У адмиралнинг энг яқин дўсти ҳам моҳир ва содиқ ёрдамчиси эди. Варфоломей тунида у Нидерландда эди — у ерда испанлар ҳукмронлигига қарши бош кўтаришган фламандларнинг тарқоқ отрядларига етакчилик қилмоқда эди. Аммо омади кетиб, герцог Альбага таслим бўлишга мажбур бўлди, лекин герцог унга мурувват кўрсатди. Дарё-дарё оққан қонлар Карл IXни виждон азобига ўхшаш бир қийноққа дучор қилгандан кейин, қирол Ланунин талаб қилиб олди ва қутилмаганда унга меҳрибонликлар кўрсатди. Ҳеч нарсада чегара нима эканини билмайдиган бу ҳукмдор ҳеч нарсадан ҳеч нарса иўқ бу ашаддий протестантни бошига кўтарди, ҳолбуки, яқингинада унинг диндошларидан юз минг кишининг бошини кесган эди. Лануни тақдирнинг ўзи асраётган тўюлади: учинчи граждандлар уруши вақтидаёқ у аввал Жарнак ёнида, кейин Монконтур яқинида икки марта асирга тушди. Ҳар икковида ҳам баъзи саркардалар: «Бу одамни қўйиб юбориш хавфли, мол-дупё билан уни ййдириб бўлмайди, шунинг учун қатл қилиш керак», деб талаб қилишса-да, қиролнинг укаси<sup>34</sup> ҳеч қандай ўлпонсиз уни қўйиб юборди. Энди Карл Лану унинг ҳимматини эсга олади, деб ўйлади ва ларошелликларни итоат эттиришни унга топширди. Лану рози бўлди, аммо Карлга шарт қўйиб, «номусимга хилоф тушадиган бирон иш қилишни мендан талаб қилмайсиз», деб илтимос қилди. Лану билан италиялик бир руҳоний ҳам бирга жўнади — унга Ланунинг орқасидан зимдан кузатиб юриш топширилган эди.

Ўзига билдирилган ишончсизлик дастлаб Ланунинг иззат-нафсига қаттиқ тегди. Ларошелликлар уни шаҳарга киритишмади — учрашув шаҳар ташқарисидаги чоғроқ бир қишлоққа тайинланди. Ла-Рошель вакиллари унинг ҳузурига — Тадонга келишди. Келган вакилларнинг ҳаммаси унинг қуролдош дўстлари эди, лекин улардан ҳеч қайсиси у билан дўстона қўл қисиб кўришишни истамади — ҳаммалари ўзларини танимаганга солиб қўя қолишди. Лану номини айтишга мажбур бўлди. Шундан кейингина у қиролнинг таклифлари ҳақида гап бошлади. Унинг нутқининг маъноси қуйидагича бўлди:

— Қиролнинг ваъдаларига ишонмоқ керак. Мусибатлар ичида энг ёмони граждандлар урушидир.

Ла-Рошель ҳокими чуқур истеҳзо билан кулиб гапирди:

— Биз қаршимизда Ланунинг суратинигина кўриб турибмиз. Ҳақиқий Лану ўз оға-иниларига ҳеч қачон қотилларга итоат қилишни таклиф этмас эди. Лану мар-

хум адмирални яхши кўрар эди. У ёвузлар билан музокара олиб бориш ўрнига адмирал учун қасос олишга иштирилган бўларди. Йўқ, сиз Лану эмассиз!

Бу таъналар шўрлик элчининг юрак-бағрини тешиб ўтди, кальвинизмга кўрсатган хизматларини эсига солди. Лану мажруҳ қўлни силкитиб, ҳамон сидқидилдан эътиқодли реформат эканини айтди. Ларошелликларнинг унга ишончсизлик билан қарашлари бир оз тарқагандай бўлди. Унинг қаршисида шаҳар дарвозаси очилди. Ларошелликлар унга жамғариб қўйган нарсаларини кўрсатишди ва ҳатто шаҳар мудофаасига бошчилик қилишни таклиф этишди. Кекса солдатни бу таклиф ҳаддан зиёд қизиқтириб қолди. Ахир, у Карл қошида қасам ичганда, «виждоним буюрган ишни қилишга ҳаққим бўлади», деб шарт қўйган эди-ку! Лану ларошелликларга бош бўлсам, уларни сулҳга кўндиришим осонроқ бўлади, деб ўйлаган эди. У бир кесак билан икки қарғани урмоқчи бўлди. Шунда у ўз қасамига хиёнат қилмасди ҳам, ўзи сизинадиган динга садоқатини сақлаб қоларди. Бироқ у адашган эди.

Қирол қўшини Ла-Рошелни қамал қилди. Лану шаҳарликларнинг ҳамма хуружларига раҳбарлик қилар, кўпгина католикларнинг ёстиғини қуритар, шаҳарга қайтишганда эса аҳолини сулҳ тузишга ундарди. Шу йўл билан у нимага эришди? Католиклар уни, «ваъдангни буздинг», деб сўкишди, протестантлар эса уни, хоинликда айб-лашди.

Ланунинг ҳамма нарсадан кўнгли қолиб, ҳафсаласи пир бўлди. У ҳар куни камида йигирма бор хавф-хатарга тик боқадиган бўлиб қолди — у ажал изларди.

### *Йигирма бешинчи боб*

#### ЛАНУ

*Фенест*

*Бу одам товони билан акса урмайди, ҳа!  
Д'Обинье. «Барон Фенест»*

Қамалдагилар хандақларга жойлашиб олган католик қўшинига яқиндагина муваффақиятли ҳужум қилишди. Улар бир қанча хандақни бузиб ташлашди, истеҳкомларни ағдаришди, юзтача солдатни нобуд қилишди. Ҳужум қилган отряд шаҳарга Тадон дарвозаси орқали қайтмоқда

эди. Отряднинг бошига аркебузчилар билан бирга капитан Дитрих келарди. Ҳаяжонли чеҳраларига, ҳансираб, оғир нафас олишларига, ҳадеб ичгани сув сўрашларига қараганда, уларнинг жангда ўзларини аяшмагани кўришиб турарди. Аркебузчилар ортидан бир тўп шаҳар аҳли келмоқда — уларнинг орасида аёллар ҳам бор. Афтидан, тўқнашувда улар ҳам иштирок этишганга ўхшайди. Шаҳар аҳли ортидан эса асирлар келишмоқда. Улар қирқ кишича бўлиб, деярли ҳаммаси ярадор. Уларни икки қатор сафга тизилган солдатлар томошага йиғилган халқнинг ҳамласидан Ҳимоя қилиб бормоқда. Отряднинг ортида йигирма чоғлик сувори бўлиб, ҳаммадан орқада от устида Лану боряпти. Мержи унинг адъютанти эди. Унинг совутида ўқ тегиб, пачақланган жойлар кўринади, оти икки жойидан жароҳатланган. Чап қўлида тўппонча ушлаб олган, ўнг қўли билан отининг тизгинини бошқарарди.

— Пўшит, пўшит, асирларга йўл беринглар, дўстлар! — деб қичқирарди у. — Мурувватпеша ларошелликлар! Инсоф қилинглар! Улар ярадор, Ҳимоясиз. Энди улар бизга ориқ душман эмас.

Лекин халойиқ унинг гапларига ғазабли ҳайқирӣқ билан жавоб берарди:

— Папистларни осиб керак! Ҳаммалари дорга тортилсин! Яшасин Лану!

Раҳнамоларининг шафқатга ундаши тузукроқ таъсир қилсин учун Мержи ва суворилар оломон ичидан гоҳ уни, гоҳ буни найзанинг ёғоч дастаси билан туртиб қўярдилар. Ниҳоят, асирларни шаҳар турмасига олиб бориб қамашди ва анчагина соқчи қўйишди. Энди асирлар оломоннинг интиқомидан хавотир олмасалар ҳам бўлаверадиган бўлди. Отряд тарқалди. Энди Ланунинг теграсида бир нечта дворянгина қолган эди. Лану шаҳар маҳкамасига етиб бориб, отдан тушди. Худди шу пайт маҳкама ичидан шаҳар ҳокими, Лаплас исмли кекса пастор ва шаҳар аҳлидан уч-тўрт киши чиқиб келаётган эди.

— Шундай қилиб, шавкатли Лану, — деди шаҳар ҳокими унга қўл узатиб, — сиз ҳозир қотилларга жаноб адмиралнинг вафотидан кейин ҳам дунёда довиорақлар қолганини исбот қилдингиз.

— Ҳаммаси жойида бўлди, — деди камтарлик билан Лану. — Биздан атиги бешта одам ўлди, ярадорлар ҳам кўп эмас.



— Хужумга ўзингиз раҳбарлик қилганингиз учун, жаноб Лану, биз бошиданоқ муваффақият қозонишимизга шубҳа қилмаган эдик,— деди шаҳар ҳокими.

— Э! Худонинг ўзи қўлламаса, Ланунинг қўлидан нима келарди?— деб гап қистирди кекса пастор пичинг билан.— Оллои таоло бугун биз томонда турди. Бизнинг дуои илтижоларимиз унга етиб боришти.

— Ғалаба ҳам, мағлубият ҳам оллои таолонинг инъоми. Жапгдаги ғалаба учун фақат ҳаққа шукрона қилмоқ лозим,— деб совуққонлик билан жавоб берди Лану ва шу заҳотиёқ ҳоқимга юзланди:— Қани, нима бўлди, жаноб ҳоқим? Кенгаш ҳазрати олийларининг янги таклифларини муҳокама қилдимиз?

— Муҳокама қилди,— деб жавоб берди ҳоқим.— Биз яқиндагина герольдни шаҳзода ҳузурига қайтариб юбордик. У шаҳзодадан ортиқча ташвиш чекмасликни ва бизга янги шартлару талаблар юбормаслигини илтимос қиладиган бўлди. Бундан буён унинг шартларига биз милтиқ ўқи билан жавоб берамиз. Бизнинг бошқа жавобимиз йўқ.

— Сиз герольдни дорга тортсангиз бўларди,— деб яна гап бошлади пастор,— муқаддас китобда аниқ ёзиб қўйилган: «Орангиздан ёвузлар чиққан. Улар шаҳар аҳлини ғалаёнга келтиришни истайди... Аммо сен уни ўлимга маҳкум этасан. Биринчи бўлиб унга сен қўл кўтарасан, сендан кейин бутун халқ унга қўл кўтаради».

Лану хўрсинди-да, индамай кўзларини кўкка қадади.

— У бизга таслим бўлмоқни таклиф қиляпти-я!— деб давом этди ҳоқим.— Шаҳримизнинг девори ҳали мустаҳкам, ёв ботиниб, бизга яқин келолмайди, биз ҳар куни ёвга унинг хандақларида зарба бериб турибмиз-ку, таслим бўлар эмишмизми? Ишончингиз комил бўлсин, жаноб Лану: агар Ла-Рошелда биронта жапгчи қолмаган тақдирда ҳам аёлларнинг ўзи парижлик одамхўрлар тажовузини даф этишга қодир.

— Муҳтарам жаноб! Ҳар қандай кучли одам ҳам ўз душмани ҳақида эҳтиёт бўлиб гапириши лозим. Ожизлар эса айниқса...

— Қим айтди сизга бизни ожиз деб?— унинг гапини бўлди Лаплас.— Худо бизга ёр. Исроиллик уч юз одам билан Гедеон мадианитларнинг бутун қўшинидан устуң чиққан.

— Жаноб ҳоқим, қурол-яроғларнинг етишмаётгани ҳаммадан кўра кўпроқ сизга маълум. Пороҳ камчил. Мен

аркебузчиларга узоқдан туриб отишни тақиблаб қўйишга мажбур бўлдим.

— Уқ-дориларни бизга Англиядан Монтгомери жўпа-тади,— эътироз билдирди ҳоким.

— Папистлар устига кўкдан ўт ёғилади,— деди пас-тор.

— Ноннинг нархи кундан-кун ошиб кетяпти, жаноб ҳоким.

— Биз дақиқа сайин инглиз флотининг келишини ку-тиб турибмиз. Унда яна ҳамма нарса шаҳарда мўл-кўл бўлиб қолади.

— Зарур бўлса, олло таоло кўкдан чалпак ҳам ёғди-ради,— деб қичқирди Лаплас қизишиб.

— Сиз ташқаридан келадиган ёрдамга умид боғлаяп-спз,— деб давом этди Лану.— Ҳолбуки, жануб шамоли бир печа кун давомида тишмай елиб турса, флот биз-нинг портимизга киролмайди. Бундан ташқари, кемалар-нинг қўлга тушиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

— Шамол шимолдан эсади! Мен буни каромат қил-япман!— деди тантанали оҳангда пастор.— Ўнг қўли билан бирга имонини ҳам йўқотиб қўйипти у.

Лану пасторга гап қайтармасликка қатъий аҳд қил-ган кўринади. У аввалгидай ёлғиз ҳокимнинг ўзигагина мурожаат қилиб, давом этди:

— Душман ўнта одамдан ажраса, бизга битта одам йўқотганчалик таъсир қилмайди. Мен бир нарсадан қўрқаман: агар католиклар хуружни кучайтиришса, ҳо-зир сиз шу қадар ҳазар қилиб, рад этаётган шартлардан кўра оғирроғига кўнишга тўғри келмасмикан? Ҳозирча қирол шаҳар уни тан олгани билан кифояланади-ю, биз-дан иложсиз нарсани талаб қилмайди, деган умид бор. Шундоқ экан, менимча, бизнинг бурчимиз — шаҳар дар-возаларини унга очиб беришдир. Ҳар қалай, у ўткинчи бир кимса эмас, ўз ҳукмдоримиз-ку!

— Бизнинг ҳукмдоримиз битта — Исо алайҳиссалом! Фақат худо безориларгина ёвуз Ахавга ўхшаган Карлни, азиз-авлиёларнинг қонини ичувчи хунхўрни «ҳукмдорим», деб аташга қодир.

Ланунинг хотиржамлиги пасторнинг сабр косасини то-шириб юборган эди.

— Жаноб адмиралнинг гапи яхши эсимда,— деди ҳо-ким,— у бу гапни шаҳримизга сўнгги бор келганида ўзимга айтган эди: «Қирол ҳамма фуқаросига католик ё протестапт деб ажратмай, бирдай муомала қилишга ваъ-да берди». Ярим йил ўтмай, қирол адмирални ўлдиришни

бююриб ўтирипти. Агар биз дарвозаларни очиб берсак, Варфоломей туни бизнинг ҳам бошимизга тушади.

— Қиролни гизлар йўлдан урган. У ҳозир пушаймон қиляпти, бирон йўл билан тўкилган қонларнинг гуноҳини ювмоқчи. Агар сиз ҳадеб ўжарлик қилиб, аввалгидай сулҳ ҳақидаги музокараларни рад қила берсангиз, бу билан охир-пировардида католикларнинг газабига дучор бўласиз. Қирол бутун кучини тўплаб, сизга қарши солади. Ана унда реформат динининг бирдан-бир суянган тоғи ер юзидан супуриб ташланади. Йўқ, муҳтарам жаноб, менга ишонаверинг. Фақат бир илож бор — у ҳам бўлса сулҳ.

— Қўрқоқ!— деб қичқирди пастор.— Сулҳни қўмсаб қолганинг бежиз эмас, жонинг ширинлик қиляпти шекилли!

— Жаноб Лаплас!— деб уни тўхтатди ҳоким.

— Хуллас,— деб пинагини бузмай давом этди Лану,— менинг охирги сўзим шу: агар қирол Ла-Рошелда аскар сақламасликка рози бўлса ва протестантларнинг йиғинларини ўтказиб туришга монелик қилмаса, унда шаҳарнинг калитини қиролга топширмақ ва унга садоқатли бўлишга қасамёд қилишимиз мумкин.

— Хоин!— деб қичқирди Лаплас.— Сен золимларга сотилган экансан.

— Нималар деб валдираяпсиз, жаноб Лаплас?— деб яна ранжиди ҳоким.

Лану хиёл сезиларли тарзда нафратомуз табассум билан жилмайиб қўя қолди.

— Буни қаранг, жаноб ҳоким! Хўб ғалати замонларда яшайпмиз-да: ҳарбий одам сулҳ бўлсин дейди, руҳоний эса урушга даъват этади... Ҳурматли пастор жаноблари!— деб қўққисдан Лапласга мурожаат қилди у.— Тушлик вақти бўлди. Сизни, албатта, рафиқангиз кутаётган бўлса керак.

Сўнгги сўзлар пасторнинг газабини алангалатиб юборди. У нима деб жавоб беришини билмай довдираб қолди. Бундай ҳолларда бирон оқилона жавоб топилмаса, тарсаки қўл келади. Шу боисдан пастор кекса саркарданинг юзига тарсаки тортиб юборди.

— Ё қудратингдан парвардигор! Нима қилиб қўйдингиз?— деб қичқирди шаҳар ҳокими.— Наҳотки, энг яхши фуқаромизни, Ла-Рошелнинг энг баҳодир жангчисини ургани қўлингиз борса!

Бу можаронинг тепасида турган Мержи Лапласни

сира эсидан чиқмайдиган қилиб дўшпосламоқчи бўлди, бироқ Лану уни тийиб қолди.

Қари тентакнинг қўли Ланунинг оппоқ соқол қоплаган юзига текканида, унинг кўзлари ғазаб ва нафратдан бир лаҳза яшиндай чақнаб кетди. Лекин кейин унинг чеҳрасида яна лоқайдлик ифодаси пайдо бўлди. Пастор жонли одамни эмас, балки бирон Рим сенаторининг мрамар ҳайкалини урди ёхуд саркарданинг юзига бехосдан бирон буюм тегиб кетди, деб ўйлаш мумкин эди.

— Қарияни хотинининг ёнига олиб бориб қўйинг, — деб буюрди у пасторни ажратиб олган одамга. — Хотинига айтинг, эрига тузукроқ қарасин, ҳуши жойида эмас кўринади. Жаноб ҳоким, сиздан илтимос: менга шаҳар аҳлидан беш юзта кўнгилли йиғиб берсангиз. Мен эртага саҳарлаб, ҳали солдатлар тунги совуқда жунжикиб ухлаб ётганларида ҳужум уюштироқчиман. Уларни уясидаги айиқдай таппа босамиз. Мен кўпдан пайқаганман: уйида ётиб тонг оттирган одам билан очиқ ҳавода тунаган одам ўртасида катта фарқ бор... Жаноб де Мержи! Агар қорнингиз оч бўлмаса, истехкомга бориб келсак, дегандим. Бу вақт орасида душманнинг ишлари қанча юришди экан, кўрмоқчи эдим.

Шундай деб у шаҳар ҳокимига таъзим қилди-да, Бернарнинг елкасига таяниб, истехком томон йўл олди.

Улар келмасидан сал олдин душман тўндан ўқ ўзиб, иккита ларошелликни оғир ярадор қилган экан. Теварақдаги тошларга қон сачрапти. Бу шўрликлардан бири ўртоқларидан отиб ташлай қолишни илтимос қилмоқда эди. Лану истехком деворига суяниб, бирмунча вақт душманни кузатиб турди, сўнгра Мержига мурожаат қилди:

— Ҳар қандай уруш мудҳиш нарса, граждандар урушини эса асти қўяверасиз... — деб хитоб қилди у. — Шу ўқ француз тўпининг оғзидан чиққан. Тўпни тўғрилаган ҳам, пилигини ёққан ҳам француз. Бу ўқдан иккита француз нобуд бўлди. Аммо ярим миля масофадан туриб, одамни ҳаётидан маҳрум қилиш ҳали ҳолва, жаноб де Мержи. Сиздан она тилимизда шафқат тилаб, кўзингизга термилиб турган одамнинг гавдасига найза санчишдан ёмони йўқ. Сиз билан биз эса бугун эрталаб ҳам шу билан шуғулландик.

— Агар сиз йигирма тўртинчи августдаги қирғинни кўрганингизда, қондан қизариб кетган Сена орқали ўтганингизда, ундан муз кўчган вақтда келадиغان музлардан ҳам кўпроқ жасадлар оққанини кўрганингизда бизга қарши жанг қилаётган одамларга сира ҳам раҳмингиз

келмаган бўларди. Менга қолса, ҳар битта папист — қонхўр...

— Ўз ваташингизга тухмат қилманг. Бизни қамал қилиб ётган қўшин ичида ярамаслар унча кўп эмас. Солдатлар — уч-тўрт тапга мояна учун омочиши ташлаб келган француз деҳқонлари. Дворянлар билан саркардалар эса қиролга содиқ бўлишга қасамёд қилишгани учун жанг қилишади. Балки улар... бурчларини ўтаб... тўғри қилишаётгандир. Биз-чи? Биз — исёнкор ғаламислармиз.

— Нега исёнкор ғаламис бўлайлик? Бизнинг ишимиз ҳақ иш. Биз имонимиз учун, ўз ҳаётимиз учун курашяпмиз.

— Менга маълум бўлишича, шубҳа деган нарса сизга бутунлай бегона экап. Бахтли одамсиз, жаноб де Мержи,— деди кекса жангчи ва оғир хўрсинди.

— Ҳе, турқингни ел учирсин!— деб минғирлади бир солдат. У ҳозиргина аркебузадан ўқ узган эди.— Бу алвасти сеҳрлаб қўйилганми, дейман. Уч кундан бери мўлжалга оламан, лекин ҳеч теккизолмайман.

— Қимни айтяпсан?— деб сўради Мержи.

— Ҳў-ў анави оқ камзулли, қизил белбоғли, шляпасига қизил пат жиға қадаган нусхани айтяпман. Ҳар кунни шундоққина тумшуғимизнинг тагида юради. Жигимизга теккани теккан. Шаҳзода билан бирга келган сарой олифталаридан биттаси.

— Афсус, олисроқ экан,— деди Мержи.— Хайр, майли, қани аркебузани бу ёққа бер-чи!

Солдатлардан бири унга аркебузасини берди. Мержи милтиқнинг милини истехком деворига қўйиб, мўлжалга ола бошлади.

— Мабодо, у одам дўстларингиздан бири бўлса-чи?— деб сўради Лану.— Аркебузачилик қилиб нима қилардингиз?

Мержи тепкини энди босмоқчи эди, аммо бу сўзлар уни тўхтатиб қолди.

— Католиклар орасида фақат битта дўстим бор. Лекин мен қатъий ишонаманки, у қамалда иштирок этмайди.

— Борди-ю, шаҳзоданинг мулозимлари билан бирга келган акангиз бўлса-чи?

Ўқ отилди, бироқ Мержининг қўли қимирлаб кетганди — нишонга олинган одамдан анча наридан чанг кўтарилди. Мержи католиклар қўшини сафида акасининг бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди, шундай бўлса-да, ўқ хато кетганидан мамнун бўлди.

Нишонга олинган одам ҳамон ошиқмай сайр қилиб юрарди. Ниҳоят, у янги қазилган бир уюм тупроқ орқасига ўтиб ғойиб бўлди. Бутуп шаҳар тевараги шундай уюмлар билан қопланган эди.

### *Иигирма олтинчи боб*

### ХУРУЖ

Hamlet

Dead, for a ducat dead!

Shakespeare\*

Туни билан майда совуқ ёмғир ёғиб чиқди. Шарқ осмони оқариб, тонг ота бошлагандан кейингина ёмғир тинди. Ер устини шундай қалин туман қопладики, қуёш нурлари унинг орасидан зўрға ўтарди. Шамол қувиб, туман гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда бир оз сийракланса-да, барибир, одатда кўп ўтмасдан лахтак-лахтак кўкиш туман яна бирлашиб оларди. Тўлқинлар кема кесиб ўтганда мана шундай очилади-ю, кема ортидан яна дарҳол бирлашиб олишади. Туманнинг хира пардаси устида, худди тошқин сувдан чиқиб тургандек, дарахтларнинг учи кўринади.

Шаҳарда нимжон тош ёғдуси машъалаларнинг нури билан қўшилиб кетган. Истеҳкомга олиб борадиган кўчада солдатлар ва кўпгиллиларнинг каттагина отряди тўпланган. Қишки тонг палласидаги намхуш совуқ суяк-суякларгача зирқиратади. Отряддагилар исиниш учун турган жойларида депсинишади. Улар тонг-саҳардан ширин уйқуни тарк этиб, қўлга қурол олишга мажбур қилган одамни роса бўралаб сўкишарди. Бироқ уларнинг ҳар бир сўзида ишонч ва бардамлик сезилиб турарди. Одатда солдатлар ҳурматларини қозонган саркарда раҳнамолигида жангга отланганда ана шундай бардам ва тетик бўлишади. Улар ўзаро ярим ҳазил, ярим чин кайфиятда суҳбатлашишмоқда эди.

— Бу ярамас *Темир қўл* ёмон жонга тегди-да! Уйқу нималигини билмайди-я! У одамхўрларни уйқудан маҳрум қилмагунча, нонуштага ўтирмайди. Вой биқинингга ел теккур-ей!

---

\* Гамлет

Гаров ўйнайманки, у ўлган!

Шекспир (ингл.).

— Шайтонвачча! Қаёқда уйқу берарди у!

— Марҳум адмиралнинг соқоли ҳаққи, қасам ичаман: ҳозир ўқлар варанглай бошламаса, тўшақда ётгандай доғ қотиб ухлаб қоламан.

— Ура! Ароқ олиб келипяпти. Мана энди роса ки-зишиб оладиган бўлди, баданимизга қон югуради. Яхши бўлди, бўлмаса, бу лаънати туманда тумовга чалиниш ҳеч гап эмас.

Солдатларга ароқ улаша бошлашди, бу орада Лану дўконнинг соябони остида нафасини ютиб қулоқ солаётган саркардаларга бўлғуси хуружнинг режасини тушунтирмоқда эди. Дўмбира чалинди. Ҳамма жой-жойига бориб турди. Пастор солдатларга фотиҳа бериб, уларни мард бўлишга ушдади, шаҳарга қайтиб келиб, мукофот олиш ва ҳамюртларининг миннатдорлигига сазовор бўлиш қисматида ёзилмаганларга арши аълодан энг яхши жойларни ваъда қилди.

Пастор гапни мухтасар қилди. Шундоқ бўлса-да, Лануга унинг ўғитлари чўзилиб кетгандай туюлди. Бугунги Лану кечаги Лану эмас эди. Кеча у французларнинг ҳар бир қатра қонини аяб эси кетаётган эди. Бугун эса тезроқ олишувни бошлашга ошиқаётган солдат. Пастор панд-насихатини тугатиб, солдатлар унга: *Amen\**, деб жавоб беришлари биланоқ қатъий овозда гап бошлади:

— Биродарлар! Пастор тўғри айтяпти: ўзимизни худ-дон таолонинг ихтиёрига топширайлик. Кимда-ким дуч келган томонга ўқ узадиган бўлса, омон бўлсам, уни соғ қўймайман.

— Бугунги гапингиз бошқача-ку?— шивирлади унга Мержи.

— Лотинчани биласизми?— кескин оҳангда сўради Лану.

— Биламан.

— Ундай бўлса: *Ade guoq adis\*\**, деган ҳикматли сўзни эсланг.

У қўл силкиди, тўп отилди ва бутун отряд ҳарбийча-сига қадам ташлаб шаҳар ташқарисига йўл олди. Бир вақтнинг ўзида ҳар хил дарвозалардан солдатларнинг кичикроқ-кичикроқ тўдалари чиқиб, душманни ҳар хил жойларда безовта қила бошладилар. Бу ҳарбий ҳийла бўлиб, католиклар душман ҳар томондан ҳужум қилип-

\* Омин (лот.).

\*\* Уз ишингни қил! (Лот.)

ти, деб ўйлаб, марраларда бирон жойдан одам олиб, асосий зарба бериладиган жойга мадад юбормасин, деган мақсадда қилинган эди.

Католик қўшинлари асосий диққат-эътиборларини Инжил истехкомига қарши қаратишган эди. Уларнинг бешта тўпи қамал вақтида шикастланган тегирмон турган дўнгликка жойлашган эди, истехком, айниқса, шу тўшлардан катта зарар кўрди. Тўшлар атрофига чуқур хандақ қовланган, унинг ортида тупроқ уюмлари бор эди. Бу ҳам етмагандай, душман тўшлар ёнига соқчилар ҳам қўйган эди. Бироқ протестантларнинг саркардаси айтгандай бўлиб чиқди — соқчиларнинг аркебузалари намиқиб қолган экан, ишга ярамади. Хужумга яхши тайёргарлик кўрган, тиш-тирноқларигача қуролланган протестантлар соқчилик-қилаётганларга қараганда қулайроқ вазиятда эдилар. Чунки соқчилик қилаётганлар қўққисдан хужумга учраб довдираб қолишди. Бунинг устига, улар тунни уйқусиз ўтказиб роса толиқишган, усти бошлари ҳўл, баданларидан совуқ ўтиб кетганди.

Соқчилар қириб ташланди. Протестантлар тупроқ уюмларидан ошиб ўтиб, дўнгликка кўтарилаётганда, тўшлар ёнидаги душман тасодифий янграган ўқ товушидан уйғониб кетди. Католиклардан баъзи бирлари қаршилик кўрсатишга уринишди, аммо совуқда қотиб қолган қўшлар қурол ушлашга ярамади, аркебузларнинг деярли ҳаммаси пилиги нам бўлгани учун ўт олмади. Протестантларнинг эса биронта ўқи зое кетмади. Кимнинг ғалаба қилиши ҳаммага аён бўлиб қолди: протестантлар тўшларни эгаллаб олиб, қасоскорона ҳайқирдилар:

— Ҳеч кимга шафқат йўқ! Йигирма тўртинчи августни унутманг!

Тегирмон минорасида элликтача солдат ва уларнинг бошлиғи бор эди. Бошлиқ тунги қалпоғида ва ички кийимларида, бир қўлида ёстиқ, бир қўлида қилич билан эшикни очиб, ташқарида нима шовқин бўлаётганини билмоқчи бўлди. У душманнинг хужум қилишини хаёлига ҳам келтирмаган эди, шовқинни эшитиб, «солдатларим жанжаллашишяпти шекилли», деб ўйлаганди. Бу хато унга қимматга тушди: қўвдоқнинг зарбига учраб ерга қулади ва бир зумда қоп-қора қонига беланди. Ичкаридаги солдатлар минорага олиб кирадиган эшикни тўсиб олишга улгуришди. Улар деразалардан ўқ узиб, бир неча муддат муваффақият билан ўзларини ҳимоя қилишди. Аммо тегирмоннинг олдида бир уюм похол ва пичан, ҳўкизларга йиғиб қўйилган хашак бор эди. Протестант-



лар уларга ўт қўйиб юборишди. Тегирмон бир зумда алаңгага чулғанди. Олов минорага ўрлай бошлади. Кўп ўтмай у ердан илтижоли овозлар эшитила бошлади. Том гуриллаб ёнмоқда эди. У шўрликларнинг бошига қулаши муқаррар эди. Эшик ҳам ўт ичида эди, эшик олдига қурилган тўсиқ ичкаридагиларнинг қочиб чиқишига имкон бермасди. Деразадан сакраганлари эса ё оловнинг ўртасига, ё найзанинг учига тушарди. Бу орада бир мудҳиш воқеа рўй берди. Тип-тирноғигача қурулланган аллақандай байроқдор ҳам торгина деразадан сакрашга қарор қилди. Ўша пайтларда кенг тарқалган расмга биноан унинг совути темир этакли<sup>35</sup> эди. У юрганда халақит бермасин учун наст томони кенг бўлиб, қорин билан бўксани тўсиб турарди. Байроқдорнинг шу этагига дераза торлик қилиб қолди. Байроқдор орқа-олдига қарамай ўзини деразага урди, бироқ этаги сиғмай, осилиб қолди. Унинг белидан юқориси ташқарида, гавдасининг қолган қисми эса ичкарида қолди. Алаңга борган сари унга яқинлашиб келарди. Унинг совути қизий бошлади. Байроқдор шўрлик печкага ёки Фаларис ўйлаб топган машҳур мис буқа ичига тушиб қолгандек, жизғинаги чиқа бошлади. Шўрлик жон аччиғида фарёд чекар, ёрдам сўраб, қўлларини силкитар, лекин буларнинг ҳаммаси беҳуда эди. Хужум қилаётганлар уни кўриб бир зум тўхтаб қолишди, сўнгра худди келишиб олгандай, жизғинаги чиқаётган одамнинг фарёдини босиш учун жанговар хитобларни айтиб, қичқира бошлашди. Одам алаңга ва тутун қуюни орасида йўқ бўлиб кетди, лағча чўғ бўлиб қизариб кетган, дуд буруқсиб турган дубулғасигина қулаган минора харобалари орасида ялт этиб кўриниб қолди.

Жанг вақтида даҳшатли таассуротлар, ғамгин кайфиятлар тезда ўтиб кетади: солдатларда ўз ҳаётини асраш инстинкти кучли бўлади, шунинг учун ҳам улар ўзгалар бошига тушган мусибатни тезда унутиб юборишади. Ларошелликларнинг баъзи бирлари қочоқларни қува кетишди, баъзилари тўпларни бузишди, филдиракларини синдиришди, тўпчилар билан ҳўкизларнинг жасадларини чоғга улоқтиришди.

Мержи биринчилардан бўлиб чоҳдан ўтиб, тўсиқ устига кўтарилди, у бир лаҳза нафас ростлагани тўхтаб, тўпга Диананинг номини тирнаб ёзди, кейин бошқалар билан бирга душман истехкомини бузишга киришди. Тирриклик белгиларидан маҳрум ҳолда ётган католик лашкарбошисини бир солдат бошидан, иккинчи солдат оёғи-

дан олишди-да, иккови баравар кўтариб туриб, чоҳга улоқтироқчи бўлишди. Кутилмаганда ёлғондакам мурда кўзини очиб, Мержини таниб, унга хитоб қилди:

— Жапоб де Мержи! Шафқат қилинг. Таслим бўламан. Мени қутқаринг. Наҳотки, мени танимаётибсиз. Мен дўстингиз Бевиль бўламан.

Шўрликнинг афти башараси қон эди. Мержи жони ҳалқумига келиб қолган бу одамни кўриб ҳайрон қолди, ҳаммаша хушчақчақ юрадиган бу дворян йиғитни таниб олиши қийин бўлди. У Бевилни оҳиста майса устига ётқизишни буюрди, ўз кўли билан унинг жароҳатини боғлаб қўйди, сўнг отга кўндаланг ётқизиб, уни эҳтиёт билан авайлаб, шаҳарга олиб кетишни буюрди.

У Бевиль билан хайр-хўшлашиб, отни тўнлар жойлашган дўнгликдан стаглаб тушишига ёрдамлашаётган эди, шаҳар билан тегирмон орасида йўртиб келаётган сувориларни кўрди. Афтидан, католик кўшинининг бу отряди протестантлар қайтадиган йўлни кесиб қўймоқчи эди. Мержи Лануни огоҳлантиришга югурди.

— Менга ақалли қирқ аркебузчини ишониб беринг,— деди у,— мен улар билан анави тўсиқнинг ортига биқиниб оламан. Суворилар ёнимиздан ўтади. Агар уларни битта қолдирмай тумтарақай қилмасам, мени осдириб юборинг, майли!

— Дуруст, ўғлим! Вақти келиб, сендан яхшигина саркарда чиқади. Ҳой, сизлар! Бу дворяннинг ортидан бориб, унинг ҳамма буйруқларини бажаринглар.

Бернар аркебузчиларни тезда тўсиқ ортига жойлади, кейин бир тизза билан чўккалаб, аркебузни шай қилиб туришни буюрди. У буйруқсиз отини қатъиян ман этди.

Суворилар тез яқинлашиб келмоқда эди. Отларнинг туёқлари балчиқни шалоплатаётгани аниқ эшитила бошлади.

— Уларнинг бошлиги — кеча биз отиб теккизолмаган, шляпасига қизил жиға қадалган олифта. Бугун, албатта, теккизамиз.

Унинг ўнг томонида турган аркебузчи, «буни менга қўйиб беринг», деган маънода бош ирғади. Суворилар билан уларнинг орасида йиғирма қадамча масофа қолди. Суворилар бошлиги ўз отрядига ўгирилди. У, афтидан, бирон буйруқ бермоқчи бўлди шекилли. Шу дақиқада Мержи сапчиб туриб қичқирди:

— От!

Шляпасига қизил жиға қадаган бошлиқ ўгирилди.

Бернар Жоржни таниди. У ёнида турган солдатнинг аркебузасига қўл чўзиб, милтиқнинг оғзини буриб юбормоқчи бўлди, бироқ унинг қўли милтиққа етиб бормади, ўқ отилди. Қўққисдан янграган ўқ овозларидан саросимага тушган суворилар тирқираб кетишди. Иккита ўқ теккан капитан Жорж отдан қулади.

*Иигирма еттинчи боб*

## ШИФОХОНА

Father  
Why are you so obstinate?  
Pierre  
Why you so troublesome, that a poor wretch.  
  
Can't die peace,  
But you, like ravens, will be croaking round  
him?

O t w a y. «*Venice preserved*»\*

Ла-Рошелнинг шаҳар кенгаши қамал вақтида қадимий монастирни бекор қилиб, унинг биносида ярадорлар учун шифохона очган эди. Черковдан ўриндиқларни, минбар ва бошқа ашжомларни чиқариб ташлаб, ерга похол ва пичан тўшалган. Бу ерга оддий солдатларни қўйишарди. Офицерлар билан дворянлар учун ошхона белгиланган эди. Ошхона деворларига эман ёғочи қонланган кенг хона бўлиб, деразалари катта-катта эди. Шу деразалар туфайли хона ёруғ турарди. Бундай ёруғлик жарроҳлик операциялари учун гоят зарур эди.

Капитан Жоржни ҳам шу ерга олиб киришди ва ўзининг қонидан, ҳамда унгача шу жойда ётган бошқа ярадор шўрликларнинг қонидан қизариб кетган тўшакка ётқизишди. Бир боғ похол унга ёстиқ ўрнини босди. Унинг совутини ечиб, камзули билан кўйлагини йиртиб олишди. У белигача яланғоч эди, аммо ўнг қўлидан ҳали ҳам пўлат қўлқони ечилмаган эди. Солдат унинг ярала-

---

\* М о н а х

Нега бунча ўжарсиз?

П ь е р

Ўзингиз нечук бу қадар беавдиша?

Қўйинг, шўрлик бемалолроқ жон берсин.

Қарға каби қақилламавг ёнида.

Отуэй. «*Венециянинг қутқарилиши*» (ингл.).

ридан оқаётган қонини тўхтатишга уриниб кўрди: бир ўқ совутидан пастроққа — қорнига теккан экан, иккинчиси эса чап қўлини жароҳатлабди. Бернар шу даражада изтироб чекардики, акасига бирон-бир жиддий ёрдам кўрсатишдан ожиз эди. У гоҳ ҳўнграб йиғлаб, акаси қар-писида тиз чўкар, гоҳ ноумидлик билан фарёд чекиб ўзини ерга урар ва севимли акасини, энг яқин дўстини ўз қўли билан ўлдираётгани учун ўзига-ўзи лаънат ёғ-дирарди. Лекин капитаннинг руҳи тетик эди. У Бер-нарни тинчитишга уринди.

Унинг тўшаги билан ёнма-ён шўрлик Бевиль ётарди. Унинг аҳволи капитанниқидан оғирроқ эди. Бироқ ка-питаннинг чеҳрасида алланечук лоқайд мутелик, тақдир-га тап бериш ифодаси бўлса, Бевилда бу ифода йўқ эди. У ўқтин-ўқтин инқиллаб Жоржга термиларди. Бе-виль шу термилиши билан гўё капитандан сабр-қаноати ва матонатидан жиндай бериб туришни илтимос қилаёт-гандай бўларди. Шиfoxона биносига қирқ ёшлардаги қотмадан келган, озғин, тепакал, юзини ажин қошлаган бир одам кириб келди. У елкасига зангори халта осиб олганди. Унинг ичида нимадир шарақлаб, шўрлик яра-дорларни роса ваҳимага солди. Бу одам ўз даврининг моҳир жарроҳларидан бири Бризар эди. У машҳур Амбруз Паренинг шогирди ва дўсти эди. У, афтидан, ҳозиргина кимнидир операция қилган кўринади — енги-ни тирсагигача шимариб олибди, бўйнига илиб олган кенг фартуғига қон сачраган. У тўғри капитан Жорж-нинг тепасига келди.

— Сизга нима керак? Ким бўласиз?— деб сўради Жорж.

— Мен жарроҳман, муҳтарам афандим. Агар мэтр Бризар деган номдан ҳеч нарса уқмасангиз, унда нодон одам экансиз. Қани, қўйдан жиндай мардликни нася олинг-чи! Худога шукур, милтиқ ўқидан бўлган жароҳат-ларга авчагина фаҳмим етади. Озмунча одамларга теккан ўқларни чиқариб олмадимми? Уларни бир жойга йиғсан-гиз, қоп-қоп бўлади. Кошки эди, ўшанча тиллам бўлса... Мен даволаган одамларнинг ҳаммаси тузалиб кетган. Ҳо-вир улар менинг дуои жонимни қилиб, эсон-омон юри-шипти.

— Менга қараиң, доктор. Ростини айтинг: менинг ярам жуда оғир, а?

Жарроҳ даставвал чап қўлни кўрди.

— Арзимаган жароҳат!— деди у ва иккинчи жаро-ҳатни кўра бошлади.

Бир оздан сўнг капитан оғриқдан тиришиб қолди ва охирида чидолмай, ўнг қўли билан жарроҳни туртиб ташлади.

— Э, жин урсин сизни! Жарроҳ бўлмай кетинг-е! Бўлди, тегманг. Куним битганини юзингиздан кўриб турибман.

— Биласизми, муҳтарам афандим! Қўрқаманки, ўқ ошқозоннинг устига тегиб, юқорига ўтгану, орқа умуртқада тўхтаб қолган. Биз бу умуртқани юнон тилида рахис деб атаймиз. Бундай белгилар деярли ҳеч қачон нотўғри чиқмайди. Бундай ҳолларда эса...

— Рўпарадан отиб, ўқни орқа умуртқага жойлашибдими? Тақсир, бир шўрликни ad patres\* хузурига жўнатиш учун бундан ортиқ яна нима керак? Шундоқ бўлгандан кейин, мени қийнашни бас қилинг, тинчроқ жон берай.

— Йўқ, у яшаши керак! У яшаши керак!— қичқирди Бернар хира кўзларини жарроҳга қадаб, унинг қўлини қисар экан.

— Ҳа, яна бир соатлик, боринги, икки соатлик умри қолди. Акангиз бақувват экан,— деди совуққонлик билан Бризар.

— Икки соат?— деб сўради Жорж.— Ундоқ бўлса соз экан. Мен изтироб кўп давом этармикин, деб қўрққандим.

— Йўқ! Мен бунга ишонмайман!— деди Бернар ҳўнграб.— Жорж! Сен ўлмайсан! Ака укасининг ўқидан нобуд бўлиши мумкин эмас!

— Қўй энди! Ўзингни бос! Мени силкитаверма! Сенинг ҳар тегишинг менга азоб берапти. Ҳали-ҳозир чекаётган азобимга чидаса бўлади. Бундан бу ёғига ҳам шундоқ бўлса кошки эди, деган экан Дзани минорадан қулай туриб.

Бернар тўшакнинг ёнига ўтирди, бошини тиззасига қўйиб, қўллари билан юзини яширди. Унинг қимир этмай қотиб қолган гавдасига қараб, ухлаб қолди, деб ўйлаш мумкин эди. Ўқтин-ўқтин унинг бутун вужуди безгак тутаётгандай қақшар, кўкрагидан эса алланечук ғайри инсоний фиғон кўтариларди.

Жарроҳ қонни тўхтатиш учун жароҳатни бир амаллаб боғлаб қўйди-да, бепарво бир қиёфада асбобини арта бошлади.

— Тайёрлигингизни кўраверинг,— деди у.— Агар пасторни истасангиз, бу ерда пастор етарли топилади. Агар

\* Ота-боболар (лот.).

католик руҳонийси керак бўлса, битта руҳонийни бир амаллаб топса бўлар. Мен яқинда бир асир монахга кўзим тушувди. Париги ёқда папистларнинг саркардаси ўлим тўшагида ётипти. Монах уни тавба қилдирипти.

— Менга ичгани бирон нарса бериб,— илтимос қилди капитан.

— Йўқ, йўқ! Мутлақо мумкин эмас. Ажалингиздан бир соат олдин ўласиз-а!

— Бир соатлик умр бир стакан винога арзимади. Майли, алвидо! Тақсир. Ёшимдаги ярадорлар сизни сабрсизлик билан кутишяпти.

— Ҳузуригизга кимши юборай, пасторними ёхуд монахними?

— Унисини ҳам, бунисини ҳам юборманг!

— Нечук?

— Мени ўз ҳолимга қўйинг!

Жарроҳ елкасини қисди-да, Бевилнинг ёнига кетди.

— Ярангиз ўтқир экан, худо ҳаққи!— деб хитоб қилди у.— Бу кўнгиллилари тушмагурлар ўлгудай мерганди...

— Тузалиб кетаман-а, ростми?— деб сўради ярадор бўғиқ овозда.

— Нафас олинг-чи!— деди Бризар.

Занф ҳуштакка ўхшаган овоз эшитилди — Бевилнинг кўкрагидаги ҳаво унинг оғзида ҳам, жароҳатидан ҳам чиқмоқда эди. Шу лаҳзада унинг ярасидан қонли кўник қайнаб чиқа бошлади.

Бу ғалати овозга тақлид қилаётгандай, жарроҳ ҳуштак чалди, тўғри келганча ярани боғлади-да, лом-мин демай, асбобларини йиғиштириб, эшикка томон йўл олди. Бевил машғаладай чақнаган кўзлари билан унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турарди.

— Ҳа, қалай, тақсир?— деб сўради у титроқ овоз билан.

— Йўлга отланаверинг!— деб жавоб берди жарроҳ совуқ оҳангда. У шундай деди-ю, чиқиб кетди.

— Мен ўлишни истамайман! Мен ҳали жуда ёшман!— деб нола қилди шўрлик Бевил ва ёстиқ вазифасини ўтаётган бир боғ похолга бошини қўйди.

Жорж ичишга бирон нарса сўраб ялинар, лекин уни ажалидан бир соат олдин ўлдириб қўйишдан кўрқиб, ҳеч ким бир стакан сув беришни истамас эди. Инсонпарварлик эмиш бу! Бундай инсонпарварлик одамнинг изтиробини узайтиришгагина қобил! Шу пайт ярадорларни кўргани Лану, капитан Дитрих ва бошқа саркардалар

келиб қолишди. Лану билан Дитрих Жоржнинг тўшаги ёнида тўхташди. Лану қиличининг дастасига таяниб туриб, гоҳ акага, гоҳ укага разм солди. Унинг кўзларида шу мунгли мусибатни кўриб туғилган кучли ҳаяжон акс этарди.

Немис кашитанининг белида осиглик турган сув идиши Жоржнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилди.

— Капитан!— деди у илтижо билан.— Сиз кўпни кўрган солдатсиз-а?

— Ҳа, мен кекса солдатман. Лекин кексаликдан кўра порох дуди соқолни тезроқ оқартиради. Мен капитан Дитрих Горнштейнман!

— Менинг жароҳатимга бир кўз ташлапг. Ўрнимда бўлганингизда сиз нима қилардингиз?

Капитан Дитрих, яраларни кўп кўриб, уларнинг оғир-енгиллигини ажратишга кўникиб кетган одамдай, Жоржнинг жароҳатини кўздан кечирди.

— Мен бундай пайтда тавба-тазарруни қилиб, имонимни поклаган бўлардим. Бундан ташқари, бирор шиша рейнвейн топилса, тўлатиб бир стакан қуйиб беришларини сўрардим,— деб жавоб берди у.

— Ана, кўрдирганими? Мен бу эсипастлардан бир стакан ярамас Ла-Рошелъ виносидан сўраяпман. Улар эса беришмаяпти.

Дитрих биқинида осилиб турган каттагина идишни ечиб, ярадорга узатди.

— Нима қилиясиз, капитан?— қичқирди аркебузчилардан бири.— Табиб бирор қултум сув ичса, шу заҳотиёқ ўлади, деди.

— Нима бўпти? Лоақал ўлимидан олдин бир ҳузур қилади-ку!.. Олинг, азизим! Сизга бундан тузукроқ вино таклиф қилолмаслигимдан таассуфдаман.

— Сиз яхши одам экансиз, капитан Дитрих,— деди Жорж виқони ичиб. У идишни қўшнисига узатди.— Сенчи, шўрлик Бевиль, мендан ўрнак олишни истамайсанми? Лекин Бевиль индамай бош чайқади.

— Вой-бў! Шуниси етмай турувди!— деди Жорж безовталапиб.— Бемалол жон беришга ҳам қўйишмайди-я!

У қўлтиғига Инжил қистириб ўзи томоп келаётган пасторни кўрган эди.

— Ўғлим!— деб гап бошлади пастор.— Энди сизни...

— Бас! Бўлди қилинг! Менга нима демоқчи эканингизни айтмасингизданоқ биламан. Меҳнатингиз зое кетади. Мен католикман.

— Католик?— деб хитоб қилди Бевиль.— Демак, ху-  
досизликдан қайтибсан-да?

— Сиз, ахир, реформат дини руҳида тарбия кўрган  
одамсиз,— деб эътироз қилди пастор.— Ҳақ таолонинг  
инояти билан абадиёт диёрига ҳижрат қилиш бўсағасида  
турибсиз. Шундай тантанавор ва даҳшатли дақиқа-  
да...

— Мен католикман. Мени ўз ҳолимга қўйинг, жин  
урсин сизни!

— Лекин...

— Капитан Дитрих! Менга раҳмингиз келсин. Менга  
бир марта меҳрибонлик кўрсатдингиз. Энди яна бир  
ўтинчимни бажо келтиринг. Манави пасторга буюринг:  
панд-насиҳат қилиб жаврашни бас қилсин. Хотиржамроқ  
кўзимни юмай.

— Нарироқда туринг,— деди капитан пасторга.— Кў-  
риб турибсиз-ку, гапингизни эшитишга тоқати йўқ.

Лану монахга ишора қилди — у шу заҳотиёқ улар-  
нинг олдига келди.

— Мана сизнинг кашинингиз,— деди Лану.— Биз  
виждон эркинлигини бўғмаймиз.

— Монахи ҳам, пастори ҳам даф бўлсин!— деди яра-  
дор.

Монах билан пастор ярадор ётган тўшакнинг икки  
томонида туришарди. Улар жон бераётган одамни ўзаро  
талашишга чоғлангандек эди.

— Бу дворян — католик,— деди монах.

— Лекин у протестант оиласида туғилган,— эътироз  
билдирди пастор,— демак, у меники.

— Лекин у католик динига ўтиб кетган.

— Шундай бўлса-да, ота-онаси сиғинган диннинг соя-  
сида жон бермоқчи.

— Тавба қилинг, ўғлим.

— Дин рамзини ўқинг, ўғлим.

— Ахир, сиз мўмин католик бўлиб жон бермоқчисиз,  
шундайми?

— Бу имонсиз алвастини қувлаб солсаларинг-чи!—  
деб айюҳаннос кўтарди пастор. У кўпчиликнинг ўзига  
хайрихоҳ эканини ҳис қилмоқда эди.

Унинг гапини эшитиб, ашаддий гугенотлардан бўлмиш  
бир солдат монахни белбоғидан тортиб, нарига судраб  
кетди.

— Йўқол бу ердан, ярамас аблаҳ!— деб ўшқирди  
у.— Сени дорга тортса арзийди. Ла-Ропелда месса алла-  
қачон йўқ бўлиб кетган.



— Шошилманг!— деди Лану.— Агар бу дворянин тавба қилмоқчи бўлса, майли, қўйинглар, тавба қилсин. Чин сўзим, унга ҳеч ким халақит бермайди.

— Беҳад миннатдорман, жаноб Лану...— деди заиф товуш билан Жорж.

— Ҳаммангиз шоҳид: у тавба қилмоқчи,— деб яна гап бошлади монах.

— Қилмоқчи эмасман. Қўзимдан йўқолинг!

— У ота-боболарининг динига қайтмоқчи!— деб видо қилди пастор.

— Йўқ, яшин ургур, қайтмайман! Икковингиз ҳам даф бўлинг! Жасадим устида қузғунлар талашаётган бўлса, мен аллақачон оламдан ўтибман-да? Йўқолинг! Мен тавба қилмайман.

— Шаккоклик қилипти!— деб бараварига қичқиришди бир-бирига ёв икки мазҳабнинг муҳиблари.

— Бирон нарсага инонмоқ керак,— деди хотиржам оҳангда капитан Дитрих.

— Менимча... менимча... сиз яхши одамсиз. Мени бу қузғунлардан халос этинг... Йўқолинг! Қўзимдан даф бўлинг. Майли, итдай ўлиб кетишга розиман.

— Бор-е, итдай ўламан десанг, ўлавермайсанми!— деди пастор ва дарғазаб бўлиб чиқиб кетди.

Шу заҳотиёқ монах чўқиниб, Бевилнинг тўшаги томон йўл олди.

Лану билан Бернар уни тўхтатишди.

— Сўнгги бор уриниб кўринг,— деди Бернар.— Унга раҳмингиз келсин. Менга раҳмингиз келсин.

— Муҳтарам афандим!— деб жон бераётган Жоржга мурожаат қилди Лану.— Кекса солдатнинг гапига ишонинг: бутун умрини худо йўлига бахш этган одамнинг ўгитлари аскарнинг сўнгги дақиқалардаги азобини енгил қиладиган қувватга эга бўлади. Шайтонга ҳай беринг, арзимайдиган такаббурлик қиламан, деб имонингизни нобуд қилманг.

— Муҳтарам афандим!— деб гап бошлади Жорж.— Мен кўндан бери ўлимни бўйнимга олиб қўйганман. Бемалол жон беришим учун ҳеч кимнинг панд-насихатига муҳтож эмасман. Мен такаббурликни ҳеч қачон ёқтирган эмасман. Ҳозир эса инчунун. Нега уларнинг бемаъни гапларини эшитай? Қўйинг, икковлари ҳам даф бўлишсин.

Пастор елкасини қисди, Лану хўрсинди. Икковлари ҳам бошларини қуйи солиб, оҳиста қадам ташлаб чиқиб кетишди.

— Ошна!— деб Жоржга мурожаат қилди капитан.— Модомики, сиз шунақа гапларни айтаётган экансиз, демак, чекаётган дардингиз оғир бўлиши керак.

— Ҳа, капитан, дардим оғир.

— Ундай бўлса, бу гапларингиз худонинг қаҳрини келтирмас, деб умид қиламан. Акс ҳолда гапларингиз шаккокликка ўхшаб кетяпти. Лекин, одамнинг танасида ўқ қолганда, бунақа гапларни айтиб, сўкинишининг айби йўқ — одам енгил тортади.

Жорж жилмайиб, яна бир марта унинг идишидаги винодан ичди.

— Сизнинг саломатлигингизга, капитан! Ярадор солдат учун сиздан яхшироқ бирорта меҳрибон одам тошилмаса керак.

Шундай деб у қўлини капитанга узатди. Капитан Дитрих тўлқинланиб унинг қўлини қисди.

— Teufel!\*— деб зўрға эшитиладиган овозда мингирлади у.— Менинг укам Генниг католик бўлса-ю, мен отган ўқ унинг қорнини тешиб қўйса-я!.. Мила айтган башоратнинг маъноси шу экан-да!

— Жорж, дўстим!— деди аянчли овозда Бевиль.— Менга бирон нарса дегин. Ҳозир икковимиз ҳам оламдан ўтамиз. Бу нақадар даҳшат! Бир вақтлар сен менга, худо йўқ, деган эдинг. Ҳозир ҳам шу фикрдамисан?

— Албатта! Мард бўл! Яна бир неча дақиқадан кейин азоблардан қутуламиз.

— Монах менга мангу олов... шайтонлар ҳақида гапиряпти. Лекин унинг гапидан таскин топаётганим йўқ.

— Ҳаммаси ёлғон!

— Борди-ю, рост бўлса-чи?

— Капитан! Сизга совутим билан қилчимни васият қиламан. Менга меҳрибончилик қилиб тутган винонгизни тузуқроқ нарса билан қайтаролмаётганим учун узр.

— Жорж, дўстим!— деб гап бошлади Бевиль.— Монах айтаётган гапларнинг ҳаммаси чин бўлса, даҳшатку!.. Абадият!..

— Қўрқоқ!

— Ҳа, қўрқоқман! Айтишга осон! Сенга абадий азоб-уқубатга дучор бўлишингни пеш қилиб турса, чор-почор қўрқоқ бўлиб қоласан.

— Бўлмаса, тавба қил.

— Менга қара, жаҳаннамнинг йўқлигига астойдил ишопасанми?

---

\* Жин урсин! (Нем.)

— Кўйсанг-чи!

— Йўқ, менга жавоб бер. Сен астойдил ишопасанми жаҳаннам йўқлигига? Менга сўз бер.

— Мен ҳеч нарсага ишопмайман. Агар шайтон бор бўлса, унинг печоғли қора экапини ҳадемай ўз кўзимиз билан кўрамиз.

— Сен бунга ҳам астойдил ишопмайсанми?

— Тавба қил, деяпман-ку!

— Тавба қилсам, менадан кулмайсанми?

Жорж беихтиёр жилмайди, сўнг жиддий оҳангда гапира бошлади:

— Мен сенинг ўрнингда бўлсам, тавба қилган бўлардим. Кўнгил хотиржам бўлади. Сенга ҳамма расм-русмларни қилиб бўлишди. Энди қўрқадиган жойнинг қолмади.

— Майли, сен нима бўлсанг, мен ҳам шу. Сен аввал тавба қил.

— Мен қилмайман.

— Йўғ-е, ундай дема!.. Майли, ихтиёринг, лекин мен имон билан хотиржам жон бермоқчиман... Майли, падари бузруквор, мен ҳозир Confiteor\* ўқийман. Лекин сиз менга айтиб туринг, менинг эсимдан чиқиб кетган.

У тавба қилиб бўлгунча, Жорж идишдан яна бир топқир вино ичди, кейин бошини дағал ёстиғига қўйиб, кўзини юмди. Чорақ соатча у тинч ётди. Сўнгра бирдан тишларини қисиб олди, лекин, барибир, оғриқнинг зўридан ич-ичидан келган инграшни тўхтатиб қололмади. Унинг бутун вужудини титроқ босди. Бернар, Жорж жон беряпти, деб ўйлаб, бор овози билан бақириб юборди ва унинг бошини кўтарди. Шу заҳоти капитан кўзини очди.

— Янами?— деб сўради у ва Бернарни енгилгина итарди.— Бас, қўй энди, Бернар тинчлан!

— Жорж! Жорж! Сен менинг қўлимдан ўлиб кетясан!

— Начора! Мен укасининг қўлидан ўлган биринчи француз эмасман... Ўйлайманки, охиргиси ҳам бўлмасам керак. Лекин ҳаммасига мен айбдорман... Шаҳзода мени турмадан чиқариб олиб, ўзи билан бирга бу ерга олиб келди. Мен ўз-ўзимга энди ҳеч қачон қилич ялапғочламасликка сўз берган эдим. Аммо шўрлик Бевиль

---

\* Тавба қиламан. (Лог.)

хатарга дуч келганини билганимдан кейин... ўқ товушларини эшитиб, яқинроқ боришга жазм қилувдим.

Капитан яна кўзини юмди, лекин шу заҳоти яна очиб, Бернарга гапирди:

— Де Тюржи хоним айтиб қўйишни илтимос қилганди — у сени ҳамон аввалгидай севар экан.

У мулойим жилмайди.

Бу унинг сўнгги гапи бўлди. Чорак соатдан кейин у қазо қилди — афтидан, сўнгги дақиқаларда унчалик азобланмади шекилли. Бир неча минут ўтгач, монахнинг қўлида Бевиль жон берди. Кейинчалик монах у жон бераётганда самода тавба-тазарру қилган бандаи мўминнинг жонини қабул қилиб олаётган фаришталарнинг шодиёна садоларини аниқ эшитганмиш. У капитан Жоржнинг жонини жаҳаннамга олиб кетаётган жинлар тантанавор улиганини гапириб, ҳаммани ишонтирмоқчи бўлди.

Гражданлар уруши жонига тегиб кетган Лану ўз қиролига қарши қурол кўтаргани учун виждон азобидан қийналиб, охир-пировардида Ла-Рошелдан бош олиб чиқиб кетгани, қирол қўшини қамални тўхтатишга мажбур бўлгани, шундан кейин тўртинчи марта сулҳ тузилгани ва орадан кўп ўтмай Карл IXнинг вафот этгани Франциянинг ҳамма тарих китобларида батафсил ҳикоя қилинган.

Бернар-чи? Бернар таскин топдими? Дианага бошқа бирон одам ошиқ бўлдими? Буни ҳал қилишни китобхонга ҳавола қиламан. Шундай қилинса, ҳар қайси китобхон романи ўз кўпгилига маъқул бўлган тарзда тугалаш имконига эга бўлади.

## НОВЕЛЛАЛАР





Порто-Веккьодан шимоли-ғарбга — оролнинг ичкари-сига қараб йўл олсангиз, анча тик қияликлардан кўтарилишга тўғри келади. Катта-катта харсангтошлар қаланиб ётган, баъзи жойлари ўпирилиб кетган илон изи сўқмоқдан уч соатлар чамаси юрсангиз, боши кети кўринмайдиган қалин *макига* рўпара бўласиз. *Маки* — корсикалик чўпонлар билан қонунга чап бериб юрганларнинг макони. Айтиш керакки, корсикалик деҳқон далани ўғитиш заҳматидан қочиб, ўрмоннинг бир четига ўт қўяди. Олов керагидан ортиқроқ жойни ёндириб юборса ҳам парвойига келмайди. Нега деганда, ёндирилган дарахтларнинг кули тушган ердан яхши ҳосил олишига ишонади-да. Бошоқлар йиғиб олинганидан кейин (сомони қолаверади, уни йиғиб олиш — машаққат), ер остида омон қолган дарахт илдизларидан янаги баҳорда навқирон новдалар кўкаради. Бир неча йил ўтиб, уларнинг бўйи етти-саккиз футга етади. Мана шу қалин чакалакни *маки* дейишади. *Маки* — бир-бири билан айқаш-уйқаш бўлиб ўсган ҳар хил дарахтлардан иборат. Одам уларнинг орасидан қўлида болта билангина йўл очиб юриши мумкин. Баъзан эса шунақа қалин *макилар* бўладики, ҳатто олқорлар ҳам уларнинг орасидан ўтиша олмайди.

Агар сиз одам ўлдирган бўлсангиз, Порто-Веккьодаги *макига* қочинг. Ёшингизда бехато урадиган милтиқ билан ўқ-дорингиз бўлса, хавф-хатардан холи, бемалол яшайверасиз. Фақат капюшонлик жигарранг планк\* олиб олишни унутмасангиз бўлгани — у сизга ҳам кўрпа, ҳам тўшак ўрнига ўтади. Чўпонлар сизга сут, пишлоқ ва ёнғоқ беришади. Ўқ-дорингиз тугаб қолганда, шаҳарга тушиб

---

\* Pilonе (автор изоҳи).

чиқиш эҳтиёжи туғилмаса, на қонундан, на жабрдийданинг қариндош-уруғларидан ҳадиксирамай яшайверасиз.

18... йилда Корсикага борганимда Маттео Фальконенинг уйи ана шу макидан ярим милча берида эди. У ўша ердаги ўзига тўқ одамлардан эди. У сон-саноксиз подалардан келадиган даромад ҳисобига ҳалол ҳаёт кечирарди. Унинг подаларини кўчманчи чўпонлар тоғма-тоғ ўтиб юриб боқишарди. Мен уни учратганимда эллик ёшлар чамасида эди. Ҳозир мен сизга айтиб бермоқчи бўлиб турган воқеа эса ундан икки йил бурун содир бўлган экан. Уни ўрта бўйли, лекин бақувват, жингалак сочлари қорамойдай тим қора, қирра бурун, лаблари юпқа, кўзлари тийрак, юзи ошланмаган терининг рангидаги бир одам деб тасаввур қилаверинг. Бу ўлкада уста мерганлар кўп бўлади. Аммо Маттео милтиқдан бехато отишда уларнинг ҳаммасидан ўтарди. Масалан, Маттео олқор овлаганда ҳеч қачон сочма ўқ ишлатмасди, бироқ уни бир юзу йигирма қадам наридан истаса бошидан, истаса курагидан отиб, ер тишлатарди. Қундузи қанчалик чапдаст бўлса, зим-зиё кечаси ҳам шунчалик бехато отарди. Менга унинг чапдастлигини кўрсатувчи бир воқеани айтиб беришган. Корсикада бўлмаган одамга бу муболағадек туюлиши мумкин. Ундан саксон қадам нарига — тарелкадай келадиган ялтироқ қоғоз ортига шам ёқиб қўйишипти, у мўлжалга олипти. Кейин шамни ўчириб қўйишипти. Бир минут ўтгач, қоп-қоронғи тунда ўша қоғозга қаратиб ўқ отибди. Шунда тўртта ўқдан учтасини қоғозга тегизибди.

Ана шунақа фавқулудда маҳорат Маттео Фальконени машҳур қилиб юборди. Уни одамлар ҳам яхши дўст, ҳам хавфли рақиб ҳисоблашарди. Бироқ у дўстларидан жонини ҳам аямас, фақирларга меҳру шафқат билан қарар, Порто-Веккьо вилоятида ҳамма билан иноқ, тинч-тотув яшарди. Айтишларига қараганда, у хотинини Кортодан олган экан, у ерда жангда шаддодлик, муҳаббат бобида эса эпчиллик билан ном чиқарган хавфли рақибига шафқатсиз зарба берган экан. Маттеонинг милтигидан узилган ўқ уни дераза ёнида осиглик турган кўзгуга қараб турганида қулатган эмиш. Бу воқеа босди-босди бўлгач, Маттео уйланди. Хотини Жузеппа унга аввал учта қиз туғиб берди (бундан Маттео роса дарғазаб бўлган эди), кейин ўғил туғди. Унга Фортунато деб ном қўйишди. Бу помда оиланинг умиди ва уруғнинг давомчиси деган маъно бор эди. Қизларини у яхши жойларга узатди: бирон хавф-хатар туғилса, ота куёвларининг хап-



жари ва милтиқларига таяниши мумкин эди. Уғли эса энди ўнга кирган, лекин бўладиган бола экани ҳозирда-ноқ кўриниб қолган эди.

Эрта куз кунларидан бирида Маттео саҳарлаб молларидан хабар олиб келиш учун хотини билан *макига* жўнади. Кичкина Фортунато улар билан бирга бормоқчи бўлди, бироқ яйлов анча олис эди. Ундан ташқари, уйни ёлғиз ташлаб кетиб бўлмасди. Шу сабабга кўра отаси уни қолдириб кетди. Ота бу ишдан қапчалар пуншаймон бўлгани ҳикоямизнинг давомидан аён бўлади. Улар жўнаб кетишгандан кейин бир неча соат ўтди. Кичкина Фортунато октобрўй жойда чўзилиб ётиб, мовий тоғларга тикилганича, янаги якшапба кунини шаҳарга сароғали\* амакасиникига меҳмонга боришини ўйларди. Тўсатдан янграган ўқ овози унинг хаёлларини тўзгитиб юборди. У санчиб туриб, ўқ овози эшитилган сайҳонлик томонга ўгирилди. Яна ўқтин-ўқтин ўқ овози эшитилди. Отишма борган сари яқинлашиб келарди. Ниҳоят, сайҳонликдан Маттеонинг уйига олиб келадиган сўқмоқда жулдур кийимли, соқоли ўсиб кетган, тоғликлар киядиган учли қалпоқ кийган одам пайдо бўлди. У милтиғига таяшиб, зўрға оқсоқланиб келарди. У ҳозиргина оёғидан ўқ еган кўринарди.

У порох олиб келгани кечаси шаҳарга кетаётиб, корсикалик вольтижерлар\*\* пистирмасига дуч келиб қолган бандит\*†\* эди. У жон-жаҳди билан отишиб, қоя-тошларни паналаб, қувиб келадиганларни бир амаллаб чалғитишга муваффақ бўлди. Бироқ солдатлар яқин орада эди. У эса жароҳати туфайли *макига* етиб боролмади.

У Фортунатонинг олдига келиб, сўради:

— Маттео Фальконенинг ўғлимисан?

---

\* Илгариги вақтларда феодал сеньорларга қарши исён кўтарган Корсика коммуналари ўзлари сайлаб оладиган раҳнамоларини капрал деб аташарди. Ҳозирги вақтда ўзининг молу мулки, ошна-оғайнилари, мижозларининг кўплиги туфайли *riève*, яъни, кантонда катта обрўга эга бўлган, ҳатто кўп мижароларга қозилик қиладиган одамни баъзан шундай аташади. Қадимий одатга кўра, корсикаликлар беш табақага бўлинади: дворянлар (уларнинг баъзилари *magnifici* бошқалари — *signori*), сароғали, граждавлар, плебейлар ва келгиндилар. (Автор изоҳи.)

\*\* Вольтижерлар — ўқчилар отряди бўлиб, яқиндан бери ҳукумат жандармлар билан бирга полицияга ёрдам берсин учун бундай отрядларга одам ёлламоқда. (Автор изоҳи.)

\*\*\* Бандит — бу ўринда яшириниб юрган жиноятчи маъносида.

— Ҳа.

— Мен Жаннетто Санпьероман. Орқамдан сариқ ёқалар\* қувиб келяпти. Мени яшир. Юргани ҳолим қолмади.

— Сўрамасдан сени яширсам, отам нима дейди?

— Яхши қилибсан, дейди.

— Қайдам?

— Мени тезроқ яшир. Улар бу ёққа келишапти.

— Отам қайтгунча кутиб тур.

— Кутиб тур? Лаънати-е! Улар беш минутдан кейин етиб келинади. Қани, бўл, мени тезроқ яшир. Бўлмаса, ўлдираман!

Фортунаато пинагини бузмай жавоб берди:

— Милтигинг ўқланмаган. Carhera\*\* да ўқ тугабди.

— Ханжарим бор.

— Барибир, менга етолмайсан.

У бир сакраб хавфсиз жойга чиқиб олди.

— Йўқ, сен Маттео Фальконенинг ўгли эмассан! Наҳотки, уйингнинг олдида мени ушлаб олишса-ю, сен индамай тураверсанг?!

Бу, афтидан, болага таъсир қилди шекилли:

— Сени яширсам, менга нима берасан?— деб сўради у яқинлашиб.

Бандит белбоғига илиб олган чарм хлтасини титкилаб, ундан беш франклик танга чиқарди. Бу пулни у порох сотиб олиш учун яшириб қўйган шекилли. Фортунаато кумуш тангани кўриб жилмайди, уни қўлига олгач, Жаннеттога гапирди:

— Ҳеч нарсадан кўрқма.

Бир зумда у уйинг ёнидаги пичан ғарамини ўйиб, ковак ясади. Жаннетто гужанак бўлиб, унга кириб олди, бола ковакнинг орзига ҳаво кириб турадиган қилиб пичан босди. Ғарамга қараган одам, унинг ичида биров яшириниб ётганини хаёлига ҳам келтирмас эди. Бундан ташқари, бола ёввойи одамларга хос маккорлик билан яна бир тадбир ишлатди. У яқинда болалаган мулкун болалари билан олиб келиб, ғарамга жойлаб қўйди — гўё ғарамга анчадан бери ҳеч ким қўл теккизмагандай бўлди. Кейин уй ёнидаги сўқмоқда қон изларини кўриб, ҳафсала билан уларнинг устига тушроқ сенди ва яна ҳеч нарса кўрмагандай офтобрўй жойга чўзилиб олди.

---

\* У пайтларда вольтижерлар сариқ ёқали жигарранг мундир кийишарди. (Автор изоҳи.)

\*\* Уқдон ва халта ўрнини босувчи чарм белбоғ. (Автор изоҳи.)

Бир неча минут ўтгач, сариқ ёқали жигарранг форма кийган олтита ўқчи сержант бошчилигида Маттеонинг уйи олдида туришарди. Бу сержант Фальконегга узоқ қариндош эди. (Маълумки, бошқа жойларга қараганда Корсикада қариндош-уруғчиликка қаттиқроқ риоя қилинади.) Унинг исми Теодор Гамба эди. У жуда фаол одам бўлиб, анча-мунча бандитларни қўлга туширган ва бандитлар ундан зир титранарди.

— Яхшимисан, жиан!— деди у Фортунатога яқинлашиб.— Анча катта бўлиб қолибсан-ку! Бу ердан яқинда ҳеч ким ўтмадимми?

— Вой, амаки, мен ҳали сиздай бўлганим йўқ-ку!— деб жавоб берди бола ўзиши гўлликка солиб.

— Менга ҳам етиб оласан. Қани, айта қол: ҳеч ким ўтмадимми?

— Бу ердан ҳеч ким ўтмадимми, деяпсизми?

— Ҳа, узунчоқ духоба қалпоқ кийган, курткасига қизил, сариқ гул тикилган одам.

— Чўзинчоқ духоба қалпоқ кийган, курткасига қизил, сариқ гул тикилган?

— Ҳа, тезроқ жавоб бер, саволларимни такрорламай.

— Бугун эрталаб уйимизнинг олдидан Пьеро деган отини миниб кашини ўтди. У, отангининг аҳволи қалай, деб сўради. Мен айтдимки...

— Ҳа, ярамас. Муғамбирлик қиялсан-а! Қани, бўл, тез жавоб бер: Жаннетто қаерга гоийб бўлди? Биз уни қидириб юрибмиз. Имоним комил, у шу сўқмоқдан юрган.

— Мен қаёқдан билай?

— Қаёқдан билай? Лекин мен биламан — сен уни кўргансан.

— Ухлаб ётган бўлсам, ўтгап-кетганини қандоқ кўраман?

— Ухлаганинги йўқ, муғамбир! Ўқ товушлари уйғотиб юборган.

— Амакижон, милтигингиз шунақа қаттиқ варанглайди дейсизми? Отанинги милтиги қаттиқроқ гумбурайдди.

— Жиан урсин сен лантанини! Мен аминманки, сен Жанпеттони кўргансан. Балки, уни яшириб ҳам қўйгандирсан. Йигитлар, уйга кириш. Қочоқни тузукроқ қидириб кўринг. У зўрга оқсоқланиб юрипти. Бу аблаҳнинг майиб оёқ билан макига етиб боролмаслигига ақли етади. Қон излари ҳам шу ерга келиб тамом бўлган.

— Отам нима деркин?— деб сўради Фортунато истеҳзо билан.— Йўғида уйимизга бостириб киришганини билса, отам нима деркин?

— Муттаҳам!— деди Гамба унинг қулоғидан чўзиб.— Истасам, бир зумда бошқача сайраб қоласан. Сенинг тилга киришинг учун қиличнинг бети билан жиндай савалаш керакка ўхшайди.

Фортунато эса истеҳзосини давом эттираверди:

— Менинг отам — Маттео Фальконе!— деди у маънодор қилиб.

— Биласанми, шумтака, истасам, сени Қортога ёки Бастияга олиб бориб, турмага тиқиб қўяман. Қўл-оёғинга кишан уриб похолга ётқизаман-да, каллангни оламан. Яхшиси, Жаннетто Санпьеронинг қайдалигини айт.

Бола бундай кулгили пўписани эшитиб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. У ҳамон такрорларди:

— Менинг отам — Маттео Фальконе.

— Сержант!— деди пичирлаб вольтижерлардан бири.— Келинг, қўйинг. Маттео билан ўчакишиб нима қиласиз?

Гамба ночор аҳволда қолди. У солдатлар билан шивир-шивир қилиб алланимани гаплашди. Солдатлар бир зумда уйни титкилаб қараб чиқишди. Бунга кўп вақт кетгани йўқ. Чунки корсикаликнинг кулбаси битта чорбурчак хонадан иборат бўлади. Стол, курси, сандиқ, баъзи бир уй анжомию овчилик ускуналари — унинг бор-йўқ бисоти шу. Бу орада кичкина Фортунато мушукни силаб ўтирар ва вольтижерлар билан амакисининг довдираб қолишганидан ичида кулаётгандай эди.

Солдатлардан бири ғарамнинг олдига борди. Мушукни кўриб, лоқайдлик билан пичанга найза санчди, сўнг барибир, бу беҳуда гап, дегандек елкасини қисди. Ғарам ичида ҳеч нарса ғимир этмади, боланинг чехрасида ҳам заррача ташвиш аломати сезилмади.

Сержант ва унинг отряди борган сари бетоқат бўла бошлади. Улар келган томонларига қайтиб кетишга чоғлангандек, сайхонликка нигоҳ ташлай бошлашди. Лекин бу орада уларнинг бошлиғи Фальконенинг ўғлига дўқ-пўписалар заррача таъсир қилмаётганига қаноат ҳосил қилгач, яна бир бор уришиб кўришга, энди мулойимлик билан синаб кўришга аҳд қилди:

— Жиян!— деди у.— Сен ўзинг дуруст бола кўринасан. Мартабанг улуғ бўлади. Лекин ҳозир бекорга ўжарлик қилияпсан. Агар биродарим Маттеони ранжитишдан қўрқмаганимда сени олиб кетардим.

— Шунақа денг!

— Ҳали Маттео келганда, ҳаммасини унга айтиб берман. Ёлгон гапирганинг учун таъзирингни бериб қўяди.

— Кўрамиз...

— Ҳа, кўрасан... Менга қара: ақлли бола бўлсанг, мен сенга бир нарса берардим.

— Мен бўлсам, амакижон, сизга маслаҳат берман: агар сусткашлик қилсангиз, Жаннетто *макига* кириб кетади. Ундан кейин уни ушлаб олиш учун сиздақалардан яна авчаси керак бўлади.

Сержант киссасидан кумуш соатини чиқарди. У камида ўн эю турарди. Соатни кўриб, кичкина Фортунатонинг кўзлари ёнганини сезган сержант пўлат занжирнинг учидан ушлаб соатни осилтирганича гап бошлади:

— Ҳой, муғамбир! Кўкрагингга шунақа соат осиб, Порто-Векьо кўчаларидан товусдай гердайиб юринг келар-а? Ўтган-кетган сендан: «Соат неча?» деб сўрайди, сен эса: «Мана, ўзингиз кўра қолинг», деб соатни тутасан.

— Катта бўлганимда капрал амаким менга соат совға қилади.

— Шундоғу, лекин амакинг ўғлига ҳозирнинг ўзида соат олиб берган... Тўғри, у соат бунчалик чиройли эмас... Амакингнинг ўғли ҳали сендан кичкина...

Бола чуқур тин олди.

— Хўш, нима дейсан, соатни олгинг келянтими, жиян?

Соатга кўз қирини ташлаб турган Фортунато эгаси жўжани кўрсатиб эрмак қилаётган мушукнинг аҳволига тушиб қолган эди. Мушук гашига тегishaётганини сезиб, жўжага чангал уришга ботинолмайдди, вас-васдан қочиш учун ўқтин-ўқтин ундан кўз узади, дақиқа сайин тамшанади ва бутун қиёфаси билан хўжайинга қараб, «ҳазил ҳам шунақа бешафқат бўладими?» деяётгандай бўлади.

Аммо сержант Гамба чиндан ҳам соатни унга совға қилмоқчи кўринади. Фортунато соатга қараб қўл чўзмади-ю, лекин аччиқ алам аралаш гапирди:

— Нега мени мазах қиляпсиз?\*

— Худо ҳаққи, мазах қилаётганим йўқ. Жаннеттонинг қаердалигини айтсанг, бас, соат — сеники.

Фортунато ишонқирамай жилмайди, унинг қора кўзлари еб қўйгудек бўлиб сержантнинг кўзларига қадалди. Бола унинг кўзларидан гапига ишонса бўлиш-бўлмаслигини уқиб олмоқчидай эди.

---

\* Perché me c... (Автор изоғи.)

— Агар соат сеники бўлмаса, эполетимдан айрилай,— деб қичқирди сержант.— Мана, солдатлар гувоҳ бўлсин, мен сўзимдан қайтмайман.

Шу сўзларни айтар экан, у соатни Фортунатога тобора яқин олиб келар, соат боланинг ранги ўчган юзига тегай-тегай деб турарди. Боланинг қалбида соатни олиш истаги билан меҳмондўстлик бурчи ўртасида жўш ураётган кураш унинг юзига ҳам тешган эди. У гўё ҳозир бўғилиб қоладигандек, ҳансираб нафас оларди. Соат эса қаршисида чайқалиб, занжирда айланиб, бурчининг учига тегай-тегай деб турибди. Ниҳоят, Фортунато соатга журъатсизгина қўл чўзди, ўнг қўлининг бармоқлари соатга тегди, мана сержант занжирни қўйиб юборган бўлма-са-да, соат боланинг кафтига қўнди... Мовий циферблат. Ярақлаб турган қонқоқ... Қуёш нурида ёнаман дейди... Бундай ўлжадан воз кечиш амримаҳол эди.

Фортунато чап қўлини кўтариб, бош бармоғи билан елкаси оша ўзи суяниб турган пичан гарамига ишора қилди. Сержант дарров тушунди. У занжирнинг учини қўйиб юборди. Фортунато энди соат ўзиники бўлганига чиндан ишонди. У кийикдай чаққон сакраб турди-да, вольтижерлар тита бошлаган гарамдан ўн қадамча нарига югуриб борди. Пичан ғимирлади ва гарам ичида қонга беланган одам қўлида ханжар билан ўрмалаб чиқиб келди. У ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин оёғидаги жароҳати бунга имкон бермади. У йиқилди. Сержант унга ташланиб, ханжарини тортиб олди. Роса қаршилиқ кўрсатишига қарамай, шу заҳоти унинг қўл-оёғини чандиб ташлашди. Қўл-оёғи боғлиқ, бир бог ўтиндай ерда ётар экан, Жаншетто олдига келган Фортунатога юзини ўгирди-да:

— ... Ўғил эмиш!— деди. Унинг оҳангида ғазабдан кўра нафрат кучлироқ эди.

Бола ундан олган кумуш тангани қайтариб олдига ташлади — бу инъомни олишга ҳаққи йўқлигига ақли етди. Лекин жинояткор унинг бу ишига заррача ҳам эътибор бермади. У жуда босиқ оҳангда сержантга мурожаат қилди:

— Муҳтарам Гамба! Мен юролмайман. Мени шаҳаргача кўтариб борасизлар.

— Ҳозиргина эчкидай шаталоқ отиб югуриб юрувдинг-ку!— деди шафқатсиз ғолиб.— Майли, хотиржам бўл, қўлимга тушганининг хурсандчилигига ўзим сени бир миля жойга опичиб боришга тайёрману, лекин анча чарчаганман. Майли, ошна, сен учун шох-шабба билан

планингдан замбил ясаймиз, Кресполидаги хонадонлардан от оламиз.

— Майли,— деди банди.— Лекин замбилга бир оз похол солинлар. Менга қулайроқ бўлсин.

Вольтижерлардан баъзилари каштан шохларидан замбил ясаётган, баъзилари Жаннеттонинг ярасини боғлаш билан банд бўлиб турган пайтда, *макига* олиб борадиган сўқмоқнинг бурилишида тўсатдан Маттео билан хотини пайдо бўлди. Хотини каштан ёнбоқлари солинган катта қанорнинг оғирлигидан эгилиб зўрға қадам босар, эри эса қўлида битта милтиқдан бошқа юки йўқ — енгил ва шахдам юриб келарди. Эркак кишига қуролдан бошқа юк помуносиб-да!

Солдатларни кўриб, Маттео аввалига, улар мени қамагани келишган, деб ўйлади. Бундай фикр қаёқдан келди? Наҳотки, Маттеонинг ҳукуматга манзур бўлмайдиган бирон кирдикори бўлса? Йўқ, у яхши одам, деб ном чиқарган. У ўз аравасини тинчгина судраб юрадиган фуқаролардан. Аммо у, айни чоқда, корсикалик ҳам, тоғлик ҳам эди. Қайси бир корсикалик — тоғлик ўз хотирасини тузукроқ ковлаштириб кўрса, ўтмишда қалиб қўйган бирон гуноҳини тополмайди? Бировни отиб қўйишми, чавақлаб кетишми ёки шунга ўхшаш бирон майда гуноҳдан соқит одам борми? Маттеонинг виждони ҳам-маникидан ҳам тоза эди, чунки, мана, ўн йил бўлди, одам боласига милтиқ ўқталгани йўқ, лекин шундоқ бўлса-да, у сергакляниб, зарур бўлса, ўзини матонат билан ҳимоя қилишга чоғланди.

— Хотин!— деди у Жузеппага.— Юкинги қўйиб, тайёрланиб тур.

Хотини дарҳол унинг айтганини қилди. Эри елкасида осеғлик милтиқни олиб унга узатди — у халақит берипи мумкин эди-да. Иккинчи милтиқни ўқталганча, йўл бўйидаги дарахтларни паналаб, оҳиста уйига яқинлаша бошлади. Солдатлар сал-пал қалтис ҳаракат қиладиган бўлсалар, у дарҳол йўғон дарахт панасига яширишиб, у ердан отишиши мумкин эди. Жузеппа иккинчи милтиқ билан ўқ халтани кўтариб, унинг изидан келарди. Яхши хотиннинг бурчи — жанг вақтида эрига милтиқ ўқлаб бериб туриш бўлади.

Маттеонинг милтиқ ўқталиб, тенкини босишга тайёр ҳолда оҳиста яқинлашиб келаётганини кўрган сержантнинг юрагига ғулу тушди.

«Борди-ю,— деб хаёлидан ўтказди у,— Маттео Жаннеттонинг қариндошими, дўстими бўлса-ю, уни ҳимоя

қилиб қолса-чи? Унда бирдан икки киши унинг иккита ўқига учиши турган гап. Қариндошлигимизга қарамай, менга ўқ узса пима бўлади?»

Ниҳоят, у дадиллик билан бир фикрга келди — Маттеога пешвоз чиқиб, ҳамма гапни қадрдон дўстига айтгандай, оқизмай-томизмай айтиб беришга аҳд қилди. Маттеодан ажратиб турган қисқагина масофа унга ҳаддан ташқари узундай кўринди.

— Ҳа, ошна!— деб қичқирди у.— Аҳволинг қалай, дўстим? Мен Гамбаман, қариндошинг!

Маттео бир оғиз сўз айтмай, жойида тўхтади. Сержант гапирар экан, у милтигининг оғзини секин-аста юқорига кўтара бошлади. Сержант яқинлашиб келганда унинг милтиғи осмонга қараб турарди.

— Яхшимисан, биродар!\* — деди сержант кўришишга қўл чўзиб.— Учрашмаганимизга ҳам анча бўлди.

— Яхшимисан, биродар!

— Мен йўл-йўлакай сен билан ҳам, синглим Пеппа билан ҳам кўришиб кетай деб келган эдим. Бугун жуда кўп юрдик, лекин овимиз бароридан келди. Ношукурчилик бўлмасин, чарчасак ҳам гўрга, ҳозиргина Жаннетто Санпьерони қўлга туширдик.

— Худога шукур!— деб нидо қилди Жузеппа.— Ўтган ҳафта соғин эчкиларни ўмариб кетган эди.

Унинг гапи Гамбани хурсанд қилди.

— Бечора!— деди Маттео.— У оч эди!

— Бу аблаҳ шердай олишди,— деб давом этди сержант бир оз эпаси қотиб.— У менинг ўқчиларимдан бирини отиб ўлдирди, капрал Шардоннинг қўлини майиб қилди. Майли, бунисига чидаса бўлади. Шардон француз... Кейин десанг, у шунақа усталик билан яшириниб олибдики, уни алвасти ҳам тополмасди. Агар жияним Фортунато бўлмаса, мен уни икки дунёда ҳам тополмасдим.

— Фортунато?— деб қичқирди Маттео.

— Фортунато?— деб такрорлади Жузеппа.

— Ҳа, Жаннетто анави гарамнинг ичига яширинган экан. Жияним унинг ҳийласини айтиб берди. Мен буни капрал амакисига гапириб бераман. У жиянимни тақдирлаб, яхши совға юборади. Мен эсам прокурор номига ёзадиган ахборотимда сени ҳам, уни ҳам тилга оламан.

— Минг лаънат!— деди Маттео эшитилар-эшитилмас.

---

\* *Buon giorno, fratello* — корсикаликларнинг одатдаги салом-алиги (автор изоҳи).



Улар отряднинг олдига келишди. Жаннетто замбилда ётарди. Солдатлар жўнаш тарадудиди эдилар. Маттеони Гамбанинг ёнида кўриб, Жаннетто ғалати бир истеҳзо билан кулди-да, кейин уй томонга юзини ўгириб, остонага тупурди.

— Сотқиннинг уйи!— деди у ижирганиб.

Ўлимини бўйнига олган одамгина юрак ютиб, Фальконени сотқин деб аташга журъат қилиши мумкин эди. Ханжарнинг бир зарби билан бу ҳақоратга жавоб берса бўларди. Биргина зарби билан!

Аммо Маттео ногаҳоний кулфатдан синган одамдай муштани пешанасига тираганча донг қотиб қолди.

Фортуна отасини кўрибоқ уйга кириб кетган эди. Орадан кўн ўтмай, у бир коса сут кўтариб ичкаридан чиқди ва ерга тикилиб туриб, уни Жаннеттога узатди.

— Йўқол кўзимдан!— даҳшатли овоз билан ҳайқирди маҳбус.

Кейин вольтижерлардан бирига юзланиб, илтимос қилди:

— Ошна! Менга сув бер.

Солдат унга сувлуғини узатди. Бандит ҳозиргина рақби бўлган одамнинг қўлидан сувлуғни олиб, сувдан бир-икки қултум хўплади. Сўнгра қўлини орқасига қайриб боғламасдан, кўкраги устига боғлашларини сўради.

— Қулайроқ ётишни маъқул кўраман,— деди у. Бир зумда унинг илтимосини бажо келтиришди, сўнг сержант қўзғалишга ишора бериб, Маттео билан хайрлашди, лекин ундан садо чиқмагач, сайҳонликка қараб тез-тез юриб кетишди.

Орадан ўн минутча ўтди, Маттео эса ҳамон индамас эди. Бола хавотир ичида гоҳ онасига, гоҳ отасига термилиб қараб қўярди. Отаси милтиққа суянганча, босиб келаётган ғазабини тизгинлаёлмай, қаҳр билан ўглига тикиларди.

— Бошлабсан!— деди ниҳоят Маттео хотиржам оҳангда. Аммо бу одамни билганлар хотиржамлик замиридаги қаҳр-ғазабдан воқиф эдилар.

— Ота!— деб қичқириб юборди бола. Унинг кўзларидан ёш тирқиради. У тиз чўкмоқчи бўлгандай, олд томонга бир қадам қўйди.

Лекин Маттео бирдан ҳайқирди:

— Йўқол!

Бола ҳўнграб йиғлаганча отасидан бир неча қадам нарида тошдек қотиб туриб қолди.

Жузеппа уларга яқинлашди. У Фортунато кўйлагининг этагидан учи чиқиб турган соат занжириши кўриб қолди.

— Соатни ким берди сенга?— деб сўради у қахр билан.

— Сержапт амаким.

Фальконе соатни юлқиб олди-да, жон-жаҳди билан тошга урди. Соат майда-майда бўлиб кетди.

— Хотин!— деди у.— Мендан бўлганми шу бола?

Жузеппанинг буғдой ранг чехраси ғиштдан ҳам қизилроқ тусга кирди.

— Эсингни йиғ, Маттео! Қимга гапиряпсан бу гапни?

— Демак, бу бола бизнинг уруғимиздан чиққан биринчи сотқин экан.

Фортунатонинг йиғиси авж олди, Фальконе эса силовсинникига ўхшаш ўткир кўзини ҳамон ундан узмай турарди. Ниҳоят, у милтигининг қўндоғини ерга бир урди-да, кейин уни елкасига олиб, Фортунатога, «орқамдан юр», деб буйруқ берди ва *макига* йўл олди.

Бола итоат қилди.

Жузеппа Маттеога ташланиб, қўлларига осилди:

— Ўз пуштикамарингдан бўлган зурриётинг-а!— деб қичқирди у титроқ овозда. У қора кўзларини эрининг кўзларига тикиб, улардан эрининг қалбида кечаётган гапни ўқиб олмоқчидек эди.

— Бас қил!— деди Маттео.— Мен унинг отасиман!

Жузеппа ўглини ўпди ва йиғлаганича уйга кириб кетди. У ичкарига кириши билан Биби Марямнинг сурати қаршисига тиз чўкиб, сидқидилдан ибодат қила бошлади. Бу орада Фальконе сўқмоқ бўйлаб икки юз қадамча юрганидан кейин, чоғроққина чуқурга дуч келди. Қўндоқ билан ерни уриб кўриб, унинг юмшоқлигига, ковлаш осон бўлишига ишонч ҳосил қилди. Бу жой ниятини бажо келтириш учун қулай туюлди.

— Фортунато! Анави катта тошнинг олдига бор.

Унинг буйруғини бажарган Фортунато тиз чўкди.

— Ибодат қил!

— Ота! Отажон! Ўлдирма мени!

— Ибодат қил!— ғазаб билан такрорлади Маттео.

Бола дудуқлана-дудуқлана, кўзида ёш билан иккита дуо ўқиди. Ҳар қайси дуонинг охирида отаси қатъий оҳангда «омин», деб қўйди.

— Бошқа дуони билмайсанми?

— Ота! Яна бир дуони биламан. Биби Марям ҳақида. Холам ўргатган эди.

— Жуда узун дуо... Майли. Ўқи.

Бу дуони ўқир экан, бола овоз чиқаришга ҳам мажол қолмади.

— Тугатдингми?

— Ота! Раҳм қил! Мени кечир! Ҳеч қачон бунақа қилмайман! Жаннеттони афв қилишини капрал амакимдан ялиниб сўрайман.

У яна нималардир деб ғудурлади. Маттео милтиқни кўтариб, мўлжалга олар экан, гапирди:

— Сени худонинг ўзи кечирсин!

Фортуна то жоп-жаҳди билан сапчиб турмоқчи, отасининг оёқларига ўзини ташламоқчи бўлди, лекин улгуролмади. Маттео ўқ узди, бола жопсиз йиқилди.

Маттео жасадга қайрилиб ҳам қарамай, ўғлига гўр қазигани белкурак олиб келиш учун сўқмоқдан уй томошга йўл олди. Бир неча қадам қўйиб улгурмай, у ўқ овозидан хавотирланиб, югуриб келаётган Жузеппага дуч келди.

— Нима қилиб қўйдинг?— деб қичқирди у.

— Адолат қарор топди!

— Қани у?

— Чуқурда. Мен уни ҳозир кўмаман. Имони ўзида кетди. Мен унинг хотирасига жаноза ўқиттираман. Куёвимиз Теодор Бьянкига айтиш керак, бизникига кўчиб келсин.



Капитал Леду азамат денгизчи эди. У хизматни оддий матросликдан бошлади, кейин даргага ёрдамчи бўлди. Трафальгар яқинидаги жангда тўп ўқидан синган мачта парчаси тегиб кетиб, чап қўлининг суягини мажақлаб юборди. Унинг қўлини кесинди-да, ўзига мақтов қоғози ёзиб бериб кемадан жўнатишди. У осуда ҳаётни ёқтирмас эди. Яна денгиз сафарига имкон туғилиши биланоқ, бир хусусий ҳарбий кемага капитаннинг иккинчи ёрдамчиси бўлиб ёлланди. Бир неча душман кемаларидан олинган ўлжаларни сотиб орттирган пулига анча-мунча китоб сотиб олди ва ўзи амалда мукаммал биладиган денгизчилик ишининг назарияси билан шуғуллана бошлади. Орадан бир неча йил ўтгач, экипажи олтмиш кишидан иборат бўлган уч замбаракли хусусий ҳарбий кемага капитан бўлди. Унинг мардликларни Жерси ороли атрофида сузган матросларнинг тилида ҳанузгача дoston бўлиб юрибди. Сулҳ тузилиши унинг ҳафсаласини пир қилди: уруш пайтида у бир оз сармоя тўплаган, уни инглизлар ҳисобига кўпайтириш умидида эди. Шароит тақозоси билан у савдогарларга ўз хизмати-ни таклиф этди. Қатъиятли ҳам тажрибали одам сифатида машҳур бўлганидан бажону дил унга савдо кемасини ишониб топширишди. Негрларни сотиш тақиқлангач, бу иш билан пинҳоний шуғулланмоқчи бўлганлар француз божхонаси ходимларининг кўзига чўп солиши керак бўлиб қолди. Бу иш унча мушкул эмас эди. Бундан ташқари, инглиз крейсерларига ҳам чап бериб кетиш керак эди. Бу эса бирмунча хатарли эди. Мана шундай шароитда капитан Леду «қора ёғоч» савдогарлари\*га жуда қўл келиб қолди.

Капитан Ледунинг ўзига ўхшаган — узоқ йиллар давомида матрослик хизматининг заҳматларини чеккан

---

\*Негрлар билан савдо-сотик қиладиган одамлар ўзларини шундай деб аташарди. (Автор изоҳи.)

кўпгина денгизчилардан фарқи шунда эдики, у янгиликлардан заррача тап тортмасди. Денгизчиларнинг кўпчилиги ҳатто юқори мартабаларни эгаллаганда ҳам мутаассибликдан қутула олмайди. Капитан Леду эса бу иллатдан холи эди. У кема эгаларига биринчи бўлиб чучук сув учун темир баклардан фойдаланишни таклиф қилганди. Қул ташийдиган кемаларда одатда анчамунча кишан ва занжирлар бўларди. Капитан Леду доимо янгича кишан-занжирлар олиб юрар ва ҳаминча занглаб қолмаслиги учун уларни яхшилаб мойлаб қўярди. Аммо қул жаллоблари орасида уни ҳаммадан кўра кўпроқ машҳур қилган нарса унинг қўл остида қурилган, қулларни ташишга мўлжалланган махсус кема бўлди. Бу елканли енгил кема ҳарбий кемаларга ўхшаган ингичка ҳам узун эди, шунга қарамай унга жуда кўп негр сифарди. У бу кемага «Умид» деб ном қўйди. У палубалар оралиғидаги масофанинг торгина бўлишини, уч футу тўрт дюймдан ошмаслигини талаб қилди. Унинг айтишича, қуллар унчалик новча бўлмаганларидан, уларнинг ўтиришларига бу жуда ҳам қулай эмиш, тик туришлари учун эса... қул тикка туриб нима қилади?

— Улар колонияга келишганидан сўнг, хоҳлаганларича тикка тураверадилар, — дер эди Леду.

Негрлар икки қатор бўлиб хонанинг деворларига орқа ўгириб ўтиришарди, шунда уларнинг орқаларида бир оз бўш жой қоларди. Қул тушадиган кемаларнинг ҳаммасида бу жой ўтиш учун хизмат қиларди. Леду эса бу жойга қора танлиларни ўтказиб қўйди. Шу тариқа унинг кемасига шу ҳажмдаги бошқа ҳар қандай кемага қараганда ўн-ўн беш негр кўпроқ жойлашарди. Зарур бўлиб қолганда яна бир нечта қулни сиғинтирса ҳам бўларди-ю, аммо одамгарчиликни ҳам буткул унутиб юбориш ярамайди-да. Олти ҳафта, баъзан ундан ҳам ортиқроқ давом этадиган сафарда оёқ-қўлининг чигилини жиндай ёзиш учун ҳар бир негрга лоақал узунасига беш фут, энига икки фут жой қолдириш керак-да!

— Ахир, сирасини айтганда, — дерди Леду хўжайинига ана шу кўнгилчанлигини оқлаш учун, — негр ҳам оқ танлиларга ўхшаган одам-ку!

Кейин иримчи одамларнинг айтишларига қараганда, «Умид» Наитдан сафарга жума куни чиқиб кетган. Кемани синчиклаб кўздан кечирган назоратчилар занжир, кишан ҳамда негадир «адолат ғўласи» деб ном чиқарган темир таёқлар жойланган олти катта яшикни пайқашмаган. Улар, шунингдек, кемага керагидан зиёд сув

ғамлаб олинганига ҳам ажабланишмади. Ҳолбуки, ҳужжатларга кўра, кема ёғоч ва фил суяги харид қилиш учун атиги Сенегалгача борар эди. Йўл узоқ, шундай бўлса-да, ортиқча эҳтиёткорлик зарар қилмайди. Мабодо, шабада бўлмай, кема бир жойда туриб қоладиган бўлса, ғамланган чучук сувлар асқатади.

Шундай қилиб, яхши жиҳозланган ва зарур нарсалар билан тўла таъминланган «Умид» жума куни сафарга чиқди. Ледуга қолса, кеманинг матчалари бақувватроқ бўлса зарар қилмас эди; лекин ҳозир ҳам чакки эмас — кемага шунча раҳбарлик қилиб, ҳали матчалардан зорланишга тўғри келгани йўқ. Сафар ўнгидан келди, кўп ўтмай Африка қирғоқларига етиб келди. Агар помини чалкаштириб юбормаган бўлсам, у Ивоаль дарёси денгизга қўйиладиган жойга лангар ташлади. У лангар ташлаган пайтда бу яқин орада ишғиз крейсерлари кузатувчилик қилаётгани йўқ эди. Бир зумда «Умид» маҳаллий даллоллар билан тўлди. Фурсат жуда ҳам қулай эди: ҳарб ишларида ҳамда қулфурушликда долг тарагган Таманго қирғоққа оламжаҳон қул ҳайдаб келган экан. У олиб келган қулларни сотиб тугатини биланоқ бу ерга яна янгиларини келтиришга кучи ҳам, уқуви ҳам етишига астойдил ишонганидан, уларни арзон-гаровга сота-верар эди.

Капитан Леду ўзини соҳилга элтиб қўйишларини буюрди ва у ердан Тамангонинг ҳузурига қараб йўл олди. Уни негрлар раҳнамози учун шошманшоарлик билан наридан-бери қурилган чайлага олиб киришди. Таманго уни ёнида иккита хотини, бир неча жаллод ва назоратчилари билан бирга қарши олди. Таманго оқ танли капитан билан учрашув шарафига ясашиб олган эди. У яланғоч баданига капраллик белгилари сақланиб қолган, бироқ тилла эполетларнинг тугмалари узилиб кетганидан бири олдинга, иккинчиси орқага қараб илиниб турган мовий мундир кийиб олганди. Мундир унга калта эди. Гвинея матосидан тикилган шинтон билан мундирнинг оқ қайтарма ёқаси орасида қора баданнинг бир нарчаси энли камардек кўришиб турарди. Белига суворилар тақадиган узун қилчичи чилвир билан боғлаб олинти, қўлида эса ишғизларнинг энг яхши қўштиғ милтиғи. Африкалик жангчи ўзини бу либосда Париж ёки Лондонлик ҳар қандай башанг олифтадан жозибалироқ деб ҳисобларди.

Капитан Леду унга бир дақиқа индамай тикилиб турди. Таманго эса ажзабий генерал олдида кўриқдан ўтаётган гренадердай қаддини ростлаб, ўзича оқ танлини

қойил қолдирганидан завқланарди. Леду уни синчковлик билан кўздан кечирди-да, кейин ёрдамчисига юзланиб деди:

— Зап норғул экан-да! Эсон-омон Мартишикига етказиб борсам, уни камида минг эюга пуллардим.

Улар ўтиришди, йолоф тилини сал-пал биладиган бир матрос тилмочлик вазифасини ўз зиммасига олди. Бундай ҳолларда айтилиши лозим бўлган сертакаллуф мулозаматлардан кейин юнга\* ароқ солинган саватни олиб келди. Улар ичишди. Капитан Тамангони ийдириш учун унга Наполеоннинг сурати туширилган чиройли мис ўқдон совға қилди. Совға миннатдорчилик билан қабул қилинди. Кейин ҳаммалари чайладан чиқишди-да, олдиларига ароқ шишаларини қўйиб, соя жойга ўтиришди. Таманго сотиладиган тутқунларни олиб келишга ишора қилди.

Хорғинлик ва қўрқувдан қадди букилган қуллар саф тортиб келишди. Ҳар бир қулнинг бўйнига узунлиги олти фут келадиган бўғов солинган, унинг айри учларига кўндаланг қилиб ёғоч қоқилган эди. Йўлга тушиш лозим бўлганда, назоратчилардан бири биринчи қулнинг бўйнидаги бўғовнинг учини елкасига олади, у бўлса ўзидап кейингисиникини, иккинчиси учинчисиникини кўтаради ва ҳоказо. Дам олиш зарур бўлиб қолса сафнинг йўлошловчиси бўғовнинг ўткир учини ерга санчади ва саф тўхтайдди. Албатта узунлиги олти фут келадиган йўғон таёқ бўйнингдан тутиб турса, қочишни хаёлингга ҳам келтиролмайсан-да. Капитан қаршисидан ўтаётган эркак-аёл қулларни бирма-бир кўздан кечирар экан, елкасини қисиб, эркакларнинг озгинлигидан, аёлларни ўта кексалигидан ёки ўта ёшлигидан зорланди ва қора ирқнинг айниб бораётганидан шикоят қилди.

— Борган сари майдалашиб кетишяпти,— деди у.— Авваллари булар тамоман бошқача эди: аёлларнинг бўйи беш футу олти дюймдан кам бўлмасди, эркакларнинг тўрттаси кема чиғиринини бемалол айлантириб, катта лаңгарни кўтараверарди.

У инжиқлик қила-қила негрларнинг энг бақувват ва хушрўйларини ажратиб олди. Танлаганларига у одатдаги ҳақни тўлашга рози бўлди, бироқ қолганларини, «нархини туширмасанг, олмайман», деб туриб олди. Таманго эса ўз мапфаатини кўзлаб, буюмини мақтар, одамларнинг камайиб кетганини, қулжаллоблик хатарли иш эканини

\* Матросликка шогирд тушган бола (ред.).

писанда қиларди. Ниҳоят, у оқ капитан кемага ортиб кетмоқчи бўлган қулларнинг нархини айтди. Билмадим, қанча дедийкин. Ҳар ҳолда, тилмоч Таманго айтган рақамни французча айтиши биланоқ Леду ҳайрат ва ғазабдан ҳушини йўқотишига сал қолди. У ғазаб билан сўқиниб, бундай бефаросат одам билан ҳар қандай гап-сўзни йиғиштирмоқчи бўлгандай, ўрнидан қўзғалди. Бироқ Таманго бунга йўл қўймади ва қийинчилик билан бўлсада, Ледуни қайта ўтқазिशга муваффақ бўлди. Яна бир шишанинг оғзи очилди ва яна савдолашиш бошланди. Энди қора танли ўз навбатида оқ капитаннинг бемаъни ва бемаза таклифларидан ранжий бошлади. Улар анча вақтгача бақириб-чақириб талашиб-тортишишди, беҳисоб ароқ ичишди, аммо ароқ тарафайнларнинг ҳар қайсисига бўлакча таъсир кўрсатди. Француз ичгани сари қулларнинг нархини пастга туширар, африкалик ичгани сари арзонга кўнар эди. Шундай қилиб, сават бўшагач, улар бир битимга келишди. Арзон мато, ўқ-дори, чақмоқтош, уч бочка ароқ, қўл учида енгил-елпи созланган элликта милтиқ — бир юзу олтиши қулнинг баҳоси шу бўлди. Иш битгач, капитан маст бўлиб қолган негрнинг қўлига қўлини уриб, «бор барака» қилди. Шу ондаёқ қуллар француз матросларининг қўлига ўтди. Улар қулларнинг бўйнидаги ёғоч бўғовларни олиб ташлаб, ўрнига Европа маданиятининг устунлигини рўйирист намоиш қиладиган темир бўйинбоғлар солиб, кишан уришди.

Яна ўттизгача қул қолди — улар болалар, қариялар, хаста аёллар эди. Кемада бўш жой қолмади.

Бу дардисарларини нима қилишни билмаган Таманго капитанга ҳар бирини бир шиша ароққа олишни таклиф қилди. Бу таклифда жон бор эди.

Леду Нантда «Сицилия оқшоми» деган томоша кўрсатилаётган пайтда залга бир талай одам кириб келганини эслади. Уларнинг ҳаммалари ҳам йўғон, яғриндор одамлар эди. Залда томошабинлар тиқилиб ётганига қарамай, уларнинг ҳаммалари сиғиб кетишди. Одамларнинг гавдаси сиқилувчан бўлар экан-да. Капитан қолган ўттизта қулдан йигирмата озгинини олди.

Энди Таманго қолган ўнта қулнинг ҳар биттасини бир стакандан ароққа олишни илтимос қилди. Леду почта кареталарида болалар катталарнинг жойининг ярмини эгаллашини ва болаларга йўлқиранинг ярми тўланишини эслади. Шунинг учун у учта болани олди-да, «бошқа биронта ҳам негр олмайман», деди. Таманго қолган етти негрни сотолмаслигига кўзи етгач, милтиқни олиб,



қаторда биринчи бўлиб турган аёлни мўлжалга олди. Бу аёл Леду олган учта гўдакнинг онаси эди.

— Сотиб ол!— деб қичқирди Таманго капитанга.— Бўлмаса, уни ўлдирамап. Ё бир стакан ароқ, ё отаман.

— Бошимга ураманми уни?— деб эътироз билдирди Леду.

Таманго отди, қул аёл жонсиз йиқилди.

— Навбатдагиси!— деб қичқирди Таманго ва мункиллаб қолган чолга милтиқ ўқталди.— Ё ароқ, ё...

Тамангонинг хотинларидан бири унинг қўлини итариб юборди. Ўқ ҳавога кетди. Хотин эри ўлдирмоқчи бўлган чолни таниб қолибди, у аёлга сен подшо ойим бўласан, деб башорат қилган жодугар экан.

Таманго кимдир унинг истагига ғов бўлаётганини кўриб, ичгап ароғидан қутуриб кетди ва эс-ҳушини бутунлай йўқотиб қўйди. У қўндоқ билан хотинини урди-да, Ледуга юзланиб:

— Ол, бу аёлни сенга совға қилдим,— деди.

Аёл чиройли эди. Леду унга қараб, жилмайди-да:

— Бу дўндиқққа жой топиб бераман,— деб қўлидан етаклади.

Тилмоч кўнгилчан одам эди. Тамангога ўз тамакидонини бериб, қолган олти қулни сўраб олди-да, бўйниларидаги бўғовларни чиқариб ташлаб, қўйиб юборди. Улар қирғоқдан икки юз миля олисда бўлган ватанларига қандай етиб боришни тасаввур қила олмасалар-да, бир зумда қочиб кетишди.

Капитан Таманго билан хайрлашиб, сотиб олган қулларини кемага жойлаштиришга ошиқди. Соҳилда узоқ туриб қолиш хатардан холи эмас эди — инглиз крейсерлари келиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Леду эртагаёқ йўлга чиқиш ниятида эди. Таманго эса ухлаб, ҳордиқ чиқариш учун соя жойдаги майса устига чўзилди.

У уйғонганида елканлари кўтарилган кема дарё бўйлаб денгиз томон сузиб кетмоқда эди. Кечаги ичкиликдан боши карахт бўлиб турган Таманго хотини Ойшани чақирди. Унга шўрлик аёл кеча уни дарғазаб қилиб қаҳрига учраганини, уни оқ капитанга совға қилиб юборганини, капитан Ойшани кемага олиб кетганини айтишди. Буни эшитиб ҳанг-манг бўлиб қолган Таманго пешанасига қарс этиб урди-да, милтиғини қўлга олиб, югуриб кетди. Дарё денгизга қуйилиш олдидан иланг-биланг бўлиб буралиб оқади. Таманго бу ердан ярим миля нарига жойлашган мўъжазгина бухтага қараб, энг яқин йўлдан югурди, дарё буралиб оққан ерларда кема секинлашади-ку, у ердан

қайиқ топиб сузиб етаман, деб ўйлаган эди. Айтганидай бўлди, қайиқда кемага етиб олди.

Уни кўриб Леду ҳайрон бўлди, Таманго хотинини қайтариб беришни талаб қилганида у янада таажжубланди.

— Совгани қайтариб олмайдилар, — деб у Тамангога орқасини ўгириб олди.

Қора танли ўжарлик қилиб туриб олди, қуллар эвазига олган буюмларининг бир қисмини қайтариб бермоқчи ҳам бўлди. Капитан қулиб юборди ва: «Ойша яхши хотин экан, уни ўзим олмоқчиман», — деб жавоб берди. Буни эшитиб шўрлик Таманго ҳўнграб йиғлаб юборди ва баданини биров қиймалаётгандай фигон кўтарди. У гоҳ азиз Ойшасини чақириб, қайиқ устида думалар, гоҳ ўз ўзини ўлдирмоқчидай бошини тахтага урарди. Капитан эса пинагини бузмай, қирғоқни кўрсатиб, қайтиб кетишга ишора қиларди. Таманго эса буни хаёлига ҳам келтирмасди. У ночорликдан ҳатто тилла эполетларини, милтиғи билан қиличини беришга ҳам рози эди. Бироқ буларнинг ҳеч қайсиси кор қилмади.

Жаанжал пайтида катта ёрдамчи капитанга:

— Бугун кечаси кемада учта банди ўлди. Жой бўшадди. Ана шу норғул паҳлавонни ўлжа қилсак бўлмайди-ми? Унинг бир ўзи ўлган учта бандидан қиммат туради, — деди.

Леду чамалаб кўриб, Тамангони бемалол минг эюга сотиш мумкин, деган қарорга келди. Анча-мунча даромад келтирадиган бу сафар сўнгги сафар бўладиганга ўхшайди. Оладиган даромадни олиб бўлгач, қул савдосини йиғиштирадиган бўлгандан кейин, Гвинея қирғоқларида ундан яхши ном қоладими ёки ёмон шухрат қоладими, барибир эмасми! Яна, денг, теварак-атрофда жон зоти йўқ. Бу африкалик жангари ҳозир бутунлай унинг ихтиёрида. Тамангонинг қўлидан милтиғини тортиб олса кифоя. Қўлида милтиғи ва қиличи бор экан, унга яқинлашиш хатарли эди.

Шунда Леду гўзал Ойшага алмаштиришга арзиш-арзимаслигини текшириб кўриш баҳонаси билан қўлидан милтиғини сўраб олди. Милтиқнинг қулфини очиб кўрар экан, йўлини қилиб, ҳамма ўқ-дорисини тўкиб юборди. Бу пайтда катта ёрдамчи Тамангонинг қиличини қўлига олиб айлантриб кўрмоқда эди. У қуролсиз турганда иккита бақувват матрос унга ташланди-да, ерга ағдариб, қўл-оёғини боғлашга уринди. Қора танли шердай қар-

шилиқ кўрсатди. Қутилмаган ҳодисадан ўзига келгач, ноқулай аҳволда бўлишига қарамай, иккита матрос билан роса олишди. Буқдай кучи бор экан, бир амаллаб ўрнидан туриб олди-да, томоғидан бўғиб турган матросни бир мушт уриб ерга ағдарди, иккинчи матроснинг мундиридан бир парчаси қўлида узилиб қолди. Таманго қиличини тортиб олиш учун қутурган шердай катта ёрдамчига ташланди. Аммо у бир қилич сермаб, Тамангонинг бошига урди ва унга, юзароқ бўлса-да, каттагина жароҳат етказди. Таманго яна йиқилди. Ўша заҳотиёқ унинг қўл-оёғини чандиб ташлашди. Ўзини ҳимоя қилар экан, у жон-жаҳди билан қичқирар ва тузоққа тушган ёввойи тўнғиздай, зўр бериб типирчиларди. Ниҳоят, қаршилиқ кўрсатиш бефойда эканини кўриб, кўзларини юмди-да, қимирламай қолди. Фақат оғир ва чуқур ҳапсирашгина унинг тирик эканидан далолат бериб турарди.

— Жин урсин!— деб қичқирди капитан Леду.— Унинг ўзи ҳам банди бўлганини кўриб, у сотган негрлар мириқиб кулинадиган бўлди! Энди улар тақдири азал деган нарсга борлигига яна бир бор ишонадиган бўлишди.

Бечора Тамангодан эса ҳамон қон сирқиб ётарди. Кеча олти қулнинг ҳаётини сақлаб қолган кўнгличан тилмоч унинг олдига келиб, ярасини боғлаб қўйди ҳам унга таскин беришга уриниб кўрди. Билмадим, унга нима деб таскин бериш мумкин эди? Негр ўликдай ҳаракатсиз ётарди. Иккита матрос уни қанор қопдай кўтариб, пастга — унга аталган жойга олиб тушди. Таманго икки кунгача туз тотмади, деярли кўзини очмади ҳам. Яқиндагина асири бўлган, энди эса тақдирдон ўртоғига айланган бақдилар унинг қўлга тушганидан ҳайратда қолиб, бош чайқадилар. Қуллар ҳозир ҳам унда шундай кўрқар эдиларки, ҳатто уларнинг биронтаси ҳам ўз бошларига тушган азоб-уқубатларнинг сабабчиси бўлган одамнинг бахтсизлигидан кулишга ёхуд уни мазах қилишга журъат қилмади.

Кема қиргоқдан эсаётган йўлдон шамол ёрдамида Африка соҳилларидан тез узоқлаб борарди. Энди капитан пинглиз крейсерларининг пайдо бўлиб қолишидан чўчимай қўйган эди. Ҳозир у бораётган манзилида ўзини кутаётган катта даромадни ўйларди. Унинг «қора ёғочлари» йўлда айниб қолаётгани йўқ. Уларга бирон-бир юқумли касаллик илашмаган. Негрларнинг энг заифларидан атиги ўн икки кишигина иссиққа дош беролмай нобуд бўлди. Бу — арзимаган гап. Сафар азоблари бан-

диларга кўпда зарар етказмасин, деб Леду уларни ҳар куни бир маҳал палубага олиб чиқиб туришни буюрди. Бечораларни ташқарига уч гуруҳга бўлиб олиб чиқишар, шунда улар бир соат ичида бир кунлик нафас олиб олишарди. Ғалаён бўлишидан кўрқиб, матросларнинг бир қисми тиш-тирноқларигача қуролланган ҳолда бандиларга соқчилик қилишарди. Айтгандек, ҳеч қачон негрларнинг оёқ-қўлларидаги кишанларнинг ҳаммасини ечинмасди. Скрипка чалишни биладиган бир матрос баъзан уларга концерт қўйиб берарди. Бундай пайтларда уларнинг аҳволини томоша қилсанг: қора танлиларнинг ҳаммаси музикачига юзини ўғирар, уларнинг чеҳраларидан аламли маъюслик аломатлари секин-аста ариб борарди. Негрлар жилмайиб, кишани имкон берса, чапак чалишарди. Бундай кўнгилхушлик уларнинг саломатликлари учун зарур эди. Шунинг учун ҳам капитан Леду фойдали бир ишни расм қилди: олис сафар давомида кемада олиб кетилаётган отларни бир жойда депсиниб туришга мажбур қилганлари каби, бандиларни ҳам тез-тез рақс тушиб туришга буюрди.

— Қани, азаматлар, рақс тушинглар. Кўнгил очинглар!— дерди капитан гулдурак овоз билан узун қамчинини қарсиллатиб.

Бечора негрлар шу заҳотиёқ ирғишлаб рақс тушишга бошлашарди.

Бирмунча вақт Таманго жароҳати туфайли юқорига чиқолмади. Ниҳоят бир куни у палубада пайдо бўлди. Ҳуркак бандилар орасида бошини мағрур кўтариб, у аввал кема атрофини қуршаб олган ҳудудсиз уммонга маъюс, лекин хотиржам нигоҳ ташлади, сўнгра кишанларини дурустроқ ўнглаб ҳам олмасдан палубага ётди, аниқроғи, ёнбошлади. Палубанинг қуйруқ томонида ўтирган Леду бепарвогина тамаки тутатарди. Унинг ёнида занжир-кишанлардан холи, оёғида бежирим саҳтиён туфли, устига ҳаво ранг читдан чиройли кўйлак кийиб олган Ойша патнисда шиша кўтариб, бир имо биланоқ капитанга шароб қуйиб беришга тайёр турарди. Афтидан, капитан унинг зиммасига позик бир ишни юклаган эди. Тамангони ёмон кўрадиган негрлардан бири унга имо билан шу томонни кўрсатди. Таманго бошини ўгириб, Ойшани кўрди. Кўрди-ю, бир нидо чекди-да, санчиб ўрнидан туриб, бандиларни қўриқлаётган матрослар эс-ҳушларини йиғиштириб олгунча, югуриб палуба қуйруғига борди.

— Ойша!— деди у таҳлидли овозда. Уни эшитиб,

Ойша даҳшат ичида чинқириб юборди.— Оқларнинг юртида Мама-Жумбо йўқ дейсанми?

Матрослар таёқларини кўтариб, унга томон югуришди. Таманго уларнинг ҳеч қайсисига парво қилмай, қўлини қовуштирганча, хотиржам жойига қайтди. Ойша эса ўкириб йиғлаб юборди. Таманго айтган ғалати гап уни сеҳрлаб қўйгандек эди.

Номининг ўзи шу қадар даҳшат қўзғатадиган Мама-Жумбонинг кимлигини тилмоч тушунтириб берди.

— Негрлар ундан ўлгудай қўрқишади,— деди у.— Африкада ҳам Франциядаги каби хотинлар эрларига хиёнат қилиб туришади. Эри хотинининг шу йўлга киришидан хавотир олса, унга Мама-Жумбони пеш қилади. Мен Мама-Жумбо деганини ўз кўзим билан кўрганман ва бу найрангнинг сирини билиб олганман. Ҳора танлилар бўлса... Улар шунақанги содда, лақмаки, ҳеч балони тушунмишмайди. Шундай бир манзарани тасаввур қилинг: кунлардан бир кун кечқурун аёллар рақс тушиб, кўнгилхушлик қилишяпти. Буни уларнинг тилида *фольгар* дейишади. Тўсатдан зим-зиё ва қалин бутазордан ғалати музика садоси эшитилади. Ким чалаётганини билиб бўлмайди — ҳамма машшоқлар дарахт панасига яшириниб олган. Қамиш най ҳам, *балафо деб* аталадиган ёғоч танбур ҳам, қовоқнинг бир палласидан ясалган гитаралар ҳам бор. Ҳаммаси бирлашиб, шунақа мунгли куй чалишардики, унинг садолари остида алвастини кўмса ҳам бўлаверарди. Аёллар бу тарақа-туруқни эшитиш билан дир-дир титроққа тушишади ва тирақайлаб қочини мўлжаллаб қолишади. Этаклари покиза эмаслигини ўзлари билишади-да! Аммо эрлари уларни маҳкам ушлашади. Бу орада ўрмондан баланд бўйли, оқ кийинган бир кимса чиқиб келади. Боши қозондай, оғзидан аждардай олов пуркайди. Бу махлуқ секин-секин имиллаб, бутазордап юз қадамча жойда тўхтайди. Аёллар: «Ана у, Мама-Жумбо!» деб қичқиришарди. Улар бирпасда бозорчи хотинлардек қий-чув кўтаришади. Шунда эркаклар уларни қистовга олади: «Ҳа, ярамастар, қани, айтишлар, бизга хиёнат қилганмидинглар, йўқми? Ёлгон гапирсангиз, Мама-Жумбо тириклай ютади!» дейишади. Баъзи бир лақма хотинлар айбларига иқрор бўлишади-да, эрларидан роса калтак ейишади.

— Оқ кийинган кимса ким бўлди? Мама-Жумбо ким?— деб сўради капитан.

— Ким бўларди. Оқ чойшабга ўралиб олган биронта шоввоз-да! Бу махлуқнинг калласини қовоқ пўчоғидан

ясашади. Унинг ичига шам ёқиб қўйишади. Шамни узун таёқчага ўрнатишиб, таёқни қовоқ ичидан кўтариб олишади. Бор-йўқ сиру синоати шу. Қора таълиларни лақиллатиш учун алоҳида фаҳм-фаросат бўлиш шарт эмас. Лекин, сирасини айтганда, улар Мама-Жумбони яхши ўйлаб топишган. Менинг хотиним ҳам шунга ишонса, рози эдим.

— Менинг хотиним Мама-Жумбодан қўрқмаса ҳам, Мартин Даррадан қўрқади,— деди Леду.— Мени лақиллатишни хаёлига келтирса, қаандай қилиб таъзирипи бериб қўйишимни билади. Ледулар оиласида ҳаммамиз шунақамиз; биз билан ҳазиллашиб бўлмайди. Менинг қўлим битта бўлса ҳам, қамчинимдан қон томади. Энди, Мама-Жумбони пеш қилиб вайсаётган шоввоз масаласига келсак, унга айтиб қўйинг — тилини тийиб ўтирсин. Менинг гўзалимга пўписи қилмасин. Бўлмаса, орқасини шундай қашлиб қўяманки, териси қора эмас, лаққа гўштдай қин-қизил бўлиб кетади.

Капитан шу гапни айтиб, хонасига кириб кетди-да, Ойшани чақириб, унинг кўнглини кўтармоқчи бўлди. Бироқ эркалалар ҳам, дўқ-пўписалар ҳам бу хушрўй заппи аёлга кор қилмади. У хўнг-хўнг йиғлашдан тўхтайдиган эмас эди. Капитан кайфияти бузилиб, палубага қайтиб чиқди. Бу ерда қилдан қийиқ ахтариб, навбатчи бошлиқни дарғага берган буйруғи учун қаттиқ койиди.

Кечаси кема экипажнинг деярли ҳаммаси донг қотиб ухлаб ётганида, соқчилар аввал бир маромдаги маъюс ва тантанавор қўшиқ эшитишди. Кейин аёлининг қичқирган овози эшитилди. Шу лаҳзада бутун кема бўйлаб капитан Ледунинг баланд овози янгради. У сўкинар, таҳдид қилиб, қамчисини қарсиллатарди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас ҳамма ёқ сукутга чўмди. Эртаси кун Леду палубада пайдо бўлганида, унинг юзи моматалоқ бўлиб кўкариб кетган эди. Бироқ Таманго сир бой бермас, ҳамон ўзини илгаригидай жиддий ва мағрур турарди.

Ойша палубанинг ўрта қисмида капитаннинг ҳузурида ўтирган эди. Тамангони кўриши биланоқ сапчиб ўрнидан турди-да, унинг олдига югуриб бориб, қаршисида тиз чўкди ва аччиқ аламга тўла овоз билан нидо қилди:

— Кечир мени, Таманго! Кечир!

Таманго Ойшага бир дақиқа тикилиб турди, сўнг тилмоч нари кетганини пайқаб:

— Эгов!— деди-да, унга орқасини ўгириб, палубага ётиб олди.

Капитан Ойшани сўкиб, бир тарсаки урди, у энди аёлга аввалги эри билан гаплашишни ҳам тақиқлаб қўйди. Лекин уларнинг орасида бўлиб ўтган бир лаҳзалик мулоқотда бирон шубҳали гап бўлган бўлиши хаёлига ҳам келмади. Шунинг учун ҳам у Ойшадан ҳеч нарсани сўрамади.

Таманго бошқа қора танлилар билан бирга қамаб қўйилган эди. Туну кун уларни эркинликни қайтариб олиш учун дадил уришиб кўришга ушдарди. Таманго уларга оқларнинг унча кўп эмаслигини, соқчилар борган сари бепарво бўлиб бораётганини гапирар, ҳаммангизни ватанга қайтариб олиб боришнинг уддасидан чиқаман, деб ишонтирмоқчи бўларди. Лекин буни қандай йўл билан қилиш мумкинлиги ҳақида ҳеч нима демас эди. У негрлар ҳамиша иззат қиладиган махфий илмлардан хабарим бор, деб мақтанарди, унга ёрдам беришдан бўйин товлаганларнинг ҳаммаси шайтоннинг қаҳрига учрайди, деб таҳдид қиларди. Таманго бу гапларнинг ҳаммасини пёлей қабиласининг тилида гапирарди. Бу тилни негрларнинг кўпчилиги билар, лекин тилмоч билмасди. Тамангонинг нотиқлиги, қулларнинг унинг қаршисида титраб-қақшаши, итоатгўйлиги унга қўл келди. Таманго режасини рўёбга чиқаришга тайёр бўлмасиданоқ негрлар, эркинликка чиқадиغان кунни тайинлагин, деб уни қистай бошлашди. У фитначиларга, ҳали фурсат етиб келгани йўқ, шайтон тушимга кириб, муддатни белгилаб бергани йўқ, бироқ биринчи ишора биланоқ ҳамма қўзғалишга тахт туриши керак, деб дудмал жавоб берди. Бу ерда у бирон имкониятни зое кетказмай, соқчиларнинг ҳушёрлигини синай бошлади. Бир куни матрослардан бири кема бортига милтигини суяб қўйиб, кема ортидан эргашиб келаётган учар балиқлар галасини томоша қилиб анқайиб қолди. Таманго милтиқни олиб, машқ қиладиган матросларга тақлид қиляётгандек, уни ҳар томонга ўқтала бошлади. Зум ўтмай, унинг қўлидан милтиқни тортиб олишди, бироқ у дарҳол шубҳа туғдирмай, милтиқни олиш мумкинлигига амин бўлди. Қези келганда бу асқатиб қолади. Ана ўшанда унинг қўлидан милтиқни тортиб олишга уришиб кўришсин!

Бир куни Ойша унинг олдига нон ташлади-да, ёлғиз Тамангогина тушунадиган имо қилди. Ноннинг ичига кичкинагина эгов яшириб қўйилган эди — фитначинг муваффақияти шу асбобга боғлиқ эди. Таманго эговни йўлдонларига кўрсатишга ошиқмади. Бироқ қоронғи тушиши билан у ғалати қилиқлар қилиб, аллақандай сўз-

ларни минғирлай бошлади. Аста-секин жазаваси тутиб, бақирришга ўтди. Овозининг оҳанги тез-тез ўзгараётганига қараб, у кўз илғамас бирорта махлуқ билан гаплашяпти, деб ўйлаш мумкин эди. Ҳамма бандилар қўрқувдан дағ-дағ титрай бошладилар: улар шу пайтда ораларида шайтон борлигига заррача ҳам шубҳа қилмас эдилар. Таманго шодиёна бир нидо билан бу саҳнага чек қўйди.

— Дўстлар!— деди у.— Мен чорлаган руҳ, ниҳоят, илтимосимни бажо келтирди. Бизни халос этадиган қурол қўлимда. Энди сизлар жиндай мардлик кўрсатсаларинг, кифоя, ҳаммамиз холос бўламиз.

У ўзига яқин турган негрларга эговни кўрсатди. Унинг макри қанчалик содда бўлмасин, бу одамлар унга лақ этиб ишона қолишди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган интиқом ва эркинлик куни этиб келди. Фитначилар таптанавор қасам ичишгандан сўнг, ҳамма нарсани миридан-сиригача муҳокама қилдилар ва ҳаракат режасини туздилар. Палубага чиқиш навбати келганда Таманго бошлиқ энг довьюрак йигитлар соқчиларни қуролсизлантиришлари керак. Бошқалари эса капитан хонасига бостириб кириб, у ердаги қуролларни эгаллаб олиши керак. Кишанни эговлаб улгурган одам ҳужум бошлаши шарт. Аммо бир неча тун давомида жонжаҳдлари билан ишлаганларига қарамай, бандиларнинг кўпчилиги ҳали исёнда чинакамга иштирок этолмас эди. Шунинг учун учта забардаст негрга кишанларнинг калитини кассасида олиб юрадиган одамни ўлдириш топширилди. Кейин улар қолганларини тезгина кишандан халос қилишади.

Ўша куни капитан Ледунинг кайфи чоғ эди. Капитан одатига хилоф ўлароқ, қилиб қўйган кирдикори учун калтаклаши лозим бўлган юнганинг гуноҳидан кечди, навбатчи бошлиқни кемани уddaбурунлик билан бошқаргани учун мақтаб, матрослардан рози эканлигини айтди. Кейин ҳадемай Мартиникига етиб борамиз, у ерда ҳар биттангизга мукофот бераман, деб ваъда қилди. Бу гаплардан хурсанд бўлган матрослар олажак пулларини нимага сарфлашни ўйлаб бошлашди. Палубага Таманго билан бошқа фитначиларни олиб чиқишганда, матрослар Мартиникидаги оймчаларнию ароқни ўйлашаётган эди.

Бандилар кишанларни биров пайқамайдиган, лекин жиндай ҳаракат билан узилиб кетадиган қилиб эговлашга уринишган эди. Бунинг устига улар кишанларни шунақа қаттиқ шилдиратишар эдики, бу жаранг-журунгни эшитган одам бугун уларга одатдагидан икки баравар



ортиқроқ кишан урилган, деб ўйлаши турган гап эди. Улар бир оз тоза ҳаво олгач, бир-бирларининг қўлини ушлаб, рақс туша бошлашди, Таманго эса ўз қабиласининг жанговар қўшиғини айта бошлади\*. Бир замонлар у бу қўшиқни жангга кириш олдидан айтарди. Орадан бир оз ўтгач, рақс тўхтади, Таманго эса кучдан қолгандай, бортга бепарвогина суяниб турган бир матроснинг оёғи остига чўзала тушиб ётиб олди. Қолган фитначилар ҳам шундай қилишди. Шу тарзда ҳар қайси матрос бир неча негрнинг қуршовида қолди.

Таманго ўз кишанини секингина узиб ташлади-да, тўсатдан ҳайқиряқ овоз чиқарди — бу исённинг бошланishiга берилган ишора эди. У олдида турган матроснинг оёғидан олиб, палубага ағдарди ва оёқларини унинг қорнига тираб, милтиғини тортиб олди-да, вахта бошлиғини отиб ўлдирди. Шу ондаёқ бошқа фитнакорлар бошқа соқчиларга ҳужум қилишиб, уларни ҳам қуролсизлантиришди ва бир зумда уларни бўғизлаб ташлашди. Ҳар томондан жанговар овозлар эшитилди. Кишанларнинг калитини олиб юрадиган боқман биринчилардан бўлиб ҳалок бўлди. Шундан кейин негрлардан бир тўдаси юқори палубага ёпирилиб чиқди. Қурол тополмаганлари қайиқларнинг эшаклари ёки бошқа бирон темир аслаҳага ёпишди. Шу дақиқаларда европаликларнинг тақдирини ҳал бўлган эди. Тўғри, палубанинг ўрта қисмида бир неча матрос қаршилик кўрсатишда давом этарди. Бироқ уларда қатъият ҳам, қурол ҳам кам эди. Леду ҳозирча омон қолган эди. У бутун мардлигини ишлатиб, қаршилик кўрсатарди. Исённинг бошлиғи Таманго эканини пайқаб, уни ўлдиришга муваффақ бўлинса, қолганларини уддалаш унча қийин бўлмасди, деган фикр хаёлига келди. У бор овози билан Тамангони чақирди-да, қўлида қилич билан унга ташланди. Таманго ҳам унга ташланди. У милтиқнинг учидан ушлаб олиб, уни гурзидай айлантлар эди. Икки раҳнамо палуба устидаги торгина йўлакда дуч келишди. Таманго биринчи бўлиб зарба берди. Капитан унинг ҳамласига чаққонлик билан чап бериб қолди. Милтиқнинг қўндоғи палуба полига урилиб, майда-майда бўлиб синиб кетди. Ҳамла шу қадар зўр бўлган эдики, милтиқ Тамангонинг қўлидан чиқиб кетди. Энди у ҳимоясиз қолган эди. Леду таптанавор жилмайиб билан уни қиймалаб ташлаш учун қи-

---

\* Ҳар қайси негрлар раҳнамосининг ўз қўшиғи бўлади (автор изоҳи).

лич солмади. Бироқ Таманго қоплондек чаққон эди. У рақибига ташланиб, зарбага шайланган қўлини ушлаб олди. Бири қуролни қўлидан қўйиб юбормасликка, иккинчиси уни тортиб олишга интиларди. Жон-жаҳдлари билан олишар эканлар, уларнинг иккови ҳам қулади. Аммо африкалик капитаннинг тагига тушган эди. Шунда Таманго мардлигини йўқотмай, капитаннинг бўйнидан олди ва унинг томоғига тишини шунақа ваҳшиёна ғазаб билан ботирдики, худди шернинг ўткир тишлари орасидан оққандек, оғзидан қон тирқиради. Капитаннинг заифлашган қўлидаги қиличи сирғалиб ерга тушди. Таманго уни олди-да, сапчиб ўрнидан турди ва қонли оғзидан тантанавор нидо чиқариб, бир неча зарб билан чала-жон душманини жаҳаннамга жўнатди.

Исёнчилар ғалаба қилишди. Омон қолган баъзи матрослар исёнчилардан шафқат сўрашди, аммо уларнинг ҳаммасини, ҳатто негрларга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмаган тилмочни ҳам аямай ўлдириб юборишди. Капитаннинг катта ёрдамчиси муносиб ҳалок бўлди. У кеманинг қуйруқ томонига, ўз ўқи атрофида айланадиган кичкина тўплардан бирининг олдига чекинди. Чап қўли билан замбаракни тўғрилаб, ўнг қўли билан ўзини шу даражада моҳирона ҳимоя қилдики, унинг атрофига қора танлилардан авчагинаси тўпланиб қолди. Шунда у тепкини босиб, тўпдан ўқ узди. Дарҳол одамлар орасида йўлак пайдо бўлди. У ўликларга ва ярадорларга тўла эди. Бир дақиқадан кейин оломон катта ёрдамчини қиймалаб ташлади.

Охирги оқ танлининг қийма-қийма қилинган мурдаси денгизга улоқтирилганда, интиқом напъасига тўйган негрлар бошларини кўтариб елканга қарашди. Енгил шабадада ҳилпираб, қабариб турган елканлар ҳамон золмларнинг ихтиёрига бўйсунмаётгандек, ғолибларнинг тантанасига қарамай, уларни қуллик ўлкасига олиб кетмоқда эди.

«Демак, ҳаммаси беҳуда экан-да!— деб ўйлашди улар маъюслик билан.— Биз оқларнинг қонини тўқдик. Шундоқ бўлгандан кейин уларнинг бу баҳайбат маъбуди бизни ватанимизга олиб борарми?»

Баъзилар, Таманго уни итоат қилдириш чорасини топди, деб умид билдиришди. Шу ондаёқ чуввос солиб Тамангонини чорлашди.

Ҳадеганда у келавермади. Уни кеманинг қуйруқ томонидаги ховадан топишди. У бир қўлини капитаннинг қонга беланган қиличига тираб, иккинчи қўлини хотини

Ойшага паришонхотир узатганча тик турарди. Хотини эса тиз чўкиб, унинг қўлини ўпарди. Галаба нашидаси унинг бутун вужудидан ёғилиб турган хавотирлик белгиларини йўқота олмаган эди. Бошқа нодонлар пчида дурустроқ бўлгани учун аҳволнинг мушкуллигини улардан кўра аниқроқ фаҳмларди. Ниҳоят, у ичини ит тим-далаётган бўлса-да, чеҳрасида хотиржамлик белгилари билан юқори палубага чиқди. Кеманинг йўлини ўзгартиришни талаб қилаётган юзларча овозларнинг гала-говури остида у оҳиста қадам ташлаб рулга яқинлашди. У гўё ўзига ҳам, бошқаларга ҳам унинг қудрати нимага етишини аниқлаб берадиган дақиқани бир оз бўлса-да, чўзмоқчидай кўринди.

Кемадаги негрларнинг ҳаммаси, ҳатто энг фаросатлилари ҳам кеманинг ҳаракати аллақандай чамбаракка ва унинг қаршисида турган қутичага боғлиқ эканини пайқаб олишган эди. Бироқ бу мурувват улар учун ечилмас тилсим эди. Таманго анча вақтгача компасга тикилиб, ундаги белгиларни ўқиётгандай, нималарнидир пичирлаб, қараб турди. Кейин қўлини пешанасига қўйиб, хаёлида аллапималарни ҳисоблаётгандай ўйчан қиёфага кирди. Ҳамма негрлар оғизларини очиб, кўзларини бақрайтириб, уни қуршаб олишган ва унинг ҳар бир ҳаракатини хавотирланиб кузатиб туришарди. Ниҳоят, у нодонликдан туғиладиган кўрқинч ва умид аралаш бир туйғу билан рулнинг чамбарагини кескин бурди.

Эҳтиётсиз чавандознинг бехос ниқташидан зотдор от диканглаб кетгани каби душпа-дуруст «Умид» кемаси ҳам қулоқ эшитмаган бундай муомаладан тўлқинлар устида сапчиб тушди. Гўё у уқувсиз кемачидан норози бўлиб, у билан бирга тўлқинлар қаърига кириб кетмоқчидай эди. Елканларнинг йўналиши билан руль ўртасидаги мувофиқлик қўққисдан бузилган эди. Кема шундай шитоб билан ёнбошладики, ҳозироқ ағдарилиб тушаётгандай туюлди. Унинг узун арқонлари денгизга чўмди. Негрлардан аччаси йиқилиб тушди, бир печа одам денгизга қулади. Бир печа дақиқадан сўнг кема ҳалокат билан яна бир марта олишиб кўришга чоғлангандек, тўлқинлар узра маггур қаддини тиклади. Шамол зўрайди ва бирдап иккала матчта ҳам қарсиллаб йиқилди. Улар тагидан бир печа фут юқорироқдан чўрт узилиб кетган эди. Палубани матчанинг синиқлари билан елкан арқонларининг залварли тўри қоплаб олди.

Қўрқиб кетган негрлар бақириб-чақириб, ўзларини дарчаларга уришди. Аммо шамол ортиқ қаршиликка уч-

рамагани учун кема ўнглиниб олди-да, тўлқинларда чайқала бошлади. Шунда қора танлиларнинг энг дадиллари яна қайтиб чиқиб, палубанинг сатҳини синиқлардан тозалашди. Таманго тирсагини компас қутисига қўйиб, эгилган қўли билан юзини яширганча қимир этмай турарди. Ойша эса ёнида унга сўз қотишга юраги бетламай турарди. Негрлар бир-иккитадан бўлиб яқинроқ келишди. Улар зорлана бошлашди, тез орада бу зорланиш таъна ва сўкишлар бўронига айланди:

— Сотқин! Алдоқчи!— деб қичқаришарди улар.— Бошимизга тушган ҳамма кулфатларнинг сабабчиси сен! Сен бизларни оқларга сотдинг, сен бизни уларга қарши бош кўтаришга мажбур қилдинг. Сен дономан деб мақтандинг, сен бизни ватанимизга қайтаришни ваъда қилдинг. Биз тентаклар сенга ишониб ўтирибмиз. Мана, оқибати нима бўлди? Ҳаммамиз ҳалок бўлишимизга оз қолди, чунки сен оқларнинг худосини таҳқирладинг.

Таманго виқор билан бошини кўтарди, унинг атрофини ўраб турган қора танлилар қўрқиб орқага чекинишди. У иккала милтиқни кўтариб олди-да, хотинига, «орқамдан юр», деб ишора қилди. У тисарилиб йўл берган оломон ичидан ўтиб, кеманинг тумшуқ томонига йўл олди. У ерда бўш бочка тахталаридан тўсиққа ўхшаш бир нарса ясади-да, бошпанасининг ўртасига ўтириб олди. Тўсиқдан иккита милтиқнинг найзаси таҳдидкорона чиқиб турарди. Уни ўз ҳолига қўйишди. Исёнкорларнинг баъзилари йиғлашар, баъзилари қўлларини кўкка чўзиб, ўзларининг маъбудларига ҳам, оқларнинг маъбудига ҳам сиғинишар, яна қай бирлари компас қаршисига тиз чўкиб, унинг тилининг тўхтовсиз ҳаракатини кузатишар ва ватанларига қайтариб олиб бориб қўйишни илтижо қилишарди. Баъзи бирлари эса ҳамма нарсдап ҳафсалалари пир бўлиб, юқори палубага ётиб олишганди. Ҳамма умидларидан ажралган бу одамлар орасида даҳшатдан чуввос солиб қичқираётган аёллар ва болалар ҳам бор эди. Йигирматача ярадор эса ёрдам сўраб инграр, аммо ҳеч ким ёрдам қилишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Тўсатдан юқори палубага шодликдан чеҳраси ёришиб кетган бир негр югуриб чиқди. У оқлар ароқ сақлайдиган жойни топганини айтиб қичқирарди. Унинг шодлигидан ва турқи тароватидан топган ароғидан аллақачон отиб олгани сезилиб турарди. Бу хабарни эшитиб, бечораларнинг қий-чувлари бир лаҳза тўхтади. Улар камбузга ёпирилиб, тўйгунча ичишди. Бир соатдан кейин

молдек маст бўлиб, палуба устида прғишлаб, кула бош-лашди. Уларнинг рақс ва қўшиқлари давом этар экан, ярадорлар чипқириб оҳ чекишарди. Куннинг қолгани ҳам, бутун тун ҳам шу кўйда ўтди.

Эрталаб уйқудан уйғонишгач, яна умидсизлик бошланди. Кечаси ярадорлардан бир қанчаси оламдан ўтди. Кема мурдалар қуршовида сузиб борарди. Денгиз тўлқини кучайиб, осмонни булут қоплади. Маслаҳат қила бош-лашди. Аввал Тамангонинг ҳузурда «миқ» этишга журъат этолмаган баъзи бир негрлар сеҳр-жодудан хабардор эканликларини айтиб, бирин-кетин ўз хизматларини таклиф қила бошлашди. Бир неча ўткир дуоларни синаб кўришди. Бу уришишлар ҳеч қандай натижа бермай, умидсизлик кучая бошлади. Ниҳоят, негрлар яна Тамангони эслашди. У ҳамон ўз бошпанасидан чиқмай ўтирарди. Ҳар нима бўлганда ҳам, у негрлар ичида энг доноси эди. Ҳамманинг бошига тушган мудҳиш фалокат унинг айби билан бўлган, қутқарса ҳам, фақат ўша қутқара олади. Музокара олиб боришга вакил қилинган бир чол унинг ҳузурига келди-да, Тамангодан ташқарига чиқиб, маслаҳат беришни илтимос қилди. Ўз аҳдида Кориоландай қатъий турган Таманго унинг илтижоларига парво қилмади. Кечаси умумий парокандаликдан фойдаланиб, у қотган нон билан тузланган гўштдан ғамлаб олди. Афтидан, у ўз бошпанасида ёлғиз яшашга қатъий қарор қилганга ўхшарди.

Ароқдан ҳали бор эди. Ароқ бор жойда, лоақал, денгизни ҳам, қулликни ҳам, муқаррар ўлимни ҳам эсдан чиқарасан. Ухласанг, тушингда Африканинг каучукзорларини, похол ёпилган чайлаларни, соясига бутун бир қишлоқ сиғадиган баобабларни кўрасан. Яна кечагидек ичкиликбозлик бошланди. Шу тарзда бир неча кун ўтди. Йиғлаб-сиқташ, чуввос солиш, сочларини юлиш, кейин маст бўлиб учиб қолиш — бечораларнинг қўлидан келадигани шу эди, холос. Кўплар ичкиликбозликдан ўлди, баъзилар ўзини денгизга отди, қай бирлари ўзини чавағлади.

Бир кун эрталаб Таманго ўз истехқомидан чиқиб келди-да, гротмачтанинг синиғи олдида тўхтаб:

— Қуллар!— деди.— Бугун тушимда руҳни кўрдим. У менга сизларни бу кулфатдан қутқариб, ватанимизга олиб бориш йўлини айтиб берди. Ношукурчиликларинг учун сизлардан буткул юз ўгирсам ҳам арзирди, бироқ йиғлаб-сиқтаётган аёллар билан болаларга раҳмим келаяпти, гуноҳларингиздан ўтдим. Менга қулоқ солинг.

Ҳамма қора танлилар ҳурмат-эҳтиром билан бошларини қуйи солиб, унинг атрофини ўрашди.

— Мана бу улкан ёғоч уйларни итоатга киргизадиган қудратли сўзларни фақат оқлар билади,— деб давом этди Таманго.— Аммо бу ерда бизнинг юртимиздаги қайиқларга ўхшайдиган енгил қайиқлар ҳам бор. Биз уларни ўз хоҳишимиз билан бошқара оламиз.

У кема устидаги ҳар хил катта-кичик қайиқларни кўрсатди.

— Уларга озиқ-овқатлар соламиз-да, шимол томонга йўл оламиз. Эгам ўзи шамолни юртимиз томонга эсишга мажбур қилади.

Унга ишонишди. Бундан ҳам ҳалокатлироқ режани ўйлаб топиш амримаҳол эди. Компасдан фойдаланишдан беҳабар Таманго нотаниш осмон остида адалиб қолиши муқаррар эди. У хаёлида ҳадеб бир томонга қараб эшкак эшаверсам, бориб-бориб охирида негрлар яшайдиган ердан чиқаман, деб ўйларди. Унинг назарида негрлар ерда яшайди, оқларнинг ҳаммаси эса кемада яшайди. Бу гапни у болалигида онасидан эшитган эди.

Орадан кўп ўтмай сафар жабдуғи тайёр бўлди. Аммо қайиқлардан битта каттасию битта кичиги яроқли чиқди. Омон қолган саксонга негр бу икки қайиққа сизмас эди. Ярадорлар билан хасталарнинг ҳаммасини қолдирадиган бўлишди. Уларнинг кўпчилиги ўзларини бу аҳволда ташлаб кетмай, ўлдириб қўя қолишларини сўраб, ёлворишарди. Жуда катта қийинчиликлар билан сувга туширилган, юки зилдек икки қайиқ ҳар лаҳзада уларни ўз қаърига ютиб юборишга тайёр турган тўлқинли денгизда суза бошлади. Биринчи бўлиб кичкина қайиқ сузиб кетди. Таманго билан Ойша катта қайиқда эди. У анча оғир, одами ҳам кўп эди, шунинг учун анча орқада қолди. Кемада қолдириб кетилган бечораларнинг аламли фарёдлари ҳали қулоқдан нари кетганича ҳам йўқ эдики, тоғдек баланд тўлқин қайиқнинг устидан ўтиб, уни сувга тўлдирди. Бир дақиқа ўтмай, у чўкиб кетди. Кичик қайиқдагилар фалокатни кўришди, аммо чўкаётганларни қутқаришга тўғри келишидан қўрқиб, эшкакка зўр беришди. Катта қайиқдагиларнинг деярли ҳаммаси ғарқ бўлди. Фақат ўн кишигина кемага қайтиб чиқди. Уларнинг орасида Таманго билан Ойша ҳам бор эди. Қуёш ботар чоғида улар кичкина қайиқ уфқ ортида ғойиб бўлганини кўришди. Аммо унинг тақдирини нима бўлганини ҳеч ким билмайди.

Очлик азобларини тасвирлаб, ўқувчиларни толиқтириб нима ҳам қиламан. Гоҳ тўлқинлар қўйнида писта пўчоқдек чайқалган, гоҳ жазирама офтобда куйиб жизгинаги чиққан мўъжазгина кемада йигирма чоғлик махлуқ ҳар куни бир-бирининг жиңдай емишини тортиб олиб кун кечирди. Ҳар тишлам нон ашаддий кураш билан қўлга киритиларди. Кучлилар ўлдиргани учун эмас, ўлишга йўл қўйиб қўйгани учун ожизлар нобуд бўлишар эди. Бир неча кундан кейин «Умид» кемасида фақат Таманго билан Ойшагина тирик қолди.

. . . . .

Бир куни кечаси денгизда тўлқин туриб, кучли шамол эсди. Тун шу қадар қоронғи эдики, кеманинг қуйруғида туриб, тумшуғини кўриб бўлмасди. Ойша капитан хонасида тўшакда ётар эди. Таманго унинг оёқ томонида ўтирарди. Икковлари ҳам анчадан бери индамас эдилар.

— Таманго!— деб нидо қилди Ойша.— Бу азобларнинг ҳаммасини сен мен туфайли тортясан...

— Азоб тортаётганим йўқ,— деб кескин жавоб берди у ва унинг тўшагига қўлида қолган қотган ноннинг ярмини ташлади.

— Ўзингга олиб қўй,— деди Ойша нонни суриб қўйиб.— Менинг егим келмаяпти. Еб нима қилдим? Куним битганга ўхшайди.

Таманго унга ҳеч нарса деб жавоб бермади. У гандираклар юқори палубага чиқди-да, синган мачтанинг ёнига ўтирди. Бошини қуйи эгиб, ҳуштак чалиб, ўз қабиласининг қўшиғини куйлай бошлади. Тўсатдан денгиз ва шамолнинг гувиллаши орасидан аллақандай ҳайқирик эшитилди, чироқ кўринди. Кейин яна ҳайқириклар қулоғига чалинди. Кейин аллақандай баҳайбат қора кема қуюндай шитоб билан ўтди. У Тамангонинг кемасига шу қадар яқин масофадан ўтдики, унинг елкан боғланадиган кўндаланг ёғочи Тамангонинг боши устидан ўтди. Таманго иккита одамнигина ажрата олди. Уларнинг юзига мачтага илиб қўйилган фонуснинг ёруғи тушиб турарди. Бу одамлар яна алланималарни қичқиришди, кейин шамол уларнинг кемасини олиб кетди ва кема тун зулматида ғойиб бўлди. Шубҳасиз, навбатчилар фалокатга учраган кемани пайқашган эди, ammo бўронли оби ҳаво уларга тўхташга имконият бермади. Бир дақиқадан сўнг олов ялт этиб, тўп овози эшитилди. Кейин Таман-

го яна бир тўп оғзидан олов чиққанини кўрди, бироқ бу гал ўқ овозини эшитмади. Кейин унинг кўзига бошқа ҳеч нарса кўринмади. Эртаси куни денгиз юзида биронта ҳам елкан пайдо бўлмади. Таманго яна тўшакка ётиб кўзларини юмди. Шу куни кечаси хотини — Ойша оламдан ўтди.

. . . . .  
. . . . .

Орадан бир қанча вақт ўтгач, инглиз фрегати «Беллона», афтидан, командаси ташлаб кетган аллақандай мачтасиз кемага дуч келди. Қайиқда сузиб бориб, унинг устига чиққинганда, кемада бир негр аёлнинг мурдасини ва озиб чўпдай бўлиб қолган бир негр эркакни топишди. У ҳушсиз эди. Кема врачлари уни даволаб, ёрдам кўрсатди. «Беллона» Кингстонга кириб келганида, у бутунлай соғайиб кетган эди. Негрдан унинг бошидан кетган саргузаштларини сўрашди. У билганининг ҳаммасини айтиб берди. Оролдаги плантаторлар исёнкор сифатида уни қатл қилишни талаб қилишди, ammo оролнинг губернатори инсонпарвар одам эди. Губернатор унга қизиқиб қолди ва уни оқлаш мумкин деб топди. Нега деганда, у қонуний тарзда ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланган. Бунинг устига, у ўлдирган одамларнинг ҳаммаси бор-йўғи француз эди. Қўлга тушган қуллар кемадаги негрларга қандай муносабатда бўлишган бўлса, Тамангога нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлишган. Уни озодликка чиқаришиб, ҳукумат фойдасига ишлашга мажбур қилишди. Бунинг эвазига унинг қорнини тўйгазишар, кунига олти судан ҳақ тўлашар эди. У бўйдор, келишган одам эди. 75-полкнинг командири уни кўриб қолиб, полк оркестрига дўмбирачи қилиб олди. У сал-пал инглизчани ўрганиб олди, бироқ гаплашишни ёқтирмас эди. Бунинг ўрнига мук тушиб ром билан ароқ ичишга одатланди. У шифохонада зотилжам касалидан вафот этди.





Елкашлар мачтага ёпишиб қолгандек, ҳаракатсиз осилиб турипти. Денгиз ойнадек яраклар, жазирама иссиқ эса нафасни бўғади. Қилт этган шабада йўқ.

Денгиз сафариди кема аҳли кўнгил ёзадиган эрмаклар жуда кам бўлади. Нимасини айтасиз! Узунлиги бир юзу йигирма футлик ёғоч кулбага тиқилиб олган одамлар тўрт ой мобайнида бир-бирини миридан-сиригача билиб олишади.

Старший лейтенантнинг қораси кўриниши биланоқ, биласизки, у ҳозир келиб, аввал ўзи яқинда бориб келган Рио-де-Жанейро ҳақидаги ҳикоясини бошлайди. Сўнг Эсслинг яқинидаги машҳур кўприкка ўтади. Бу кўприкни унинг кўз ўнгида гвардиячи экипаж қурган экан, ўша пайтларда у ҳам шу экипажда хизмат қилган экан. Икки ҳафта ўтар-ўтмас унинг ҳамма сир-асрори сизга маълум бўлади-қолади — сиз унга хуш ёқадиган ибораларгача, жумлаларда тиниш белгиларини қандай ишлатишигача, ҳатто овозининг турфа хил товланишларигача билиб оласиз. У ҳикоясида биринчи дафъа «император» сўзини ишлатганда маъюслик билан тин олади... «Ўшанда сиз уни кўрганингизда эди!!!» (учта ундов белгиси), — деб қўшиб қўяди, албатта. Карнайчининг оти билан бўлган воқеа ёхуд етти ярим минг франклик тилла ва бошқа дуру жавоҳирлар солинган халтачани учуриб кетган тўп ўқи, ва ҳоказо, ва ҳоказо... Младший лейтенант эса тенги йўқ сиёсатчи. У ўзи Брестдан олиб келган *Конститусьонелнинг* сўнги сонини ҳар кун муҳокама қилади. Мабодо сиёсат чўққиларидан адабиёт оламига тушишни ихтиёр қилиб қолса, сизга, марҳамат қилиб, яқиндагина кўрган водевилини икир-чикиргача гапириб беради. Ё парвардигор!.. Кема интендантнинг ҳам ўзига яраша жуда ғалати тарихи бор. У Қадисда муваққат кўприкдан қандай қочганини биринчи марта айтиб берганида, ҳаммамиз гапини завқ билан эшитгандик. Аммо, очигини айтганда, буни йигирманчи марта

такрорлаганда ҳамманинг ҳам жони ҳалқумига келди... Мичманлар-чи! Уларнинг гап-сўзини эсласапг, тепа сочипг тикка бўлиб кетади. Капитан, одатда, кемадаги энг хушсухбат одам бўлади. У қаттиқ қўл бошлиқ сифатида ўз штаби билан яширин уруш ҳолатида бўлади: у қилдан қийиқ қидиради, баъзан зуғум ўтказади. Шунинг учун ҳам бир чеккада билдирмай унинг ғийбатини қилишдан яхши лаззат борми! Мабодо қўл остидаги одамларга ма-лол келадиган баъзи бир қилмишлари бўлса, бошлигининг масхара қилиш ҳам одамга жуда ёқиб тушади ва баъзиларга бир оз таскин бўлади.

Мен кетаётган кеманинг офицерлари жуда яхши одамлар эди — уларнинг ҳаммаси ҳам бир-бирини биродарлардек иззат-ҳурмат қиладиган йигитлар эди, бироқ ўлгудай зерикшган эди. Капитан ҳам қўйдаи ювош одам эди, у бўлар-бўлмасга инжиқлик қилавермасди — бунақаси камдан-кам учрайди. У ўзининг ҳоқими мутлақлигини аҳён-аҳёндагина намоиш қиларди. Шундай бўлса ҳам сафар менга поёни йўқдай туюлди. Ерни кўришимиздан атиги бир печа куи аввал шабадасиз муҳитга дуч келдик. Айниқса, ўша кушлар одамни жуда ҳам диққинафас қилиб юборди.

Тушлик пайтлар бекорчиликдан нима қилишни билмай, имкони борича узоқ вақт овқатланардик. Кушлардан бир куни шундай тушликдан кейин ҳаммамиз палубага тўпланиб, қуёшнинг ботишини кузата бошладик. Денгизда қуёш ҳар куни бир алфозда ботади-ю, лекин шунда ҳам бу манзарада доим ажиб бир улуғворлик бўлади. Баъзи бировлар чекар, баъзилар эса қашшоқ кутубхонамиздаги ўттизтача китобнинг қай бирини печанчи мартадир ўқиш билан банд. Ҳамма кўзидан ёш чиққунча эснайди. Менинг ёнимда ўтирган мичман эса денгиз офицерлари одатда кундалик кийимда юрганларида тақиб оладиган калта ханжарини палубанинг тахта полнга учи билан санчшини машқ қиларди. Унинг ва-жоҳатини кузатган одам, бирон жиддий иш билан банд, деб ўйларди.

Бу ҳам ўзига хос бир эрмак эди. Тахтага ханжарнинг учини тик қилиб санчиш учун маълум даражада эпчиллик талаб қилинарди. Мен ҳам мичмандан қолишгим келмади. Ўзимнинг ханжарим бўлмагани учун капитаннинг илтимос қилдим. Аммо у илтимосимни рад этди. У бу қуролни жуда эъозлар экан. Шунинг учун ундан бекорчи эрмак ўрнида фойдаланилса, рапжир экан. Аввал ханжар бир мард офицерники бўлган экан, бахтга

қарши, у сўнги жаңда ҳалок бўлишти... Мен бу гапларнинг заминада бирон тарих ётганини ҳис этдим. Адашмаган эканман. Капитан мени ялинтирмай ҳикоясини бошлади. Бизнинг теварагимиздаги офицерлар масаласига келсак, уларнинг ҳар бири лейтенант Роженинг бошидан кечган аччиқ саргузаштларини ёд билишар экан. Шунинг учун улар секин-аста жуфтакни ростлаб қолишди. Мана капитан айтиб берган ҳикоя.

Танишганимда билдим: Роже мендан уч ёш катта экан. У лейтенант, меп эса мичман эдим. Менга ишонаверинг, у бизнинг командамиздаги энг яхши офицерлардан бири эди. Бунинг устига, ажойиб қалб эгаси, ақли тийрак, билим доираси кенг, истеъдодли, хуллас, жуда жозибадор олифта йигит эди. Бахтга қарши, кибри ҳавоси баландроқ эди, сал нарсага аразларди. Бунинг сабаби шу бўлса керакки, у ғайри қонуний фарзанд эди. Бу сир онкор бўлиб қолса, одамлар орасидаги мавқеъга путур етишидан қўрқарди. Аммо, ростини айтадиган бўлсам, унинг энг катта қусури — қаерда бўлмасин, ҳамма жойда пешқадамлик даъво қилишида эди. У отасини ҳеч қачон кўрмаганди, лекин отаси унга нафақа тўлаб турарди. Агар Роже ўта қўли очиқ бўлмаганда, бу нафақа унга етиб ортарди. Бор нарсасини дўстларининг олдига тўкиб-соларди. У уч ойлик нафақасини олганда ҳузурга бориб, ғамгин ва ташвишли қиёфага кириб турарсан. Шунда у дарҳол кўнгли сўрайди:

— Ҳа, ошна, нима бўлди? Ҳадеб киссангни шаппатилаетганингдан кўриб турибманки, ҳамёнингда ҳемири ҳам йўқ... Бас қил! Мана мешинг ҳамёним. Пулдан керагича ол, бир овқатлапайлик.

Брестга Габриэль деган хушрўйгина ёш бир актриса келди. Келди-ю, бир зумда денгизчилар билан гарнизон офицерларининг бошини айлантирди-қўйди. Уни гўзалликда танҳо дейиш қийин эди, аммо қадди-қомати келишган, кўзлари жозибали, оёқлари позиккина, қарашлари анчагина бейбо эди — бу хислатларининг ҳаммаси йигирма билан йигирма бешлар ўртасидаги йигитларга жуда ҳам маъқул эди. Бунинг устига, аёл зоти ичида унга тенг келадиган ишжиғи йўқ деган гап тарқалди. Унинг саҳнада ўзини тутиши ҳам бу гапнинг тўғрилигини тасдиқларди. Баъзан шу даражада маҳорат билан ўйнардикки, буни кўриб жуда ўткир артист, деб ўйлаш мумкин эди, эртасига қарасангиз, ўша асарнинг ўзида у шунақанги совуқ, ҳиссиз бўларди, ролини ёш бола ёдаки дуо ўқигандай айтиб қўя қоларди. Бизнинг йигитларимиз

унинг тўғрисида тарқалган бир воқеага жуда ҳам қизиқиб қолишди: эмишки, Парижнинг аллақандай бир сенатори шу аёлнинг кўйида девона бўлиб қолибди, унинг ҳамма чиқим-харажати бўйнига олган эмиш, ундан молу дунёсини аямас экан. Кунлардан бир куни шу одам аёлникида меҳмон бўлиб ўтириб, бошига шляпасини кийиб олибди. Аёл ундан шляпасини олиб қўйишни илтимос қилибди ҳам, «мени унча ҳурмат қилмайсиз», деб зорланибди. Сенатор кулиб юбориб, елкаларини қисибди ва ўриндиққа дурустроқ жойлашиб олиб: «Наҳотки, бутун харажати зиммамда бўлган аёлнинг уйида ўзимни ўз уйимдагидек бемалол ҳис қила олмасам», дебди. Бу гапни эшитиб, Габриэль оппоқ момик қўли билан сенаторнинг чаккасига тарсаки тортиб юборишти, унинг шляпаси хонанинг бир бурчагига учиб кетибди. Буниш оқибатида икковлари бутунлай ажрашиб кетишибди. Банкирлар ва генераллар унга бир неча марта оғиз солишибди, аммо у ҳамманинг таклифини рад этибди ва қарам бўлиб яшамаслик учун актрисаликни ихтиёр қилибди.

Роже уни кўриб ҳам тарихини эшитиши биланоқ, «жуда менбон аёл экан», деган хаёлга келипти. Ҳусн-жамолига қанчалик шайдо бўлганини аёлга намоёниш қилиш учун биз ҳамиша денгизчиларга таъна қилишадиган қўполроқ ошкоралик билан бир иш қилди. У Брестда камдан-кам топиладиган энг яхши гуллардан сотиб олиб, уни чиройли пушти левта билан боғлади, тугунчанинг ичига эса йигирма беш тиллани яхшилаб жойлаб қўйди: шу кезларда унинг бисотида бор-йўқ пули шу эди. Эсимда: танаффус пайтида Роже саҳнанинг орқасига ўтди-да, Габриэльга жиндаккина хушомад қилди. «Жуда бежирим кийинасиз», деб гулдастани тақдим қилди ва ҳузурига боришга ижозат сўради. Буларнинг ҳаммасини у икки оғиз гап билан айтди.

Габриэль гул совға қилган хушрўй йигитчани кўриб, унга жилмайган ва бежирим таъзимлар қилган. Аммо гулдастани қўлига олиб, вазминлигидан ичида тилласи борлигини пайқагану унинг афти ангори тропик бўрони пайтидаги денгиз сатҳидек тезда ўзгарган. Ҳақиқатан ҳам, зардаси унча-мунча бўрондан қолишмас экан. У гулдастани пул-мули билан шўрлик ошнамнинг юзига қараб отди. Шундан кейин йигит бечоранинг кўз ости бир ҳафтагача моматалоқ бўлиб кўкариб юрди. Режиссёрнинг қўнғироғи янгради. Габриэль саҳнага чиқиб, ролининг бутунлай телба-тескари ижро этди.

Роже хижолат ичида гулдаста билан пуллик тугунчани ердан олиб, қаҳвахонага йўл олади; у ерда гулдастани кассир аёлга тақдим этиб (бу гал пулини олиб қолди, албатта), шафқатсиз хотиротнинг аламини ичкилик билан ювишга тутинди. Лекин ичкилик билан ҳам алами тарқамади. Кўкарган кўз билан одамларга кўрина олмай қолганидан қаттиқ хафа бўлиб юрган бўлса-да, барибир, у ўжар Габриэлга ошиқи беқарор бўлиб қолганди. У кунига аёлга йигирматалаб мактуб йўллади. Мактуб бўлганда ҳам қанақа мактуб эди денг! Бири биридан мулоийм, иззат-эҳтиромга тўла... Ҳатто бирон-бир маликага йўлласа ҳам арзийдиган мактуб эди. Жувон дастлабки мактубларни очмай қайтаверди, кейингиларига жавоб бермади. Шунга қарамай, Роже ноумид бўлмади. Кунлардан бир куни биз театрдаги мевафуруш аёл апельсинларни Роженинг ишқий мактубларига ўраб сотаётганини пайқаб қолдик. Габриэль аламдан чиқиш учун мактубларни унга берар экан. Бу дўстимизнинг иззат-нафсига даҳшатли зарба бўлиб урилди. Аммо бу ҳам унинг ёниб-ўртанишини босолмади. У актриса жувонга уйланиш фикрига тушиб қолди. Денгиз министри бу ишинга розилик бермайди, дейишди унга. Унда ўзимни отаман, деди у.

Бу орада Брестдаги чегарачи полк офицерлари бир пьесадаги аллақандай қўшиқни Габриэлга такрор айттирмақчи бўлишди, аммо у ўжарлик қилди; «айтмайман», деб туриб олди. Офицерлар ҳам, актриса ҳам ўжарликда бири бирига ён беришни истамади. Ахири, офицерлар ҳуштакбозлик қилиб, пардани ёпишга мажбур қилишди; актриса эса ҳушидан кетди. Гарнизон шаҳаридаги театр залига тўпланадиган томошабинлар кимлар бўлиши ўзингизга маълум. Офицерлар ўзаро келишиб олишди: эртдан бошлаб ўжар аёлга қарши бешафқат ҳуштакбозлик қилмоқчи бўлишди. Тавбасига таяниб, гуноҳини ювмагунча, биронта ҳам роль ижро этишига йўл қўймасликка аҳд қилишди. Бу воқеа содир бўлганда Роже томоша залида йўқ эди. Бироқ ўша куни кечқуруноқ у театрда содир бўлган жанжалдан хабардор бўлиб қолди ва эртага қилинадиган интиқомдан ҳам огоҳ бўлди. У шу заҳоти бир қарорга келди.

Эртаси куни Габриэль саҳнага чиқиши биланоқ, офицерлар ўтирган жойдан қулоқни қоматга келтирадиган ҳуштак ва қий-чув овоз янгради. Атайин жанжалкашларга яқинроқ жойга ўрнашиб олган Роже сапчиб ўрнидан турди-да, энг бақироқ офицерларнинг шаънига оғир

ҳақоратлар айтиб, порозилик билдирди. Полк офицерларининг бутун ғазаби шу ондаёқ унга қаратилди. Шунда у танг қоларли даражада хотиржамлик билан ён дафтари чикариб, ҳар томондан қичқириб айтилаётган фамилияларни ёзиб ола бошлади. Кўпгина денгиз офицерлари ўртоқчилик юзасидан бу ишга араллашиб, рақибларидан анча-мунчасининг чақирғини қабул қилмаганда, Роже бутун бир полкнинг чақирғини бир ўзи қабул қилган бўларди. Ақл бовар қилмайдиган ғала-говур бўлиб кетди.

Бутун гарнизонни бир печа кун ҳибсда тутишди, аммо офицерлар ҳибсдан бўшаши биланоқ, биз ҳамма рақибларимизнинг таъзирини бериб қўйишимиз керак эди. Белгиланган жойга дуэль қилгани олтишпача одам тўпланди. Роженинг бир ўзи учта офицер билан олишди. Улардан бирини ўлдирди, иккитасини оғир ярадор қилди, ўзининг эса бирор жойи тирналмади ҳам. Менинг учта омадим келмади: авваллари қиличбозликдан дарс бериб келган аллақандай лаънати бир лейтенант қилич билан кўкрагимга шунақа урдик, оламдан ўтишимга сал қолди. Ишонаверинг, бу дуэль ёки, аниқроқ қилиб айтганда, бу улкан жанг жуда ажиб бир томоша бўлган эди. Флот устун келди, полк эса Брестдан кўчиб кетишга мажбур бўлди. Албатта, баланд мартабали бошлиқлар бу жанжалнинг айбдори ким эканини эсдан чиқаришгани йўқ. Икки ҳафта давомида Роженинг эшиги ёнига соқчи қўйиб қўйишди.

У ҳибсдан қутулган пайтда, мен ҳам госпиталдан чиқиб, дўстимни кўргани бордим. Унинг уйига киришим биланоқ ҳайратдан қанчалик лол қолганимни кўрсангиз эди: у Габриэль билан бирга понушта қилиб ўтирарди. Афтидан, улар аллақачон умумий тил топишиб, жуда иноқ бўлиб кетишибди, бир-бирини сенсирайдиган бўлиб қолишипти, бир идишдан май ичадиган даражага етишипти. Роже маъшуқасига мени: «Энг яқин дўстим», деб таништирди ва унинг баҳонасида содир бўлган тўқнашувда яраланганимни айтди. Бунинг эвазига мен гўзал жувоннинг бўсасига сазовор бўлдим. Жувон қурғурнинг қилиқлари жуда шаддод эди.

Уч ой мобайнида улар жуда иноқлик билан бахтиёр ҳаёт кечирди, бир-бирларидан бир дақиқа ҳам ажралишмади. Габриэль Рожени жўшқин эҳтирос билан севиб қолгандай эди. Роже эса шу жувон билан учрашгунга қадар муҳаббат нима эканини билмаганини тан оларди.

Гаванга голланд фрегати келди. Офицерлар бизнинг шарафимизга зиёфат беришди. Ҳар хил винолардан керагидаи зиёд ичилди. Шихоят, дастурхон йиғиштирилди. Бу жаноблар французчаи чала-чулпа билганликлари учун, тўпланганлар пима билан машғул бўлишни билмай, қиморга тутинишди. Афтидаи, голландлар пулга сероб кўришарди. Уларнинг старший лейтенанти шу қадар катта тика бошладики, бизларникидан ҳеч ким юраги бетлаб, у билан ўйнашга журъат қилолмади. Шунда авваллари қимор ўйнаб юрмаган Роже миллий шон-шавкатларини камситмасликка аҳд қилиб, ўйинга тушиб кетди ва голланд лейтенантининг ҳар тикишига тенг жавоб бераверди. Аввалига у ютди, кейин ютқазди. Бир неча марта ютуқ билан ютқизиқ алмашиниб турди ва охирида рақиблар дуранг билан тарқалишди. Голланд офицерлари шаънига биз ҳам зиёфат бердик.

Яна ўйин бўлди. Роже билан лейтенант олишувни қайта бошлашди. Хуллас, бир неча кун давомда гоҳ қаҳвахонада, гоҳ кемада учрашишиб, қиморнинг ҳамма турларида куч синашишди. Улар, айниқса, триктрак ўйинини кўпроқ ўйнашди. Ўйин давомда тикишлар ўса бориб, ҳар дов учун йиғирма беш наполеондорга бориб етди. Бу бизга ўхшаган қўли қисқа офицерлар учун жуда катта маблағ эди. Икки ойлик маошимизни ташкил қиларди. Ҳафтанинг охирига бориб, Роже ёнида бор пулини бои бериб бўлди, бундан ташқари, имкони бор одамдан қарзга олган уч ё тўрт минг франкни ҳам ютқазиб қўйди.

Сиз, албатта, фаҳмлаган бўлсангиз керак — Роже билан Габриэлнинг қозони ҳам, ҳамёни ҳам аллақачонлар ўртада бўлиб қолган эди. Бунинг маъноси шу эдики, Роже яқинда уйдан анчагина пул олган ва умумий рўзгорга актрисага қараганда ўн ёки йиғирма барабар ортиқроқ ҳисса қўшган эди. Лекин шундоқ бўлса ҳам, у доимо ўртадаги пулни, асосан, маъшуқасининг пули деб билар ва ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун атиги эллик наполеондорча олиб қоларди, холос. Энди эса Роже ўйинни давом эттириш учун рўзгор пулига мурожаат этишга мажбур бўлди. Габриэль бунга лом-мим демади.

Ёнидаги чойчақаси қаёққа ғойиб бўлган бўлса, рўзгор пули ҳам ўша ёққа гумдон бўлди. Кўп ўтмай Роже охириги йиғирма беш наполеондор пулини тикди. Бу гал у ўлгудай тиришиб ўйнади. Шиддатли ўйин чузилиб кетди. Шундай фурсат келдики, соққа отиш навбати Рожега келганида, унинг учун ютишнинг фақат бир им-

кони қолган эди: соққа отиб, олти билан тўртни чиқариш керак эди шекилли. Туш ярмидан оғиб қолган. Анча вақтдан бери ўйинни томоша қилиб ўтирган бир офицер ўриндиқда ухлаб қолганди. Голланд офицери ҳам толиққан, уйқусираб, кўзлари юмилиб кетай деб турганди. Бунинг устига кўп ичилган пуншдан карахт. Ёлғиз Рожегина ҳушёр. У ночор аҳволда қолган эди. У бутун вужуди билан қизишиб, дағ-дағ титраб, соққа отди. У соққаларини тахтага шунчалик зарб билан улоқтирдикки, тахтанинг сапчишидан шамлардан бири полга тушиб кетди. Йиқилган шамдан голланд лейтенантининг шимига мўм сачради. У аввал шамга қаради, кейин соққага кўз ташлади. Соққалар олтилик ва тўртлик томони билан ётарди. Мурдадай оқариб кетган Роже йигирма беш наполеондорни олди. Ўйин давом этди. Ниҳоят, менинг шўрлик дўстимга ҳам бахт кулиб боқди. Голланд ҳар гал хато устига хато қилмоқда, ютқазишни истагандек, ўз йўлини ўзи тўсиб қўймоқда эди. Голланд лейтенантининг ҳам қайсарлиги тутди — у икки баравар, ўн баравар кўпроқ тикар, лекин ҳар гал ютқазар эди. Ҳозиргидай кўриб турибман — бўйдор, малла ранг, босиқ юзи мўм шамдай оппоқ эди. Ниҳоят, саксон минг франк ютқазганидан кейин, ўрнидан турди ва ҳаяжонини зарра билдирмай пулни санаб берди.

Роже унга:

— Бугунги ўйин ҳисоб эмас, — деди. — Сиз уйқусираб ўтирдигиз. Мен пулингизни олмайман.

— Ҳазиллашманг, — деб жавоб берди тепса-тебранмас голланд офицери, — мен жуда яхши ўйнадим. Бироқ омадим келмади. Мен аминманки, истаган вақтда сизни ютаман. Хайр!

Улар ажралишди.

Эртаси куни эшитсам, у ўз хонасида бир стакан пунш ичибди-да, ютқизиқ аламига чидолмай, ўзини отиб қўйибди.

Роже ютиб олган саксон минг франк пул стол устида ётарди. Габриэль мамнуният билан жилмайиб, улардан кўз узмасди.

— Ана, бойиб ҳам қолдик, — деди у. — Хўш, шунча пулни нима қиламиз энди?

Роже ҳеч нарса деб жавоб бермади. Афтидан, голланднинг ўлимидан кейин у ўзига келолмаётгандай эди.

— Кўнглимиз тусаган ҳамма номаъқулчиликларни қиламиз, — деб давом этди Габриэль. — Бу пуллар қўлимизга шу қадар осон келдики, харжи ҳам шунчалик еч-



гил бўлиши керак. Порт коменданти билан хотинининг жиғига тегиш учун коляска сотиб оламиз. Мен бриллиантлар, кашмирий матолар оламан. Сен ўн-ўн беш кунга ижозат сўра, Парижга борамиз. Бу ерда бунча пулни умримизнинг охиригача ҳам сарфлаб тугатоямаймиз.

У тўхтаб, Рожега қаради. Роже унинг гапларини тиш-ламас, бошини қўлига тираб, кўзларини кўтармай ўтирарди. Унинг вужудини огир ўйлар кемираётгандек кўринарди.

— Сенга пима бўлди, Роже?— деди у қўлини Роженинг елкасига қўйиб.— Мендан аразлаяпсани, дейман? «Миқ» этмайсан?

— Мен жуда ҳам бадбахтман,— деди у чуқур хўрсиниб.

— Бадбахтман! Вой, худо кўтарсин! Сен бу хомсемиз *мингернинг*\* титиғини чиқарганингдап афсусланаётганинг йўқми, мабодо?

У бошини кўтариб, Габриэлга маъносиз нигоҳ билан тикилиб қолди.

— Садқай сар!— деб давом этди у.— Бир голланд ютқазганига алам қилиб, миясининг қатиғини чиқарипти! Мен ютқазган қиморбозга сира ҳам ачинмайман. Пул унинг қўлида бўлганидан кўра, бизда бўлгани яхши. У бу пулни ичиб, чекиб тамом қиларди. Биз бўлсак... Биз бир дунё номаъқулчилик қиламиз. Бири биридан гўзал...

Роже бошини қуйи солганича, ёш тўла кўзларини ярим юмиб, хона бўйлаб юрарди. Агар уни кўрганингизда ҳолига раҳмингиз келарди.

— Биласани,— деди Габриэль,— сенинг ҳисчан табиатингдан беҳабар одам, ҳозирги аҳволингни кўрса, фирромлик қилгансан, деб ўйлаши мумкин.

— Борди-ю, шундай бўлган бўлса-чи?— деди у бўғиқ овоз билан унинг қаршисига тўхтар экан.

— Бўлмаган гап!— деб жавоб берди у жилмайиб.— Ўйинда фирромлик қилишга ақлинг етмайди.

— Мен фирромлик қилдим, Габриэль, қабих мўлтошидек фирромлик қилдим.

Габриэль унинг ҳаяжонланаётганидан чин гапираётганини пайқади. У курсига ўтириб, бир печа муддат шидамай қолди.

— Ундан кўра...— деди у ниҳоят ҳаяжон ичида,— ўйинда фирромлик қилгандан кўра, ўнта одамни ўлдириб келганинг яхши эди...

\* Мингер (*голландча*)— жаноб дегани.

Ўртага чўккан ўлик сукунат ярим соат давом этди. Уларнинг иккови ҳам жойида қимир этмай ўтиришар ва бир-бирларига қарашмас эди. Роже биринчи бўлиб ўрнидан қўзғалди ва анчагина хотиржам оҳангда унга хайрли тун тилади.

— Хайрли тун,— деб Габриэль совуққина жавоб берди.

Роже кейинчалик менга айтиб берди: дўстлар сабабини билиб қолишларидан қўрқмаганда, у ўшандаёқ ўз жонига қасд қилар экан. У номи шармандалик билан қопланишини истамабди.

Эртаси кун Габриэль ҳар доимдагидек қувноқ эди. У гўё кечаги гапларни унутиб юборгандек кўринарди. Роже бўлса бадқовоқ, хомуш бўлиб қолди, у деярли уйдан чиқмай қўйди, дўстлари билан учрашини ҳам йиғиштириб қўйди, кун бўйи хушторига ҳам «лом-мим» деб оғиз очмай қўйди. Мен унинг хомушлигини қонуний, лекин ҳаддан зиёд ҳисчанликка йўйдим. Мен бир неча марта унга тасалли беришга уриниб кўрдим, бироқ ҳар гал у менинг таскинларимни қатъиян рад этди. У бирон марта ҳам рақиб бечоранинг тақдирига ачинганини билдиргани йўқ. Бир гал эса, ҳатто ҳамма голландларни чангитиб сўкиб, бутун Голландияда биронта ҳам виждонли одам топилмайди, деб менга исбот қилмоқчи ҳам бўлди. Бу орада эса ўзи хуфиёна тарзда голланд лейтенантининг оиласи ҳақида маълумот тўплашга уринибди. Бироқ ҳеч ким унга ҳеч нарса айтмапти.

Машъум триктрак ўйинидан кейин бир ярим ойча ўтгач, Роже аллақандай гардемаришнинг Габриэлга ёзган мактубини топиб олади. Афтидан, йигит мактубда кўрсатган муруввати учун жувонга миннатдорчилик изҳор этган. Саранжом-саришталик Габриэлга ёт нарса эди. Бояги мактубни у ўчоқнинг ёнида қолдириб кетган экан. Билмадим, Габриэль Рожега хиёнат қилганми, йўқми, лекин Роже бунга астойдил ишониб, ғазабга тушади. Уни ҳаётга боғлаб турган ягона туйғу — муҳаббати ва қолгац-қутган ғурури эди. Қутилмаганда бу туйғу ҳам гумбурлаб қулади. У калондимоғ актрисанинг бошига ҳақорат ёғдиради. Шу қизиққонлик билан маъшуқасини ўлгудай дўппосламаганига ҳайронман.

— Бундан чиқдики,— дейди у,— бу олифта баҳонгизни ошириб тўлашти-да! Сиз, ахир, фақат пулни сева-сиз-ку! Сиз матросларимиздан энг ифлоси билан ҳам ўйнашишга тайёрсиз, ишқилиб, ҳақини тўласа бас...

— Нима қилипти?— деб совуққонлик билан жавоб

берди актриса.— Ҳа, матроснинг пулини олардим... *Олардиму, ўғирламас эдим.*

Роже ғазабдан ҳайқириб юборди. У титраб-қақшаб, ханжарини суғурди-да, бир лаҳза Габриэлга жавдираб тикилиб турди, кейин эса даҳшатли бир куч билан ўзини мажбур қилди-да, қуролни унинг оёқ остига улоқтириб, шайтоннинг васвасасига учмаслик учун югуриб хошадан чиқиб кетди.

Ўша оқшом вақт алламаҳал бўлиб қолганида мен унинг уйи ёпидан ўтиб кетаётиб, деразасида чироқ кўрдим-да, қайси бир китобниям сўраб олиш учун олдига кирдим. У ҳафсала билан алланималар ёзмоқда эди. Хонага кирганимни ҳам зўр-базўр пайқади. Мен ёзув столи ёнига ўтириб, чеҳрасидаги ифодани кузата бошладим. Унинг афти ангори шу қадар ўзгариб кетган эдики, ўрнимда бошқа одам бўлганида, уни таниб олиши амри-маҳол эди. Бирдан стол устида менга йўлланган мактубга кўзим тушди. Дарҳол уни очиб, ўқидим. Роже менга ўз ўзини ўлдиражагини маълум қилиб, менинг зиммамга ҳар хил вазифаларни юклаган эди. Мен ўқир эканман, у менга эътибор бермай, ёзишда давом этди. У Габриэль билан видолашмоқда эди... Менинг нечоғли ҳайратга тушганимни тасаввур қилишингиз мумкин. Унинг аҳдидан ҳайратда қолиб, хитоб қилдим:

— Бу қанақаси? Жонингга қасд қилмоқчимсан? Сен-а! Шундай бахтиёр одам-а?!

— Дўстим!— деди у мактубни елимлаб.— Сенинг ҳеч гапдан хабаринг йўқ. Сен менинг қанақа одамлигимни хаёлингга ҳам келтиролмайсан. Мен муттаҳамман. Мен шу даражада манфурманки, мени таҳқирлашга ҳатто бузуқ аёлнинг ҳам ҳадди сиғади. Разиллигимни ўзим яхши билганимдан, унинг таъзирини бериб қўйишга журъат қилолмаيمان.

Шундан кейин у менга триктрак ўйини воқеасини ва сизга маълум бўлган гапларнинг ҳаммасини айтиб берди. Менинг ҳаяжоним уникидан кам эмас эди. Унга нима дейишимни билолмай қолдим. Мен унинг қўлларини қисардим, кўзларимда ёш милтирарди, аммо бир оғиз гап айтишга ожиз эдим. Ниҳоят, миямга бир фикр келди: уни голландни онгли равишда хонавайрон қилмаганига ишонтирмоқчи бўлдим. Ахир, сирасини айтганда, у голланддан фирромлик билан атиги йигирма беш наполеондор ютган...

— Демак,— деб қичқирди. у аламли киноя билан,— мен чакана ўғри эканман-да! Шу иззат-нафсим билан ча-

кана ўғри бўлиб ўтирсам-а!— Шундай деб у қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Менинг кўзларимдан ёш тирқиради. Бирдан эшик очилди. Аёл югуриб кириб, ўзини унинг кўкрагига ташлади. Бу Габриэль эди.

— Кечир мени!— деб хитоб қилар эди у Рожени маҳкам кучоқлар экан.— Кечир мени! Мен сени энди севиб қолдим. Ўзинг надоматлар чекаётган қилғиликни қилиб қўйганингдан кейин севиб қолдим. Хоҳласанг, мен ҳам ўғирлик қиламан! Ўғирлик қилдим ҳам. Ҳа, ўғирлик қилдим. Мен бировнинг тилла соатини ўғирладим... Бундан баттар бўлиш мумкинми?

Роже ишонмай бош чайқади, аммо чехраси бир оз ёришгандай бўлди.

— Йўқ, кўзим,— деди у Гибриэлни оҳиста четлатиб.— Мен ўзимни ўлдиришим керак. Тортаётган азобимнинг чеки йўқ. Юрагимдаги оғриққа ортиқ бардош қилмайман.

— Ундай бўлса, жуда соз! Агар сен ўлишни истасанг, мен ҳам сен билан ўламан, Роже! Сенсиз менга ҳаётнинг маъноси йўқ. Мен кўрқоқ эмасман, милтиқ отганман. Ҳар қанақа эркақдай ўзимни ўлдиришга қурбим етади. Бунинг устига, фожияларда роль ўйнаганман. Тажрибам бор.

Аввал унинг кўзлари ёшли эди, аммо сўнгги жумлани айтиб кулиб юборди. Унинг бу гапи Рожени ҳам жилмайишга мажбур қилди.

— Ана, жилмайдинг, менинг офицерим!— деди у чапак чалиб уни ўпар экан.— Энди ўзингни ўлдирмайсан!

Габриэль гоҳ йиғлаб, гоҳ кулиб, гоҳ матросдек сўкиниб уни ўпишда давом этарди. У беибо сўзлардан ҳайиқадиган аёллар тоифасидан эмас эди.

Бу орада мен Роженинг пистолетлари билан ханжарини тортиб олиб, ўзига насиҳат қилдим:

— Азизим Роже! Сенинг яхши кўрадиган аёлинг бор, сени яхши кўрадиган дўстларинг бор. Ишонавер, ҳаммасини кўрмагандай бўлиб кетасан. Ҳали бахтиёр кунларни ҳам кечирасан.

Мен уни ўпдим-да, Габриэль билан холи қолдириб, чиқиб кетдим.

Ўйлайманки, унинг ҳалокатли режасини вақтинчагина тўхтатишга кучимиз етарди, холос. Яхшиямки, у министрдан портдан чиқиш йўлини тўсиб ётган инглиз эскадрасини ёриб ўтиб, Ҳинд океанида соқчилик қилиб сузиб юриши лозим бўлган фрегатда старший лейтенант

лавозимида жўнаш ҳақида буйруқ олиб қолди. Бу қалтис иш эди. Унга ўз жонига қасд қилиб, ватанга заррача фойда келтирмай бадном бўлиб ўлгандан кўра, номус билан инглиз ўқидан ўлиш афзаллигини уқдирдим. У ўзини ўлдирмасликка ваъда берди. Саксон минг франкнинг ярмини майиб матросларга ва денгизчиларнинг бевалари билан етим-есирларига бўлиб берди. Қолганларини Габриэлга берди. Габриэль бу пулнинг ҳаммасини хайрли ишларга сарфлайман, деб қасам ичди. Бечора жувон сўзининг устидан чиқишга аҳд қилган эди, аммо унинг эзгу ниятларининг умри қисқа экан. Кейинчалик билдимки, у бир неча минг франкни фақирларга улашибди. Қолган пулга латта-путга олипти.

Биз Роже билан «Галатея» деган жуда ажойиб фрегатга тушдик. Матрослар довюрак, яхши машқ қилган, ишнинг кўзини биладиган йигитлар эди. Аммо фрегатнинг командири ўтакетган подон одам эди. У ўзини Жан Барт деб хаёл қиларди, сўкишга келганда тилининг суяги йўқ, каптенармусдан қолишмас эди. Тили жуда ғализ, ўз ҳунарини назарий жиҳатдан чуқурроқ ўрганишни хаёлига ҳам келтирмас эди. Ростини айтганда, у кемани бошқаришни ҳам тузуккина эплай олмасди. Шундай бўлса ҳам, аввалига омад унга ёр бўлди. Биз портдан эсон-омон чиқиб олдик. Тўсатдан турган қаттиқ шамол жонимизга ора кирди — йўлни тўсиб ётган инглиз эскадраси шамол туфайли очиқ денгизга чиқиб кетишга мажбур бўлган эди. Биз соқчилигимизни шундан бошладикки, Португалия қирғоқларида инглиз соқчи кемасини ва Ост-Индия компаниясининг кемасини ёндириб юбордик.

Ҳинд океани томон жуда суст сузиб борардик — шамол ҳам қўл келмади, капитан ҳам ноқобиллик қилди. У шу қадар уқувсиз маневрлар қилар эдики, уларнинг оқибатида кемадаги сафаримиз янада хавфлироқ бўлиб қоларди. Бирор кунимиз беғалва ўтмасди: гоҳ бизни душманнинг устун кучлари таъқиб қилар, гоҳ биз бирор савдо кемасининг ортидан қувлар эдик. Аммо хавф-хатарга тўла сафар ҳам, серташвиш кема хизмати ҳам Роженинг кўнглини гаш қилаётган ғамгин ўйларни тарқатиб юбора олмади. Бир вақтлар у портда энг фаол ва тадбиркор офицер сифатида шуҳрат қозонган эди, энди эса фақат зиммасидаги вазифани бажаришдан нари ўтмас эди. Хизмат вақти тамом бўлиши биланоқ, хонасига кириб, биқиниб оларди. Хонасида на китоб, на қоғоз бор эди. Бечора соатлаб каравотда ётар, кўзига уйқу ҳам келмас эди.

Бир куни унинг ночор аҳволини кўриб, у билан гаплашишга аҳд қилдим.

— Менга қара, азизим! Арзимаган нарсага ўзингни ўзинг хуноб қиляпсан. Сен хомсемиз голланднинг йигирма беш наполеондорини олгансану, худди миллионини олгандек, виждонинг қийналяпти. Қани, айтчи,\*\*\* да префектнинг хотинига хушторлик қилиб юрганигда виждонинг қийналганмиди? Ҳолбуки, унинг баҳоси йигирма беш наполеондордан қимматроқ эди.

У тўшагида бир ағдарилиб қўйди-ю, ҳеч нарса деб жавоб бермади.

Мен давом этдим:

— Сирасини айтганда, сени жиноятга ундаган (сен ўзинг буни жиноят деб айтяпсан) баҳона узрли, ҳурматга муносиб. Сен бу ишни яхши ният билан қилгансан.

У менга юзини ўгирди. Қайнаб-тошаётган ғазаби нигоҳида барқ урди.

— Албатта-да! Ютқазиб қўйганигда Габриэлнинг аҳволи нима кечар эди? Бечора қиз! Сен учун у сўнги кўйлагини ҳам сотишга мажбур бўларди... Ютқазиб қўйганигда, уни қашшоқликка маҳкум этардинг... Шу аёлни деб, унга бўлган муҳаббатинг ҳаққи фирромлик қилгансан... Одамлар борки, муҳаббат туфайли одам ўлдиришади... ўзини ўлдиради... Сен эса, азизим Роже, катта иш қилгансан. Сен билан бизнинг тоифамиздаги одамдан ўз-ўзини ўлдиришдан кўра, ҳамма нарсани ўз номи билан атайдиган бўлсақ, ўғирлик қилиш учун кўпроқ мардлик талаб қилинади.

— Энди, эҳтимол, сизга кулгили туюлаётгандирман, — деди капитан ҳикоясини тўхтатиб. — Аммо сизни ишонтириб айтаманки, ўша дақиқаларда Рожега бўлган дўстлик туйғулари мени сўзамол қилиб юборган эди. Ҳозир гапга нўноқ бўлиб ўтирибман. Лекин, ростини айтсам, ўшанда юракдан чиқариб, самимий гапирган эдим. Гапимга ўзим ҳам астойдил ишонган эдим. У вақтлар ёш эдим-да!

Роже индамай турди-да, кейин менга қўлини узатди.

— Дўстим! — деди у. Афтидан, у ўзини зўрлаб гапирмоқда эди. — Сен мени ўринсиз мақтаяпсан. Мен манфур одамман. Голланд билан ўйинда фирромлик қилганимда, мен фақат йигирма беш наполеондор ютиб олишни ўйлаган эдим, вассалом. Ўшанда Габриэлни хаёлимга ҳам

келтирганим йўқ. Шунинг учун ҳам ўзимдан нафратланаман... Номусимни йигирма беш наполеондорга сотдим-а!.. Бундан ортиқ пасткашлик бўладими? «Габриэлни қашшоқликдан қутқариш учун ўғирлик қилдим...» дёлсам бахтиёр бўлар эдим-а... Йўқ, йўқ... Уни ўйлаганим ҳам йўқ... Уша дақиқада мен уни севмас эдим... Мен қиморбоз эдим, холос... Мен ўғри эдим... Мен пулни ўғирлаб, ўзлаштириб олдим... Бу кирдикорим мени шу даражада пастга уриб, разил қилиб қўйдики, энди менда на мардлик қолди, на муҳаббат... Яшашга янаямману, Габриэлни ўйлаётганим йўқ... Мен тамом бўлган одамман.

У менга ўшанда шунчалар бахтсиз, ночор кўриндики, ўзини отиш учун тўппонча сўраса, мен «йўқ» демай унга беришим мумкин эди.

Жума кунларидан бирида (жума — бехосият кун!) инглизларнинг «Алжеста» деган катта фрегатни орқамиздан қувлаб қолди. Унинг замбарағи эллик саккизта экан. Бизники эса атиги ўттиз тўртта эди. Биз унга тутқич бермаслик учун ҳамма елканларимизни кўтардик, аммо унинг тезлиги бизникидан ортиқроқ эди. Борган сари у бизга яқинлашиб келаверди; кўриниб турардики, қош қорайгунгача биз тенгсиз жангга киришишга мажбурмиз. Капитан Рожени ҳузурига чақириб, у билан чорак соатча маслаҳатлашди. Роже палубага қайтиб чиқиб, менинг қўлтиғимдан олиб, бир чеккага бошлади.

— Икки соатдан кейин, — деди у, — жанг бошланади. Ҳозир ҳаммага бақириб-чақираётган капитанимиз калласини тамом йўқотиб қўйишти. Бизнинг ихтиёримизда иккита чора бор эди. Буларнинг биттаси анча олижаноб — душманни яқин келтириб туриб, уни абордажга олиш, душман кемасига юзта каллакесарни чиқариб қўйиш. Иккинчи чора унча чиройли бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда ёмон эмас: тўпларимизнинг бир қисмини денгизга ташлаб, юкимизни енгиллатиш. Унда биз чап томонимизда кўриниб турган Африка соҳилига етиб олардик. Инглизлар саёз жойга ўтириб қолишдан қўрқиб, бизнинг қочиб кетишимизга йўл қўйишга мажбур бўларди. Аммо бизнинг... капитан на қўрқоқ ва на ботир: у душманга олисдан туриб, бизни ўққа тутушга йўл қўйиб беради. Бир соатча амаллаб туради-да, кейин беҳижолат таслим бўлади. Унда сенинг аҳволинг мушкул бўлади. Сени Портсмутга олиб бориб, ҳибсга солишади. Мен эса, мен у ерга бормоқчи эмасман.

— Балки, — дедим мен, — биз биринчи ўқларимиз би-

лавоқ душманга катта зарар етказармиз. У бизни таъқиб этишдан воз кечишга мажбур бўлар?

— Менга қара! Мен асир тушишни истамайман. Мен жангда ўлишни истамайман. Бунга чек қўйиш керак. Агар мен ўққа учмай, фақат ярадор бўлсам, мени денгизга ташланга сўз бер. Менга ўхшаш денгизчи учун денгиз ўлим тўшаги бўлмоғи керак.

— Нималар деяпсан!— деб хитоб қилдим.— Хўп юмуш топширяпсан-ку менга!

— Шунда сен садоқатли дўстнинг ишини қилган бўласан. Сен биласанки, мен ўлишим керак. Ўзинг эсла: жонимга қасд қилмасликка ваъда берган бўлсам, буни фақат бир умид билан — жангда ҳалок бўламан, деб қилган эдим. Қани, менинг илтимосимни бажо келтирмаман, деб ваъда бер. Бўлмаса, мен бошқа одамдан илтимос қиламан, у йўқ демайди.

Бир оз ўйлаб туриб жавоб бердим:

— Агар оғир ярадор бўлсанг, тузалиб кетишингга умид бўлмаса, истагингни бажо келтиришга сўз бераман. Унда сени азоб-уқубатлардан халос қилишга розиман.

— Мен ё оғир жароҳатланаман, ё жангда ҳалок бўламан.

У менга қўлини узатди, мен уни қаттиқ қисдим. Шу дақиқадан бошлаб у хотиржамроқ бўлиб қолди, ҳатто чехрасида аллақандай шижоат аломатлари пайдо бўлди.

Кундузи соат уч бўлганида душман кемасининг тумшуқ томонидаги тўплардан отилган ўқларнинг баъзилари кемаларнинг анжомларига тегиб ўта бошлади. Шунда биз елкаларнинг бир қисмини йиғиштириб, «Алкеста»га кўндаланг туриб олдик-да, уни ўққа тута бошладик. Инглизлар ҳам бўш келгани йўқ. Бир соатча давом этган отишмадан сўнг ҳамма нарсани телба-тескари қилаётган капитанимиз душман кемасини абордажга олмоқчи бўлди. Аммо биздан кўп одам ўлган ёхуд ярадор бўлган, қолганларнинг ҳам жанговар руҳи сусайиб бўлган эди. Бундан ташқари, анжом-аслаҳаларимизга ҳам катта зарар етган, мачталаримиз ҳам шикастланган эди. Инглизларга яқинлашиш учун елкаларимизни ёзишимиз билан, тирговучсиз қолган грот-мачтамиз гумбурлаб ағдарилиб тушди. Шу мушкулот туфайли рўй берган саросимадан фойдаланган «Алкеста» кемамизнинг рўпарасига келиб, яқин масофадан ён томондаги тўпларнинг ҳаммасини бизга



бўшатди. Шу тарзда у бизнинг бадбахт фрегатимизни бошидан-охиригача тўпга тутиб чиқди. Бу томонда бизнинг атиги иккитагина кичкина тўпимиз бор эди, холос.

Шу дақиқада мен Роженинг ёнида эдим. У қулаб тушган мачтани тираб турган кўндаланг ёғочларни чопайтган эди. Бирдан мен унинг қўлимни қаттиқ қисайтганини сезиб қолдим. Угирилиб қарасам, у қип-қизил қонга беланган, палубага ағдарилиб тушипти. Душман отган сочма ўқ қорнига тегипти.

Унинг олдига капитан югуриб келди.

— Нима қилиш керак, лейтенант?— деб бақирди у.

— Байроқни мачтанинг синигига михлаб, кемани чўктириб юбориш керак.

Бу маслаҳат капитанга унча маъқул бўлмади, у шу ондаёқ нари кетди.

— Қани,— деди Роже,— ваъдангни бажар энди.

— Қўйсанг-чи!— дедим мен.— Ҳали тузалиб кетасан.

— Ташла мени денгизга!— деб қичқирди у энг сара сўкишлар билан этагимдан тортқилаб.— Кўриб турибсан, барибир, ўламан. Ташла мени денгизга. Байроқни туширишларини кўришни истамайман.

Уни пастга олиб тушиш учун ёнига иккита матрос келди.

— Тўпга боринглар, аблаҳлар!— деб бақирди у.— Сочма солиб отинглар. Юқори палубани мўлжалга олинглар. Сен бўлсанг сўзингнинг устидан чиқмас экансан, минг лаънат сенга. Энг қўрқоқ, энг қабиҳ одам экансан.

Афтидан, унинг жароҳати оғир эди. Мен капитан гардемаринни чақириб олиб, байроқни пастга туширишни бураётганини кўрдим.

— Менга қўлингни бер,— деди Роже.

Байроғимиз туширилган дамда...

— Капитан! Бакбортда кит!— деб капитаннинг ҳикоясини бўлди югуриб келган мичман.

— Кит!— деб қичқирди капитан ҳикоясини тўхтатиб. Унинг чехраси шодликдан ёришиб кетган эди.— Бўлинглар! Қайиқ туширилсин! Ҳамма қайиқлар денгизга туширилсин! Гарпунлар, арқонлар тайёрлансин! Ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Шундай қилиб, бечора лейтенант Роженинг қандай ўлганини билиш менга насиб қилмади.

## ҚҶШ ХАТО

### Биринчи боб

Zagala, màs que las flores  
Blanca, ruoia y ojos verdes.  
Si piensas seguir amores,  
Pierdbte bien, pues te pierdes\*

Жюли де Шаверни эрга текканига олти йилча бўлганди, у беш ярим йил аввалроқ эрини севини мумкинлиги у ёқда турсин, ҳатто уни заррача ҳурмат ҳам қила олмаслигини тушунган эди.

Ҳолбуки, эри бемаза, ярамас одам эмас эди. Шундай бўлса ҳам, уни ана шу номларнинг ҳаммаси билан атаса бўлаверарди. Агар Жюли де Шаверни хотираларини чуқурроқ ковлаштира, бир вақтлар эрини ёқтирганини эслаши мумкин эди; бироқ ҳозир эри унинг жонига тегиб кетган, унинг ҳамма нарчасидан, ҳамма қилиғидан безор бўлган. Унинг овқат ейишини, кофе ичишини, гапиришини кўрганида Жюлининг асаби бузилиб, жини қўзийди. Улар фақат овқат маҳалидагина бир-бирларини кўриб, гаплашишарди; ҳафтада атиги бир неча мартагина бирга тушлик қилишарди. Жюлининг нафрати сўниб қолмаслиги учун шунинг ўзи ҳам кифоя эди.

Шаверни анча салобатли одам эди. У ёнига қаратганда тўлароқ, хушчақчақ, ранги тоза, хаёлпараст одамларнинг кўнглида тез-тез қўзиб турадиган нотанин тапвиш унга тамоман бегона эди. У, «хотиним мени ҳамон турмушимизнинг биринчи кунларидагидек севади», деб ўйламасди, чунки бундай эмаслигига фаҳми етарди, лекин «хотинимнинг кўнглида менга нисбатан сокин бир дўстлик туйғуси бор», деб астойдил ишонарди. Бу ишонч унга на ҳузур бағишларди, на уни изтиробга соларди. Аҳвол тамомила тескари бўлган тақдирда ҳам осонгина кўниб кетаверарди. У бир неча йил суворилар полкида хизмат қилганди, катта меросга эга бўлгач, гарнизон ҳаёти жонига тегиб, истеъфога чиқди ва уйланди. Бир-бирига заррача ҳам яқинлиги бўлмаган икки ёшнинг турмуш қуриш сабабларини айтиб бериш анча мушкул. Бир

\* Мовий кўзли соҳибжамол қиз,  
Гуллоладай нафис экансан.  
Майли, ёниб кул бўла қолсин,  
Гар севгига асир экансан. (Исп.)

томондан, Жюлининг бобоси билан бувиси моддий ишларини тартибга солиш учун анчагина жон куйдиришаётган вақт эди. Бунинг устига Фрозина каби Венеция республикасини турк султонининг қўйнига солиб қўйишдан ҳам тоймайдиган баъзи ҳайбаракаллачи одамлар уларни ҳолжонига қўйишмади. Иккинчи томондан, Шаверни яхшигина оиланинг фарзанди эди. Бунинг устига, ҳали бунчалик семириб кетмаган, қувноқ, том маънодаги «жонон йигит» эди. Жюли унинг тез-тез онаси ҳузурига келиб туришини, полк ҳаётидан қизиқ-қизиқ воқеаларни гапириб бериб, онасини кулдириб ўтиришини ёқтирарди. Тўғри, бу ҳикоялар ҳамма вақт ҳам одоб доирасида бўлавермасди. Жюли уни анчагина ёқимтой деб биларди, чунки у ҳамма балларда Жюли билан танца тушар ва ҳаминша бир иложини қилиб, Жюлининг онасини зиёфатда узоқроқ тутиб қолишга ёхуд театрдами, Булон ўрмонидами бориб келишга кўндирарди. Ниҳоят, Жюли уни қаҳрамон ҳисобларди, чунки у икки-уч марта дуэлда жанг қилганди. Аммо Шавернининг узил-кесил ғалабасини таъминлаган нарсаси каретанинг тасвири бўлди — Шаверни ўзи чизган расм бўйича карета буюртмоқчи ва турмушга чиқишга розилик бериши биланоқ Жюлини унда айлантирмоқчи эди.

Тўйдан бир неча ой ўтгач, Шавернининг жамики гўзал фазилатлари ўзининг анчагина қимматини йўқотди. Хотини билан танца тупмай қўйганини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади. У кулгили саргузанитларни уч-тўрт қайталаб гапиришни бас қилди. Энди, баллар ҳаддан ташқари чўзилиб кетяпти, дейдиган бўлиб қолди. Театрга борганида, эснаб ўтиради, кечқурун ясанишни эса чидаб бўлмайдиган бемаъни одат дейди. Унинг асосий айби ялқовлик эди. Хотинининг кўнглини олиш учун астойдил ҳаракат қилса, эҳтимол, бунга эришиши мумкин эди, аммо ҳар қандай уришиш унга малол келади — семиз одамларнинг ҳаммаси ҳам шунақа бўлади. Зиёфатларда ўтирса, зерикади, чунки унақа жойларда манзур бўлини учун сарфлайдиган ғайратингга қараб хуш кўришади-да. У ҳар қандай позик эрмаклардан кўра олағовур ўтиришларни маъқул кўрарди, негаки, ўзининг дидига тўғри келадиган одамлар орасида ажралиб туриш учун бошқалардан ўтказиб қийқириш керак эди; кўкрак қафаси кенг бўлганидан, бунинг унга заррача ҳам мушкуллиги йўқ эди. Бундан ташқари, шампан ичишда ҳар қандай одамни йўлда қолдира олиш ва тўрт футлик ғовдан бемалол сакраб ўта олиши билан ғурурланарди. Шундай қилиб, у «Ёш-яланг» лар деб аталадиган ва ҳар оқшом бешдан кейин хиёбон-

ларда гавжум бўладиган бетайин махлуқлар орасида муносиб ҳурмат қозонди. Ов, шаҳар ташқарисида сайр қилиш, пойга, бўйдоқона тушликлар, бўйдоқона зиёфатларнинг ҳаммасига у муккасидан кетди. У ҳар қуни «одамлар орасида толеи энг зўрима», деб камида йигирма марта такрорларди. Ҳар гал бу гапни эшитганда Жюли кўзларини кўкка қадар, унинг позик лаблари эса ички бир нафратдан чўтчайиб кетарди.

Жюли ёш ва гўзал эди. Шунинг учун, табиийки, унинг атрофида анчагина тамагирлар гирдиқапалак эди. Аммо онасининг тергаб-тежашларидан ташқари (онаси анча доно, хушахлоқ аёл эди), унинг ўзининг ғурури ҳам (бу Жюлининг қусури эди) шу пайтгача уни дунёвий маишатлардан сақлаб келмоқда эди. Бунинг устига, эрга текканидан кейин ҳафсаласининг пир бўлганлиги унинг учун сабоқ бўлди ва ундаги ловиллаб кетиш қобилиятини анча сўндирди. Олий зотлар даврасида унга ачинишларидан ва уни тақдирга тан беришнинг намунаси қилиб кўрсатишларидан Жюли мағрурланар эди. У ҳатто ўзича бахтиёр эди, чунки ҳеч кимни севмасди, эри эса бутунича ихтиёрини ўзига бериб қўйганди. Унинг ноз-карашмалари гўдакники сингари мутлақо ғайри шуурий эди. Эътироф этиш керакки, у эрининг нақадар бебаҳо хазинага эга эканидан беҳабарлиги туфайли гердайишни ҳар ҳолда яхши кўрарди. Нозу карашма унинг кибру ҳавога мутлақо ўхшамайдиган бепарво камсуқумлигига ярашиб тушган эди. Буларнинг ҳаммасига қарамай, Жюли барчага барабар хуш муомалада бўла олар эди. Унинг хулқида ғийбатга асос берадиган биронта сифатни топиш мумкин эмас эди.

### *Иккинчи боб*

Эр-хотин Жюлининг онасиникида — Ниццага жўнашга отланган де Люсан хонимникида тушлик қилишмоқда. Қайнасаниникида ўлгудай зериккан Шаверни хиёбондаги ошналари билан учрашишни хоҳлаб турган бўлса-да, оқшомни шу ерда ўтказишга мажбур эди. Тушликдан кейин у юмалоқ диванга ўрнашиб ўтириб олди-да, шу кўйи икки соат чурқ этмади. Бу қилигининг боисини айтиб бериш жуда осон; у ухлаб қолган эди. У бошини бир ёнга сал эгиб олган, гўёки бажону дил суҳбатни тинглаб ўтиргандай кўринарди. У ўқтин-ўқтин уйғониб, бир-икки сўз қўшиб қўярди.

Кейин карта ўйнашга тўғри келди. Унинг бу ўйинга сира ҳам тоқати йўқ эди. Чунки бу ўйин маълум даражада ақл ишлатишни талаб қилади-да. Шу ўйин туфайли у анча вақт ушланиб қолди. Соат ўн бир яримга занг урди. Бу оқшом Шавернини ҳеч ким таклиф қилгани йўқ эди,— нима қиларини билмай, гарангсиб қолди. Шу жумбоқ бошини қотириб турганида, карета қўшилганини маълум қилишди. Уйига жўнайдиган бўлса, хотини билан бирга кетиши керак эди. Хотини билан йигирма минут ёлғиз қолиш истиқболи уни беҳад ваҳимага солиб қўйди. Бироқ ёнида сигараси йўқ эди, у тушликка жўнаб кетаётганида тезроқ бориб, Гаврдан яқингинада олган бир яшик янги сигарани очиш ниятида эди. Шунинг учун у тақдирга тан берди.

Хотинининг устига шол рўмолини ёпар экан, у ойнада ўзининг ошиқ эр вазифасини ўтаётганини кўриб, мийиғида кулиб қўйди. Бугун оқшом давомида у хотинига бир марта ҳам назар ташламаган эди — ҳозир унга эътибор бериб қолди. Бугун хотини унга ҳар доимгидан кўркамроқ кўринди. Шунинг учун ҳам ҳафсала билан шол рўмолнинг бурмаларини тўғрилади. Жюли ҳам эри билан ёлғиз кетишини ўйлаб, ичидан гаши келиб борарди. У лабларини чўччайтириб олди, қошлари беихтиёр чимирилди. Буларнинг барчаси унинг чеҳрасига шунақа ёқимтой ифода бахш этдики, ҳатто эри ҳам бепарво қололмади. Ҳозиргина тасвирланган иш асносида кўзгуда уларнинг кўзлари тўқнашди. Икковлари ҳам хи-жолат бўлишди. Шаверни ноқулай ҳолатдан қутулиш учун жилмайди-да, хотини шол рўмолини тўғрилаш учун қўлини кўтарганида, қўлидан ўпди.

— Нақадар бир-бирларини севишади,— деб шивирлади де Люсан хоним қизининг совуққонлигини ҳам, куёвининг лоқайдлигини ҳам сезмай.

Каретада бир-бирларига тақалмай, ёнма-ён ўтиришар экан, улар бир неча муддат сукут сақлашди. Шаверни одоб юзасидан бирон нарса ҳақида гап бошлаш кераклигини жуда яхши биларди, лекин хаёлига ҳеч нарса келмади. Жюли батамом сукутга чўмган эди. У уч-тўрт марта эснади, охири эсноғидан ўзи ҳам уялиб кетди-да, хотинидан кечирим сўрашга жазм қилди.

— Ўтириш чўзилиб кетди,— деди у ўзини оқламоқчи бўлиб.

Жюли унинг бу гапиви онасиникидаги ўтиришни камситиш ва бирор кўнгилсиз гап айтиш ниятида айт-япти, деб ўйлади. Кўпдан бери у эрига изоҳ беришдан

бўйин товлаб ўрганиб қолган эди, сукут сақлашда давом этди.

Бу оқшом кутилмаганда Шавернининг жағи очилди. Икки минутдан кейин у яна гап бошлади:

— Бугун овқат жуда лаззатли бўлди. Лекин сизга шуни айтишим керакки, онангизникидаги шампань вноси ўта ширин экан.

— Нима?— деди Жюли секин унга ўгирилиб, ҳам ўзини эшитмаганга олиб.

— Онангизникидаги шампань вноси ўта ширин экан, деяпман. Боя айтаман деб унутибман. Қизиқ, одамлар шампань вноси таълашни жуда осон иш деб билишади. Ҳолбуки, бу жуда қийин иш. Йигирмата ёмон навига битта яхшиси тўғри келади.

— Ҳа!

Хушмуомалалик юзасидан шундай деб хитоб қилгач, Жюли ўгирилиб олди-да, карета деразасидан ташқарига қарай бошлади. Шаверни ўрицдиққа суяниб, оёғини олдинги курсига қўйиб олди. Гапни қовуштиришга қилган шунча уринишига хотинининг ошкора лоқайдлик билан қараганидан у анча ранжиган эди.

Шундай бўлса-да, яна икки-уч эснагандан кейин Жюлининг ёнига сурилиб, гап бошлади:

— Бугунги кўйлагингиз сизга беҳад ярашипти, Жюли. Уни қаерда буюртирган эдингиз?

«Ўйнашига шунақа кўйлак буюртирмоқчи шекилли», деб ўйлади Жюли ва енгил жилмайиш билан жавоб берди:

— Бюртига.

— Нега куляпсиз?— деб сўради Шаверни оёғини курсичадан олиб хотини ёнига сурилар экан.

— Менинг кийган кийимимга эътибор берганингиздан кулгим қистаяпти,— деб жавоб берди Жюли.— Секинроқ! Енгимни гижим қилиб қўясиз.— Шундай деб у енгини тортиб олди.

— Амин бўлингки, мен сизнинг кийимингизга ғоят эътибор билан қарайман ва дидингизга қойилман. Чин сўзим, яқингинада мен бу тўғрида бир... бир аёл билан гаплашгандим. У кийим-кечакка кўп пул сарф қилади-ю, ҳамма вақт ярашмаганини кияди... Бундай пул харжлашидан улар хонавайрон бўлиши... ҳеч гап эмас... Мен унга сизни ўрпақ қилиб айтган эдим...

Унинг хижолат чекаётганидан Жюли ҳузур қилди; Жюли унга ёрдамга келишни хаёлига ҳам келтирмади, унинг гапини бўлмайд ўтираверди.

— Отларимизнинг мазаси йўқ, зўрга қадам босишди. Уларни алмаштириш керак,— деди Шаверни бутунлай гангиб қолиб.

Йўлнинг қолганда ҳам гап қовушавермади; ҳар иккала томон ҳам икки-уч жумладан ортиқ гап айтгани йўқ.

Эр-хотин ниҳоят уйга етиб келишди ва бир-бирларига хайрли тун тилаб, ажралишди. Жюли ечина бошлади. Оқсоч аёл негадир ташқарига чиқиб кетган эди. Кутилмаганда ётоқнинг эшиги очилиб, Шаверни кириб келди. Жюли апил-тапил елкасига рўмол ташлади.

— Кечирасиз,— деди у,— уйқу олдидан Вальтер Скоттнинг янги романини ўқимоқчи эдим. *Квентин Дорвард* эди шекилли.

— У сизда бўлса керак,— деб жавоб берди Жюли.— Бу ерда китоб йўқ.

Шаверни хотинига қаради. Ярим яланғоч (бу ҳолат хотин кишини ҳамаша очиб юборади) аҳволда хотини унга, мен жинимдан баттар ёмон кўрадиган иборани ишлатсам, *ошуфта жон* кўринди. «Дарҳақиқат, у жуда гўзал», деб ўйлади Шаверни. Шу хаёл билан у қўлида шамдонни ушлаганча, жойидан қўзғалмай, бир оғиз гап ҳам айтмай туриб қолди. Жюли ҳам унинг қаршисида қўлида тунги қалпоғини эзгилаганча, сабрсизлик билан эрининг чиқиб кетишини кутиб тик турди.

— Бугун бағоят жозибадорсиз, жин олсин мен!— деб хитоб қилди Шаверни бир қадам ташлаб, шамдонни қўяр экан.— Сочи ёйиқ хотинларни ёқтираман-да!

Шу сўзлар билан у Жюлининг елкасини қоплаб турган соч толимини ушлади-да, деярли мулойим бир тарзда белидан қучди.

— Вой худойим-ей, сиздан ўлгудай тамаки ҳиди кел-япти!— деб хитоб қилди Жюли ва ўгирилиб олди.— Сочимга тегманг, уларга тамаки ҳиди уриб қолади. Кейин мен ундан қутулолмайман.

— Ҳечқиси йўқ! Менинг баъзан тамаки чекшимни билиб, шунақа деяпсиз. Қани хотинчам, бунақа нозиклик қилманг.

Жюли унинг қучоқларидан ҳадеганда юлқиниб чиқиб кетолмади, бунинг оқибатида у Жюлининг елкасидан бўса олишга улгуриб қолди.

Жюлининг бахтига, оқсоч аёл қайтиб келиб қолди. Аёллар учун бунақа эркалатишлардан ҳам ортиқроқ нафратга сазовор нарса йўқ, чунки уларни қабул қилиш ҳам, рад этиш ҳам баб-баравар кулгили.

— Мари!— деб оқсоч аёлга мурожаат қилди Шаверни хоним.— Ҳаво ранг кўйлагимнинг бели анча узун. Мен бугун де Бежи хонимни кўрган эдим — унинг дидига тан бериш керак. Унинг кўйлагининг бели икки энлича калта экан. Бурмасига тўғнағич қаданг, кўрайлик-чи, қанақа чиқар экан.

Оқсоч аёл билан унинг бекаси ўртасида кўйлакнинг бели қандай бўлиши кераклиги ҳақида қизгин суҳбат бошланди. Шаверни латта-путта ҳақидаги гапларга тоқат қилолмаслигини Жюли яхши биларди ва шу йўл билан ундан қутулиш ниятида эди. Дарҳақиқат, беш минутча у ёқ-бу ёққа юргач, Жюлининг бутун хаёли кўйлакнинг белида эканини кўриб, у шамдонни олиб чиқиб кетди ва қайтиб келмади.

### Учинчи боб

Майор Перен мўъжазгина стол ёнида ўтириб, диққат билан китоб ўқирди. Унинг қунт билан тозаланган сюртуғига, шапкасига ва айниқса, кибр билан қапшайиб турган кўксига қараб ҳарбий хизматда суяги қотганини билиб олса бўларди. Унинг хонаси озода бўлиб, ҳамма нарса жуда оддий эди. Сиёҳдон билан учи очилган иккита пат қалам стол устида бир даста қоғоз ёнида турарди. Бу қоғоздан бирон саҳифаси йил давомида ишлатилгани йўқ. Аммо майор Перен ёзишни ёқтирмаса-да, китоб ўқишни яхши кўрарди. Ҳозир у тамақисини тутатганича *Форс мактубларини* мутолаа қилмоқда эди. Бу кўшалоқ машғулот унинг бутун фикру зикрини шу қадар банд этган эдики, у хонага майор де Шатофор кириб келганини пайқамай қолди. У майор Переннинг полкидаги ёш офицер йигит бўлиб, жуда хушрўй эди. Бу хушмуомала, омади юришган йигитга ҳарбий министрнинг ўзи ҳомийлик қиларди — хуллас, қайси жиҳатдан олманг, у майор Переннинг батамом акси эди. Шундай бўлса-да, улар негадир бир-бирлари билан иноқ эдилар ва ҳар куни кўришиб туришарди.

Шатофор майор Переннинг елкасига қоқиб қўйди. У оғзидан трубкасини чиқармай, ўгирилиб қаради. Дўстини кўрганда уни дафъатан хурсандлик туйғуси чулғади, кейин унинг ўрнини ўқийётган китобидан ажратганлари учун таассуф туйғуси эгаллади (фозил одам-да) ниҳоят, вазиятга тобелик ва чин кўнгиладан меҳмондўст мезбон бўлиш иштиёқи пайдо бўлди. Чўнтакларини ковлаб, сига-



ралар солинган қути калитини қидира бошлади. Бу сигараларни унинг ўзи чекмас, аммо ҳар келганида дўстига биттадан тутар эди. Аммо унинг бу ҳаракатини юзлаб марта кўрган Шатофор:

— Қўйинг, Перен тоға, сигараларингизни асраб қўйинг. Ўзимники бор!— деб хитоб қилиб, уни тўхтатди.

Кейин у чўптагидан Мексика сомопидан ишланган бежирим портсигар чиқариб, ундан икки томони учли қилиб ишланган жигар ранг сигара олди-да, уни тутатиб, кичкина кушеткага чўзилди. Майор Переннинг ўзи бу кушеткадан ҳеч фойдаланмасди. У бошини ёстиққа қўйиб оёқларини қарама-қарши томондаги болишга чўзди. Шатофорнинг ҳаммадан бурун қилган иши шу бўлдики, у теварак-атрофини булутдай тутунга тўлдирди. Тутун ичига кўмилгач, айтмоқчи бўлган гапини ўйлаётгандай кўзларини юмди. Унинг чеҳраси хурсандлигидан ёришиб кетган эди. Афтидан, шодлиги ичига сиғмай кетаётгандай кўринар ва дилидаги қувончни дўсти билан ўртоқлашинга ошиқаётгандай эди. Майор Перен кушетка ёнидаги курсига ўтириб, бир печа муддат индамай чекди, кейин Шатофорнинг гап бошлашга шовмаётганини кўриб, сўради:

— Урика қалай?

Урика қора бия бўлиб, Шатофор уни ҳолдан тойдириб қўйган, от жўткирув касалига мубтало бўлишига сал қолган эди.

— Яхши юрипти,— деб жавоб берди Шатофор саволни эшитмай.— Перен!— деб қичқирди у кушетканинг болишида ётган оёгини унинг томонига чўзиб.— Мен билан дўст эканлигингиз сиз учун нақадар катта бахт эканини биласизми?

Кекса майор Шатофор билан ошначилигидан нима орттирганини дилидан ўтказа бошлади, аммо дўсти совга қилган бир неча фунт кнастеру Шатофор етакчи роль ўйнаган дуэлда иштирок этгани учун бир неча кун қамалганидан бошқа ҳеч нарсани эслолмади. Рост, дўсти бир неча марта унга ишонишини исбот қилган. Хизматда бировни ўрнига қўйиб кетиши лозим бўлган пайтларда ёки унга секундант керак бўлиб қолганда Шатофор ҳамини Перенга мурожаат қиларди.

Шатофор унинг бир оз ўйлаб олишига қўйиб берди-да, сўнг шилдироқ инглиз қоғозиди майда хат билан чиройли қилиб ёзилган мактубни узатди. Перен афтини буруштирди — бу унинг жилмайгани эди. Бунақа қоғозга

майда хатда ёзилган ва дўстига аталган мактубларни у кўп кўрган эди.

— Мана, ўқинг,— деди дўсти.— Бунинг учун менга қуллуқ қиласиз.

Перен қуйидагини ўқиди:

«Қимматли жаноб де Шатофор, агар сиз бизникига тушлик қилгани келсангиз, жуда яхши иш қилган бўлар эдингиз. Жаноб де Шаверни сизни таклиф қилгани шахсан ўзи борса бўлар эди-ю, аммо у овга жўнаб кетиши керак. Мен майор Переннинг адресини билмайман, шунинг учун унга ёзма таклиф юбора олмайман. Сиз менинг қалбимда у киши билан тавишиш иштиёқини уйғотдингиз — агар уни бизникига олиб келсангиз, сиздан яна бир карра миннатдор бўлардим.

*Жюли де Шаверни.*

Р. С. Азпят чекиб, мен учун кўчириб юборган ноталарингиз туфайли сиздан бениҳоят миннатдорман. Куй гўзал экан. У ҳар галгидек дидингиз юксаклигидан далолат беради. Сиз бизникига пайшанба кунлари келмай қўйдингиз. Ҳолбуки, ҳар келишингиз бизга нақадар ҳузур бахш этишини биласиз».

— Хати чиройли, лекин жуда майда экан,— деди Перен ўқиб бўлгач.— Аммо, жин урсин, бу зиёфат унча ҳушимга ўтирмапти: ипак пайпоқ кийиб боришга ва тушликдан кейин чекмасликка тўғри келади!

— Шунақа денг! Бундан чиқдики, сиз Париждаги энг латофатли аёлдан трубкангизни афзал кўрар экансиз-да?.. Аммо мени ҳаммадан ортиқ таажжубга солаётган нарса сизнинг ношукурлигингиз бўляпти. Мен сизга келтирган бахт учун лоақал раҳмат ҳам демадингиз-а?

— Сизга раҳмат дейми? Аммо буни агар лаззат деб аташ жонз бўлса, бу лаззатга сиз туфайли эришганим йўқ...

— Қим туфайли бўлмаса?

— Бизда ротмистр бўлган Шаверни туфайли. У хотинига: «Перенни таклиф қил, у дуруст одам», деган бўлса

керак. Мен билан атиги бир марта кўришган аёл нега энди мендай кекса тўнгатки таклиф қилар экан?

Шатофор жилмайди-да, майорнинг кулбасини безаб турган эскирган кўзгуга қаради.

— Бугун кароматингиз унча зўр эмас, Перен тоға. Мактубни яна бир карра ўқиб чиқинг, эҳтимол, боя сиз кўрмай қолган гаплар чиқиб қолар.

Майор мактубни ҳар томонидан кўриб чиқди, аммо ҳеч нарса тополмади.

— Наҳотки!— деб қичқирди Шатофор.— Наҳотки, сиздай кекса драгун шуни билмаса? Ахир сизни таклиф қилаётганининг бойси шуки, у мени хурсанд қилмоқчи; менинг дўстларимга ҳам بازار-эътибор қилишини менга намойиш этиш учун сизни таклиф қиляпти. Менга билдирмоқчики...

— Нима?— деб унинг гапини бўлди Перен.

— Нима? Нималигини ўзингиз биласиз.

— Сизни яхши кўришимми?— деб сўради майор ишонқирамай.

Шатофор жавобан ҳуштак чалди.

— Сизга ўзи айтдимми?

— Аммо... Менимча, шундоқ ҳам кўриниб турибди.

— Нимадан?.. Мана бу мактубданми?

— Албатта.

Энди Перен ҳуштак чалди. Унинг ҳуштаги ҳам Тоби тоғанинг *Лиллибулероси* каби маънодор эди.

— Наҳотки!— деб қичқирди Шатофор унинг қўлидан мактубни юлқиб олар экан.— Бу мактубда қанчалик назокат... ҳа, назокат борлигини наҳотки кўрмаётган бўлсангиз?! «Қимматли жаноб де Шатофор»— бунга нима дейсиз? Эътибор беринг, авваллари у мактубда менга шунчаки, «ҳурматли жаноб», деб қўя қоларди. «Сиздан яна бир карра миннатдор бўлардим»— буниси аниқ. Охирига қарапг — унда «самимий» деган сўз ўчирилган. У: «Сизга самимий меҳр қўйган», деб ёзмоқчи бўлгану, ботинолмаган. «Сизга самимий ҳурмат билан», деган гап унга етарли эмасдай кўринган... У мактубини тугатган эмас. Яна нима истайсиз, қария! Яхши оиладан чиққан аёл жажжигина тапноздек каминани камтаринингизнинг бўйнига осилиб олсинми?.. Мактуб жуда гўзал, ишонаверинг, ундаги илмоқдор жойларни кўрмаслик учун одам кўр бўлиши керак... Бир марта пайшанба куни бормаганим учун мактуб сўнгидаги таъналарга нима дейсиз?

— Шўрлик аёл!— деб хитоб қилди Перен.— Бу одамга ошиқ бўла кўрма, бирпасда пушаймон бўласан.

Шатофор ошнасининг хитобига парво қилмади ва овозини пасайтириб, тилёғламалик билан гапирди:

— Биласизми, азизим, менга жуда катта яхшилик қилишингиз мумкин.

— Қандай қилиб?

— Сиз бу ишда менга кўмаклашмоғингиз керак. Мен биламан, эрининг унга муомаласи ёмон... Шу ҳайвон туфайли у шўрлик бахтсиз бўлган. Сиз уни биласиз, Перен. Унинг ҳайвондай қўполлигини, суюқликда ном чиқарганини хотинига айтсангиз...

— Ҳ-ҳ!..

— Бузуқ-ку... Биласиз! У полкдалик маҳалида ўйнашлари бор эди. Бўлганда ҳам қандоқ ўйнашлар эди? Ҳаммасини хотинига айтиб беринг.

— Бунақа нарсаларни нима деб айтаман? Бировнинг ишига тумшуқ тиқиш қанақа бўларкин?

— Эй тангрим-эй, эпини қилса, ҳамма гапни айтса бўлади. Лекин, энг муҳими, менинг мақтовимни ўрнига қўйсангиз...

— Буниси осонроқ. Лекин, ҳар қалай...

— Сиз ўйлаганча эмас. Сизга эрк берилса, мени шунақанги мақтайсизки, сизнинг мақтовингиздан кейин омон қолиш қийин... Унга айтингки, *кейинги пайтларда* мен ғамгин бўлиб қолганман, ҳеч ким билан гаплашмай қўйганман, томоғимдан овқат ўтмай қолган...

— Нималар деяпсиз!— деб хитоб қилди Перен ва ҳахлаб кулиб юборди. Унинг кулгисидан оғзидаги трубкаси кулгили рақс туша бошлади.— Буни мен ҳеч қачон де Шаверни хонимнинг юзига айта олмайман. Купи кеча кечқурун ҳамкасбларимизнинг зиёфатидан сизни қўлда кўтариб олиб кетишларига сал қолган эди.

— Тўғри, лекин буни унга гапириб ўтириш ярамайди. Менинг унга ошиқу беқарорлигимни у билсин. Романчавис ёзувчилар еб-ичадиган одам ошиқ бўлиши мумкин эмас, деб аёлларнинг миясига қуйиб қўйган.

— Мана, масала, мен билмадим — мени еб-ичишдан воз кечшга нима мажбур қила оларкин?

— Демак, келишдиқ, азизим Перен,— деди Шатофор шляпасини кийиб, сочининг жингалаklarини тузатар экан.— Пайшанба кун кириб, сизни олиб кетаман. Туфли, ипак пайпоқ, байрам мундири киясиз. Энг муҳими, унга эри тўғрисида ҳар хил ёмон гаплардан, мен тўғримда эса яхши гаплардан имкони борича кўпроқ гапиришни унутмасангиз бўлгани.

У ҳассасчасини бежиримгина ўйнатиб чиқиб кетди, майор Перен эса ҳозиргина олган таклифномасидан ғоят ташвишланганича қолди. Айниқса, ипак пайпоқ билан байрам мундири ҳақидаги фикр уни ёмон қийнади.

### *Тўртинчи боб*

Тушлик анча зерикарли ўтди, чунки де Шаверни хонимшикига таклиф қилинганларнинг кўшлари узр сўраб мактуб юборишти. Шатофор Жюли билан ёнма-ён ўтириб, ғамхўрлик билан унга хушомад қиларди. У ҳар доимдагидек боодоб ва хушмуомала эди. Шавернига келсак, у эрталаб анча вақт отда сайр қилганидан, жуда оч қолган эди. У шунақа ҳафсала билан ўзини овқатга урдик, уни кўрса, ўлим тўшагида ётган бемор ҳам иштаҳага кириб кетарди. Майор Перен у билан улфатчилик қилиб, унга тез-тез вино қуйиб берар ва шундай хахолаб кулардики, ҳар гал мезбоннинг қувпоқ ҳазил-ҳузули унинг кулгисини қистатганда, деразаларнинг ойнаси зирилларди. Яна ҳарбийлар даврасига тушиб қолган Шаверни дарҳол илгаригидай хушчақчақ бўлиб қолди ва ўзини казармадагидек тута бошлади. Шунини ҳам айтиш керакки, у ҳеч қачон беибо ибораларни ишлатишдан тортинмасди ҳам. Ҳар гал у бирор қўпол ҳазил қилганда хотини совуқ ва бенисанд қиёфага кириб оларди. Бундай пайтларда у Шатофорга қараб ўгирилиб оларди ва ўзича ҳаддан ташқари ёқимсиз бўлган гапни эшитаётгани сезилиб қолмаслиги учун у билан айрича суҳбатга киришарди. Бу намунали эрнинг назокатини кўрсатувчи мисол келтирайлик. Тушлик охирлаб қолганда, гап айланиб, операга кўчди. Ҳар хил раққосаларнинг фазилатларини муҳокама қилишди. Бошқалар қаторида мадемуазель Н. ни жуда мақташди. Шатофор ҳаммадан зиёдроқ куйиниб, унинг хушқоматлигини, камтарлигини, тароватини мақтади.

Бир неча кун аввал Шатофорнинг қистови билан умрида биринчи марта операга борган Перен мадемуазель Н. ни жуда яхши эслаб қолган эди.

— Эчкидай ирғишлаган пушти кўйлакли жинқарчани? Унинг оёқларини тилдан кўймай мақтаган эдингиз-а, Шатофор?

— Ие, ҳали сиз унинг оёқларини мақтаганмидингиз? — деб кичқирди Шаверни. — Эҳтиёт бўлинг. Агар бу тўғрида ҳаддан зиёд гапираверсангиз, сиз генералингиз герцог Ж. билан уришиб қоласиз. Хушёр бўлинг, ошна!

— Йўғе, менимча, генерал унинг оёқларини дурбинда томоша қилишни ман этиб қўядиган даражада рашкчи эмас.

— Аксинча, генерал улардан шунақа ифтихор қиладики, гўё бу оёқларни унинг ўзи кашф қилган! Сиз нима дейсиз, майор Перен?

— Мен фақат отларнинг оёғини яхши ажрата оламан,— деб камтарона жавоб берди кекса ҳарбий.

— Улар ҳақиқатан ҳам жуда гўзал!— деб давом этди Шаверни.— Уларга тенг келадиган оёқ Парижда йўқ. Мабодо бўлса...

У гапдан тўхтаб мамнун қиёфада мўйловини бурай бошлади-да, хотинига қаради. Хотини сочининг учигача қизариб кетганди.

— Бўлса, мадемуазель Д. нинг оёқлари бўлади,— деб унинг гапини бўлди Шатофор бошқа раққосанинг номини айтиб.

— Йўқ!— деб жавоб берди Шаверни Гамлетона фоживий оҳангда.— «Сиз, яхшиси, менинг хотинимга назар ташланг».

Жюли ғазабдан бўзариб кетган эди. У чақмоқдай ялт этиб эрига қаради. Унинг нигоҳида ғазаб ва нафрат яққол кўриниб турарди. Кейин ўзини тутиб олиб, қўққисдан Шатофорга мурожаат қилди.

— Икковимиз Maometto\*дан дуэт айтишсак бўларди,— деди у бир оз титроқ оҳангда.— Менимча, уни айтишга овозингиз етади.

Шавернини гапдан чалғитиш унча осон эмас эди.

— Биласизми, Шатофор,— деди у бўш келмасдан,— мен дoston қилаётганимиз оёқлардан гипс нусха олдирмоқчи эдим, аммо сира эгасининг розилигини ололмадим.

Шатофор ич-ичидан қувониб, бу ибосиз гапларни эшиттар, аммо ўзини де Шаверни хоним билан Maometto ҳақидаги гапга банддай қилиб кўрсатиб, уларни эшитмаётганга оларди.

— Биз гийбатини қилаётган аёл,— деб давом этди толмас эр,— шу масалада унинг мақтовини келтирсанг, одатда қаттиқ ғазабланади, аммо, аслида, унча хафа бўлмайди. Биласизми, у доим пайпоқ тикадиган устани андаза олишга мажбур қилади... Жаҳлингиз чиқмай қўя қолсин, хоним, уста — аёл киши... Мен Брюсселга борга-

---

\* «Муҳаммад» (италь.)

нимда, у уч саҳифани тўлдириб, пайпоқ харид қилиш бобида муфассал кўрсатмалар берди.

У кўнглига сиққанича гапириши мумкин эди — Жюли ҳеч нарса эшитмасликка қатъий аҳд қилди. Шатофор билан суҳбатлашар экан, у зўраки хушчақчақлик билан гапирар ва ўзининг жозибадор табассуми билан Шатофорни фақат унинг гапига қулоқ солаётганига ишонтирмақчи бўларди. Шатофор ҳам, афтидан, бутунисига Maometto билан банд эди, бироқ Шавернининг ҳамиятсизлигидан биронтаси унинг назаридан четда қолмади.

Тушликдан кейин музика билан шуғулланишди. Де Шаверни хоним Шатофор билан қўшиқ айтди. Фортепьянонинг қопқоғини кўтаришлари биланоқ Шаверни ғойиб бўлди. Янги меҳмонлар келишди, аммо бу Шатофорга Жюли билан шивирлашиб гаплашишга халақит бермади. Жўнаб кетишаётганда у Перенга оқшом бекор ўтмаганини, унинг ишлари анча юришиб кетганини айтди.

### *Бешинчи боб*

Мана бир ойдирки, Шаверни камер-юнкер бўлиб олиш ниятида юрибди...

Қулайликларни яхши кўрадиган бу семиз одамга амалпарастлик орзулари ҳам ёт эмаслиги, эҳтимол, ғалати кўриниши мумкин, бироқ бундай орзулар учун унинг етарли асоси бор эди.

— Даставвал,— деди у дўстларига,— мен аёллар учун ложага кўп харажат қиламан. Саройдаги амалга эришсам, ихтиёримда истаганимча бепул ложа бўлади. Ахборотингиз учун, маълумки, ложалар ёрдамида истаган нарсага эришиш мумкин. Бундан ташқари, мен овни ўлгудай яхши кўраман, қиролнинг ҳамма шикори менинг ихтиёримда бўлади. Ниҳоят, ҳозир муқдир киймай қўйган вақтимда саройдаги балларга нима кийиб боришни билмай қолдим. Маркиз кийимини ёқтирмайман, камер-юнкернинг мундири эса менга жуда ярашади.

Шундай қилиб, у ҳаракат бошлади. У бу ҳаракатда хотини ҳам иштирок этишини истарди, бироқ бообрў ва таъсирли дугоналари кўп бўлишига қарамай, хотини қатъиян бош тортди. У ўша пайтларда саройда ҳар нарсага қўли етадиган герцог Г.нинг бир неча марта ҳожатини чиқарган эди. Энди унинг ҳомийлигига умид боғларди. Унинг дўсти Шатофорнинг ҳам фойдали танишлари кўп эди. У ҳам Шавернига садоқат ва ихлос билан

ёрдам бера бошлади. Сиз ҳам латофатли гўзал аёлнинг эри бўлсангиз, одамлардан бунақа ихлос ва садоқат кўриб қолсангиз, ажаб эмас.

Бир воқеа Шавернини ёмон оқибатга олиб келиши мумкин эди-ю, ундай бўлмади. Аксинча, шу воқеа туфайли унинг ишлари анча олға силжиди. Де Шаверни хоним бир гал бир оз қийналиб бўлса-да, янги операни томоша қилишга ложа олди. Ложада олтита жой бор эди. Анчагина қийин-қистовдан кейин эри, одатига хилоф ўлароқ, Жюли билан бирга боришга рози бўлди. Жюли жойнинг бирини Шатофорга таклиф қилмоқчи эди; у билан операга ёлғиз бориши мумкин эмаслигини тушунган Жюли эридан бу томошага, албатта, боражаги тўғрисида сўз олди.

Биринчи парда тугаши биланоқ Шаверни хотини билан дўстини холи қолдириб чиқиб кетди. Икковлари ҳам олдинига анчагина вақт сукут сақлаб ўтиришди. Кейинги пайтларда Жюли Шатофор билан ёлғиз қолса, ўзини ўнғайсиз ҳис қиладиган бўлиб қолганди. Шатофорнинг эса ўз режаси бор эди, у ҳаяжонланган бўлиб кўринишга ҳаракат қиларди. Томоша залига пинҳона пазар ташлаб, кўнгина танишларининг дурбини улар ўтирган ложага қаратилганини сезиб, у хурсанд бўлди. Дўсларининг кўпчилиги, афтидан, уни омади келган, деб ўйлашди шекилли, унинг бахтига ҳасад қилишмоқда эди. Шатофор буни ўйлаганда, қалби мамнуният ҳисларига тўлиб-тошади.

Жюли атир солинган шишачасини ва қўлидаги гулдастани бир неча марта ҳидлаб, ҳавонинг димлигидан, ясан-тусандан гапириб ўтирди. Шатофор паришонхотирлик билан қулоқ солар, хўрсинар, Жюлига қараб-қараб, ўтирган жойида тиширилар ва яна хўрсинарди. Жюли танишларна бошлади. Қўққисдан Шатофор хитоб қилди:

— Рицарлар замони ўтиб кетганига кўп афсус қиламан-да!

— Рицарлар замони? Нега энди?— сўради Жюли.— Сиз ўзингизча, ўрта асрлар либоси менга жуда ярашади, деб ўйлаясиз шекилли?

— Мени ўтакетган олифта деб ҳисоблар экансиз,— деди у аламли ва ғамли оҳангда.— Йўқ, мен у замонларни шунинг учун кўмсайманки, у пайтларда довурак одам... кўп нарсага... эришиши мумкин эди. Сирасини айтганда, аёлга манзур бўлиш учун биронта паҳлавонни икки нимта қилиш кифоя эди... Анави баланддаги баҳайбат одамга қаранг-а! Мен истардимки, ўша одамнинг



мўйловини юлиб ташла, деб менга буйруқ берсангизу, бунинг эвазига сизга учтагина сўз айтишга ижозат берсангиз. Бу сўзлар ғазабингизни қўзгатмаса...

— Нималар деяпсиз?!— хитоб қилди Жюли қулоқларигача қизариб. Бу учта сўзнинг нималигини у фаҳмлаб олган эди.— Де Сент-Эрмин хонимга қаранг. Кийиб олган кўйлаги ёшига номуносиб. Кўкраги очиқлигиниёв...

— Сиз менинг гапимга қулоқ солишни пстамаётганингизни сезиб турибман. Мен буни анчадан бери сезиб юрибман. Сиз менинг индамаслигимни хоҳлайсиз... Лекин,— деб шивирлаб қўшиб қўйди,— сиз гапимни тундундигиз.

— Ҳеч ҳам-да,— деб қуруққина жавоб берди Жюли.— Эрим қаёққа ғойиб бўлди-я?..

Шу пайт кимдир ложага кириб келди ва бу Жюлини поқулай аҳволдан халос этди. Шатофорнинг дами ичига тушиб кетди. У ранги ўчган ва қаттиқ ҳаяжонланаётгандай кўринарди. Келган одам чиқиб кетганда Шатофор спектакль ҳақида бир неча оғиз арзимас гап айтди. Суҳбат ҳадеганда узилиб қолаверди.

Иккинчи парда бошланай деб турганида, ложанинг эшиги очилиб, Шаверни кириб келди. Унинг ёнида ёшигина гўзал аёл бўлиб, у ҳаддан зиёд ясаниб олган, сочларига бежирим пушти пат таққан эди. Уларнинг орқасидан герцог Г. келарди.

— Азизим!— деб хотинига мурожаат қилди Шаверни.— Герцог билан унинг хоними ён томондаги жуда ноқулай ложага тушиб қолишипти. У ердан саҳнани деярли кўриб бўлмас экан. Улар бизнинг ложага ўтишга рози бўлишди.

Жюли совуққина бош ирғаб саломлашди. У герцог Г. ни ёқтирмас эди. Герцог билан пушти пат таққан жувон, «сўзларни безовта қиладиган бўлдик», деб, анчагина узр айтишди. Ҳаммалари бир-бирларига дурустроқ жойни таклиф қилиб безовта бўлишди. Бу бесарамжонликдан фойдаланиб, Шатофор Жюлига эгилди-да, тезгина шивирлади:

— Худо ҳаққи, олдинга ўтирманг!

Жюли жуда ҳайрон бўлди ва аввалги жойида қолди. Ҳаммалари жойланиб бўлгач, у Шатофорга ўгирилди-да, апчагина жиддий нигоҳ билан бу жумбоқнинг маъноси-ни сўради. У бошини ўгирмай, лабларини қисганича ўтирар ва бутун қиёфасидан алланималардан норозилигини шундоқ билиниб турарди. Ўйлаб кўриб, Жюли Шатофор

маслаҳатининг боиси арзимас ва бачкана деган хулосага келди. У, Шатофор спектакль пайтида ҳам ўзининг ғалати гапларини шивирлаб давом эттирмоқчи бўлса керак, деб қарор қилди. Жюли олдинги қаторда ўтирса, албатта, бундай қилиб бўлмайди. Томоша залига кўз ташлаб, у кўнгина аёллар дурбинларини уларнинг ложасига қаратганини кўрди. Бироқ биронта янги одам пайдо бўлиб қолса, ҳаминша шундай бўлади. Қараётганлар бир-бирлари билан шивирлашиб, кулишарди. Бунинг ҳам ҳеч қандай ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Ахир, опера театри — кичкинагина шаҳарчадай гап.

Нотаниш аёл Жюлининг гулдастасига эгилиб, жозибадор табассум билан деди:

— Гулдастангиз жуда ҳам чиройли экан, хоним. Йилнинг бу фаслида бунақа гулдаста ҳаддан ташқари қиммат бўлса керак? Камида ўн франк бордир? Аммо уни сизга тақдим этишган, албатта! Шундоқми?! Аёллар ҳеч қачон ўзларига ўзлари гул сотиб олишмайди.

Жюли кўзларини бақрайтириб, ҳайрон бўлиб қолди — шунақа ҳам бефаросат бўладими аёл киши?

— Герцог!— деди хоним ғамза билан.— Сиз менга гулдаста тақдим этмадингиз.

Шаверни эшикка отилди. Герцог уни қайтармоқчи бўлди, жувон ҳам энди гулдаста олгиси келмай қолган эди. Жюли билан Шатофор бир-бирларига қарашди. Жюлининг нигоҳида: «Сиздан миннатдорман, аммо энди вақт ўтди», деган маъно бор эди. Лекин, шундоқ бўлсада, у ҳали жумбоқнинг тагига етганича йўқ эди.

Спектаклнинг бошидан-охиригача пат таққап жувон музика оҳангига бармоқларини шақиллатиб ўтирди ва музика ҳақида бўлар-бўлмас гапларни жавради. У Жюлидан унинг кўйлагини, қимматбаҳо буюмлари, каретаси қанча туришини суриштирди. Жюли шу пайтгача ўзини бу алфозда тутадиган аёлни учратмаган эди. У нотаниш аёл герцогга қариндош бўлса керак, у яқинда Қуйи Бретандан келган бўлса керак, деган қарорга келган эди... Шаверни хотининикидан катта гулдаста кўтариб қайтиб келганида, поёни йўқ қувонишлар, миннатдорчиликлар, узрлар бошланди.

— Жаноб де Шаверни!— деди ниҳоят бефаросат аёл анча жаврашдан сўнг.— Миннатдорчилик туйғуси менга бегона эмас. Далили учун Потье айтганидек, «менга бирор нарсани ваъда қилишим лозимлигини эслатиб қўйинг». Дарҳақиқат, герцогга ваъда қилган ҳамёнини тикиб битиргач, сизга ҳам тикиб бераман.

Ниҳоят, опера тугади. Жюли енгил нафас олди, чунки галати аёлнинг қўшнилигидан паққос ёрилиб кетай деган эди. Герцог Жюлига қўл берди, Шаверни анави аёлга қўлини узатди. Шатофор қовоғидан қор ёғиб, порози қиёфада Жюлининг орқасидан эргашди. У зинада дуч келган танишлари билан ҳам алланечук хижолат ичида саломлашди.

Уларнинг ёнларидан аёллар ўтиб кетишди. Жюли уларни аллақерда кўрган эди. Бир йиғит кулиб туриб, уларнинг қулоғига бир нарса деб шивирлади, улар дарҳол қизиқиш билан Шаверни ва унинг хотинига қарашди. Аёллардан бири хитоб қилди:

— Йўғ-э, бўлиши мумкин эмас!

Герцогнинг каретаси келди, у таъзим қилиб, де Шаверни хоним билан хайр-маъзур қилар экан, яна бир бор такаллуф учун унга миннатдорчилик изҳор этди. Шаверни нотаниш жувонни герцогнинг каретасига кузатиб қўймоқчи бўлди. Жюли билан Шатофор бир лаҳза ёлғиз қолишди.

— Бу аёл ким?— сўради Жюли.

— Мен бунни сизга айта олмайман... Бу жуда галати гап...

— Нечук?

— Сирасини айтганда, сизни танийдиганларнинг ҳаммаси гап нимада эканидан воқиф... Аммо Шаверни!.. Мен ундан бунни кутмаган эдим.

— Хўш, буларнинг ҳаммаси нима деганингиз. Худо ҳаққи, гапиринг! Ким бу аёл?

Шаверни қайтиб келмоқда эди. Шатофор овозини наслатиб, гапирди:

— Герцог Г. нинг жазмани, Мелани Р.

— Вой шўрим!— деб хитоб қилди Жюли таажжуоб билан Шатофорга қараб.— Йўғе, бўлиши мумкин эмас.

Шатофор елкасини қисди, уни каретага кузатиб қўяй экан, илова қилди:

— Биз зинада дуч келган аёллар ҳам худди шу гапни айтишувди. Уз тоифасидаги аёллар орасида буниси ҳали ҳолва. У диққат-эйтибор қилишни, ҳурмат-эҳтиромни талаб қилади... Унинг ҳатто эри ҳам бор...

— Азизим!— деди Шаверни қувноқ овозда.— Сиз менсиз ҳам бемалол уйга етиб оласиз. Тунингиз хайрли бўлсин. Мен герцогникига кечки овқатга кетяпман.

Жюли индамади.

— Шатофор!— деб давом этди Шаверни.— Мен билан герцогникига боришни истамайсизми? Сизнинг

ҳам таклиф қилинганингизни менга ҳозиргина айтишди. Сизни сезишпти. Сиз манзур бўлибсиз, муғамбир.

Шатофор совуққина миннатдорчилик билдириб, де Шаверни хоним билан хайрлашди. Карета ўрнидан қўзгалганда Жюли газабда рўмолини текислади.

— Қани, азизим,— деб Шатофорга мурожаат этди Шаверни,— ҳеч бўлмаса, кабриолетингизда мени маликанинг эшигигача олиб бориб қўйинг.

— Бажону дил,— деб жавоб берди Шатофор қувноқлик билан.— Айтганча, биласизми, хотинингиз пировардида ким билан ёнма-ён ўтирганингизни сезиб қолди.

— Бўлиши мумкин эмас!

— Ишонаверинг. Бу ишингиз яхши бўлмади-да!

— Ҳечқиси йўқ! Унинг ўзини тутгани бинойидек. Бундан ташқари, ҳали уни кам одам танийди. Герцог у билан ҳамма жойга бирга боради.

### *Олтинчи боб*

Де Шаверни хоним кечаси билан бесаранжом ухлади. Эрининг операдаги хулқи атвори унинг ҳамма қилиқларидан ҳам ошиб тушди. Бунинг учун дарҳол ундан ажралиш зарур эди. Эртага у билан гаплашади ва уни шунча шафқатсизларча беобрў қилган одам билан бир уйда ортиқ турмоқчи эмаслигини айтади. Лекин у орани очди қиладиган бу гапдан чўчир эди. Шу пайтгача унинг норозилиги шунда ифодаланар эдики, у аразлаб оларди. Шаверни эса унинг аразига заррача ҳам парво қилмас эди. Хотинининг ихтиёрини бутунлай ўзига бериб қўйган Шаверни, «кези келганда хотиним менга рўйхуш бермаслиги мумкин эмас», деб ўйларди, негаки, зарур бўлиб қолганда ўзи ҳам хотинининг гунсқларидан ўтишга тайёр эди-да. Жюли ҳаммадан ҳам ортиқ гаплашаётганда йиғлаб юборишдан қўрқарди. Шаверни, турган гапки, бу кўз ёшларини таҳқир этилган муҳаббат туйғусига йўяди. Жюли ёнида онаси йўқлигига афсус қилди, онаси бўлганида, албатта, бирор дурустроқ маслаҳат берар ёхуд ажралиш ҳақидаги гапни айтишни зиммасига оларди. Бу мулоҳазаларнинг барчасидан у ҳаддан ташқари саросимага тушиб қолди ва кўзи уйқуга кетар экан, эрга теккан бир дугонаси билан маслаҳатлашишга аҳд қилди. Бу дугонаси уни ёшлигидан биларди. Шунинг учун Шавернига нисбатан бундан буён қандай муносабатда

бўлиш масаласини у билан ишониб муҳокама қилса бўларди.

Бутун вужуди ғазаб ўтида ёнар экан, у беихтиёр эрини Шатофор билан таққослади. Эрининг ҳаддан зиёд анцишасизлиги қаршисида Шатофорнинг илтифотлиги янада бўртиб кўрипарди. Де Шаверни хопим бу ошиқ йигитнинг унинг номуси ҳақида эридан ортиқроқ қайғуришини ўйлаб, мамнун бўлди, лекин шу лаҳзадаёқ бу мамнупият учун ўзини койиди. Уларнинг маънавий қиёфаларини таққослар экан, табиийки, Жюли Шатофорнинг хулқи атвори бениҳоя гўзал, Шавернининг қиёфаси эса ўта ёқимсиз деган фикрга келди. У эрининг қоринини қапнайтириб, герцог Г. нинг ўйнаши атрофида ҳарсиллаб гирдикапалак бўлишини тасаввур қилди. Ҳар доимдагидан кўра янада сертавозе бўлган Шатофор эса киборлар даврасининг Жюлига бўлган эҳтиромини кўллаб-қувватлаб, авж олдиришга уринарди. Эри эса бу эҳтиромни кунпаякун қилишга тайёр. Ниҳоят — хаёлларимиз ихтиёримиздан ташқари бизни жуда олисларга олиб кетиши мумкин — Жюли бева қолишини тасаввур қилди. Ана унда бу ёш ва бадавлат жувонга навқирон эскадрон командирининг муҳаббати ва садоқатини қонуний йўл билан тақдирлашга ҳеч нарса халақит бермайди. Бир марта адашган экансан, бу ҳали, умуман, пикҳоҳдап воз кечишга асос бўлолмайди. Агар Шатофорнинг меҳрибонликлари самимий бўлса... Аммо Жюли ўзини хижолатдан қизаришга мажбур қилган бу фикрларни қувди ва Шатофор билан аввалгига қараганда янада сиפורоқ муомалада бўлишга ўзига-ўзи сўз берди.

У уйқудан боши оғриб турди. Эри билан бўладиган ҳал қилувчи баҳсга ҳамон кечагидек шай эмас эди. У эрига рўпара келишдан қўрқиб, нонуштага чиқишни ҳам истамади ва чойни ўз хонасига олиб келишларини буюрди. Кейин каретани қўшишга фармойиш берди. У Ламбер хонимшикига бориб келмоқчи эди. Ламбер хоним Жюлининг дугоналаридан. Жюли у билан маслаҳатлашади. Ўша пайтларда бу хоним П. да ўз мулкида истиқомат қиларди.

Нонушта чоғида Жюли газета ўқишга тутинди. Газетада биринчи бўлиб кўзига илинган нарса қуйидаги ахборот бўлди:

«Константинополдаги француз элчихонасининг биринчи котиби Дарси жаноблари ўтган куни дипломатик почта билан Парижга келди. Ёш дипломат келиши би-

лавоқ ташқи ишлар министри олий ҳазратлари билан  
узоқ суҳбатлашди».

— Дарси Парижда экан!— деб хитоб қилди Жюли.—  
Мен бажону дил уни кўрардим. Ўзгарганмикин? Албат-  
та, жуда такаббур бўлиб кетгандир. «Ёш дипломат!»  
Дарси ёш дипломат экан!

«Ёш дипломат» сўзини ўқиб, Жюли ўзини кулгидан  
тўхтатиб қололмади.

Дарси бир вақтлар де Люсан хопимникига тез-тез  
келиб турарди. Уша пайтларда у ташқи ишлар министр-  
лигида атташе эди. Жюли эрга тегмасидан бир оз аввал-  
роқ у Парижга кетиб қолганди. Улар ўшандан бери кў-  
ришганлари йўқ. Жюли фақат бир парсадан хабардор  
эди — Дарси кўп сафарларда бўлди ва жуда тез кўта-  
рилди.

Хонага эри кириб келганида, у ҳамон қўлида газета-  
ни ушлаб турарди. Афтидан, эрининг кайфи чоғ эди.  
Уни кўриб, Жюли ўрнидан турди-да, чиқиб кетмоқчи  
бўлди. Аммо ички хонага кириб кетиш учун эрининг  
ёнидан ўтиши керак эди. Шунинг учун у турган жойи-  
да туриб қолди, аммо шу қадар ҳаяжонланар эдики,  
чой столига таяниб турган қўллари дағ-дағ қалтирар ва  
чинни сервизни зириллатарди.

— Азизим,— деди Шаверни.— Мен сиз билан хайр-  
лашгани келдим. Бир неча кунга герцог Г.никига овга  
кетяпман. Сизга шуни айтишим мумкинки, сизнинг ке-  
чаги такаллуфингиздан у беҳад хурсанд бўлипти. Ме-  
нинг ишларим яхши кетяпти. У қирол олдида мен учун  
астойдил ҳаракат қилишга ваъда берди.

Унинг гапиди тинглар экан, Жюли гоҳ қизарар, гоҳ  
бўзарар эди.

— Герцог Г. сизга нисбатан бурчини бажаряпти,  
холос,— деди у титроқ овозда.— Ўз ҳомийсининг ўйнаш-  
лари билан хотинини шармандаларча беобрў қиладиган  
одам учун бундан кам камлик қиларди.

Шундан кейин у бутун продасини бир жойга тўплаб,  
ўзини тутди-да, виқор билан ётоғига кириб, эшикни  
қарсиллатиб ёпди.

Шаверни бир дақиқа ҳижолатдан гарангсиб қолди.  
«Жин ургур, қаердан била қолди?— деб ўйлади у.—  
Лекки, сирасини айтганда, барибир эмасми? Бўлар иш  
бўлди!» Унинг тушунини қийин бўлган фикр устида  
узоқроқ тўхташ одати йўқ эди, орқасига ўгирилиб, қанд-

довдан бир чақмоқ қанд олиб оғзига солди-да, кириб келган оқсоч хотинга ўшқирди:

— Хотинимга айтиб қўйинг, мен герцогникида беш кунча бўламан. Ов қилсак, ўлжадан юбораман.

Шаверни роса мириқиб овлашга чоғланган тустовуқ ва ёввойи эчкилар ҳақидаги хаёллар билан уйидав чиқди.

### *Еттинчи боб*

Жюли эридан баттарроқ хафа бўлиб П. га жўнади. Унинг иккинчи марта норози бўлишига сабаб анчаки арзимас сабаб эди. Эри герцог Г. нинг қасрига янги коляскани мишиб кетипти, хотинига эса эскисини қолдирипти. Кучернинг гапига қараганда, буниси анча ремонт-талаб экан.

Йўлда де Шаверни хоним ўз саргузаштларини де Ламбер хонимга нима деб айтишини ўйлаб кетди. Бошидаги ташвишларига қарамай, ўз тарихини яхши айтиб бериб, ҳузур қилишини ўйлади. Ҳар қандай одамда ҳам шундай бўлади. У дебоча излаб, ўз тарихини гоҳ ундай, гоҳ бундай бошламоқчи бўлиб, ҳикояга тайёргарлик кўриб борарди. Бунинг оқибатида эрининг кирдикорлари унга янада бемазароқ бўлиб кўринди ва шунга мувофиқ хафалик туйғуси авж олди.

Ҳаммага маълумки, Париж билан П. орасидаги ма-софа тўрт милядап ортиқ. Де Шаверни хоним томонидан тузилган айбнома ҳар қанча катта бўлмасин, ҳатто нафрати ҳар қанча алаңгаламасин, шунча вақт ҳадеб бир нарсани ўйлайвериш мумкин эмас. Эрининг кирдикорлари туфайли жўш урган ғазабга ёқимли ва маъюс хотиралар аралаша бошлади: инсон идрокнинг шунақа ғалати бир хусусияти бор — баъзан оғир таассуротларга лобар образлар қўшилиб кетади.

Тоза ва муздек ҳаво, чарақлаган қуёш, йўловчиларнинг беташвиш чеҳралари ҳам Жюлининг хафалиги тарқашига ёрдам берди. Унинг хотирасида болалик манзаралари гавдалана бошлади. У болалигида тенгқурлари билан шаҳар ташқарисида сайр қиларди. У монастырдаги дугоналарини, уларнинг уйларини, таомларини тасаввур қилди. Бир вақтлар катта талабаларнинг сирли гап-сўзлари қулоғига чалиниб қолса, уларни тушунамас эди. Энди эса тушунади. Жюли аёлларнинг нозу караш-

мага табиий майли юзлаб майда нарсаларда жуда эрта намоеън бўлишини ўйлаб, беихтиёр жилмайди.

Сўнгра у киборлар даврасига ўзининг биринчи марта кириб борганини эслади. У монастырдан чиққандан кейинги биринчи йил ўзи иштирок этган баллардан энг яхшиларини қайта бошдан хаёлидан ўтказди. Бошқаларини унутиб юборган экан: олдиндан оққан сувнинг қадри бўлмайди! Дастлабки баллар унга эрини эслатди. «Нақадар тентак эканман-а! — деб ўйлади у. — Қанақасига уни биринчи дафъа кўрганимда бундай эр билан бахти қаро бўлишимни пайқамаганман-а?» Шўрлик Шаверни тўйдан бир ой аввал — куёвлик пайтида кибру ҳаво билан қилган ҳамма бемаъниликлари, барча андишасизликлари Жюлининг хотирасида турипти, улар муфассал қайд қилинган. Айни чоқда, Жюли ўзининг турмушга чиқиши қанчадан-қанча жазманларни ноумид қилганини хаёлидан қувиб юборолмади. Рост, ноумидлик уларга орадан кўп ўтмай уйланишга ёки бошқа йўл билан овунчоқ топишга халақит бергани йўқ.

«Бошқа одам билан бахтли бўлармидим? — деб ўзига-ўзи савол берди у. — А., албатта, бефаросат, лекин беозор, Амели уни истаган кўйига солиб юрипти. Эринг итоткор бўлса, у билан чиқишиб кетса бўлади. Б.нинг жазманлари бор, хотини эса унинг соддалигидан қуяди. Вой тентак-эй! Сирасини айтганда, эри унинг иззат-ҳурматини ўрнига қўяди... мен шунга ҳам қаноат қилган бўлардим. Уззукун памфлет ўқишдан бўшамайдиган, вақти соати келиб, дурустгина депутат бўлиб олишга уринадиган ёш граф С. тузуккина эр бўлиши мумкин эди. Ҳа, аммо бу жанобларнинг ҳаммаси ҳам ўлгудай хунук, бефаросат, кишини диққинафас қилиб юборади...» Жюли қизлигида таниган йигитларнинг ҳаммасини бирма-бир хаёлидан ўтказар экан, Дарсининг фамилияси иккинчи марта эсига тушди.

Ўз вақтида де Люсан хопимнинг даврасида Дарси унча эътиборга молик эмас эди, чунки тайинли молдунёён йўқлигидан қизларга оғиз очишни умуман хаёлига ҳам келтиролмасди. Қизлар эса унинг ташқи қиёфасини унча хушрўй ҳисоблашмас, ёшгина бошларини айлантиришга қурби етадиган кимса деб билишмасди. Лекин у шаънига заррача ҳам доғ туширмаган эди. Ақли ўткиру ўзи бир оз заҳарроқ эди: оймтиллалар даврасида ўтириб олиб, бошқа йигитларнинг уқувсизлиги ва кибру ҳавосидан қулишни яхши кўрарди. У мабодо биронта қиз билан шивир-шивир қилиб қолгудай бўлса,



оналари ташвиш қилишмас эди, негаки, қизлар қаҳ-қаҳ уриб кулишарди. Тишлари бежирим бўлган қизларнинг оналари ҳатто жаноб Дарсини анчагина ёқимли йигит деб ҳисоблашарди.

Дидлардаги муштараклик, шунингдек, бир-бирининг тилига тушиб қолишдан қўрқиб Жюли билан Дарсини бир-бирига яқинлаштирганди. Бир неча тўқнашувлардан кейин, улар ўзаро сулҳ тузишиб, ҳужум ва мудофаада иттифоқ бўлиб олишди. Улар бир-бирларини аяшар, танишларида бирортасини мазах қилиш имкони туғилиб қолса, дарров бирлашиб олишарди.

Бир кун кечқурун Жюлидан биронта қўшиқ айтиб беришни илтимос қилишди. Унинг овози яхши эди. Буни ўзи ҳам биларди. У фортепянонинг ёнига келиб, қўшиқ бошлашдан аввал аёлларнинг жиғига тегмоқчи бўлгандай, ҳаммасига бир-бир такаббуруна назар ташлаб чиқди. Бироқ, айни шу оқшом хасталиги туфайлими ёхуд ёқимсиз тасодиф сабабиданми унинг овози бўғилиб қолган эди. Одатда қойил қилиб куйлайдиган Жюли қўшиқни биринчи пардасидаёқ бузиб, хижолат бўлди, қўшиқни бошдан-оёқ жуда ёмон айтди, авжини бирон марта ҳам эпломмади; хуллас, ҳамманинг олдида изза бўлди. Саросимада қолган Жюли зўр-базўр ўзини йиғидан тийиб, фортепянонинг олдидан кетди. У жойига қайтиб борар экан, кибру ҳавоиси оёқ ости бўлганини кўриб, ичида хурсанд бўлаётган дугоналарининг чеҳраларидаги истеҳзони пайқамаслиги мумкин эмас эди. Ҳатто эркаклар ҳам истеҳзоли табассумларини зўр-базўр босиб тургандай кўринишарди. Хижолатдан ва ғазабдан кўзларини ерга тикиб, анча вақтгача ҳеч кимга қараёлмай қолди. Бошини кўтариб, биринчи кўрган ҳамдард чеҳра — Дарсининг чеҳраси бўлди. Унинг ранги оқариб кетган, кўзларида ёш милтирар эди — муваффақиятсизликдан Жюлидан кўра кўпроқ у қайғураётгандай кўринарди. «У мени яхши кўради! — деб ўйлади Жюли. — У мени чин кўнгилдан севади». У деярли туп бўйи мижага қоқмай чиқди. Дарсининг қайғули чеҳраси унинг кўз ўнгидан нари кетмади. Жюли икки кун муттасил уни ва унинг қалбида жўш ураётган пинҳоний эҳтиросни ўйлади. Қўққисдан де Люсан хопим Дарсининг Р. Р. С. деб учта ҳарф ёзилган визит карточкасини олганида Жюли билан Дарси ўртасидаги ишқ-муҳаббат анча пишиб қолган эди.

— Дарси қаёққа кетяпти? — деб сўради Жюли таниш йиғитдан. У Дарсининг ошваси эди.

— Қаёққа, дейсизми? Ҳали хабарингиз йўқми? Константинополга. Бугун кечқурун дипломатик курьер сифатида жўнаб кетади.

«Демак, у мени севмас экан», ўйлади Жюли. Бир ҳафтадан сўнг Дарси унутилган эди. Аммо ўша пайтларда анча кўтаринки кайфиятда бўлган Дарси саккиз ойгача Жюлини унута олмади. Жюлини маъзур тутиш ва икковларининг садоқати орасидаги бу қадар катта тафовутни тушуниш учун шуни инобатга олиш керакки, Дарси ваҳшийлар орасида яшади, Жюли эса Парижда ҳар хил кўнгилочар эрмаклар ва хушомадлар қуршовида қолган эди.

Ҳар қалай, нима бўлганида ҳам, олти-етти йиллик айрилиқдан кейин Жюли каретада П. га кетиб борар экан, ўзи ашула айтиб, изза бўлган оқшомдаги Дарсининг маънос чехрасини эслади. Эътироф этиш керакки, ўша вақтларда Дарси ўзини севган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ўй хаёлига келди. Буларнинг барчаси бир неча муддат унинг фикру зикрини банд этиб борди, бироқ ярим миляча йўлни босиб ўтгач, Жюли Дарсини учинчи марта эсдан чиқарди.

### *Саккизинчи боб*

Жюли П. га етиб келиши биланоқ Ламбер хонимнинг ҳовлисида аллақандай карета турганини, ундан отларни чиқаришаётганини кўриб, қаттиқ ташвишга тушди. Негаки, бу ерда меҳмон борлигидан, улар ҳали-бери жўнаб кетишмоқчи эмаслигидан далолат берарди. Бинобарин, у эридан тортаётган жабр-жафолари ҳақида бемалол гаплаша олмасди-да.

Жюли меҳмонхонага кириб борганида, Ламбер хонимнинг ҳузуринида илгари ўзи кўриб юрган, лекин номи билмайдиган бир аёл ўтирарди. П. га беҳуда келганидан пушаймон еяётганини яшириш учун анча уринишга тўғри келди.

— Вой, бормисиз, гўзалим!— хитоб қилди Ламбер хошим уни қучар экан.— Мени унутиб юбормаганингиздан бениҳоя хурсандман. Жуда фурсатида келдингиз-да! Мен бугунга анча-мунча меҳмон айтганман. Уларнинг ҳаммалари ҳам сизни кўриб, бошлари осмонга етади.

Жюли бир оз ясама оҳангда Ламбер хонимни ёлғиз учратиш ниятида бўлганини айтди.

— Улар сизни кўриб, жуда хурсанд бўлишади,—

деб давом этди Ламбер хоним.— Қизим турмуш қурганидан бери, уйим ҳувиллаб қолган. Дўстларимнинг хаёлига меникида тўплашиш фикри келса, бепиҳоя хурсанд бўламан. Хўш, қўзичоғим, нега рангингиз кетган? Ғамгин кўринасиз?

Жюли ёлғон гапиришга жазм қилди: йўл олис, чанг, иссиқ...

— Худди шу бугун меникида мухлисларингиздан бири тушлик қилади. Жаноб де Шатофор. Сизнинг келганингиз унинг учун қутилмаган севинч бўлади. У билан бирга содиқ Ахати майор Перен ҳам келса керак.

— Яқинда мен майор Перенни уйда қабул қилиш шарафига муяссар бўлгандим,— деб жавоб берди Жюли ва қизариб кетди, негаки, у Шатофорни ўйлаган эди.

— Шунингдек, жаноб де Сен-Леже ҳам келади. Келаси ойда у меникида, албатта, драматик мақоллар кечаси уюштириши керак. Кечада сиз ҳам иштирок этасиз, фариштам. Буздан икки йил аввал сиз бизникидаги ҳамма мақолларда бош ролларни ўйнар эдингиз.

— Вой, мақолларда иштирок этмай қўйганимга кўп бўлди. Ҳозир аввалги дадиллигим қолгани йўқ. Суфлёрнинг ёрдамига мурожаат қилишга тўғри келади.

— Жюли, қўзичоғим! Биласизми, биз яна кимни кутаямиз? Лекин, азизим, унинг номини эслаш учун хотирангиз яхши бўлиши керак.

Жюлининг хаёлига дарҳол Дарсининг фамилияси келди.

«У мени муттасил таъқиб қиляпти»,— деб ўйлади у.

— Хотира яхши бўлиши керак, дейсизми? Меники ёмон эмас.

— Тўғрику-я, лекин олти-етти йил аввалги гапларни эслаш керак бўлади-да. Энди балоғатга етган пайтингиздаги, сочингизни текис тараб юрадиган чоғларингиздаги мухлисларингиздан биттасини эслолмайсизми?

— Ростини айтсам, билолмаяпман.

— Ундай деманг, азизим!.. Шундай жозибали йиғитни бутунлай унутиб юборганмисиз? Адашмасам, ўз вақтида у сизга анчагина манзур бўлган эди. Бу ҳатто онангизни ҳам ташвишга солиб қўйганди! Начора, азизим: модомики, сиз ошиқу шайдоларингизни унутиб юборадиган бўлсангиз, уларни эслатиб қўйишга тўғри келади. Бугун сиз жаноб Дарсини кўрасиз.

— Дарси?

— Ҳа! Буздан бир неча кун аввал у Консантинополдан қайтиб келди. Ўтган кун у мени кўргани кел-

ган эди, мен уни бугунга таклиф қилдим. Биласизми, ношукур банда, у сизни нечоғли қизиқиш билан суриштирганини? Бу — бежиз эмас...

— Жаноб Дарси?— такрорлади Жюли дудуқланиб ва ясама парижонхотирлик билан.— Жаноб Дарси?.. Бу ҳалиги... новча, оқ сариқ йигитми?.. Элчихонанинг котиби-да?..

— Сиз уни таниёлмайсиз, азизим, у жуда ўзгариб кетган. Ҳозир у оқ мағиз ёки, аниқроғи, зайтун рангида, кўзлари ичига ботган, сочлари анча тўкилган. Унинг гапига қараганда, бу иссиқнинг таъсиридан. Агар шундай давом этадиган бўлса, икки-уч йиллардан кейин сира сочи қолмайди. Ҳолбуки, у ҳали ўттизга ҳам боргани йўқ.

Дарсининг болпига тунган ташвиш ҳақидаги гапни эшитиб ўтирган хоним зўр бериб калидор деган дорини мақтай бошлади. Хасталиқдан кейин унинг сочлари тўкила бошлаган экан, шу дори жуда яхши кор қилипти. Шуларни айтиб, у бармоқлари билан оқиш кулранг сочларини силаб қўйди.

— Дарси шунча вақт Константинополда бўлиптими?— деб сўради де Шаверни хоним.

— Йўқ, унақа эмас. У кўп саёҳат қилибди. Россияга бориб келибди. Сўнг бутун Грецияни айланиб чиқибди. Сиз билмайсиз, унинг жуда ҳам омади келган. Амакиси қазо қилиб, унга катта давлат қолдирган. У Кичик Осиёга ҳам бориб келган... Ҳаҳ, ҳалиги... нима эди... Караманияга... У жуда онуфтажон бўлган, азизим. Бирибиридан қизиқ воқеаларни гапириб берадики, эшитсангиз роҳат қиласиз. Кеча менга шунақа қизиқ гапларни гапириб бердики, мен: «Уларни эртага олиб қўйинг, уларни менга ўхшаган кампирга беҳуда сарфлагандан кўра, эртага хонимларнинг ҳаммасига айтиб берганингиз маъқул», деб қайта-қайта илтимос қилдим.

— У сизга турк аёлини қандай қутқарганини гапириб бердимми?— деди калидорни мақтаган Дюмануар хоним.

— Турк аёлини қутқарганини? Наҳотки, турк аёлини қутқарган бўлса? Менга бу тўғрида лом-мим дегани йўқ.

— Нега индамапти? Ахир, бу жуда қизиқ эди-ку?! Ҳақиқий роман дейсиз.

— Ў, ундай бўлса, сиз айтиб бера қолинг.

— Йўқ, йўқ. Унинг ўзида илтимос қилинглари. Мен бу воқеани синглимдан эшитганман. Хабарингиз бор,

унинг эри бир вақтлар Смирнада консул бўлган эди. Синглимга эса воқеани ўз кўзи билан кўрган бир инглиз айтиб берган экан. Шундоқ лол қолади киши!

— Бу воқеани бизга сиз айтиб бера қолинг. Наҳотки, зиёфат вақтини кутгани сабримиз чидайди деб ўйлайсиз? Ўзинг беҳабар бироп нарсага шама қилишдан ёмони йўқ.

— Майли, бўлмаса... Лекин мен эплаб гапириб беролмайман. Ҳар ҳолда, мен нима эшитган бўлсам, шуни гапираман. Дарси Туркиядалиқ вақтида денгиз соҳилидаги аллақандай харобаларни тадқиқ қилипти. Бирдан қараса, унга томон бир тўда одам келаётган эмиш. Гунг занжи қулларнинг қўлида қоп. Қоп ичида тирик жонзот бордай қимирлар эмиш...

— Ё тангрим! — деб нидо қилди *Кюфирни* ўқиган Ламбер хоним. — Бу аёлни денгизга улоқтиришмоқчи эканларми?

— Худди шундай, — деб давом этди Дюмануар хоним ҳикоянинг энг таъсирли жойи беҳуда кетганига гаши келиб. — Дарси қопга қараб, бўғиқ ингроқ товушни эшитипти-ю, дарров гап нимадалигини фаҳмлапти. У гунг қуллардан нима қилишмоқчи эканларини сўрапти, улар бўлса жавоб ўрнига ханжарларини яланғочлашипти. Бахтига, Дарси яхшигина қуролланган экан. У қулларни тириктириб юборипти ва охири, шўрлик аёлни ярамас қопдан халос қилипти. Ҳуснда тенги йўқ жувон чалажон аҳволда экан. Дарси уни шаҳарга олиб бориб, ишончли жойга ўрнаштирипти.

— Шўрлик! — деди оҳиста Жюли. Бу воқеа уни қизиқтира бошлаган эди.

— Шу билан ҳамма гап тамом деб ўйлайсизми? Ҳечам-да! Унинг эри ҳамма эрларга ўхшаган ўлгудай рашкчи экан. Қўлида машъала, оломонни Дарсининг уйига бошлаб келипти. Уни тириклайип ёндириб юборишмоқчи экан. Кейин нима бўлганини аниқ билмайман. Менинг билганим шуки, у чинакам қамалга бардош берипти, пировардида аёлни ишончли жойга яшириб қўйипти. Афтидан, — деб қўшиб қўйди Дюмануар хоним дарҳол юзидаги ифодани ўзгартириб ва ҳақиқий рижорлардек пинғиллади, — афтидан, Дарси аёлни ҳақиқий динга ўтказиш ҳақида гамхўрлик қилиб, уни чўқинтирган бўлса керак.

— Кейин Дарси унга уйланиптими? — сўради Жюли табассум билан.

— Бунисини сизга айтолмайман. Аммо турк жу-

вон — унинг исми ҳам жуда галати — Амина дейишар экан, Дарсини жон-дилидан яхши кўриб қолипти. Синглимнинг менга айтишига қараганда, у Дарсини фақат «Сотир» деб чақирар экан. «Сотир» туркчами, юнончами — халоскор дегани экан. Элалининг гапига қараганда, Амина дунёдаги энг гўзал аёллардан бири экан...

— Биз ҳали турк жувонини унга кўрсатиб қўямиз! — деб хитоб қилди Ламбер хоним. — Тўғрими, уни бир оз эзиш керак-а?.. Сирасини айтганда, Дарсининг бу ишига мен заррача ажабланмайман. У мен билган одамлар ичида энг олижанобларидан бири. Унинг баъзи қилғиликларини кўз ёшисиз эслай олмайман. Амакисининг вафотидан сўнг ундан ғайри қонуний бир қиз қолипти. Амакиси уни тан олмаган экан. Бу тўғрида васиятда ҳам ҳеч нарса дейилмаган экан. Шундай қилиб, меросда қизнинг ҳеч қандай ҳаққи йўқ экан. Ягона меросхўр бўлган Дарси қизнинг фойдасига мероснинг бир қисмини ажратиб берипти. Албатта, бу амакиси бериши керак бўлган улушдан анча кўн эмиш!

— Бир нарсаси бордир-да! Бу ғайри қонуний қиз хусндор бўлса керак-да? — деб сўради де Шаверни хоним алам аралаш.

Дарси ҳақидаги фикр уни ҳамон ташвишлантирмоқда эди, шунинг учун у Дарсига соя ташлайдиган бирон гап айтмоқчи бўлди.

— Вой, азизим, нечук бундай фикр миянгизга келди?.. Амакиси қазо қилган кезларда Дарси ҳали Константинополда эди. У пайтларда бу қизни бирон марта кўрмаган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Шу пайт Шатофор, майор Перен ва яна бир неча одам кириб келиб, гапнинг белига тепди. Шатофор де Шаверни хонимнинг ёнига ўтирди ва ҳамма баланд овозда гапирётган пайтда ундан ҳол-аҳвол сўради:

— Ғамгинроқ кўринасизми, хоним? Агар бунинг боиси мен кеча айтган гап бўлса, мен унда ҳаддан зиёда хафа бўлардим.

Де Шаверни хоним унинг гапини эшитмади ёки аниқроғи, эшитишни истамади. Шатофор ичида анча ранжиб, гапини болдан-оёқ такрорлашга мажбур бўлди ва қуруққина жавоб олгач, яна ортиқроқ ранжиди. Жюли эса шу заҳотиёқ кўпчиликнинг гапига қўшилди. Сўнгра у шўрлик мухлисини ёлғиз қолдириб, бошқа жойга ўтиб ўтирди.

Шатофор руҳини туширмасликка ҳаракат қилиб, зук-колигини намойиш қила бошлади, бироқ ҳаммаси беҳуда

кетди. У ёлғиз де Шаверни хонимнинг кўнглини овламоқчи эди, Жюли эса унинг гапларини паришонхотирлик билан тинглади. У Дарсининг келишини орзиқиб кутар ва ўз-ўзига аллақачон унутиб юбориши керак бўлган бир одам нега фикри зикрини шунчалик банд қилиб олгани ҳақида савол берарди. Ажаб эмаски, у ҳам Жюлини аллақачонлар унутиб юборган бўлса...

Ниҳоят, яқинлашиб келаётган каретанинг тақ-туқи эшитилди, кейин меҳмонхонанинг эшиги очилди.

— Мана — у! — деб хитоб қилди Ламбер хоним.

Жюли бошини ўгириб қарашга ботиолмади, аммо ранги қум ўчиб кетди. У қўққисдан бутун вужуди музлаб кетганини ҳис этди ва ўзини қўлга олиш ва юзидаги ифода ўзгариб кетганини Шатофорга сездирмаслик учун бор кучини йиғишга мажбур бўлди.

Дарси Ламбер хонимнинг қўлини ўпди ва у билан бир неча минут тик туриб ҳол-аҳвол сўрашгач, ёнига ўтирди. Орага сукунат чўкди. Эски қадрдонлар бир-бирларини таниб олиш учун Ламбер хоним атайин бардош билан кутиб тургандай кўринарди. Майор Перендан бошқа эркакларнинг ҳаммаси Дарсига бахиллик билан зимдан разм солишарди. Яқинда Константинополдан келгани учун у ҳозир бошқа эркаклардан кўра эътиборлироқ эди. Бу эса ҳамманинг такаббурона қиёфага кириб олиши учун етарли даражада жиддий сабаб эди. Одатда ажнабий одамларнинг ҳузурида шунақа қилинади. Дарси ҳеч кимга эътибор бермай, биринчи бўлиб гап бошлади. У нима тўғрида гапирмасин — йўл ҳақидами ёхуд об-ҳавони тилга оладими, барибир, овози ёқимли ва жарангдор эди. Де Шаверни хоним унга назар ташлашга журъат этди. Жюли уни ён томондан кўрди. Унинг назарида Дарси озиб кетгандай, юзидаги ифода ҳам бошқача бўлиб қолгандай туюлди... Умуман эса, у Жюлига манзур бўлди.

— Қимматли Дарси! — деди Ламбер хоним. — Атрофингизга дурустроқ қаранг, бу ерда эски қадрдонларингиздан биронтаси кўринмайдими?

Дарси бошини буриб, шу пайтгача шляпасининг чет-ти билан юзини тўсиб ўтирган Жюлини кўрди. У таажжубдан қичқириб юборди, санчиб ўрнидан турди-да, қўлларини узатиб, унга томон юрди, сўнгра бирдан тўхтаб, ортиқча такаллуфсизлигидан ўкингандай, Жюлига эгилиб, таъзим қилди ва боодоб ибораларда у билан яна учрашаётганидан беҳад шод эканини изҳор қилди. Жюли бир-икки оғиз сўз билан зўрға жавоб берди. Дарси-

нинг қаршисида тик туриб, ҳамон синчков назар билан қараётганини кўриб қизариб кетди.

Тезда у ўзини ўнглаб олди-да, бир оз паришонхотир ва айни чоқда, кузатувчан назар билан унга қаради. Киборлар истасалар бундай қарашни ўрнига қўя оладилар. Дарси новча бўйли, рангсиз йигит эди. Унинг юзида хотиржамлик аломатлари мавжуд, аммо бу хотиржамлик одатдаги кайфиятдан кўра, юз ифодасини ўз иродасига бўйсундира олишидан далолат берарди. Пешанасидаги ажинлари яққол кўзга ташланиб турарди. Кўзлари ичига ботиб кетипти, лабларининг чети осилиб тушипти, чакка сочлари сийраклашиб қолипти. Ҳолбуки, у ҳали ўттиздан ошгани йўқ. Дарси оддий кийинган, аммо кийими ўзига жуда ҳам ярашган эди. Бу унинг яхши давраларга кўникиб қолганидан ва ўзининг ясан-тусанига бефарқ қарашидан далолат берарди. Ҳолбуки, ясан-тусан масаласи қанчадан-қанча йигитларни машаққатга солиб қўйган. Жюли буларнинг ҳаммасини мамнуният билан кузатди. Жюли яна унинг пешанасида каттагина тиртиғи бор эканини пайқайди. Соч толалари бу тиртиқни жиндай яшириб турарди. Афтидан, бу қилич зарбининг изи бўлса керак.

Жюли Ламбер хоним билан ёнма-ён ўтирган эди. У билан Шатофорнинг ўртасида бир стул бор эди, Дарси ўрnidан туриши биланоқ, Шатофор стулнинг суянчиғига қўлини қўйди-да, бир оёғида тургазиб, шу ҳолатда уни мувозанатда ушлаб туришга уринди. Афтидан, кучук пичанни қўриқлагандай, у ҳам стулни қўриқламоқчи эди. Ламбер хоним ҳамон де Шаверни хоним қаршисида тик турган Дарсига ачинди. У диванда сурилиб, Дарсига жой бўшатди — шундай қилиб Дарси Жюли билан ёнма-ён ўтириб қолди. У шоша-пиша қулай фурсатдан фойдаланишга киришди ва Жюли билан ёйилиброқ гаплаша кетди.

Бу орада Ламбер хоним билан яна бир қанча хонимлар Дарсини расмана сўроққа тутиб, унинг ажойиб-ғаройиб саргузаштларини суриштира бошлашди. У бўлса қисқа ва лўнда жавоб қайтариб қутулар эди-да, ҳар бир бўш дақиқадан Шаверни хоним билан суҳбатни давом эттиришда фойдаланарди.

— Де Шаверни хонимга қўлингизни беринг,— деди Ламбер хоним Дарсига қўнғироқ чалиниб, тушликка чорлаётган пайтда.

Шатофор лабини тишлаб қолди. Бироқ у Жюлини тузукроқ кузатиш учун унга яқинроқ жойга ўтирди.



Оқшом ҳавоси мусаффо ва илиқ эди. Овқатдан кейин ҳамма кофе ичгани боққа чиқиб, тўгарак стол атрофига ўтирди...

Дарсининг де Шаверни хонимга илтифот қилаётганини пайқаб, Шатофорнинг қони қайнай бошлади. Жюлининг янги келган одам билан берилиб суҳбатлашаётганини кўриб, унга кўпда илтифот қилмай қўйди. Рашк туфайли у ўз эътиборини йўқота бошлади. У ҳамма меҳмонлар йиғилган айвонда у ёқдан-бу ёққа юрар, қаттиқ ҳаяжонланаётган одамларда бўладиган каби бирпас бир жойда туролмас, уфқда қуюқлаша бориб, момақалдироқдан дарак бераётган булутларга тез-тез назар ташлар, Жюли билан осуда суҳбат қуриб ўтирган рақибига ҳам қараб-қараб қўярди. У Жюлининг гоҳ жилмайишини, гоҳ жиддий қиёфага киришини, гоҳ ювошгина ерга тикилиб турганини кўрди. Хуллас, у Дарси айтган ҳар бир сўзнинг Жюлига таъсир қилаётганини сизди. Айниқса, уни қаттиқ ранжитган нарса, Жюлининг юзида зоҳир бўлаётган хилма-хил ифодалар Дарсининг юзидаги ўзгаришларни акс эттираётгандай эди. Ниҳоят, у бу азобга ортиқ бардош беролмайдиган даражага етди: Дарси кимгадир Султон Маҳмуднинг соқоли ҳақида изоҳ бераётганидан фойдаланиб, Жюлининг ёнига борди-да, курсининг суянчиғи устига эгилиб, қизишиб деди:

— Хоним, афтидан, жаноб Дарси анчагина мароқли одам кўринади.

— Ҳа, рост!— деб жавоб берди де Шаверни хоним яшириш мушкул бўлган завқ билан.

— Кўриниб турипти,— деб давом этди Шатофор.— Сиз уни деб эски дўстларингизни унутиб юборяпсиз.

— Эски дўстларим?— қатъий оҳангда сўради Жюли.— Нима демоқчи эканингизни тушуволмаёйман.

Шундай деб, Жюли унга тескари қараб олди. Сўнг Ламбер хонимнинг қўлида ушлаб ўтирган рўмолнинг учини тутиб:

— Қашталарининг чиройлилигини-чи? Уста одам тиккан экан!— деди.

— Сизга маъқулми, азизим! Бу жаноб Дарсининг совғаси; у Константинополдан менга бир талай гулдор рўмол олиб келипти. Айтганча, Дарси, бу рўмолнинг каштасини турк жувони тиккан эмасми?

— Турк жувони? Қайси турк жувони?

— Қайси бўларди! Сиз ўлимдан халос этган гўзал-

лар султопи-да! У сизни... Ҳа, бизга ҳаммаси маълум... у сизни... бир нарса деб атаркан-ку! Хуллас, халоскорим, дер экап. Буни туркчада нима дейишини ўзингиз яхши биласиз.

Дарси пешанасига шап этиб уриб, кулиб юборди.

— Менинг нотавон саргузаштим ҳақидаги миш-мишлар дарров Парижга ҳам етиб келипти-да!

— Нега саргузаштигизни нотавон дейсиз? Ўзининг сеvimли маъшуқасидан ажралиб қолган маммушини нотавон деса бўлади.

— Кўриб турибман, сиз саргузаштимнинг ярмидангина воқиф экансиз,— деб жавоб қилди Дарси.— Ҳақиқатда эса тегирмонларга рўпара келган Дон Кихотнинг бошидан нима кечган бўлса, бу саргузашт туфайли мен ҳам шундай кулфатга учрадим. Ҳамма *франклар* менинг устимдан кулгани кифоя қилмагандай, сафарларим вақтида кўрсатган бирдан-бир жасоратим учун Парижда ҳам мени масхара қилишда тўхташмайпти.

— Ундай бўлса, биз ҳеч нарса билмаймиз. Ўзингиз айтиб беринг!— деб хитоб қилишди ҳамма аёллар бир-варакайига.

— Сизларга маълум бўлган воқеалардан кейин нималар рўй берганини айтиб бермай қўя қолсам бўларди,— деди Дарси,— негаки, бу воқеанинг оқибатини эслаганимда, юрагим безиллайдиган бўлиб қолибди. Дўстларимдан бири бу фожиавий воқеада иштирок этган эди. У яқинда Парижга келади. Унинг номи сэр Джон Тиррел. Ламбер хоним, сиздан уни ҳузурингизга олиб келиб, таништиришга изн сўрайман. У келса, ҳақиқатда мен қилган ишни кулгили бир алфозда гапириб берса ҳам ажаб эмас. Воқеа бундай бўлган эди. Ўша шўрлик аёл француз консулхонасига жойлашгач...

— Йўқ, йўқ, ҳаммасини бошидан гапириб беринг!— деб хитоб қилди Ламбер хоним.

— Бошидан хабардорсиз-ку!

— Бизнинг ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ. Бутун воқеани бошидан-охиригача айтиб беришингизни истаймиз.

— Майли, бўлмаса. Сизларга маълум бўлсинки, хонимлар, 18... йилда Ларнакда эдим. Қушларнинг бирида сурат ишлагани шаҳар ташқарисига қараб йўл олдим. Джон Тиррел деган ёшгина инглиз менга ҳамроҳ бўлди. У жуда жозибадор, саховатли, кўнгилхушликни яхши кўрадиган йигит эди. Бундайлар сафар чоғида жуда ҳам қўл келади — овқатнинг ғамини ейди, емиш камайиб

қолганда, бут қилиб қўяди, ҳамма вақт хушчақчақ кайфиятда бўлади. Бунинг устига, у тайинсиз мақсадда сафарга чиққан бўлиб, на геология ва на наботот илми билан шуғулланар эди. Бунақа илмлар билан шуғулланадиган сайёҳлар ҳамроҳларини анча уринтириб қўйишади.

Мен денгиз соҳилидан икки юз қадамча берیداги бир кулбанинг соясига жойлашдим. Бу жойда денгиз бўйида тик қоялар осилиб турарди. Мен антик саркофагдан қолган нарсанинг ҳаммасини ҳафсала билан чиза бошладим, сэр Джон эса майсага чўзилиб ётиб, жуда хушбўй латакия тамакисини тутатганича, менинг санъатга бўлган ҳавасимни масхара қиларди. Биз бир туркни таржимон қилиб хизматга олгандик. У бир оз нарида бизга кофе тайёрлаш билан банд эди. Менга маълум бўлган турклар ичида у кофени ҳаммадан яхши тайёрларди, лекин ўлгудай қўрқоқ эди.

Қўққисдан сэр Джон қувониб: «Ана, аллақандай одамлар тоғдан қор олиб келишяпти. Ҳозир улардан сотиб оламизу, апельсинлардан шарбат тайёрлаймиз», деб хитоб қилди. Мен бошимни кўтариб, бизга яқинлашиб келаётган эшакни кўрдим. Унинг устига кўндаланг қилиб катта қанор ортилган эди. Икки томондан иккита қул қанорни ушлаб келишарди. Эшакнинг олдида ҳайдовчи, ҳаммадан ортда эса анчагина зотдор от минган оппоқ соқолли кекса турк келарди. Уларнинг ҳаммаси виқор билан аста-аста қадам ташларди.

Бизнинг туркимиз ўчоқдаги оловга ўтин қалаб туриб, қанорга кўз қириши ташлади ва ғалати табассум билан бизга гапирди: «Қор эмас бу». Шундай деб яна ўзига хос вазминлик билан кофе қайнатишда давом этди.

«Бўлмаса нима у?— деб сўради Тиррел.— Бирон еминлик нарсами?»

«*Балиқларга ем*»,— деб жавоб берди турк.

Шу чоқ сувори отига қамчи урди. У ёнимиздан денгиз томонга елдай учиб ўтаркан, одатда мусулмонлар христианларга қарайдиган нафратомуз назар билан бизга нигоҳ ташлади. Мен боя айтган баланд қояларга етиб боргач, тик кесиб тушган қоя устида бирдан тўхтади. Сўнгра ўзини ташлашга қулайроқ жой қидираётгандек, денгизни кўздан кечири бошлади.

Шунда сэр Джон билан мен эшакка ортилган қанорга еничклаб разм солдик. Унинг ғалати шакли бизни қизиқтириб қолди. Хотинларини сувга чўктириб ўлдир-

ган рашкчи эрлар ҳақидаги ҳар хил воқеалар шу заҳотиёқ хаёлимизга келди. Биз ўзаро маслаҳат қилдик.

«Бу ярамаслардан сўра-чи,— деди сэр Джон ўзимизнинг туркка,— олиб кетаётганлари аёл бўлмасин?»

Туркининг кўзлари қўрқувдан бақрайди, аммо у чурқ этиб оғиз очмади. Кўриниб турардики, у бизнинг саволимизни ўтакетган андишасизлик деб ҳисобларди.

Шу пайт қанор ортилган эшак рўпарамизга келиб қолди. Бу қанор ичида алланарса қимирлаётганини аниқ кўрдик, ҳатто нимадир илқиллашга ёки минғирлашга ўхшаш овоз чиқараётганини ҳам эшитдик.

Тиррел овқатга ўч одам бўлса-да, олижаноблик унга бегона эмас эди. У ғазаб билан сапчиб турди, югуриб ҳайдовчининг олдига борди-да, инглизчалаб нима олиб кетаётганини ва юкини нима қилишмоқчи эканини сўради (ғазабланганидан ҳамма нарсани унутиб юборган эди). Ҳайдовчи жавоб беришни хаёлига ҳам келтирмади, шу пайтда қанор ичидаги нарса типирчилаб қолди ва аёл кишининг қичқирган овози эшитилди. Шунда иккита қул эшакни ниқтаб келаётган қамчилари билан қанорни савалай бошлади. Тиррел ғазабдан ўзини йўқотиб қўйди. У ўзининг муштлашни санъатини намойиш қилиб, бир зарба билан ҳайдовчини ерга йиқитди ва қуллардан бирини томоғидан бўғиб олди. Муштлашув орасида қанорни кимдир куч билан тортган эди, гурсиллаб, майсага тушди. Мен ҳам муштлаш бўлаётган жойга югурдим. Иккинчи қул топ йиға бошлади, ҳайдовчи ўрнидан турди. Мен бировларнинг ишга аралашини сира ҳам ёқтирмайман, аммо ҳамроҳимга ёрдам бермай, қараб туриб бўлармиди? Расм ишлаётган вақтда соябонимни ўрнатиб қўйган ходачани суғуриб олдим-да, имконим борича жангари вазиятга кириб, қуллар билан ҳайдовчига таҳдид қилиб, уни бошим узра айлантира бошладим. Ишимиз ўнгидан келаётган эди, шу чоқ лаънати отлиқ турк денгизни кузатишни бас қилиб, орқасига ўгирилди-да, бизнинг тўпалонимизни кўриб қолди. Кўрди-ю, ўқдай учиб келиб, бизга ҳамла қилди. Биз унинг ҳамласига тайёрланиб улгуролмай қолдик. Унинг қўлида ўроққа ўхшаган эгри қиличи бор экан.

— Ятағонми?— деб гапни бўлди маҳаллий буюмларни ёқтирадиган Шатофор.

— Ҳа, ятағон,— деб давом этди Дарси унинг гапини тасдиқлаб жилмаяр экан.— У менинг ёнимдан ўтаётиб, ятағони билан бошимга шундай туширдик, кўзларимдан ўт чақнаб кетди. Мен ҳам қараб турмадим — хода-

ча билан бошига туширдим. Кейин ҳайдовчини ҳам, қулларни ҳам, отни ҳам, туркни ҳам жоп-жаҳдим билан дўппослай кетдим. Аҳволимиз танг бўлиши муқаррар эди. Таржимонимиз аралашмай бир четда турар эди, биз эса битта сўйилнинг ўзи билан учта пиёда, бир отлиқ ва бир ятағонга қарши узоқ бардош беролмас эдик. Бахтимизга, сэр Джон тўппончамиз борлигини эслаб қолди. У тўппончаларни олиб, биттасини менга узатди, иккинчисини эса ишимизнинг белига тепаёзган суворига ўқталди. Тўппончаларни кўриб, уларнинг қулфи шприқлаганини эшитиб, рақибларимизнинг капалаги учиб кетди. Улар қанор билан эшакни ташлаб, жанг майдонидан шармандаларча қочишди. Ҳаддан зиёд жаҳлимиз чиқиб турганига қарамай, биз ўқ узмадик. Шундай қилганимиз яхши бўлди, нега деганда, мусулмонни ўлдириш у ёқда турсин, ҳатто калтаклаш ҳам мумкин эмас. Бунинг учун катта жарима тўланади.

Ҳаммангиз тасаввур қилсангиз керак, албатта, мен бошимдаги қонни апил-тапил арғиму дўстим билан қанорни очдик. Унинг ичидаги хушрўйгина бир жувон экан. Тўладан келган, сочлари тим қора, устига ҳаво ранг кўйлак кийиб олган эди. Кўйлагининг юпқалиги де Шаверни хонимнинг шарфичалик эди десам ёлғон бўлмас.

У қанордан эпчиллик билан ирғиб чиқди-да, бизга гапира бошлади. У балаандпарвоз оҳангда гапираётгани аниқ эди, аммо биз унинг гапидан биронта сўзни ҳам тушунмадик. Гапини тугатгач, менинг қўлимдан ўпди. Хотин кини томонидан умримда бир марта ана шундай эъвозлапганман, хонимлар...

Орадан кўп ўтмай, биз яна аввалгидай хотиржам бўлиб олдик. Қарасак, таржимонимиз алам билан соқолини тортқилаяпти. Мен дастрўмол билан бир амаллаб бошимни тангиб олдим. Тиррел: «Бу аёлни энди нима қиламиз? Шу жойда ўтираверсак, эри одам йигиб келиб, ҳаммамизни гумдон қилади, бу жувон билан шу аҳволда Ларнакка кириб борсак, авом халқ бизни тошбўрон қилади», — деди.

Ана шундай мулоҳазалар Тиррелни гангитиб қўйди. У британияликларга хос босиқлигини яна касб этар экан, хитоб қилди: «Нима жин уриб шу бугун спзинг расм ишлагингиз келиб қолди-а?!»

Унинг гапини эшитиб, кулиб юбордим. Жувон ҳеч нарсага тушунмаётган бўлса ҳам бизга қўшилишиб кулди.

Нима бўлганда ҳам, қандайдир бир қарорга келиш керак эди. Биз қилишимиз мумкин бўлган энг маъқул иш — ўзимизни француз вице-консулининг ҳомийлигига топшириш, деган фикр хаёлимга келди, аммо Ларнакка қайтиб бориш мушкул эди. Қош қорая бошлади. Бу бизга жуда қўл келди. Турк таржимонимиз бизни айланма йўллардан олиб кетди. Қоронғи тушганидан фойдаланиб, консулнинг уйига етиб олдик. Бахтимизга, унинг уйи шаҳар ташқарисида эди. Сизларга айтишни унутибман: таржимонимизнинг салласи билан қанор қопдан жувонга бир амаллаб кийим қилиб бердик.

Консул бизни совуқ қарши олди: жинни бўлиб қолиб-сизлар, деди, сафар қилиб юрган мамлакатингдаги урфу одатларни ҳурмат қилиш лозимлигини, бировларнинг ишига тумшуқ тиқиш керак эмаслигини айтди. Хуллас, у бизни сўкиб, астар-пахтамизни ағдарди; унинг гапида жон бор эди, нега деганда, бизнинг шу кирдикоримиз туфайли катта галаён бошланиб кетиши ва Кипрдаги ҳамма франклар қирғин қилиниши ҳам мумкин эди.

Консулнинг хотини инсофлироқ чиқди. У романларни кўп ўқиганидан, бизнинг ишимизни бағоят олижаноблик деб билди. Ҳақиқатан ҳам, биз роман қаҳрамонларидек иш кўрсатган эдик. Бу ажойиб аёл жуда ҳам диёнатли экан. У биз олиб келган аёлни мусулмонликдан чиқариб, ўзимизнинг динимизга киритишга аҳд қилди. Унингча, бу унча қийин эмас эмиш, унинг христианликка ўтгани *Монитерда* қайд этилар эмиш ва шу туфайли эри бош консул лавозимини эгаллармиш. Бу режа унинг хаёлида бир зумда пишиб етилди. У турк жувонини қучоқлаб ўлди, унга ўзининг кўйлақларидан бирини бериб, бағритошлиги учун эрини койинди ва иш-ни беғалва баргараф қилиб келиш учун уни пашанинг ҳузурига юборди.

Паша газабланиб турган экан. Рашкчи эр кўзга кўринган одамлардан экан, роса ғалва қилипти. Христиан итваччалар шундай табаррук зотнинг ўз канизагини денгизга улоқтиришига халақит беришган. Бу учига чиққан қабиҳлик, деб сўкинибди. Вице-консул ночор аҳволда қолган. У ўз ҳукмдори — қирол ҳақида анча гапирган, айниқса яқиндагина Ларнакка келган олтмиш тўпли ҳарбий кемани кўпроқ тилга олган. Аммо пашага чинакам таъсир кўрсатиб, кўнглини юмшатган нарса — бизнинг канизак учун ҳар қанча бўлса ҳам жарима тўлашимиз мумкинлиги ҳақида қилинган таклифимиз бўлган.

Эҳ, ҳар қанча деганимизни турклар қандай маънода тушунишганини билсангиз эди! Қанизакнинг эрига, пашага, Тиррел иккита тишини синдирган ҳайдовчига, хуллас, ҳаммасига жарима тўлаш керак эди. Тиррел шўрлик: «Нима жин уриб, денгиз соҳилига расм ишлагани бордингиз-а!»— деб менга неча марталаб алам билан хитоб қилди.

— Хўп саргузашт бўлган экан-ку! Бечора Дарси!— деди Ламбер хоним.— Манави чандиқни ўшанда орттирганмидингиз? Марҳамат қилиб, сал сочингизни кўтаринг. Хайриятки, турк бошингизни ёриб қўймапти.

Ҳикоя давомида Жюли ҳикоя қилувчининг пешанасидан кўз узмай ўтирди. Ниҳоят, у аста савол берди:

— Кейин жувонга нима бўлди?

— Воқеанинг бу ёғини гапиришни унча ёқтирмайман. Давоми мен учун шу қадар қайғули бўладики, ҳануз бизнинг қаҳрамонлигимиздан кулиб масхара қилишади.

— Жувон гўзалмиди?— деб сўради де Шаверни хоним хиёл қизариб.

— Исми нима эди?— деди Ламбер хоним.

— Исми Амина эди. Гўзалмиди, дейсизми? Ҳа, анчагина хушрўй эди. Юртининг одатига кўра ҳамма ёғи уна-эликка бўялган эди. Турк аёлларининг гўзаллигини қадрлай олиш учун уларга кўникиш керак. Шундай қилиб, Амина вице-консулнинг уйига ўрнашди. Унинг асли насаби Мингрелиядан экан. У консулнинг хотини — С. хонимга князнинг қизиман депти. Унинг юртида қўл остида ўнта каллакесари бўлган ҳар қандай аблаҳ князь деб аталаверади. Унга князь қизи сифатида муомала қилинди. У ҳамма билан бирга овқатланарди, тўрт кишининг овқатини паққос туширар, дин ҳақида суҳбатлашганида, албатта, мудраб қоларди. Шу аҳвол бир неча кун давом этди. Ниҳоят, чўқинтириш кунни тайинланди. С. хоним маросимга ўзи бош бўлмоқчи бўлди ва менинг ҳам иштирок этишимни илтимос қилди. Қанд-курс, совға-салом, хуллас, бунақа маросимда лозим бўлган нарсаларнинг ҳаммасини муҳайё қилиш керак эди. Шўрлик Аминанинг пешанасига мени хонавайрон қилиш битган экан. С. хонимнинг ишонтириб айтишича, Амина Тиррелга қараганда мени ортиқроқ яхши кўрар эмиш, негаки, у ҳар гал менга кофе келтирганда, кийимимга тўкиб юборарди. Мен чўқинтириш маросимида ихлос билан тайёргарлик кўра бошладим. Аммо тайинланган кун арафасида гўзал Амина қўққисдан ғойиб бўлиб қолди. Сизга ростини айтиб бера қолай. Консулнинг мин-

греллик ошпази бор эди. У, албатта, учига чиққан мут-таҳам эди, аммо паловни жуда ўхшатарди. Бу мингреллик Аминага ёқиб қолипти. Ахир, Амина ҳам ўзича ватанпарвар эди-да! Ошпаз Аминани олиб қочиб кетибди, у билан бирга С. нинг анчагина пулини ҳам илиб кетипти. Уни топиб бўлмади. Шундай қилиб, вице-консул пулидан, С. хоним Аминага совға қилган либосларидан ажради, мен эса еган калтакларимни ҳисобга олмас, конфет билан қўлқопга кетган харажатга тушдим. Энг ёмони шу бўлдики, бу саргузаштнинг ҳамма жавобгарлигини менинг зиммамга юклашди. Бу ярамас аёлни сен халос қилгандинг, деб таъна қилишди. Ҳолбуки, энди бўлса, дўстларимнинг бошига шунча ташвиш солган бу аёлни ўзим бажону дил денгизга улоқтиришга тайёр эдим. Тиррел эпини қилиб, ўзини четга олиб қолди — ҳамма уни жабрдийда ҳисоблади. Ҳолбуки, бу ғалванинг бирдан-бир сабабчиси у эди. Мен эса Дон Кихотлик шухратини қозондим ва аёлларга манзур бўлишимга халақит бераётган мана шу чандиқни орттириб олдим.

Ҳикоя тамом бўлди ва ҳаммалари меҳмонхонага ўтишди. Дарси бир неча муддат де Шаверни хоним билан гаплашиб ўтирди, кейин эса уни қолдиришга мажбур бўлди, нега деганда, унга бир йигитни таништирмоқчи бўлиб олиб кетишди. У йигит сиёсий иқтисод илмини яхши билар экан, таҳсилани тугатгач, депутат бўлмоқчи экан, ҳозир эса Оттоман империяси ҳақида баъзи маълумотларни сўраб олмоқчи экан.

### *Унинчи боб*

Дарси нари кетиши биланоқ Жюли дам-бадам соати-га қараб қўя бошлади. У Шатофорнинг гапларига парижонхотир қулоқ солар ва беихтиёр кўзлари билан меҳмонхонанинг нариги бурчагида гаплашаётган Дарсини изларди. Дарси сиёсий иқтисод шайдоси билан суҳбатни давом эттира туриб, ўқтин-ўқтин Жюлига назар ташлаб қўярди. Унинг хотиржам, аммо ўткир нигоҳларига бардош бериш Жюлига қийин бўлди. Жюли ўз устидан Дарсининг ҳукми ўтадиган бўлиб қолганини ҳис қилди. У бунга қаршилик кўрсатишдан ожиз эди.

Ниҳоят, у каретани қўпишни буюрди; буйруқ берар экан, ҳаддан ташқари хаёлга берилганиданми ёхуд атайинми, Дарсига маънодор қараш қилди. Унинг нигоҳида: «Шу ярим соатни бекорга исроф этдингиз, уни ик-



кимиз ўтказишимиз мумкин эди», деган маъно бордай эди. Карета қўшилди. Дарсининг суҳбати давом этмоқда эди. У сўнгсиз саволга тутиб, қўйиб юбормаётган ҳамсуҳбатидан жуда ҳам толиққан кўринарди. Жюли оҳиста ўрнидан туриб, Ламбер хопимнинг қўлини қисди, сўнг Дарсининг жойидан қўзғалмаганини кўриб, таажжубланган, аниқроғи, ранжиган аҳволда эшик томон йўл олди. Шатофор унинг ёнида эди. У Жюлига қўлини берди. Жюли бейхтиёр унинг қўлига таянди, бироқ унинг гапи қулоғига кирмас, ҳатто унинг ёнида экапини ҳам ҳис қилмаётган эди.

Ламбер хоним билан меҳмонлардан бир неча киши уни даҳлиз орқали кузатиб чиқишди. Дарси меҳмонхонада қолди. Жюли каретага чиқиб ўтиргач, Шатофор жилмайиб туриб, «тунда ёлғиз кетишдан қўрқмайсизми?» деб сўради ва майор Перен бильярд ўйнаб бўлиши билан ўзининг каретасида унга етиб олишини ва у билан изма-из кетишини илова қилди. Унинг овозини эшитиб, Жюли хаёл оғушидан чиқди, лекин унинг гапидан ҳеч нарса англамади. У жилмайди. Унинг ўрнида бошқа ҳар қандай аёл ҳам шундай қилган бўларди. Сўнгра у зинада тўпланиб турганлар билан бош ирғаб хайр-маъзур қилди-да, йўлга тушди. Отлар йўртиб кетишди.

Карета қўзғалиши биланоқ Жюли Дарсининг меҳмонхонадан чиқиб келганини кўриб қолди. Унинг рапги ўчган, юзи маъюс, кўзлари эса фақат ўзига аталган хитобни кутгандай, Жюлига тикилган эди. Жюли жўнаб кетар экан, Дарси билан бош ирғаб хайрлашмаганидан афсусланди, ҳатто бу унга қаттиқ тегмаса қошки эди, деган хаёлга борди. Дарси уни каретагача узатиб қўйиш имконини бошқа эркакка бериб қўйганини Жюли дарҳол унутди, энди у фақат ўзини айблар, ҳар бир хатоси кўзига оғир бир жинойтдек кўринар эди. Бир неча йил муқаддам унинг қалбида Дарсига нисбатан жўш урган туйғу ҳозир ўзи билан олиб кетаётган ҳислар қаршисида сўникроқ кўринди. Йиллар унинг таъсирчанлигини оширган, қалбида эса эрига нисбатан ғазабни тўлиб-тоширган эди. Эҳтимол, Шатофорга майли ҳам (ҳозир у бу майлни мутлақо унутиб юборган эди) Дарсини кўриб, қалбида уйғонган кучлироқ туйғуга ортиқча виждон азобисиз берилишига уни тайёр қилиб қўйгандир.

Дарсининг хаёллари у қадар ташвишли эмас эди. У бир вақтлар бирга бўлганидан бахтиёр хотиралар қолган аёлни учратганидан мамнун эди. У билан ошначилик қилса, ёмон бўлмайди шекилли. У энди қишни Па-

рижда ўтказди, бутун қиш давомида Жюли билан ош-начилик қилади. Жюли жўнаб кетди, унинг кўнглида хушвақтлик билан ўтказилган бир неча соат ҳақида хотиротгина қолди. Бунинг устига, бугун кеч ётиш қайғуси ва тўшакка етиб олгунча тўрт милялик масофани босиб ўтиш зарурияти ёқимли хотиротга соя ташлаб турарди. Уни мана шундай оддий ташвишлар оғушида ўз ихтиёрига қолдирайлик. Майли, у ҳафсала билан плашига бурканиб олсин-да, ёлланган каретанинг бир бурчига қулайгина ўрнашиб ўтира турсин! Майли, унинг хаёли Ламбер хонимнинг меҳмонхонасидан Константинополга, Константинополдан Корфга, Корфдан уйқу диёрига кўчиб юраверсин!

Муҳтарам китобхон! Агар сиз қарши бўлмасангиз, де Шаверни хонимнинг ортидан борайлик.

### *Ун биринчи боб*

Де Шаверни хоним Ламбер хонимнинг қасридан чиқиб йўлга тушганида тун беҳад зулматли, ҳаво оғир ва дим эди. Ўқтин-ўқтин чақмоқ чақиб, атрофни ёритар ва унинг ёғдусида дарахтларнинг таналари қорайиб кўринарди. Ҳар гал чақмоқ чақнаганидан кейин қоронғилик янада кучаяр, ҳатто кучер отларнинг бошини илғамай ҳам қоларди. Орадан кўп ўтмай даҳшатли момақалдироқ бошланди. Аввалига йирик томчилаб турган ёмғир жалага айланди. Бутун осмонни ўт чулғагандек эди. Самовий замбараклар борган сари кучлироқ гулдурашарди. Отлар қўрққанларидан пишқиришар, олдинга интилиш ўрнига, орқага тисланишарди. Бироқ кучер тўйиб овқатланиб олганди. Эгнида қалин каррики борлигидан, бунинг устига яхшигина кайф қилиб олганидан ҳавонинг бузуқлиги билан йўлнинг ёмонлигини назар-писанд қилмай қўйган эди. Шўрлик жониворларни савалар, ботирликда у бўрон вақтида кема дарғасига, «Сен Цезарни ва унинг бахтини олиб кетяпсан», деган Цезардан қолишмасди.

Де Шаверни хоним момақалдироқдан қўрқмас эди. Момақалдироқ унинг хаёл суришига халақит бермади. У Дарси айтган гапларнинг ҳаммасини эслаб, унга айтиши мумкин бўлган гапларни айтмаганига ўқиниб борарди. Шу чоқ тўсатдан каретани силкитиб юборган кучли зарба унинг хаёлларини тўзғитиб юборди. Бир лаҳзанинг ўзида ойналар синиб, қасирлаган овоз эшитилди, карета ариққа ағдарилиб тушди. Жюлига шикаст

етмади, у қаттиқ қўрқди, холос. Аммо ҳамон жала қуярди. Филдирак синган, фонарлар ўчган, атрофда эса бошпапа бўлишга ярайдиган бирорта кулба кўринмасди. Кучер сўкинар, хизматкор эса, «бесўнақай, уқувспз», деб уни лаънатларди. Жюли каретада ўтирган жойида П. га қайтиб боришнинг иложи бор-йўқлигини ва умуман, энди нима қилишлари мумкинлигини сўради. Аммо ҳамма сўроқларига бир хилда умидсиз жавоб олди:

— Сира иложи йўқ.

Шу орада олисдан яқинлашиб келаётган каретанинг тақир-туқури эшитилди. Орадан кўп ўтмай, де Шаверпи хонимнинг кучери келаётган каретанинг кучери ошнала-ридан бири эканини таниб, суюниб кетди. Кучер у билан яқиндагина Ламбер хонимнинг хизматкорлари хонасида абадий дўст бўлишга аҳд-паймон қилишган эди. Кучер: «Отингни тўхтат»,— деб бақирди.

Карета тўхтади. Де Шаверни хонимнинг номи кучернинг оғзидан чиқиши биланоқ аллақандай йигит каретанинг эшигини очди-да, «Хоним шикастланганлари йўқми?»— деб сўради ва бир сакраб, Жюлининг каретаси ёнига борди. Жюли Дарсини таниди, у Дарсини кутмоқда эди.

Қоронғида уларнинг қўллари топишди. Дарсига де Шаверни хоним қўлини қисгандай туюлди, бироқ у қўрқиб кетганидан шундай қилган бўлиши ҳам мумкин эди. Ҳол-аҳвол сўраб бўлиши биланоқ, Дарси, албатта, унга каретасини таклиф қилди. Жюли жавоб бермади: у нима қилишини билмас эди. Бир томондан, Парижга кетаверадиган бўлса, у тўрт-беш миля масофани йигит билан бирга босиб ўтиши керак, бунинг, албатта, хижолатли томони бор; иккинчидан, орқага қайтиб, Ламбер хонимнинг қасрида тунаб қола қолай деса, унда каретанинг ағдарилиб тушганию Дарсининг ёрдамга етиб келганини гапириб берини керак бўлади. Буни ўйлашнинг ўзидаёқ бутун вужудида қалтироқ турди. Меҳмонхонада қарта ўйини авжи қизиб турган бир пайтда анави турк жуво-ни каби Дарси халос этган бир аёл сифатида у ерга кириб бориш, кейин ҳар хил таҳқирли суриштиришларга жавоб бериш, бўлар-бўлмас кўнгил сўрашларга дош бериш: йўқ, буларни хаёлга ҳам келтириш керак эмас. Аммо Парижгача уч милялик сўнгсиз масофа-чи!.. У қандай қарорга келишини билмай тараддудланар ва «сизни безовта қилиб қўяман», деб ийманиб гапирар экан, Дарси унинг фикрларини уққандай бўлди ва со-вуққина деди:

— Менинг каретамни олаверинг, ховим. Мен сизнинг каретангиз ёнида қоламан. Уни ўнгариб, Парижга шунда бораман.

Жюли ҳаддан зиёд тегманозик бўлиб кўринишдан қўрқиб, иккинчи эмас, биринчи таклифни қабул қила қолди. Бундай қарорга қўққисдан келиб қолгани учун қаёққа боришлари — П. гами ёхуд Парижгами, деган масалапи муҳокама қилиш учун вақт қолмади. Жюли қаёққа бормоқчи эканлигини айтиш хаёлига келгунча, отлар йўртгаича Парижга томон кетиб борарди. Буни Жюлининг хизматкори ҳал қилиб қўя қолди — у кучерга беканинг шаҳардаги турар жойини айтди. Дарси Жюлига плашини таклиф этди. Жюли унга ўраниб олди.

Аввалига гап унча қовушмади — икковлари ҳам ийманиб, тортиниб туришди. Дарси бирор нарсадан асаби қўзигандай, узуқ-юлуқ гапирарди. Жюлининг хаёлига: «Иккиланганим унга текканга ўхшайди, мени тегманозик бир аёл деб ўйлаяпти шекилли», деган фикр келди. Жюли бу одамнинг таъсирига шу қадар тушиб қолган эдики, ич-ичидан ўзини койиб борарди. Унинг кайфи бузилганига, афтидан, Жюли сабаб бўлди шекилли. Шунинг учун жувон унинг кўнглини олишни ўйларди, холос. Дарсининг кийими жиққа ҳўл эди. Жюли буни пайқаб, дарҳол плашни ечди-да, Дарсидан уни кийиб олишни талаб қилди. Икковлари олижаноблик бобида тортиша бошладилар. Бунинг оқибати шу бўлдики, икковлари ҳам плашни баравар ёпиниб ўтирадиган бўлишди. Бу ўтакетган даражада хижолатли бир иш эди, албатта. Жюли бунга сира ҳам рози бўлолмас эди. Аммо бояги тараддудлангани ҳақида хаёлидан чиқиб кетмаётган ўй туфайли кўнишга мажбур бўлди.

Улар иккови бир-бирига шу қадар яқин ўтиришар эдики, Жюлининг ёноғи Дарсининг қайноқ нафасини ҳис қилиб турарди. Каретанинг силкинишлари баъзан уларни бир-бирига янада яқинлаштирар эди.

— Икковимиз ёпиниб олган бу плаш,— деди Дарси,— менга бир вақтлардаги ўйинларимизни эслатапти. Эсингиздами, сиз менинг Виргиниямни ижро этган эдингиз, икковимиз бувингизнинг ёпинчиғига ўраниб олган эдик.

— Ҳа. Бу иш учун бувимдан роса гап эшитганим ҳам эсимда.

— Бахтиёр дамлар эди!— деб хитоб қилди Дарси.— Бельшас кўчасидаги гўзал оқшомлар ҳақида неча мар-

талаб хузур қилиб ўйладим! Эсингиздами, елкангизга пушти ленталар билан лочиннинг ажойиб қанотларини боғлаб қўйган эдик. Зарҳал қоғоздан сизга мен лочиннинг тумшугини ўхшатиб ясаб берган эдим.

— Ҳа,— деб жавоб берди Жюли.— Сиз Прометей, мен эса лочин бўлган эдим. Хотираңгиз жуда яхши экан-а! Шу гапларнинг ҳеч қайсисини унутмаңсиз! Ахир, кўришмаганимизга кўп йил бўлди-ку!

— Сизга хушомадгўёна гап айтишимни истаяпсизми?— деб сўради Дарси жилмайиб ва унинг юзини кўриш учун эгилди. Кейин жиддийроқ оҳангда давом этди:— Ростини айтадиган бўлсам, ҳаётимдаги энг бахтиёр дамларни хотирамда сақлаб қолган бўлсам, бунинг ҳеч қанақа ажабланадиган жойи йўқ.

— Сиз ҳар хил ўйинлар топишга уста эдингиз,— деб унинг гапини бўлди Жюли. У гапнинг ҳаддан ортиқ ҳисчан бўлиб кетганидан хавотирда эди.

— Истасангиз, хотирамнинг ўткир эканини исбот қиладиган яна бир далил келтираман. Ламбер хонимникида икковимиз тузган иттифоқ ёдингиздами? Биз оламдаги жамики одамни ғийбат қиламиз, деб, ҳаммага қарши бир-биримизга доим кўмаклашамиз, деб ваъда берган эдик... Аммо бизнинг битимимиз ҳам бошқа битимларнинг қисматига учради — бажарилмай қолиб кетди.

— Унчалик эмасдир!

— Сиз мени ҳимоя қилиш имкониятига тез-тез эга бўлиб тургансиз, деб ўйлайман. Мен Париждан жўнаб кетгандан кейин, қайси бекорчи одам мени ўйлаб ўтирарди.

— Сизни ҳимоя қилганим йўқ... Аммо дўстларингиз билан сизнинг тўғрингизда кўп гаплашганман...

— О, менинг дўстларим билан!— хитоб қилди Дарси маъюс истехзо билан.— Менинг дўстларим кам эди. Айниқса, сиз билан яқин бўлган кезларда улар деярли йўқ даражада эди. Онангизнинг ҳузурига келиб турадиган йигитлар мени негадир ёмон кўришарди. Аёллар масаласига келсак, улар ташқи ишлар министрлигининг аллақандай атташеси ҳақида бош қотириб ҳам ўтиришмас эди.

— Сиз ўзингиз уларга парво қилмагансиз-да.

— Гапингиз рост. Ёқтирмаган аёлларга ҳеч қачон хушомад қилишни эпложган эмасман.

Қоронғида Жюлининг чехрасини кўриш мумкин бўлганида Дарси сўнги жумлани айтганида унинг қи-

зариб кетганини пайқаган бўларди. Негаки, Жюли бу жумланинг маъносини ўзича тушунди. Бундай маъно аслида Дарсининг хаёлига ҳам келмаган эди.

Ҳар ҳолда, пима бўлса ҳамки, ҳар икковлари учун ҳаддан зиёд жонли бўлган хотираларни бир четда қолдириб, Жюли гапни унинг сафарларига бурмоқчи эди. Шундай қилинса, мен индамай ўтириб, эшитишим мумкин, деб ўйларди. Ҳамма сайёҳлар, айниқса, узоқ элларга бориб келганлар лақ этиб бу илмоққа илина қоладилар.

— Жуда ҳам ажойиб сафар қилиб келибсиз-а!— деди у.— Минг афсуски, мен ҳеч қачон шундай сафар қилолмайман.

Аммо ҳозир сафар ҳақида сўзлашга Дарсининг унча ҳуши йўқ эди.

— Жўнаб кетишингиз олдидан сиз билан гаплашган мўйловдор йигит ким?— деб сўради у қўққисдан.

Бу гал Жюли яна баттарроқ қизарди.

— Эримнинг дўсти, у билан бир жойда хизмат қилади,— деб жавоб берди у.— Айтишларича,— деб давом этди у шарқ мавзудан воз кечини истамай,— айтишларича, Шарқнинг мовий осмонини бир кўрган одам бошқа жойда турулмай қолармиш.

— У менга сира ҳам ёқмади... Сабабини билмадим... Мен мовий осмонни эмас, эришгизнинг дўстини айтяпман. Мовий осмон масаласига келсак, хоним, ундан сизни худонинг ўзи асрасин! Бу осмон ҳаминша бир хил. Охир-пировардида у шу қадар жонингизга тегиб кетадики, сиз Парижнинг ноҳуш туманини бажону дил дунёдаги энг гўзал нарса деб томоша қилишга рози бўласиз. Ишонаверинг, кеча кўм-кўк бўлган, эртага яна кўм-кўк бўладиган булутсиз мовий осмон бора-бора ҳар нарсадан ортиқ гашингизга тега бошлайди. Бир парча булутни интизорлик билан кутишади, унга интиқ бўлишади, аммо ҳар гал бу интизорлик беҳуда кетади. Буни тасаввур ҳам қила олмайсиз.

— Шундоқ бўлса ҳам сиз ўша мовий осмон остида анча қолиб кетдингиз.

— Бошқа иложим йўқ эди. Агар мен кўнглимнинг хоҳишига қараб иш қила олганимда, бир зумда Бельшас кўчасининг яқинига жойлашиб олардиму, Шарқнинг ғалати хислатлари таъсирида табиий уйғонадиган жиндай синчковлигимни қондирган бўлардим.

— Сайёҳларнинг ҳаммаси ҳам сизга ўхшаб самимий бўлишса, шу тарзда мулоҳаза юритишса керак... Коис-

тантйпополь билан бошқа шарқ шаҳарларида қанақа эрмаклар бор?

— У ерда ҳам бошқа ҳамма жойдаги каби вақт ўтказишинг ҳар хил йўллари бор. Инглизлар ичишади, французлар қимор ўйнашади, немислар чекишади. Баъзи бир зукко одамлар эса эрмакларини янгилаб туриш учун маҳаллий аёлларни томоша қилиш мақсадида, дурбин кўтариб томга чиқишади-да, ўзларини ўққа тутиб беришади.

— Сиз ҳам шу эрмакни маъқул кўрган бўлсангиз керак, албатта?

— Спра ҳам-да! Мен турк тили билан япон тилини ўргандим. Бу ҳамманинг истеҳсосига сабаб бўлди. Элчининг ёзишмаларини тугатиб, расм ишлардим, от миниб, Чучук сув водийсига борардим, кейин денгиз соҳилга бориб, Францияданми ёки бошқа ёқларданми бироррта тирик жоннинг қораси кўрениб қолмасмикин деб, термчилик ўтирдим.

— Франциядан олис жойларда французларга рўпара келсангиз, албатта, хурсанд бўлган бўлсангиз керак?

— Ҳа. Аммо зиёли одамлар кам борар эди. Боргаларнинг кўпчилиги темир-терсак буюмлари ёхуд кашемир\* билан савдо-сотик қиладиганлар эди. Аммо энг ёмон — ёш шоирлар. Элчихонадагиларнинг бирортасига узоқдан кўзлари тушиши биланоқ, улар: «Мени харобаларга бошланг! Аё Софийага олиб боришг, тоққа, мовий денгизга борайлик! Менга Геро хўрсинган жойларни кўрсатинг!» деб қичқира бошлашади. Боплаб офтоб ургандан кейин эса, хоналарига биқиниб олишади-да, *Конститусьонелнинг* сўнгги сонларидан бошқа нарсани кўргилари келмай қолади.

— Сиз эски одатингизга биноан ҳамма нарсанинг ёмон томонини кўряпсиз. Биласизми, ҳеч ўзгармагансиз, ҳамон илгаригидай ҳамма нарсани мазах қилаверар экансиз.

— Нега? Ахир ўлимга маҳкум этилган гуноҳкорни қозонга солиб қовуришса, паҳотки, у тақдирдош ўртоқлари ҳисобига жиндай кўнгилхушлик қилолмайди? Чин сўзим, у ерда биз нақадар аянчи ҳаёт кечирганимизни сиз тасаввур ҳам қила олмайсиз. Элчихона ходимлари бир дақиқа кўним билмайдиган қалдирғочга ўхшайди... Бизнинг орамизда инсон ҳаётини бахтиёр қиладиган муносабатлар йўқ эди... Ҳар ҳолда менга шундай тую-

\* Майин жундан тўқилган нафис газлама.

ларди. (Шу сўзларни у ғалатиноқ оҳангда айтиб, Жюлига яқинроқ сурилди.) Олти йил давомида мен кўнглимдаги гапларни гапириб, ҳасратлашса бўладиган бирорта одамни учратганим йўқ.

— Бундан чиқди, у ерда дўстларингиз йўқ экан-да?

— Ҳозиргина мен сизга айтдим-ку, бегона юртда дўст ортириб бўлмайти, деб. Францияда иккита дўстим қолган эди. Улардан бири вафот этди, иккинчиси ҳозир Америкада. Агар сариқ безгакка чалиниб қолмаса, бир печа йилдан кейин қайтиб келади.

— Шунчалик ёлғизмисиз?

— Ёлғизман.

— Шарқда... аёллар билан улфатчилик қандай бўлар экан? Улар билан улфатчилик қилиш, жиндай бўлса-да, жонингизга ора киргандир?

— О, ҳаммасидан бадтари аёллар! Турк аёлларини айтмаёқ қўя қолай. Грек ёки арман аёлларига келсак, улар ҳақида энг яхши гап айтаман десангиз, уларни фақат чиройли дейиш мумкин, холос. Консул билан элчининг хотинини таърифлашдан мени халос қилгайсиз. Бу позик масала. Улар ҳақида кўнглимда борини айтсам, ташқи ишлар министрлигида бунинг менга зарари тегиши мумкин.

— Сиз, афтидан, ишингизни унча ёқтирмасангиз керак. Бир вақтлар чин юракдан дипломат бўлишни орзу қилардингиз!

— У пайтларда мен ҳали бу ишни билмас эдим. Ҳозир эса Парижда Париж ахлатларига министрлик қилишни истардим.

— Вой шўрим, нималар деяпсиз? Париж дунёдаги энг ёмон жой-ку!

— Шаккоклик қилманг. Икки йил Италияда турсангиз Неаполни шунақа ҳам ёмонлаб қолардингиз, асти қўяверинг.

— Неаполни кўриш ҳаётимдаги энг катта орзум,— деб жавоб берди Жюли хўрсиниб.— Лекин дўстларим ёнимда бўлса...

— Э-ҳа, бунақа шарт билан мен ҳам жаҳон саёҳати-га жўнайверардим. Дўстлар билан бирга сафар қилишга нима етсин! Бунинг маъноси шуки, сен ўз меҳмонхонанда ўтиргандайсану, деразангнинг олдидан ҳаракатланадиган манзара каби ҳар хил мамлакатлар сузиб ўтаверади.

— Ҳм, майли, бу шартим ноўрин бўлса, мен битта... йўқ, иккита дўстим билан сафар қилишга рози эдим.



— Мен унчалик талабчан эмасман. Менга битта дўст, тўғрироғи, битта маҳбуба ҳам кифоя эди,— деб илова қилди Дарси.— Аммо қисматимга бундай бахт битилмаган экан... Очигини айтсам, ҳеч қачон омадим юришмаган. Бутун ҳаётим давомида чип юракдан тилаганим фақат икки нарсга эди. Аммо уларнинг бирортасига ҳам эриша олмадим.

— Нималар экан у?

— Оддий нарсалар. Масала, мен баъзи бировлар билан вальсга тушишни жуда ва жуда истардим. Мен ҳафсала билан вальсни ўргандим. Илгарилари танца тушсам, бошим айланарди. Шунинг учун ойлаб бир ўзим стул билан машқ қилдим. Ниҳоят, мақсадимга эришдим, бошим айланмайдиган бўлди...

— Хўш, ким билан тушишни истардингиз?

— Сиз билан десам нима қилардингиз?.. Шунча ҳаракатлардан кейин танца тушишни дурустгина эплайдиган бўлиб олганимда, бувингиз кашини ўзгартирди, кекса янсенистни олди ва вальс тушишни тақиқлаб қўйди.

— Иккинчи тилагингиз-чи?— деб сўради Жюли кучли ҳаяжон ичида.

— Иккинчи тилагимни ҳам сизга айтиб қўя қолай. Мен... мени севишларини истардим. Бу, албатта, ўзимга ортиқча бини қўйганимдан. Аммо қандай севишларини истардим дегин?.. Бу хоҳиш менда жуда ҳам кучли эди. У сиз билан вальсга тушиш истагидан олдин пайдо бўлган эди. Узр, тартиби билан айтиб беролмаяпман. Такрор айтаман, мен истардимки, мени балдан ортиқ кўрадиган бир аёл севса... Бал — энг хавфли рақиблардан; мени севган аёл каретада ўтириб, балга жўнаб кетай деб турган дақиқада мен унинг ҳузурига лойга ботган этигим билан кириб келолсам. У эса бал либосида туриб менга: «Уйда қоламиз», деса. Буларнинг ҳаммаси беҳуда гап, албатта! Иложсиз нарсани талаб қилиб бўлмайди.

— Мунча заҳар бўлмасангиз! Ҳамиша истехзоли гап қиласиз. Шафқат, муруват деган нарсани билмайсиз. Аёллар тўғрисида доим бемаъни гаплар гапирасиз.

— Менми? Худо сақласин! Мен кулсам, ўзимдан куламан. Аёллар киборлар даврасида зиёфатда ўтиришдан кўра мен билан хилватда учрашишни афзал кўришмайди, десам, шу аёлларни қоралаб гапирганим бўладими?

— Бал!.. Либос!.. Худойим-ей! Ҳозир балга муккасидан кетган одам борми?

У ўз жипсини ҳимоя қилмоқчи эмас эди; у Дарсининг фикрларига жавоб берайман, деб ўйларди, аммо шўрлик фақат ўз қалбигагина жавоб бераётган эди.

— Айтгандай, баллар ва либослар ҳақида бир гап бор эди. Афсуски, ҳозир карнавал йўқ экан-да! Мен ўзим билан грекча аёллар кийимини олиб келганман, жуда бежирим! У сизга жуда ярашиб тушади.

— Альбомимга унинг суратини ишлаб берасиз.

— Бажону дил. Бувингизнинг уйда чой ичиб ўтириб, ҳар хил одамларнинг суратларини ишлаган чоғимдан бери нақадар моҳир бўлиб қолганимни ўзингиз кўрасиз. Айтгандай, сизни табриклашим керак. Бугун эрталаб министрликда менга жаноб де Шавернипинг яқинда камер-юнкер бўлишини айтишди. Буни эшитиб хурсанд бўлдим.

Жюли беихтиёр чўчиб тушди.

Дарси ҳеч нарсани пайқамай давом этди:

— Ҳозироқ мени мурувватингиздан бенасиб қилмаслигингизни ўтинаман. Аммо, очигини айтсам, эрингизнинг янги лавозимига унча хурсанд эмасман. Нега десагиз, ёзда Сен-Клуга кўчиб кетишингизга тўғри келади. Унда мен сизни кўриш шарафига камроқ ноил бўламан.

— Сира ҳам Сен-Клуга бормаيمان,— деди Жюли ҳаяжон билан.

— Жуда соз-да! Ахир, Париж бамисоли жаннат. Париждан, фақат аҳён-аҳёнда Ламбер хонимнякига эф-фатга бориб келиш учунгина чиқса бўлади. Шунда ҳам ўша купйёқ қайтиб келиш шарти билан. Парижда яшаётганингиздан нақадар бахтлисиз-а! Мен бу ерда жуда кам бўлишим мумкин, бироқ шундоқ бўлса-да, холам менинг ихтиёримга бериб қўйган ғарибгина кулбада бениҳоя бахтиёр эканимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Сиз эса, менга айтишларича, Сент-Опоредда турар экансиз. Менга қасришгизни кўрсатишди. Қурувчилар хиёбонларингизни расво қилиб юборишмаган бўлса, афтидан, боғингиз жуда сўлим бўлса керак?

— Йўқ, худога шукур, ҳали боғимга тегишгани йўқ.

— Қайси кунлари ҳузурингизга бориш мумкин?

— Мен деярли ҳаминша кечки пайтлар уйда бўламан. Баъзи-баъзида ҳузуримга бориб турсангиз, бошим кўкка етади.

— Кўриб турибсизки, мен ҳамон ўзимни эски бити-

мимизга амал қилаётгандай тутяпман. Сизга ортиқча расмиятсиз, бетакаллуф муомала қилияпман. Мендан хафа бўлмайсиз, шундайми? Парижда билганларим фақат сизу Ламбер ховим. Мени ҳамма унутиб юборган, аммо бадаргада юрар эканман, мен фақат икковингизнинг хонадонингизни қўмсадим. Айниқса, сизнинг уйингиз шинам эди. Дўстларингизни чертиб-чертиб таълаган эдингиз. Эдингиздами, хонадоннинг бекаси бўлиб қолганингизда, сиз келажак режаларини тузган эдингиз? Диққинафас одамларни уйингизга яқин йўлатмасликка аҳд қилгандингиз. Баъзан куй-қўшиқ, доимо ярим кечагача давом этадиган хушчақчақ гурунг, бир-бирини яхши танийдиган, шунинг учун на ясамалик, на ёлгон гапиришни истамайдиган одамларнинг чоғроқ давраси... Бундан ташқари, уч-тўртта зукко аёл (дугоналарингизнинг ҳаммаси, албатта, зукко аёллар эди)— хонадонингиз ана шундай эди. У Париждаги энг ёқимли хонадонлардан бири эди. Ҳа, сиз Париждаги энг бахтиёр аёлсиз ва сизга яқинлашган ҳар қандай одамни бахтиёр қиласиз.— Дарси шуларни гапирар экан, Жюли бошқа бироп одамга, масалан, Дарсига турмушга чиққан бўлганда, у шунчалар завқланиб таърифлаётган бахтга молик бўлиши мумкинлигини ўйлади. Дарси таърифлаган жозибали ва гўзал меҳмонхона унинг хаёлига Шаверни бошлаб келадиган диққинафас одамларни, қувноқ гурунглари ўрнига уни П. га йўл олишга мажбур қилганга ўхшаш оилавий можароларни келтирди. Хуллас, у ўзини бир умр ёмон кўрган ва нафратланадиган одамга қарам бўлиб яшашга маҳкум этилган бахти қаро аёл деб ҳисобларди. Унга ҳаммадан яхшироқ туюлган, ўз бахтини ва ўз умрини бажону дил ихтиёрига ишониб топширишга арзийдиган одам эса унинг учун ҳамма вақт бегона бўлиб қолаверади. Жюлининг бурчи ундан ўзини четга тортиш, ундан узоқда бўлиш... У эса Жюлига шу қадар яқин келдики, ҳатто Жюлининг енги фракининг ёқасига тегиб кетди.

Дарси яна бир печа муддат Париж ҳаётининг ҳузур-ҳаловати тўғрисида суханварлик қилишда давом этди. Бу ҳузур-ҳаловатдан узоқ вақт маҳрум бўлган одам уларни шунақа чечанлик билан мақтайди. Бу орада Жюли ёноқлари кўз ёшидан ҳўл бўлиб кетганини ҳис қилди. У буни Дарси пайқаб қолишидан хавотирда эди. У ўзини босиб олишга уринар экан, зўриқишдан ҳаяжонни янада ортди. Унинг нафаси тикилиб қолган, қимир этиб ҳаракат қилолмасди. Ниҳоят, у пиқиллаб йиғ-

лаб юборди-ю, ишнинг пачаваси чиқди. У йиғи ва уятдан нафаси қайтиб, бошини қўлига қўйиб олди.

Бундай бўлишини сира кутмаган Дарси таажжубда қолди. Бир лаҳза у лол бўлиб, индолмай қолди. Бироқ Жюлининг йиғиси кучая борди. Шунда у Жюлини тинчитишни ва бундай қутилмаган йиғининг боисини суриштиришни ўз бурчи деб билди.

— Сизга нима бўлди? Худо ҳаққи, жавоб беринг!.. Нима рўй берди?

Шўрлик Жюли бу саволларнинг ҳаммасига жавобан дастрўмоли билан кўзларини ишқалашдан нарига ўтмади. Дарси унинг қўлини олиб, астагина тиззасига қўйди.

— Ўтинаман сиздан,— деди у қалтироқ овозда Унинг оҳанги Жюлининг юрак-бағрини ларзага солди.— Ўтинаман сиздан, айтинг нима бўлганини? Балки мен сизни беихтиёр хафа қилиб қўйгандирман? Индамаганингиздан юрагим тарс ёрилиб кетай деяпти.

— Оҳ,— деб хитоб қилди Жюли ортиқ ўзини тўхта-толмай,— нақадар бахтсизман!— Шундай деб у ҳўнграб йиглаб юборди.

— Бахтсизман? Нечук?.. Боиси нима?.. Ким сизни бахтсиз қилиши мумкин? Жавоб беринг!

Шу сўзларни айтаётиб, у Жюлининг қўлини қисди, унинг юзи Жюлининг юзига тегай-тегай деб турарди. Жюли эса жавоб берип ўрнига йиғлашда давом этди. Дарси нима дейишини ҳам билмай қолди, аммо жувоннинг йиғиси унга таъсир қилган эди. У ўзини олти ёш яшариб қолгандай ҳис қилди. У ҳали келажак режаларини қуриб қўймаган эди. Шу топда уни келажакда бу аёлнинг ёнида шунчаки оддий сирдош бўлишдан афзалроқ бир қисмат кутаётгандек бўлиб туюлди. Жюли ҳамон индамасди. Дарси, унинг аҳволи ёмон бўлиб қолмадимикин, дея ташвишлана бошлади. У каретанинг ойнасини очди, Жюлининг шляпасининг ленталарини ечди, плаш билан пол рўмонли олиб қўйди. Шундай ишлар зиммасига тушганда эркак уқувсиз бўлиб қолади. У аллақандай бир қишлоқда каретани тўхтатмоқчи ҳам бўлди, ҳатто кучерга фармойиш ҳам берди. Аммо Жюли унинг қўлидан тутиб, бундай қилмаслигини ўтинди, аҳволим анча дуруст, деб ишонтирди. Кучер ҳеч нарсани эшитмади ва Париж томон отларни йўрттиришда давом этди.

— Ўтинаман сиздан, қимматли де Шаверни хоним,— деди Дарси яна унинг қўлидан ушлаб. У Жюлининг қўлини бир лаҳза қўйиб юборган эди.— Ўтинаман сиздан,

нима бўлганини айтинг? Бу қандай рўй берганига сира ақлим етмаяпти, лекин қўрқамапми... мен сизга озор бериб қўйдим шекилли.

— Йўқ, сиз эмас!— деб хитоб қилди Жюли ва унинг қўлини секингина қисиб қўйди.

— Ундай бўлса, айтинг, ким сизни шунчалик йиғлашга мажбур қилди? Очигини айтаверинг! Ахир, биз сиз билан эски қадрдонлармиз-ку!— деб қўшиб қўйди у жилмайиб ва ўз навбатида Жюлининг қўлини қисди.

— Сиз менинг бутун ҳаётимни чулғаб олган бахт ҳақида гапирдингиз. Ҳолбуки, бу бахт мендан бениҳоя йироқда...

— Нечук? Ахир, бахт учун зарур бўлган ҳамма нарса сизда муҳайё эмасми? Ёшсиз, бадавлатсиз, гўзалсиз... Эрингизнинг мавқеи баланд, мартабаси улур.

— Мен уни ёмон кўраман!— деб қичқириб юборди Жюли ўзини йўқотиб.— Мен ундан нафратланаман.

Жюли Дарсининг елкасига бошини қўйди-да, яна хўнграб йиглаб юборди.

«Ўҳ-ҳў,— деб ўйлади Дарси,— иш жиддий тус оляпти-ку!»

Каретанинг ҳар силкинишидан моҳирона фойдаланиб, у шўрлик Жюлига янада яқинлашиб олди.

— Қўйинг,— деди у бағоят мулоим ва ширин овозда,— қўйинг, бунчалик куйинманг. Наҳотки, сиз ёмон кўрган махлуқ ҳаётингизга шунчалик таъсир қилса? Нега унинг бахтингизга заҳар солишига йўл қўясиз? Бахтингизни шу махлуқдан излайсизми?— Дарси унинг бармоқлари учидан ўпди, аммо Жюли шу заҳотиёқ даҳшат ичида қўлини тортиб олди. Шунда у, ҳаддимдан ошиб, ишни пачава қилиб қўйганга ўхшайман, деб хавотир олди. Аммо саргузаштни ниҳоясига етказиб қўйишга аҳд қилиб, анчагина риёкорлик билан хўрсинди-да, деди:

— Мен хўб адашибман-да! Сизнинг тўйингизни эшитганимда, жаноб де Шаверни сизга чиндан ҳам ёқар экан, деб ўйлагандим.

— Оҳ, жаноб Дарси! Мени сиз ҳеч қачон тушунган эмассиз!

Унинг оҳангидан: «Мен сизни ҳамиша севардим, лекин сиз менга эътибор бергингиз келмасди», деган маъно аниқ сезилиб турарди. Шўрлик аёл шу дақиқада чин кўнгилдан Дарсини ҳозир қанчалик хуш кўраётган бўлсам, ўтган олти йил мобайнида ҳам шунчалик севганман, деб ўйларди.

— Сиз-чи?— хитоб қилди Дарси жонланиб,— сиз мени тушунганмисиз? Менинг қалбимда қандай ҳислар туғён урганидан ҳеч хабарингиз бўлганми? Агар сиз мени яхшироқ билганингизда эди, ҳозир икковимиз ҳам бахтиёр бўлган бўлардик, албатта.

— Нақадар бахтсизман!— деб такрорлади Жюли ва яна кўзларидан ёш тирқирай бошлади.

— Аммо сиз мени тушунганингиз тақдирда ҳам,— деб давом этди Дарси ўзи одатланган маънос кинояли оҳангда,— бундан нима чиқарди? Менинг мол-мулким йўқ эди, сиз эса бадавлат эдингиз. Онангиз энсаси қотиб, менга рад жавобини берарди. Муваффақиятсизликка учрашим турган гап эди. Сизнинг ўзингиз, тақдир ҳақиқий бахтнинг қаерда эканини кўзингизга кўрсатгунга қадар, албатта, менинг журъатимдан қулган бўлардингиз, чунки у вақтларда сизга манзур бўлишнинг энг яхши воситаси эшигига графлик ниспони ишланган ялтироқ карета эди.

— Ё парвардигор! Сиз ҳам шундай дейсизми? Демак, менга ҳеч кимнинг раҳми келмас экан-да!

— Мени кечиринг, азизим Жюли! Утинаман сиздан, мени кечиринг! Бу таъналарни унутинг, сизга таъна қилишга менинг ҳаққим йўқ. Сиздан кўра кўпроқ мен гуноҳқорман... Мен сизнинг қадрингизни билмадим. Сизнинг табақангизга мапсуб ҳамма аёлларни ожиза билганимдек, сизни ҳам ожиза деб ўйлабман. Сизнинг мардлигингизга шубҳа қилибман, азизим Жюли. Бунинг жазосини тортиб ўтирибман!..

У зўр аҳтирос билан унинг қўлларини ўпа бошлади. Жюли бу гал қўлини тортиб олмади. Дарси унинг белидан қучиб, кўкрагига босмоқчи бўлган эди, Жюли даҳшат ичида уни итариб юборди ва каретанинг бир чеккасига сурилиб олди.

Шунда Дарси майин овозига қайғулироқ тус бериб деди:

— Мени афв этинг, хоним. Парижда эканимизни унутиб қўйибман. Ҳозир эсимга тушди — бу ерда оила қуришни билишади. Лекин севишни билишмайди.

— Мен сизни севаман,— деб Жюли йиғлаб шивирлади ва Дарсининг елкасига бошини қўйди.

Дарси боши осмонга етиб, уни қучоқлаб олди ва унинг кўз ёшларини бўса билан қуритмоқчидай, ўпа бошлади. У халос бўлишга яна бир уриниб кўрди, бироқ бу уриниш унинг сўнгги интилиши эди.

Дарси вужудини қамраб олган ҳаяжонга ортиқча ба-ҳо бериб юборди. Эътироф этиш керакки, унинг қалбида муҳаббат йўқ эди. У ўнг келиб қолган тасодифдан фойдаланди. Бундай ганимат фурсатни қўлдан бой бериб бўлмас эди. Бунинг устига, у ҳам ҳамма эркаклар каби миннатдорлик пазор этишдан кўра илтимос ва ўтинчларни ифодалашга моҳирроқ эди. Шунга қарамай, у Жюлининг ҳурматини жойига қўйди, бу эса кўпинча чуқурроқ ҳислар ўрнига ўтаверади. Жазавали дақиқалар ўтиши биланоқ Дарси Жюлининг шаънига мулоим мақтовлар ёғдира бошлади. Бу мақтовларни топиш унга унча қийин эмас эди. У Жюлини мақтар экан, айни чоқда, тўхтовсиз унинг қўлларидан ўпар, бу эса уни сўзлаш заруриятидан қисман халос этарди. У каретанинг шаҳар четига етиб келганини, бир неча дақиқадан сўнг ўлжанинг қўлдан чиқиб кетишини кўриб афсусланмади. Дарси авраб-ўргилганда де Шаверни хонимнинг индамай ўтириши, кайфиятининг бузуқлиги бехосдан унинг маҳбуби бўлиб қолган одамни анча ночор аҳволга солиб қўйди, айтиш мумкинки, уни ҳатто диққинафас қилиб юборди.

Жюли каретанинг бир бурчагида шол рўмолини беихтиёр кўкрагига тортиб олганча қимир этмай ўтирарди. У энди йиғламас, тўғрига тикилиб олганди. Дарси унинг қўлини ўпиб, қўйиб юборган эди, қўли жонсиздай шилқ этиб тиззасига тушди. У ҳамроҳининг гапларини зўр-базўр илғаб, индамай кетиб борар, аммо миясида минг хил қийноқли ўйлар ружгон ўйнамоқда эди. У биронтасини айтишга жазм қилиши билан, бошқалари уни шу ондаёқ лабларини маҳкамроқ юмиб олишга мажбур қилишарди.

Унинг юрагининг ҳар зарбига монанд алмашиб бораётган тартибсиз фикрлар қуюнини ёки, аниқроғи, тасаввурлар ўйинини тузукроқ айтиб бериб бўлармикин? Унга қулоғида бир-бирига боғланмаган юлуқ-юлқи сўзлар тартибсиз жаранглаб эшитилаётгандай туюларди, бироқ бу сўзларнинг ҳаммаси ҳам даҳшатли эди. Эрталаб у эричи айбсиган эди. Эри унинг назарида тубан бир одам эди. Энди эса унинг ўзи юз карра тубанроқ бўлиб ўтирибти. Назарида, унинг шармандалигидан ҳамма воқиф. Энди герцог Г. нинг маъшуқаси ҳам унга терс боқиши мумкин. На Ламбер хоним ва на дўстларидан бошқа биров уни кўришни истамайди. Дарси-чи? У

Жюлини севадими? Дарси уни деярли билмайди. Айрилиқ йилларида у Жюлини унутиб юборган. Кўрганيدا уни танимади ҳам. Балки Жюли унинг кўзига бутунлай ўзгариб кетгандай кўришгандир. Энди эса совуққина муомала қиляпти. Бу уни узил-кесил поумид қилди. Жюли ўзини деярли билмайдиган, ўз муҳаббатини ошкор этмаган бир одамга кўнгил бериб ўтирипти!.. У хуш муомалада бўлди, холос... Дарсининг уни севиши мумкин эмас. Хўш, ўзи-чи? Ўзи уни севадими? Йўқ, чунки у жўнаб кетиши биланоқ, Жюли эрга тегиб кетди.

Карета Парижга кириб келганида, минорадаги соат бирга занг урди. Биринчи марта у Дарсини соат тўртда кўрди. Ҳа, биринчи марта... Бироқ буни у узоқ айрилиқдан сўнгги висол чоғи деб айта олмайди... Жюли унинг чехрасини, овозини унутиб юборган эди, Дарси унинг учун бегона эди... Тўққиз соатдан кейин эса Жюли шу одамнинг маъшуқасига айланди. Мана шу ғалати кўргиллик учун ўз назарида ҳам, Дарсининг назарида ҳам ўзини шармандаи шармисор қилишга тўққиз соат кифоя қилди. Дарси энди бундай кўнгилчан аёл ҳақида нималарни ўйларкин?! Ундан нафратланмай бўладими?!

Дарсининг майин овози, Жюлига қаратилган ширин сўзлар ўқтин-ўқтин уни тетиклантирарди. Бундай пайтларда Жюли Дарсининг тилидан тушмаётган муҳаббат ҳақиқатан ҳам унинг қалбида мавжуд эканига ўзини ишонтирмоқчи бўларди. Жюли осонгина кўниб қўя қолгани йўқ. Уларнинг севгиси кўп йиллардан бери — Дарси уни ташлаб кетганидан бери давом этиб келяпти. Жюли Дарсининг кетиб қолганига зарда қилиб эрга тегиб кетганини у билиши керак. Айб Дарсида. Ҳолбуки, у сафарда бўлган йиллари давомида Жюлини севишдан тўхтамаган. Қайтиб келганидан кейин Жюлининг ўзи каби вафодор бўлганини кўриб, боши осмонга етган. Жюлининг ошкора муҳаббат изҳор қилгани, унинг кўнгилчанлигининг ўзи Дарсига маъқул бўлиши керак, негаки, у ясамаликни ёқтирмайди. Аммо бундай мулоҳазаларнинг бемаънилиги зум ўтмай унинг ўзига аён бўлиб қоларди. Таскин берувчи хаёллар тирқираб кетар ва у яна уят ва умидсизлик чангалига тушиб қоларди.

Жюли бир дақиқа ўз ҳисларини саранжомлаб олмоқчи бўлди. У ўзининг киборлар даврасидан қувилишини, онасининг оқ қилишини тасаввур қилди. Ана шундай шафқатсизлик билан эрини таҳқирлаганидан



кейин яна унинг ҳузурига сиғиниб боришга гурури йўл қўймайди. «Дарси мени севади,— деб ўйлади у.— Мен ундан ўзга ҳеч кимни сева олмайман. Ўсиз менга бахт йўқ. У билан бирга ҳамма ерда бахтиёр бўламан. У билан бирга бирон ёққа бош олиб кетамиз. У ерларда мени қизаришга мажбур қиладиган одамлар билан учрашмайман. Мени Константинополга олиб кета қолсин...»

Дарси Жюлининг кўнглида содир бўлаётган гаплардан беҳабар эди. У Шаверни хоним яшайдиган кўчага етиб келишганини пайқаб, совуққонлик билан қўлқопни кия бошлади.

— Айтгандай,— деди у,— мен жаноб де Шаверни билан расман танишишим зарур.. Менимча, тез орада у билан дўстлашиб кетсак керак. Агар мени Ламбер хоним таништира, сизларнинг хонадонингизда дурустгина эҳтиром кўрардим. Ҳозирча, у шаҳардан ташқарида экан, мен сизнинг олдингизга келиб туришим мумкин.

Жюлининг гапи бўғзида қолди. Дарсининг ҳар бир сўзи унга ўткир пичоқдай қадалди. Шу қадар беғам, шу қадар совуққон, ёз вақтида бу ишқий саргузаштини қулайроқ ўтказишдан бошқа нарсани ўйламаётган одам билан бирга қочиб ҳақида нима деб гаплашиш мумкин?! У кўкрагида осилиб турган тилла занжирни газаб билан узиб олди-да, унинг бўлақларини ғижимлади. Карета у яшайдиган уйнинг эшиги олдида тўхтади. Дарси такаллуф билан унинг елкасига рўмолини ташлаб, шляпасини тўғрилаб қўйди... Карета эшиги очилгач, Жюлига эҳтиром билан қўл узатди. Аммо Жюли унинг кўмагини қабул қилмай, ўзи сакраб йўлкага тушди.

— Ҳузурингизга бориб, саломатлигингизни сўраб туришга сиздан изн сўрайман, хоним,— деди у таъзим қила туриб.

— Хайр!— деди Жюли бўғиқ овоз билан.

Дарси каретага ўтириб, уйга олиб бориб қўйишни буюрди, у кунини яхши ўтказганидан мамнун одамдек хиргойи қилиб борарди.

### *Ун учинчи боб*

Дарси ўзининг бўйдоқона ҳаёт кечираётган хонасига етиб келди-да, туркона чопони билан туфлисини кийди,

қахрабо найчали, сархонаси босния дўлапасидан ишланган узун трубкасига латакия тамакисидан босиб тўлатиб, юмшоқ сахтиён ўриндиққа ёстаниб ўтириб олиб, ҳузур қилиб чека бошлади. Унинг шоирона хаёллар оғушида жавлон уриш ўрнига ана шундай бачкана иш билан машғул эканидан таажжубланган кишига шундай жавоб бериш мумкин: хаёл қанотида парвоз қилиш учун трубка унча зарур бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда фойдали нарса, мириқиб лаззатланишнинг муқаррар чораси — бир лаззатни иккинчисига жамлашдир. Бир дўстим бор — ҳиссиётга жуда ҳам берилган одам. Шу одам маъшуқасидан мактуб олса, галстугини ечади-да, каминга ўт ёқиб (агар воқеа қишда содир бўлаётган бўлса), диванга чўзилиб, ўрнашиб ётиб олмагунча мактубни очиб ўқимайди.

«Дарҳақиқат,— деб ўйларди Дарси,— мен Тиррелнинг маслаҳатига кириб, грек канизагини сотиб олиб, уни Парижга олиб келсам, жуда ҳам аҳмоқона иш қилган бўлардим. Жин урсин! Бу — дўстим Халев афанди айтганидай, Дамашққа анжир олиб бориш билан баробар бўларди. Худога шукур, менинг йўқлигимда маданият анча ривожланибди, афтидан, ахлоқ масалаларида анча эркинлик борга ўхшайди. Бечора Шаверни!.. Ха-ха!.. Аммо лекин бир неча йил муқаддам етарли давлатим бўлганида Жюлига уйланган бўлардим. Эҳтимол, унда, бугун уни уйига Шаверни кузатиб қўйган бўларди. Мабодо вақти соати етиб уйланадиган бўлсам, хотинимнинг каретасини тез-тез кўздан кечириб турман, токи хотиним уни ариқдан олиб чиқадиган саёқ олифталарнинг кўмагига муҳтож бўлмасин... Хайр майли, сарҳисоб қилайлик-чи! Сирасини айтганда, Жюли жуда гўзал аёл, эс-ҳуши жойида. Агар мен ёпроқ бўлганимда содир бўлган ҳодисанинг боисини фақат ўз фазилатларимга йўяр эдим. Ҳа, ўз фазилатларимга! Аммо, таассуфки, бир ой ўтар-ўтмас менинг фазилатларим ҳам мўйловдор жанобнинг фазилатлари даражасига тушиб қолиши мумкин эди. Жин урсин! Мен бир вақтлар яхши кўрган бўталоқ Настасья ўқишни, ёзишни, дуруст одамлар билан суҳбат қилишни билганида, қандай соз бўларди-а!.. У мени севган бирдан-бир аёл эди шекилли!.. Шўрлик!»

Унинг трубкаси ўчиб қолди, кўп ўтмай ўзи ҳам уйкуга кетди.

Де Шаверни хопим ўз хонасига киргач, оқсоч аёлга ҳеч кимнинг хизматига муҳтож эмаслигини, ўзи ёлғиз қолмоқчи эканини одатдаги оҳангда айтиш учун ҳаддан зиёд куч сарфлаб, бутун иродасини бир жойга тўплашга мажбур бўлди. Оқсоч аёл чиқиб кетиши биланоқ, у ўзини кўрпага ташлади (негаки, шодликни ифодалаш учун қулай вазият қанчалик зарур бўлса, ғамни ифодалаш учун ҳам шунчалик зарур) ва ҳўнграб йиғлаб юборди. Унинг ёлғизликдаги кўз ёшлари Дарсининг ҳузуридаги ёшларидан аламлироқ эди, негаки, у Дарсининг олдида ўзини тутишга уринган эди-да.

Ҳеч шубҳа йўқки, қалбимиздаги жароҳатларга ҳам, жисмоний азоб-уқубатларимизга ҳам тун жуда катта таъсир кўрсатади. Тун қўйнида ҳар иарса ҳам машъум тус олади. Кундузи биз учун бефарқ бўлган ёки бизга шодлик бахш этган образлар кечаси фақат зулмат қўйнида пайдо бўлувчи шарпалар каби бизни безовта қилади ва азоблай бошлайди. Тунда фикр зўр бериб ишлаётгандай туюлади, лекин аслида идрок ҳокимона кучини йўқотади. Аллақандай ички дард, алахсираш бизни қийнайди, хаёлимизни банд қилади ва биз на кўнглимизда гулу солган кўрқувлар сабабини йўқотишга, на уларни асосли ёхуд асосли эмаслигини хотиржам таҳлил қилишга мажолимиз етади.

Ярим яланғоч аҳволда тўшақда чўзилиб ётган шўрлик Жюлини кўз олдингизга келтиринг: у гоҳ иситма оташида жизганак бўлиб тўлғанади, гоҳ бутун вужудини босган совуқ тердан қақшайди, каравот ғижирлаган сайин сапчиб тушади ва юрагининг зарбини аниқ сезиб туради. Бўлиб ўтган воқеадан унинг кўнглида аллақандай кўнгилғашлик қолди — бу кўнгилғашликнинг сабабини топишга беҳуда уринарди. Сўнг ана шу машъум кеча ҳақидаги хотира хаёлида чақмоқдай ялт этиб гавдаланарди, хотира билан бирга чидаб бўлмайдиган оғриқ кўзгаларди. Гўё биров унинг битиб бораётган ярасига қизиган темир босгандай бўларди.

Гоҳ у лампага тикилиб, маъносиз нигоҳ билан ёлқининг ҳар бир тебранишини кузатади. Шу аҳволда аллақадан қуйилиб келаётган кўз ёшлари нигоҳини тўсмагупча ўтираверади.

«Нега йиғлаяпман?— деб ўйлайди у.— Ҳа-я, расво бўлдим-ку!»

Гоҳ у дарпарданинг шокилалариши санашга тутинади, бироқ уларнинг нечталигини сира ҳам эслаб қололмайди.

«Қандай расволик!— деб ўйлайди у.— Расволик! Бир соат аввал оддий бир фоҳишадай ўзим билмайдиган одамга танимни бахш этдим».

Сўнгра у ўлимга маҳкум одам қатл соатининг яқинлашишини кутгани каби маъносиз нигоҳ билан девордаги соатнинг милига тикилди. Қўққисдан соат занг урди.

— Уч соат муқаддам,— деди у тўсатдан сесканиб,— мен унинг қучоғида эдим. Шармандаи шармисор бўлдим!

Туни билан Жюли ана шундай тўлганиб, безовта бўлиб чиқди. Тонг отганида у деразани очди, эрталабки тоза ва муздек ҳаводан бир оз енгил тортди. Боққа қараган деразанинг тоқчасига суянганича аллақандай жазава билан муздек ҳаводан тўйиб-тўйиб симирди. Чувалган ўйлари бир оз тартибга келгандай бўлди. Уни ўртаган ноаниқ азоблар, алаҳсираш ўрнини шиддаткорлик эгаллади, бу унга бир оз бўлса-да, ором берди.

Бирорта қарорга келиш керак эди. У нима қилиши мумкинлигини ўйлай бошлади. Дарси билан яна учрашиш мумкинлигини бирор марта ҳам хаёлига келтирмади. Унга бунинг сира ҳам иложи йўқдай туюлди — уни кўриши биланоқ уятдан тил тортмай ўлади. У Париждан кетиши керак — бу ерда икки кундан кейин у ҳамманинг оғзига тушади. Онаси Ниццада эди. У онасининг олдига боради, ҳамма гапни унга айтиб беради, унинг кўкрагига бош қўйиб, тўйиб-тўйиб йиғлаб хумордан чиқади. Сўнгра Италияда сайёҳларга маълум бўлмаган бирор хилват жойни қидириб топади-да, қолган беш кунлик умрини ўша ерда танҳо ўтказди.

Шундай қарорга келгач, у ўзини хотиржамроқ ҳис қила бошлади. У деразанинг рўпарасида турган кичкина стол ёнига ўтириб, қўлларини юзига тутди-да, йиғлаб юборди, бироқ бу гал унинг йиғиси аламли эмас эди. Ҳорғинлик таъсир қилиб ухлаб қолди, тўғрироғи, салкам бир соат мизғиди.

У уйғониб, бутун бадани қақшаётганини сизди. Ҳаво ўзгарипти. Осмоннинг қовоғи солиқ, майдалаб ёғаётган ёмғир кечгача тинадиганга ўхшамайди. Совуқ ва нам. Жюли қўнғироқ чалиб оқсоч аёлни чақирди.

— Онам бетоб бўлиб қолипти,— деди у,— мен ҳозироқ Ниццага жўнашим керак. Чамадонларни жойланг. Бир соатдан сўнг йўлга чиқмоқчиман.

— Хоним, сизга нима бўлди? Бетобмисиз? Кечаси ётганингиз йўқми?— деб хитоб қилди оқсоч аёл. У беканинг ранги ўчиб кетганидан хавотирга тушган эди.

— Мен кетмоқчимап,— деди сабрсизлик билан Жюли,— мен кетишим керак. Чамадонларни жойланг.

Бизнинг ҳозирги тараққиёт босқичимизда бир жойдан бошқа жойга бориш учун хоҳишнинг ўзи кифоя қилмайди. Йўл паспорти олиш керак, шляпаларни қоғоз қутиларга солиш керак, хуллас, юзлаб зерикарли тайёргарлик ишларини қилиш лозим. Шу хил дахмазалар туфайли саёҳат қилиш истаги йўққа чиқади. Аммо Жюли сабрсизлик қилиб шу хил зарур ишларнинг кўпини қисқартирди. У ёқдан-бу ёққа юриб, у хонадан бу хонага кириб, чамадонларни жойлашга ўзи кўмаклашди, нозик муомалага кўникиб қолган кўйлаклари ва шляпаларини тўғри келганича чамадонга тиқиштирди. Аммо унинг кўмаги хизматкорларнинг ишини тезлаштиришдан кўра кўпроқ орқага сурди.

— Хоним! Сиз, албатта, жаноб де Шавернини огоҳлантиргандирсиз?— деб сўради қўрқа-писа оқсоч аёл.

Жюли жавоб бермай, бир варақ қоғоз олди-да, унга: «Онам бетоб бўлиб қолипти. Мен Ниццага кетдим», деб ёзди. Кейин қоғозни тўрт буклади, бироқ адрес ёзишга журъат этмади.

Жўнашга тайёргарлик кўраётган пайтда бир хизматкор хабар қилди:

— Жаноб де Шатофор сизни кўришга ижозат сўраяптилар. Яна бир жаноб келган. Мен уни танимадим. Мана унинг ташрифномаси.— Жюли ташрифномани ўқиди: «Э. Дарси, элчихона котиби».

Жюли дод деб юборишига сал қолди.

— Мен ҳеч кимни қабул қилолмайман. Мени бетоб деб қўя қолинг. Жўнаб кетаётганимни айтманг.

Жюли Дарси билан Шатофорнинг қаандай қилиб бир вақтда келганининг боисини билолмади ва Дарси Шатофорни сирдош қилиб олганга ўхшайди, деб роса хижолат бўлди. Ҳолбуки, уларнинг баравар ташриф буюришларининг сири жуда осон эди. Ҳар иккови ҳам бир хил сабаб билан ташриф буюришган эди. Улар бу ерда бир-бирларига тасодифан дуч келиб қолишди, бир-бирларига совуқ таъзим қилиб кўришишди-да, хаёлларида бир-бирларидан чин юракдан ижирғаниб ўтиришди.

Хизматкорнинг жавобини эшитгач, улар зинадан бирга тушишди ва аввалгидан ҳам совуқроқ ҳайрлашиб, иккови икки томонга равона бўлишди.

Шатофор де Шаверни хонимнинг Дарсига бўлакча бир меҳр билан муомала қилганини пайқади-ю, ўша дақиқадан бошлаб уни ёмон кўриб қолди. Ўз навбатида ўзини одамларнинг юзига қараб, ичидагини билиб олишга қобил деб ҳисоблайдиган Дарси ҳам Шатофорнинг хижолати ва ранжишларини кўриб, уни Жюлига ошиқ деган қарорга келди. Дипломат бўлганидан, аввалдан ёмонроқ оқибатни чамалашга мойил бўлгани учун, оsonгина Жюли Шатофorni кўпда ранжитмаса керак, деган хулосага кела қолди.

«Бу ғалати танпоз,— деб ўйлади у Жюлининг уйидан чиқиб кетаётиб,— *Мизантропдаги* каби аҳволга тушиб қолишдан қўрқиб, икковимизни бирга қабул қилишни истамди... Аммо бирор нарсани баҳона қилиб, манави мўйловдор олифтанинг кетишини кутмаганим чатоқ бўлди. У жўнаб кетиши билан Жюли мени қабул қилиши муқаррар эди, чунки унинг олдида сўзсиз устунликка эгаман — янги жазманиман».

У шу хилда мулоҳаза юритиб, тўхтади, кейин орқасига бурилди-да, яна де Шаверни хонимнинг уйи томон йўл олди. Орқасига бир неча марта ўгирилиб, рақибини қилишига қараб кетаётган Шатофор ҳам қайтиб, бир оз масофада туриб кузата бошлади.

Хизматкор Дарсининг қайтиб келганини кўриб ҳайрон бўлди. Дарси унга бекасига мактуб ёзиб қолдиришни унутганини, иш анча ошиғич эканини, гап бир аёлнинг де Шаверни хонимга топшириги устида кетаётганини айтди. Жюлининг инглизча билиши эсига тушиб, ташрифномасининг устига қалам билан шуларни ёзди: *Begs leave to ask when he can show to madame de Chaverny his turkish album\**. Сўнгра у ташрифномани хизматкорга бериб, жавобини кутиб туришини айтди.

Мактубнинг жавобини узоқ кутишга тўғри келди. Ниҳоят, хизматкор қаттиқ хижолат ичида қайтиб чиқди.

— Де Шаверни хоним қўққисдан беҳаловат бўлиб қолди,— деди у,— унинг аҳволи шу қадар ёмонки, ҳозир жавоб беролмас экан.

Буларнинг барчаси чорак соатча давом этди. Дарси Жюлининг беҳаловат бўлиб қолганига ишонмади: унинг Дарсини кўришни истамагани равшан эди. Дарси бунга унча куйинмади. У шу яқин ўртада кўриб чиқишни лозим бўлган танишлари борлигини эслади-да, бу ерда

---

\* Менинг турк альбомимни қачон кўрсатсам бўларкин, деб де Шаверни хонимдан эҳтиром билан сўраб қолувчи... (Ингл.)

омади юришмаганидан заррача ҳам қайғурмай чиқиб кетди.

Шатофор унинг чиқишини дарғазаб бўлиб сабрсизлик билан кутмоқда эди. Дарси ёнидан ўтиб кетар экан, Шатофор, «рақибимнинг омади келипти», деб ўйлади ва ўз-ўзига сўз бериб, хиёнаткор Жюлидан ҳам, унинг шеригидан ҳам ўч олиш учун биринчи қулай келган баҳонани қўлдан бермасликка аҳд қилди. Бахтига, майор Перен учраб қолди. У Шатофорнинг дийдиёсини эшитиб, қўлидан келганча унга тасалли берди ва «гапларинг чинга ўхшамайди», деб уни ишонтиришга уринди.

### *Ун бешинчи боб*

Жюли Дарсининг ташрифномасини иккинчи бор олганида ҳақиқатан ҳам ҳушидан кетиб қолган эди. Ҳушига келгач, қон аралаш йўтала бошлади. Бу унинг мажолини қуритди. Хизматкор аёл табибга одам юборди, аммо Жюли уни қабул қилишдан қатъиян бош тортди. Соат тўртда отлар каретага қўшилиб тахт қилиб қўйилган, чамадонлар жойланган, ҳамма нарса жўнашга тайёр эди. Жюли каретага чиқди. У тўхтовсиз йўталарди. Унга қараган одамнинг раҳми келарди. Бутун оқшом ва бутун тун давомида у фақат извошчининг жойида ўтирган хизматкор билангина гаплашди, ўшанда ҳам кучерни қисташни буюраверди, холос. Тўхтовсиз йўталдан кўкрагида қаттиқ оғриқ турган эди, лекин Жюли бирон марта ҳам инграмади. У шу қадар заиф эдики, эрта билан каретанинг эшигини очишганда ҳушсизланиб йиқилди. Уни ночоргина меҳмонхонага олиб кириб, тўшакка ётқизишди-да, қишлоқ табибини қақиритди. Табиб Жюлининг безгакка чалинганини айтиб, сафарни давом эттиришни таққлади. Лекин Жюли сафарни давом эттирмоқчи бўлди. Кечга томон у алаҳдай бошлади. Аҳволи тобора оғирлашиб бормоқда эди. Тўхтовсиз гапирар, аммо тез гапирганидан нима деяётганини тушуниб бўлмасди. Унинг зуқ-юлуқ жумлаларида лаҳза сайин Дарси, Шатофор ва Ламбер хонимнинг номлари учрарди. Оқсоч аёл жаноб де Шавернига хат ёзиб, хотинининг бетоблигини маълум қилди. Аммо Жюли Париждан қирқ миля масофада эди, Шаверни герцог Г. никида ов қилиб юрарди, хасталик эса борган сари авжга минмоқда эди. Шавернининг вақтида етиб келиши гумон эди.

Бу орада хизматкор яқиндаги шаҳарчага от чоптириб бориб, доктор олиб келди. У аввалги табиб буюрган дори-дармонларни бекор қилиб, докторни жуда кеч чақиршиганини, дарди оғир эканини айтди.

Тонгга яқин алаҳлаш босилди. Жюли донг қотиб ухлаб қолди. Икки-уч кундан кейин Жюли бир оз ўзига келгач, қандай воқеалар оқибатида бу ночор меҳмонхонанинг ифлос хонасига тушиб қолганини зўрға эслади. У анча яхши бўлиб қолганини айтди ва ҳатто эртага йўлга отланиш ҳақида гап бошлади. Сўнгра қўлини пешанасига қўйиб, анча ўйланиб ўтирди-да, хат ёзишга жазм қилиб, қоғоз билан сиёҳ келтиришларини буюрди. У бир неча марта ёзишга тутинганини, лекин ҳар гал биринчи жумлани ёзиб бўлиб, хатни йиртиб ташлаганини оқсоч хотин кўриб турди. Шундай қилиб бўлиб, у қоғоз парчаларини ёқиб юборишни буюрди. Оқсоч аёл баъзи бир парчаларда «Муҳтарам афандим!» деган жумлани ўқиди. Кейинчалик оқсоч аёл бу унга ғалати туюлганини, негаки, бекаси ё онасига, ёхуд эрига мактуб ёзишти, деб ўйлаганини айтди. Бир лахтак қоғозда шундай жумла бор эди: «Сиз мендан нафратланаётган бўлсангиз керак».

Жюли ярим соат давомида мактуб ёзишга беҳуда уринди. Афтидан, бу мактуб уни жуда безовта қилмоқда эди. Ниҳоят, унинг тинкаси қуриди, ёзишни давом эттиролмаي қолди. У тўшагига қўйиб олган тахтачани суриб қўйди-да, оқсоч аёлга олазarak нигоҳ ташлаб айтди:

— Жаноб Дарсига ўзингиз ёзиб юборарсиз.

— Нима деб ёзай?— деб сўради оқсоч аёл. У бекасини яна алаҳлай бошлади деб ўйлаган эди.

— Ёзингки, у мени билмайди... мен уни билмайман...

Шундай деб бемажол боши ёстиққа тушди.

Бу унинг сўнги маънодор сўзлари бўлди. У яна алаҳлй бошлади, лекин бу алаҳлаш тўхтамади. Жюли эртаси кунни айтарли қийналмасдан узилди.

### *Ун олтинчи боб*

Шаверни Жюлини кўмиб келишгандан кейин тўртинчи кунни етиб келди. Унинг қайғуси самимийга ўхшарди. Унинг қабристонга бориб, хотинининг тобути устига тортилган юмшоқ ерга тикилиб турганини кўрган қишлоқ аҳли кўзига ёш олди. У тобутни қазиб олиб,



Парижга олиб кетмоқчи бўлди, бироқ қишлоқ ҳокими қаршилик қилгани ва нотариус бу иш билан боғлиқ ҳар хил расмиятлар ҳақида гапиргани учун у қабр устига тош ўрнатиб, унинг устига соддагина ҳайкал қўйиш ҳақида буйруқ бериш билан кифояланди.

Шатофор қўққисдан рўй берган бу қазодан қаттиқ ҳаяжонга тушди. У айтилган зиёфатларнинг кўпгинасидан воз кечди ва бир қанча вақт давомида қора кийиб, аза тутиб юрди.

### *Ун еттинчи боб*

Киборлар даврасида де Шаверни хонимнинг вафоти ҳақида ҳар хил гап-сўзлар юрарди. Бировларнинг гапига қараганда, у тушида онасини бетоб кўрганмиш, ҳатто буни ўнгида ҳам сезганмиш. Бундан у мусибатга тушиб, Ламбер хонимникидан қайтиб келаётганида қаттиқ шамоллаб қолганига қарамай, дарҳол Ниццага отланипти. Йўлда тумови зўрайиб, зотилжамга айланипти.

Баъзи бир фаҳми ўткирлар сирли қиёфада де Шаверни хонимнинг жаноб Шатофорга ишқи тушиб қолганини, муҳаббатига кучи етмай қолганидан, бу ҳисга қарши туриш учун онасидан мадад излашга жазм қилганини гапиришарди. Апил-тапил йўлга чиққани учун шамоллаб, зотилжам касалига чалинган эмиш.

Кўпчилик шу фикрда эди.

Дарси ҳеч қачон у тўғрида оғиз очмади. Жюлипинг вафотидан уч-тўрт ой ўтгач, у уйланиб олди. Уйлангани ҳақида Ламбер хонимга айтганда, Ламбер хоним уни муборақбод қила туриб, шундай деди:

— Дарҳақиқат, рафиқангиз ўктам экан. Лекин менинг шўрлик Жюлигинам ҳам сизга мос эди. Минг афсуски, у эрга тегадиган вақтда сиз жуда фақир эдингиз.

Дарси ўзининг кинояли табассуми билан жилмайди, лекин бирон нарса деб жавоб бермади.

Бир-бирининг тилини тополмаган бу икки дил, эҳтимол, бир-бирлари учун яратилган бўлсалар ажаб эмас эди.



«Хайкал шунчалар мард экан,— деб хитоб қилдим,— шафқатли ва мурувватли ҳам бўлсин!»

ЛУКИАН. *Алдоқчилик шайдоси*

Мен Қанигу тоғи этакларидаги сўнги адирлардан тушиб келмоқда эдим. Қуёш ботган бўлса ҳам рўпарамдаги ялангликдан мўъжазгина шаҳарчининг уйлари яққол кўришиб турарди. Борадиган манзилим шу шаҳарча бўлиб, уни Илль деб аташарди.

— Жаноб де Пейрорадининг қаерда туришини билсангиз керак, албатта?— деб мурожаат қилдим кечадан бери менга раҳнамолик қилиб келаётган каталониялик ҳамроҳимга.

— Билганда қандоқ!— хитоб қилди у.— Мен унинг уйини ўзимникидай яхши биламан. Қоронғи тушиб қолмаганида, сизга кўрсатиб қўярдим. Бутун Иллни қидирсангиз, уникидан яхши уй тополмайсиз. Ҳа, жаноб де Пейрорад пулдор одам. Ўғлига олиб бераётган қиз ундан ҳам бадавлатроқ.

— Тўй куни яқинми?— деб сўрадим мен.

— Ҳа, жуда ҳам яқин. Ёижақчиларни айтиб қўйишган. Эҳтимол, бугун бўлмаса, эрта ё индинга бўлиб қолар. Тўй Пюигаригда ўтади. Келин ўша ерлик бадавлат одамнинг қизи. Хўп ажойиб томоша бўлади-да!

Жаноб Пейрорадга мени дўстим жаноб де П. йўллаган эди. Унинг ганига қараганда, бу одам қадимги дунёни беш қўлидай билар экан, ўзи ҳам ҳар қандай хизматга тайёр, серилтифот одам экан. Ун миля теварак-атрофдаги қадимий ёдгорликларни у менга бажону дил кўрсатса керак, албатта. Иллнинг теварак-атрофида антик ва ўрта аср ёдгорликлари кўп эди. Буни яхши билардим. Уларни кўриб чиқишда ўша одамнинг ёрдамига мурожаат қилишни мўлжаллаб келаётган эдим. Аммо ҳозир биринчи дафъа эшитиб турганим тўй ҳамма режаларимнинг белига тегиши мумкин эди. «Айтмаган жойга йўнмаган таёқ бўлмасам гўрга эди», деб хаёлимдан ўтказдим. Бироқ у ерда мени кутишяпти. Жаноб де

П. менинг келишимдан уни хабардор қилиб қўйган, бормасдан илож йўқ.

— Битта сигаретадан гаров ўйнайман, афандим,— деди ҳамроҳим ялангликка тушганимизда,— жаноб де Пейрорадникига нима мақсадда кетаётганингизни билдим.

— Буни билиш унча қийин эмас,— деб жавоб бердим унга сигарета узата туриб.— Бунақа бемаҳалда, олти миля йўл юриб, Кашишудан ошиб ўтгандан кейин, ҳаммадан аввал овқат дардида бўласан.

— Бу гапингиз рост. Лекин, эртага-чи?.. Биласизми, гаров ўйнайманки, сиз Иллага санамни кўргани келяпсиз. Серабонда авлиёларнинг суратини чизаётганингизни кўришим биланоқ шу фикр кўнглимга келувди.

— Санам? Қанақа санам?

Бу сўз мени қизиқтириб қолди.

— Ие! Жаноб Пейрорад ердан санам ковлаб олганини Перципьянда сизга гапириб беришмадимиз?

— Сиз, афтидан, терракотдан ишланган сопол ҳайкални айтаётгандирсиз?

— Ҳеч ҳам-да! Ҳақиқий мисдан қуйилган. Ундан бир дунё танга ясаса бўлади, нега десангиз, оғирлиги черков қўнғироғиникидан кам эмас. Уни зайтун дарахтининг остидан ковлаб олгунча, она сутимиз оғзимизга келди.

— Бундан чиқдики, уни ковлаб олишаётганда сиз ҳам ўша ерда бўлган экансиз-да?

— Ҳа, афандим. Икки ҳафтача аввал жаноб де Пейрорад мен билан Жан Кольга қари зайтун дарахтини ковлаб олиб ташлашни буюрди. Эсингизда бўлса керак, ўтган йили совуқ қаттиқ бўлган эди. Зайтун, совуқ уриб, қуриб қолганди. Шундай қилиб, биз Жан Коль билан бирга ишни бошладик. Ҳафсала билан ер ковлаётган Жан Коль киркасини зарб билан ерга урган эди, қулогимга «бимм» деган овоз эшитилди. Бамисоли биров занг ургандай бўлди. «Бу нима бўлди экан?» деб сўрадим ўзимдан. Иккаламиз ҳафсала билан ковлашга тушдик. Анчагина ковлаганимиздан кейин қоп-қора қўл кўришди. Ер қаъридан чиқиб келаётган мурданинг қўлига ўхшарди. Жош-поним чиқиб кетди. Югуриб жаноб де Пейрораднинг олдига бордим-да, «Хўжайин, у ерга — зайтун остига ўлик кўмилган экан, кашини айтиб келиш керак», дедим. «Қанақа ўлик?» деб ҳайрон бўлди у. Ковлаётган жойимизга келиб, қўлга кўзи тушиши билан: «Антиқа! Антиқа!» деб қичқириб юборди. Ўша

топтаги аҳволини кўрган одам, хазина топиб олибди, дерди. Ҳовлиқиб қолганидан, киркани олиб, ўзи ишга киришиб кетди. Чунонам ковладики, Жан билан мен унинг олдида ип эшолмай қолдик.

— Хўш, нима топдинглар?

— Соф мисдан қуйилган қоп-қора баҳайбат хотин чиқди. Шуниси ҳам борки, қип-яланғоч экан. Жаноб де Пейрорадининг айтишига қараганда, бу мажуспйлар замонида қолган санам экан... Улуғ Карл замонасига мансуб эмишми-ей...

— Билдим... Бу биронта вайрон бўлган монастырдан қолган бронза мадонна бўлса керак...

— Мадонна дейсизми? Йўқ, ундай эмас. Мадонна бўлса, дарров танирдим. Санам деяпман-ку сизга: санамлиги шундоққина афтидан кўришиб турибди. Каттакон оқ кўзини лўқ қилиб, сизга тикиб туришининг ўзини айтинг... Кўзи билан тешиб юбораман дейди. Унга қарасанг, беихтиёр кўзингни олиб қочасан...

— Кўзи оқ дейсизми? Уни бронзага ўрнатиб қўйишган бўлса керак. Афтидан, бирон Рим ҳайкалига ўхшайди.

— Ҳа, ҳа, Рим ҳайкали. Жаноб Пейрорад ҳам Рим ҳайкали девди. Энди билдим, сиз ҳам унга ўхшаган фозил одам экансиз.

— Унча шикаст етмаганми? Синган жойи йўқми?

— О, бус-бутун! Шаҳар бошқармасининг олдида ўрнатилган Луи-Филиппнинг оқланган гипс ҳайкалидан кўра чиройлироқ. Шундай бўлса ҳам бу санамнинг афти ангори менга ёқмади. Нечундир қараши совуқ... Ўзи ҳам ёвузга ўхшайди.

— Ёвуз? Сизга нима ёмонлик қилди у?

— Менга-ку ҳеч нарса қилгани йўқ. Лекин нима бўлганини мен айтиб берай, сиз эпитинг. Биз тўрт киши бўлиб, уни зўрга чуқурдан чиқариб олдик. Жаноб Пейрорад заб яхши одам-да... жўжачалик кучи бўлмаса ҳам, бизга қўшилиб, арқон билан тортишди. Бир амаллаб уни тикка қилиб қўйдик. Мустаҳкамроқ турсин учун тагига тиқиб қўяй деб, бир сопол синиғини олганимни биламан, ҳайкал «гуп» этиб, бутун оғирлиги билан ерга қулади. «Қоч», деб қичқирдим, фурсат ўтган эди. Нега десаңгиз, Жан Коль оёғини олиб улгуролмади.

— Ҳайкал уни майиб қилдими?

— Бечоранинг оёғига тушиб, чўрт синдирди. Ҳазабим қайнаб, тутақиб кетдим. Қўлимдаги бел билан санамни парчалаб ташламоқчи эдим, жаноб Пейрорад тўхтатиб

қолди. У Жан Колга пул берди. Бу воқеа бундан икки ҳафта бурун бўлган эди, у бечора ҳанузгача кўрпа-тўшак қилиб ётипти. Докторларнинг айтишича, унинг оёғи энди ҳеч қачон аслига қайтмас эмиш. Афсус! Нега десаңгиз, у чошида ҳаммадан ўткир эди. Жаноб де Пейрораднинг ўғлидан кейин, тўп ўйинида ҳам энг чапдас-тимиз шу эди. Ҳа, жаноб Альфонс де Пейрорад жуда хафа бўлди, чунки у билан бирга ўйнашни яхши кўрар эди. Ҳаволаниб келаётган тўпни ҳар гал «пап, пап» этиб қайтаришларини кўриб, маза қилардик.

Шу тарзда суҳбатлашиб, Иллга кириб бордик. Орадан кўп ўтмай мен жаноб де Пейрораднинг ҳузурда ҳозир бўлдим. У жуссаси кичик, аммо ҳали тетик ва бардам қария эди. Сочи упали, бурни қизил, юзи қувноқ ва серғайрат эди. Жаноб де П.нинг мактубини очиб ўқишдан аввал, у мени ҳар хил нозу неъматлар қўйилган стол ёнига ўтқазиб хотини билан ўғлига олимларнинг лоқайдлиги туфайли ҳамон унутилиб келаётган Русильоннинг шуҳратини қайта тиклаши лозим бўлган машҳур архитектор деб таништирди.

Мен маза қилиб овқатландим, негаки ҳеч нарса мусаффо тоғ ҳавосидек иштаҳани очмайди. Овқатланар эканман, уй эгаларини зимдан кузатдим. Жаноб де Пейрорад ҳақида гапирдим. Қўшимча қилиб айтишим мумкинки, у бир жойда тиниб туролмайдиган одам экан. У гапирар, овқатланар, кутубхонасига югуриб кириб кетиб, менга китоб олиб чиқар, гравюраларини кўрсатар, винодан қуяр, хуллас, бир дақиқа ҳам тинч ўтиролмас эди. Ёши қирқдан ошган ҳамма каталониялик аёллар сингари тўлачадан келган хотини эса менга бутун фикри зикри билан хўжаликка берилган камсуқум аёлдай кўринди. Стол устидаги нарсалар олти кишидан ҳам ортиб қоладиган даражада мўл-кўл бўлса-да, у ошхонага югуриб бориб, бир неча каптарни сўйишни, тариқдан бўлган нонни қовуриб келишни буюрди, сон-саноксиз идишлардаги мурабболарни очиб ташлади. Кўз очиб-юмгунча столнинг усти ҳар хил емишларга ва шишаларга тўлиб кетди. Агар олиб келинган нарсаларнинг ҳаммасидан татиганимнинг ўзидаёқ бўкиб қолишим турган гап эди. Ҳар гал бирон емишни татиб кўришдан бўйин товласам, мезбон хотин: «Албатта, Илда сизнинг кўнглингиз тусаган нарсаларни муҳайё қилишимиз амримаҳол,— деб кечирим сўрашга тутинар эди.— Чекка жойда бирон дурустроқ нарсани топиш мушкул, парижликлар эса нозик бўлишади!»

Отаси билан онаси теварагимда гирдикапалак бўлар экан, уларнинг ўғли Альфонс де Пейрорад Термдек ҳаракатсиз турарди. У йигирма олти ёшлардаги балад бўйли, хушбичим, чиройли, лекин сўникроқ йигит эди. Унинг бўйи, келишган қадди-қомати ўша юртларда кенг тарқалган моҳир, таниқли тўп ўйинчиси деган шуҳратга муносиб эди. Шу оқшом у *модалар журналининг* сўнги сонидаги сурат бўйича жуда чиройли кийинган эди. Бироқ менга устидаги костюми торроқдай туюлди. Барқут ёқасининг торлигидан бўйинини роз тутиб, хола ютгандай қимирлаёлмай ўтирарди. Ен-верига қарайдиган бўлса, бутун гавдаси билан айланарди. Тирюги калта олинган, офтобда қорайган сўлақмондай қўллари либосига унча мос эмас эди. Деҳқоннинг заҳматкаш қўлига олифтанинг енгини кийгазиб қўйгандай эди. Умуман эса, у Париждан келган меҳмон, деб қизиқиш билан менга бошдан-оёқ разм солиб ўтирса-да, бутун оқшом давомида менга фақат бир мартагина сўз қотди. Ўшанда ҳам соатимнинг зақжирини қаердан сотиб олганимни сўрашдан нарн ўтмади.

— Ҳа, азиз меҳмон,— деди менга жаноб де Пейрорад кечки овқат охирлаб қолганида.— Модомики, қўлимга бир тушиб қолган экансиз, мен сизни қўйиб юбормайман. Тоғларимиздаги диққатга сазовор жойларнинг ҳаммасини кўриб чиқмагунингизча, ҳеч қаёққа кетказмайман. Сиз бизнинг Русильон билан батафсил танишиб чиқиб, унинг муносиб баҳосини беришингиз керак. Биз сизга кўрсатадиган нарсалар етти ухлаб тушингизга кирган эмас. Финикия, Кельт, Рим, араб, Византия ёдгорликлари — ҳаммасини мукамал кўрасиз. Ўзим сизни ҳамма жойга олиб бораман ва охириги гиштигача кўришга сизни мажбур қиламан.

Унинг йўтали тутиб қолиб, гапришдан тўхтади. Мен бундан фойдаланиб, оилавий турмушида катта воқеалар бўлаётган бир фурсатда унинг вақтини олиш мен учун жуда ўнғайсиз эканини айтдим. Мен боришим лозим бўлган экскурсияларга доир қимматли маслаҳатларини беришга рози бўлса, уни ортиқча ташвишдан холи қилиб, ўзим ёлғиз...

— Мана бу йигитнинг уйланишига шама қиялпсизми?— деди у гапимни бўлиб.— Ҳечқисм йўқ! Бу ишдан индингаёқ фориг бўламиз. Сиз тўйни ҳам томоша қиласиз. Тўйни жўн қилмоқчимиз, чунки келин азадор. Яқинда холаси ўлиб, унга катта мерос қолдирди. Шунинг учун катта зиёфат ҳам, ўйин-кулги ҳам бўлмайди...

Албатта, афсус, сиз каталониялик қизларимиз қандай рақс тушишини кўрардингиз... Уларнинг ичида анчагина хушрўйлари ҳам бор. Уларни кўрганингизда, ажаб эмас, менинг Альфонсимга таассуб қилиб, уйланиш кўйига тушиб қолсангиз... Бир никоҳ иккинчисини тақриб келади, дейишади... Шанба куни тўй тугаши билан мен ҳамма ишдан қутуламан. Дарҳол йўлга тушамиз. Бизнинг жойлардаги тўйда зеркиб қолсангиз, хафа бўлмайсиз. Тўй-томошаларни кўравериб тўйган паришлик одам учун бизнинг тўйлар чикора! Устига-устак, рақс бўлмаса... Лекин, ҳар ҳолда, келинни кўрасиз-ку... келинни... Кейин фикрингизни айтарсиз... Упақа десам, сиз жиддий одамсиз, хотинларга кўз ўйнатмасангиз ҳам керак. Мен сиз кўрадиган тузукроқ парса топаман... Ҳа, кўрсангиз, арзийди... Эртага мен сизни ҳанг-манг қиладиган бир ажойиб нарса топиб қўйганман.

— Ё алҳазар!— дедим мен.— Уйингизда бутун бошли бир хазина бўлади-ю, уни теварак-атрофдагилар билмай қоладими? Менга атаб тайёрлаб қўйган нарсангиз нима эканини сезиб турибман шекилли! Агар топган ҳайкалингизни айтаётган бўлсангиз, менга ҳамроҳ бўлиб келган одам роса таърифлаб берди. Ҳозирданоқ унга қизиқиб қолдим, кўрмасданоқ қойил бўлиб ўтирибман.

— Э, у сизга санам тўғрисида гапириб беришти-да... Бу ердагилар менинг гўзал Венерамга шунақа ном қўйиб олишибди. Венера Тур... Қўйинг, майли, шонмай тура турай. Эртага кунинг ёруғида уни ўзингиз кўрарсиз. Ана ўшанда уни дурдона деб аташим тўғри ё нотўғрилигини ўзингиз айтасиз. Жин урсин! Заб вақтида келдингиз-да! Унда ёзувлар ҳам бор. Уларни мен — подом ўзимча изоҳлайман. Эҳтимол, сиз — паришлик аллома менинг шарҳимдан куларсиз... Гап шундаки, мен кичик бир иш ёзганман... Ҳа, мен мана шу сиз кўриб турган снёҳим билан... чет жойдаги бир осори атиқачи бўлсам-да, иш ёзишга журъат этдим... Мен уни нашр эттирмақчиман... Агар сиз ўқиб чиқиб, зарур тузатишлар киритишга розилик берсангиз, бошим осмонга етар эди... Масалан, ҳайкалнинг пастки томонида бир ёзув бор. Уни қандай таржима қилишингизни билиш мен учун гоят мароқли бўларди. Save\*... Йўқ, йўқ, ҳозирча айтмай тура тураман. Эртагача, эртагача! Бутун Венера ҳақида бошқа бир оғиз ҳам гапирмайман.

— Рост, Пейрорад,— деди унга хотини.— Санаминг-

\* Сақлаш... (Лот.)

ни ўз ҳолига қўйсанг дурустроқ бўларди. Кўрмайсанми, меҳмонимизнинг овқатланишига халал беряпсан? Менга ишонавер, у Парижда сеникидан ўн чандон чиройлироқ ҳайкалларни кўрган. Тюильрида бунақа ҳайкаллар сон мингта. Улар ҳам ҳаммаси мисдан.

— Э нодон! Э нодон хотин-эй!— деб унинг гапини бўлди Пейрорад.— Антиқа ҳайкални Кусту ясаган дид-сиз фигураларга таққослаб бўлармиди?

Ошпаз аёл қайдан ҳам билсин,  
Тангриларнинг туриш-турмушин?

Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг-а! Хотиним менинг ҳайкалларимдан черковимизга қўнғироқ қуйиб бериш керак, дейди-я! У кишининг черковга инъоми бўлур эмиш! Мирон дурдонасига муносабатни қаранг!

— Дурдона! Дурдона! Дурдоналиги чиқиб қолди-ку! Бир одамнинг оёғини майиб қилиб ўтирипти!

— Менга қара, хотин,— деди жаноб де Пейрорад қатъий оҳангда, рангдор ипак пайпоқ кийган ўнг оёғини узатиб,— агар, Венера менинг мана бу оёғимни синдирганда ҳам, заррача ўкинмас эдим.

— Вой шўрим, гапингни қара-ю, Пейрорад! Шукур қилиш керак, бечора анча тузалиб қолди... Бунақа фалокатларни бошлаб келадиган ҳайкалга қарагани юрагим бетламайди. Бечора Жан Коль!

— Венерадан озор чеккан тентак зорланар!— деб хитоб қилди жаноб Пейрорад баланд овозда кулиб.— *Veneris pes praemia poris\**. Венерадан озор чекмаган одам борми?

Лотин тилидан кўра французчани бир амаллаб гапирадиган Альфонс кўзларини маккорона қисиб, «Қани айтинг-чи, парижлик меҳмон, ҳеч нарса тушундингизми?»— деб сўраётгандай менга қараб қўйди.

Овқатланиш ниҳоясига етди. Дастурхондан қўл тортганимга бир соатдан ошди. Шу қадар ҳорибманки, босиб келган эсноқни қайтаришга ҳам мажолим етмади. Де Пейрорад хоним буни сезиб қолди-да, ухлайдиган вақт бўлди, деди. Кейин мен тунайдиган жойнинг ноқулайлиги муносабати билан яна узр сўрашлар бошланди. Бу ерда тунайдиган жой Париждақа бўлармиди? Чекка жойда ҳеч нарса кўнгилдагидек эмас! Русильонликлардан хафа бўлиш керак эмас. Тогда шунча йўл босиб келган одамга бир қучоқ похол ҳам жуда яхши тўшак бў-

\* Венеранинг туҳфасини шунда биласан (лот.).



лади, деб ҳар қанча ишонтришга уринмай, улар зўр бериб узр сўрашда давом этавердилар. Камтарин қишлоқи одамлар меҳмонни кўнгилларидагидек кута олишмас эмиш. Ниҳоят, жаноб де Пейрораднинг ҳамроҳлигида менга ажратилган хонага кўтарилдим. Юқоридаги пиллапоялари тахтадан қилинган зина йўлакнинг ўртасига олиб чиқар, у ерда эса бир печа хонанинг эшиги бор эди.

— Мана бу ўнг томондаги хонани,— деди мезбоним,— ўғлимнинг бўлажак рафиқасига атаб қўйганман. Сизнинг хонангиз йўлакнинг нариги бошида. Ўзингиздан қолар гап йўқ,— деб қўшимча қилди у овозини мак-корона оҳангда товлаб,— янги куёв-келин холи жойини ёқтиради, албатта. Сиз уйнинг бир томонида бўласиз, улар — иккинчи томонида.

Биз яхши жиҳозланган хонага кирдик. У ерда даст-аввал кўзимга ташланган нарса бўйи етти фут, эни олти футлик карават бўлди. У шу қадар баланд эдики, оёқ тагига курси қўймай устига чиқиб бўлмас эди. Менга кўнғироқ қаердалигини кўрсатиб, қандон тўла эканига, атир солинган шишачалар жойида — пардоз столи устида эканига қаноат ҳосил қилиб, мезбоним қайта-қайта мендан: «Яна бирон нарсага муҳтож эмасмисиз?» деб сўради, кейин хайрли тун тилаб, мени холи қолдириб чиқиб кетди.

Деразалар ёпиқ эди. Кечқурунги узоқ овқатланишдан кейин соф ҳаводан нафас олиш — жоннинг роҳати бўлади. Шунинг учун ечинишдан аввал деразалардан бирини очдим. Шундоққина рўпарамда Канигу савлат билан бўй чўзиб турарди. У куннинг ҳар қайси дақиқасида ҳам гоят гўзал бўларди. Лекин шу оқшом ойдинда менга дунёдаги ҳамма тоғлар ичида энг жозибалиси бўлиб туюлди. Мен бир печа фурсат унинг сеҳрли жамолига суқланиб қараб турдим-да, кейин деразани ёпмоқчи бўлдим. Шунда тўсатдан уйдан қирқ метрлар чамаси нарида пьедесталь устида турган ҳайкалга кўзим тушди. У бурчакда — боғни теп-текис чор бурчак майдондан ажратиб турган чакалак иҳотанинг ёнида турарди. Кейин билсам, бу майдон шаҳарликлар тўп ўйнайдиган жой экан. Бу ер илгари жаноб де Пейрорадники экан, ҳадеб ўғли қистайверганидан кейин шаҳарга берган экан.

Мен билан ҳайкалнинг орасидаги масофа катталигидан мен уни тузукроқ кўролмадим. Мен фақат унинг бўйинигина чамалай олдим — менимча, у тахминан олти фут келарди. Шу пайт иккита дайди «*Жонажон тоғлар*

қўйнида» деган Русильон қўшиғини хиргойи қилиб майдондан ўтиб қолишди. Улар тўхтаб, ҳайкални томоша қилишди, бири ҳатто ҳайкалга қараб гапира бошлади. У каталонча гапирарди. Мен Русильонда алчагина туриб, каталончани бир оз ўрганиб олгандим. Ҳар қалай, унинг гапларини тушундим.

— Ҳа, турибсанми, мочағар? (У ўз она тилида янада ўткирроқ сўзни айтди.) Ҳали ҳам шундамисан?— дерди у.— Жан Колнинг оёғини синдирган сенмисан? Менинг қўлимга тушганинда, бўйнингни қайириб ташлаган бўлардим.

— Қандай қилиб қайирардинг?— деб сўради иккинчиси.— У мисдан ясалган бўлса... Миси ҳам шунақа қаттиқ эканки, Этьен қирқишга уришиб, эговини синдирди. Бу мис мажусий замонлардан қолган. Ҳар нарсадан қаттиқ.

— Ёнимда искана бўлганда-ку (у чилангарнинг шогирди бўлса керак), ҳозирнинг ўзида данакдан мағзини ажратгандек, оқ кўзларини қипидап чиқариб олардим. Ундаги кумуш юз сўмлик келиб қолар.

Улар йўлларини давом эттиришди.

— Ҳар қалай, санам билан хайрлашиб кетиш керак,— деди йигитларнинг каттаси бирдан тўхтаб.

У эгилиб ердан тош олди шекилли. Мен унинг қулочкашлаб бир наrsa отганини кўрдим. Шу лаҳзада бронзанинг жаранглагани эшитилди. Аммо шу лаҳзанинг ўзида чилангарнинг шогирди бошини чангаллаб, оғриқдан қичқариб юборди:

— У тошни ўзимга қайтариб олди,— деди у.

Шундан кейин иккала зумраша жуфтакни ростлаб қолди. Афтидан, тош металлга тегиб, чатнаб кетгану, санамни таҳқирлашга ботинган шаккоқнинг бошига теккан бўлса керак.

Мен деразани ёпиб, роса мириқиб кулдим.

«Венера жазолаган яна бир ёввойи! Қошки эди қадимий ёдгорликларимизга қўл кўтарадиганларнинг ҳаммасининг ҳам шу тарзда боши ёрилса».

Шу инсонпарвар истакдан сўнг ухлаб қолибман.

Уйғонганимда ҳамма ёқ аллақачон ёришиб кетган эди. Урнимнинг бир томонида халат кийган жаноб де Пейрорад, бир томонида унинг хотини юборган хизматкор қўлида бир пиёла қайноқ шоколад кўтариб турарди.

— Туринг-е, меҳмон! Пойтахт халқи ҳўб танбал бўлади-да!..— дерди мезбоним мен шоша-пиша кийинар эканман.— Соат саккиз бўлди-ю, сиз ҳали ҳам ўринда-

сиз-а! Мен олтида турганман. Олдингизга уч марта келиб кетдим. Эшигингиз ёнига оёқ учида келиб қулоқ солсам, жимжит, бирорта ҳаёт нишонасидан асар ҳам йўқ. Сизнинг ёшингизда бунақа кўп ухлашнинг хосияти бўлмайди. Сизни менинг Венерам кутяпти. Сиз уни ҳали кўрганингиз йўқ. Қани, бир ниёла барселона шоколадини тезроқ ичиб олинг... Расмана контрабанда моли... Бунақа шоколадни Парижда тополмайсиз. Буни ичиб, кучга кириб олинг, нега десангиз, Венеранинг олдига олиб борганимдан кейин, ундан ажралолмай қоласиз.

Беш минутдан кейин мен тайёр бўлдим, яъни чалакам-чатти соқол олиб апил-тапил кийиндим, қайноқ шоколаддан оғзимни ҳам куйдириб олдим. Кейин боққа тушдигу, мен ўзимни ажойиб бир ҳайкалнинг қаршисида кўрдим.

Бу, ҳақиқатан ҳам, бениҳоя гўзал Венера экан. Қадимгилар одатда ўз маъбудаларининг белидан юқорисини яланғоч қилиб тасвирлашган. Шунга мувофиқ бу ҳайкалнинг ҳам юқори қисми яланғоч эди. Кўкраги баравар кўтарилиб турган, ўнг қўлининг кафти ичкарига қараган, катта бармоғи ва кейинги икки бармоғи очиқ, ёзилиб турар, сўнги иккитаси эса сал-пал букилган эди. Иккинчи қўли эса гавдасининг паст томонини қоплаган либосининг бурмаларини ушлаб турарди. Ўзининг турқи таровати билан бу ҳайкал негадир Германик деган ном билан аталиб кетган *Мурр ўйинчиси* деган ҳайкални эслатарди. Эҳтимолки, ҳайкал муаллифи тангрининг мурр ўйнаётган пайтини тасвирлаган бўлиши мумкин.

Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам бу Венеранинг гавдасидан кўра гўзалроқ гавдани, унинг тароватидан кўра нозикроқ ва лаззатлироқ тароватни, кийимларининг бурмаларидан кўра нафисроқ ва олижаноброқ нарсани тасаввур қилиш мумкин эмас эди. Мен, империянинг сўнги даврига мансуб бирор асарни кўраман, деб ўйлаган эдим. Қаршимда эса ҳайкалтарошлик санъати барқ уриб яшнаган даврга мансуб дурдона асар турарди. Мени ҳаммадан ҳам шаклнинг ажиб ҳаққонийлиги танг қолдирди. Агар табиат ана шундай мукамал бир кимсани яратишга қодир бўлганида, ҳайкални бирор одамга қараб ясалган, деб ўйласа бўларди.

Пешанасининг устида кўтарилиб турган сочлари бир замонлар зарҳалланган бўлса керак. Ҳамма юнон ҳайкаллариники сингари увоққила боши олд томонга жиддий эгилиб турипти. Чехрасига келсак, ундаги ғалати

ифодани айтиб беришга тилим ожиз. Унинг ифодаси мен эслашга қодир бўлган қадимий ҳайкалларнинг биронтасиникига ўхшамас эди. Бу — юнонларники каби беташвиш ва қаҳрли гўзаллик ифодаси эмас эди. Юнон ҳайкалтарошлари анъанага амал қилиб, ҳамини ҳайкалнинг чеҳрасига улуғвор сокинлик бағишлагарди. Бу ҳайкалда санъаткор газаб қўзғатадиган маккорликни тасвирламоқчи бўлган кўринади. Ҳамма чизиқларда жиндай-жиндай кескинлик бор эди: кўзи бир оз қия боқар, лабининг чеккалари кўтарилганроқ, бурни бир оз керикроқ. Бениҳоя гўзал апа шу чеҳрадан нафрат, истеҳзо ва шафқатсизликни уқини мумкин эди. Бу ажиб ҳайкалга тикилганим сари шундай ғаройиб ҳусн ана шундай ўта шафқатсизлик билан эгизак эканлигини ўйлаб, кучлироқ азоблана бошладим.

— Самовий кучларнинг шундай аёлни яратинга қодир эканига шубҳа қиламан,— дедим мен жаноб де Пейрорада.— Борди-ю, ҳайкалнинг асли бир замонлар ҳаётда мавжуд бўлган бўлса, мен уни севган эркакларга ачинаман. Алам ва изтиробдан уларнинг адоий тамом бўлишини кўриб, бу аёл роса ҳузур қилган бўлса керак. Унинг юз ифодасида аллақандай шафқатсизлик бор. Ҳолбуки, мен ҳеч қачон буздан чиройлироқ ҳуснни кўрган эмасман.

— Ўлжасига бир ўй билан суянган Венера!— деб хитоб қилди жаноб де Пейрорад. Менинг тап қолганим унга ҳузур бағишлаган эди.

Унинг ялтираб турган кумуш кўзлари билан вақт ўтиши туфайли бутун ҳайкал устини қоплаган кўкиш қорамтир қатлам ўртасида зидлик бор эди. Бу зидият унинг чеҳрасидаги иблисона истеҳзо ифодасини янада кучайтирмоқда эди. Унинг ялтироқ кўзлари жонлидай туюларди. Мен ҳамроҳимнинг сўзларини эсладим. Ҳайкал тикилган одамни беихтиёр кўзларини олиб қочишга мажбур қилади, деган эди у. Бу чинга ўхшарди: ҳатто ўзим ҳам мана шу бронза ҳайкал қаршисида аллақандай ўнғайсизлик ҳис қилдим. Буни сезиб, ўзимдан жаҳлим ҳам чиқди.

— Етарли даражада лаззатланиб бўлганимиздан кейин, гўр ковлан бўйича менинг азиз ҳамкасабам,— деди менга мезбоп,— ижозатингиз билан илмий суҳбатни бошласак. Ҳанузгача сиз мана бу ёзувга эътибор берганингиз йўқ. Унинг тўғрисида нима дейсиз?— У ҳайкалнинг паст томонига ишора қилди. У ерда мен қуйидаги ёзувни ўқидим:

## CAVE AMANTEM\*

— Quid dicis, doctissime\*\* — деб сўради у мендан, қўллариши ишқаб.— Кўрайлик-чи, cave amantem талқинида фикримиз бир ердан чиқармикин?

— Бунинг маъноси икки хил бўлиши мумкин,— деб жавоб бердим мен унга.— Уни «Сени севадиган одамдан сақлан, ошиқлардан эҳтиёт бўл», деб таржима қилса ҳам бўлади. Аммо шундай маънода бўлса, лотинча жумланинг услуби бенуқсон деб бўлмайди. Бу аёлнинг чеҳрасидаги иблисона ифодани эътиборга олганда, санъаткор ҳайкал томошабинини унинг даҳшатли ҳуснидан эҳтиёт бўлишга ундамоқчи бўлган деган тахминга мойилроқман. Шунинг учун жумлани «Унинг севгисидан сақлан» деб таржима қилиш мумкин.

— Ҳм...— деди жаноб де Пейрорад.— Шундай талқин қилса ҳам бўлади, албатта. Аммо сиз хафа бўлмангу, мен биринчи таржимангизни маъқул кўрардим. Лекин фикрингизни қўйидагича тарзда тўлдирардим. Венеранинг хуштори ким бўлгани сизга маълумми?

— Унинг хуштори кўп бўлган.

— Ҳа. Лекин биринчиси Вулқон эди. Санъаткор Венерага: «Шунча ҳуснинг ва кибру ҳавойинг билан сенинг хушторинг темирчи, бадбапшара, оқсоқ бўлади», демоқчи эмасмикин? Таннозларга яхши сабоқ бу, афандим.

Мен ўзимни жилмайишдан тўхтата олмадим. Бу талқин менга ҳаддан зиёд зўраки туюлди.

— Ихчам иборали лотин тили хўп ярамас тилда!— дедим мен жаноб де Пейрорад билан мунозарадан қочиб. Ҳайкални тузукроқ кўриш учун бир неча одим орқага тисарилдим.

— Бир дақиқа, ҳамкасаба!— деди жаноб де Пейрорад кўлимдан тутиб.— Сиз ҳали ҳаммасини кўрганингиз йўқ. Яна бошқа ёзув бор. Мана бу супачага чиқиб, ўнг кўлга қаранг.

Шундай деб у менинг супачага чиқишимга ёрдамлашди. Ортиқча такаллуфсиз мен Венеранинг бўйидап қучоқлаб олдим. Энди унинг олдида қисинмай қўйган эдим. Мен ҳатто юрак ютиб, унинг юзига ҳам тик қарардим. Унинг чеҳраси янада ёвуз ва гўзал кўринди. Кейин унинг елкасига антиқа ёзув билан ўйилган бир неча

\* Севгучидан сақлан (лот.).

\*\* Инма дейсан, эй фозил одам? (Лот.)

харфни кўрдим. Кўзойнак ёрдамида синчиклаб тикилиб, ҳар бир ёзувни ҳижжалаб ўқий бошладим. Ҳар сўзин овоз чиқариб ўқиганим сарф, жаноб де Нейрорад қилиқ ва хитоблари билан мени маъқуллаб, сўзларни такрорлаб турди. Мен ўқиган сўзлар мана:

Veneri turbul...  
Eufyches Myro  
Imperio Fecit.

Биринчи қатордаги *turbul* сўздан кейин аввал бир неча харф бўлгандек, кейинчалик улар ўчиб кетгандек туюлди. Аммо *turbul* сўзини аниқ ўқиса бўларди.

— Бу нима дегани?— деб сўради мезбон ёруғ чехра билан. У маккорона жилмаярди, чунки *turbul* деган сўзнинг маъносини чақолмаслигимга амин эди.

— Бунда бир сўз бор экан. Уни ҳеч тушуна олмаяпман. Қолганлари аниқ: «Евтихий Мирон Венеранинг фармойиши билан бу туҳфани қилди».

— Жуда соз. Аммо *turbul* дегани нима? Уни қандай изоҳлаймиз? *turbul*нинг маъноси қандоқ бўларди?

— Ана шу *turbul*га ҳайрон бўляпман-да... Венеранинг менга маълум бўлган сифатларини излаб, бу ерга тўғри келадиганини тополмаяпман. *Turbulenta* дейдиган бўлсак, нима дейсиз? Ғазабнок Венера! Кўриб турибсизки, мен ҳамон унинг чехрасидаги машъум ифодасини кўзда тутяпман. *Turbulenta* Венера учун ёмон сифат бўлмас,— деб қўшиб қўйдим мен камтарлик билан. Чунки изоҳимдан ўзим қаноат ҳосил қилган эдим.

— Ғазабнок Венера денг! Серғалва Венера! Гажир Венера! Менинг маъбудамнинг бирор қовоқхонадаги танноздан фарқи борми, йўқми? Йўқ, афандим, бу Венера виждонлилар жамоасига мансуб. Бу *turbul*ни ўзимча изоҳлашга рухсат бергайсиз... Фақат тадқиқотим босилиб чиқмагунча, кашфиётимни бировга айтиб қўймасликка ваъда беринг. Гап шундаки, мен ўз кашфиётимдан ифтихор қиляпман... Биздек фақир бечораларнинг чекига ҳам бирор нарса тегсин-да... Сизлар етарли даражада бадавлатсизлар, жаноб парижлик олимлар!

Мен ҳали ҳам сушачада эдим. Турган жойимда: «Бу қадар пасткашликка бормапман, кашфиётингизни ҳам ўзлаштириб олмайман», деб таитанали ваъда бердим.

— *Turbul*ни,— деб бошлади у ташқарида биров эпитиб қолмаслиги учун овозини пасайтириб,— *Turbul-nerae* деб ўқиш керак.

— Бунинг маъноси ҳам унча равшан эмас.

— Менга қулоқ солинг. Бу ердан бир миля нарида — тоғ этагида бир қишлоқ бор. Унинг номи Бультернера. Бу лотинча *Turbulnena* сўзининг бузилгани. Сўзларнинг бундай ўзгариши тез-тез учраб туради. Бультернера, афандим, Рим шаҳарчаси эди. Мен буни тахмин қилиб юрардим ҳозирга қадар қўлимда аниқ далил-исботим йўқ эди. Энди далилим бор. Бу Венера Бультернера жамоасининг маҳаллий маъбудаси бўлган. Бультернера деган исм антик замонларда пайдо бўлганини исбот қилиб бердим. Ана шу ном янада диққатга сазовор бошқа бир нарса ҳақида гувоҳлик беради, яъни Бультернера Рим шаҳрига айланишдан аввал Финикия шаҳри бўлган.

Нафасини ростлаб олиш ва менинг лол қолганимдан лаззатланиш учун у бир нафас сўздан тўхтади. Мен кулиб юбормаслик учун зўр-базўр ўзимни тийиб турардим.

— Ҳақиқатда,— деб давом этди у,— *Turbulnena* соф финикийча ном. Тигни *Tug* тарзида талаффуз этилса, *Tug* билан *Sur* сўзлари айнан битта сўз бўлиб чиқади, шундай эмасми? Ҳолбуки, *Sur* Тирнинг финикийча номи. Тирнинг маъносини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. *Bul* ёки талаффуздаги жиндай тафовутини айтмасак, *Bel*, *Bul* — Ваал демакдир. *Nera* масаласига келганда, бир оз қийналиб турибман. Унга мос келадиган финикийча сўз бўлмагани учун *Nera* юнонча *neros* — нам, ботқоқ деган сўздан келиб чиққан, деб тахмин қилишга тайёрман. Ундай бўлса, бу чатишган ном. *Neros* ни тасдиқлаш учун сизга Бультернера яқинида тоғ дарёчалари қўшилган жойда ҳосил бўлган ботқоқликларни кўрсатишим мумкин. Бошқа томондан олсак, нега қўшимчаси кейинги замонларда Тетрикнинг хотини Нера Пивезувия шарафига қўшилган бўлиши мумкин. Бу аёл Турбуль жамоасига бирон кори хайр кўрсатган бўлса ажаб эмас. Лекин ботқоқлик туфайли мен, *neros* дан келиб чиққан, деган тахминни маъқул кўраман.

Жаноб де Пейрорад ҳузур қилиб тамаки ҳидлади.

— Финикияликларни ўз ҳолига қўйиб, ёзувимизга қайтайлик. Мен уни шундай таржима қилардим: «Бультернералик Венерага унинг фармойиши билан Мирон ўзи ясаган мазкур ҳайкални бағишлади».

Мен унинг шарҳига эътироз билдирмай қўя қолдим, аммо ўзим чакана эмаслигимни кўрсатиб қўйиш истаги билан гап қотдим:

— Афв этасиз, афандим. Мирон Венерага бирон нарса бағишлаган бўлса бордир. Аммо у ҳайкални бағишлаган, деб ўйламайман.

— Нега энди!— хитоб қилди у.— Мирон машхур юнон ҳайкалтароши бўлган. Унинг истеъдоди авлоддан авлодга ўтган бўлиши мумкин. Унинг авлодларидан бири бу ҳайкални ясаган. Мен учун бу кундай равшан.

— Аммо,— деб эътироз билдирдим мен,— ҳайкалнинг қўлида кичкина тешик кўряпман. Менимча, бирон нарсани, масалан, билакни улаб қўйишга хизмат қилган. Омади юришмаган ошиқ Мирон гуноҳларини ювиш учун уни Венерага тортиқ қилган бўлса ажаб эмас. Венера ундан ғазабнок бўлган, у эса олтин билак тортиқ этиб, унинг кўнглини юмшатган. Эътибор беринг, *fecit* кўпинча *consecravit*\* маъносида ишлатилади. Булар синоним сўзлар. Ҳозир қўлимда Грутер ёки Ореллиннинг китоби бўлганда, бунақа мисоллардан анчасини қалаштириб ташлардим. Тахмин қилиш мумкинки, ошиқ тушида Венерани кўрган, Венера ҳайкалига олтин билак туҳфа этишни буюргандай бўлган. Мирон унга олтин билак ясаган... Кейин варварларми ёхуд бирон имонсиз ўғрими...

— Кўриниб турибдики, сиз роман ёзишга мойил одам экансиз,— деб хитоб қилди мезбон, тушишимга ёрдам бериш учун қўлини узатиб.— Йўқ, афандим, бу Мирон мактабига мансуб асар. Ишнинг ўзига қарасангиз, менинг фикримга қўшиласиз.

Одатим шунақаки, биронта фикрга ёпишиб олган осори атиқа ишқибозлари билан ҳеч қачон жиддий мунозарага киришмайман. Шунинг учун мен розилик белгиси сифатида унга бош ираб:

— Ажойиб асар!— деб қўя қолдим.

— Вой худойим-ей!— деб қичқириб юборди шошиб Пейрорад.— Яна ваҳшийлик содир бўлипти. Ҳайкалимга кимдир тош отибди.

У Венеранинг кўкраги устида оқариб турган доғга диққатни жалб этди. Шунга ўхшаган доғни мен ўнг қўл бармоқларида ҳам кўрдим. Тош учиб ўтаётиб, бармоқларига теккан ёки ҳайкалга тегиб чатнаганда синиб, синиги қўлни тирнаб кетган бўлиши мумкин, деб ўйладим. Мезбонимга тузда кўз ўнгимда содир бўлган шаккокликни, шаккоклик қилганлар қандай жазоланганини айтиб бердим. У мириқиб кулди-да, чилангарнинг шогирдини

\* *Fecit* — қилди; *consecravit* бахш этди (лот.).



Диомедга қиёс қилиб, унинг ҳам юнон қаҳрамони каби ўртоқлари оққушга айланишига гувоҳ бўлишини тилади.

Нонуштага чорлаган қўнғироқ суҳбатимизнинг белига тенди. Бугун ҳам кечагидек мени тўри кишининг овқатини ейишга мажбур қилишди. Кейин жаноб де Пейрораднинг фермерлари келди. У фермерлар билан гаплашар экан, мени ўғли келин учун Тулузада сотиб олган коляскасини кўргани олиб кетди. Ўзингиздан қолар гап йўқ, коляска менга, албатта, жуда ёқди. Шундан кейин иккимиз отхонага йўл олдик. У ерда отларнинг зотию пойгаларда олган мукофотларини мақтаб, мени ярим соатча банд қилди. Ниҳоят, у кўк байтални келинга совға қилмоқчиман, деб, гапни бўлажак хотинига бурди.

— Бугун у бу ерга келади,— деди у.— Билмадим, сизга ёқармикин? Сиз — парижликлар жуда синчков бўласизлар. Лекин бу ерда ҳам, Перпиньянда ҳам ҳамма уни жозибатор дейди. Энг муҳими, у жуда бадавлат. Унинг Прагадаги холаси бор мол-дунёсини унга қолдирган. О, мен жуда бахтиёр бўламан!

Келиннинг жилвагар кўзларидан кўра сепи ёш йигитга маъқулроқ эканини кўриб, чинакамига ғашим келди.

— Сиз дуру жавоҳирларни яхши биласиз,— деб давом этди Альфонс.— Қани, мана бу нарса ҳақида нима дейсиз? Эртага шу узукни унга совға қилмоқчиман.

Шундай деб, у синчалоғининг биринчи бўғинидан бриллиант кўзли узукни олди. Узук бир-бирига чирмашган икки қўл шаклида ишланган эди. Бу тимсол менга жуда шоирона кўринди. Узук қадимий эди, аммо, менимча, унга бриллиант кўз қўйишаётганида қайта ишланган бўлса керак. Узукнинг ич томонида лотин ҳарфлар билан ёзилган *Sempr'abi*, яъни, «Бир умр сен билан», деган ёзувни ўқиш мумкин эди.

— Чиройли узук экан,— дедим мен,— аммо бриллиантлар туфайли жиндак гўзаллигини йўқотипти.

— О, у ҳозир ўн чандон гўзалроқ бўлиб қолган,— деди Альфонс табассум билан.— Бу бриллиант бир минг икки юз франк туради. Уни менга онам берган. Бу жуда қадимий узук... Рицарлар замонидан қолган. Уни бувим таққан экан. Бувимга бувисидан қолган экан. Худо билсин, қайси замонларда ясалган экан.

— Париждаги одатга кўра,— дедим мен,— келинга оддий узук совға қилинади. Кўпинча икки хил маъдандан, масала, тилла билан платинадан ясалган узук.

Бармоғингиздаги анави узук кўпроқ тўғри келар эди. Бриллиант кўзли бу узук шу қадар қалин эканки, уни таққандан кейин устидан қўлқоп кийиб бўлмайди.

— Майли, бунинг чорасини топиш хотинимнинг иши. Билганини қилар. Менимча, бунақа совға олса, албатта, хурсанд бўлади. Бармоғида бир минг икки юз франкни кўтариб юриш ҳаммага ҳам хуш ёқади. Мана бу узукни эса,— деб илова қилди у қўлини безаб турган силлиқ узукка мамнуният билан тикилиб,— менга Парижда карнавал вақтида бир аёл тақдим қилган эди. Икки йил аввал Парижда бўлганимда хўб ажойиб қушларни кечирган эдим-да! Парижликлар кўнгилхушликни жуда ўрнига қўйишади!

У таассуф билан чуқур хўрсинди.

Уша куни тушлик овқатни Пюнгарида келинникида қилишимиз лозим эди. Биз коляскага ўтириб, Илдан бир ярим миля нарида жойлашган қўрғонга қараб йўл олдик. Мени қадрдон дўстлари сифатида тапиштиришди. Тушлик овқатни ҳам, ундан кейинги суҳбатни ҳам тасвишлаб ўтирмайман. Мен суҳбатда иштирок этмадим ҳисоб! Келин билан ёнма-ён ўтирган Альфонс ўқтин-ўқтин унинг қулоғига алланималарни шивирларди. Келин эса кўзини ердан узмас, куёвнинг гапларини эшитиб, уятчанлик билан қизарар, лекин унга дадил жавоб берарди.

Мадемуазель де Пюнгари ўн саккиз ёшда эди. Унинг хипча қомати куёвнинг бақувват қадди-бастига батамом зид эди. У чиройликкина эмас, бениҳоя жозибадор ҳам эди. Мен унинг ҳамма жавоблари жуда самимийлигидан завқланиб ўтирардим. Юзида эса олижаноблик ифодаси бўлиб, унга жиндай маккорлик ҳам аралашиб кетганди. Бу менга беихтиёр мезбонимнинг Венерасини эслатди. Уларни хаёлан таққослар эканман, ўз-ўзимга савол бердим: ҳайкалдаги ғалати гўзаллик унинг шерга ўхшаб кетишидан эмасмикап, чулки ҳар қандай ғайрат-шижонат ҳатто ёмон ҳирсларда намоён бўлганида ҳам ҳамиша бизни таажжубга солади ва беихтиёр завқимизни қўзғатади!

«Кўп афсус,— деб ўйлардим мен Пюнгарида кетаётиб,— шундай гўзал қиз, бадавлат экан. Номуносиб бир одам сепи деб унга уйланыпти».

Иллга қайтгач, де Пейрорад хопим билан нимани гаплашини билмай гаранг бўлдим. У билан ўқтин-ўқтин гаплашиб турмаса, айб бўларди. Ниҳоят, унга сўз қотдим:

— Сиз — русильонликлар чинакамга эркин фикр-лайдиган одам экансизлар. Хоним, нечун тўйни жума кунига тайин қилдингиз? Биз Парижда сизларга қараганда иримчиროқмиз. Бизда ҳеч ким жума кунни тўй қилишга журъат этмас эди.

— Эй, худойим-ей, сиз сўраманг, мен айтмай!— деб жавоб берди у.— Менга боғлиқ бўлганида-ку, мен, албатта, бошқа кунни танлаган бўлардим. Аммо Пейрорад оёқ тираб туриб олди, кўнишга мажбур бўлдим. Лекин бу кўнглимга тапвиш солиб қўйди. Бирон бахтсизлик рўй берса нима бўлади? Ҳамма одамларнинг жумадан чўчишига бирон сабаб бўлса керак, албатта?

— Жума — Венеранинг кунини!— деб хитоб қилди эри.— Тўй учун маъқул кун. Кўриб турибсизки, қимматли ҳамкасабам, менинг Венерам доим хаёлимда... Чпп сўзим, жумани ҳам Венеранинг шарафига тапладим. Эртага, агар хоҳишингиз бўлса, тўй олдида иккита калтар сўйиб, жиндаи қурбонлик қиламиз. Агар ладан топиш мумкин бўлганда эди...

— Бас қил, Пейрорад!— деб унинг гапини бўлди хотини қаттиқ ғазаб билан.— Сапамга ладан тутатадими? Бу ўта шаккоклик-ку! Кейин бизнинг тўғримизда одамлар нима дейди?

— Жилла бўлмаса,— деди жаноб де Пейрорад,— ҳайкалнинг бошига атиргуллар ва вилуфарлардан гулчамбар қўйишимга рухсат берарсан. *Manibus date liliaplenis.* Кўриб турибсизки, афандим, конституция номигагина конституция. Бизда имон эркинлиги йўқ!

Эртасига қилинадиган ишлар режаси белгиланди. Ҳамма соат ўнга башанг кийиниб, тайёр бўлиб турмоғи лозим. Эрталаб шоколад ичилгач, биз коляскада Пюигаригга жўнаймиз. Қишлоқ маҳкамасида куёв-келини рўйхатдан ўтишади, қўрғон ёнидаги кичкина черковда никоҳ ўқилади. Кейин нонушта қилинади. Нонуштадан сўнг кечки соат еттигача ҳамманинг ихтиёри ўзида бўлади. Соат еттида Иллга — жаноб Пейрорадникига қайтилади. Бу ерда иккала оила учун кечки овқат тортилади. Қолганлари изоҳ талаб қилмайди. Чунки рақс қилиш мумкин бўлмагани учун зиёфатни имкон борича чўзишга аҳд қилинди.

Эрталаб соат саккиздан бошлаб меп қалам-қоғоз билан Венеранинг қаршисига ўтириб олиб, йигирма мартача ҳайкалнинг бошини суратга туширмоқчи бўлдим,

\* Сахпий қўл-ла вилуфар қўйинг. (Лот.)

аммо унинг ифодасини илғаб ололмай хунобим чиқди. Жаноб де Пейрорад теварагимда гирдикапалак бўлиб, менга маслаҳатлар берар, финикия тили ҳақидаги гапларни такрорларди. Кейин ҳайкалнинг оёқ остига бир даста бенгал атиргулларини қўйиб, ҳам кулгили, ҳам фоже бир қиёфада ҳайкалга мурожаат қилиб, унинг уйида яшаши лозим бўлган куёв-келинга бахт-саодат ато қилишни сўраб илтижо қилди. Соат тўққизларда ясениб чиқиш учун уйига кириб кетди. Шу лаҳзанинг ўзида Альфонс пайдо бўлди. Унинг янги костюми гавдасига ёпишиб турар, қўлида оқ қўлқоп, оёғида лакланган туфли, қўйлагининг енгиде қимматбаҳо илма тугма, костюмининг қайтарма ёқасида гул бор эди.

— Хотинимнинг суратини ишлаб бермайсизми?— деди у мен чизган суратларни эгилиб кўрар экан.— У ҳам хуснда чакки эмас.

Шу пайт аввал эслатиб ўтганим тўп ўйинига мўлжалланган майдонда ўйин бошланиб қолди. Альфонс дарҳол ўйинга қизиқиб кетди. Чарчаб, бу иблисона чехрани суратга туширишдан ноумид бўлиб, ишимни йиғиштирдим-да, ўйнаётганларни томоша қила бошладим. Уларнинг орасида кеча хачир ҳайдаб келган бир неча испан бор эди. Улар арагонликлар ва навараликлар бўлиб, ҳаммаси ҳам ғоят эпчил, чапдаст йигитлар эди. Шунинг учун шу ерда турган Альфонс йўл-йўриқ кўрсатиб, далда бериб турган бўлса-да, Илль ўйинчилари орадан кўп ўтмай келгинди усталарга ютқизиб қўйишди. Маҳаллий томошабинлар буни кўриб эзилиб кетишди. Альфонс соатига қаради. Энди тўққиз ярим бўлган эди. Онаси ҳали сочини тараб улгурмаган эди. У иккиланишни йиғиштирди-да, фракини ечиб, кимпингдир курткасини кийди ва испанларга дов бўлди. Мен унга таажжуб билан жилмайиб қарадим.

— Шаҳарга иснод келтирмаслик керак,— деди у.

Энди у менга ҳақиқатан ҳам чиройли бўлиб кўринди. У аҳтиросга берилиб кетган эди. Яқиндагина бутун фикри зикрини банд қилиб турган янги костюми ҳозир унинг учун ўз қадри қимматини бутунлай йўқотган эди. Бир дақиқа аввал бўйинбоғи қийнаиб қолишдан кўрқиб, бошини буришдан чўчирди. Ҳозир эса ўзининг жингалак сочларини ҳам, нафис бурмали кўйлагини ҳам унутиб юборганди. Қаллигини-чи?..

О, ўйлаيمانки, зарур бўлиб қолса, у тўйни кечиктиришдан ҳам тоймасди. Мен унинг шоша-пиша енгил оёқ кийимини кийиб, енгини шимарганини ва Диррахия

ёнида кўшинларини тўплаган Цезарь каби комил ишонч билан мағлубларга бош бўлганини кўрдим. Мен чакалак ихотадан ошиб ўтиб, темир дарахтининг соясига иккала томонни ҳам бемалол кўрса бўладиган жойга ўрнашиб ўтириб олдим.

Кутганимдай бўлмади, Альфонс бир неча тўпни ўтказиб юборди. Рост, бир арагонлик испан бениҳоя зўр куч билан отган тўп ердан сапчиб кетди. У испанларнинг бошлиғи кўринарди. Ешлари қирқлар чамасида, озгин ва асабий, бўйи олти фут, териси зайтун рангида, қоралиғи худди Венеранинг бронза ҳайкалига ўхшайди.

Жаноб Альфонс ракеткасини газаб билан ерга улоқтирди.

— Бунга лаънати узук айбдор!— хитоб қилди у.— Бармоғимни шундай қисяптики, бириччи зарбда хато қилдим.

У бриллианг узукни бармоғидан чиқарди. Мен узукни олай деб унинг ёнига бордим, аммо у мендан олдинроқ Венеранинг ёнига югуриб борди-да, узукни унинг номсиз бармоғига тақиб қўйди. Кейин жойига қайтиб, яна Илль ўйинчиларига бошчилик қила бошлади.

Унинг ранги оқариб кетган, аммо ўзи хотиржам ва қатъиятли эди. Шундан кейин у бирон марта ҳам адашмади. Испанлар мағлубиятга учрашди. Ғалаба нашъасини сураётган томошабинларга қараш ёқимли эди: улар шодланиб қичқиришар, бош кийимларини осмонга иргитишар, кўплари голибнинг қўлини қисиб, уни шахримизнинг ифтихори деб мақташарди. Агар у босиб келган ёвнинг ҳамласини даф қилган тақдирда ҳам, мепимча, уни ҳозиргидан оташинроқ ва самимийроқ табрик-лашмаган бўларди. У қилган ғалабанинг шавкати мағлубиятга учраганларнинг жаҳлини чиқарди.

— Бир илож қилиб, яна бир ўйнаймиз, азизим,— деди у арагонликка беписанд оҳангда.— Аммо мен сизга олдиндан бир неча очко бериб қўяман.

Мен, албатта, Альфонснинг камтарроқ бўлишини истардим. Рақибини хўрлаганидан анча ранжидим.

Баҳайбат испанга бу сўзлар ҳақорат бўлиб тегди. Унинг қорачадан келган юзи бўзариб кетганини кўрдим. Қовоғини уйиб, ракеткасига қаради-да, тишини тишига қўйиб бўғиқ, овозда минғирлади: «Melo pagaras.\*»

Жаноб де Пейрораднинг овози ўглининг нашидасини

---

\* Бунинг учун жавоб берасан. (Лот.)

бўлди. Мезбоним ўғлини ҳовлида учратгач, ҳайрон бўлди, уни терлаган ҳолда, қўлда ракетка билан кўриб янада ажабланди. Ҳовлидаги янги коляскани тайёрлаб қўйишган эди. Альфонс уйга югуриб кириб, юз-қўлини ювиб чиқди, кейин янги фрак ва лакланган туфлисини кийиб олди. Беш минутдан кейин биз Пюигариг йўлидан коляскага қўшилган отларни йўрттириб борар эдик. Шаҳардаги тўп ўйнайдиганларнинг ҳаммаси бир тўда томошабин билан орқамиздан бақириб-чақириб, югуриб келишарди. Бизни тортиб бораётган бақувват отлар толиқмас каталонликлардан зўр-базўр ўзиб боришарди.

Шу тарзда Пюигаригга етиб бордик. Тўйга йиғилганлар қишлоқ маҳкамасига жўнашга ҳозирлик кўришаётган экан, Альфонс «шап» этиб пешанасига урди-да, менга секингина деди:

— Эсим қурсин. Узукни унутиб қолдирибман. Жин урсин, у Венеранинг бармоғида қолаверипти. Бу тўғрида онамга оғиз очманг, эҳтимол, у ҳеч нарсани пайқамас.

— Олиб келгани бировни жўнатинг,— дедим.

— Эҳ, хизматкорим Илда қолган эди! Буларнинг ҳеч қайсисига ишонмайман. Бир минг икки юз франкли бриллиант ҳар қандай одамни ҳам йўлдан оздиради. Бунинг устига, паришонхотирлигим дарров тилларда дoston бўлиб кетади. Менинг устимдан кула бошлайдилар... Ҳайкалнинг эри деб ном қўйишади... Узукни ўғирлаб кетишмаса гўрга эди. Бахтимга, бизнинг йигитлар самдан ўлгудай қўрқишади. Улар унинг ёнига яқин боришдан чўчишади. Ҳечқиси йўқ, бир иложини қилармиз. Менда бошқа узук бор.

Қишлоқ маҳкамасида ҳам, черковда ҳам расм-русмлар ғоят таптанавор ўтди. Мадемуазель де Пюигаригга парижлик тапнознинг узуги тегди. Қиз бечора куёв унга бошқа бир аёл муҳаббатининг рамзи бўлмиш буюмни туҳфа этганини хаёлига ҳам келтирмас эди.

Кейин стол теварагига ўтириб, ейилди-ичилди, ҳатто қўшиқ айтилди. Буларнинг ҳаммаси жуда чўзилди. Келин атрофида содир бўлаётган хашаки кўнгилхушлик мени қиз учун изтироб чекишга мажбур қилди. Аммо қизнинг ўзини тутуши мен кутганимдан аълороқ эди. Унинг пбоси хижолатдан ҳам эмас, ясама ҳам эмас эди.

*Эҳтимол, мардлик қийин вазият билан бирга келар...*

Худонинг хоҳиши билан нонушта тугаганида соат тўртга яқинлашиб қолганди. Эркаклар боғда сайр қила

бошлашди. Боғ жуда тароватли эди. Уларнинг бир қисми байрам либосларини кийиб олган пюигариглик деҳқон жувонларнинг рақсини томоша қила бошлашди. Улар қаср олдидаги майсазорда рақс тушишарди. Шу тарзда бир неча соатни жувонмарг қилишга муваффақ бўлдик. Бу орада аёллар келиннинг теварагига тўпланиб олиб, тўёнага келган совғаларни завқланиб томоша қилишарди. Кейин келин кийимини ўзгартирди. Мен разм солсам, у бошига *жиғали шляпа* кийиб, томоғидан танғиб олибди. Аёл зоти шунақа — *қизлик вақтида ман қилинган либосни иложи борича тезроқ кийиб олишга ошиқади.*

Қайтишга отланганимизда соат санжизлар бўлиб қолган эди. Аммо йўлга тушишимиздан олдин кишини ҳаяжонга соладиган бир воқеа бўлиб ўтди. Мадемуазель де Пюигаригга она ўрнида оналик қилган кекса художўй холаси биз билан бирга шаҳарга кетмайдиган эди. Хайрлашишдан аввал у жиянига аёлнинг оиладаги бурчи ҳақида таъсирли насиҳат қилди. Бунинг оқибатида кўз ёшлари дарё-дарё бўлиб оқиб, бир-бирини қайта-қайта бағрига босишлар содир бўлди. Жаноб де Пейрорад жўнаб кетишимизни сабинянкаларнинг ўғирланишига қиёс қилди. Ниҳоят, йўлга чиқишга муваффақ бўлдик. Бутун йўл давомида ҳар биримиз келиннинг кўнглини хушлаб, кўлдиршишга уриндик, аммо барча уринишлар беҳуда бўлди.

Илда бизни кечки зиёфат кутмоқда эди. Зиёфат бўлганда ҳам қандоқ денг! Агар эрталабки қўпол кўнгилхўшликлардан анча ранжиган бўлсам, асосан куёв билан келинга тегизиб айтилган илмоқли гаплар ва тағдор ҳазиллар оғир ботган эди. Стол теварагида ўтиришдан аввал бир дақиқа аллақайёққа бориб келган куёв ранги қочган ва ғалати бир тарзда жиддий қиёфада эди. У кучи ароқникидан қолишмайдиган қадимий кольюр виносини тўхтовсиз ичарди. У билан ёнма-ён ўтирганимдан, уни бир оз тергашни бурчим деб билдим:

— Эҳтиёт бўлинг! Айтишларича бу вино...

Ҳамтовоқлардан орта қолмаслик учун мен ҳам аллақандай бир бемаъни гапни айтдим.

У тиззаси билан мени туртиб шипшиди:

— Столдан турганимиздан кейин... сизга бир-икки оғиз гапим бор.

Унинг таънавор оҳангига ҳайрон бўлдим. Унинг чехрасига синчиклаб разм солиб ғалати ўзгариш борлигини сездим.

— Ўзингизни ёмон ҳис қиляпсизми?— деб сўрадим мен.

— Йўқ!

У яна ичишга тутинди.

Бу орада меҳмонларнинг қувноқ нидоси ва қарсақлари остида стол остига кириб олган ўн бир яшар бола ҳаммага бежиримгина оқ пушти лентани кўрсатди. Бола уни келиннинг пайпоғидан кесиб олипти. Бу пайпоқни тутиб турадиган боғич эди. Шу заҳоти уни майдалаб қирқиб, ёш-ялангларга бўлиб беришди. Эски расм-русларга амал қиладиган оилаларда ҳанузгача давом этаётган қадимий одатга кўра улар лентанинг қийқимларини ёқаларига тақиб олишди. Буни кўриб, келин қулоқларигача қизариб кетди... Лекин жаноб де Пейрорад ҳаммани тинчитиб, ўзининг айтишича, ҳозиргина тўқиган каталонча шеърини ўқиб берганида, келиннинг хижолат чекиши янада зўрайди. Менинг тушунишимча, шеърнинг мазмуни бундай эди:

«Нималарни кўряпман, дўстлар! Ёхуд ичган майимдан ҳамма нарса кўзимга қўш кўриняптими? Бу ерда — қаршимда икки Венера...»

Куёв тўсатдан юзида даҳшатли ифода билан бошини бурди. Унинг юзидаги ифодани кўриб ҳамма кулиб юборди.

«Ҳа,— деб давом этди жаноб де Пейрорад,— менинг кулбамда икки Венера бор. Бири бамисоли кўзиқорин, ер қаъридан топдим. Иккинчиси эса самодан тушиб келиб, ҳозир белбоғини ҳаммамизга улашди...»

У боғичини демоқчи эди.

«Ўғлим! Истасанг, майли, Рим Венерасини ол, истасанг, каталон Венерасини! Маккор ўғлим аллақачон каталон Венерасини танлабди. Унинг диди ўткир. Рим Венераси қора, каталон Венераси оппоқ. Рим Венераси совуқ, каталон Венерасининг оташи яқинлашган кимсани қуйдириб, жизгинак қилади».

Сўнгги сўзлардан хурсанд бўлиб, шундай қийқириқ кўтаришди, шундай қаҳ-қаҳ уриб кулишди, шундай берилиб қарсақ чалишдики, шифт бошимизга қулаб тушмаса эди, деб хавотирлана бошладим. Фақат уч кишининг — куёв билан келину менинг қиёфам жиддий эди. Бошим қаттиқ оғрий бошлади. Негалигини билмайман, тўйлар ҳаммаша менда аллақандай ғамгинлик уйғотади, бутунгиси эса устига-устак, унча ҳушимга ўтирмади.

Зиёфат охирида шаҳар бошлиғининг ёрдамчиси қўшиқ айтди. Айтиш керакки, қўшиғи анча беибо эди.



Туп яримлаб қолганди. Шундан сўнг меҳмонхонага чиқиб, келини ётоқхонага узатишга қандай тайёрланишларини томоша қила бошладик.

Альфонс мени дераза олдига бошлаб борди-да, бир чеккага қараб туриб, гапирди:

— Сиз мендан кулсангиз керак, албатта... Мен билан нима бўлаётганини билмай қолдим... Биров сеҳрлаб қўйганга ўхшайди...

Монтень билан де Севинье хопим ҳикоя қилиб берганга ўхшаш хавф-хатарлардан биронтаси унга таҳдид солмаётганини, деган фикр кечди хаёлимдан: «*Инсон севгисининг тарихи фожиаларга тўла*» ва ҳоказо...

«Мен ҳаминша бунга ўхшаш воқеалар ақли ўткир одамларнинг бошидан кечади, деган фикрда эдим», деб ўйладим:

— Қольюр виносидан жуда кўп ичдингиз-да,— дедим мен унга,— сизни огоҳлантирувдим-ку!

— Ҳа, рост айтасиз. Аммо даҳшатли бир воқеа рўй берди.

Унинг овози бўлинди. Менга у ҳаддан зиёд мастдек туюлди.

— Узугим эсингиздами?— деб давом этди у бир оз сукутдан сўнг.

— Ҳа, албатта! Ўғирлаб кетишингизми?

— Йўқ!

— Демак, ўзингизда экан-да?..

— Йўқ... Мен... мен уни анави алвасти Венеранинг бармоғидан чиқариб ололмадим.

— Қўйсангиз-чи! Қаттиқроқ тортмаган бўлсангиз керак.

— Жоп-жаҳдим билан тортдим... Аммо Венера бармоғини букиб олди...

У менга саросимали назар билан тикилиб турар, йиқилиб тушмаслик учун ромни ушлаб олган эди.

— Нималар деяпсиз ўзи!— дея хитоб қилдим мен.— Сиз узукни бармоқнинг охириги бўғинига тақиб қўйган бўлсангиз керак. Эртага омбур билан суғуриб оласиз. Фақат ҳайкалга шикаст етмасин.

— Йўқ, ундай эмас, деяпман-ку! Венера бармоғининг ҳолатини ўзгартирди. У бармоғини букиб олди, тушундингизми?.. Модомики, мен унинг қўлига узук таққан эканман, демак, у менинг хотишим бўлди... У узукни қайтариб беришни истамади.

Вужудимда титроқ сездим, орқамдан чумоли ўрмалаётгандай бўлди. Шу пайт у чуқур хўрсинди. Димоғим-

а гуп этиб вино ҳиди урилди. Бир зумда ҳаяжоним тарқаб кетди. «Бу такасалтанг ғирт маст», деб ўйладим мен.

— Сиз, афандим, осори атиқашуносиз,— деб давом этди у шикоятомуз оҳангда,— ҳайкалларни яхши биласиз... Эҳтимол, уларда менга номаълум бўлган биронта мурувват ёки сир бордир... Юринг, кўрамиз!

— Бажону дил,— деб жавоб бердим.— Юринг, бирга борамиз.

— Йўқ, яхшиси, ўзингиз бора қолинг.

Мен меҳмонхонадан чиқдим.

Биз овқатланиб ўтирганимизда, ҳаво айниб, шаррос ёмғир қуя бошлаган эди. Мен соябон сўраб олмоқчи бўлдим, бироқ бир мулоҳаза мени тўхтатиб қолди. «Маст одамнинг гапига кирганнинг ўзи тентак,— дедим ўз-ўзимга.— Сирасини айтганда, у калтафаҳм ҳамюртларига эрмак бўлсин деб, менинг устимдан кулмоқчи бўлган, холос. Унинг гапига кирадиган бўлсам, камида ёмғир суякларимни зирқиратадию тумов бўламан».

Мен остонада туриб, ҳайкалга қарадим. Унинг устидан ёмғир сувлари оқиб тушмоқда эди. Кейин меҳмонхонага кирмай, ўз хонамга қараб йўл олдим. Ўринга ётдим, анчагача уйқум келмади. Кун бўйи кўрганларим хаёлимдан чиқмасди. Мен қўпол, пияниста йигитнинг қўлига тутқазилган гўзал ва маъсума қизни ўйлардим. «Тама билан уйланиш нақадар ярамас нарса!— дердим ўзимга-ўзим.— Шаҳар бошлиғи уч рангли лентасини тақади, кашпиш жомасини кияди. Қарабсизки, дунёдаги энг муносиб қиз Минотаврнинг қўлига тушади. Бир-бири билан муҳаббат иплари орқали туташмаган икки кимса ошиқ-маъшуқлар жон фидо қилса арзийдиган дақиқаларда бир-бирига нимани гапиреди? Аёл киши ўзига нисбатан бир марта қўполлик қилган эркакни севиб қола оладими? Биринчи таассурот ҳеч қачон изсиз йўқолиб кетмайди. Аминманки, Альфонс ҳали хотинининг нафратига сазовор бўлади...»

Мен бу ерда жуда қисқартириб келтираётган ана шу хаёлларим давомида уйда у ёқ-бу ёққа юришганини, очилиб ёпилаётган эшикларнинг тарақлаши, жўнаб кетаётган коляскаларнинг тўқиллашини эшитиб ётдим. Кейин зинада йўлакнинг нариги томонига — мен ётган хонанинг рўпарасига ўтган аёлларнинг қадам товуши қулогимга чалинди. Афтидан, улар келини ўрнига олиб боришмоқда эди. Шундан кейин аёллар зинадан пастга тушиб кетишди. Де Пейрорад хоним ётадиган хонанинг

эшиги ёпилди. «Қиз бечора роса хижолат чекаётган бўлса керак!» деб ўйладим. Бениҳоя бузуқ бир кайфият билан тўшагимда бесаранжом ётардим. Тўй бўлаётган уйда ётган бўйдоқнинг аҳволи нима бўларди?!

Бир неча муддат сукунат чўкди. Кейин бирдан зинада гурсиллаган қадам товуши сукунатни бузди. Зинанинг ёғоч пиллапоялари қаттиқ ғирчиллади. «Вой тўнгакэй!— деб хаёлан хитоб қилдим.— Йиқилиб тушмаса гўрға эди».

Кейин яна ҳамма ёқ жимиб қолди.

Мен хаёлларимни чалғитиш учун қўлимга китоб олдим. Бу департаментнинг статистик ҳисоботи бўлиб, унга жаноб де Пейрораднинг Прад вилоятидаги друид ёдгорликлари ҳақидаги мақоласи ҳусн бўлиб тушган эди. Китобнинг учинчи саҳифасига етганда ухлаб қолибман. Мен жуда бесаранжом ухладим, бир неча марта уйғониб кетдим. Тўсатдан хўроз чақириб қолди, ўшанда, чамаси, соат эрталабки бешлар эди, уйғониб кетганимга йигирма минутдан ошиб қолганди. Тонг яқинлашиб келмоқда. Шу пайт яна кўзим уйқуга кетишдан аввал қулоғимга чалинган овозларни — кимнингдир гурсиллаган қадам товушини, зинанинг ғижирлашини аниқ эшитдим. Бундан ғоят таажжубга тушдим. Эснай-эснай, Альфонс қандай зарурият билан бу қадар эрта турганини топишга уриниб кўрдим, аммо ақл бовар қиладиган бирон сабаб тополмадим. Яна қайтиб кўз юммоқчи бўлган эдим, ғалати бир шовқин-сурон эътиборимни жалб қилди. Бу шовқин-суронга орадан кўп ўтмай қўнғироқнинг жаранги, эшикнинг тарақ-туруқи қўшилди, ниҳоят, қичқирган овозлар эшитилди. «Пиянистамиз бирон жойга ўт қўйиб юборганга ўхшайди-ку?» деган фикр хаёлимдан ўтди-да, сапчиб ўрнимдан турдим.

Апил-тапил кийиниб, йўлакка чиқдим. Унинг нариги бошидан одамларнинг бақириб-чақириши, аянчли йиғи овози эшитиларди. Кимдир юракни эзиб юборадиган оҳангда:

— Ўғлим! Ўғлим!— деб ғиғон чекарди.

Альфонснинг бошига бир фалокат тушгани аниқ эди. Мен кувё билан келиннинг ётоғига югуриб кирдим. У ерда одам тирбанд эди. Биринчи кўзим тушган одам Альфонс бўлди. У синган каравотнинг устида кўндаланг тушиб, ярим яланғоч ҳолда ётарди. У мурдага ўхшаб бўзариб кетган, ҳаёт нишонидан маҳрум эди. Онаси олдида турганича йиғлаб-сиқтарди. Жаноб де Пейрорад эса саросима ичида унинг чаккасига атир суртар, бурни-

га дори солинган пишачаларни тутарди. Аммо, минг таассуфки, унинг ўгли аллақачон оламдан ўтган эди. Хонанинг париги томонида — диван устида келин жон талвасасида азоб чекарди. У қандайдир тушуниб бўлмайдиган гапларни ғулдурад, иккита бақувват оқсоч аёл уни зўр-базўр эплаб ушлаб туришарди.

— Эй худоийим! Нима бўлди? — дедим мен.

Қаравотнинг олдига бориб, бечора йигитнинг жасадини кўтариб кўрдим. У аллақачон совиб, қотиб қолган эди. Қисилган тишлари ва қорайиб кетган юзидан даҳшатли азоб чеккани сезилиб турипти. Унинг бировнинг қўлидан нобуд бўлгани ва умрининг сўнгги дақиқалари даҳшатли бўлгани кўриниб турарди. Аммо кийимида бирор томчи ҳам қон изи кўринмасди. Мен унинг қўйлагини ечиб, кўкрагида, биқинида, орқасида моматалоқ изларни кўрдим. Гўё биров уни темир исканжа орасига олгандай эди. Оёғим гилам устида ётган аллақандай қаттиқ буюмга ботди, эгилиб қарасам, бриллиант кўзли узук.

Мен жаноб де Пейрорад билан хотинини уларнинг хонасига олиб кирдим. Сўнгра келинни ҳам шу ерга олиб келишни буюрдим.

— Қўйинг, энди ҳаёт қолган қизингизни ўйланг, — дедим уларга. — Унинг саломатлиги тўғрисида қайғуринглар.

Шундай деб хонадан чиқиб кетдим.

Альфонс аллақандай суиқасднинг қурбони бўлганига, қотиллар қандайдир йўл билан куёв-келинининг хонасига кириб олганига ишончим комил эди. Лекин унинг баданини ҳалқадай ўраб олган моматалоқ изларга ҳайрон эдим — улар таёқ ёки темир билан уришдан ҳосил бўлмагани кўриниб турарди. Лон этиб эсимга бир гап тушди: бировни ўлдиришга ёлланган валенсиялик қотиллар қатл қилиниши лозим бўлган одамни ўлдиришда ичига майда қум тўлдирилган узун чарм қоплардан фойдаланишар экан. Шу заҳоти арагонлик испан хаёлимга келди — унинг пўписасини эсладим. Аммо, шундай бўлсада, арзимаган беҳуда бир гап учун унинг шу қадар ёвузлик билан ўч олиши мумкин, деб ўйлаш амримаҳол эди.

Мен уйни титкилаб, бирон синган, ўпирилган, бузилган жойни қидирдим, аммо ҳеч қандай из тополмадим. Суиқасдчилар ҳовли томондан кирмаганмикан, деган гумон билан боққа чиқиб, у ерни синчиклаб қараб чиқдим. Аммо бу ерда ҳам ҳеч қандай шубҳали нарса топилмади. Шуниси ҳам борки, кеча шаррос ёққан ёмғирдан ер

пу қадар намиқиб қолган эдики, унда қадам изи аниқ сақланиб қолмаслиги ҳам мумкин эди.

Шундай бўлса ҳам ерда бир печа жойда қадам изи борлигини кўрдим. Улар бир чизик бўйлаб, икки қарама-қарши томонга йўналган эди — тўп ўйнайдиган майдонга ёпишган чакалак иҳотадан бошланиб, уйнинг эшиги олдида тамом бўларди. Бу Альфонс ҳайкалнинг олдида бармоғидаги узукни оламан деб борганида қолдирган излар бўлиши мумкин эди. Айтганча, чакалак иҳота бу ерда бошқа жойлардагига қараганда сийракроқ эди — қотиллар худди шу ердан ўтган бўлишлари ҳам мумкин эди. Ҳайкал теварағида тентираб юриб, бир лаҳза тўхтадим-да, унга кўз тапладим. Очиғини айтсам, бу гал унинг чехрасидаги ёвуз истеҳзоли ифодага қараб, юрагим орқага тортиб кетди. Ҳозиргина ўз кўзим билан кўрган даҳшатли воқеалар таъсирида бу уйнинг бошига тушган фалокатдан мамнун бўлиб, тантана қилаётган дўзахий маъбудани кўраётгандай бўлдим.

Мен хонамга қайтиб бориб, пешингача ташқарига чиқмадим. Кейин мезбонларимнинг ҳолидан хабар олиш учун чиқдим. Улар бир қадар тинчган эдилар. Мадемуазель де Пюигариг, аниқроғи, Альфонснинг беваси ўзига келипти. У ҳатто қирол прокурори билан ҳам гаплашипти. У Перпиньяндан келаётиб, йўл-йўлакай Илда тўхтаган экан. Келин унга билганларини айтиб берипти. У мен билан ҳам гаплашиш истагини билдирди. Мен ҳам билганларимни айтиб бердим, арагонлик ҳақидаги шубҳамни ҳам яширмадим. У арагонликни дарҳол ҳибсга олиш ҳақида буйруқ берди.

— Жаноб Альфонснинг бевасидан бирор муҳим гапни билолмадингизми?— деб сўрадим қирол прокуроридан, мен гувоҳ сифатида айтган гаплар ёзиб олишиб, уларга имзо чекканимдан сўнг.

— Бечора жувон эс-ҳушини йўқотиб қўйипти,— деди у менга ғамгин жилмайиш билан.— У бутунлай ақлдан озипти, бутунлай. Унинг гапини эшитинг. Унинг гапига қараганда, у каравоти устидаги чодир пардани туширганча ётган экан. Қўққисдан эшик очилиб, биров кирганини сезибди. Шу дақиқада кенжа де Пейрорад хоним тўшакнинг бир чеккасида юзини девор томонга ўгириб ётган экан. Кирган одам эрим, деб ишонганидан қимирламай ётаверишти. Шу чоқ аллақандай оғир юк қўйилгандай каравот қарсиллаб кетипти. Келин жуда қўрқиб кетипти-ю, лекин юзини буришга журъат этмапти. Шу аҳволда беш минутми, ўн минутми ўтипти. Қанча

вақт ўтганини аниқ билмайди. Кейин келин беихтиёр бирон ҳаракат қилганми ёки каравотдаги махлуқ вазиятини ўзгартирганми, ҳар ҳолда жувон, унинг сўзлари билан айтганда муздай совуқ бир нарса баданига текканини ҳис қилган. У бутун вужудида титроқ туриб, яна каравотнинг бир чеккасига сурилиб олган. Яна бир оз ўтгач, иккинчи марта эшик очилган ва кирган одам: «Салом, рафиқам», деган. Шунинг кетидан каравотнинг чодир пардаси кўтарилган. Жувон бўғиқ ҳайқириқни эшитган. Каравотда келин билан ёнма-ён ётган аёл туриб ўтириб, қўлларини олдинга чўзгандай бўлган. Шунда келин бошини ўгириб қараган. Қарагану, эрини кўрган. Унинг айтишича, эри каравот олдида тиз чўкиб турган эмиш, унинг боши ёстиқ билан баравар эмиш. У аллақандай баҳайбат кўм-кўк махлуқнинг қучоғида эмиш. У махлуқ даҳшатли бир куч билан эрини қисаётган эмиш. Бечора жувон йигирма мартача такрорлаб, мени ишонтирмоқчи бўлди — у махлуқни танипти. Биласизми, ким экан у махлуқ — жаноб де Пейрорадининг ҳайкали, бронза Венера экан... Ҳайкал бу ерда пайдо бўлгандан бери ҳаммани эс-ҳушидан айирди. Ақлдан озган бечора қизнинг ҳикоясига қайтайлик. Бу манзарани кўриб, жувон ҳушидан кетишти. Афтидан, бундан бир дақиқа аввал ақлдан озган бўлса керак. Қанча вақт ҳушсиз ётганини у тахминан бўлса ҳам айтиб беролмайпти. Ҳуши ўзига келганидан кейин яна ўша махлуқни ёки унинг айтишича, ҳайкални кўрипти. Ҳайкал каравот устида бир оз эгилиб, ҳаракатсиз ўтирибди. Унинг қўлларида эрининг ҳаракатсиз гавдаси эмиш. Хўроз чақирпти. Шунда ҳайкал каравотдан тушипти, жасадни каравотга ташлапти-да, чиқиб кетишти. Жувон жон ҳолатда қўнғироқ чалиб, одам чақирпти. Қолганини ўзингиз биласиз.

Испани олиб келишди. У хотиржам қиёфада эди — бамайлихотир, қизишмай ўзини ҳимоя қилди. У мен эшитган сўзларни айтганини рад қилмади, лекин уларни, «яхшилаб дам олиб олгач, эртага рақибимни, албатта, енгаман» деган маънода айтганман, деб изоҳлади. У яна илова қилди:

— Арагонлик бировдан ҳақорат эшитса, ўч олишни кечиктирмайди. Жаноб Альфонс мени хафа қилиб қўйган бўлса, мен шу ернинг ўзида қорнига пичоқ санчардим.

Унинг оёқ кийимини боғдаги қадам изи билан солиштириб кўришди — из анчагина кичкина эди. Бунинг ус-

тига, бу одам тушган меҳмонхонанинг эгаси гувоҳлик бериб, арагонлик туни билан ҳеч қаёққа жилгани йўқ, бетоб бўлиб қолган хачирини даволаб чиқди, деди.

Умуман олганда, арагонлик анча бообрў одам экан. Бу юртларга савдо-сотиқ ишлари билан ҳар йили келиб турадиган бўлгани учун бу ердагиларнинг кўпчилигига яхши маълум экан. Ундан узр сўраб, қўйиб юборишди.

Мен хизматкорнинг кўрсатмаларини айтишни унутибман — у энг охирги бўлиб Альфонсни тирик кўрган экан. У хотинининг олдига кириб кетишдан аввал хизматкорни чақириб, серташвиш қиёфада менинг қаердалигимни суриштирипти. Хизматкор: «Кўрганим йўқ», — деб жавоб берипти. Шунда Альфонс чуқур сўлиш олипти-да, бир зум индамай тургач: «Уни ҳам алвасти кўтариб кетдимикин?» — депти.

Мен у одамдан Альфонс гаплашаётганда бармоғида бриллиант узуги бўлган-бўлмаганини сўрадим. У бир оз ўйланиб қолди, кейин «узук йўқ эди шекилли», деб жавоб берди, узукка унча эътибор бермаган эмиш.

— Агар қўлида узуги бўлганда эди, — деб гапини тугатди у, — мен уни, албатта, кўрган бўлардим. Узукни хотинига тақдим этганига ишончим комил эди-да...

Бу одамни сўроққа тутар эканман, Альфонснинг хотини айтган гаплардан кейин бутун уйни чулғаб олган аллақандай хавотирлик туйғуси менинг юрагимда ҳам ғулу қила бошлади. Қирол прокурори менга илжайиб қараб қўйди. Мен ортиқ суриштиришни бас қилдим.

Альфонс дафн этилгандан бир неча соат ўтгач, мен Илдан жўнаб кетиш учун отлана бошладим. Жаноб де Пейрорадининг коляскаси мени Перпиньянга элтиб қўйиши керак эди. Бечора қария мажолсизлигига қарамай, мени боғ дарвозасигача кузатиб қўймоқчи бўлди. Биз сукут ичида боғдан чиқдик. У қўлимга суяниб олган, зўрға қадам қўярди. Айрилиш чоғи мен сўнги дафъа Венерага назар ташладим. Ҳайкал оила аъзоларида кўзгаган нафрат ва қўрқув туйғуси мезбонимга ёт бўлса ҳам, у дақиқа сайин даҳшатли фалокатни эсига солиб турадиган буюмдан воз кечмоқчи эканини ҳис қилдим. Мен уни ҳайкални музейга беришга кўндирмоқчи бўлдим. Аммо бу тўғрида нима деб оғиз очишни билмай турардим. Шу пайт жаноб де Пейрорад менинг бир томонга синчиклаб тикилиб турганимни пайқаб, беихтиёр бошини ўша томонга бурди. Унинг ҳам нигоҳи ҳайкалга тушди-ю, бир зумда кўзларидан дув-дув ёш оқди.

Мен уни қучдим ва тасалли берадиган бирон сўз айтишдан ожиз ҳолатда коляскага ўтирдим.

Жўнаб кетганимдан кейин, бу сирли ҳодисани ойдинлаштирадиган бирон янги хабар қулоғимга чалингани йўқ.

Ўғлининг вафотидан бир неча ой ўтгач, жаноб де Пейрорад оламдан ўтди. У қўлёмаларини васият қилиб менга қолдиришти. Вақти соати билан уларни эълон қилсам, ажаб эмас. Қўлёмалар орасида мен Венерадаги ёзувлар ҳақидаги тадқиқотни учратмадим.

Р. С. Дўстим жаноб де П. яқинда менга Перпиньяндан мактуб йўллаб, ҳайкал йўқ қилинганини хабар қилди. Де Пейрорад хоним эрининг вафотидан сўнг дарҳол фармойиш бериб, ҳайкалдан қўнғироқ қуйдиришти. Бу қўнғироқни Илль черковига ўрнатишти. «Лекин,— деб илова қилади жаноб де П.,— бу мисга эгаллик қиладиган одамларни аллақандай машғум бир тақдир таъқиб қиладиганга ўхшайди. Иллда янги қўнғироқнинг жаранги янграй бошлагандан бери бу ердаги токзорларни икки марта совуқ уриб кетди».



## АРСЕНА ГНҲО

Se Paris kai Phoibos Apollon  
Esthlon eont olesosin eni Skhaièsi polesin.

Ном. II. XXII, 360\*

### *Биринчи боб*

Авлиё Рох черковида охирги ибодат тугади, қоровул ҳар қачонгидек черковни айланиб, ҳувиллаб қолган хоналарни қулфлай бошлади. Уларнинг баъзиларида айрим бадавлат аёлларга муайян ҳақ эвазига бошқа художўйлардан холи, ёлғиз ибодат қилишга ижозат бериларди. Қоровул шундай хоналардан бирининг кунгурадор эшигини ёпмоқчи эди, бирдан хона ичида аллақандай аёлнинг стул суянчигига бошини эгганича тиз чўкиб ўтирганини кўриб қолди. Афтидан, аёл ибодат қилмоқда эди. «Де Пьен хоним-ку», — деди ўзича қоровул ичкарига кирмай, ҳужра эшиги олдида тўхтар экан. Де Пьен хонимни қоровул яхши танирди. У замонларда черковнинг ризқи рўзини таъминлаб турадиган, меҳробларга матолар тортиқ қилувчи, ўз руҳонийсининг ёрдамида саҳийлик билан садақа улашадиган ёш, бадавлат, хушрўй аёл учун (агар у ҳукуматнинг бирор амалдорининг хотини ёхуд дофин рафиқасининг дугонаси бўлмаса) черковга келиб-кетишдан имонини поклигидан ўзга бирор тузукроқ манфаат кўрмаса, ботавфиқ ва диёнатли бўлиш яхши фазилат ҳисобланарди. Де Пьен хоним ана шунақа аёл эди.

Қоровул овқатланмоқчи эди, негаки, унга ўхшаган одамлар соат бирда овқатланади. Бироқ у авлиё Рох ибодатхонасида анчагина ҳурмат-эътиборга эга бўлган бу аёлнинг ибодатини бузишга журъат этмади. Шунинг учун у ямоқ бошмоғи билан тош тахталарни тиқиллатганча нари кетди.

У, черковни айланиб қайтгунимча, ҳужра бўшаб қолади, деган умидда эди. Қоровул черковнинг болахонасига чиққанида, ибодатхонага ёпгина бир жувон кириб келди-да, катта зал ёнидаги узун йўлак бўйлаб у ёқбу ёққа юриб, қизиқиш билан теварак-атрофга аланглай

\* Парис ва Феб-тирандоз.

Ҳар қанча қудратли бўлсанг-да, Скей дарвозасида сени қулатишади. (Юнон.)

бошлади. Деворлардаги суратлар, хужралар, минбар, хуллас, ибодатхонадаги ҳамма буюмлар, афтидан, унга ғалати туюлди шекилли. Сиз ҳам, хоним, Қоҳира масжидига кириб қолсангиз, унинг меҳроби ёхуд деворидаги ёзувларига шунақа ҳайрат билан боққан бўлардингиз. У йигирма беш ёшларда эди, аммо бунга амин бўлиш учун уни синчиклаб кўздан кечириш керак эди. Унинг тим қора кўзлари чақнаб турса-да, ичига ботиб кетган ва теварагида кўкиш ҳалқа бор эди. Чехрасининг рангпарлиги, лабларининг қонсизлигига қараб, кўп азоб чеккан дардманд эканини билиб олиш мумкин эди. Бироқ, айни чоқда, унинг нигоҳидаги аллақандай шаддодлик ва қувноқлик ташқи қиёфасидаги мажруҳликка батамом зид эди. Унинг кийимида палапартишлик билан олифталик ғалати бир тарзда аралашиб кетганини сезишингиз мумкин. Ясама гуллар билан безатилган пушти шляпаси оқшомги енгил либосга кўпроқ ярашарди. Оқсуяк аёлларнинг ўткир кўзлари жувоннинг узун кашмир рўмоли ҳозирги эгасига етиб келгунга қадар ҳам хизматда бўлганини дарров пайқаб олиши мумкин эди. Рўмоли остидан қулочи бир франкли арзон читдан тикилган кўйлаги кўришиб турарди. У оёғига оддий пайпоқ ва қалин матодан тикилган ботинка кийиб олганди. Бу бежирим оёқларнинг қадрига фақат эркакларгина етиши мумкин эди. Афтидан, бу оёқлар анчадан бери тош йўлларнинг азобини чекарди. Эсингизда бўлса керак хоним, у вақтларда ҳали асфальт кашф этилмаган эди.

Бу аёлнинг жамиятдаги мавқеи қанақа эканини, албатта, фаҳмлаган бўлсангиз керак. У де Пьен хоним ҳамон ўз ибодатини давом эттираётган хужрага яқинлашди-да, бир неча муддат ташвишли ва хижолатомуз бир тарзда унга қараб турди, де Пьен хоним ўрнидан қўзғалиб, кетмоқчи бўлаётганини кўргач, унга сўз қотди:

— Менга айтиб беролмайсизми, хоним,— сўради у паст овозда тортинчоқ табассум билан,— менга айтиб беролмайсизми, шам ёқиш учун кимга мурожаат қилсам экан?

Бу гап де Пьен хоним учун шу қадар ғалати эдики, ҳатто у дабдурустан тушуна олмади ва қайтариб сўрашга мажбур бўлди.

— Мен авлиё Рохнинг руҳига шам ёқмоқчи эдим, аммо ҳақиқи кимга беришимни билолмаяпман.

Де Пьен хоним оддий халқ ўртасида юрадиган бунақа ирим-чиримлардан юқори турадиган маърифатли аёл эди. Аммо, барибир, уларни ҳурмат қиларди, чунки

ҳар қанча дағал бўлмасин, ҳар бир топинишда аллақандай таъсирли бир нарса бор. Бирор назр-ниёз ҳақида ё шунга ўхшаш нарса тўғрисида гап кетяпти, деган ишопч билан де Пьен хоним жувонга яқинлашиб келаётган қоровулни кўрсатди. У кўнгилчан ва меҳр-шафқатли аёл эди, шунинг учун пушти пляпали аёлнинг кийимига қараб, сизга ўхшаб дадил ҳукм чиқаришга ботинолмасди. Нотаниш жувон миннатдорлик изҳор қилди-да, पोшиб қоровул томонга юрди. Қоровул ҳам бир зумда унинг илтимосини тушуна қолди.

Де Пьен хоним ибодат китобини қўлга олиб, рўмолини тўғрилар экач, нотаниш аёлнинг ёнидан мўъжазгина ҳамёнини чиқариб, ундаги бир ҳовуч чиқадиган чақалар ичидан беш франкли яккаю ягона тиллани ажратиб олганини ва қоровулга узата туриб, унга пичирлаб кўрсатма берганини, қоровул эса унинг гапларини эшитиб, жилмайганини кўрди.

Уларнинг иккови ҳам черковдан баравар чиқишди, ammo нотаниш жувон жуда илдам юриб кетганидан, де Пьен хоним орадан кўп ўтмай уни кўздан йўқотиб қўйди. Де Пьен хоним ўзи яшайдиган кўчанинг муюлишига етганида жувонни яна учратди. Нотаниш жувон шу кўчадаги дўкончадан сотиб олган тўрт қадоқ нонини ўнгиб кетган рўмоли остига япириб олган эди. У де Пьен хонимни кўриб, бошини қуйи солди, беихтиёр жилмайди-да, қадамини тезлатиб кетди. Унинг табассумида: «Начора! Фақирман. Мендан кула беринг. Нонга пушти шляпа ва кашмир рўмолда бориб бўлмаслигини ўзим ҳам биламан!» деган маъно бор эди. Унинг чеҳрасида сохта уятчанлик, мутелик ва кўнгилчанлик қўшилиб кетгани де Пьен хонимнинг пазаридан яширин қолмади. У маъюслик билан бу жувоннинг қандай аҳволда эканини ўйлади. «Унинг тақводорлиги меникидан аълороқ,— деган фикрлар ўтди унинг хаёлидан.— Мен фақиру бечораларга садақа улашар эканман, бу мени заррача ҳам муҳтожликка олиб бормаиди. Шунинг учун бу жувон тўлаган эю менинг хайр-садақаларимдан ортиқроқ». Шундан сўнг у бадавлат одамларнинг дабдабали туҳфаларидан кўра бева аёлнинг икки улуши худога кўпроқ манзур бўлишини эслади. «Мен қилаётган хайрли ишлар жуда кам,— деди у ўзига-ўзи.— Қилишим мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасини қилаётганим йўқ». Де Пьен хоним, гарчи ноўрип бўлса-да, ўзига-ўзи хаёлан ана шундай таъналар ёғдириб, уйига кирди. Шам, тўрт қадоқ нон ва айниқса, садақага берилган беш франкли

охирги тилла пул туфайли де Пьен хонимнинг хотирасида тақводорлик намунаси деб эъзозлагани бу жувонинг қиёфаси ўрнашиб қолди.

Ушандан бери де Пьен хоним бу жувонни ибодатхона яқинидаги кўчада тез-тез учратиб турадиган бўлиб қолди, аммо ибодатларда бирон марта ҳам кўрмади. Ҳаргал де Пьен хонимнинг ёпидан ўтар экан, нотаниш жувон бошини қуйи солиб, жимгина жилмаярди. Бу муте табассум де Пьен хонимга ёқарди. У бу бечора жувонга имкони бўлиб, бирор ёрдам кўрсата олса беҳад хурсанд бўларди, негаки, авваллари бу қиз унда ҳамдардлик туйғусини уйғотган бўлса, энди унга ачина бошлаганди: у жувоннинг пушти шляпаси ўнгиб кетганини, кашмири рўмолининг кўринмай қолганини пайқайди. Рўмол, афтидан, бирор чайқовчининг қўлига ўтиб кетган кўринди. Авлиё Роҳ ўзининг руҳига қилинган садақани бирон хайри кор билан қайтармагани аниқ кўриниб турарди.

Қупларнинг бирида де Пьен хонимнинг ҳузурида авлиё Роҳ ибодатхонасига тобут олиб келинди. Тобут ёнида усти бошининг мазаси йўқ, бошига мотамсаролик белгиси бўлмиш қора лента қадалган шляпа кийган бир одам бор эди. У, афтидан, бирон хонадонда дарвозабонлик қиларди. Де Пьен хоним бир ойчадан бери шам ёққан жувонни кўргани йўқ, шунинг учун хаёлига, «у оламдан ўтганмикин?» деган фикр келди. Мабодо шундай бўлса, бунинг ажабланадиган жойи йўқ эди, чунки де Пьен хоним уни сўнги бор кўрганида жуда ранги кетиб, озиб-тўзиб қолган эди. Де Пьен хоним черков қоровулидан илтимос қилди, у тобут ёнига келган одамни сўроққа тутди. У одам Буюк Людовик кўчасидаги бир уйда посбон бўлиб хизмат қилишини, уларнинг уйда ижарага турадиган Гийо хоним деган бир аёл қазо қилганини, марҳуманинг на қарииндош-уруғи ва на хешу ақрабоси борлигини, ундан ёлғиз бир қиз қолганини, ўзига етти ёт бегона бўлса ҳамки, раҳми келганидан уни кўмаётганини гапириб берди. Де Пьен хоним шу лаҳзанинг ўзида нотаниш аёлнинг муҳтожлик ичида жоп берганини ва унинг увоққина қизи ёлғиз қолганини тасаввур қилди. Унинг хайри эҳсонларига кўмаклашиб юрадиган бир руҳоний бор эди — де Пьен хоним аҳволни билиб келгани ўшани юборишга аҳд қилди.

Эртасига де Пьен хоним ҳовлисида коляскада кўчага чиққан эди, унинг каретаси кўчада кўндаланг турган аравага дуч келиб, бир неча дақиқа туриб қолди. Де Пьен хоним паришонхотирлик билан деразадан қараб

ўтириб, кўчанинг чеккасига ўрнатилган устун ёнида ўзи ўлдига чиқариб қўйган жувон турганини кўриб қолди. Жувон янада рапги кетиб, сўлиб қолган бўлса-да, де Пьен хоним уни дарров таниди. У мотам либосида, аммо кийими фақирона, қўлқопи ҳам, пляпаси ҳам йўқ эди. Юз ифодаси ҳам ғалати. Юзида одатдаги табассум ўрнига аллақандай талвасанинг муҳри бор эди. Катта-катта тим қора кўзларида ёввойи нигоҳ ўйнарди. У де Пьен хонимга тикилиб турса-да, уни танимади, чунки у ҳеч нарсани кўрмас эди. Унинг бутун вужудидан ғам-андух эмас, ашаддий қатъият ёғилиб турарди. Арава бир чеккага чиқди, отлар катта-катта қадам ташлаб юра бошлади. Де Пьен хонимнинг каретаси бир зумда олислаб кетди. Шундай бўлса ҳам, ёш жувоннинг сиймоси ва юзидаги ашаддий қатъият ифодаси анча вақтгача де Пьен хонимнинг хаёлидан кетмади.

Де Пьен хоним қайтиб келиб, кўчасини оломон босганини кўрди. Ҳамма посбон аёллар эшикларининг олдида туриб, қўни-қўшниларига алланималарнидир гапиришар, улар эса жон қулоқлари билан тишглашарди. Пьен хоним турадиган уйнинг яқинида жойлашган бир уй олдида, айниқса, одам кўп тўпланган эди. Ҳамманинг кўзи тўртинчи қаватдаги очиқ деразага тикилган, ҳар бир гуруҳда бир-икки қўл тўпланганларга ўша деразани кўрсатарди. Кейин бирдан қўллар настга туширилди ва ҳамманинг нигоҳи шу ҳаракатга жалб бўлди. Афтидан, аллақандай мудҳиш ҳодиса юз берган кўринади.

Де Пьен хоним даҳлизга кирибоқ, хизматкорларнинг ҳаммаси бесаранжом эканини кўрди. Бутун кўчани ҳаяжонга солган мудҳиш воқеани биринчи бўлиб гапириб бериш учун уларнинг ҳаммаси де Пьен хоним сари ошиқди. Аммо у бир нарса деб сўрашга улгурмай, оқсоч хотин хитоб қилди:

— Оҳ, хоним!.. Ҳеч гапдан хабарингиз йўқ!..

Шундай деди-да, мислсиз бир шошқалоқлик билан эшикларни оча-оча, бекасининг хилватгоҳига, яъни уйдаги бошқа хизматчилар учун қадамранжида қилиш маън этилган ётоқча кирди.

— Оҳ, хоним,— дерди мадемуазель Жозефина де Пьен хонимнинг рўмолини олар экан,— ҳали ҳам ўзимга келолмаяпман! Умримда ҳеч қачон бундай мудҳиш воқеани кўрмаган эдим. Ростини айтсам, дарров югуриб борган бўлсам ҳам, ўз кўзим билан кўрганим йўқ... Лекин шундоқ бўлса ҳамки...

— Нима бўлди, ахир? Гапирсангиз-чи тезроқ!

— Бўлган гап шуки, хоним, атиги уч-тўрт дақиқа аввал ёнимиздаги уйнинг тўртинчи қаватидан бир бахтсиз бечора қиз ўзини олди; бир лаҳза олдин келганингизда, унинг гупиллаб тушганини ўз қулоғингиз билан эшитган бўлардингиз.

— Вой шўрим! Бечора нобуд бўлдими?

— Бу жуда даҳшат! Батист — уруш кўрган одам, лекин у ҳам, ҳеч қачон бунақа даҳшатга дуч келмаганман, деяпти. Тўртинчи қаватдан-а, хоним.

— У тил тортмай ўлдими?

— Оҳ, хоним. Аввалига қимирлаб турувди. Ҳатто гапирди ҳам. «Мени бир ёқлик қилишсин!»— деди у. Аммо ҳамма суяги атала бўлиб кетишти. Шунча жойдан тушгандан кейин нима бўлишини ўзингиз тасаввур қилиб кўринг.

— Бу бечорага бирон ёрдам кўрсатишдими? Докторга, кашипга одам юборишдими?

— Кашиш, дейсизми, хоним... Албатта, бунинг ўзингиз биласиз... Лекин мен кашип бўлсам... Одам ҳам шунақа ўз жонига қасд қиладиган даражада ношукур бўлади-ми?.. Ундан кейин хулқи ҳам бузуқроқ эди... Кўришиб турибди... Уни бир вақтлар балетда ишлаган дейишди... Бу тоифа олимчаларнинг ҳамма вақт умрининг охири вой бўлади... Дераза тоқчасига чиқибди-да, этагини пушти лента билан танғибди-ю, ўзини отипти...

— Бу ўша бечора азадор жувон!— деб хитоб қилди де Пьен хоним ўз-ўзига.

— Ҳа, хоним. Онаси қазо қилганига уч-тўрт кун бўлганди. Бу кулфатдан у батамом эс-ҳушини йўқотиб қўйган кўринади... Бунинг устига, балки хуштори ҳам ташлаб кетганми? Ижара ҳақини тўлаш зарур бўлгандир... Пул йўқ, ишлагани бўйни ёр бермайди... Телба-да... Бу аҳволда айб иш қилиб қўйиш қийинми?

Мадмуазель Жозефина яна бир неча муддат шу алфозда жаврашда давом этди, аммо де Пьен хоним унинг гапларига жавоб бермади. У маъюслик билан эшитганларини ўйларди. Тўсатдан у мадмуазель Жозефинадан сўраб қолди:

— У бахтсиз қизга ҳозир зарур нарсаларнинг ҳаммаси бормикин?.. Чойшаб... ёстиқ... тўшак?.. Дарров билиш керак...

— Агар истасангиз, сизнинг номингиздан бориб билиб келаман,— деди оқсоч аёл. У ўз жонига қасд қилган аёлни яқиндан кўриш имкони туғилганидан хурсанд эди. Кейин ўйлаб, илова қилди:— Фақат, билмадим, тўр-

тинчи қаватдан тушган аёлга қарашга кучим етармикин? Батистнинг ҳаром қонини чиқаришганда, ҳушимдан кетиб қолувдим. Чидаялмагандим.

— Ундай бўлса, Батистни юборинг,— деб хитоб қилди де Пьен хоним.— Лекин у бечоранинг қандай аҳволда эканини менга дарров етказсин.

Иттифоқо, де Пьен хоним шундай деб фармойиш бераётганида унинг табиби доктор К. келиб қолди. У ҳар сешанба куни уникида тушлик қилиб, кейин итальян операсига тушар эди.

— Югуринг тезроқ, доктор!— деб қичқирди у докторга ҳассасини қўйиб, қалин пальтосини ечишига ҳам фурсат бермай.— Батист сизни қўшниникига олиб чиқади. У ерда бир бечора қиз ҳозиргина ўзини деразадан ташлапти. Унга ёрдам бериш керак.

— Деразадан?— деди врач.— Агар дераза баланд бўлса, менга эҳтиёж ҳам қолмагандир.

Доктор жарроҳлик қилишдан кўра овқатланишни кўпроқ истар эди. Аммо де Пьен хоним қистаб туриб олди. Доктор тушликни кечиктириш ҳақида ваъда олгач, Батист билан бирга боришга рози бўлди.

Орадан кўп ўтмай Батист ёлғиз қайтиб келди. У чойшаб, ёстиқ ва шунга ўхшаш нарсалар сўради. Бундан ташқари, у докторнинг фикрини айтди:

— Ҳечқиси йўқ. Тузалиб кетади, деди. Аммо, алланимабалодан ўлиши ҳам мумкин экан. Нимадан деганини эслаб қололмадим. Лекин охирида «ос» бор эди.

— Тетанос!— деб хитоб қилди де Пьен хоним.

— Ҳа, ҳа, топдингиз, хоним. Аммо-лекин, доктор жанобларининг боргани кўп яхши бўлди. Нега десангиз, биздан олдин тажриба кўрмаган бир доктор келган экан. Кичкина Бертелло қизамиқ бўлганда, шу муолажа қилганди, аммо учинчи келишидан кейин бола побуд бўлувди.

Бир соатдан кейин доктор қайтиб келди: сочидан упалари тўкилиб кетипти, нозик батист кўйлаги эзилиб, гижим бўлиб кетипти.

— Ўз жонига суиқасд қиладиганларнинг омади бор,— деди у.— Яқинда менинг шифохонамга бир аёлни олиб келишди. У ўз оғзига пистолетдан отибди. Ярамас усул!.. Ўқ учта тишини синдириб, чап лунжидан чиқипти... Нима бўларди, дейсиз, бир оз ҳусндан йўқотади, вассалом! Буниси тўртинчи қаватдан ташлапти. Бошқа дурустроқ одам иккинчи қаватдан йиқилса, миясининг қатиғи чиқиб кетиши мумкин. Бу қизнинг эса оёғи си-

нипти... Иккита қовурғаси сипипти, анча жойи лат ебди, тамом. Энг керак жойида пешайвон бор экан. Ўша зарбни қайтарипти. Парижга қайтиб келганимдан бери бу — учинчи марта шундай ҳодисага дуч келишим. У оёғи билан тушипти. Суяклари битиб кетади. Лекин ёмони шуки жуда озиб, ҳолдан кетиб қолган экан... Мен қовурмадан хавотир бўляпман. Ундан ташқари, Отеллонинг биринчи пардасидан кеч қолдик, шекилли.

— Бечора бахти қаро қиз нима сабабдан шундай қилганини айтгандир.

— О, ҳеч қачон бу машмашалар қулоғимга кирмайди! Мен улардан: «Шу ишдан аввал овқат егапмидингиз?» деб сўрайман, чунки бунинг муолажа қилишда аҳамияти бор... Албатта, ўз жонингга қасд қиладиган бўлсанг, ҳамиша бирон арзимас сабаб топилади. Сизни хунторингиз ташлаб кетади ёхуд хўжайин уйдан чиқариб юбормоқчи бўлади. Уларнинг таъзирини бериб қўйиш учун деразадан ўзингни отасан. Лекин ерга етиб боришга улгурмай, пушаймон қила бошлайсан...

— У бечора пушаймон қилаётгандир?

— Бўлмаса-чи! У шундай йиғлаб-сиқтадики, қулоқларим қоматга келди. Лекин Батист тузук экан; у ерда бир табиб бор экан, нима қилишини билмай, бошини қашлаганча турипти. Батист менга ундан кўра тузукроқ қарашди... Жувон учун энг алам қиладигани шундаки, агар у нобуд бўлганида, силдан ўлиш хавфидан халос бўларди. Негаки, у сил. Мен бунга қафилман. Уни *эшитиб кўрганим* йўғу, лекин *facis\** мени ҳеч қачон алдамайдди. Шошиб нима қиларди, бир оз сабр қилса, куни битарди.

— Эртага келиб, уни кўриб кетасиз, доктор, шундайми?

— Ихтиёрингиз шундай бўлса, келаман. Мен унга сизни ёрдам беради, деб ваъда қилдим. Энг осони — уни шифохонага жўнатиш эди. У ерда оёқ суякларининг ўсишига кўмаклашадиган аппаратни текин беришади. Аммо «шифохона» сўзини эпителиши билапоқ, «мени бир ёқлик қилинглари!» деб дод-фарёд кўтаряпти. Атрофидаги дугоналари ҳам ҳайбаракалчалик қилиб туришипти... Ҳолбуки, ёнида сариқ чақаси бўлмаса...

— Ҳамма харажатни бўйнимга оламан, доктор. Биласизми, «шифохона» деган гапдан сиз айтган аёллар қатори мен ҳам беихтиёр чўчийман. Бундан ташқари, уни

---

\* Чехраси, юз ифодаси (лот.).



ҳозирги аҳволда шифоҳонага олиб кетилса, нобуд бўлиши турган гап.

— Бидъат! Оқсуякларга хос бўлган бидъатнинг ўзгинаси! Шифоҳонадан яхши жой бор эканми? Агар мен биронта жиддийроқ касалга чалиниб қолсам, шифоҳонага элтишади. Ўша ердан менинг руҳим Харон кемасига кўчиб ўтади, гавдамни эса шогирдларимга туҳфа қиламан... ўтгиз ё қирқ йилдан кейин, албатта. Жиддий гапиряпман, хоним, ўзингиз ўйлаб кўринг, қисматини ўйлаётганингиз жувон сизнинг эътиборингизга лойиқми, йўқми? Менимча, бу аёл бирон-бир собиқ раққоса бўлса керак... унга ўхшаб, сакрашни ўринлатиш учун раққосанинг оёғи керак...

— Мен уни ибодатхонада кўргандим... Ундан кейин, доктор, биласиз, бир одатим бор... одамнинг чеҳрасига, нигоҳига қараб, бутун бошли бир қисса тўқий оламан... Майли, кўнглингизга сиққанича кулаверинг, лекин мен камдан-кам адашаман. Яқиндагина бу бечора қиз хаста онасининг ҳаққига ибодат қиларди. Онаси оламдан ўтди... У эс-ҳушини йўқотиб қўйди... Ноиложлик, муҳтожлик уни ана шу даҳшатли қилиқни қилишга мажбур қилган.

— Нима десангиз — шу. Ҳа, ҳақиқатан ҳам, бўйнида бир шиш борки, у қаттиқ ҳаяжоннинг белгиси. Сиз айтган гапларнинг ҳаммаси чин бўлиши мумкин. Эсимга тушди, унинг йиғма каравоти устида шамшод новдаси осиблиқ эди. Бу тақводорликнинг нишонаси, шундай эмасми?

— Йиғма каравот! Оҳ, худойим-ей! Бечора қиз! Нега яна киноя билан жилмайяпсиз, доктор? Мен унинг тақводорлиги ёхуд тақводор эмаслигини айтаётганим йўқ. Балки мен ўзимни шу қизга ёрдам беришга бурчдор ҳисоблашимни айтяпман, чунки мен унинг қаршисида айбдорман...

— Айбдорман?.. Тушундим. Лат еб, озор чекмаслиги учун кўчага тўшак тўшаб қўйишингиз керак эдим?

— Ҳа, айбдорман! Унинг аҳволи ночорлигини кўрган эдим. Унга нафақа жўнатишим керак эди. Аммо бузрук Дюбиньоннинг хасталиги туфайли...

— Ҳозир-ку сиз сўраганларнинг ҳаммасига иона улашиб турибсиз. Агар буни ҳам кифоя эмас, десангиз, демак, виждонингиз нотинч экан. Сизнингча, тортинчоқ қашшоқларни энди ўзингиз ахтариб топишингиз керак экан-да! Майли, синган оёқлар ҳақида ортиқ гапирмай

қўя қолайлик. Аниқроғи, яна икки оғиз гап билан чекланайлик: агар сиз менинг муолажамга ўтган янги беморни ўз ҳомийлигингиз остига олмоқчи бўлсангиз, унга дурустроқ каравот беришларини буюринг. Бугунга дутопалари бор. Эртага унга қарайдиган бирор аёл керак. Пиева шўрва қилиб беришсин. Дори келтиришсин. Агар бирор эслироқ аббатингизни унинг ҳузурига юборсангиз чакки бўлмас эди. У қизга дакки бериб, эс-ҳушини жойига келтирармиди. Жувон жуда асабий, ҳар хил чалкашликлар рўй бериши мумкин. Ўзингиз... ҳа, албатта ку-я, ўзингиз борсангиз, жуда маъқул бўлар эди... Аммо насихат қиламан десангиз, тузукроқ одамлар ҳам топилса керак, албатта. Мен тугатдим. Саккиз ярим. Худо ҳаққи, операга борадиган бўлсангиз отланақолинг. Батист менга *Журналь де Деба* билан кофе олиб келади. Мен бугун кун бўйи тиним билганим йўқ. Оламда нима бўлаётганидан тамом беҳабарман.

Орадан бир неча кун ўтди. Бемор анча ўзига келиб қолди. Фақат доктор унинг руҳий туғёни ўтиб кетмаётганидан шикоят қиларди, холос.

— Сизнинг аббатларингиздан унча умидим йўқ,— деди у де Пьен хонимга.— Биламан, сиз етарли даражада мард аёлсиз, аммо шундоқ бўлса ҳам, агар инсоннинг бахтсизлигини кўришдан унча ҳазар қилмасангиз, авлиё Роҳ ибодатхонасидаги ҳар қандай кашшдан кўра ўзингиз бечора жувонга дурустроқ таскин берардингиз. Сизнинг гапларингиз унга латук шарбатидан ҳам яхшироқ кор қиларди.

Де Пьен хоним бажону дил рози бўлди ва ҳозироқ у билан бирга боришга тайёр эканини айтди. Улар икковлашиб беморнинг олдига жўнашди.

Похолдан ясалган учта стул ва чоғроқ стол турган хонада жувон де Пьен хоним юборган дурустгина каравотда ётарди. Юпқа чойшаблар, юмшоқ тўшак, бир нечта катта ёстиқ мушфиқ бир ғамхўрликдан дарак бериб турарди. Бу ғамхўрликнинг сабабчиси ким эканини сиз қийналмай фаҳмлаб олган бўлсангиз керак. Жувоннинг юзида бир томчи ҳам қондан асар йўқ, кўзлари чақнаб, қўли букик ҳолда ётарди. Унинг кофтаси остидан кўришиб турган қўли моматалоқ бўлиб кўкариб кетган, унга қараб, бутун гавдаси нима аҳволда эканини билиб олса бўларди. Де Пьен хонимни кўриб, у бошини кўтарди-да, маъюс ва маъсум жилмайиш билан деди:

— Бу меҳрибонликларнинг ҳаммаси сиздан эканини ўзим ҳам сезувдим. Менга сизнинг номингизни айтиш-

ганда, бу — менга авлиё Роҳ ибодатхонасида учраган аёл бўлиши керак, деб ўйладим.

Мен боя сизга айтдим шекилли: де Пьен хоним одамларнинг юзига қараб, кимлигини билиш қобилиятига эгаман, деб ҳисоблайди. Де Пьен хоним қармоғидаги жувон ҳам шундай қобилиятга эга эканини билиб, ўзида йўқ севишти ва бу кашфиёт унинг жувонга бўлган меҳрини яна ҳам жўшириб юборди.

— Кулбангиз анча ноқулай экан, азизим,— деди у хонанинг фақирона жиҳозларини кўздан кечирар экан.— Нега сизга парда келтириб беришмади. Нимаики зарур бўлса, ҳаммасини тортинмасдан Батистдан сўрайверинг.

— Мурувватингиз беҳад экан... Менинг нима ҳам муҳтожлигим бор? Ҳеч нарсага... Ҳаммаси тамом бўлди. Бир оз яхшими, бир оз ёмонми, нима фарқи бор?

Жувон шундай деб юзини ўгирди-да, йиғлаб юборди.

— Дардингиз жуда зўрми, азизим?— сўради де Пьен хоним каравот ёнига ўтирар экан.

— Йўқ, унчалик эмас... Аммо доим қулоғимда ерга учиб тушаётган пайтимдаги шамол ғувиллайди. Кейин тош йўлга йиқилганимдаги «гуп» этган товуш сира нари кетмайди.

— У пайтда эс-ҳушингиз ўзингизда бўлган, азизим... Энди пушаймонсиз, шундоқ эмасми?

— Ҳа... Лекин бахти қаро бўлсанг, нима қилаётганингни ўзинг ҳам билмас экансан.

— Аҳволингиздан аввалроқ бохабар бўлмаганимдан ғоят таассуфдаман. Аммо, азизим, турмушда ҳар қандай шароитда ҳам ноумид бўлиш керак эмас.

— Сиз учун айтишга осон,— деб гап қўшди доктор. У стол ёнида ўтириб, рецепт ёзарди.— Келишган, мўйловдор ёш йигитдан ажралиш нима эканини сиз билмайсиз-да. Аммо, жин урсин, уни қувиб етаман, деб деразадан ташлашнинг ҳожати йўқ эди.

— Бас қилинг, доктор!— деди де Пьен хоним.— Қиз бечорани бунга мажбур қилган бошқа сабаблар бор...

— Уҳ, менга нима бўлганини ўзим ҳам билмайман!— деб хитоб қилди бемор.— Юз хил сабаб бир бўлди. Аввало, онам қазо қилди. Бу мени жуда эзиб юборди. Кейин ўзимни ўта ёлғиз ҳис қилдим... Ҳеч кимнинг менга заррача парвоси йўқ эди... Ниҳоят, дунёда ҳаммадан ортиқ фикру зикримни банд этган одам... Ўзингиз ўйланг, ҳатто номимни унутиб юборган бўлса-я! Ҳа, менинг номим Арсена Гийо — Г, И, Й, О. У бўлса Гно деб ёзишти.

— Мен айтувдим-ку, хиёнат, деб!— деди доктор.— Ҳар гал битта сабаб! Қўйинг, гўзалим, уни эсингиздан чиқаринг. Сизни-ки унутиб юборган экан, унақанги одам эслаб ўтиришга арзимади.— У соатига қаради.— Тўрт бўлдими?— деб сўради у ўрнидан турар экан.— Мен консилиумга кечикялмап, хоним! Мени минг бор афв этасиз, сизни ташлаб кетишга мажбурман. Сизни лоақал уйгача кузатиб қўйишга ҳам улгура олмайман. Хайр, азизим, тинчланинг. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Нариги оёғингиз билан қанчалик рақс тушсангиз, буниси билан ҳам шунчалик тушадиган бўласиз. Сиз эса, ҳамшира хоним, ана бу рецептни олиб, дорихонага бориб келинг ва бугун ҳам худди кечагидек қилинг.

Доктор билан ҳамшира чиқиб кетишди. Де Пьен хоним бемор билан ёлғиз қолди. Қизнинг саргузаштларини хаёлида тамом бошқача тарзда бичиб-тўқиган де Пьен хоним муҳаббат аралашганидан бир оз саросимада эди.

— Бундан чиқдики, сиз бечорани лақиллатиб кетишган экан-да, азизим!— деди у қисқа сукутдан сўнг.

— Меними? Йўқ. Менга ўхшаганларни лақиллатишармиди, дейсиз. Мен унинг жонига тегиб кетувдим... У ҳақ: мен унга муносиб эмасман. У доимо очиқ кўнгили олижаноб эди. Аҳволимни баён қилиб, унга мактуб ёздим ва ярашсак бўлмасмикин, деб сўрадим... У менга шунақа жавоб ёздикки, асти қўяверасиз... жон-жонимдан ўтиб кетди... Ўша куни уйга келиб, менга совға қилган кўзгуни тушириб юбордим. Уни Венеция кўзгуси деб айтарди у. Кўзгу чил-чил бўлди... Тамом, деган фикр келди хаёлимга. Демак, ҳамма нарса тамом бўлди. Менда ортиқ унинг бирон нарсаси қолгани йўқ эди. Тилла буюмларни гаровга қўйганман... Кейин ўзимни ўлдирсам бўлмайдимки, у ачинар-ку, ундан шу кўйи қасд оламан, деб ўйладим... Дераза очиқ эди — ўзимни ташлаб юбордим.

— Вой, бечора! Ўзингиз ўйлаб кўринг, сабаб жуда арзимас экан-ку! Шунга шу қадар гуноҳ қилиб қўйибсиз-а!

— Эҳтимол, шундайдир. Аммо, нима илож бор эди? Бошингда ғам бўлса, ўй ўйламайсан. Бахтиёр одамларга, «оқил бўлинг!» дейиш осон.

— Биладан, кулфат яхши маслаҳатгўй бўлолмайди. Шундоқ бўлса ҳам, энг оғир синовлар исканжасида ҳам унутиш мумкин бўлмаган нарсалар бор. Мен яқиндагина сизни ибодатхонада ботавфиқ иш қилиб турганингизда кўрувдим. Сиз *эйтиқод* деган бахтга эгасиз. Эйтиқод азизим, ноумидликка тушган чоғингизда сизни қайтариб

қолиши керак эди. Ҳаётингизни сизга худои таоло берган. У сизники эмас... Лекин мен сизни ҳозир койишим ўринли бўлмас, азизим. Сиз пушаймондасиз, сиз дард чекапсиз, сизга худонинг ўзи шафқат қилсин.

Арсена бошини қуйи эгди ва унинг қовоқлари кўз ёшларидан нам бўлди.

— Оҳ, хоним!— деди у чуқур сўлиш олиб.— Сиз мени аслимдагидан яхшироқ деб ҳисоблайпсиз... Сиз мени тақводор деб ўйлайпсиз... Ҳолбуки, мен унча тақводор эмасман... Менга ҳеч ким ўргатган эмас. Черковда шам ёққан бўлсам, бу шунчаки, нима қилишни билмай, ноилож қолганимдан...

— Майли-да, азизим, барибир, савобли иш қилгандингиз. Бошга мушкул иш тушганда ҳамма вақт ҳақтаолога мурожаат қилиш лозим.

— Менга айтишувдики... Агар авлиё Рохнинг руҳига шам ёқсам... Йўқ, йўқ... Мен буни сизга айтиб беролмайман. Ёнида сариқ чақаси ҳам йўқ одам нималарга бориши мумкинлигини сиздай аёл билармиди?

— Ҳаммадан аввал худодан сабр-қаноат тилаш керак.

— Хуллас, мен аслимдагидан кўра яхшироқ қиёфада кўринишни истамайман. Акс ҳолда, мени билмай туриб, менга кўрсатаётган ёрдамингиздан фойдалансам, ҳаққингизга хиёнат қилган бўлардим. Мен бахти қаро бир қизман. Дунёда ҳар ким қўлидан келган тирикчилигини қилар экан. Шундай қилиб, шам ёққанимнинг сабаби шуки, онам авлиё Рохнинг руҳига шам ёқсанг, ночор қолган пайтингда, албатта, бирор эркакка йўлиқасану, у билан тура бошлайсан, деган эди... Аммо, аввалги ҳусним йўқ, мўмиёга ўхшаб қолганман. Бу аҳволда мени биров бошига урармиди?.. Ўлимдан бошқа чорам йўқ. Аммо бу иш ҳам чала қолди.

Жувон бунинг ҳаммасини бидирлаб, йиғидан бўлиниб-бўлиниб турган овозда, аллақандай жазавабилан гапирди. Де Пьен хоним унинг жазавасидан энсаси қотиш ўрнига, хавотирга тушди. У беихтиёр беморнинг тўпагидан стулини нарироқ суриб олди. Эҳтимол, у кетиб ҳам қоларди, аммо тубан аёлдан ижирғанишга қараганда кучлироқ бўлган инсонийлик туйғуси жувонни шундай ноумид аҳволда ёлғиз ташлаб кетишга халақит берди. Орага сукут чўкди. Кейин де Пьен хоним кўзларини кўтармай, оҳиста шивирлади:

— Онам дейсизми?! Эй бечора! Қандай тилингиз бо-ради шундай дегани?

— О, менинг онам ҳам ҳамма оналар қатори эди... Ҳаммамизнинг оналаримизга ўхшаш эди... У ўз онасини боққан... Мен ҳам уни боқдим... Яхши ҳамки, болам йўқ. Кўряпман, чўчияпсиз. Бу — тушунарли... Сиз яхши тарбия кўргансиз, ҳеч қачон азоб-уқубат чекмагансиз. Бадавлат бўлсанг, тўғри бўлиш осон. Имкон бўлганида мен ҳам тўғри бўлардим. Менинг ўйнашларим кўп бўлган... лекин мен фақат битта одамни севардим. У мени ташлаб кетди. Мен бадавлат бўлганимда, биз турмуш қурадик, покиза бир оила қурадик... Менинг тўғримда нима деб ўйлаётганингизни ва бу ўйингизда ҳақлигингизни билиб туриб, ҳеч нарсани яширмай, бор гапни сизга тўкиб соляпман. Умрим бино бўлиб, мен билан рўпарама-рўпара ўтириб гаплашаётган ягона иффатли аёлсиз! Сиз менга шу қадар меҳрибон, шу қадар мушфиқ кўриняпсизки, ҳозиргина ичимда ўз-ўзимга: «Бу аёл кимлигимни билганидан кейин ҳам мендан меҳру муруватини дариф тутмайди», деб турувдим. Менинг куним битган. Сиздан бир илтимосим бор... Мен оламдан ўтгандан кейин, сизни биринчи марта учратган ибодатхонада менинг руҳимга дуо ўқитсангиз... Бирор дуо ўқишса, бас, бошқа нарса даркор эмас. Чин қалбимдан сизга миннатдорлик изҳор этаман...

— Йўқ, сиз ўлмайсиз!— деб хитоб қилди де Пьен хоним ҳаяжон ичида.— Худо сизга шафқат қилади, осий банда. Сиз гуноҳларингизга тавба қиласиз, худо гуноҳингизни кечади. Менинг дуоларим сизни гуноҳдан аритиш учун кор қилса, сизнинг ҳаққингизга ибодат қилганим бўлсин. Сизни тарбиялаганлар сиздан гуноҳкорроқ. Фақат мард бўлинг, сабр-қаноатни йўқотманг. Энг муҳими эса, хотиржамроқ бўлишга урининг, азизим. Баданингиздаги жароҳатлар тузалсин. Руҳингиз ҳам хаста, аммо унинг тузалиб кетишига мен кафилман.

Шу гапни айтиб у ўрнидан турди.

— Мана,— деди у қўлида бир неча тилла танга ўралган қоғозни айлантириб,— агар бирор нарса зарур бўлиб қолса...

Шундай деб, у совғани ёстиқнинг остига тиқиб қўймоқчи бўлди.

— Йўқ!— деб жон ҳолатда хитоб қилди Арсена қоғозни итариб.— Менга сиздан ваъда қилган нарсангиздан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Алвидо! Биз бошқа кўришмаймиз. Мени шифохонага жўнатиб, ҳеч кимга малол келмай, ўша ерда жон берай. Мени тўғри йўлга соламан, деб овора бўлмапг, ҳамма ҳаракатингиз беҳуда

кетеди. Сиздай мухтарама бир аёл менинг хаққимга ибодат қилса, шунинг ўзи бас. Мен розиман. Алвидо!

У ўзини тўшакка боғлаб турган аппарат имкон берган қадар ўғирилди-да, ҳеч нарсани кўрмаслик учун бошини ёстиққа буркаб олди.

— Менга қаранг, Арсена,— деди жиддий оҳангда де Пьен хоним.— Мен сизга ёрдам беришга аҳд қилдим. Мен сизни ифбатли, тўғри аёлга айлантирмоқчиман. Сизнинг пушаймонингиз менга кафолат бермоқда. Мен сизнинг олдингизга тез-тез келиб тураман, сизга ғамхўрлик қиламан. Вақти келиб, сиз яна ўз-ўзингизни қадрлай бошлайсиз ва бунинг учун менга бурчдор бўласиз.

Де Пьен хоним унинг қўлларини олиб, оҳистагина сиқди.

— Сиз мендан ҳазар қилмаяпсиз!— деб хитоб қилди шўрлик жувон.— Сиз қўлимни қисдингиз!

Де Пьен хоним қўлини олишга улгурмай, Арсена уни бўса ва кўз ёшлари билан қошлади.

— Тинчланинг, тинчланинг, азизим,— деди де Пьен хоним.— Менга ортиқ ҳеч нарса деманг. Мен энди ҳамма гапдан хабардорман. Энди мен сизни ўзингиздан кўра яхшироқ биламан. Мен сизнинг бошингизни... телба бошингизни даволайман. Сиз ҳамма гапимга кирасиз. Мен буни талаб қиламан. Анави докторингизнинг гапларига қандай проат этсангиз, менинг айтганларимни ҳам шундай қиласиз. Мен сизнинг ҳузурингизга таниш кашини юбораман. Унинг панд-насихатларини тинглап. Мен сиз учун яхши китоблар топиб бераман, сиз уларни ўқийсиз. Биз баъзап суҳбатлашамиз. Бутунлай тузалиб қолганингиздан кейин, биргаликда келажагингизни ўйлашиб кўрамиз.

Дорихонадан шишачада дори олиб ҳамшира аёл қайтиб келди. Арсена ҳамон йиғидан тўхтагани йўқ. Де Пьен хоним яна бир бор унинг қўлини сиқди, тилла тангалар ўралган қоғозни стол устига қўйди-да, хонадан чиқди. Айтиш керакки, Арсенанинг ғалати тавба-тазарусини эшитаётганга қараганда ҳозир тутинган қизига нисбатан унинг меҳри янада ошган эди.

Нега энди, хоним, йўлдан озганларни ҳамма севади? Дайди ўғилдан бошлаб сизнинг қопонғич ва дилозор кучугингиз Диамангача — кимки меҳр-муҳаббатга қанча кам сазовор бўлса, шунча осонлик билан унга эришади. Шухратпарастлик бу, хоним! Бу туйғунинг номи шухратпарастликдан ўзга нарса эмас! Қийинчиликни енгиб ўтсак, хурсанд бўламиз. Дайди ўғилнинг отаси шайтон-

ни енгиб, ўлжасини тортиб олади, сиз қанд-қурслар ёрдамида Диаманнинг ёмон майллари устидан ғалаба қозонасиз. Де Пьен хоним эса суюқ оёқ аёлнинг ахлоқсизлиги устидан ғалаба қозонганидан ва йигирма йиллик ишрат туфайли шўрлик аёл қалбини ўраб олган тўспқларни суханварлиги билан парчалаб ташлаганидан мағрур эди. Кейин эса, аҳтимолки, билмадим,— буни айтиш керакмиди-йўқми,— бу ғалабадан туғилган гурурга, хайрли иш келтирган лаззатга кўпинча серфазилат аёл бошқа тоифадаги аёллар билан танишганда кўнглида қўзийдиган қизиқиш туйғуси ҳам аралашган бўлса ажаб эмас. Кўп сезганман — меҳмонхонага хонанда аёл кириб келса, унга ғалати бир назар билан қарашади. Унга диққат билан разм солиб, синчиклаб кўздан кечириб чиқадиганлар эркаклар эмас, аёллар бўлади. Ахир, ўзингиз ҳам, хоним, охири дафъа комедия театрида «Варьете»нинг ложада ўтирган актрисасини дурбин билан роса томоша қилгандингиз, «Нега энди форс бўлиш керак!» Ўз-ўзимизга шундай саволларни тез-тез бериб турмай-мизми?!

Шундай қилиб, хоним, де Пьен хоним мадмуазель Арсена Гийо тўғрисида кўп ўйлар ва ўз-ўзига: «Мен уни қутқараман»,— дерди.

Де Пьен хоним унинг ҳузурига кашишни юборди ва у жувонга насихат қилиб, тавба-тазарру қилишга ундади. Умрида бир неча соатлик масрурликдан ташқари фақат қайғу-ҳасрат кўрган шўрлик Арсена учун тавба қилиш унча қийин иш эмас эди. Бахти қаро одамга: «Сен ўзинг айбдорсан», десангиз, у ҳеч иккиланмай гапингизга қўшилади. Агар айни чоғда сиз унга бир қадар таскин бериб, таънангизни жиндай юмшатсангиз, у сизга шукуроналар айтиб, келажакда истаган нарсангизни бажаришга ваъда беради. Аллақайси юнон, тўғрироғи, ўша юнон тилидан Амио шундай деган экан:

Кишанбанд қилинган эркин одамзод  
Дастлабки шавкатни йўқотар албат.

Бу гапни жирканч иборалар билан айтадиган бўлсак, бошимизга кулфат тушганда қўзичоқдай ювош ва беозор бўлиб қоламиз, деган ҳикмат чиқади. Кашиш де Пьен хонимга мадмуазель Гийо жуда нодон, аммо кўнгли тоза эканини, уни қайта одам қилишга астойдил ишонишини айтди. Дарҳақиқат, Арсена унинг гапларини камоли аҳтиром билан тингларди. У докторнинг буюр-



ганларига қанчалик рия қилса, де Пьен хонимга ҳам шунчалик бўйсуниб, олиб келинган китобларни ўқиб беришни илтимос қилар ёхуд ўзи ўқирди. Аммо саховатпеша кашининг юрагини узил-кесил эритиб юборган ва ўзининг руҳан соғайиб бораётганига ҳомийсини ишонтирган нарса Арсена Гийонинг унга берилган пулларнинг бир қисмини қандай харж қилгани бўлди. У марҳума онаси Памела Гийонинг руҳига муқаддас Роҳ ибодатхонасида тантанали ибодат ўтказилишини илтимос қилди. Шак-шубҳа йўқки, ҳеч кимнинг руҳи черковдаги ибодатга бу қадар муҳтож эмас эди.

### *Иккинчи боб*

Бир куни эрталаб де Пьен хоним кийипаётган эди, хизматчи ётоғининг эшигини оҳистагина чертди-да, мадмуазель Жозефинанинг қўлига бир парча қоғоз тутқизди. Уни аллақандай ёш йигит берган экан.

— Макс Парижга келипти!— деб хитоб қилди де Пьен хоним қоғозга кўз югуртириб чиқиб.— Югуринг тезроқ, жаноб де Салиньидан илтимос қилинг, мени меҳмонхонада кутиб турсин.

Орадан бир оз ўтгач, меҳмонхонадан кулги овози эшитилди: биров бўғиқ овозда чинқирди, кейин қип-қизариб кетган мадмуазель Жозефина қалпоғи қулоғигача қийшайиб қолган ҳолатда қайтиб келди.

— Нима гап?— сўради де Пьен хоним.

— Ҳеч гап йўқ, хоним, жаноб де Салиньи мени, «семириб кетибсан», дедилар, холос.

Дарҳақиқат, икки йилдан ортиқроқ сафарда юрган жаноб де Салиньи мадмуазель Жозефинанинг тўлалигини кўриб ҳайрон қолиши турган гап эди. Бир вақтлар у мадмуазель Жозефинанинг суйгуликларидан ва бекасининг ихлосмандларидан ҳисобланарди.

У де Пьен хонимнинг яқин дугоналаридан бирига жиян бўлар эди, шунинг учун илгари де Пьен хонимникига холаси билан бирга тез-тез келиб турарди. Шуни ҳам айтиш керакки, у бориб турадиган хонадонлар ичида бирдан-бир тузуги де Пьен хонимнинг хонадони эди. Макс де Салиньи ўлгудай саёқ, қиморбоз, шалақ, майпараст, «лекин, жуда ажойиб одам эди». Унинг холаси Обре хоним унинг аҳволидан қаттиқ ташвиш чекар, лекин жиянини жони дилидан яхши кўрарди. У жиянини печамарталаб туриш-турмушини ўзгартишга кўндирмоқчи

бўлди, аммо ҳар гал унинг доно маслаҳатларидан йигитдаги ярамас майллар устун келарди. Макс де Пьен хонимдан икки ёш катта эди. Улар бир-бирларини болаликдан билишарди. Де Пьен хоним эрга тегмаган чоғларда Макс унга алоҳида бир меҳр билан қарагандай туюларди. «Азизим,— дерди Обре хоним,— мен амипманки, сиз истасангиз, бу дайдини йўлдан қайтариб, тийиб олиш қўлингиздан келарди». У пайтларда де Пьен хонимнинг номи ҳали Элиза де Гискар эди. Макс шу қадар қувноқ, шу қадар аломат, қишлоқда шу қадар ёқимтой, зиёфатларда шу қадар толмас эдики, ундан дурустгина эр чиқишига шак-шубҳа йўқ эди. Шунинг учун де Пьен хоним унга тегишга журъат қилиши ҳам мумкин эди-ю, аммо ота-онаси бу ишга унча хоҳиш билдиришмади. Обре хонимнинг ўзи ҳам жияни учун унча қафил бўлолмас эди. Унинг анча-мунча қарзи борлиги, хушторлари ҳам кўплиги маълум бўлиб қолди. Бунинг устига, «Жимназ»даги бир актриса туфайли арзимаган баҳона билан ҳамма ёққа доврўқ солган дуэлда иштирок этди. Де Обре хоним уларнинг уйланишини ҳеч қачон жиддийроқ мўлжал ҳам қилмаганди. Хуллас, улар бир-бирига муносиб эмас, деган қарорга келишди. Бу орада оғир ва босиқ, ҳар жиҳатдан мақтагулик, бунинг устига бадавлат ва яхши хонадондан чиққан жаноб де Пьен пайдо бўлиб қолди. Унинг тўғрисида сизга айтишим мумкин бўлган нарса шундан иборатки, у яхши одам, деб ном чиқарган ва бунга бутунлай муносиб эди. У камгап эди, аммо оғзини очиб, бирор нарса деса, албатта, биронта доно, шак-шубҳасиз ҳақ гапни айтарди. Шубҳали масалаларда у «Конрарнинг оқилона сукутига» тақлид қиларди. У ўзи қўшилган улфатга ҳусн бўлиб тушмаса-да, биронта жойда ортиқчалиги ҳам билинмасди. Хотини туфайли уни ҳамма жойда ноҳлик билан қарши олишарди. Аммо у бўлмаса, буни ҳеч ким пайқамас ҳам эди. Хотини ҳам бу масалада бошқалар қатори эди. У йилнинг тўққиз ойини ўзининг қишлоқдаги мулкида ўтказарди. Ҳикоямдаги воқеа бошланган кезларда ҳам у қишлоқда эди.

Де Пьен хоним беш дақиқа ўтар-ўтмас пардоз-андозини тугатиб хонадан чиқди. У бир оз ҳаяжонда эди, чунки Макс де Салиньининг келиши унга ҳаммадан кўра ортиқроқ севадиган одамнинг вафотини эслатди. Бу, афтидан, унинг кўнглида гавдаланган ягона хотира эди. Бу хотира шу қадар жонли эдики, унинг қаршисида мадмуазель Жозефинанинг бир томонга қийшайиб қолган

қалпоғи туфайли енгилроқ аёлнинг дарров кўнглига келиши муқарар бўлган ножўя тахминлар чиппакка чиқди. Меҳмонхона томон борар экан, де Пьен хоним меҳмоннинг роялда ўзи чалиб, ўзи қувноқ неаполитан баркаролласини ёқимли товуш билан куйлаётганини эшитиб, бир оз ажабланди:

Addio, Teresa,  
Teresa, addio?  
Al mio ritorno  
Te sposerò?\*

У эшикни очиб ичкари кирди-да, қўлларини хонандага узатиб, куйни бўлди:

— Азизим, жаноб Макс, сизни кўраётганимдан ғоят хурсандман.

Макс сапчиб ўрнидан турди-да, унга эсанкираб қараб, шоша-пиша қўлини сиқди, сўнг нима дейишини билмай туриб қолди.

— Қимматли холажонингиз бетоб бўлиб қолганда Римга боролмаганимдан ғоят афсусланаман,— деб давом этди де Пьен хоним.— Уни қандай парвариш қилганингиздан беҳабарман. У кишидан сўнгги хотира деб менга юборган нарсангиз учун беҳад миннатдорман.

Макснинг одатдаги қувноқ чехрасида маъюслик ифодаси пайдо бўлди.

— У киши менга сизнинг тўғрингизда сўнгги нафасларига қадар ҳам кўп гапирдилар,— деди у.— Кўриб турибман — узукни олибсиз. У киши вафот этган кун эрталаб ўқиган китобни ҳам олдингизми?

— Ҳа, Макс, раҳмат сизга. Бу аламли совгани юбориб, Римдан жўнаб кетаётганингиздан мени огоҳ қилибсизу, аммо адресингизни бермабсиз. Сизга қаёққа хат ёзишни билолмадим. Шўрлик дугонам! Ватанидан олисда мусофирликда қазо қилди! Унинг бахтига, сиз дарров етиб борибсиз. Ўзингизни ёмон кўрсатишга тиришсангиз ҳам, аслида, яхшисиз, Макс... Мен сизни биламан.

— Холам бетоб ётганида менга шундай деган эди: «Мен оламдан ўтсам, де Пьен хонимдан ўзга сени тергайдиган одам қолмайди». (У беихтиёр жилмайди.)

---

Алвидо, Тереза,  
Жоним, яхши қол!  
Қайтиб келганимда  
Ерим бўла қол! (Итал.)

«Ундан ҳадеб дакки ея бермасликка ҳаракат қилгин». Ана, кўрдингизми: сиз зиммангиздаги вазифани ёмон бажаряпсиз.

— Бу вазифани ўташ қийин бўлмас, деган умиддаман. Сизни ўзгарган, қуйилиб, анча жиддий одам бўлиб қолган, деб эшитдим.

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Мен шўрлик холаманга, яхши одам бўламан, деб ваъда бергандим. Мана...

— Сиз, албатта, сўзингизнинг устидан чиқасиз. Мен бунга аминман!

— Ҳаракат қиламан. Буни Париждан кўра сафарда қилишим осонроқ. Биласизми, бу ерга келганимга бир неча соат бўлди-ю, лекин бир вас-васдан ўзимни тийиб қолишга улгурдим. Сизникига келаётиб, эски бир қадрдонимни учратиб қолдим. У мени ҳар хил зумрашалар билан бирга зиёфатга таклиф қилди. Мен рад этдим.

— Яхши қилибсиз.

— Аммо, сизга ростини айтайми? Тушликка сиз таклиф қиларсиз деган умидда эдим.

— Афсус! Мен бугун уйда тушлик қилмайман. Аммо эртага...

— Шундай бўлса, мен ўзимга кафил бўла олмайман. Менинг бугунги тушлигим учун жавобгарлик сизнинг зиммангизга тушади.

— Менга қаранг, Макс. Энг муҳими — яхшилиқ йўлига қадам қўйиш. Сиз бўйдоқларнинг зиёфатига борманг. Мен Дарсене хонимникида тушлик қиламан. Кечқурун ўша ерга боринг, гаплашиб ўтираминг.

— Хўп. Лекин Дарсене хоним ўлгудай зерикарли аёл-да! Мени сўроққа тутати. Сиз билан гаплашгани ҳам қўймайди. Мен бирор ножоиз гап айтиб юбораман. Ундан ташқари, бўйи етган қоқ суяк қизи бор. Эҳтимол, ҳали узатилмагандир.

— У жуда латофатли қиз... Ножоиз гапларга келсак, у ҳақида ҳозир айтганларингизнинг ўзи ноўрин.

— Айбдорман. Бўйнимга оламан. Аммо мен шу бугун сафардан қайтганман... Борсам, ҳаддан зиёд шошқалоқлик қилгандай туюлмасмикин?

— Майли, билганингизни қилинг. Лекин, гап бундай, Макс... Холангизнинг дўсти сифатида сиз билан рўйирост гаплашишга ҳақлиман. Аввалги ошналарингиздан воз кечинг. Сизга зарар келтирган алоқаларингизнинг кўпи, вақт ўтиб, узилиб кетган... Уларни яна тиклашга уринманг. Бирортаси бошингизни айлантиришига йўл қўймасангиз, сиздан кўнглим тинч бўлади. Сизнинг ёшин-

гизда... бизнинг ёшимизда ақл-идрок билан иш тутуш керак. Келинг, панд-насихатларни қўяйлик. Яхшиси, кўришмаган вақтимизда нималар қилганингизни гапириб беринг. Менинг билганим шуки, сиз аввал Германияда, кейин Италияда бўлдингиз. Сиз менга атиги иккита мактуб юбордингиз, эсланг. Икки йил мобайнида иккита мактуб — улардан сиз тўғрингизда ҳеч қандай маълумот ололмаганимни ўзингиз ҳам сезиб турибсиз...

— Ё тангрим, мен гуноҳқорман... Лекин мен... очигини айтсам, шунақа ялқовманки... Мен йигирма мартача сизга мактуб ёзишга тутиндим, бироқ сизга қизиқарли нимани ҳам айтиб бера олардим? Мен хат ёзишни эплолмайман. Агар ҳар гал сизни ўйлаганимда сизга мактуб ёзадиган бўлсам, Италияда қоғоз етмаган бўларди.

— Бўлмаса, нима қилдингиз? Нима билан банд бўлдингиз? Мактуб ёзиш билан машғул бўлмаганингизни билдим.

— Нима билан дейсизми? Биласиз-ку, мен, афсуски, ҳеч қачон ҳеч нарса билан шуғулланмайман. Томоша қилдим, сайр қилдим. Рассомлик билан шуғулланай, деган эдим, сон-саноқсиз гўзал картиналарни кўриб, ожизона эҳтиросим ҳам сўнди-қолди. Ҳа... кейин қария Нибби мени археолог қилиб қўйишига сал қолди. Ҳақиқатан ҳам, у мени қазиш ишлари билан шуғулланишга кўндирди... Битта синиқ трубка билан бир уюм сопол синиқларини топдик... Кейин Неаполда ашуладан дарс олдим, аммо овозимга бунинг нафи тегмади... Мен...

— Хушовоз бўлсангиз ҳам, ашулани яхши айтсангиз ҳам сизнинг музика билан шуғулланишингизни маъқул кўрмайман. У сизни ноқобил одамлар билан улфатчилик сари бошлайди. Ҳолбуки, бусиз ҳам улфатларингиз кўп.

— Галингизни тушуниб турибман. Аммо мен Неаполдалиқ вақтимда хавотир оладиган жойи йўқ эди. Примадоннанинг вазни юз эллиқ килограмм келарди, иккинчи хонанданинг оғзи эса мўридай, бурни Ливан минорасидай эди. Хуллас, икки йил қандай ўтиб кетганини ўзим ҳам билмадим. Ҳеч нарса билан шуғулланганим йўқ. Ҳеч нарсанг ўрганганим йўғу, икки йиллик умр ўтди-кетди.

— Мен бирон нарса билан машғул бўлишингизни истар эдим. Мен сизда бирон фойдали нарсага жиддий қизиқиш пайдо бўлишини хоҳлар эдим. Бекорчилик сизни нобуд қилади.

— Очигини айтганда, мен сафарларимдан шунинг учун мамнунманки, ҳеч нарса қилмаганим ҳолда бутунлай бекорчи ҳам эмас эдим. Теварак-атрофингда доим чи-

ройли парсаларни кўриб турсанг, зерикмайсан. Мен зерикканимда ҳар хил тентакликларни қилишга тайёрман. Ишонаверинг, мен анча қуйилиб қолганман, ҳатто пулни енгил-елпи совуришининг баъзи йўллари унутганман. Шўрлик холам қарзларимни тўлаб юборди. Ушандан бери ортиқ қарздор бўлганим йўқ ва бўлмоқчи ҳам эмасман. Бўйдоқона турмушимга етадиган пулим бор. Аслимдагига қараганда бадавлатроқ бўлиб кўринишни истамайман. Шундоқ экан, тентакликни ташлайман. Нега жилмаяпсиз? Ё менинг ўзгарганимга ишонмаяпсизми? Сизга далил-исбот керакми? Мана, ёрқин бир мисол. Фамен, яъни мени зиёфатга чорлаган ошнам бугун менга от сотиб олишни таклиф этди. Беш минг франк... Сухсурдай от экан! Дастлаб олгим келди, кейин биргина тантиқлигим учун беш минг тўлайдиган даражада бадавлат эмаслигимни ўйлаб, бундан буён ҳам пиёда юраверишга аҳд қилдим.

— Жуда соз бўлипти, Макс. Ана шу тўғри йўлдан бундан кейин ҳам монесиз юриш учун нима қилишингиз кераклигини биласизми? Уйланишингиз керак.

— Уйланиш, дейсизми? Уйлансам ҳам бўлаверади. Аммо кимга керагим бор? Гарчи мен танлаш ҳуқуқига эга бўлмасам-да, менга шундай аёл керакки... О, йўқ, энди менга ҳеч ким тўғри келмайди...

Де Пьен хоним қизарди, аммо у буни пайқамай гапида давом этди:

— Мени ёқтирадиган аёл бўлсайди... Бироқ, биласизми, шунинг ўзи унинг менга маъқул бўлмаслиги учун дярли кифоя қиларди.

— Нега энди? Бўлмаган гап!

— Ахир, Отелло аллақайси бир жойда ҳам айтади-ку! Дездемонадан шубҳа қилаётгани учун ўзини оқлайдиган жойда шекилли: «Агар у мендай қора арабни танлаган бўлса, демак, бу аёлнинг эс-ҳуши ўзида эмас, диди ҳам бузуқ». Мен ҳам: «Мени ёқтириб қолган аёлнинг эс-ҳуши тескари бўлса керак», дея олмайманми?

— Сиз ўлгудай саёқ одам бўлгансиз, Макс. Шунинг учун аслингиздан кўра ёмонроқ кўринишга уринишининг ҳожати йўқ. Ўзингиз тўғрингизда бунақа деманг, чунки гапингизга ишонишлари мумкин. Менга келсак, мен амишманки, агар вақти соати келиб... ҳа, сиз ҳурматингизни қозонадиган аёлни севиб қолсангиз... унда сиз у аёлга...

Де Пьен хоним гапини нима деб тугатишни билмай дудмалланиб қолди, ундан кўзини узмай, бениҳоя зўр

қизиқиш билан тикилиб турган Макс эса муваффақиятсиз бошланган жумланинг охирини топиб беришга кўмаклашишни хаёлига ҳам келтирмас эди.

— Айтмоқчисизки,— деди у ниҳоят,— мабодо мен ҳақиқатан ҳам севиб қолсам, мени ҳам севишар эди, чунки унда мен бунга арзирдим, шундайми?

— Ҳа, унда сиз ҳам бошқанинг севгисига муносиб бўлардингиз.

— Севилиш учун севишнинг ўзи кифоя бўлганда, кошқийди. Аммо сизнинг гапларингиз унчалик тўғри эмас, хоним... Ҳа, майли! Менга дадил бир аёлни топиб беринг, мен уйланай... Агар у унчалик бадбашара бўлмаса, унга кўнгил қўйиб кетарман. Ҳали унча қариб қолганим йўқ... Аммо ундан нарисига ўзингиз жавоб берасиз.

— Ҳозир қаердан келяпсиз?— деб унинг гапини бўлди де Пьен хоним жиддий оҳангда.

Макс сафарлари тўғрисида ихчамгина қилиб гапириб берди. Бироқ шундай бўлса-да, юнонларнинг *Baulo her-hihase, baulo egurisen*, \* деган сўзларига амал қиладиган сайёҳларга тақлид қилмади. Унинг мухтасар мулоҳазалари тайёр фикрларга қаноат қилмайдиган зехнининг ўткирлигидан, билими намойиш этмоқчи бўлганига қараганда кўпроқ эканидан далолат берарди. Орадан кўп ўтмай, у де Пьен хонимнинг соатига қараб қўйганини сезиб, хайр-маъзур қилди ва «кечқурун Дарсене хонимникига борарман», деб дудмал ваъда берди.

Аммо у Дарсене хонимникига бормади. Де Пьен хоним бундан анчагина ранжиди. Бунинг ўрнига у эртаси куни де Пьен хоним ҳузурига келиб кечирим сўради ва «йўлдан чарчаб келувдим, уйда қолишга мажбур бўлдим», деб баҳона қилди. Бироқ у кўзини ердан узмай, шу қадар бўшашиб гапирдики, де Пьен хонимдай одамларнинг юзига қараб туриб, дилидагини уқиб олиш қобилиятига эга бўлмасдан ҳам унинг муғамбирлигини фош қилиш қийин эмас эди.

У қийналиб гапини тугатганида де Пьен хоним индамай бармоғи билан таҳдид қилиб қўйди.

— Гапимга ишонмаяпсизми?— деб сўради у.

— Йўқ. Шуниси яхшики, сиз ҳали ёлғон гапиришни ўрганиб етмабсиз. Кеча Дарсене хонимникига бормаганингизнинг сабаби дам олганингиз эмас. Сиз уйингизда йўқ эдингиз.

---

\* Чамадондай бориб, чамадондай келди. (Автор изоҳи.)

— Ҳа, рост,— деди Макс жилмайишга уришиб.— Сиз ҳақсиз. Мен «Роше де-Канкал»да ҳалиги зумрашлар билан тушлик қилдим, кейин Фаменникига бориб чой ичдим. Менга ижозат беришмади. Бир оз қимор ўйнадим.

— Албатта ютқазгандирсиз?

— Йўқ, ютдим.

— Бадтар бўлинг. Менга ютқазганингиз маъқулроқ эди. Зора ютқазиб сизни ана шу бемаъни ва ярамас одатдан қайтарса...

У тўқиётган ишига эгилди-да, бир оз ясамароқ қунт билан ишлашга киришди.

— Дарсене хонимникида одам кўп бўлдимиз?— сўради Макс қўрқа-писа.

— Йўқ, кўп эмас.

— Бўйи етган оймқизлар бўлгандир-да?

— Йўқ.

— Мен ҳар ҳолда ҳали ҳам ўзингиздан умидворман. Кечаги ваъдангиз эсингиздадир?

— Бу тўғрида ўйлашга ҳали вақтимиз бор.

Де Пьен хонимнинг овозида унга хос бўлмаган аллақандай дағаллик ва ғайри табиийлик бор эди. Бир оз сукутдан сўнг Макс итоаткорона давом этди:

— Мендан норози кўринасиз? Майли, холамга ўхшаб мени керагича уришинг-да, кейин гуноҳимдан ўтинг. Менга қаранг, истасангиз, бундан буён ҳеч қачон қимор ўйнамасликка сўз бераман.

— Бировга ваъда бераётганда, уни бажаришга қодир ёки қодир эмасликни ҳам билиш керак.

— Сизга берган ваъдамнинг устидан чиқмап. Амин-мапки, бунга кучим ҳам, иродам ҳам етади.

— Яхши, Макс, қабул қилдим,— деди у унга қўлини узатиб.

— Мен бир мингу юз франк ютдим,— деб давом этди у.— Уларни фақирларингизга бериш учун олишни истамайсизми? Ноқобил йўл билан топилган пулни бундан дурустроқ харжлашнинг йўли бўлмаса керак.

Де Пьен хоним ҳадеганда жавоб бера қолмади.

— Нечук шундай қилмайлик?— деди у ўзига-ўзи овоз чиқариб.— Менга қаранг Макс, бу сизга сабоқ бўлсин. Унутманг. Мен сизни, бир мингу юз франк қарздор, деб ёзиб қўяман.

— Холам: «Қарздор бўлмасликнинг энг яхши йўли ҳамиша нақд тўлашдир», дерди.

Шу сўзларни айтиб, у ҳамёнини чиқарди-да, ундан пулларни олаётган эди, де Пьен хоним ярим очиқ ҳамён



ичида аёлнинг сурати борлигини кўриб қолди. Макс унинг қараб турганини кўриб, қизариб кетди ва тезгина ҳамёни ёпиб, пулпи тутқазди.

— Мен ҳамёнигизни бир кўрсам дейман... мумкин бўлса...— деди у маккорона жилмайиб.

Макс бутунлай саросиямага тушиб қолди. У нималардир деб мишғирлаб, де Пьен хонимнинг диққатини чалғитмоқчи бўлди.

Де Пьен хоним аввалига, ҳамёнда бирон италиян гүзалининг сурати бўлса керак, деб ўйлади. Аммо Макснинг хижолат бўлаётгани ва суратнинг де Пьен хоним зўр-базўр илғаб олишга улгурган умумий услуби кўп ўтмай унда бошқа бир шубҳани туғдирди. Бир вақтлар у Обре хонимга ўз суратини тақдим қилган эди. Ҳозир хаёлига: «Макс бевосита меросхўр сифатида ўша суратни ўзига олишга ҳақлиман, деб ўйлайди текилли», деган фикр келди. Унга бу ўтакетган адабсизлик бўлиб туюлди. Лекин аввалига бунни билинтирмади, фақат жаноб де Салинья кетишга отланаётганида:

— Айтгандек,— деб унга мурожаат қилди,— холагизнинг қўлида менинг суратим бор эди. Мен уни қидриб топишни истайман.

— Мен билмадим... Қайси суратни айтяпсиз?.. Қанақа тоифадаги сурат эди?— деб сўради Макс бўшапган оҳангда.

Бу гал де Пьен хоним унинг ёлгон гапшраётганини билиб, билмасликка олди.

— Қидириб кўринг,— деди у имкони борича табиийроқ оҳангда.— Мени хурсанд қилардингиз.

Суратни ҳисобга олмаганда, у Макснинг мўмин-қобиллигидан гоят мамнун бўлди ва яна бир йўлдан адашган бандани тўғри йўлга қайтаришга умид боғлади.

Эртаси куни Макс суратни топиб, анчайин бепарво қиёфада келтириб берди.

У суратни берар экан, у сурат аслига унча ўхшамаслигини, рассом унинг турқи тароватини суъбий тасвирлаганини, юз ифодасини кескин қилиб юборганини айтди. Шу кундан бошлаб камроқ келадиган, де Пьеннинг ҳузурда тунд чехра билан ўтирадиган бўлиб қолди. Авваллари у сира ҳам бундай қилмас эди. Де Пьен хоним бу кайфиятни берган ваъдасини бажариш ва ярамас майларга қарши курашиш учун зўриқаётганига йўйди.

Жаноб де Салинья келганидан икки ҳафта чамаси вақт ўтгавидан сўнг де Пьен хоним одатига кўра қарамоғидаги Арсена Гийопи кўриб келишга отланди. Бу

муддат ичида у Арсенани унутиб юборгани йўқ эди. Уй-лайманки, уни сиз ҳам унутмаган чиқарсиз, хоним. Де Пьен хоним унинг саломатлигини сўраб, доктор нималар буюрганини суриштирди, беморнинг кайфияти аввалгидан ҳам ёмон эканини кўриб, Арсенанинг гаплашиб толиқиб қолмаслиги учун унга китоб ўқиб беришга тутинди. Шўрлик қиз учун, албатта, китоб ўқитиб эшитишдан кўра, гаплашиб ётиш маъқулроқ эди, негаки, ўзингиз фаҳмлаётганингиздай, де Пьен хоним ўқишга тутинган китоб жиддий китоб эди, Арсена эса ҳеч қачон ошпаз аёлларга аталган романлардан бошқа нарса ўқимаган эди. Де Пьен хоним қўлига олган китобда имон ҳақида баҳс қилинарди. Мен сизга китобнинг помини айтиб ўтирмайман. Чунки, айтсам, аввало, китобнинг муаллифи раъжиши мумкин, қолаверса, сиз мени шу тақлилдаги ҳамма асарларни қоралашда айблашингиз мумкин. Китобнинг ўн тўққиз яшар йигитнинг қаламига мансуб эканини айтишнинг ўзи кифоя. Унда муаллиф ўз олдига ашаддий гуноҳкор аёлларни ёмон йўлдан қайтаришни мақсад қилиб қўйган. Арсена жуда заиф эди, аввалги кунини у туни билан мижжа қоқмай чиққанди. Учинчи саҳифага келганда, мадмуазель Гийо кўзлари қисилиб, ухлаб қолди.

Бу китобни эмас, бошқа ҳар қандай китобни, у хоҳ жиддий бўлсин, хоҳ ножиддий, ўқиганда ҳам шундай бўлиши муқаррар эди. Де Пьен хоним буни пайқади ва китобнинг қизга кўрсатган таъсиридан хурсанд бўлди. Аввал у беморни уйғотиб юбормаслик учун овозини пастлатди, кейин ўқишдан тўхтаб, китобни қўйди-да, оёқ учиде юриб чиқиб кетиш учун оҳиста ўрнидан кўзгалди. Ҳар гал де Пьен хоним келганида ҳамшира аёл қоровул хотиннинг олдига чиқиб кетарди, негаки, де Пьен хонимнинг ташрифи кашишнинг ташрифига ўхшаб кетарди-да. Де Пьен хоним ҳамширанинг қайтишини кутмоқчи бўлди. Аммо оламда бекорчиликни ундап ортиқроқ ёмон кўрадиган одам бўлмагани сабабли ухлаётган бемор ёнида ўтказиши лозим бўлган вақт ичида биров нарса билан шуғулланишга аҳд қилди. Тахмон томондаги чоғроқ хонада стол, унинг устида сиёҳ ва қоғоз бор эди. У ўтириб мактуб ёза бошлади. Хатни ёзиб бўлиб, уни елимлаш учун тортмадан елим қидирар экан, тўсатдан аллаким хонага кириб келиб, беморни уйғотди.

— Ё тангрим! Кимни кўряпман?— деб хитоб қилди Арсена. Унинг овози шу қадар ўзгариб, бошқача эшитилдики, ҳатто де Пьен хоним чўчиб тушди.

— Ғалати иш бўлибди-ку! Бу қанақаси? Тентакка ўхшаб, ўзингни деразадан отасанми? Дунёда бунақа тентак кам топилади.

Билмадим, фикримни аниқ етказа оляпманми — йўқми; ҳар ҳолда хонага кирган одамнинг гапи шу мазмунда эди. Де Пьен хоним кирган одамнинг овозидан дарҳол Макс де Салиньи эканини билди. Арсенанинг хитоблари, бўғиқ пидолари янгради, кетидан жарангдор бўса овози эшитилди. Сўнгра Макс давом этди:

— Шўрлик Арсена! Аҳволингни қара! Биласанми, агар Жюли сенинг сўнги адресингни бермаганда, сени мен икки дунёда ҳам тополмасдим. Ҳой, бунақа тентакликни олам кўрганми?

— Оҳ, Салиньи, Салиньи! Нақадар бахтиёрман! Қилган ишимдан печоғлик пушаймонман! Энди сенга ёқмай қоламан. Энди сенга керак бўлмай қоламан...

— Хўн тентаксан-да!— дерди Макс.— Пулга муҳтож бўлиб қолган экансан, нега менга ёзмадинг? Нега энди майордан сўрай қолмадинг? Русингга нима бўлди? Ё казанинг жўнавордимми?

Максининг овозини таниганда де Пьен хоним даставвал Арсенадан ҳам ортиқроқ ҳанг-манг бўлиб қолди. Ҳайронликдан у дарҳол уларнинг олдига чиқа олмади ҳам. Кейин чиқсамми, чиқмасамми, деб мулоҳаза қила бошлади. Бировнинг гапини эшита туриб, мулоҳазага борсанг, дарров бир нарсага жазм қилишинг қийин бўлади. Шундай қилиб, у ўтирган жойида юқорида мен келтирган гап-сўзларни эшитишга мажбур бўлди. Бироқ шу дақиқада тушундики, тор хонадан чиқмай ўтираверса, бундан кўпроқ ва бадтарроқ гапларни ҳам эшитади. У қатъий қарорга келди-да, хотиржам қиёфада виқор билан хонага кирди. Хотиржамлик ва виқор ифбатли одамларда камдан-кам ғойиб бўлади, лозим бўлганида эса улар осонгина бу қиёфага кираверишади.

— Макс!— деди де Пьен хоним.— Сиз бу шўрлик қизга озор беряпсиз. Кетинг. Бир соатлардан кейин менинг олдимга келинг, гаплашамиз.

Макс бу ерда де Пьен хонимни учратиб қолиши мумкинлигини сира хаёлига ҳам келтирмаган эди. Шунинг учун уни кўриши биланоқ мурдадек оқариб кетди. Саросима ичда беихтиёр унинг айтганини қилишга рози бўлди ва эшик томон қараб юрди.

— Кетяпсанми? Кетма!— деб хитоб қилди Арсена жон ҳолатда тўшакдан кўтарилишга уришиб.

— Қўзичоғим,— деди де Пьен хоним унинг қўлини

олиб.— Огирроқ бўлинг. Айтганимни қилинг. Менга берган ваъдангизни эсланг.

Шундай деб у Максга хотиржам, аммо ҳокимона нигоҳ билан қаради. У шу овдаёқ кўздан ғойиб бўлди. Арсена унинг чиқиб кетганини кўриб, шилқ этиб тўшакка йиқилди — у ҳушидан кетган эди.

Де Пьен хоним билан шу орада қайтиб келган ҳамшира бунақа ҳолларда аёллар намоийиш қиладиган маҳорат билан унга ёрдам бера бошлашди. Арсена аста-секин ўзига келди. Аввалига у ҳозиргина кўз ўпигида турган одамни қидиргандай, хонани кўздан кечириб чиқди, кейин эса катта-катта тим қора кўзларини де Пьен хонимга қадар, ундан сўради:

— У эрингизми?

— Йўқ,— деб жавоб берди де Пьен хоним бир оз қизарса-да, майин овоз билан,— жаноб де Салиньи менга қариндош бўлади.

Унинг устидан ҳукм юргизишининг сабабини ошкор қилиш учун де Пьен хоним ана шу арзимас ёлғонни ишлатишга мажбур бўлди.

— Демак, у сизни севар экан-да!— деб хитоб қилди Арсена ёлқиндай чақнаган кўзларини ундан узмай.

Ўша!.. Де Пьен хонимнинг юзиде яшин чақнагандай бўлди. Бир лаҳзада унинг ёноқлари қип-қизил бўлиб, дами ичига тушиб кетди. Аммо кўп ўтмай аввалгидай яна хотиржам бўлиб олди.

— Сиз адашяпсиз, бечора кўзичоғим!— деди у жиддий оҳангда.— Жаноб де Салиньи сизга ўтмишни эслатмаслиги кераклигини тушунди. Бахтингизга, ўтмиш хотирангиздан сўниб борапти. Сиз унутгансиз...

— Унутганман!— деб хитоб қилди Арсена машаққат билан жилмайиб. Унинг жилмайишини кўришининг ўзи оғир эди.

— Ҳа, Арсена, сиз ўша йиллардаги тентакликларингизнинг ҳаммасидан воз кечгансиз. Энди уларга қайтиш йўқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шўрлик кўзичоғим, бошингизга келган ҳамма кулфатларнинг бойси ана шу жинояткорона алоқалар-ку! Ўйлаб кўринг...

— У сизни севмайдими?— деб унинг гапини бўлди Арсена сўзига қулоқ солмай.— У сизни севмайди-ю, лекин қарашингизнинг ўзидан нима демоқчи эканингизни тушунади. Мен сизнинг кўзингизни ҳам, униқини ҳам кўрдим. Мен адашаётганим йўқ... Начора!.. Ҳаммаси тушунарли! Сиз ёшсиз, гўзалсиз, жозибалисиз... Мен ногирон, майиб... ўлим тўшагида ётибман...

У гапини тугатолмади — баланд овозда ўкириб йиғлаб юборди. Ҳамшира аёл докторга югурмоқчи бўлди. Унинг айтишича, доктор жаноблари ана шу асаб хуружларидан қўрқар экан, асаб хуружи тўхтамаса, қиз шўрлик нобуд бўлармиш.

Арсена чекаётган дардининг зўрлигидан туғилган кўтарилиш аста-секин сўниб, унинг ўрнини лоқайд мажолсизлик эгаллади. Буни кўриб де Пьен хоним, Арсена тишчиб қолди, деб ўйлади. У панд-насихатларини давом эттирди. Аммо Арсена қимир этмай ётганича, дунёвий муҳаббатдан илоҳий муҳаббатни устун қўйиш ҳақидаги сўзамол ундовларга қулоқ солмас, унинг кўзлари қуруқ, тишлари маҳкам қисилган эди. Ҳомийси унга само ва келажак ҳақида гапирар экан, у ҳозирини ўйларди. Кутилмаганда Макснинг келиши унинг қалбида бир зумга ақл бовар қилмайдиган орзулар уйғотди, аммо де Пьен хонимнинг биргина нигоҳи биланоқ улар елдай совурилди. Бир лаҳзалик ажойиб туш кўрган Арсена яна қайғули воқеликка қайтди. Бир дақиқалик уйқудан уйғонгач, унга воқелик юз карра даҳшатлироқ туюлди.

Докторингиз сизга айтиб бериши мумкин, хоним: кема ҳалокатига учраганларни очлик азоби қийпаганда бирдан мудроқ босади. Улар туш кўришади. Тушларида стол атрофида ўтириб, иштаҳа билан овқатланаётган бўлишади. Улар уйғониб, яна кучлироқ очлик азобига дуч келишади ва ухлаганларига пушаймон бўлишади. Арсена чекаётган дардни шу одамларнинг азобига таққосласа бўларди. Бир вақтлар у Максни жуда ҳам яхши кўрарди. Ҳамиша у билан бирга театрга боргиси келарди, шаҳар ташқарисига чиқиб, бирга сайр қилишса бениҳоя шодланар, доимо дугоналарига уни гапиргани гапирган эди. Макс жўнаб кетганида, у юм-юм йиғлади, шундоқ бўлса-да, у бир руснинг хушомадларига рози бўлди. Бу рус ўзининг вориси бўлганини эшитиб, Макс хурсанд бўлди, чунки уни дуруст, яъни сахий одам деб биларди. Арсена ўзи сингари аёлларга хос бўлган парипон тарзда ҳаёт кечирган чоғларида унинг Максга севгиси ўқтин-ўқтин хўрсиниб қўйишга мажбур қиладиган ёқимли эсдалик эди, холос. Арсена бу ҳақда болалик эрмакларини ўйлагандай ўйларди. Аммо хушторлари ташлаб кетиб, Арсена ёлғиз қолганида, фақирлик ва шармандаликнинг ҳамма кулфатини тортган кезларида унинг Максга бўлган муҳаббати мусаффолашгандай бўлди. Негаки, у на таассурот, на пушаймон тугдирадиган ягона эсдалик эди. Бу муҳаббат ҳатто унинг ўз назаридаги қадрини ҳам

оширди. У ўзини қанча тубан ҳис қилса, хаёлида Макс-ни шунча кўкларга кўтариб, улуғларди. «Мен унинг сев-гилсин эдим, у мени яхши кўрарди»,— дерди у ўз-ўзига алланечук ғурур билан фаҳш ҳаёти ҳақида ўйлаб, бутун вужудини нафрат чулғаб олган кезларда. Минтурн бот-қоғида Марий: «Мен кимврларни енгдим!» дея ўзига-ўзи далда берган экан. Хушторларининг қўлига қараб кун кечирадиган қизнинг ихтиёрида уят ва умидсизликка қарши курашиш учун фақат ана шу эсдалик қолган эди: «Макс мени севарди... У мени ҳамон севади!» Бир лаҳза у шундай деб ўйлаши мумкин эди, энди эса ундан ана шу эсдаликни — ҳаётида қолган яккаю ягона нарсасини ҳам тортиб олишди.

Арсена қайғули хаёлларга чўмиб ётар экан, де Пьен хоним унга зўр бериб ўзи жинояткорона хато деб атаган нарсадан мангуликка воз кечиш зарурлигини тушунти-рарди. Чуқур эътиқод одами деярли ҳиссиз қилиб қўя-ди. Жарроҳ беморнинг оҳ-воҳига қарамай, ярага қизиган темир босганидай, де Пьен хоним ҳам шафқатсиз қатъи-ят билан ўз ишини давом эттирди. У дердики, шўрлик Арсена худди ўз-ўзидан яширинмоқчи бўлгандай нажот излагани бахтли замонлар аслида жиний ва шармандали замонлар эди. Ҳозир у шунинг азобини тортяпти. Бу ёл-гон орзуларнинг ҳаммасидан у нафратланиши, уларни қалбидан қувиб чиқариши лозим. Ўзининг ҳимоячиси, пуштипаноҳи деб билган одами эса унинг назарида фақат зарарқунанда шерикка, помини мангу унутиб юбориш керак бўлган алдамчига айланиши ке-рак.

«Алдоқчи» сўзининг нечоғлик кулгили эканига де Пьен хонимнинг фаросати етмади. Арсенанинг эса бу тапларни эшитиб, кўз ёшлари аралаш кулиб юборишига сал қолди. Аммо муҳтарама ҳомий буни ҳам пайқамади. У ҳеч нарсага парво қилмай, панд-насихатини давом эттирди ва: «Сиз уни бошқа ҳеч қачон кўрмайсиз», деган сўзлар билан тугатдики, бу сўзларни эшитиб, шўрлик қиз яна баттарроқ ўкириб йиғлади.

Докторнинг келиши ва беморнинг бутунлай ҳолдап тойиши де Пьен хонимга етарли даражада самарали меҳ-нат қилганлигини эслатди. У Арсенанинг қўлларини си-қиб, чиқиб кетар экан, гапирди:

— Сабр қилинг, болагинам, худо барҳақ!

У ўз бурчининг бирини адо этди, энди зиммасида яна бир бурч — аввалгидан қийинроқ вазифа турарди. Уни яна бир гуноҳкор банда кутяпти, уни ҳам тавба-тазарру

қилдириш керак. Тақводорлиги туфайли қалбида пайдо бўлган ишончга қарамай, яқиндагина ўзи яна бир карра амин бўлгандай, Максга ҳукми ўтишига қарамай, ниҳоят бу саёқ одам ҳақида қалбининг ич-ичидан яхши фикрда эканига қарамай, бўлғуси олишувни ўйлаганида де Пьен хоним аллапечук ҳаяжонга тушарди. Бу даҳшатли тортишувга киришишдан аввал у ўзини босиб, куч йиғиб олмоқчи бўлди ва ҳақ ишни ҳимоя қилишда худои таолдан мадад олмоқ учун ибодатхонага кирди.

У уйига қайтиб келганида жаноб де Салиньининг меҳмонхонада эканини, уни анчадан бери кутиб ўтирганини айтишди. Де Пьен хоним кириб, уни юзидан қопи қочган, ҳаяжонланаётган, саросимали бир аҳволда кўрди. Улар ўтиришди. Макс чурқ этишга ожиз эди. Де Пьен хоним ҳам сабабини ўзи билмаган ҳолда ҳаяжонланмоқда эди. У ҳам бир неча дақиқа сукутга чўмиб, Максга зимдан назар ташлаб ўтирди. Ниҳоят, у гап бошлади.

— Макс,— деди у,— мен сизга таъна қилмайман...

У кибр билан бошини кўтарди. Уларнинг кўзлари тўқнашди, Макс дарров кўзларини олиб қочди.

— Мен айтадиган гаплардан кўра,— деб давом этди де Пьен хоним,— олижаноб қалбингиз сизга қўпроқ нарса айтиши мумкин. Тақдирнинг ўзи сизга сабоқ беришга аҳд қилган кўринади. Умид қиламанки... аминманки... бу сабоқ беҳуда кетмас...

— Хоним,— деб унинг гапини бўлди Макс.— Очиғини айтганда, мен нима воқеа содир бўлганини билолмаяпман. Бу шўрлик қиз ўзини деразадан ташлапти — менга шундай дейишди. Лекин мен ўйлайманки, бу ножўя ишнинг боиси бизнинг аввалги алоқаларимиз бўлмаса керак...

— Яхшиси, айтингки, Макс, сиз ёмонлик қила туриб, оқибати нима бўлишини ўйламагансиз. Сиз бу қизни бузуқлик йўлига олиб кирганингизда, бир кун келиб у ўз жонига қасд қилиши мумкинлигини хаёлингизга ҳам келтирмагансиз.

— Хоним! — деб хитоб қилди Макс бўшашиброқ.— Ижозатингиз билан сизга шунини айтиб қўяйки, мен Арсена Гийони йўлдан оздирганим йўқ. Мен у билан танишганимда, ўзининг бўлари бўлиб қолган эди. Инкор қилмайман, у менинг маъшуқам эди. Очиғини айтсам, мен уни севардим ҳам... Бу тоифа аёлларни севиш жоиз бўлса... Менга у бошқалардан кўра мени ортиқ кўрадигандай туюларди... Аммо аллақачонлар орамиздаги ҳар қан-

дай муносабат тўхтаган. Бунинг учун Арсена унча қай-гургани ҳам йўқ эди шекилли. У менга сўнгги марта ёзганида, мен унга пул юбордим. Аммо у пул тутишни билмайди. Мендан яна пул сўрагани уялган, чунки унинг ўз гурури бор... Муҳтожлик уни ана шу даҳшатли ишни қилишга мажбур қилган... Бу мен учун гоят оғир. Аммо қайтариб айтаман, мен ўзимни айбдор деб ҳисобламаймап.

Де Пьен хоним стол устида ётган аллақандай буюмга қўл теккизди-да, давом этди:

— Албатта, оқсуяклар назари билан қараса, сизнинг гуноҳингиз йўқ, сиз жавобгарликдан холисиз. Аммо оқсуякларникидан бошқа ахлоқ қоидалари ҳам бор-ку... Мен ўшаларга амал қилмоғингизни истар эдим... Ҳозир сиз, эҳтимол, гапимни уқадиган ҳолатда эмасдирсиз. Буни қўйиб турайлик. Ҳозир сиздан илтимос қилмоқчи бўлган нарсам шуки, менга бир нарсани ваъда қилсангиз. Умид қиламанки, йўқ демасиз. Бу шўрлик қиз ҳозир тавба-тазарруга тайёр. Унинг ҳузурига бир саховатпеша кашини бориб турипти. Жувон бу муҳтарам зотнинг панд-насиҳатларини жон-дили билан эшитпти. Шунинг учун ундан кўнглимизни тўқ тутишимиз мумкин. Сиз, сиз уни ортиқ кўрмаслигингиз керак, негаки, унинг қалби ҳали яхшилик билан ёмонлик орасида иккиланиб турипти. Сизда эса, афсуски, унга фойда келтириш хоҳиши ҳам, имкони ҳам йўқ. У билан кўришадиган бўлсангиз, унга жуда катта зарар етказишингиз мумкин... Шунинг учун сиздан уникага бошқа бормасликка сўз беришингизни илтимос қиламан...

Максинг таажжубга тушгани шундоққина кўришиб турарди.

— Сиз йўқ деёлмайсиз, Макс; агар холангиз ҳаёт бўлганида, у ҳам сиздан шуни илтимос қилган бўлар эди. Тасаввур қилингки, сиз билан мен эмас, холангиз гаплашпти.

— Эҳ, худойим-ей! Мендан нимани талаб қилипсиз? Бу шўрлик қизга мен нима зарар етказишим мумкин? Аксинча, тентаклик қилиб юрган чоғларида у билан учрашиб юрган одам ҳозир у оғир дардга чалинган бир пайтда уни ёлғиз қолдирмаслиги керак эмасми? Менга айтганлари рост бўлса, унинг дарди анча оғир.

— Оқсуяклар ахлоқи нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, шундай албатта. Бироқ бу менинг ахлоқим эмас. Унинг дарди оғир бўлгани учун ҳам сиз уни кўрмаслигингиз зарур.



— Бироқ шуни ҳам ҳисобга олиб қўйинг, модомки у шундай аҳволда экан, ҳеч қандай уятчанлик ҳам мене бўлолмасди... Биласизми, менинг кучугим касал бўлиб қолса, унинг мени кўргиси келаётганини билиб турсам ҳам, уни ёлғиз ташлаб, жон беришини кутсам, ёмон иш қилишман, деб ҳисоблардим. Сиз ҳам шундай фикрда бўлмаслигингиз мумкин эмас. Ахир, сиз шунчалар меҳрибон, мушфиқ аёلسиз. Шуни ўйлаб кўринг. Мен чинакамга шафқатсизлик қилган бўламан.

— Ҳозир мен бормаслик ҳақида ваъдангизни олмоқчи эканман, буни фақат холаңгизнинг ҳурмати учун қилишман... Менга бўлган дўстлигингиз ҳурмати... Энди мен сиздан шу шўрлик қизнинг ҳурмати учун ваъда беришингизни илтимос қиламан... Агар уни ҳақиқатан ҳам севсангиз...

— Ўтинаман сиздан, таққослаб бўлмайдиган тушунчаларни бир-бирига яқинлаштирманг! Ишонинг, сизнинг бирор хоҳишингизни бажо келтирмаслик мен учун жуда оғир; аммо, ростини айтсам, менда ор-номус, виждон деган нарсалар ҳам бор... Сизга бу сўзлар ёқмаяптими? Майли! Лекин ижозатингиз билан ўз навбатида мен ҳам сиздан ўтинаман — шу шўрлик қизга шафқатингиз юзасидан... Агар мен гуноҳкор бўлсам... унинг бебош ҳаёти учун жиндай жавобгар бўлсам... мен энди унга ғамхўрлик қилишим керак. Уни ташлаб кетиш шафқатсизлик бўларди. Мен бунинг учун ўзимни ҳеч қачон кечирмас эдим! Йўқ, мен уни ташлаб кетолмайман. Сиз буни мендан талаб қилмайсиз...

— Унга ғамхўрлик қиладиганлар бор. Қани, менга айтинг-чи, Макс, сиз уни севасизми?

— Севаман... севаман... Йўқ... Мен уни севмайман. Бу сўз тўғри келмайди... Мен уни севаманми? Йўқ. Менинг қалбимда бошқа бир жиддийроқ туйғу бор эди. У туйғу билан ҳаминша курашишга тўғри келарди. Бу қиз билан бирга бўлганимда ўзимни шу туйғудан чалғитишга уринардим. Сизга бу кулгили туюлади... Сизнинг мусаффо қалбингиз бундай воситаларни қўллаш мумкинлигини рад этади... Билиб қўйинг, бу мен қилган ишлар ичида энг ёмони эмас, ҳали. Агар биз — эркаклар баъзан ўз эҳтиросларимизни бошқа йўлларга буриб юборишдан ожиз бўлганимизда, ҳозир балки... балки... мен ҳам ўзимни деразадан ташлаган бўлармидим... Нима дейётганимни ўзим ҳам билаётганим йўқ. Сиз гапларимга тушунмаётган бўлсангиз керак... Ўзим зўрға тушунганиману...

— Мен сиздан, уни севасизми, деб сўрадим,— деб давом этди де Пьен хоним кўзларини ерга тикиб, бир оз ишончсизроқ оҳангда.— Негаки, агар сиз уни... унга яхши муносабатда бўлган бўлсангиз, унга бирор озор етказинга ўзингизда куч топа оласиз. Ҳозир унга етказадиган озорингиз кейинчалик унинг учун буюк бир яхшилик бўлади. Албатта, сиз билан айрилиққа чидаш унинг учун жуда машаққатли бўлади. Аммо ҳозир бир мўъжиза билан қадам қўйган йўлидан яна тойиб кетса, бу ёмонроқ бўларди. Уни *халос этиш учун*, Макс, ўтмишни у бутунлай унутиши керак. Сизни ҳар кўрганида эса ўша замоцлар унинг эсига тушади, уларни қўмсаб қолади.

Макс индамай бош чайқади. У художўй эмас эди. Шунинг учун де Пьен хонимга кучли таъсир кўрсатадиган «халос этиш» сўзи унга унчалик таъсир қилмади. Аммо бу масалада де Пьен хоним билан тортишиб бўлмас эди. У ҳамма вақт ҳам де Пьен хоним ҳузурида кўнглидаги шубҳаларини ошкор қилмасликка интиларди. Бу гал ҳам у индамай қўя қолди. Аммо бу гаплар унинг қалбига етиб бормагани шундоққина сезилиб турарди.

— Модомики, сиз бошқа ҳеч қандай тилни тушунмас экансиз,— деб давом этди де Пьен хоним,— мен энди сиз билан ҳамма тушунадиган тилда гаплашаман. Ахир, гап оддий ҳисоб масаласи ҳақида кетяпти. Сиз билан кўришадиган бўлса, у ҳеч нарса ютмайди, лекин кўп нарса йўқотади. Ана энди, ўзингиз танланг.

— Хоним,— деди Макс овозида ҳаяжон билан.— Умид қиламанки, Арсенага нисбатан менинг қалбимда меҳрибонликдан ўзга ҳеч қандай туйғу йўқ эканига сиз ортиқ шубҳа қилмасангиз керак. Унда нимаси хавфли бўлиши мумкин? Ҳеч нарса! Ёхуд сиз менга ишонмаяпсизми? Ёки сиз унга айтаётган эзгу насиҳатларга мени халақит беради, деб ўйлайсизми? Эй, худойим-ей! Мен ўзим-ку ҳар қандай ғамгин ҳодисалардан ўлгудай безорман, улардан доим қочиб юраман. Наҳотки, шундоқ одам ўлим тўшагида ётган кимса билан учрашмоқчи бўлар экан, кўнглида аллақандай жиний ниятлар билан унинг ҳузурига борса? Сиз шундай деб ўйлайсизми? Такрор айтаман, бу мен учун бурч масаласи. Мен унинг ҳузурида гуноҳимни ювмоқчиман, истасангиз, жазойимни тортмоқчиман.

Бу сўзларни эшитиб де Пьен хоним бошини кўтарди ва завқли бир нигоҳ билан унга тикилди. Унинг чеҳраси ёришиб кетган эди.

— Гуноҳимни юваман, жазойимни тортаман, дедингизми? Ундай бўлса, мен розиман! Ўзингиз билмаган ҳолда, Макс, сиз *худодан келган ваҳийга бўйсунаетганга* ўхшайсиз. Мен билан мунозарангизда сиз ҳақсиз. Майли, мен розиман. Қизнинг олдига бора қолинг. Бир вақтлар сиз уни ҳалок этиш воситаси бўлишингизга сал қолган бўлса, энди у сизни халос этиш қуроли бўлсин.

Хоним, афтидан, Макс «худодан келган ваҳий» деган иборани сиздан кўра ёмонроқ тушунарди. Тўсатдан рўй берган ўзгариш уни ҳайрон қолдирди, у буни нима билан изоҳлашни билмай қолди. Ҳатто пировардида ён бергани учун де Пьен хонимга миннатдорлик изҳор этиш ёки этмасликни ҳам билмай қолди. Аммо бу дақиқада унинг учун энг муҳими де Пьен хонимни қатъийлиги билан ишонтиролдимиди ёхуд у безор бўлганидан ён босдимиди — шунга билиш эди. Чунки у ҳаммадан ҳам де Пьен хонимни ранжитиб қўйишдан қўрқар эди.

— Лекин, Макс,— деб яна гап бошлади де Пьен хоним,— мен сиздан ўтиниб сўрайман; тўғрироғи... талаб қиламан...

Де Пьен хоним ишдамай қолди, Макс эса, ҳамма айтганларингизга кўнаман, деган маънода бошини эгиб турарди.

— Талаб қиламан,— деб давом этди у.— Қизнинг олдига фақат мен билан бирга борасиз.

У таажжублангандек кўринди-ю, барибир, шоша-пиша бунга розилигини айтди.

— Сизга ҳали узил-кесил ишонмайман,— деди у жилмайиб.— Мен бошлаган ишимнинг пачавасини чиқариб қўймасангиз, деб қўрқяпман. Мен бу ишни охирига етказмоқчиман. Менинг назоратим остида эса сиз, аксинча, фойдали кўмакчига айланасиз. Умидворманки, сизнинг итоткорлигингиз муносиб тақдирланади.

Шундай деб у Максга қўлини узатди. Макс Арсена Гийонинг ҳузурига эртасига борадиган бўлди, де Пьен хоним эса аввалроқ бориб, унинг таширфига қизни тайёрлаб турмоғи керак эди.

Де Пьен хонимнинг режаси сизга аён бўлиши керак. Аввалга у Макс роса тавба-тазарру қилади-ю, Арсена мисолида Макснинг ёмон майлларига қарши жўшқин шанд-насиҳат учун осонгина гап топилади, деб ўйлади. Аммо унинг кутганига зид ўлароқ Макс ҳар қандай жавобгарликни ўз бўйнидан соқит қилди. Айтадиган гапларини ўзгартиш лозим бўлиб қолди. Ҳал қилувчи дақиқада аввалдан тайёрлаб қўйилган нутқни ўзгартириш

эса қутилмаган ҳужумнинг қоқ ўртасида аскарлар сафини қайта қуришдай хатарли иш. Де Пьен хоним шошилинч тарзда бирор тадбирни ўйлаб топишга муваффақ бўлмади. Максга панд-насиҳат қилиш ўрнига, у билан одоб масаласини муҳокама қилишга тўғри келди. Бирдангина унинг хаёлига янги фикр келди: «Шеригининг пушаймони Максга таъсир қилади,— деб ўйлади у.— Афсуски, қизнинг кунни битиб қолган — буни у аниқ сезиб турипти. Севимли аёлининг имони бут ҳолда вафот этиши, албатта, унга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади». Ана шу умид уни Макс билан Арсенанинг кўришишига рози бўлишга ундади. Де Пьен хоним учун бунинг яна бир афзал томони шунда эдики, шундай қилинса, ўйлаб қўйилган панд-насиҳатини кечиктириш мумкин бўларди. Мен сизга боя айтдим шекилли: хатолари туфайли изтироб чекаётган одамни қутқариш орузи ҳар қанча кучли бўлмасин, у билан ҳал қилувчи мунозарага киришишдан де Пьен хоним негадир чўчимоқда эди.

Де Пьен хоним ўз ишининг ҳаққонийлигига қаттиқ ишонган эди. Бироқ бу ишда муваффақият қозониши муқаррар эканига эса ҳамон ишонмас эди, муваффақиятсизликка учраш эса — Максни қутқаришдан умидни узиш, унинг ҳақидаги фикрини ўзгартиришга мажбур бўлиш, деган гап эди. Болаликдаги дўстига бўлган меҳри де Пьен хонимга шубҳали кўринмаслиги учун, эҳтимол, шайтон бу меҳрни умидлар билан оқлаш чорасини кўриб қўйган бўлса, йўлдан оздирувчи ҳар қандай воситадан тап тортмайди. Бунга ўхшаш маккорлик унинг учун оддийгина бир иш. Шунинг учун ҳам португалияликлар бежирим қилиб: *De boâs intengôes esta o inferno cheio* (дўзахнинг йўли яхши ниятлар билан қопланган), дейишади. Французлар эса, «дўзахнинг йўли аёлларнинг тили билан қопланган», дейишади. Икковининг ҳам маъноси бир хил, чунки аёллар, менинг назаримда, ҳаммаша яхши ният қилишади.

Сиз менга давом этишни буюряпсиз. Шундай қилиб, эртаси кунни де Пьен хоним ўз қарамоғидаги қизнинг ҳузурига қараб йўл олди ва уни янада ҳолдан тойган, руҳан эзилган, лекин аввалгидан кўра осудароқ, кутганидан кўра мутероқ аҳволда кўрди. У Арсена билан де Салиньи ҳақида аввалги кундагидан кўра эҳтётроқ бўлиб суҳбатлаша бошлади. Очиғини айтганда, Арсена ундан мутлақо юз ўгириши керак, мабодо эслаганида ҳам, икковларининг ҳам кўзлари кўр бўлгани учун афсус чекиш мақсадида эслаши керак. Ундан ташқари,

Арсена Макснинг ўзига тавба қилаётганини кўрсатиши, янгича ҳаёт бошлаб, унга ўрнак бўлиши ва шу йўл билан ўзиники сингари унинг ҳам имони пок бўлишини таъминлаши лозим. Бу ҳам Арсенанинг тавба-тазаррусига киради. Мана шу ўта христианча панд-насиҳатлар қаторига де Пьен хоним баъзи бир дунёвий далилларни қўшиб қўйишни ҳам лозим топди. Мана, масала, Арсена жаноб де Салиньини ҳақиқатан ҳам яхши кўрса, унга ҳаммадан аввал яхшилик тилаши даркор. Арсена ўз хулқини ўзгартириш билан ҳанузгача уни чинакамига ҳурмат қилолмай келган одамнинг ҳақиқий ҳурматига сазовор бўлади.

Де Пьен хоним гапининг охирида Арсенага Максни кўражагини айтиши билан унинг нутқидаги жамики таҳдид ва мунг бир лаҳзада тарқади-кетди. Унинг кўпдан бери дард чекавериб нурсизланган ёноқлари ял-ял яшнаб кетганини, кўзлари чақнаганини кўриб, де Пьен хоним уларнинг кўришишига рози бўлганидан пушаймон қилиш даражасига етди, аммо қарорни ўзгартиришга кеч бўлган эди. Макснинг келишигача қолган саноқли дақиқалардан у яна зуҳди тақвога оид панд-насиҳатлар айтишда фойдаланди, аммо Арсена уларни ошкора эътиборсизлик билан тинглади, чунки у сочларини тартибга солиш, бошидаги гижимланган лентасини текислаш билан банд эди.

Ниҳоят, жаноб де Салиньи келди. У юзидаги мускулларни тириштириб, қувноқ ва табиий қиёфада кўринишга уринарди. У Арсенадан соғлигини суриштирар экан, овозига табиий оҳанг беришга ҳаракат қилди, аммо у шундай бўғиқ чиқдики, ҳатто шамоллаганда ҳам овоз бунчалик бўғилмас эди. Худди шунингдек, Арсена ҳам ўзини йўқотиб қўйган эди. У дулукланар, ҳеч нарса деёлмасди. Аммо у де Пьен хонимнинг қўлини олиб, миннатдорлик билдираётгандай, лабига босди. Чорак соат давомида шундай гаплардан гаплашиб ўтиришдики, улар ҳамма жойда одамлар ўзини ноқулай сезганда гапирадиган гаплардан зарра ҳам ўзгача эмас эди. Ёлғиз де Пьен хонимгина хотиржам эди ёки, тўғрироғи, яхшироқ тайёргарлик кўргани учун ўзини тетикроқ тутарди. Ҳадеганда у Арсенанинг номидан жавоб берарди. Арсена эса тилмочи фикрларини чувалтириб айтаётганидан гижиниб ўтирарди. Ҳадеганда гап қовушавермади. Де Пьен хоним беморнинг тез-тез йўталаётганини айтиб, доктор унга гаплашишни ман этганини эслатди ва Максга мурожаат қилиб, ҳадеб Арсенани сўроқ-қистокқа тутиб, ҳолдан

тойдиргандан кўра, бир оз китоб ўқиб берса, тузукроқ бўлиши айтди. Макс ҳам шоша-пиша китобни олиб, дераза ёнига борди, чунки хона анча қоронғи эди. У ўқишга бошлади-ю, аммо ўқиётгани аранг миясига кирарди. Арсена ҳам у ўқиётган нарсани кўпдан тушунмаётган бўлса-да, жон-дили билан қулоқ солаётгандай кўринарди. Де Пьен хоним ўзи билан бирга олиб келган тикиши билан машғул бўлди. Ҳамшира аёл эса ухлаб қолмаслик учун ўзини ўзи чимчилаб ўтирарди. Де Пьен хонимнинг кўзлари тинмай тўшак билан дераза ўртасида нигорон эди. Ҳатто юз-кўзли Аргуснинг ўзи ҳам ҳушёрликда унинг олдида ип эшолмас эди. Бир неча дақиқадан сўнг у Арсенанинг қулоғига эгилди.

— Жуда яхши ўқияпти,— деди у пичирлаб.

Арсена лабларидаги табассумга ғалати бир тарзда зид келувчи нигоҳ билан унга қаради.

— Ҳа, рост!— деб жавоб берди у.

Кейин у кўзларини пастга қадади. Ўқтип-ўқтин унинг киприклари орасидан йирик томчилар сирқиб чиқиб, ёноқлари узра оқиб тушар, аммо у буларни пайқамас эди. Макс бирон марта ҳам ўгирилиб қарамади. У бир неча саҳифа ўқигач, де Пьен хоним Арсенага деди:

— Энди дам олинг, қўзичоғим. Сизни бир оз толиқтириб қўйдикмикин, деб қўрқяшман. Бир оздан кейин яна келамиз.

У ўрнидан турди, худди унинг соясидек Макс ҳам турди. Арсена деярли унга қарамасдан хайр-маъзур қилди.

— Мен сиздан мамнунман, Макс,— деди де Пьен хоним Макс уни уйига қузатиб кетаётганида.— Арсенадан ҳам мамнунман. Бу шўрлик қиз мутеликка тўла. Ундан ўрнак олинг.

— Сукут сақлаш билан изтироб чекишни ўрганиб олиш шу қадар қийинми?

— Даставвал ўрганиб олиш керак бўлган нарса — ёмон ниятларнинг қалбга киришига йўл бермасликдир.

Макс у билан хайрлашиб, тез жўнаб кетди.

Де Пьен хоним эртасига Арсенанинг олдига келиб, уни каравоти ёнидаги мўъжазгина столча устида ётган бир даста ноёб гулларни томоша қилаётган аҳволда кўрди.

— Гулларни менга жаноб де Салиньи юборипти,— деди у.— У саломатлигимни билиб келишни ҳам буюрипти. Ўзи келгани йўқ.

— Нақадар чиройли гуллар!— деди де Пьен хоним бир оз қуруқ оҳангда.

— Мен илгари гулни жуда яхши кўрардим,— деди хўрсишиб бемор.— У мени талтайтириб қўйган эди... Жаноб Салинъи бир иложини қилиб, энг чиройли гулларни топарди-да, менга тухфа қиларди... Энди менга уларнинг ҳожати йўқ... Уларнинг ҳиди беҳад ўткир экан... Бу гулдастани сиз ола қолинг. Уни сизга берсам, у хафа бўлмайди.

— Йўқ, азизим. Бу гулларни кўриб ётганингиз маъқул,— деб жавоб берди де Пьен хоним. Бу гал унинг овози анча юмшаган эди, чунки шўрлик Арсенанинг мушгли оҳанги унга қаттиқ таъсир қилган эди.— Мен ҳиди ўткирларини ола қоламан. Камелия сизга қолсин.

— Йўқ. Камелияга тоқатим йўқ... У бизнинг орамизда содир бўлган яккаю ягона жанжални эслатади...

— У замонларни ўйлашни қўйинг, азизим.

— Бир марта,— деб давом этди Арсена диққат билан де Пьен хонимга тикилиб туриб,— бир марта мен унинг хонасида бир стакан сувга солиб қўйилган камелияни кўриб қолдим. Мен гулни олмоқчи бўлдим, аммо у бермади. У ҳатто қўл тегизишимга ҳам рухсат бермади. Менинг қайсарлигим тутди, унга анча гапларни қалаштириб ташладим. У гулни олиб, шкафга яширди-да, калитни чўнтагига солиб олди. Менинг жон-поним чиқиб кетди, ҳатто у яхши кўрадиган чинни гулдонни сиқдирдим. Ҳеч нарса кор қилмади. Унга гулни дурустгина бир аёл совға қилганини фаҳмладим. Лекин, барибир, ўша камелияни қаердан олганини билолмадим.

Арсена сўзлар экан, де Пьен хонимдан кўзларини узмади. Унга сиқчовлик билан қаттиқ тикилди. Де Пьен хоним беихтиёр кўзларини ерга қадади. Орага давомли сукунат чўкди. Уни беморнинг ҳансирашигина бузарди. Де Пьен хоним ғира-шира камелия муносабати билан рўй берган бир воқеани эслади. Кунларнинг бирида Обре хонимникида тушлик қилиб ўтиришганида, Макс унга бугун холаси тузилган куни муносабати билан муборакбод қилганини айтди-да, унда гулдаста тақдим этишини илтимос қилди. Шунда де Пьен хоним сочига тақилган камелияни унга тақдим қилганди. Наҳотки ана шу арзимас воқеа Арсенанинг хотирасида сақланиб қолган бўлса? Де Пьен хоним бунинг изоҳини тополмади. Бундан у хавотирлана бошлади. Унинг ўз-ўзидан хижолатлиги тарқалиб улгурмай, Макс кириб келди. Де Пьен хоним уни кўриб қизариб кетганини сезди.

— Гулингиз учун раҳмат,— деди Арсена.— Аммо уларни кўриб, нохуш тортдим... Улар сўлиб қолмайди. Мен уларни Пьен хонимга тухфа қилдим. Мени гапиришга мажбур қилманг. Менга ман этилган. Бирон нарса ўқиб бера қолинг.

Макс ўтириб, ўқий бошлади. Бу гал ҳеч ким қулоқ солмади шекилли: ҳамма, шу жумладан, қироатхоннинг ўзи ҳам ўз ўйи билан банд эди.

Кетиш учун ўрнидан турган де Пьен хоним гулдас-тани стол устида қолдирди, бироқ Арсена унга гулни нутиб қолдираётганини айтди. Бу арзимас совгани пегадир дарров қабул қила қолмаганидан ранжиб, де Пьен хоним уни олишга мажбур бўлди. «Буни олсам, нимаси ёмон?»— деб ўйлади у. Ҳолбуки, ана шу анойи саволни беришининг ўзи ёмон эди.

Гарчи ҳеч ким айтган бўлмаса ҳам, Макс де Пьен хонимникига келди.

Улар ўтиришди ва бир-бирларига қарамай шу қадар узоқ сукут сақлашдики, охири икковлари ҳам ўзларини ноқулай сезишди.

— Бу шўрлик қизга жуда ачинапман,— деди ниҳоят де Пьен хоним.— Афтидан, ортиқ умид қилиб бўлмайди шекилли.

— Сиз докторни кўрдингизми?— деб сўради Макс.— У нима дейди?

Де Пьен хоним бош чайқади.

— Унинг кунлари санокли қолди. Бугун эрталаб уни ибодат қилдиришди.

— Унга қарасанг, юрагинг ачийди,— деди Макс де-раза ёнига бориб. У, афтидан, ҳаяжонини яширмақда эди.

— Албатта, унинг ёшида дунёдан кўз юмиш оғир,— деб секин давом этди де Пьен хоним.— Аммо, борди-ю, унинг умри узоқ бўлган тақдирда, ким билсин, бу унинг учун бахтсизлик бўлармиди?.. Уни ногаҳоний ўлим чагалидан юлиб олиб, тақдир унга тавба-тазарру қилиш учун муддат бермоқчи бўлган бўлса керак... Бу буюк иноят. Унинг қадрига Арсенанинг ўзи энди еттипти. Аббат Дюбишон ундан жуда мамнун. Шунинг учун унга кўп ачинишининг ҳожати йўқ, Макс!

— Билмадим, ёш ўладиганларга ачиниш керакми, йўқми?— деб жавоб берди у бир оз кескин оҳангда.— Мен ўзим ҳам ёш ўлиб кетишни истардим. Унинг азоб тортишини кўришга тоқатим қолмади.



Макс ҳеч нима деб жавоб бермай, хонанинг нариги томонига бориб, оғир қалин дарпардалари ярим ёпилган қоронғи бурчакдаги курсига ўтирди. Де Пьен хоним қўлидаги тикишига тикилиб олганича, иш қилар ёки ўзини иш қилаётганга солиб ўтирарди. Аммо у Макснинг нигоҳини ҳис қилиб турарди. Бу нигоҳ унга оғир юкдай туюларди. Унинг назарида, Макснинг нигоҳи қўлларини, елкаларини, пешанасини тимирскиламоқда эди. Бир маҳал Макснинг нигоҳи унинг оёқларида тўхтагандай туюлди, шунда у шоша-пиша оёқларини этаги остига яшириб олди. Балки, хоним, магнетик флюида деган гапларда жиндай ҳақиқат бордир.

— Сиз адмирал де Риньи билан танишмисиз?— деб сўради Макс қўққисдан.

— Ҳа, бир оз.

— Мен сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчи эдим... Унинг номига тавсиянома ёзиб беролмайсизми?

— Қимга экан бу?

— Сўнги кунларда мен ҳар хил режалар тузиб юрибман,— деб давом этди у ясама қувноқлик билан.— Мен худо йўлига кирмоқчиман. Шунинг учун ҳақиқий христианга хос биронта иш қилмоқчиман. Аммо нимадан бошлашни билмай турибман...

Де Пьен хоним унга жиддий назар билан тикилди.

— Мен шундай қарорга келдим,— деб давом этди у.— Сафда юришни ўрганмаганимдан кўп пушаймонман. Аммо бунинг эвини қилса бўлади. Ҳозир эса мен қурол ишлатишга анча чапдастман... Боя сизга айтиш шарафига ноил бўлдим: менинг қалбимда Грецияга жўнаш истаги ва у ерда салб шарафига биронта туркни ўлдиришга уриниб кўриш хоҳиши туғён урмоқда.

— Грецияга!— деб хитоб қилди де Пьен хоним ва калавасини тушириб юборди.

— Грецияга! Бу ерда ҳеч нарса қилаётганим йўқ. Зерикаяпман. Ҳеч нарсага ярамайман. Мендан ҳеч қандай наф йўқ. Дунёда мен асқатиб қолишим мумкин бўлган биронта одам йўқ. Шундай бўлгач, нечун шуҳрат қозониш ва ҳақ иш йўлида жонимни фидо қилиш учун жўнаб кетмай? Шуҳрат қозониш ёки ном чиқариш учун бундан қулайроқ йўл тополмаяпман. Ўзингиз тасаввур қилинг, бир кун келиб, газетада менинг тўғримда ёзиб чиқишса, мен учун қандай яхши! «Бизга Триполицадан маълум қилишларига қараганда, келажаги порлоқ бўлган,— газетада шундай деб ёзса бўлади-ку,— келажаги порлоқ бўлган ёш филэллин жаноб Макс де Салиньи»

имон ва хурриятнинг муқаддас ишига оташин садоқатининг қурбони бўлди. Одоб ва ахлоқни бутунлай унутиб юборган ёвуз Хуршид подшо унинг бошини кестирди...» Хамманинг фикрича, бошим ўзи унча жойида эмас кўрилади. Тўғрими?

Шундай деб у ясамалик билан кулди.

— Буни жиддий айтяпсизми, Макс? Грецияга астойдил жўнамоқчимсиз?

— Мутлақо жиддий. Лекин мен таъзияномамнинг имкони борича кечроқ босилишига ҳаракат қиламан, албатта.

— Грецияда нима ҳам қилар эдингиз? Уларнинг солдатлари ўзларига етиб ортиб ётибди... Сиздан ажойиб солдат чиқарди, мен бунга аминман. Аммо...

— Бўйи беш ярим фут келадиган басавлат гренадер бўлардим!— деб хитоб қилди у ўрнидан турар экан.— Агар мендай одамдан воз кечишса, греклар ўтакетган ношукур бўлишарди. Ҳазили йўқ,— деди у креслога қайтиб ўтириб,— мен энг яхши тадбирни топганга ўхшайман. Парижда мен қололмайман (буни у аллақандай жазаво билан айтди); бу ерда мен бахтсизман; бу ерда мен минг хил бемаънилиқ қилиб қўйишим мумкин... Ортиқ қаршилиқ кўрсатишга мажолим қолмади... Майли, бу тўғрида кейинроқ яна гаплашармиз, ҳозироқ жўнаб кетаётганим йўқ-ку! Лекин, барибир кетаман... Ҳа, шундай қилишим керак — ўз-ўзимга сўз берганман. Биласизми, мен уч кундан бери юнонча ўрганишман. «Зои му, сас агапо». Бениҳоя чиройли тил, а? Шундай эмасми?

Де Пьен хоним лорд Байронни ўқиган эди. У бу юнонча иборани эслади. Ибора Байроннинг кичик шеърларидан бирининг нақорати эди. Маълумингизким, унинг таржимаси изоҳда берилган, яъни: «Менинг ҳаётим, сизни севаман.— Бу ўша ерда мулоийм муомала ифодаси».

Де Пьен хоним хотирасининг яхшилигидан жаҳли чиқди. У «юнонча иборанинг маъноси нима?» деб суриштириб ўтирмади, лекин, «тушунганим юзимдан билиниб қолмасайди», деб хавотир бўлди. Макс роялнинг ёнига борди, унинг бармоқлари рояль тугмаларига тасодифан тегиб кетгандай бўлди, қисқагина мунгли садо янгради. Кейин у тўсатдан шляпасини олди-да, де Пьен хонимга ўгирилиб, ундан кечқурун Дарсене хонимникига бориш-бормаслигини сўради.

— Эҳтимол, борарман,— деб дудмал жавоб берди у. Макс унинг қўлини қисиб, дарҳол чиқиб кетди. Де

Пьен хоним шунақа саросимада қолдики, умри бино бўлиб ҳеч қачон бунақа бўлмаган эди.

Унинг ҳамма фикри хиралашиб, шу қадар чалкашиб кетдики, биронтасини ҳам илғаб ололмади. Бу чалкашлик — темир йўлдан елиб бораётган вагон деразасидан лип-лип ўтиб кетаверадиган манзараларни эслатарди. Бироқ вагон ҳар қанча тез елиб-югурмасин, кўз тафсилотларини фарқ қилмай, дераза ортидаги жойларнинг умумий манзарасини илғаб олгандай, де Пьен хоним ҳам бошида қуюндай ғужгон ўйнаган чалкаш фикрлар орасида қўрқув туйғусини аниқ ҳис этарди. Назарида, у тик қияликдан даҳшатли жаҳаннам қаърига тушиб кетаётгандай туюларди. Де Пьен хоним Макс ўзига ошиқу мубтало эканига шубҳа қилмай қўйган эди. Бу муҳаббат (де Пьен хоним уни, «бу боғланиш», деб атарди) пайдо бўлганига анча вақт бўлган, бироқ шу пайтга қадар у де Пьен хонимни заррача ҳам ташвишлантормаган эди. Де Пьен хонимдай тақводор аёл билан Максдай осий одам ўртасида ўтиб бўлмас тўсиқ бор эдики, авваллари де Пьен хоним шу тўсиқ ортида ўзини хавф-хатардан холи деб ҳисобларди. Унинг фикрича, Максдай енгилтак одамнинг қалбида жиддий туйғу уйғота олганини ўйлаш ёқимли бўлса-да, де Пьен хоним ҳеч қачон бу меҳр вақти соати келиб тинчлигини бузиши мумкин, деб ўйламаган эди. Энди эса такасалтанг тузалганда, де Пьен хоним ундан қўрқа бошлади. Де Пьен хоним Максни тўғри йўлга ўзим солганман, деб ўйларди, Макснинг ўзгаришида уларнинг иккови учун ҳам кулфат ва азоб олиб келадиган хавф-хатар бор эди. Вақти-вақти билан у хаёлига келаётган хавф-хатарлар учун, очигини айтганда ҳеч қандай асос йўқ, деб ўзини ишонтиришга уринарди. Қутилмаганда жўнаб кетишга аҳд қилганини, кейинги пайтларда ўзини тутишининг ўзгариб қолганини Макснинг Арсена Гийога ҳамон сўниб битмаган муҳаббати билан изоҳлаши мумкин эди. Аммо қизиги шундаки, бу фикр де Пьен хоним учун бошқа ҳар қандай изоҳдан кўра аламлироқ туюларди. Шунинг учун ўз-ўзига унинг ёлғонлигини исбот қилар экан, де Пьен хоним анча енгил тортарди.

Де Пьен хоним шу тарзда бутун оқшом давомида хаёлида йўқ нарсаларни тўқиб, ўзи уларни йўқ қилиб, яна қайта яратиб ўтирди. У Дарсене хонимникига бормасликка қарор қилди, ҳатто кучерига жавоб бериб юбориб, эртароқ ётмоқчи ҳам бўлди. Ана шундай мардона қарорга келди-ю, бироқ энди ундан қайтиш мумкин

эмаслигини билиб, шу дақиқанинг ўзида буни ўзига но-  
муносиб заифлик деб ўйлаб, пушаймон қила бошлади.  
Ҳаммадан ҳам нима сабабдан шундай қилганимни Макс  
билиб қолмасайди деб кўрқди. Аммо уни уйда қолишга  
мажбур этган ҳақиқий сабабни ўз-ўзидан яшира олмани  
учун, охир-пировардида ўзини ўзи қоралашга тутипди,  
негаки, жаноб де Салиньи ҳақида қайғуриш унга жиноят-  
дай туюлганди. У узоқ вақт ибодат қилди, бироқ бундан  
енгил тортмади. Билмадим, соат нечада кўзи уйқуга кет-  
ди экан? Ҳар ҳолда эрталаб уйғонганида унинг фикрла-  
ри ҳамон аввалгидек чалкаш, ўзи эса ҳамон бирорта  
қатъий тўхтамга келишдан йироқ эди.

Нонушта пайтида, ҳа, нонушта пайтида, негаки, хо-  
ним, биз нонуштани қанда қилмаймиз, айниқса, оқшом-  
да овқатимизнинг мазаси бўлмаган бўлса, инчунун,— де  
Пьен хоним газетадан аллақандай подшо Румелияда  
аллақайси шаҳарни тор-мор қилганини ўқиди. Шунда  
аёллар билан болаларни қириб ташлашибди, бир қанча  
филэллин қўлида қурол билан қурбон бўлибди ёки кўп-  
ларини даҳшатли азобларга дучор қилишиб, қийнаб ўл-  
диришибди. Газетадаги ахборотни ўқиб, де Пьен хоним  
Макснинг Грецияга жўнаш нияти анча хатарли эканига  
амин бўлди. У ўқиган нарсаси ҳақида маъюсина ўйла-  
ниб ўтирар экан, унга Макснинг мактубини келтириб  
беришди. Кеча кечқурун у Дарсене хонимникида роса  
диққинафас бўлибди. Де Пьен хонимнинг бу ерга келма-  
ганидан хавотирланиб, унинг саломатлигини суришти-  
риб ва Арсена Гийонинг олдига соат нечада бориши ке-  
раклигини сўраб хат ёзибди. Ҳавоб ёзиш де Пьен хо-  
нимнинг кўнглига сиғмади, одатдаги вақтда боражагини  
айтишни буюриб қўя қолди. Кейин у ерда Макс билан  
учрашмаслик учун ҳозир бориб кела қолсаммикан,  
деган фикр хаёлига келди. Аммо ўйлаб кўриб, бу бола-  
ларга хос қилиқ бўлишини, кечаги заифлигидан ҳам  
баттароқ қалбакилик бўлишини тушунди. Шунинг учун  
у ўз-ўзига далда бериб, берилиб ибодат қилди-да, фўр-  
сат келганида уйдан чиқди ва ўзини дадил тутиб Арсе-  
нанинг хонасига кириб борди.

#### *Учинчи боб*

У хонага кириб шўрлик қизни янада аявчли аҳволда  
кўрди. Унинг умри тугаб бораётгани, бир кун ичида дар-  
ди янада оғирлашиб қолгани яққол сезилиб турарди. Бе-

морнинг нафас олиши оғирлашиб, хириллашга ўтган эди. Ҳамшира аёл де Пьен хонимга Арсенанинг эрталаб бир неча марта алаҳлаганини, доктор унинг эртагача етиши амримаҳол эканини айтди. Шундай бўлса-да, Арсена ҳар қалай ўз ҳомийсини таниди ва келгани учун миннатдорлик изҳор қилди.

— Энди бизнинг зинадан кўтарилишингизга тўғри келмайди,— деди у сўниқ овозда.

Афтидан, у битта сўзни айтгунча минг азоб чекар ва бу уни сўнгги кучларидан ҳам маҳрум қилмоқда эди. Унинг нима деяётганини ажратиб олиш учун тўшаги устига эгилиш лозим эди. Де Пьен хоним унинг қўллари олдидан — қўли совиб қолган, мурданикига ўхшарди.

Кўп ўтмай Макс кириб келиб, беморнинг тўшаги ёнига борди.

Арсена унга қараб енгилгина бош ирғади ва ғилофда аллақандай китоб кўтариб келганини кўриб, секин шивирлади:

— Бугун китоб ўқишнинг ҳожати йўқ.

Де Пьен хоним Арсена китоб ўрнида қабул қилган нарсага кўз ташлади — бу Грециянинг муқоваланган харитаси эди. Макс уни йўл-йўлакай сотиб олганди.

Эрталабдан бери Арсенанинг олдидан жилмаган аббат Дюбиньон бемор қанчалик тез ҳолдан кетаётганини кўриб, қолган дақиқалардан унинг имонини мустаҳкамлаш учун фойдаланмоқчи бўлди. У Макс билан де Пьен хонимни четлаштириб, беморнинг тўшаги устига энгашда-да, динимиз бундай дақиқаларда тақозо қиладиган гапларни тантанавор ва тасалли берадиган оҳангда айта бошлади. Де Пьен хоним хона бурчагида тиз чўкиб ибодат қилар, Макс эса дераза олдидан ҳайкалдек қотиб қолган эди.

— Сизга озор берганларнинг ҳаммасини афв этасизми, қизим?— деб сўради аббат ҳаяжонли овозда.

— Ҳа!.. Ҳаммалари бахтли бўлишсин!— деб жавоб берди бемор овози эшитиларли бўлсин учун кучаниб.

— Худои таолонинг меҳр-шафқатига сиғининг, қизим!— деди аббат.— Тавба жаннат эшикларини очиб беради.

Яна бир неча дақиқа аббат панд-насиҳатларини давом эттирди. Кейин беморнинг жоши узилган-узилмаганини билолмай, индамай қолди. Де Пьен хоним оҳиста ўрнидан турди. Ҳаммалари бир неча муддат қимир этмай Арсенанинг кўкариб кетган юзига хавотирлик билан термилиб қолишди. Унинг кўзлари юмуқ эди. Ҳамма

дамини ичига ютди. Гўё улар Арсенани чулғаб олган даҳшатли уйқуни чўчитиб юборишдан қўрқишарди. Хонада стол устида ётган соатнинг заиф тиқ-тиқи аниқ эшитилиб турарди.

— Тамом бўлди шўрлик қиз!— деди ниҳоят ҳамшира тамакидошини Арсенанинг лабларига тутиб.— Кўрдингизми, шишага ҳовур қўнмади, жони узилди!

— Шўрлик!— деб хитоб қилди Макс карахтликдан уйғониб.— Дунёга келиб нима рўшнолик кўрди у?!

Тўсатдан, унинг овозини эшитиб тирилгандек, Арсена кўзини очди.

— Мен севган эдим!— деб бўғиқ шивирлади у.

У қўлини узатмоқчи бўлгандек, бармоқларини қимирлатди. Макс билан де Пьен хоним унинг ёнига бориб, иккала қўлини ушлашди.

— Мен севган эдим,— деб такрорлади у маъюс табассум билан.

Арсенанинг охирги гапи шу бўлди. Макс билан де Пьен хоним кўзларини кўтаришга ботинолмай, унинг муздек совуқ қўлларини анчагача ушлаб туришди.

### *Тўртинчи боб*

Шундай қилиб, хоним, сиз менга, «ҳикоянгиз тамом бўлди, ортиқ уни эшитишни истамайман», деяпсиз. Сиз жаноб де Салиньининг Грецияга кетган-кетмаганини билгингиз келар, деб ўйлаган эдим; майли, бўлмаса... вақт кеч бўлди, сиз ҳам толиқдингиз. Ихтиёрингиз. Лекин шошмашошарлик билан чиқариладиган хулосалардан ўзингизни тийсангиз, бас. Бундай хулоса чиқариш учун сизга асос берадиган ҳеч нарса деганим йўқ. Энг муҳими, ҳикоямнинг чинлигига шубҳа қилманг. Сиз шубҳа қил-япсизми? Пер-Лашезга бориш: генерал Фуанинг қабридан чап томондан йигирма қадамча нарида оддийгина тош тахтани кўрасиз. Унинг атрофи қишин-ёзин гуллар билан ўралган бўлади. Тош устида сиз қаҳрамонимнинг йирик ҳарфлар билан ўйиб ёзилган номини ўқишингиз мумкин: *Арсена Гийо*. Қабр устига энгашсангиз, агар ёмғир аллақачон қилар ишини қилиб улгурмаган бўлса, жуда позик ёзувда қалам билан ёзилган бир мисрани илғаб оласиз:

*Шўрлик Арсена! У ҳаммамизни дуо қилади.*



Қуйидаги мактублар қўлимизга қандай тушиб қолганини гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Улар бизга қизиқарли ва ибратли кўринди. Биз уларни ҳеч қандай ўзгартиш киритмасдан босяпмиз. Аббат Обен воқеасига алоқадор бўлмаган баъзи бир атоқли номларни ва жойларнинг исмини тушириб қолдирдик, холос.

## I

*Де П. хонимдан Ж. хонимга*

Нуармутье, ... 1844 йил, ноябрь

Азизим Софи, мен сенга хат ёзаман, деб ваъда бергандим, мапа, сўзимнинг устидан чиқяпман. Бу узун оқшомларда машғул бўлишим мумкин бўлган дурустроқ ишнинг ўзи ҳам шу. Тўсатдан ўттизга кириб қолганимга ва хонавайрон бўлганимга бир вақтнинг ўзида ишонч ҳосил қилганим сенга охириги мактубимдан маълум. Бу бахтсизликлардан биринчисини, афсуски, тузатиб бўлмайди. Иккинчисига эса бир илож қилиб кўникишга мажбурмиз. Ишларимизни сал-пал тартибга келтиришимиз учун кам деганда икки йил мана шу мудҳиш қасрда ҳаёт кечиришимиз шарт. Сенга мактубни шу ердан ёзяпман. Менинг тенгим йўқ эди. Молиявий аҳволимиздан хабар топишимиз биланоқ, мен Анрига тежамкорлик қилиш мақсадида қишлоққа кўчиб кетишни таклиф қилдим. Бир ҳафтадан кейин биз Нуармутьега кўчиб ўтдик. Саёҳатимизни сенга тасвирлаб ўтирмайман. Кўп йиллардан бери эрим билан ёлғиз қолишга тўғри келмаганди. Албатта, икковимизнинг ҳам кайфиятимиз анча похуш эди, аммо буни ҳеч нарсада ошкор этмасликка қатъий аҳд қилганим учун ҳаммаси жойида бўлди. Сен менинг «буюк аҳдларим»ни биласан, уларни бажариш-бажармаслигимдан ҳам хабардорсан. Шундай қилиб, янги жойга кўчиб ўт-

дик. Нуармутъе жуда хушманзара жой, бундан афзалрогини тополмайсан. Урмон, қоялар, чорак миляда денгиз. Қасримизда тўртта бақалоқ минора бор. Деворларнинг қалинлиги ўн беш футдан. Битта деразанинг ўрниши ўзимизга хона қилиб олдим. Узунлиги олтинч фут келадиган меҳмонхонани жониворларнинг сурати ишланган гилам безаб турибди. Меҳмонхонага саккизта шам ёқилганда чиндан ҳам гўзал бўлиб кетади. Таомили шунақа — байрам кунлари саккизта шам ёқилади. Бошқа кунлари эса қуёш ботганидан кейин унга кириб қолсам, қўрқувдан жоним бўғзимга келади. Ўз-ўзидан маълумки, жиҳозларнинг мазаси йўқ. Эшиклар беркилмайди, деворларга қопланган матолар қисирлайди, шамол чийиллайди. Лекин мен аста-секин кўникаяпман. Хоналарни йиғиштиряпман, ками кўстига қараяпман, гул-пул ўтказяпман. Совуқ тушгунча хонам шинам бўлиб қолади, шекилли. Баҳоргача сенинг миноранг ҳам тайёр бўлади — кўнглинг тўқ бўлсин. Қошки эди ҳозир сен шу ерда бўлиб қолсанг. Нуармутъенинг бир яхши томони шундаки, атрофимизда биронта ҳам кўшни йўқ. Бутунлай ёлғизмиз. Худоба шукур, бизнинг кюремиз аббат Обендан бошқа келадиган меҳмонимиз ҳам йўқ. У ёшгина йигит, баъзи мелодрамалардаги сотқинларникидек қоши қалин, кўзлари ола-кула бўлса ҳам ўзи жуда ювош. Ўтган якшанба куни у бизга ваъз айтди. Ваъзи қишлоқ жойлари учун бинойидек, худди буюртиргандек, «бахтсизлик худонинг руҳимизни мусаффо қилгувчи иноятидир», деганини айтмайсанми. Майли, шундай ҳам дейлик. Унда мол-дунёимизни ўғирлаб, бизни пипшийдам қилиб шилиб кетган даллолдан миннатдор бўлишимиз керак экан-да! Кўришгунча хайр, азизим. Роялим билан бир талай қути олиб келишди. Шуларни олгани бораман.

Р. С. Совганг учун миннатдорлик билдириб, хатни очдим. Уларнинг барчаси Нуармутъе учун ҳайф, ҳаддан ташқари ҳайф. Кулранг шляпа менга жуда маъқул бўлди. Дидинга балли. Мен уни якшанба кунлари ибодатга кияман, зора унишг қадрига етадиган биронта гумашта топилиб қолса... Аммо менга романлар юборибсан — мени ким деб ўйлаяпсан? Мен жиддий аёл бўлмоқчиман. Ҳозир ҳам аслида ўзи шундайман. Нима, шундай бўлишим учун асос йўқми? Мутолаа қиламан. Уч йилдан кейин Парижга қайтиб бориб (Вой худойим-ей, ўтгиз учга кирар эканман ўшанда!), Филаминта бўлмоқчиман. Ростини айтсам, сендан қанақа китоб сўрашимниям билмай қолдим. Нима билан шуғулланишимни маслаҳат берасан?



Немисча биланми, лотинча биланми? *Вильгельм Мейстерни* ёхуд *Гофман Эртақларини* аслида ўқисам соз бўларди. Нуармутъе хаёлий эртақлар ўқишга жуда боп жой. Аммо Нуармутъеда немис тилини қандай ўрганиб бўларди. Мен бажону дил лотин тили билан шуғулланардим, чунки уни фақат эркақларгина билиши адолатда эмас, деб ҳисоблайман. Мен кюремиздан дарс олсам дегандим...

## II

*Уша хоним ўша хонимга*  
Нуармутъе, ... 1844 йил, декабрь.

Сен бунга ҳайрон бўласану, лекин вақт сенинг ўйлаганингдан ҳам, менинг ўзим ўйлаганимдан ҳам тезроқ ўтяпти. Ҳаммадан кўра ортиқроқ мени бардошли қилиб турган нарса — хўжам — фармонбардоримнинг ожизлиги. Унинг тушқувлиги, унинг *avvilimento*\* ҳар қандай чегарадан ҳам чиқиб кетди. У иложи борича кеч туради-да, отга миниб ё овга кетади, ёхуд нотариус билан қирол прокурори каби ўта зерикарли одамларникига меҳмонга жўнайди. Улар шаҳарда, яъни биздан олти миля нарида туришади. Ёмғир ёққанида унинг аҳволини кўрсанг эди! *Мопрани* бошлаганига бир ҳафта бўлди-ю, ҳали ҳам биринчи томини тугатгани йўқ. «Бировни ёмонлагандан кўра, ўзингни мақтаганинг афзал». Бу сенинг мақолларингдан бири. Шунинг учун мен эрим ҳақидаги гапни қўйиб, ўзим тўғримда гапираман. Қишлоқ ҳавоси менга жуда-жуда фойдали. Ўзимни бениҳоят яхши ҳис қиляпман. Ойнага қарасам, ўзимга ҳали ҳам ўттизга бормагандай кўринаман. Кўп сайр қиляпман. Кеча Анрини денгиз бўйига олиб боришга муваффақ бўлдим. У чайка ови билан шуғулланаётган пайтда, мен *Кобирдан* қароқчилар қўшиғини ўқидим. Соҳилда денгиз тўлқинлари олдида бу гўзал мисралар янада жозибалироқ туюлади. Бизнинг денгизимиз Греция денгизи билан тенглаша олмайди, бироқ ҳар қандай денгизда бўлгани каби унинг ҳам ўз жозибаси бор. Биласанми, лорд Байронда мен нима лол қолдиради? Табиатни кўриши ва тушуниши. У палтус билан устрица егани учун денгиз ҳақида гапирмайди. У денгизда сузган, бўронни кўрган. Унинг

\* Руҳий тушқувлик (*итал*).

ҳамма тасвири чин. Бизнинг шоирларимиз эса аввал ҳофияни ўйлашади, кейин мисрада жой қолса, мазмунга ўрин беришади. Мен китоб ўқиб, томоша қилиб, завқланиб сайр қилиб юрган эдим, ёнимга аббат Обен келди. Эсимда йўқ — мен аббатим ҳақида сенга айтганмидим, йўқми — у бизнинг қишлоқда кюре. Бу ёш кашани менга жуда маъқул. У билимдон йигит, одам билан муомалани билади. Бундан ташқари, унинг катта-катта тим қора кўзларига, рангсиз сўлғин юзига қараб, қизиқ ҳаёт кечирган эканини сезиб турибман. Шунинг учун ҳаётини ҳикоя қилиб берса, дейман. Биз денгиз ҳақида, поэзия тўғрисида гаплашдик. Алланечук Нуармутъеда яшайдиган бир кюренинг сени таажжубга солиши керак бўлган томони шундаки, у поэзия ҳақида жуда яхши гапирди. Кейин у мени қоя устидаги қадимий черков харобаларига олиб борди ва жозибадор махлуқларнинг ҳайкаллари ўрнатилган пештоқни кўрсатди. Оҳ, пулим бўлганида қани эди, мен уларнинг ҳаммасини қайта тиклардим. Кейин қорни очган Анрининг эътирозларига қарамай, мен кюреникига кириб, унинг бир деҳқонниқидан топиб олган кўҳна сандиқчасини кўриб кетамиз, деб туриб олдим. У ҳақиқатан ҳам жуда бежирим эди. Лимож эмалидан ясалган бу сандиқчадан қимматбаҳо буюмларни асрайдиган чиройли қути ўрнида фойдаланса ҳам бўлади. Бироқ, уйнинг аҳволини айтгин! Эй худойим-ей! Биз ҳам ўзимизни қашшоқ ҳисоблаб юрган эканмиз-да! Ерга қанишиб кетган тумордек кичкинагина бир хонани тасаввур қил. Ерга нотекис қилиб гишт ётқизилган, олачалоқ қилиб оқланган, ўртасига стол билан тўртта стул, бир похол ўриндиқ қўйилган. Унинг устига аллақандай шафтоли данаклари тўлдирилиб, оқ ва қизил катакли мато билан ўралган ёстиқ ташлаб қўйилган. Стол устида бир неча катта-катта юнонча ва лотинча китоб ётибди. Булар черков арбобларининг асарлари экан. Уларнинг орасидан *Жосленни* топиб олдим. У гўё яшириб қўйилгандай эди. Аббат қизариб кетди. Очиғини айтсам, у ўзининг фақирона кулбасида бизни жуда яхши кутиб олди. Унда на кибр-ҳаво ва на ясама тортишчоқлик бор эди. Мен илгари ҳам унинг бирон ишқий саргузанитни бошидан кечирганини тахмин қилиб юардим, энди бунга исбот далилим бор. У бизга кўрсатган Византия қутисида сўлиб қолган гулдаста бор эди. Бу гулдаста камида бешолти йиллик эди.

— Табаррук буюмми?— деб сўрадим мен ундан.

— Йўқ,— деб жавоб берди у бир оз хижолат че-

киб.— Қандай қилиб бу ерга келиб қолганидан беҳабарман.

У гулдастани олиб, авайлаб стол тортмасига яшириб қўйди. Шундан ҳам кўришиб турибди-ку! Мен қалбимда надомат ва қаноат билан қасрга қайтиб келдим. Кюренинг қашшоқлигини кўриб маъюсладим, унга шоҳона фаровонликдай туюлиши мумкин бўлган фақирлигимга бардош қилишга қатъий аҳд қилдим. У биздан бир бечора аёлга ёрдам беришимизни илтимос қилди. Анри унга йигирма франк берди. Кюренинг шунда лол қолганини бир кўрсанг эди! Мен унга бирон нарса совға қилишим керак. Мен ўтирган похол ўриндиқ жуда қаттиқ экан. Мен унга ўзим Италияга олиб борганимга ўхшаш юмшоқ темир ўриндиқ совға қилмоқчиман. Сен шунақасидан топиб, тезроқ менга жўнат...

### III

*Ўша хоним ўша хонимга*

Нуармутъе, ... 1845 йил, февраль

Мен Нуармутъеда сира ҳам зерикаётганим йўқ. Яна, десанг, қизиқ бир машғулот топиб олдим. Уни менга аббатим топиб берди. Аббатимнинг билмаган нарсаси йўқ. Набототни ҳам яхши билади. Мен ҳеч нарса тополмаганимдан оддий пиёзни камин устига қўйиб қўйган эдим. Албатта менинг ҳузуримда пиёзнинг номини лотинча айтганида, Руссонинг *Мактубларини* эсладим.

— Сиз набототни ҳам биласизми?

— Яхши билмайман,— деб жавоб берди у.— Бироқ бу ернинг аҳолисига улар учун наф келтирадиган доривор гиёҳларни айтиб бера оламан. Ҳар ҳолда, бу соҳадаги билимим ёлғиз сайр қилиб юрганимда дуч келадиган ўсимликларни ажрата олишимга етади.

Дарров хаёлимга бир фикр келди: сайр қилиб юрганимда чиройли гулларни терсам-да, кейин уларни қуритиб, Плутархнинг эски китоби саҳифаларига жойлаб қўйсам яхши бўларди...

— Менга набототни ўргатинг,— дедим мен унга.

У баҳор пайтида ўргатмоқчи бўлди, чунки ҳозирги ёғин-сочин вақтида гул қаёқда дейсиз.

— Ахир, ўзингизда қуритилган гуллар бор-ку!— дедим мен.— Кўзим тушган эди.

Аббат аллақандай бир гулдастани эҳтиёт қилиб сақлашини сенга айтган эдим шекилли. Сен унинг афти ангорини бир кўрганингда эди! Бахтсиз бечора! Адабсизлик билан шундай шама қилганимга пушаймон едим. Уни хаспўшлаш учун аббатга: «Сиз қуриган ўсимликларни йиғиб юрсангиз керак, албатта»,— дедим. Буни гербарий деб аташади. У шу ондаёқ гапимни тасдиқлади ва эртаси куни бир даста хира қоғоз кўтариб келди. Уларга чиройли ўсимликлар жойланган бўлиб, ҳар қайсисида бежирим ёрлиқ бор эди. Наботот дарси бошланди. Мен дарҳол зўр натижаларга эриша бошладим. Аммо мен наботот илмининг ахлоқсизлигидан тамомила беҳабар эканман. Дастлабки пайтларда аббат бечора кўп нарсаларни изоҳлагунча жуда қийналиб кетди.

Сенга маълум бўлсинким, азизим, ўсимликлар ҳам худди ўзимизга ўхшаб эрга тегар экан, бироқ уларнинг анча-мунчасида эр кўп бўлар экан. Агар бу ваҳшиёна сўзни адаштириб юбормаган бўлсам, улар «фанерогама» деб аталар экан. Бу юнонча сўз бўлиб, «эл-юрт олдида, маҳкамада эрга теккан», дегани экан. Бундан ташқари, «криптогама» дегани ҳам бўлар экан. Буниси махфий эр-хотинлик экан. Сен тановул қиладиган қўзиқоринлар махфий никоҳда яшашар экан. Буларнинг ҳаммаси бениҳоя чигал, лекин у усталик билан чигални ечади. Мен — тентак эсам бир-икки нозик жойларида бор овозим билан хахолаб кулиб юборсам бўладими? Йўқ, энди эҳтиёткорроқ бўлиб қолдим, ортиқча савол бермаяпман.

#### IV

*Ўша хоним ўша хонимга*  
Нуармутъе, ... 1845 йил, февраль

Сен шу қадар авайлаб сақланаётган гулдастанинг тарихини билишни истайсан, албатта. Аммо, очигини айтсам, мен уни сўрашга журъат этолмаяпман. Биринчидан, эҳтимолки, ҳеч қанақа тарих йўқдир... Мабодо, бор бўлганида ҳам, у айтиб беришни истамаслиги мумкин. Менга келсак, мен мутлақо аминманки...

Йўқ, етар! Риёкорликнинг нима ҳожати бор! Биласан-ку, сендан яширадиган ҳеч қандай сирим йўқ. Мен

бу тарихдан хабардорман. Уни сенга икки оғиз гап билан айтиб бера қоламан. Бундан осони йўқ.

— Нега энди, жаноб аббат,— дедим мен унга бир кунни,— шунча ақлингиз, шунча илмингиз билан кичкина қишлоққа кюре бўлишга кўниб юрибсиз?

У маъюс жилмайди.

— Шаҳарликларга раҳнамолик қилишдан кўра,— деди у,— камбағал деҳқонларга раҳнамолик қилиш осон. Ҳар ким қўлидан келадиган ишга уриниши керак.

— Шунинг учун ҳам,— дедим мен унга,— сиз дурустроқ мансабда бўлишингиз керак эди.

— Менга бир вақтлар айтишган эди,— деб давом этди у,— сизнинг амакингиз — Н.даги епископ ҳазрати олийлари менга гамхўрлик қилиб Биби Марям қавмини бермоқчи бўлган эканлар. Бу епархиядаги энг яхши қавм ҳисобланарди. Н.да кекса холам истиқомат қилади. У менинг яккаю ягона қариндошим. Шунинг учун бу мансаб менга жуда қулай бўларди. Аммо бу ердаги ишм ҳам чакки эмас. Кейин мамнуният билан билдимки, епископ ҳазрати олийлари бошқа одамни қўйишни ихтиёр этиптилар. Менга яна нима керак? Мен Нуармутъеда бахтиёр эмасманми? Агар мен бу ерда бирон фойда келтираётган бўлсам, демак, менинг жойим шу ерда экан. Мен бу ердан кетмаслигим керак. Бундан ташқари шаҳар бир нарсани эсимга солади...

У гапдан тўхтаб, гамгин ва паршон қиёфага кирди, сўнг кўққисдан сўзлади:

— Ишимиз тўхтаб қолди-ку! Набототимиз нима бўлади?

Мен стол устида сочилиб ётган эски пичан ҳақида ўйлашни ҳам истамас эдим. Шунинг учун суриштиришда давом этдим:

— Руҳонийлик йўлига кирганингизга кўп бўлдими?

— Тўққиз йил бўлди.

— Тўққиз йил... Аммо менинг назаримда, сиз ўша пайтлардаёқ бирор ҳунарнинг бошини тутадиган ёшда бўлган бўлсангиз керак. Очигини айтсам, менга ҳамиша шундай кўринадики, сиз ўз кўнглингизнинг майли билан руҳонийлик йўлига кирмагансиз...

— Ҳа, рост,— деди у хижолат чекаётгандай.— Агар менинг қалбимда майл кечикиб пайдо бўлган бўлса... Унинг боислари... боиси...

У дудуғланиб, гапини қандай тугатишни билмай қолди. Мен дадиллашдим.

— Гаров ўйнайманки,— дедим мен,— мен кўрган гулдаста бу ишда маълум роль ўйнаган бўлиши керак?

Шу шаккоқ сўроқ оғзимдан чиқиб кетиши билан қўриқиб тилимни тишлаб қолдим, аммо вақт ўтган эди.

— Ҳа, хоним, бу тўғри. Мен сизга ҳаммасини айтиб бераман. Бироқ бугун эмас... бошқа гал. Ҳозир кечки ибодатга қўнғироқ чалинади.— Шундай деб, у қўнғироқ чалинишини кутмай жўнаб кетди.

Мен бирон-бир мудҳиш воқеани кутган эдим. У эртаси куни келиб, кечаги гапдап ўзи яна оғиз очди. У N.да бир ёш қизни севиб қолганини тан олди. Қизнинг бир оз маблағи бор экан. У эса студент, калласидан ўзга ҳеч вақоси йўқ... У қизга айтипти:

— Мен Парижга кетяпман. Бирон ишга ўрнашман, деган умиддаман. Сизга муносиб бўлиш учун эртаю кеч меҳнат қиламан. Сиз мени унутиб юбормай-сизми?

Қиз ўн олти-ўн етти ёшларда бўлиб, кўтаринки қалб эгаси экан. У садоқат рамзи сифатида йигитга гулдаста беришти. Бир йилдан кейин у коллеж ўқитувчиси қилиб тайинланадиган кезларда қизнинг N.даги бир ногариусга эрга текканини эшитибди. У ўқитувчиликдан воз кечипти. Кўп йиллар давомида бошқа ҳеч нарса кўнглига сизмаганини тан олди. Шу оддийгина воқеани эслар экан, у шу қадар ҳаяжонландики, бу воқеани яқиндагина бошидан кечирган, деб ўйлаш мумкин эди. Сўнгра у чўнтагидан гулдастани чиқариб, шундай деди:

— Буни асраб юриш — болаликнинг ўзгинаси. Эҳтимол, яхши эмасдир...

Шундай деб гулдастани оловга прғитди. Гул бечора чирсиллаб ёниб бўлгач, хотиржам оҳангда гапирди:

— Шу воқеани гапириб беришга мени мажбур қилганингиз учун сиздан ғоят миннатдорман. Сиз туфайли асраб юришим жоиз бўлмаган хотиротдан қутулдим.

Бироқ у маъюс эди. Унинг чеҳрасига қараб, бу айрилиққа осонликча дош бермаётганини пайқаб олиш қийин эмас эди. Эй худойим-ей, бу шўрлик руҳонийларнинг кўрган куни кун эмас-да! Энг беозор мулоҳазалар ҳам улар учун қатагон қилинган. Қолган ҳамма одамларнинг бахтини ташкил қиладиган ҳисларни улар қалбларидан қувиб чиқаришга мажбур ...Ҳатто уларни ҳаётга боғлаб турадиган хотиротларни ҳам унуттишлари керак. Руҳонийлар биз шўрлик аёлларга ўхшайди — ҳар қандай жонли туйғу — жиноят, фақат азоб чекиш мумкин, шунда ҳам биров билмаслиги шарт. Хайр, ҳар нарсага қизи-

қувчанлигимни ноғўя қилиқ деб, ўз-ўзимдан ранжияпман, аммо бунинг айбдори сен.

(Биз бир печа мактубни ташлаб ўтамиз. Уларда аббат Обен ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.)

## V

*Уша хоним ўша хонимга*  
Нуармутъе, ... 1845 йил, май

Мен кўпдан бери сенга хат ёзиш тараддудида эдим, азизим Софи, лекин аллақандай сохта уят халақит берди. Сенга айтиб беришга чоғланганим воқеа шунчалар ғалати, шунчалар ажойиб ва шу билан бирга шунчалар ғамгинки, билмадим, сени йиғлатармикин ё кулдиармикин? Мен ўзим ҳам ҳали ҳеч нарсани тушуниб етганим йўқ. Гапнинг пўскалласидан бошлайман. Мен мактубларимда сенга Нуармутъе қишлоғи қавмининг кюреси аббат Обен ҳақида бир неча марта ёзган эдим. Мен ҳатто унинг тақдирини белгилаган бир воқеани ҳам айтиб бергандим. Мен бу ерда таъхоликда ҳаёт кечирипман. Бутун вужудимни сенга маълум бўлган ғамгин ўйлар чулғаб олган. Шундай шароитда оқил, билимдон, хушмуомала одамнинг улфатчилиги мен учун жуда-жуда қадрли. Афтидан, аббат Обен мен унга қизиқаётганимни сизди шекилли, орадан кўп ўтмасдан бизникига эски қадрдонлардек тез-тез келиб турадиган бўлиб қолди. Очигини айтсам, ҳаётдан безганлиги ақлининг зукколигини янада таъкидлаб турадиган ажойиб одам билан ҳамсуҳбат бўлиш мен учун мутлақо янгича бир ҳузур бағишлади. Балки, шунингдек, — негаки, сенга ҳаммасини айтиб беришим керак. Феъли хуйимдаги бирор нуқсонни яширсам, сендан яширармидим, — балки, шунингдек, нозу карашмаларимнинг «анойилиги» (бу сенинг иборанг) менинг ихтиёримдан ташқари унга таъсир кўрсатгандир. Сен кўпинча менга таъна қиласану, лекин ўзимга ёққан одамларга ёқишни яхши кўраман. Мен севган одамларнинг мени ҳам севишларини истайман... Бундай муқаддимани ўқиб, ҳайратдан кўзларинг бақрайиб қолганини кўриб турибман, қандай қилиб «Жюли!» деяётганингни эшитяпман. Хотиржам бўл, енгилтаклик қиладиган ёшдан ўтганман. Энди давом этаман. Бизнинг орамизда ўзига хос яқинлик пайдо бўлди. Бироқ, дарров айтиб

қўя қолай, шунга қарамай, у руҳоний одамга номуносиб бўлган бирон оғир гап ҳам айтгани йўқ, биронта қилиқ ҳам қилгани йўқ. У мен билан бирга бўлишдан баҳра оларди. Биз кўпинча унинг ёшлиги ҳақида суҳбатлашардик. Мен бир неча марта гапни айлантириб, унинг ишқий саргузаштларига бурдим. Бу саргузашт туфайли унга гулдаста (унинг кули менинг каминимда ётибди) ва ҳозирги ғамнок либос теккан. Орадан кўп ўтмай мен унинг бевафо қиз ҳақида ўйламай қўйганини пайқадим. Бир куни у шаҳарда қизни учратиб қолипти, ҳатто у билан гаплашипти ҳам. Қайтиб келгач, ҳаммасини менга гапириб берди ва хотиржам кайфиятда қизнинг бахтиёр эканини, бинойидек болалари борлигини ҳам қўшиб қўйди. Бир неча марта у Анрининг жини кўзиганига гувоҳ бўлди. Шу сабабдан мен унга турмушимнинг баъзи томонларини айтиб беришга мажбур бўлдим, бунни эшитиб, унинг менга меҳри ортди. У менинг эримни худди у билан ўн йил ошначилик қилгандек яхши билади. Бунинг устига, у сенга ўхшаш яхши маслаҳатгўй, лекин сендан бегаразроқ, чунки сенингча қарс ҳамма вақт икки қўлдан чиқади. У эса ҳамisha мени ҳақ деб билади, аммо эҳтиётроқ бўлишни, ўйлаб иш тутишни маслаҳат беради. Хуллас, у ўзининг садоқатли дўст эканини кўрсатди. Унда қандайдир заифона нарса бор — шу мени мафтун қилади. У менга сени эслатади. У серзавқ ва ва продали, ҳисчан ва одамови, бурч масалаларида ўта назокатли одам... Гапнинг пўскаласини айтишдан қочиб жумлаларни қалаштириб ташлаяпман. Мен ошкора айтолмайман; олдимдаги қороздан хижолат тортяпман. Қани эди ҳозир камин ёнида сен билан ёнма-ён ўтирган бўлсагу, битта пардани тикаётган бўлсак! Аммо, азизим Софи, бу мудҳиш сўзни айтиш чоғи келди! Шўрлик мени севиб қолди. Қулгинг қистаяптими ё жаҳлинг чиқаяптими? Мен сени шу дақиқада кўришни истардим. У, албатта, ўз оғзи билан менга ҳеч нарса дегани йўқ, бироқ биз ҳеч қачон хато қилмаймиз. Кейин унинг тим қора шахло кўзларини айтмайсапми! Энди, албатта, кулаётган бўлсанг керак. Қайси бир зодагон йигит шунчалар маънодор кўзларга жон деб эгалик қилмаган бўларди. Мен кўзи билан гап айтишга уринган жанобларнинг кўпини кўрганман, — улар ҳамма вақт бемаъни гапларни гапиришади! Беморнинг қандай аҳволда эканига амин бўлганимдан кейин, эътироф этишим керакки, аввалига менинг маккор қалбим хушнуд бўлгандек бўлди. Менинг ёшимда ғалабага эришиш, яна бегуноҳ эришиш осонми!



Бундай эҳтирос туғдира олиш, мислсиз муҳаббат уйғота олиш ҳазил гап эмас!.. Лекин бу ёмон туйғу мени тез тарк этди. «Бу ўзи дуруст одам бўлса...— дедим мен ўз-ўзимга.— Менинг енгилтаклигим туфайли у бахти қаро бўлиши мумкин. Бу даҳшат, бунга чек қўйиш зарур!» Мен қандай қилиб уни ўзимдан узоқлаштириш йўлини ўйлай бошладим. Бир куни биз у билан денгиз қайтган маҳалда соҳилда сайр қилиб юргандик. У дилидагини менга айтишга ботинолмас, мен ҳам бир нарса дейишга қийналардим. Орага беш минутлар чамаси сукунат чўмди. Бундай кезларда хижолатлигимни яшириш учун чиганоқлар тердим. Ниҳоят, мен унга шундай дедим:

— Қадрли аббат! Сиз, албатта, бундан яхшироқ қавмга эга бўлишингиз керак. Мен епископ амакимга ёзаман, керак бўлса унинг ҳузурига бораман.

— Нуармутъедан кетайми?— деб хитоб қилди у қўлларини ёйиб.— Ахир мен бу ерда жуда бахтиёрман. Сиз бу ерга келганингиздан бери мен ортиқ ҳеч нарсани истамай қолдим. Сиз мени меҳру муҳаббатингизга кўмиб юбордингиз, менинг фақирона кулбам қасрга айланди.

— Йўқ,— деб давом этдим мен.— Менинг амаким қариб қолган. Агар бахтсизлик рўй бериб, ундан ажралиб қолсам, сизга дурустроқ қавм беришларини сўраб, кимга мурожаат қилишни билмай қоламан.

— Афсуски, хоним, мен учун бу қишлоқдан кетиш гоят қайғули бўлур эди... Биби Марям қавмининг кюресини қазо қилипти... Аммо менга таскин бераётган нарса шуки, унинг ўрнини аббат Ратон эгаллайди. У муносиб кашин. Мен бундан хурсандман. Агар ҳазрати олийлари мени эслаганларида...

— Биби Марям қавмининг кюресини қазо қилди, дейсизми?— деб хитоб қилдим мен.— Ундай бўлса, мен буғуноқ N.га жўнайман ва амаким билан гаплашаман.

— Йўқ, қўйинг. Ҳожати йўқ! Аббат Ратон мендан муносиброқ. Ундан ташқари, Нуармутъени ташлаб кетиш...

— Жаноб аббат!— дедим мен қатъий.— Бу зарур!

Бу гапни эшитиб, у бошини қўйи солди ва ортиқ эътироз қилишга ботинолмай қолди. Мен зудлик билан қасрга келдим. У менинг орқамдан икки қадам нарида келар ва шўрлик ҳаяжонланганида миқ этиб оғзини очмас эди. У тамом бўлган эди. Мен фурсатни қўлдан чиқармасликка тиришдим. Соат саккизда мен амакимнинг ҳузурига эдим. Маълум бўлишича, унинг қўнгли бутуцлай ўзининг Ратон томонида экан. Аммо у мени яхши кўради, гапимни ерда қолдирмайди. Хуллас, анчагина

талашиб-тортишгандан кейин мен айтганимга эришдим. Ратон четлаштирилди, аббат Обен Биби Марям қавмининг кюреси бўлди. Мана, икки кундирки, у шаҳарда. Бечора менинг «бу зарур»имни тушунди. У тантана билан менга миннатдорчилик изҳор этиб, сон-сапоқсиз раҳматлар айтди. Мен унинг Нуармутъеда қолиб кетмаганидан ва ҳатто ҳазрати олийларига миннатдорлик изҳор этмоқчи эканини айтганидан мамнун бўлдим. Жўнаб кетар экан, у менга ўзининг чиройли Византия қутисини юборди ва баъзан менга мактуб йўллаб туришга ижозат сўради. Хўш, нима дейсан, азизим? «Қуси, сен хурсанд-мисан?» Бу — сабоқ. Мен Парижга қайтганимда уни унутиб юбормайман. Аммо у пайтда мен ўттиз уч ёшга кирган бўламан. Мени севиб қолишлари... яна ўта жўшқин бир муҳаббат билан севиб қолишларидан ҳадик олмасам ҳам бўлади. Албатта, бу бўлиши мумкин бўлмаган гап. Барибир: ана шу тентаклик туфайли битта бежирим қутичаю садоқатли дўст орттирдим. Мен қирққа кирганимда, набира кўрганимда аббат Обен Париждаги қавмини эгаллаши учун ҳаракат қиламан. Ушанда уни ўзинг кўрасан, азизим. Қизингнинг биринчи ибодатини у ўтказди.

## VI

*Аббат Обендан Сент-А даги илоҳиёт профессори аббат Брюнога*

№, ... 1845 йил, май

Қадрли устоз! Сизга Нуармутъедаги оддий қишлоқ қашиши эмас, Биби Марям қавмининг кюреси ёзмоқда. Мен ботқоқлар билан видолашдим. Ҳозир шаҳарда турибман. №даги катта кўчада — ажойиб черков уида истиқомат қилияман. Каттакон ибодатхонада кюреман. У пишиқ қурилган, уни яхши парвариш қилишади, меъморлари ажиб санъат ишлатганлар. Бу ибодатхонанинг сурати Франция манзаралари тасвирланган ҳамма китобда бор. Мен унда зарҳал нақшлари чўғдек ёниб турадиган мармар меҳроб олдида биринчи дафъа ибодатга раҳнамолик қилганимда, ўзим ўзимга бегонадек кўриниб кетдим. Ҳа, бунга ишонаверинг. Менга ҳузур бахш этадиган нарсалардан бири — бўлғуси таътил вақтида сизнинг бизниқига меҳмонга келишингизни ўйлаш. Сизга яхши хона, чиройли кўрпа-тўшак тайёрлаб қўйганман.

Бордо виноси ҳам бор. Мен уни «Нуармутъе» деб атайман. Дадил айта оламанки, у сизга муносиб. Лекин сиз менинг қандай қилиб Нуармутъедан Биби Марямга ўтиб қолганимни сўрасангиз керак. Сиз мени черков остонасида қолдириб кетгандингиз, мен эса бирданга қўнғироқхонага чиқиб олдим.

O Meliboee, deus nobis haec otia fecit\*

Қадрли устоз! Тақдир Нуармутъега Париждан бир зодагон аёлини йўллади. Сиз билан ҳеч қачон кўришимиз мумкин бўлмаган ташвишлар бошига тушиб, у аёл вақтинча йилига ўн мишг экюга тирикчилик қилишга мажбур бўлади. У ўзи хушмуомала ва очиқ кўнғил аёл. Лекин енгил-елпи парсаларни кўн ўқиб, пойтахтдаги такасалтангларнинг улфатида юриб, бир оз айниган. Эридан унча кўнгли тўла эмас, у билан ўлгудай диққинафас бўлиб кетган. Шу аёл бирдан менга меҳрибонлик қила бошлади. Бунинг оқибати шу бўлдики, у мени ҳадсиз совға-саломлар, сон-саноқсиз таклифномалар билан кўмиб ташлади. Ҳар куни бирорта янги режа топиб келади, уни рўёбга чиқариш учун, албатта, мен зарурман. «Аббат! Мен лотинчани ўрганмоқчиман... Аббат! Мен набототни ўрганмоқчиман». *Horreso referens.*\*\* Бир куни «илоҳиддан сабоқ берасиз», деб туриб олса бўладими! Сиз қаёқларда юрибсиз-а, муҳтарам устоз?! Хуллас, бундай билимга ташналикни қондириш учун Сент-Адаги жаъмики профессорларни йиғиб келиш лозим эди. Иттифоқо унинг ишжиқликлари тез ўтиб кетарди, бирон соҳада сабоқ уч мартадан ошгани йўқ. Мен унга, атиргул лотин тилида *rosa* дейилади, десам, «Вой, аббат!— деб хитоб қилди у.— Нақадар доносиз-а! Нечук Нуармутъеда умрингизни зое ўтказиб юрибсиз?» Сизга очигини айтсам, муҳтарам устоз, бу таманно хоним ҳозир кўплаб босиб чиқарилаётган бемаъни китобларни ўқишвериб, миясига ғалати фикрларни жойлаб олибди. Бир гал у менга битта асар берди. Уни яқинда Париждан олдиртирган экан. Унга жуда манзур бўлибди. Бу — жаноб де Ремюзнинг *Абеяри*. Сиз уни, албатта, ўқиган бўлсангиз керак, муаллифнинг илмий изланишларини тегишли баҳолагандирсиз ҳам. Афсуски, уларда хурофот кўп. Мен аввал иккинчи жилддан — *Абеляр фалсафасидан* бошладим. Уни катта қизиқиш билан ўқиб чиққач, биринчи жилдга — ересиархнинг ҳаётига қайтдим. Ўз-

\* O, Melibei, bu zmarkni bizga tangrin bergan. (Lot.)

\*\* Гаприб туриб, титраб кетяпман. (Lot.)

Ўзидап маълумки, менинг зодагон хонимим фақат биринчи жилднигина ўқиб чиққан. Муҳтарам устоз! Бу менинг кўзимни очди. Мен илмга шунчалар муккасидан кетган таннозларнинг улфатчилигидан хавфланиш лозимлигини тушундим. Жазава жиҳатидан бу хоним Элоизани йўлда қолдириб кетади. Аҳволимдаги бу ўзгаришдан анча хи-жолат тортиб юрган эдим. Хоним бир куни қўққисдан гапириб қолди: «Аббат! Мен сизнинг Биби Марям қавмига кюре бўлишингизни истаيمان. У ердаги кюре қазо қилди. *Шундай қилиш керак!*» У ўша заҳоти каретага ўтириб, ҳазрати олийларининг ҳузурига қараб йўл олди. Орадан бир неча кун ўтар-ўтмас, мен Биби Марямнинг кюresi бўлиб қолдим. Бу лавозимни бировнинг кўмагида эгаллаганимдан хижолатдаман, аммо пойтахтлик «шер хоним»нинг панжаларидан қутулиб қолганимдан беҳад хурсандман. «Шер хоним» дегани, муҳтарам устоз, Париж лаҳжасида расамаддаги аёл дегани бўлади.

Ō Zeu, gunaikōn Ropasas genos\*.

Ёхуд бу бахтдан воз кечиб, хавф-хатарни мардона қарши олиш керакмиди? Бу тентаклик бўлар эди. Ахир, авлиё Фома Кентерберийский ҳам Генрих II дан қасрларни тухфага олган-ку! Хайр, муҳтарам устоз! Сиз билан бир неча ойдан кейин юмшоқ ўриндиқларда ўтириб, ёғлиқ жўжаларни тановул қилиб, бир шиша бордони майдалаб, фалсафабозлик қилишдан умидворман, тоге philosophorum. V ale et me ama\*\*.

---

\* Бу мисра Эсхилнинг *Фивга қарши Еттовлонидан* олинган шекилли. «Зевс, аёл қиёфасида бизга на авлод юборгансан!» Аббат Обен билан унинг устози аббат Брюно қадимий муаллифларни яхши билишади. (*Автор изоҳи.*)

\*\* Донолар одати бўйича. Саломат бўл ва мени сев (*лот.*).



*Де Ларюн толимга*

Йигит вокзал залида ҳаяжон билан у ёқдан-бу ёққа юарди. У кўк кўзойнак таққан, тумов бўлмаса ҳам ҳар дақиқа рўмолчасини бурнига олиб борарди. Чап қўлида чоғроқ қора саквояж кўтариб олганди. Кейин билишимча, унинг ичида шоҳи халат билан шалвор бор экан.

У ўқтин-ўқтин эшик ёнига борарди-да, чўнтак соатини олиб, вокзалникига солиштириб кўрарди. Поезд жўнашига ҳали бир соат бор. Аммо шунақа одамлар бўладики, улар ҳаминша кеч қолишдан хавфланиб юришади. Фаол одамлар бундай поездларда юришмайди — унда биринчи класс вагонлари оз эди. Ишини тугатган биржа даллоллари чорбоғларига тушлик қилгани борадиган фурсат ҳам эмас эди. Ҳар қандай паришлик йўловчилар йиғила бошлаганларида фермер билан чакана баққолларни қийналмасдан ажрата оларди. Шунга қарамай, ҳар гал вокзал эшигидан биров кириб келса ёхуд вокзал ёнида биронта карета тўхтаसा, кўк кўзойнакли йигитнинг юраги ҳаприқиб кетар, тиззалари қалтираб, қўлидаги саквояжни ташлаб юборгудай ҳолга тушар, бурнида қийшиқ ўрнашган кўзойнаги эса сирғалиб тушиб кетарди. Залда йигит кузатмаётган бирдан-бир жой ён томондаги эшик эди. Йигит анча кутди. Бир маҳал йигит кузатмаётган ўша эшикдан бошдан-оёқ қора кийинган, юзига қалин парда тутиб олган, қўлида қора сахтиён саквояж кўтариб олган (кейин билишимча, унинг ичида ажойиб ёпинчиқ билан ҳаво ранг атлас туфли бор экан) бир аёл кириб келди. Йигит аёлни кўриб бадтарроқ ўнғайсизланди. Аёл билан йигит ўнгу сўлга қараб аммо тўғриларига назар ташламай, бир-бирлари томон юришди. Улар бир-бирларига рўпара бўлишгач, қўлларини ушлашди-да, шу алфозда ҳансираб, дир-дир титраган ҳолда бир неча дақиқа туриб қолишди. Уларнинг иккови ҳам чуқур ҳаяжонда эди. Мен бундай ҳаяжон учун юз йиллик умримни бағишлашга тайёр эдим.

Уларнинг тили калимага келадиган бўлгач, жувон (мен унинг ёш ва хушрўй эканини айтишни унутибман) шундай деди:

— Леон, Леон, бу қандай бахт-а! Бу кўк кўзойнагингизда сизни мен ҳеч қачон таний олмасдим.

— Қандай бахт-а!— жавоб берди Леон.— Бу қора парда остида мен ҳам сизни ҳеч қачон таний олмасдим.

— Қандай бахт-а!— такрорлади жувон.— Тезроқ жойимизга чиқайлик. Тагин поезд менсиз кетиб қолса-я! (У йигитнинг қўлини маҳкам сиқди.) Ҳеч кимнинг хабари йўқ. Шу топда Клара ҳам унинг эри билан уларнинг чорбоғига кетяпман. Эртага чорбоғда улар билан хайрланишим керак. Уларнинг жўнаб кетишганига бир соатча бўлди,— деб қўшиб қўйди кулиб, бошини қўйи солар экан.— Эртага эса... Клара билан *сўнги оқишом* бирга бўлиб... (у яна йигитнинг қўлини)... эртага эрталаб у мени станцияга олиб бориб қўяди. У ерда Урсула билан учрашамаи. Мен уни илгарироқ холамникига жўнатиб юборган эдим... Кўрдингизми, ҳамма ишни пухталаб қўйганман! Билет олмайсизми? Сизни таниб бўлмайди! Вой! Борди-ю, меҳмонхонада фамилиямизни суриштириб қолишса нима қиламиз? Мен унутибман...

— Жаноб Дюрю ва Дюрю хоним дейсиз.

— Йўқ, бўлмайди. Дюрю тўғри келмайди. Пансионда Дюрю деган этикдўз бўларди.

— Ундай бўлса, Домон деймизми?

— Домон.

— Ҳуда соз. Барибир, биздан ҳеч ким ҳеч нарсани суриштирмайди.

Занг урилиб, эшик очилди. Жувон юзидаги пардасини кўтармай ҳамроҳи билан бирга биринчи класс вағони томон йўл олди. Иккинчи марта занг урилгач, улар купенинг эшигини ёпиб олишди.

— Ниҳоят, танҳомиз!— деб подиёна хитоб қилинди улар.

Аммо шу пайтда элик ёшлар чамасида, қора либос кийган, кибри қиёфадаги бир одам купега кирди-да, бурчакка бориб ўтириб олди. Паровоз ҳуштак чалди, поезд ўрнидан жилди.

Йигит билан жувон ёқимсиз қўшнидан имкони бори-ча нарироқ ўтириб, ярим овозда гаплаша бошлашди. Улар эҳтиёт юзасидан инглизча гаплашишарди.

— Жаноб!— деди уларнинг ҳамроҳи инглиз тилида, аммо унинг талаффузи соф британ оҳангида эди.— Агар сирларнинг бўлса, менинг ҳузуримда инглизча гапирмай

қўя қолганларинг маъқул. Мен инглизман. Сизларга халақит бераётганимдан кўп афсусланыпман, аммо нариги купеда бир эркак ўзи ёлғиз кетаётган экан. Менинг ода-тим шунақаки, йўлда ҳеч қачон ёлғиз эркакнинг ёнига ўтиргим келмайди. Бунинг устига, унинг афти хунук экан. Магани уни йўлдан оздириши мумкин эди. (У ёстиқнинг устига ташлаб қўйган чамадонига ишора қилди.) Лекин мен ухлаб қолмасам, китоб ўқийман.

Дарҳақиқат, у астойдил ухлашга уриниб кўрди. У чамадонини очиб, йўлда киядиган қалпоғини олди-да, бошига кийиб, бир неча дақиқа кўзини юмиб ўтирди. Кейин порози қиёфада кўзини очди. Чамадонидан кўзойнагини қидириб топди-да, юнонча китоб олиб, ўқишга киришди. У китобни топгунча чамадонига тартибсиз жойлашган анчагина майда-чуйда буюмларни титкилади. У чамадоннинг тагидаги ҳар хил буюмлар орасидан бир даста инглиз пулини олиб, диван ёнига қўйди-да, уларни чамадонига қайтариб солишдан аввал йигитга кўрсатиб, бу пулларни Н.да алмаштириб олиш мумкинми, йўқлигини сўради.

— Алмаштириб бўлса керак, бу шаҳар Англиянинг йўлида-ку!

Н. йигит билан жувон бораётган жой эди. Н. да озодагина меҳмонхона бўлиб, унда шанба кунларигина қўнишади. Айтишларича, у ердаги хоналар ҳам чакки эмас. Хўжайин билан хизматкорлар ҳар нарсага бурунларини суқаверишмайди. Улар Парижга яқин жойда яшаганлари учун чекка жойларда кўп учрайдиган бу иллатдан соқит. Мен боя Леон деб атаган йигит бир неча кун аввал у ерга кўк кўзойнагисиз бориб, меҳмонхонани кўриб келган эди. Унинг мақтовларини эшитиб, жувон ҳам у ерни кўргиси келиб қолди.

Ўша куни эса у шунақа кайфиятда эдики, агар уни Леон билан бирга қамаб қўйишса, турманинг ичи ҳам унга беҳишдан аъло кўриниши мумкин эди.

Шу пайт поезд елиб борарди. Инглиз ҳамроҳларига қайрилиб қарамай, юнонча китобини ўқир, йигит билан жувон эса фақат ошиқ-маъшуқлар эплайдиган тарзда наст овозда шивирлашиб гаплашиб кетишарди. Уларнинг том маънода ошиқ-маъшуқ эканини ошкор қилсам, ўқувчи таажжубланмаса керак. Чатоқ жойи шунда эдики, улар фотиҳа қилинмаган эди. Чунки бунга жиддий ровлар бор эди.

Поезд Н. га келиб тўхтади. Инглиз бирипчи бўлиб чиқди. Леон аёлга оёқлари очилиб кетмаслигининг тад-

бирини қилиб, вагондап тушишга кўмаклашаётган эди, қўшни купеда аллақандай одам платформага сакраб тушди. Унинг рангида қони йўқ, ҳатто саргайиб кетган, қонталаш кўзлари ичига ботган, соқоли эса чала олинган эди. Ана шу белгиларга қараб, бу одамнинг ашаддий жиноятчи эканини пайқаб олса бўларди. Унинг кўйлаги озода эди-ю, бироқ кийилавериб ситиллиб кетганди. Бир вақтлар қора бўлган сюртугининг орқаси ва тирсақлари оқариб кетганди. У сюртугини томоғига тугмалаб олибди — афтидан, янада тўзиган жилети кўрипмасин, деган бўлса керак. У инглизнинг олдига келиб, мутелик билан гап бошлади:

— Uncle!\*

— Leave me alone, you wretch!\*\* — деб қичқирди инглиз ва унинг кўкиш кўзлари газабдан чақнаб кетди.

У эшик томон йўл олди.

— Don't drive me to despair\*\*\*, — деб давом этди бояги одам ялинчоқлик билан. Айни чоқда, унинг овозида таҳдид бор эди.

— Марҳамат қилиб, бир дақиқа менинг нарсаларимга кўз-қулоқ бўлиб туринг, — деди кекса инглиз Леоннинг оёғи ёнига чамадонини қўйиб.

Сўнгра у ўзига мурожаат қилган одамнинг қўлидан ушлаб, уни бир бурчакка стаклади, тўғрироғи, туртиб-туртиб олиб борди. Унингча, бу жой хилват бўлиб, уларнинг гапини биров эшитмас эди. Инглиз бояги одамга кескин оҳангда алланималарни гапира бошлади. Кейин у чўнтагидан бир озроқ қоғоз пул олди-да, уларни гижимлаб, ўзини амаки деб атаган одамнинг қўлига тутқазди. У пулни олиб, минпатдорлик ҳам билдирмай, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Н. да фақат биттагина меҳмонхона бор эди. Шунинг учун ҳам бу ҳаққоний воқеанинг ҳамма иштирокчилари бир неча дақиқадан кейин шу ерга тўпланишса бунинг ҳеч қандай ажабланидиган ери йўқ. Францияда башанг кийилган хонимни қўлтиқлаб юриш бахтига мушарраф бўлган ҳар қандай сайёҳ ҳамма меҳмонхоналарда ўзига энг яхши хона тегишига амин бўлса бўлаверади. Ҳамма бизни, Европадаги энг назокатли халқ, деб тан олгани бежиз эмас-да!

Леонга ажратилган хона меҳмонхонадаги энг дуруст жой бўлса, бу ҳали, у ҳар жиҳатдан маъқул хона эди,

\* Амакижоп! (Ингл.)

\*\* Мени тинч қўй, ярамас! (Ингл.)

\*\*\* Мени жонимдан тўйгазманг. (Ингл.)



деган маънони билдирмайди. Хонада ёнғоқ дарахтидан ишланган кенг каравот бор эди. Унинг устига чит парда тутилган бўлиб, пардада бинафша ранг бўёқда Пирам билан Фисбанинг фоживий тарихи тасвирланган эди. Деворларига Неаполь манзаралари тасвирланган, ҳар хил одамларнинг расми ишланган қоғоз ёпиштирилган эди. Афсуски, ҳазилкаш қўноқлар бекорчиликдан аёлу эркак — ҳаммасининг суратига мўйлов билан трубкани қўшиб қўйиштипти, осмон билан денгизнинг устига эса на ср ва назмда куракда турмайдиган ҳар хил гапларни ёзиб ташлаштипти. Деворга бир неча гравюра осиб қўйилган эди. Булар Дюбюфнинг *Луи Филиппнинг 1830 йил конституциясига қасамёди*, *Жюли ва Сен-Прёнинг биринчи учрашуви*, *Бахт иштиёқида ва Таассуф* каби суратлари асосида ишланган гравюралар эди. Бу хона ҳаво ранг деб аталарди. Чунки камининг чап ва ўнг томонида турган икки креслога ҳаво ранг утрехт духобаси қопланган эди. Аммо кўп йиллардан бери уларга пушти хошияли кулранг коленкор ғилоф кийгизиб қўйилганди.

Оқсоч хотинлар янги келган хонимнинг атрофида гирдикапалак бўлиб, унга хизматларини таклиф қилар эканлар, ошиқлигига қарамай, эс-ҳушини йўқотиб қўймаган Леон ошхонага кириб овқат буюрди. Овқатни хонага элтиб беришга кўндирини учун Леон бутун чечанлигини ишлатишга, ҳатто жиндай хизмат ҳақи беришга ҳам мажбур бўлди. Аммо умумий ошхона Леоннинг хонасининг ёпгинасида экан. Н. даги 3-егер полкининг жапоб офицерлари ўрнига 3-гусар полкининг жаноб офицерлари келишган экан. Худди шу бугун улар биргаликда хайрлашув зиёфатига йиғилиб, роса кўнгилхушлик қилишмоқчи экан. Буни эшитган Леоннинг нақадар мудҳиш аҳволга тушганини тасаввур қиларсиз... Хўжайин жамики авлиё анбиёлар ҳаққига қасам ичиб, ишонтирдик, француз ҳарбийларига хос бўлган табиий қувноқликни ҳисобга олмаганда, жаноб гусарлар билан жаноб егерлар бутун шаҳарга анча бамаъни, оқил ва фозил одамлар сифатида танилишган, уларнинг қўшничилиги янги келган хонимнинг тинчини мутлақо бузмайди, негаки жаноб офицерлар одатда ярим кечага қолмай тарқалишади.

Хўжайиннинг ҳамма ваъдаларига қарамай, бу хабардан анча ранжиган Леон ҳаво ранг хонага қайтиб келар экан, инглизнинг уларга қўшни хонага жойлашганига эътибор қилди. Унинг эшиги очиқ эди. Инглиз стол ёнида ўтирар, стол устида эса стакан билан шиша турарди.

Инглиз шу қадар эътибор билан шифтга тикилиб ўтирардики, у ерда сайр қилиб юрган пашшаларни санаётгандай кўринарди.

«Қўшнилари билан нима ишимиз бор-а?— деб ўйлади Леон.— Инглиз ҳадемай маст бўлиб қолади, гусарлар бўлса ярим кечага қолмай тарқалишади».

Ҳаво ранг хонага кириб, у биринчи навбатда илгаларни кўрди, қўшни хоналарга чиқадиган эшикларнинг зич ёпилганини текширди. Инглизнинг хонаси томонидаги эшик икки қаватли эди, девор ҳам қалин эди. Гусарлар томонидаги девор юпқароқ эди, аммо эшик қулфкалитли бўлиб, илгаги ҳам бор эди. Сирасини айтганда, улар бегона кўзлардан карета деразасидаги пардадан тузукроқ ҳимоя қиларди. Ҳолбуки, қанчадан-қанча одам извошнинг ичида ўтириб, ўзини бутун дунёдан ташқарида деб ҳисоблайди!

Узоқ кутишдан кейин рашкчи ва ғийбатчиларнинг кўзидан нари, ўзлари холи қолганда, бошларидан кечирган азоб-уқубатлари ҳақида тўйиб гаплашиб олиш имкониятига эга бўлишганида, бир-бирига яқинликнинг ҳаловатини татиб кўришганида икки ёш ошиқ-маъшукнинг бутун вужудини чулғаб оладиган лаззатдан ҳам ортиқроқ бахтни дунёдаги энг чуқур хаёли одам ҳам тасаввур қилолмайди. Аммо шайтон ҳамини бахт косасига бир томчи оғу ташлашнинг иложини топади. Жонсон айтган эдики,— рост, у буни биринчи бўлиб айтган эмас, балки бу фикрни бир юнон ёзувчисининг асаридан олган,— ҳеч ким: «Мен бугун бахтли бўламан», деёлмайди. Олис-олис замонларда буюк философлар томонидан тап олинган бу фикр ҳозиргача кўнчилик одамга, айниқса, ошиқ-маъшукларнинг кўнчилигига маълум эмас.

Гусарлар ва егерларнинг дастурхонидан пинҳоний олинган бир неча хил емишдан ташкил топган бемазароқ тушлик вақтида Леон билан унинг ҳамроҳи қўшни залдаги ҳарбийларнинг ўзаро суҳбатидан роса азоб чекишди. Улар на стратегия, на тактика ҳақида гаплашишгани йўқ. Уларнинг суҳбати нима тўғрида кечганини сизларга айтмай қўя қолай.

Улар бўлар-бўлмас бемаъни саргузаштлардан баҳс қилишар, саргузаштларнинг ҳаммаси илмоқли, беандиша эди. Бунинг устига улар бор овозлари билан қийқириб кулишарди. Бизнинг ошиқ-маъшукларимиз ҳам баъзан уларнинг кулгисига қўшилиб жилмайишга мажбур бўлишарди. Леоннинг маъшукаси унча такаббур эмас эди, аммо шундоқ бўлса ҳам, шундай нарсалар борки, ҳатто

севган одамнинг билан ёлғиз қолганинда ҳам уларни эшитиш малол келади. Аҳвол борган сари чигаллашмоқда эди. Ниҳоят, жаноб офицерларга овқатдан кейин мена билан ширинлик тортилаётган пайтда Леон ошхонага тушишга мажбур бўлди. У хўжайиндан қўшни хонада бетоб аёл борлигини, жаноб офицерлар назорат юзасидан ғала-ғовурларини бир оз пасайтиришар деган умидда эканини зиёфатдагиларга айтиб қўйишни илтимос қилди.

Хўжайин ҳаммаша бунақа катта зиёфатларда бўладигани каби, бутунлай ҳолдан тойган ва боши гангиб, кимга нима дейишини билмай қолган эди. Леон ундан бояги гапни офицерларга айтиб қўйишни илтимос қилаётган чоғида хизматкор ундан гусарлар учун шампань вивоси, оқсоч аёл эса инглиз учун портвейн сўраб туришган эди.

— Мен унга, бизда портвейн йўқ, дедим,— деб илова қилди оқсоч аёл.

— Вой хомкалла! Бизда ҳамма вино бор. Мен унга портвейн топиб бераман. Менга бир пиша ширин шароб, пишаси ўн беш сулик қизил вино, бир графин ароқ олиб келтир.

Хўжайин бир зумда улардан портвейн ҳосил қилдида, умумий залга кириб, Леоннинг илтимосини бажо келтирди. Дастлабки дақиқаларда унинг гапини эшитиб, зиёфатдагилар чуввос солишди. Бир оздан кейин йўгон овозли одам қийқириқларни босиб, қўшни хонада қанақа аёл борлигини сўради. Сукунат чўкди. Хўжайин жавоб берди:

— Очигини айтсам, нима дейишни ҳам билмайман. У жуда хушрўй ва уятчан. Мари-Жанна, бармоғида никоҳ узуги бор, дейди. Янги куёв-келин никоҳ сафаридида юришган бўлса ажаб эмас. Бунақа инлар тез-тез бўлиб туради.

— Янги куёв-келин!— деб қичқирди бараварига қирқ одам.— Келин келиб, биз билан қадаҳ уриштирсин. Ҳаммамиз унинг саломатлигига ичиб, куёвга эрлик лавозимини бажариш йўлларини ўргатиб қўямиз.

Бу сўзларни айтаётиб, улар этикларини ерга уриб, шпорларини жиринглатишди. Бундан бизнинг ошиқ-маъшукларимиз даҳшатга тушишди — уларнинг назаридида офицерлар ҳозир бу ерга бостириб кирадигандай туюлди. Тўсатдан бир овоз янгради. Уни эшитиб ҳамма жим бўлди. У, афтидан, бошлиқ бўлса керак. У офицерларга таъна қилиб, уларни мулоимроқ бўлишга ундади ва ҳаммани жой-жойига ўтиришга буюриб, қичқирмай, одоб сақлаб гапириш лозимлигини айтди. У яна нимадир деб илова қилди, аммо уни шу қадар паст овозда айтдики,

ҳаво ранг хонада эшитилмади. Унинг гапини эҳтиром билан эшитишди, бироқ гапи тугагач, ҳамма паст овозда кулиб юборди. Шу дақиқадан бошлаб залдаги қийқириқлар бир оз тинди. Бизнинг ошиқ-маъшуқларимиз интизомнинг қудратига ҳамду санолар ўқиб, бемалолроқ суҳбатга киришдилар. Аммо хавотирликдан, йўл азобидан ва айниқса, қўшнилариинг дағал, беҳаё хушчақчақлигидан анчагина сўниб қолган нафис туйғулар шунча ташвишдан сўнг қалбида яна уйғониши учун маълум муддат лозим эди. Бироқ уларнинг ёнида бунга эришиш қийин эмас. Орадан кўп ўтмай, улар хатарли сафарларининг ҳамма ташвишини унутиб, бутун фикру зикрлариини сафарнинг асосий мақсадига йўналтирдилар.

Улар, гусарлар билан сулҳ туздик деган ишончда эдилар, аммо, афсуски, бу сулҳ вақтинчалик эди. Улар буни сира ҳам кутмаган бир дақиқада, уларнинг хаёли ҳақиқий оламдан неча минг миля нарида эканида, тўсатдан йигирма тўртта карнай бир неча тромбон жўрлигида француз аскарларининг «*Галаба бизники!*» деган машҳур қўшигини чалиб юборди. Бундай бўронга ким ҳам бардош бера оларди? Бечора ошиқ-маъшуқларга ҳар қанча ачинса арзирди.

Аммо уларга у қадар ачинмаса ҳам бўлади, негаки, пировардида офицерлар залдан чиқишди ва ҳаво ранг хона ёнидан ўтишар экан, қиличлари билан шпорларини шарақлатиб, галма-галдан:

— Хайрли тун, келин!— деб қичқиришди.

Кейин овозлар тинди. Йўқ, хато қилдим. Кейин инглиз йўлакка чиқиб, бор овози билан қичқирди:

— Ҳой, ким бор? Менга яна бир шиша бояги портвейндан олиб келинглар!

Ниҳоят, Н. даги меҳмонхонага осойишталик чўкди. Тун. Илиқ кўкда тўлини ой порлаб турарди. Қадим замонлардан бери ошиқ-маъшуқлар куррамизнинг йўлдошига шавқ билан боқишади. Леон билан шериги мўъжазгина боғчага қараган деразани ланг очиб юборишди ва бир неча муддат гуллар ҳидидан, муаттар ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олишди. Аммо дераза олдида узоқроқ ўтириш уларга насиб этмаган экан. Аллақандай одам бошини қуйи солиб, қўлларини чалкаштириб, оғзида сигара билан боғча ичида у ёқдан-бу ёққа юрарди. Леоннинг назарида, у портвейнга муккасидан кетган инглизнинг жиянига ўхшаб кетди.

Мен ортиқча батафсилликни ёмон кўраман, китобхон-  
нинг ўзи осонгина тасаввур қила оладиган нарсаларни  
гапириб ўтиришни лозим деб билмайман. Шунинг учун  
ҳам Н. шаҳарчасининг меҳмонхонасида бўлиб ўтган во-  
қеаларни соатма-соат баён қилиб ўтирмайман. Фақат  
шунинг айтмагани, ҳаво ранг хонада ёқилмаган камини ус-  
тига қўйилган шам ёниб, ярмига етганда, шу пайтга қа-  
дар осойишталик ҳукм сурган инглизнинг хонасидан  
аллақандай оғир буюм гурсиллаб йиқилганга ўхшаш ға-  
лати товун эшитилди. Унинг кетидан алланиманинг ғала-  
ти қарсиллагани, бўғиқ чинқириқ ва бировни қарғаган-  
га ўхшаш англаб олиш қийин бўлган бир талай сўзлар  
эшитилди. Ҳаво ранг хонанинг аҳли ларзага тушди. Бу  
овозлар уларни қўққисдан уйғотиб юборган бўлиши  
мумкин. Уларнинг иккови ҳам бу шовқиннинг боисини  
билмай, мудҳиш бир кайфиятда қолишди.

— Инглизимиз уйқусираётган бўлса керак,— деди  
Леон жилмайишга тиришиб.

У аёлни тиңчатишга уринди-ю, аммо ўзи ҳам беих-  
тиёр қалтирай бошлади. Икки ё уч минутдан сўнг ким-  
дир жуда эҳтиёткорлик билан йўлакка қараган эшикни  
очгандай бўлди. Кейин эшик яна оҳистагина ёпилди.  
Кимдир бировга қорасини кўрсатмай яширишмоқчи бўл-  
гандай, оҳиста қадам ташлаб ўтди.

— Лаянати меҳмонхона!— деб хитоб қилди Леон.

— Бу ер баайни жаннат!— деб жавоб берди жувон  
унинг елкасига бошини қўйиб.— Ўлгудай уйқум келяпти.

У бир хўрсинди-ю, шу лаҳзанинг ўзиде яна уйқуга  
кетди. Машҳур ахлоқпарастлардан бири айтган экан:  
одамнинг тилаб оладиган нарсаси қолмаса, жаврашдан  
тўхтайдди. Шунинг учун ҳам Леоннинг суҳбатин тиклаш-  
га ёхуд Н. шаҳарчасининг меҳмонхонасидаги ғалати  
шовқин тўғрисида мулоҳаза юритишга уришиб кўрмаган-  
нига таажжубланмасак ҳам бўлади. Аммо ғайри ихтиё-  
рий тарзда буларнинг ҳаммаси уш хавотирлантирар,  
хаёлида эса кайфияти бошқача бўлган пайтларда зар-  
рача ҳам эътибор бермайдиган ваҳималарни қўзғар-  
ди. Инглизнинг жияни мудҳиш бир қиёфада кўз ўнгига  
келаверади. У амакисига тикелганда нигоҳида зўр бир  
нафрат бор эди, ҳолбуки, у билан гаплашар экан,  
анча-мунча хушомадгўйлик қилганди. Афтидан, пул сў-  
рагани учун шундай қилган бўлса керак.

«Жонидан тўйиб кетган ёш ва бақувват йигит учун  
боғ ичидан деразадан ошиб тушиш қийинми? Модомки,  
тунда боғда сайр қилиб юрган экан, демек, у ҳам шу

меҳмонхонага тушган. Балки... Балки эмас, бу аниқ... Ҳа, албатта, у қора чамадонда бир даста пул борлигидан хабардор... Бояги ғалати овоз тўқмоқнинг каллага тегишидан чиққан овоз!.. Бўғиқ қичқириқ-чи? Қарғишларчи? Кейин — қадам товуши... Жиянининг афти ангори нақд каллакесарники. Аммо офицерлар билан тўлиб-тошган меҳмонхонада қанақасига қотиллик қилиб бўлади? Албатта, инглиз эҳтиёткор одам бўлгани учун эшигини илгаклаб олган — бу безорининг шу атрофда эканидан хабардор бўлганда! Чамадон кўтариб туриб, у билан гаплашишни истамадими, демак, унга ишонмайди... Аммо бошимга бахт қуши кўниб турган бахтёрлик дамларда нега энди ана шундай мудҳиш хаёлларга берилишим керак!»

Леоннинг хаёлидан ана шундай фикрлар кечди. Мен бу фикрларни батафсил таҳлил қилиб ўтирмайман. Леоннинг ўзи ҳам бу воқеаларни тушида кўраётгандай эди. У ғира-шира англаётган шу фикрлар қўйнида экан, тўсатдан ҳаво ранг хонани инглизнинг хонаси билан туташтириб турувчи эшикка кўзи тушди.

Францияда эшиклар зич ёпилмайди. Ҳаво ранг хонада эшик билан пол ўртасида камида икки сантиметр келадиган тирқиш бор экан. Тўсатдан паркетнинг шуъласи тушиб, ёритиб турган тирқишдан аллақандай қора, ялпоқ, пичоқнинг тигига ўхшаш нарса кўринди. Унинг учи шам ёруғида ингичка чизиқдай ялтираб кўринди. У палла-партишлик билан эшик ёнига ташлаб қўйилган ҳаво ранг атлас туфли сари секин ўрмалаб борарди. Балки, бу қирқоёққа ўхшаш бирон ҳашоратмикин?.. Йўқ, бу қумурсқа эмас. У муайян шаклда маҳрум эди. Учи ялтираб турган икки-уч хира тасма хонага кирди. Пол нишаброқ бўлганидан уларнинг ҳаракати тезлашди. Улар борган сари тезроқ ўрмалашаяпти... Мана, ҳозир туфлига етиб келади. Ҳа, шубҳа бўлиши мумкин эмас! Бу — суюқ нарса эди, суюқлик бўлганида ҳам, қоннинг ўзгинаси эди. Энди шам ёруғида унинг ранги яққол кўриниб туришти. Леон юраги така-пука бўлиб, қимир этмай, полдаги мудҳиш қон ирмоғига тикилиб турар экан, жувон бемалол ухлашда давом этарди. Унинг бир маромдаги нафаси ошиғининг бўйни ва елкасига илиққина уриларди.

. . . . .

Н. шахридаги меҳмонхонага келиши биланоқ овқатнинг ташвиини қилиб, тушлик буюртириб қўйганидан Леоннинг анчагина тadbиркор, фаросатли, доно йигит эканини билиб олса бўларди. Бу гал ҳам у ўзи тўғриси-

да туғилиши мумкин бўлган таассуротни чипшакка чиқарувчи иш қилгани йўқ. Леон ётган жойида қимир этмади, аммо унга таҳдид солаётган мудҳиш фалокатдан қутулиш учун бутун идрокини ишга солиб чора излади.

Қўрқаманки, китобхонларимнинг кўпчилиги, айниқса, қаҳрамонона туйғуларга тўлиб-тошган қиз-жувонлар шундай вазиятда Леоннинг бундай ҳаракатсизлигини, бундай хулқини қоралашади. У инглизнинг хонасига ташланиб, қотилни қўлга олини ёхуд, жилла бўлмаса, меҳмонхона хизматчиларини уйғотиш учун қўнғироқ чалиб, шовқин-сурон кўтариши лозим эди, дейишлари мумкин. Бунга мен, даставвал, шундай деб жавоб берманки, француз меҳмонхоналарида қўнғироқнинг боғичи фақат хонани безаш учунгина хизмат қилади, у биронта ҳам маъдан буюмга бориб уланмайди. Эҳтиром билан, лекин қатъий қилиб шуни илова қиламан: сизга қўшни бир хонада жон бераётган инглизни ўз ҳолига ташлаб қўйиш яхши иш бўлмаса, унинг учун бошини елкасига қўйиб ухлаётган аёлнинг ҳаловатини бузиш ҳам унча мақтовга сазовор эмас. Леон шовқин кўтариб, меҳмонхонани оёққа турғазганда нима бўлар эди? Шу заҳотиёқ жандармалар билан мирзасини етаклаб прокурор етиб келарди. Бу одамлар касби қорларининг тақозоси билан шунақа синчковки, ишни тафтиш қилишга киришишдан аввал, Леонга «Фамилиянгиз нима? Ҳужжатларингизни кўрсатинг. Бу аёл ким бўлади? Қандай қилиб икковларинг ҳаво ранг хонага тушиб қолдиларинг? Сиз фалон ойнинг фалон числосида, кечаси фалон соатда фалон воқеани ўз кўзим билан кўрганман, деб гувоҳлик бериш учун судга келишингиз керак!»— деб сизни бир талай саволга кўмиб ташларди.

Леоннинг хаёлига даставвал келган фикр ҳам худди ана шу прокурор ва жандармалар ҳақидаги фикр бўлди. Ҳаётда баъзан шундай воқеалар бўладики, нима қиларинини билмай, довдираб қоласан. Қайси бири яхши: бировнинг пичоғига дуч келган потаниш сайёҳни мададсиз қолдиришми, севган аёлингни шарманда қилиб, ундан ажралиб қолишми? Бунақа муаммони ҳеч кимнинг бошига солмасин. Гаров ўйнайманки, ҳар ким ҳам унинг қарнисида довдираб қолади.

Леон қимир этмади. Афтидан, унинг ўрнида бўлганда кўпчилик ҳам шундай қилган бўларди. Кўзини ҳаво ранг туфлидан ва унга етай деб қолган қизил ирмоқчадан узмаган ҳолда анча вақтгача карахт бўлиб ётаверди. Унинг чаккалари муздек тер билан қопланди, юраги эса

шундай қаттиқ урар эдики, қинидан чиқиб кетай дерди. Қалласида ҳар хил ғалати ва таҳдидли фикрлар, манзаралар чувалашиб кетди. Ички бир овоз тинимсиз равишда: «Бир соатдан кейин ҳаммаси ошкор бўлади, сен ҳам айбдорсан»,— деб такрорларди. «Бу аҳволдан қандай қутулиш керак?»— деб бетўхтов чора излайверинг, пировардида йилт этган умид нишонасини топасан. Леон шундай ўйлади: «Қўшни хонада содир бўлган воқеа ҳаммага ошкор бўлмасдан туриб, бу лаънати меҳмонхонадан жўшаб кетсақ, бир амаллаб ғалвадан соқит бўлишимиз мумкин. Бу ерда бизни ҳеч ким тапимайди. Мени фақат кўк кўзойнакда кўришди, у эса одамлар ҳузурида юзидagi пардани олгани йўқ. Вокзал икки қадам жойда. Бир соатдан кейин Н. дан анча олислаб кетамиз». Бу сафарга отлашишдан аввал у поездлар жадвалини синчиклаб ўрганиб чиққан эди. Ҳозир соат саккизда Парижга поезд борлигини эслади. Парижга бориб олишгач, оломон орасида ғойиб бўлиб кетишади. Бу улкан шаҳар қўйнида қанчадан-қанча жиноятчи яшириниб юрадию шунча одамнинг орасидан икки бегуноҳни қидриб топиб бўлармиди? Аммо, бирор одам соат саккиз бўлмай, инглизнинг хонасига кириб қолса-чи? Ҳамма гап шунда.

Бошқа илож йўқлигига амин бўлгач, у бор кучини ишга солиб, боядан бери бутун вужудини қуршаб ётган қарахтликдан қутулишга ҳаракат қилди, бироқ у қимирлаши биланоқ аёл уйғониб кетиб, уни эҳтирос билан ўпди. Бироқ унинг муздек юзига тегиши билан жувон хитоб қилди:

— Сизга нима бўлди? Пешанангиз мрамардек совуқ!

— Ҳеч нарса,— деб жавоб берди у дудмал,— қўшни хонада аллақандай шовқин қулоғимга чалинди.

Леон унинг қучоғидан аста бўшалиб чиқди-да, аввал ҳаво ранг туфлини чеккароққа суриб қўйди, оқишдан тўхтаб, пол устида каттагина кўлмак ҳосил қилган даҳшатли суюқликни маҳбубасининг кўзидан яшириш учун қўшни хонанинг эшиги олдига ўрипдиқни қўйди. Сўнгра йўлакнинг эшигини қия очиб қулоқ солди, ҳатто йўлакка чиқиб, инглизнинг эшиги олдига бориб ҳам кўрди. Эшик берк эди. Меҳмонхонада ҳаракат бошланганди. Тонг ёришмоқда. Отбоқарлар ҳовлида отларни тозалаш-япти. Учинчи қаватдан аллақандай офицер шпорини жаранглатиб тушиб келмоқда. У қизиқ бир ишни томонга қилишга отланганди. Бу ишни одамларга қараганда отлар кўпроқ хуш кўришади ва махсус ном билан, «охурга ем солиш», деб аталади.



Леон ҳаво ранг хонага қайтиб кирди-да, муҳаббат туфайли туғилиши мумкин бўлган жамики эҳтиёткорлик билан вазиятни юмшатадиган иборалар танлаб, дудуқлана-дудуқлана жувонга гапириб берди.

Қолиш хавфли, апил-тапил, шоша-пиша жўнаб кетиш ҳам хатарли. Аммо қўшни хонадаги фалокатнинг ошкор бўлишини меҳмонхонада кутиб ўтириш янада хатарлироқ. Бу маълумот жувонга жуда ёмон таъсир қилганини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Йиғлаб-сиқташлар, бири биридан беҳуда режалар бошланди. Шўрликлар: «Мени кечир! Мени кечир!»— деган сўзлар билан неча марта-лаб бир-бирларининг қучоқларига ташланишди. Ҳар бири ўзини асосий айбдор деб ҳисобларди. Улар биргаликда ҳалок бўлишга қасам ичишди, чунки суд инглизнинг ўлимида уларни айбдор деб топишига йигит заррача ҳам шубҳа қилмасди. Улар дор остида ўпишиб видолашишларига йўл қўйишмаслигига амин бўлганлари учун ҳозирдан бир-бирларини қучоқларига босиб, хўг-хўнг йиғлаб ўпиша бошладилар.

Ниҳоят, бир-бирларига қанчадан-қанча бўлар-бўлмас гапларни, юракни ўртовчи мулойим сўзларни айтиб бўлишгач, сон-саноксиз бўсалар орасида Леон ўйлаб топган тадбир — соат саккиздаги поезд билан жўнаб кетиш бўлди. Бу бажариш мумкин бўлган ягона ва энг қулай чора, деган қарорга келишди. Аммо ҳали буни яна икки соат орзиқиб кутиш керак эди. Йўлакда эшитилган ҳар бир қадам товушидан уларнинг вужудида қалтироқ турарди. Этикнинг ҳар фарчи прокурорнинг етиб келганидан дарак бераётгандек туюларди. Улар юклари кам бўлганидан уни бир зумда жойлаб бўлишди. Жувон ҳаво ранг туфлисини каминда ёқиб юбормоқчи бўлган эди. Леон уни олиб, каравот ёнидаги гиламчага артди-да, ўпиб чўнтагига солиб олди. У туфлидан вапиль ҳиди келаётганига ҳайрон бўлди; жувон «Императрица Евгения бу кети» деган атир ишлатарди.

Меҳмонхонада ҳамма уйғониб бўлди. Хизматкорларнинг кулаётгани, оқсоч аёлларнинг хиргойиси, солдатларнинг ўз офицерларининг кийимини тозалаётгани эшитилиб турибди. Леон маҳбубасини лоақал бир пиёла сутли кофе ичишга кўндирмоқчи бўлган эди, аммо у жуда бўғилиб турганини, бир қултум бирор нарса ичса, ўлиб қолажagini айтди.

Леон кўк кўзойнагини бурни устига қўндириб, ҳисоб-китоб қилиш учун пастга йўл олди. Хўжайин кечаги шовқин-сурон учун кечирим сўради. У ҳанузга қадар

бундай шовқин-суроннинг боисини билолмаётганини, чунки жаноб офицерлар, одатда, жуда осойишта эканликларини айтди. Леон, кечаси ҳеч нарса эшитганим йўқ, жуда мириқиб ухлабман, деб ишонтиришга уринди.

— Аммо бу томондаги қўшнингиз,— деб давом этди хўжайин,— сизни заррача безовта қилмаган бўлиши керак. У ҳеч қачон овоз чиқармайди. Гаров ўйнашим мумкин, у ҳозир ҳам донг қотиб ухлаб ётибди.

Леон йиқилиб тушмаслик учун конторкага таянди, у билан бирга келган жувон эса жон ҳолатда унинг қўлини қисиб, юзидаги пардани янада тушириб олди.

— У милорд,— деб давом этди шафқатсиз хўжайин,— ҳаминша энг аъло нарсаларни талаб қилади. Ҳа, у зоти олиёларидан. Аммо ҳамма инглизлар ҳам унга ўхшайвермайди. Бизникига яна биттаси тушган. Буниси учига чиққан қурумсоқ экап. Ҳамма нарсани қиммат дейди. Хона ҳам, овқат ҳам қиммат эмиш. Беш фунт стерлингги инглиз пулига бир юз йигирма беш франк талаб қилди-я... Пули қалбаки бўлмаса гўрга эди... Мана, кўринг... Бунақа нарсаларни сиз яхши билсангиз керак, инглизча гаплашганингиз қулоғимга чалинувди... Қалбаки эмасми?

Шу сўзларни айтиб, у Леонга беш фунтли қоғоз пулни узатди. Унинг бир бурчагида кичкинагина қизил доғ бор эди. Бу доғнинг қаердан ҳосил бўлгани Леонга дарҳол аён бўлди.

— Менимча, қалбаки эмас,— деб зўрга жавоб берди у.

— Ҳали вақтингиз кўп!— деб давом этди хўжайин.— Поездингиз саккизда жўнайди. Бунинг устига, доим кечикади... Марҳамат қилиб, ўтиринг, хоним. Жуда толиққан кўринасиз...

Шу пайт семиз оқсоч аёл кирди.

— Тезроқ иссиқ сув беринг,— деди у,— милорд чой деяптилар? Кейин латта-путта ҳам беринг! Бир шиша виноси синиб, бутун хонани расво қилибди...

Бу сўзларни эшитиб, Леон стулга ўтириб қолди, жувон ҳам ўзини ўриндиққа ташлади. Уларнинг иккови ҳам қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишдан зўрга ўзларини тийиб туришарди.

Жувон шодлик билан ҳамроҳининг қўлини қисди.

— Биласизми?— деб Леон хўжайинга мурожаат қилди.— Биз соат иккидаги поездда кетамиз. Соат ўн иккига бизга тузукроқ нонушта тайёрлаб беринг.

## АВТОР ИЗОҲЛАРИ

1) *...икки аср бир-биридан қандай фарқланса, иккита халқ ҳам бир-биридан шундай фарқ қилади...*— Айрим шахсларга ҳам шундай нуқтаи назардан қараш мумкин эмасми? Наҳотки, ўғрининг ўғирлик қиладиган ўгли атайин муттаҳамлик йўлига кирувчи тарбия кўрган одам билан баравар жавобгар бўлса?

2) *...Француз министри... рақибларини ўққа тутар эди...*— бу муқаддима 1829 йилда ёзилган.

3) *...у эркин фикр эгаси бўлмаган тақдирда ҳам... ашаддий худоғўй ҳам эмас эди...*— Карл IX нинг ўта иккиюзламалигига далил сифатида унинг бир иборасини келтиришди. Менинг фикримча, бу ибора динга бефарқ қарайдиган одамнинг қўполлигидан ўзга нарса эмас. Карл IX нинг синглиси Маргарита Валуа билан Генрих IV нинг (у пайтларда Генрих протестант эди) никоҳига папа тўсқинлик қилган эди. «Агар ҳазрати олийлари розилик бермасалар,— деган эди қирол,— синглим Маргаритани ўзим етаклаб бораман-да, протестантлар черковида никоҳ ўқиттираман».

4) *...сон жиҳатдан устун бўлган душманинг ҳужумига...*— у пайтларда Франция аҳолиси тахминан йилгирма миллион эди. Тахмин қилишларича, иккинчи граждандар уруши даврида протестантлар бир ярим миллион кишидан ортқ бўлмаган, лекин уларнинг пули, аскарлари ва саркардалари кўпроқ бўлган.

5) *...Ла-Рошельни забт этиб, Франциянинг жанубида... бутун бир армияни шай қилиб қўйишган бўларди...*— иккинчи граждандар уруши вақтида протестантлар бир кун ичида тўсатдан француз истеҳкомларининг ярмидан кўпини босиб олишган. Бу гал католиклар ҳам худди шундай қилиш имконига эга бўлишди.

6) *...афкори омманинг бу жиноят учун қиролни айблагани...*— Морвелни қирол хизматидаги қотил деб аташган эди, Брантомга қаранг.

7) *...Парижда ҳар қандай сир яшин тезлигида ошкор бўлади...*— Наполеоннинг гапи.

8) *...қирол ҳамма нарсдан бўйин товлаб...*— адмирал Колиннинг ўлдирилиши ва бу қирғиннинг ҳаммасини у герцог Гизга ва Латаригия хонадонининг шахзодаларига тўнказган эди.

9) *Яшасин шахзода!*— Шаҳзода Конде.

10) *...Улар рейтарлар деб аталарди...*— Reiler деган немисча сўзнинг («чавандоз») бузилгани.

11) *...аргулетларимга қараб...*— разветкачилар, енгил сувори-лар.

12) *...Жан II... унк ҳақидаги...*— қадимги халқ қўшиқларидаги комик персонаж.

13) *...Ашаддий дуэлбозлар...*— у пайтларда профессионал дуэлбозларни шундай деб аташарди.

14) *...бир одамни Пре-о-Клерга бошлаб келди.*— Уша пайтларда дуэль ўтказиладиган жой. Пре-о-Клер Луврга қарама-қарши Кичик Август кўчаси билан Бак кўчаси ўртасида эди.

15) *...оқ шарф боғлаб...*— оқ ранг реформатлар ранги эди.

16) *...Людовик Ун учинчининг вафотидан кейин Франциянинг қироли — Гаспар Биринчи...*— Жарнак яқинида ўлдирилган шаҳзода Людовик Кондени католиклар қирол тахтига даъвогарликда айбланган эдилар. Адмирал Колинъини Гаспар деб аташарди.

17) *...Францияда ҳамisha Мере топилар...*— Польтро де Мере Орлеан қамали вақтида шаҳар жуда ночор аҳволга тушиб қолган чоғда буюк Франсуани, яъни герцог Гизни ўлдирган эди. Колинъини, «қотиллик сенинг буйруғинг билан содир бўлган ёхуд унинг олдини олиш учун ҳеч нарса қилганинг йўқ», деб айбланган эдилар. Колинъи буни инкор қилмоқчи бўлади, бироқ унинг уриниши унча муваффақиятли чиқмайди.

18) *...жасур Данцелонинг ўлиmidан кейин...*— ўз укасининг...

19) *...Тулузада аралаш комиссия таъсис этилган...*— учинчи граждaнлар урушидан кейин тузилган сулҳ шартномасига мувофиқ баъзи бир суд маҳкамаларида комиссиялар таъсис этилган бўлиб, уларнинг ярмини кальвин динидаги одамлар ташкил қиларди. Бу комиссиялар католиклар билан протестантлар ўртасидаги низоларни бартараф қиларди.

20) *...Наварра қироличасининг қўлқопини эсланг...*— Д' Обинье ёзади («Умумий тарих», II том, II-боб): «Қиролича заҳардан ўлди. Заҳар қўлқопга атир билан қўшиб сепилганди. Бундай заҳарни флоренциялик Рене тайёрлаган эди. Шундан кейин ҳамма, ҳатто қироличанинг душманлари ҳам уни ёмон кўриб қолди.

21) *...ҳозир яна бошқа бирор кимсага қарши қилич яланғочлашга ҳаққим йўқ...*— ашаддий дуэлбозлар қондасига биноан бир жанжални бартараф қилмай туриб, янгисини бошлаш мумкин эмас эди.

22) *Эсток* — узун дудама қилич.

23) *...секундантлар билан тьерсларни келишиб олиш қолди...*— кўпинча гувоҳлар дуэлни кузатиб туриш билан чекланмай, ўзлари ҳам бир-бирлари билан қиличбозлик қилишарди. Буни, секундантлик қилиш, тьерс қилиш деб аташарди.

24) *Iiseio di spada e cavare alla vita* — ҳаётга таҳдид қиладиган хавфли ҳамлани қайтариш учун рақиб қиличига зарб бериш, у пайтларда қиличбозликдаги ҳамма атамалар итальян тилидан оллинар эди.

25) Жим.

26) Бугун кечқурун сизни бир хоним кутади.

27) Тангрим ўзи асрасин сизни. Марҳамат қилинг.

28) Сиз испанча гапирасизми?

29) Беш қўлни баравар оғизга тиқманг!

30) Мен — гувоҳкор бандангни ўзинг кечир, тангрим. Сиз жазмап эмас, латта экансиз.

31) *...Бу ж... қофия...*— китобхон бу ўринда ўзи истаган сифатлашни қўйиб олаверсин. Карл IX унча гўзал бўлмаса-да, ўткир ибораларни ёқтирарди.

32) *Д' Обинье. Умумий тарих.*

33) *Д' Обинье. Умумий тарих.*

34) *...қиролнинг укаси — герцог Анжуйский, кейинчалик Генрих III.*

35) *...унинг совути темир этакли эди...*— шунга ўхшаш анжомни Артиллерия музейида кўриш мумкин. Рубенснинг жуда ажойиб бир суратида жанг манзараси тасвирланган. Уша суратдан одамлар темир этакли совутларда қандай қилиб от минганини билиб олса бўлади. Эгарларга курсига ўхшаш нарса ўрнатилган бўлиб, улар темир этак остида турган ва чавандозни шундай кўтарганки, унинг тиззалари отнинг боши билан барабар кўтарилиб турган. Ўзининг ҳарбий анжомларида куйиб ўлган одамга келсак, бу тўғрида Д' Обиньенинг «Умумий тарих»ига қаранг.

## ИЗОҲЛАР

### «КАРЛ IX САЛТАНАТИНИНГ ЙИЛНОМАСИ»

Бу асар устидаги иш, асосан, 1828 йилнинг иккинчи ярмига тўғри келади. 16 декабрда Мериме дўсти Альбер Станферга ёзади: «Мен жуда кўп ишлаяпман. Бунчалик кўп меҳнатни мендай ялқов бир ёқда турсин, ҳатто ҳақиқий ёзувчидан ҳам кутиш қийин... Бе-маза бир роман ёзаяпман, у жонимга тегиб кетди, лекин уни тугатмоқчиман, чунки меннинг бошқа режаларим кўп. Агар омадим келса, 1829 йилда анча-мунча қоғозни қоралаб ташлайман». «Ревю франсез» журнаlining 1829 йил январь сонида ромanning XVII боби («Аудиенция») босилади, февралда эса Париж газеталари ромanning битгани ҳақида хабар беришади, мартнинг бошида китоб босмадан чиқади (Александр Менье нашриётида). Биринчи нашрида ромanning номи шундай эди «1572. Карл IX даврининг йилномаси». Роман жуда тез ёзиб битказилди; бундай тезкорлик ёзувчининг ўзини қаноатлантирмайди, шунинг учун у кейинги нашрларга (1832, 1842, 1847, 1853) асар текстини синчиқлаб тузатади. Кўпгина услубий тузатишлардан ташқари, Мериме китобнинг номини ҳам бир оз ўзгарттиради — аввал у «давр» сўзини «салтанат» сўзига алмаштиради, кейин эса «1572» деган йилни ҳам олиб ташлайди. Булардан ташқари, ромanning бошида Рабледан эниграф келтирилган бўлиб, ёзувчининг ахлоқий-маънавий қопдалар ва тасаввурларнинг тарихийлиги ҳақидаги асосий фикрини изоҳларди — Мериме бу эниграфдан ҳам воз кечади («Сарақинлар ва ваҳшийлар жасорат деб атаган нарсани биз ҳозир босқинчилик ва ёвузлик деб атаймиз»).

XVI аср француз воқелигига, унинг энг кульминацион нуқталаридан бири бўлган Диний урушларга умуман ва Варфоломей тунидаги қирғинга хусусан қизиқини француз тарихшунослиги ва романтик давр адабиёти учун жуда характерли эди. Аммо тарихда «латифанамо» воқеаларни ёқтирадиган, уларда «муайян даврдаги урфи одатлар билан худқ-атворларнинг ҳаққоний манзараси ўз аксини топган бўлади», деб ҳисобловчи Мериме роман устида ишлаш даврида олимларнинг китоблари ва тадқиқотларига эмас, балки ҳодисаларнинг иштирокчилари ва замондошларининг ҳақиқий гувоҳликларига таянади. Мериме ромanning асосий манбалари гугенот шоири Теодор Агриппа д'Обиньеннинг китоблари, Брантомнинг батафсил мемуарлари, лашкарбошилардан Блез де Монлюк ва Франсуа Лаңунинг хотиралари, Парижда яшаган Пьер де л'Этуалнинг қундаликлари бўлган.

Роман босилиб чиққандан кейин кўп ўтмай пайдо бўлган кўп сонли тақризларда Мерименнинг романтик мактабга хос муболағалар ва бир томонликдан холи экани алоҳида қайд этилган эди. Масалан, А. Патен «Ревю энциклопедик»да шундай ёзади: «Ҳар қандай романтик асарда муқаррар тарзда уч хил персонаж бўлади.

Булар бир томонлама тасвирланган ёхуд муболага билан кўрсатилган, шунингдек, сирли жумбоқларга тўла персонаждир. Мери́ме асаридан буларнинг биронтасини ҳам тополмайсан». Танқидчилар роман тилининг ихчамлигини, характерлар тасвиридаги маҳоратни таъкидлаб кўрсатишган. Танқидчиларнинг фикрича, Мери́ме, айниқса, Диана де Тюржи образини муваффақиятли ишлаган. «Менинг фикримча, Диананинг портрети ва айниқса, унинг кўзлари жуда ҳаққоний тасвирланган»,— деб ёзади Гюстав Планш «Ревю де дё Монд»да. Гарчи баъзи бир танқидчилар роман композициясининг пухта ўйланмаганини ва асар тугалланмай қолганини қайд қилган бўлсалар-да, уларнинг асосий таънаси романнавис Мери́медан кўра тарихшунос Мери́мега кўпроқ қаратилган эди. Ёзувчининг Варфоломей туни воқеаларининг талқини атрофида мунозара бўлиб кетган. Танқидчилар, биринчи навбатда, Ш. Маньен «Глоб»да унинг фалсафий-тарихий муқаддимаси билан роман ўртасида қарама-қаршилик бор бўлгани учун авторга таъна қилишди ва унинг Варфоломей туни кўп жиҳатдан тасодифий тарзда содир бўлган фожиадир, деган нуқтаи назарни билан баҳслашдиши.

Мери́менинг адабий дўстлари ва фикрдош ўртоқлари асарини хайрихоҳлик билан қутиб олишди. Сент-Бёв ўзининг мактабдош ўртоғи Жюль Лудьберга шундай ёзган эди: «Клара Газулнинг муаллифи, менинг қадрдон дўстим Мери́ме Карл IX нинг 1572 йилдаги саройи ҳақида ярим роман, ярим йилнома тарзида жуда ажойиб китоб чқарди». Стендаль эса Сеттон Шарнга шундай хабар йўлаган: «Мери́ме яқинда «1572»ни нашр этди. Вольтер руҳида донолик билан ёзилган китоб».

Роман ҳақида ажнабий матбуотда ҳам мақолалар пайдо бўлди. Орадан кўп ўтмай, уни чет тилларига таржима қила бошлашди. Германияда «Йилнома» 1829 йилдаёқ босилиб чиқди, бир йил ўтгач, уни Америка нашриётларидан бири эълон қилди.

Мери́ме романидан айрим боблар Россияда ҳам босилган. Дальвинг ва Пушкиннинг «Адабиёт газетаси» 1830 йилнинг майида (28-сон) Н. П. Шигаев таржимасида «Олишув» номи билан романининг XI бобини эълон қилди. «Шимоллий Меркурий» ҳам иккинчи бобни—XX бобни (1830 йил декабрь ойида, 148, 149-сонлар) ва XVII бобни (1831 йил июнь, 68) босиб чқарди. 1839 йилнинг майида китобдан каттагина парча «Рус майинби»га «Адабий пловалар»да босилди. Роман тўлалигича рус тилига 1882 йилдагина таржима қилинди. У «Варфоломей туни» сарлавҳаси билан «Тарихий ахборотлар»да (9, 10, 11, 12-сонлар) босилди ва кўп ўтмай алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

1929 йилда М. А. Кузьмин таржимаси пайдо бўлди. 1963 йилда эса уни П. М. Любимов қайта таржима қилди.

*7-бет. Аспазия* (мелоддан аввалги V асрнинг иккинчи ярми)—қадимги юнон тановозларидан. Афинанинг давлат арбоби ва саркардаси Периклнинг (мелоддан аввалги 499—429 йиллар) маҳбубаси. Ҳусни ва ақли билан машҳур бўлган.

*Фукидид* (мелоддан аввалги тахминан 460—395 йиллар)—қадимги юнон тарихчиси, қадимги тарихшунослик фанининг асосий вакилларидан бири.

*Мезре* Франсуа (1610—1683)—ўз даврида машҳур бўлган француз тарихчиси.

*Монлюк* Блез де Монтескью (тахминан 1499—1577)—француз саркардаси, Диний урушлар иштирокчиси. 1526—1574 йиллардаги воқеаларни қамраб олган қизиқарли «Шарҳлар» қолдирган.

*Брантом* Пьер де Бурдейль (1540—1614) — француз мемуаристи, ў давридаги ажойиб кишилар ҳаётини кўп томлик асарларда тасвирлаган. 1856 йилда Брантом танланган асарларининг янги нашрига Мериме сўзбоши ёзган.

*Д'Обинье* Теодор Агриппа (1552—1630) — француз шоири, тарихчиси ва сиёсий арбоби. Гугенотларнинг сардорларидан бири, католикларга қарши олиб борилган урушларда Генрих IV нинг сафдоши бўлган. 1855 йилда Мериме катта сўзбоши билан Д'Обиньенинг «Барон де Фенестанинг саргузаштлари» романини нашр этган.

*Таван* Жан (1555—1630) — француз тарихчиси ва мемуаристи, ашаддий католик.

*Лану* Франсуа (1531—1591) — француз саркардаси, гугенотларнинг йирик лашкарбошиларидан бири, мемуарлар муаллифи.

*Этуаль* Пьер Тезан (1546—1611) — француз мемуаристи. Унинг «Мемуарлар — кундаликлар» асари ҳаққонийлиги ва муайян адабий фазилатлари билан ажралиб туради. Бу асар қимматли тарихий манбалардан биридир. Биринчи марта 1744 йилда нашр этилган.

*...Қирол Польшага жўнаб кетмасидан аввал...* — Бўлгуси француз қироли Генрих III 1579 йилда поляк қироли қилиб сайланган эди, бироқ у кўп вақт қиролик қилгани йўқ. Акасининг ўлими унга француз тахтини бўшатиб берди.

*8-бет. Маҳмат-Али* (1769—1849) — Мисрнинг вице-қироли. Асарда тилга олинган мамлуклар қироли. Қоҳирада 1811 йилнинг 1 мартида содир бўлган.

*9-бет... Фигаронинг ибораси...* — Мериме Бомаршеннинг «Живояткор она» пьесасидан цитата келтирмоқда (II парда, 7-саҳна).

*...агар бир министрининг иштиғида...* — француз премьер-министри Вилелнинг 1882 йил ноябри ва 1824 йилдаги сайловолди қаллобликларига ишора.

Асарнинг 1829 йилдаги нашрида шу жумладан кейин қўйилдагича иборалар бор эди: — «*ҳолбуки қонли қирғинга бир гуруҳ шафқатсиз одамлар раҳбарлик қилган эди. Бу тафовут, менинг назаримда Варфоломей тунини бир қадар оқлайди.*»

*Герцог Гиз* — Анри де Лоррен (1550—1588) — католиклар партиясининг сардорларидан ва Варфоломей тунининг ташаббускорларидан бири. 1835 йилда Мериме унинг тўғрисида каттагина биографик мақола ёзган.

*Бираг* Рене (1507—1583) — давлат арбоби ва кардинал, муҳрдор, кейин Франция канцлери. Унга Варфоломей тунининг ташаббускорларидан бири деб айб тақашган.

*11-бет. Екатерина* — Екатерина Медичи (1519—1589) — француз қироли Генрих II нинг хотини, Франциск II, Карл IX ва Генрих III нинг онаси. Кичик ёшли Карл IX салтанатининг биринчи йилларида регент бўлган.

*Шаҳзода Конде* — Луи де Буртон (1530—1589), бўлгуси қирол Генрих IV нинг амакиси, протестантларнинг сардорларидан бири. Жарнак ёнидаги жангда католиклар қўлига асир тушган ва герцог Ангулемскийнинг (бўлгуси Генрих III) буйруғи билан Монтеस्कью томонидан ўлдирилган.

*Адмирал* — яъни Гаспар де Колиньи (1519—1572) — протестантлар партиясининг бошлиғи.

*...Уша пайтдаги ашаддий роялистлар...* — Карл X даврида ҳо-



қимлик қилган (1824—1830) ашаддий реакционерлар партиясига ишора.

*Людовик XI* (1423—1483)—1461 йилдан бошлаб француз қироли. У қироллик ҳокимиятини анчагина мустақамлади ва мамлакатнинг бирлашишига кўп жиҳатдан бош-қош бўлди. Аммо «бўлиб олиб, ҳокимлик қилавер» деган ибора унинг эмас.

*12-бет. Ассуэр* — яҳудийларни таъқиб этган форс подшоҳларидан бири Ивжилда шундай деб аталган.

*13-бет. Жанна д'Альбре* (1528—1572)— Наварра қироличаси, Антуанде Бурбоннинг хотини, бўлғуси Генрих IV нинг онаси. Протестантлар орасида эътибори катта бўлган. Екатерина Медичининг буйруғи билан заҳарлаб ўлдирилган, деб тахмин қилинади. 1572: йилнинг 9 июнида қазо қилган.

*Наварра қироли* — яъни бўлғуси Генрих IV. Наварра қироли: увонини у 1572 йилда онасининг вафотидан кейин олган.

*Шаҳзода Конде* — бу ўринда протестантларнинг сардорларидан бири Анри де Бурбон (1552—1588) назарда тутилмоқда.

*Герцог Альби Фердинанд Альварес де Толедо* (1508—1582)— испан саркардаси ва давлат арбоби. Герцог Альбанинг асарда келтирилган сўзлари 1565 йилда «Бойондаги учрашув» деб аталмиш учрашувда айтилган.

*14-бет. Лотарингия хонадони* — Франциядаги қадимий феодал хонадонлардан, Франциянинг шимоли-шарқида жуда катта ерлар бую хонадон тасарруфида бўлган. Гизлар шу хонадондан чиққан.

*...отасининг хотираси учун ҳам...* — яъни Франсуа де Лоррен, герцог Гиз (1519—1563) хотирасига. У католиклар партиясининг сардорларидан бири эди. Протестант Жан Полотро де Мерс томонидан ўлдирилган.

*...икки марта қамал қилган гугенотларни...* Протестантларнинг қўшини Парижни 1562 ва 1567 йилларда икки марта қамал қилган... қиролнинг сингилларидан бири... шаҳзодага эрга текканидан... — Гап Генрих II ва Екатерина Медичининг қизи Маргарита ҳақида кетяпти. У 1572 йилда Генрих Наваррскийга турмушга чиққан.

*15-бет... олтимиш мингдан ортиқ қурбон...* — Вольтер ҳам шу рақамни кўрсатади («Хулқ-атвор ҳақида тажрибалар», 171-бет). Бироқ бу рақамда муволаға бор.

*16-бет. Рейтерлар...* — Мериме воаниқликка йўл қўйган. Рейтерларнинг ҳамма отрядлари 1571 йилдаёқ Рейннинг нариги томонига олиб кетилганли.

Биринчи бобнинг эпитафи — Байроннинг «қиёфаси ўзгарган майиб» драмасидан олинган (I қисм, 2-саҳна. Солдатлар қўшиғи).

*Этамп* — Париждан 70 км. масофада жойлашган кичкина шаҳарча.

*Гаспар де Шагильон* — яъни адмирал де Колиньи.

*19-бет. Авлиё Христофор* — католиклар авлиёси. Сайёҳлар ҳомийси деб ҳисобланган.

*21-бет... Дре ёнидаги жанг...* — Дре яқинидаги жанг 1562 йилда бўлган. Унда герцог Франсуа де Гиз бошчилигидаги католиклар ғолиб чиқишган.

*...Арне-ле-Дюм ёнидаги жанг...* Бу жанг 1570 йилнинг 25 июнида бўлган. Протестантлар ғолиб чиқишган.

*Мержи...* Б. Петито томонидан нашр қилинган тарихий ҳужжатлар мажмуасида 34-томни аллақандай Жан де Мержининг мемуарлари ташкил қилади. Мериме ўз қаҳрамонининг исмини ана шу манбадан олган бўлиши эҳтимол.

22-бет... Орлеанни биринчи марта қамал қилиш вақтида... Франсуа де Гиз қўмондонлигидаги католиклар қўшини Орлеанни 1563 йилда — биринчи граждандар уруши (1562—1563) вақтида қамал қилган.

24-бет. Монморанси...— Афтидан, бу ўринда гап коннетабль Анн де Монморанси (1493-1567) ҳақида кетяпти. У француз давлат арбоби, Франциск I ва Генрих II каби қиролларнинг маслаҳатчиси бўлган.

26-бет... Монконтур яқинидаги жангда...— Монконтур яқинидаги жанг 1569 йилда бўлган. Герцог Анжуйский қўмондонлиги остидаги католикларнинг қўшини Колиньи қўмондонлигидаги протестантлар отрядини тор-мор қилган.

28-бет. Гамельн — Брауншвейгда Везердаги шаҳар. Мериме бу афсонанинг сюжетини ака-ука Гриммларнинг «Немис афсоналари»дан (1-том, 1816) олган бўлиши мумкин.

30-бет. Фон Фалькештейн — немис халқ афсоналаридаги персонаж.

32-бет. Ларошфуко Франсуа (тахминан 1531—1572) — Конденнинг қариндоши, протестантларнинг сардорларидан бири.

Иккинчи бобнинг эпитафи — Мольернинг «Қулғили таннозлар» комедиясидан (7-саҳна) олинган. Русчага П. Яковлева таржима қилган.

35-бет... Саламиндаги форслар каби...— Саламин (Греция соҳиллари ёнидаги орол) яқинида Фемистокл қўмондонлигидаги юнонлар билан форслар ўртасидаги жанг мелоддан олдин 480 йилда бўлган.

Махаон ва Подалирия — афсонавий қадимий юнон табиби Эскулапнинг ўғли ва шогирдлари.

40-бет. Учинчи бобнинг эпитафи — Шекспирнинг «Цимбелин» драмасидан (II парда, 4-саҳна) олинган. Ф. Миллер таржимаси.

41-бет... Сен-Мишель кўпригидаги...—У пайтларда кўприга Париж кўприкларида йўлнинг икки томонида тураржойлар, баққолларнинг дўконлари ва ҳунармандларнинг устахоналари жойлашган эди.

...ханжар...— Мерименнинг хатоси. Дуэлларда ханжарни анча кейин қўллаш бошлашган.

42-бет... Амбуазни эгаллаб олмақчи бўлган...— гап «Амбуаз фитна»си ҳақида кетяпти — протестантлар кичик ёшли қирол Франциск II ни қўлга туширишга урилиб кўришган (1560). Улар шу йўл билан унн Гизлар таъсирдан халос этмақчи бўлишган.

45-бет. Сегье Пьер (1504—1580) — Француз давлат арбоби. Париж магистратининг раиси.

Монморанси Торе — коннетабль Анн де Монморансининг ўғли.

47-бет... бахслашаётганлар борган сари бир-бирига қаттиқ боғдиган гап айтаётганини пайқади...— Мольернинг «Олима аёллар» комедиясидан (IV парда, 3-саҳна) олинган ибора.

49-бет... Коменжининг абжирлиги...— Мериме бу персонажда Генрих IIIнинг яқинларидан бири бўлмиш Ливаро характериға хос сифатларни тасвирлаган.

52-бет. Тўртинчи боб эпитафи — Мольернинг «Дон Жуан ёхуд Тош меҳмон» комедиясидан (V парда, 2-саҳна). Таржима А. Федоровники.

53-бет... ваҳшиёна дуэллар туфайли нариги дунёга сафар қилган дворянларнинг сони... кўпайиб кетди...— Мериме ноаниқликка йўл қўйган — дуэллар кейинроқ жуда кенг тус олиб кетган эди.

Айниқса, Генрих IV салтанатининг сўнги йиллари ва Людовик XIII замонида дуэлбозлик ғоятда авж олган.

55-бет. *Жодель Этьен* (1532—1573)— француз шоири ва драматурги, классицизм салафларидан бири.

56-бет.— «*Хушрўй-бақалоқ шаҳзода*»— Бу қўшиқни Брантом ўзининг «*Шаҳзода Брантом ҳаётининг тавсифи*» китобида келтиради.

...*Жизнейль яқинидаги жанеда*... Жанг 1568 йил 17 ноябрда бўлиб ўтган

57-бет. *Жарнак ёнида*...— Жарнак ёнидаги жанг 1569 йилда бўлган. Герцог Анжуйский қўмондонлигидаги католиклар қўшини кальвинчилар устидан қатъий ғалаба қозонган эди. Кальвинчилар сардори шаҳзода Луи де Конде ярадор бўлган ва асир олинган.

...*қўйидаги мисрани рўқач қилишди*...— Мериме Овидийдан («*Фастлар*», 1,493) цитата келтирмоқда.

58-бет. «*Гаргантюанинг... ҳаёти*»— Рабленнинг «*Гаргантюа ва Пантагрюэль*» романининг биринчи қисми. 1534 йилда босилган.

60-бет. *Азав*— Инжилда эслатиб ўтилган Исроил подшоҳи. У хотини Иезавелнинг гапига кириб, мажусий динига кирди ва яҳудийларни қаттиқ таъқиб остига олади.

61-бет. *Ҳазрат Любен*— Бу руҳонийнинг образини Мериме Агриппа Д'Обиньенинг «*Барон де Фенестининг саргузаштлари*» романидан (1 китоб, 8-боб) олган бўлиши мумкин.

62-бет. Бешинчи бобнинг эпитафи Рабленнинг «*Гаргантюа ва Пантагрюэль*» романининг китобидан олинган. (27-бет.)

65-бет... *Халоскоримиз эса денгиз қаръига икки минг тўнғизни улоқтирган*...— Ҳазрат Любен Исонинг қўйидаги сўзларини назарда тутяпти: «*Тўнғизлар қаршида мунчоқ сочманглар*». Шунингдек, Инжилдаги Исо икки девонанинг жинини қувиб, чўчқаларга жо қилгани ҳақидаги ҳикоя ҳам эътиборда тутилган.

69-бет. Олтинчи бобнинг эпитафи— Шекспирнинг «*Қирол Ричард III*» драматик хроникасидан (V парда, 3-саҳна) олинган. Таржимон Б. Лейтин.

70-бет. *Дандело*— Колинъининг укаси, 1569 йил 7 майда безгадан вафот этган.

72-бет... *Руандаги қотиллар жазоланган*...— Сеп-Жермен-ан-Леда сулҳ тузилгандан сўнг шаҳарларда— суд маҳкамалари ташкил қилинади. Уларга гугенотлар ҳам, католиклар ҳам кирган. Руан маҳкамаси қотил католикларни шафқатсиз жазолаган, ҳолбуки Тулуза маҳкамаси бундай қатъият кўрсатишга ожизлик қилди.

76-бет... *Мадрид қасри*...— Мадрид қасри Париж яқинида (ҳозирги Булон ўрмони территориясида) итальян архитектори донна Роббиа томонидан Франциск I га атаб 1529 йилда қурилади. Мадрид қасри деб аталишига сабаб шунки, қаср қуриб битказилганда Франциск Испанияда асирликда эди.

78-бет... *Унинг Ангулем музейидаги ҳайкалини кўриб қўя қолинг-да*...— Ангулем музейи—1824 йилда ташкил топган бўлиб, унга ноёб ҳайкаллар қўйилган. Кейинроқ Луврга қўшилиб кетган. Бу музейдаги Карл IX нинг ҳайкалини Жермен Илон ёхуд унинг даврасидаги усталардан бири ишлаган, деб тахмин қилинади.

79-бет. *Беарнезли хоним*— яъни Жанна д'Альбре Маргарита Наваррская бўлгуси Генрих IV нинг хотини, Генрих II ва Екатерина Медичининг қизи.

*Герцог Анжуйский* — қиролнинг укаси, бўлгуси қирол Генрих III.

*Ретц Альбер де Гонди* (1522—1602)—герцог, Франция маршали, йирик ҳарбий ва сиёсий арбоб, дипломат.

*Телиньи Луи* — Колинъининг куёви. Варфоломей тунида ўлдирилган.

*Мерю* — Шарль де Монморанси, коннетабль Анн де Монморансининг учинчи ўгли.

80-бет. Тўққизинчи бобнинг эпиграфи Лопе де Веганинг «Донья Бланканинг қўлқопи» пьесасидан (2-парда, 10-саҳна) олинган.

88-бет. Ҳиничи бобнинг эпиграфи Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» трагедиясидан олинган. Таржимон Т. Шепкина-Куперник.

99-бет. Ҳн биричи бобнинг эпиграфи Вальтер Скотт эълон қилган «Шотланд ўлкасининг тарихий ва романтик балладаларидан таркиб топган қўшиқлари» антологиясидан.

106-бет. *Нель минораси*.— Париждаги соқчилик минораларидан бири. XII асрда қурилган. Дастлаб шаҳардаги истеҳкомлар қаторига кирган, кейинчалик турма ва шаҳар соқчилари учун қоровулхона ўрнида хизмат қилган.

107-бет. Ҳн иккинчи бобнинг эпиграфи Мольернинг «Ажойиб жазманлар» комедиясидан (1-парда, 2-саҳна) олинган.

108-бет. *Паре Амбруз* (тахминан 1510—1590)— машҳур француз олими ва жарроҳ-табиби. 1536 йилдан бошлаб француз қиролларининг хос табиби. Ашаддий протестант. Шунга қарамай, Пере Варфоломей туни вақтида жазога мустаҳиқ қилинган эди.

109-бет... *Биронга милт этган юлдуз кўринмасди*...— Мольернинг «Сицилиялик» комедиясидан олинган ибора (1-саҳна).

115-бет. Ҳн учинчи бобнинг эпиграфи Шекспирнинг «Қирол Генрих IV» драматик хроникасидан (1-қисм, 1-парда, 3-саҳна) олинган. Таржимон Е. Бирукова.

118-бет. *Венсен* — Париж атрофидаги қаср. XIV асрда қурилган. Француз қиролларининг резиденцияларидан бири.

119-бет. Ҳн тўртинчи бобнинг эпиграфи Мольернинг «Тартюф» комедиясидан олинган (III парда, 2-саҳна). М. Лозинский таржимаси.

120-бет. *Пантагрюэлнинг ҳаёти*...— Рабле романининг иккинчи қисми. 1532 йилда пайдо бўлган.

...*Герман Оксерский ибодатгонаси*.—...яъни Лувр устувлари қаршисида жойлашган Сен-Жермен л' Оксеруа черкови. Бу черковнинг қўнғироқхонасидан Варфоломей тунида гугенотлар қирғинини бошлашга сигнал берилган.

121-бет... *Далила Самсонга қандай хиёнат қилганини эсла*...— Инжилда ҳикоя қилинишича, енгил табиатли Далила ўзининг ошиғи Самсоннинг сочини кесиб олган ва бу билан унинг кучини қирқиб, филистимиларнинг қўлига топширган.

131-бет. Ҳн олтинчи бобнинг эпиграфи Мольернинг «Дмфитрион» комедиясидан (II парда 2-саҳна) олинган. В. Брюсов таржимаси.

135-бет. Ҳн еттинчи бобнинг эпиграфи Шекспирнинг «Макбет» трагедиясидан олинган (III парда, 1-саҳна). Ю. Корнеев таржимаси.

141-бет. Ҳн саккизинчи бобнинг эпиграфи Байроннинг «Дон-Жуан» поэмасидан олинган (II қўшиқ, 164-октава).

145-бет. *Иоанн Златоуст* (347—406)—Константинополь патриархи. Бу ўринда унинг вазълари тўплами назарда тутилган.

146-бет. Ун тўққизинчи бобнинг эпиграфи Рабленнинг «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романининг 1-қисмидан олинган (42-бет).

146-бет. *Маргарита билан Наварра қиролининг никоҳ тўйларидан кейин...* Таяннали маросим 1572 йилнинг 18-августда бўлган.

150-бет. Йигирманчи бобнинг эпиграфи инглиз драматурги Томас Отуэйнинг (1652—1685) «Қутқарилган Венеция» трагедиясидан олинган (III парда, 2-саҳна).

...*собиқ Турнель қасри...* Париждаги қадимий қирол қасрларидан бири бўлмиш Турнель қасри 1563 йилда Карл IX нинг фармойиши билан бузиб ташланган эди.

152-бет. *Сен-Кантен*—Сомме дарёси соҳилида жойлашган француз шаҳари ва истеҳкоми. 1577 йилда қамалдан сўнг герцог Савойский қўшинлари томонидан ишғол қилинган. Герцог Савойский Франция билан урушда Испания томонида иштирок этган.

156-бет... *Геден мадианитларни...* қириб ташлаган эди—Инжилда ҳикоя қилинишича, Исроил халқи мадианитларнинг (қадимги араб қабилаларидан бири) босқинларидан қўп азоб чеккан, уларни Исроил саркардаси Геден қириб ташлагач, халқ азобдан қутулган.

158-бет. Йигирма биринчи бобнинг эпиграфи Шекспирнинг «Юлий Цезарь» трагедиясидан олинган (1-парда, 2-саҳна). М. Зенкевич таржимаси.

170-бет. Йигирма иккинчи бобнинг эпиграфини Мериме Брантомдан олган.

188-бет. Йигирма тўртинчи бобнинг эпиграфи инглиз шоири Томас Мурнинг (1779—1852) «Фейдж хонадони Парижда» (1818) номли сатирасидан олинган.

189-бет. *Бирон* Арман де Гонто (1524—1592)—француз саркардаси. У, айниқса, Генрих IV олиб борган урушларда шухрат қозонган.

У *жангда қўлидан ажрагандан кейин...*—Ланунинг чап қўли (Мериме «ўнг қўли» деб хато ёзган) 1570 йилда Фонтене-ле-Конт қамали вақтида аркебуза ўқи тегиб, мажақланган эди. Жанна д'Альбренинг қистови билан у қўлини кестиришга рози бўлган.

190-бет... *Лану билан италиялик бир руҳоний ҳам бирга жўнади...*—У аббат Гадань эди. Гадань Екатерина Медичи хизматидаги жосус эди.

191-бет. Йигирма бешинчи бобнинг эпиграфи Агриппа Д'Обиньеннинг «Барон де Фенестинг саргузаштлари» романидан олинган (II китоб, 49-боб).

194-бет. *Монтгомери* Габриэль де Лорж (1530—1574)—Генрих II нинг шотланд гвардияси капитани. У турнирда қиролни қаттиқ жароҳатлаган ва бу жароҳатдан қирол ўлган (1559). Кейинчалик Монтгомери протестантларнинг сардорларидан бири бўлди ва католиклар қўлига асир тушиб, қатл қилинди.

198-бет. Йигирма олтинчи бобнинг эпиграфи Шекспирнинг «Гамлет» трагедиясидан олинган (III парда, 2-саҳна). М. Лозинский таржимаси.

201-бет... *Машҳур мис буқа...*—Агригент мустабиди Фаларис (мелоддан аввалги VI аср) томонидан ўйлаб топилган қатл усули.

203-бет. Йигирма еттинчи бобнинг эпиграфи Томас Отуэйнинг «Қутқарилган Венеция» трагедиясидан олинган (V парда, 1-саҳна).

204-бет... қўйдан жиндай мардликни наса олинг-чи...— Мериме Рабленинг жумласини ўзгартриб қўллаган. «Гаргантюа ва Пантагрюэль» да (1-китеб, 6-бет) шундай дейилади, «Сен, ахир, қўзи-чоқдай довураксан-ку».

205-бет. Дзанни — Италиян халқ комедияси дель артеда машхур ниқоб.

212-бет... Тўртинчи марта сулҳ тузилгани...— Булонда герцог Анжуйский томонидан имзоланган сулҳ битими тўртинчи граждандар урушига хотима қўйди (1572—1573).

...Карл IX нинг вафот этгани...— Карл IX 1574 йилнинг 30 майида вафот этган.

## МАТТЕО ФАЛЬКОНЕ

Бу новелла янги ташкил топган ва кейин кўп йиллар давомида мавжуд бўлган «Ревю де Пари» журналида босилган. Унинг асосчиси Лун — Дезире Верон (1798—1867) эди. Верон касбига кўра врач бўлиб, ёзувчилик ва журналистлик қобилиятига эга эди. Мериме у билан яқин ижодий алоқада бўлган ва 30-йилларда яратган асарларининг кўпчилигини унинг журналида босирган. «Маттео Фальконе» «Ревю де Пари» журналида 1829 йилнинг 5 майида босилган. Ёзувчи бу новеллани яратганида «Ревю три-местнэль» да босилган (1828 йил, июль) кичик бир хабардан фойдаланган. Шу хабар ҳикоянинг асосий сюжет йўналишини белгилаб берган. Шу мақолада Габриэль Фейзелнинг китоби ҳам тилга олинган бўлиб, Мериме кейинчалик корсикаликлар турмушига оид деталарни ва орол табиатининг тасвирини шу китобдан олган. (1839 йилда Корсикага бориб келгач, Мериме новелла текстига қатор аниқликлар ва тузатишлар киритади.) 1833 йилнинг биринчи ярмида новелла И. Фурнье нашриётида босилган Мериме асарлари тўпламига киритилган. Бу тўплам «Мозаика» деб аталган. Китеб босилиб чиққач, Шарль Ремюз ва Густав Пландининг хайрихоҳлик руҳидаги тақризлари чиқади. 1842 ва 1850 йилларда тўплам таркибида бир қадар ўзгаришлар ва текстида тузатишлар билан қайта босилади. Лекин «Маттео Фальконе» новелласи ҳамма нашрларда ҳам мавжуд эди. (Мериме ҳаётлигида «Мозаика» яна ўн бир марта нашр қилинган.)

Россияда Мерименинг бу новелласи жуда машхур бўлган. У «Мозаика» китоби чиқмасдан аввалроқ уч марта таржима қилинган ва 1829 йилнинг августида «Атеней» журналида (15-сон), 1832 йилнинг октябрида «Рус майиби»га «Адабий пловалар»да (81, 82-сонлар) ва 1832 йил декабрида «Аёллар журнали»да (50, 51-сонлар) босилган. 1835 йилда уни «Ватан фарзанди» (50-сон, 174-қисм) босади, 1836 йилда эса новелла II. Надеждин томонидан нашр қилинган «Энг яхши ажнабий ёзувчиларнинг қирқ бир қиссаси» автологиясига киритилади (8-қисм). 1843 йилда В. А. Жуковский новеллани шеърга солган. Бунда у бевосита Мериме асаридан эмас, балки немис романиги Шамиссо томонидан қайта ишланган вариантдан фойдаланган.

215-бет. Порто-Веккью — Корсиканинг жанубий-шарқий соҳилидаги шаҳар ва порт. Олқорлар — ёввойи қўйлар зоти. Хонакўйлардан йирикроқ, жуви дагалроқ бўлади.

*216-бет. ...Корсикага борганимда...*— Ҳақиқатда Мериме ҳикоя устида ишлар экан, бирон марта ҳам Корсикага борган эмас. У бу оролга 1839 йилнинг сентябрида борган. Бу ҳақда ёзувчи «Корсика саёҳати ҳақида қайдлар»да (1840) ҳикоя қилади.

*Корте* — Корсика марказидаги шаҳар.

*220-бет. Бастия* — Корсиканинг шимоли-шарқий соҳилидаги шаҳар ва порт.

## ТАМАНГО

Новелла «Ревю де Пари»да 1829 йил 4 октябрда босилган. Новелла сюжетининг манбалари кўп: у йилларда қулдорликка қарши яратилган асарларнинг сон-саногини йўқ эди. Мериме тасвирлаган воқеанинг асосида бирон муайян тарихий ҳодиса ётмайди. Ўзинга зарур деталларни ёзувчи ҳар хил йилларда нашр этилган китоблардан, газета хабарларидан, журнал мақолаларидан йиғиб олган; «маҳаллий колорит»ни, яъни бир неча йолоф сўзлари ва одатларини ёзувчи ўша йиллардаги Африка сайёҳларидан биро-тасининг кундалигидан ёхуд хотираларидан олган бўлиши мумкин. 1833 йилда новелла «Мозанка» китобига кирган.

Россияда «Таманго» новелласи кўп йиллар давомида цензура томонидан тақиқлаб қўйилганди. Унинг таржимаси, «Занжи шоҳ» номи билан 1895 йилдагина «Халқ мактаби қироатхонаси» да пайдо бўлади ва шундан кейин кўп марта қайта нашр қилинади.

*228-бет. Трафальгар ёнидаги жанг*—1805 йил 21 октябрда Гибралтар бўғозида Трафальгар бурни ёнида адмирал Нельсон қўмондонлигидаги инглиз эскадраси француз-испан қўшма флотини тор-мор келтирган. Нельсоннинг ўзи жангда ҳалок бўлган. Қўшма флотга қўмондонлик қилган француз адмирали Пьер де Вильнёв ўз-ўзини ўлдирган.

*Жерси* — Ламанш бўғозида кичкина орол. Англияга қараган.

*Сулҳ тузилиши...*— Англия билан Франция ўртасида 1814 йилда Наполеон биринчи марта тахтдан воз кечгандан кейин тузилган битим назарда тутиляпти.

*230-бет. Жоаль* — Африканинг ғарбий соҳилидаги унча катта бўлмаган порт.

*231-бет. Мартиника* — Кичик Антиль ороллари (Вест-Индия) тўдасига кирувчи энг йирик ороллардан бири. Бу қадимий француз мустамлакасида XIX асрда Африкадан олиб келинган негр қулларининг меҳнатидан жуда кенг фойдаланилган.

*231-бет. Йолоф тили (уолоф, волоф)*— Сенегалдаги энг йирик негр қабилаларидан бирининг тили. Йолоф тили африка тилларининг судан оиласига кирувчи сенегал-гвинея группасига мансуб.

*232-бет. «Сицилия оқшомини»*— француз шоири Казимир Далавьяннинг (1793-1843) трагедияси 1819 йилда Париждаги «Одеон» театрида қўйилган ва катта муваффақият қозонган. Асарда 1282 йилда Сицилия оролини босиб олган французларга қарши маҳаллий аҳолининг исён ҳақида ҳикоя қилинади. Орадан анча ўтгандан кейин шу сюжет асосида Верди ўзининг машҳур операсини яратди.

*237-бет. Мама-Жумбо* — Ғарбий Африка негрлари орасида, ҳақиқатан ҳам бу махлуққа ишонини анча кенг тарқалган эди. Мериме негрларнинг бу уруғи ҳақида инглиз сайёҳи Муинго Паркнинг

хотираларидан ўқиган бўлиши мумкин. Бу сайёҳ 1795—1797 йиллар давомида Африка соҳили бўйлаб саёҳат қилган эди.

237-бет. *Улар атаганидай, Фальгар...*— «хурсандчилик» маъноси ифодаловчи бу португал сўзи Мериенинг тасдиқлашига қарамай, Ғарбий Африкадаги биронта лаҳжада учрамайди.

239-бет. *Пёли* — Сенегалдаги йирик негр қабилаларидан бири.

245-бет. *...Кориолан каби...*— Рим саркардаси Кориолан мелоддан аввалги 493 йилда ўз шаҳрининг граждандари билан уришиб қолиб, Рим душманларига бошчилик қилган ҳолда шаҳарни қамал қилади. У туғишган шаҳаридан келган биронта элчи билан ҳам гаплашмайди. Фақат римлик аёлларга бошлиқ бўлиб келган овасигина унинг кўнглини юмшатиб, қамални тўхтатишга кўндирди.

248-бет. *Кингстон* — Ямайка оролидаги энг катта шаҳар ва порт.

### ТРИКТРАК ҲИЙНИ

Бу новелла «Ревю де Пари»да 1830 йилнинг июнида босилган. Новелланинг сюжетини Мери де Гизининг дўстларининг ҳикояларидан олган бўлиши мумкин. Тақризчилар масалан, Гюстав Плаш, ҳикоя тугунининг бир қадар сунъийлигини ва эҳтирослар тасвиридаги муболағани таъкидлашган эди. Бу новелла шухрати «Маттео Фальконе», «Таманго» ёки «Этрасс вазаси»нинг шухратидан камроқ бўлди. 1833 йилда «Триктрак ҳиёни» «Мозаика»га киритилди. Рус тилида биринчи марта Николай Греч нашр этган «Ҳикоячи ёхуд ажнабий муаллифларнинг танланган қиссалари» номли беш томлик китобнинг иккинчи қисмида босилган. (Санкт-Петербург, 1832.)

249-бет. *Триктрак* — Францияда қадимдан расм бўлган шашка ҳиёни. Унда доналар охиқ ташлаб йиғилган очколарга қараб сурилади.

*...Эссинг ёнидаги машъум кўприк...*— Бу кўприк Лобау оролини Дунайнинг чап соҳили билан туташтирган. Шу кўприк француз қўшинларига дарёдан тез ўтиб, Эссинг ёнида Австрия қўшинларини тор-мор қилиш имконини берган (1809 йил, май).

*«Конститусьонель»*— Реставрация даврида либерал оппозициянинг асосий органи.

*...Кадисдаги понтондан қочди...*—1808 йилда испан шаҳари Бейледа таслим бўлишга мажбур бўлган француз қўшинларининг Кадис қўлигида понтон кемаларда сақлашган.

251-бет. *...Сўнги жангда*—1813—1814 йиллардаги ҳарбий сафарлар назарда тутиляпти. Бу сафарлар Наполеон биринчи марта тахтдан воз кечиб, Эльба оролига сургун қилинмасдан олдин унинг сўнгги сафари бўлган эди.

257-бет. *Мингер* (голландча) — жаноб.

261-бет. *Жан Барт (1651—1702)*—француз депгизчиси оддий балиқчининг ўғли. Ешлигида қароқчилик қилган. Кейин капитанлик даражасига етган ва эскадрага қўмондонлик қилган. Ҳатто шу мансабида ҳам у оддий боцманнинг қилиқлари ва гапларини сақлаб қолган.

263-бет. *...Портсмут понтонлари...*— Англияда порт шаҳари Портсмутдаги ҳарбий асирлар учун турма бўлган понтон — кемалар.



Мерименинг бу қиссасидан унча катта бўлмаган парча 1833 йилнинг августида «Ревю де Пари» да босилган (VI—IX боблар), сентябрда повесть алоҳида китоб ҳолида нашр этилди (пошири — П. Фурнье). Орадан кўп ўтмай уни бельгиялик босмахона эгаси Луи Оман қайта босди. «Қўш хато» нинг асосида ёзувчининг шаксий кузатишлари ва кечинмалари ётади. Танқид бу асарни соvuқ қарши олди. Ипполит Фортуль ўзининг «Ҳозирги давр санъати ҳақида» деган катта мақоласида («Ревю энциклопедик», 1833 йил, июль-сентябрь) Мериме ижодини, асосан, мақтаб таҳлил қилгани ва Виктор Гюго «фақат нарсаларни тасвирлайди», Мериме эса «инсон характери кўрсатади», деб, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйгани ҳолда, «Қўш хато» ни жуда кескин танқид қилади. Унинг фикрича, бу қиссанинг воқеалари гоят сунъий, уйдирма, унда воқелик бузиб кўрсатилган. Ўзининг асардаги асосий фикрини аниқроқ ифодалаш учун Мериме 1842 йилда уни қайта нашр қилар экан, охирига бир жумла қўшади. («Бир-бирини тушунмаган бу икки қалб бир-бирлари учун яратилган бўлсалар ажаб эмас».) Кейинчалик ёзган айрим мактубларида Мериме ўзининг муваффақиятсизлигини тан олган (масалан, 1857 йил 3 августда де Ла Рошжанлен хонимга мактубида ёзади: «Бу асар фақат пул топиш мақсадида қилган хатоларимдан биридир», ёхуд 1864 йилнинг апрелида малика Юлияга ёзган хатида шундай дейлади: «Бир вақтлар мен шунга ўхшаш сюжетни ишламоқчи бўлган эдим, лекин муваффақиятсизликка учрадим, чунки аёл қалбини сира ҳам билмайман»). Лекин шунга қарамай, бу асари ёзувчи учун ардоқли бўлган бўлса керак. У ҳаётлигида «Қўш хато» ни саккиз марта нашр қилдирди.

Россияда Мерименинг бу повести 1847 йилда «Современник» да босилди (6); 1859 йилда у алоҳида китоб тарзида нашр этилди.

*266-бет. Эпиграф* — испан халқ қўшиғидан.

*267-бет... Фрозина каби...* — Фрозина — Мольернинг «Гартюф» комедиясидаги қўшмачи. У ўғлининг маҳбубаси ёшгина қиз Марианнани кекса Гарпагонга олиб беришга ҳаракат қилади. II парда, 6-саҳнада, Фрозина «истаган одамни истаган одамга уйлантириш қўлимдан келади, ҳатто бир-бирига ашаддий душман бўлмиш Венеция республикаси билан турк султонини ҳам қовуштириб қўёламан», деб мақтанади.

*271-бет... Квентин Дорвард...* — Вальтер Скоттнинг бу романи 1823 йилда нашр этилган бўлиб, орадан кўп ўтмай, француз тилига таржима қилинган.

272-бет. «Форс мактублари» — француз маърифатпарвар ёзувчиси Шарль де Монтескьенинг (1689—1755) фалсафий романи. 1721-йилда нашр этилган.

273-бет... *жўтқиров* — ветеринарияда чарчаш оқибатида нафаснинг сиқилишига айтилади.

*Кнастер* — тамакининг ўткир навларидан бири.

275-бет. «Лиллибулери» — Лоренс Стернинг (1713—1768) «Хазрат Тристрам Шендининг ҳаёти ва қарашлари» (1759—1767) романидаги асосий қаҳрамонлардан бири Тоби амакининг севимли кўшиғи.

278-бет. «Сиз яхшиси менинг хотинимга кўз ташланг». — Бу сўзлар Шекспирнинг «Гамлет»ида йўқ.

«Maometto» — «Муҳаммад II», Россиянинг операси. 1820 йилда яратилган.

282-бет. *Погье* Шарль (1775—1838) — 20 ва 30-йилларда машҳур бўлган парижлик артист. У «Варьете» театри сахнасида комик ролларни ижро этган.

289-бет. *Р. Р. С.* — хушмуомалаликнинг қисқарган шакли (Rough and ready song); одатда, хайрлашув чоғида бу уч ҳарф ташрифномага ёзиб қўйиларди.

291-бет... *Садоқатли Аҳат*... — Вергилийнинг «Энеида» поэмасининг қаҳрамони. Энеянинг дўсти ва ҳамроҳи.

...*драматик мақоллар кечаси*... — Драматик жанрнинг ўзига хос асарлари — бирор ибратли ибора ёхуд мақолнинг маъносини очиб берувчи кичкина пьесалар мақол деб аталар эди. «Мақоллар» ҳаваскор актёрларнинг эрмаги сифатида пайдо бўлиб, XIX асрда катта сахнага ҳам чиқади. «Мақоллар»нинг энг талантли авторп Альфред де Мюссе бўлган эди.

292-бет. *Калидор* (юнончада «оби чирой» дегани) — ўша йилларда кенг тарғиб қилинган сохта дори. Гўё у сочи ўстирармиш.

*Карамания* — Марказий Туркиядаги вилоят.

293-бет. «*Кифир*» — Байроннинг «шарқий» поэмаларидан бири. 1813 йилда ёзилган. Поэмада Лайли деган кавказ вафосизлиги учун қоядан денгизга ташлангани ҳикоя қилинади.

294-бет. «*Сагира*» — «сотир», аниқроғи «сотер» қадимги юнон сўзи.

297-бет... *Султон Маҳмуд*... — гап 1809 йилда тахтга чиққан турк султони Маҳмуд II (1785—1839) ҳақида кетяпти. У яшичарларни шафқатсиз қиргани билан машҳур.

298-бет. *Мамамуши* — гўё турклардаги унвон эмиш. Мольернинг «Дворянлик қилувчи мешчан» комедиясининг қаҳрамони жаноб Журден ўзини шу унвон эгаси деб атайди.

*Франклар* — Ўрта ер денгизи атрофидаги мусулмон халқлари европаликларнинг ҳаммасини шу ном билан атайди.

*Ларнак* — Қибриз оролидаги шаҳар.

*301-бет...* «*Нима жин уриб, сиз бугун расм ишлагани бордигиз?*»— Мольернинг «Скапеннинг ҳийлалари» комедиясидаги машҳур саҳнадан хотира. Бу саҳнада муғамбир Скапен турклар зиндонида Жеронтнинг ўгли бошига тушган кулфатлар тўғрисида гапирди. Унинг ҳар жумласига жавобан эса, Жеронт, «нима жин уриб, у ўша зиндонга борди-я!» деб хитоб қилиб туради (II парда, 7-саҳна).

*302-бет.* «*Монитор*»— Париждаги кундалик газета. 1789 йилдан чиққан. 1799—1869 йилларда ҳукуматнинг расмий органи бўлган.

*303-бет.* *Мингрелия* — Грузия жанубидаги вилоят. Мингрелия қизлари ўзларининг ҳусни билан донг чиқаришганди. Шунинг учун ҳам улар турк ҳарамига тез-тез тушиб турган.

*306-бет.* *Каррик* — учта кенг ёпинчиқли шинель. Уни инглиз актёри Гаррик расм қилган. Шинелнинг номи актёр исмидан бузиб олинган.

«*Сен Цезарь ва унинг бахтини олиб кетясан...*»— яъни, Цезарь, кемада экан, кеманинг омади юришаверади, дейилмоқчи. Бу иборани Плутарх «Цезарининг ҳаёти» китобида келтиради.

*308-бет.* *Виргиния* — француз ёзувчиси Бернарден де Сен-Пьернинг (1787—1814) «Павел ва Виргиния» (1787) номли чўпонлар ҳаётини тасвирловчи романининг қаҳрамони.

*311-бет.* *Чучук сув водийси* — Константинополь агрофидаги хушмаъзара жой. Шаҳар аҳолисининг севимли сайроғи.

*Муқаддас София* — Константинополда византия архитектурасининг ажойиб ёдгорлиги. VI асрнинг биринчи ярмида қурилган. XV асрда турклар уни масжидга айлантирган.

*Геро* — Антик мифологиянинг қаҳрамонларидан бири, Геллеспонт (Дарданелл) бўғозининг нариги соҳилида яшаган Леандр деган йигитнинг маъшуқаси. Ҳар куни кечаси ёри бўғоздан сузиб ўтиши учун Геро ўт ёқиб, сигнал бераркан. Бўронли тушлардан бирида Геронинг олови ўчиб қолади ва Леандр тўлқинида ҳалок бўлади. Эрталаб унинг жасадини кўриб, Геро минора устидан ўзини денгизга ташлайди.

*313-бет.* *Янсенист* — католик черковидаги оппозицион оқимлардан бирининг тарафдори. Бу оқим XVII асрда Францияда вужудга келган. «Янсенист» сўзи теология олими Корнелий Янсений (1585—1638) номи билан боғлиқ. Янсенистлар ахлоқ масалаларида жуда қаттиқликлари билан ажралиб туришарди.

*326-бет...* «*Мизантроп*»даги *каби аҳволга тушиб қолиш...*— Мольернинг «Мизантроп» комедиясидаги бир саҳнага ишора (V парда, 2-саҳна) Селменага уйланиш истагида юрган икки даъвогар — Альцест билан Оронт — қиздан улардан бирини танлашни талаб қилишади.

Бу новелла 1837 йил 15-майда «Ревю де дё Монд»да босилган; 1841 йилда «Ҳалб арофати» ҳикояси ва «Коломбо» қиссаси билан бирга алоҳида китоб ҳолида нашр этилган.

1834 йилда Франциянинг жануби бўйлаб қилинган сафар ва хусусан, Русильонга саёҳат (ноябрь ойининг ўртасида) ёзувчига «Илль Венераси» ҳикоясидаги муҳитни аниқ тасаввур қилишга ёрдам берган. Мериме чет вилоятдаги ишқибоз археологлар билан ҳам танишади. Масалан, Жюбер де Пасс (1784—1855) билан танишади. Ҳикояда унга ишора ҳам бор («Дўстим жаноб де П.»). Бу танишишлар ёзувчига жаноб де Пейрорад образини яратиб имкони бериб берган. Ҳикоя босилиб чиққанидан сўнг, чет вилоятлардаги газеталардан бири Илльда бронза ҳайкал тошигани тўғрисида ахборот эълон қилади, бироқ Мериме дўсти Элуа Жоаннога ёзган мактубида (1847 йил 11 ноябрь) айтишича, «Илль Венерасининг ҳайкали аслида йўқ нарса, ундаги ёзувларни Муратори ва Орелли ёрдамида ўзим тўқиганман. Фреерда ўрта аср афсоналаридан бирини ўқиганимдан кейин шу ҳикояни ёзishга жазм қилдим. Ундан ташқари, баъзи бир тафсилотларни одамларни калтакловчи ҳайкал ҳақида ҳикоя қилган Лукиандан олганман». Россияда «Илль Венераси» ҳикояси француз журналинда босилиб чиқиши ҳамон таржима қилинган эди — уни «Ҳироат кутубхонаси» эълон қилган (1837 йил т. 24, 10-сон).

*330-бет.* Ҳикоя эпитафи қадимги юнон ҳажвиётчи ёзувчиси Лукиан Салосатскийнинг (125—180) «Алдоқчилик шайдоси ёхуд Невер» асарининг 17-бобидан олинган. Бу диалогда Коринф саркардаси Пелих ҳақида ҳикоя қилинади. Унинг бир ҳайкали бўлган экан. Эмишкни, бу ҳайкал хасталарни даволаш қудратига эга бўлган. Кечалари у ўз ўрнидан туриб, боғни кезиб юраркан. У туфайли шифо топган одамлар ҳайкалга совғага танга пуллар олиб келишар экан. Отбоқарлардан бири бу пулларни ўғирламоқчи бўлганида, ҳайкал уни шафқатсизлик билан жазолайди.

*Канигу* — Шарқий Пиреней департаментида 2786 метр баландликдаги тоғ.

*331-бет. Серабона* — Русильонда қишлоқ. Маҳаллий черковдаги нақшларни Мериме «Франция жануби бўйлаб саёҳат ҳақида қайdlар» асарида тасвирлаган.

*332-бет. Улуғ Карл замонасида...* — франклар қироли Улуғ Карл (742—814) 800-йилда император деб эълон қилинган.

*333-бет. Русильон* — марказий шаҳари Перпиньян бўлмиш қадимий француз вилояти. Дастлаб мустақил графлик бўлган, қироллик составига узил-кесил 1659-йилда ўтган.

*334-бет. Терм* — қадимги рим худоси, чегаралар ва далалардаги чекларнинг ҳомийси; одам бошли устун тарзида тасвирланган.

...*Финикия*...— Финикия — Урта ер денгизининг шарқий соҳи-  
лидаги қадимий мамлакат; Ливан тоғлари ёнбағирларида жой-  
лашган. Мелоддан аввалги уч мингинчи йилдан бошлаб маълум  
бўлган Финикия Урта ер денгизидаги оролларда ва денгизнинг  
ғарбий соҳилида кўп совли савдо колонияларига эга бўл-  
ган.

...*Кельт*...— Марказий Европада Рейн, Майн ва Дунай дарёла-  
ри орасида яшаган кельтлар бу жойлардан мелоддан аввалги IX  
асрда герман қабилалари томонидан сиқиб чиқарилган эдилар.  
Шундан кейин улар бўлгуси Франция ва Англия территорияси-  
га жойлашиб олишган. Мелоддан аввалги VI асрда улар Перекей-  
гача етиб боришган. Улар истиқомат қилган жойларнинг қолдиқ-  
лари Испанияда ҳам, Италиянинг шимолида ҳам учраб ту-  
ради.

*336-бет. Кусту* — машҳур уч француз ҳайкалтарошининг фа-  
милияси: Никола (1658—1733), унинг укаси Гийом (1677—1746)  
ва Гийомнинг ўғли Гийом (1716—1777). Бу ўринда гап, афтидан,  
Никола Кусту ҳақида кетаётганга ўхшайди.

*Мирон* — юнон ҳайкалтароши (мелоддан аввалги V асрда яша-  
ган).

...*Венерадан озор чеккан тентак*...— Сўз ўйини: француз ти-  
лида «тентак» сўзи қадимги рим шоири Публий Вергилий Марон-  
нинг (мелоддан аввалги 70—19 й). номларидан бири каби талаф-  
фуз этилади. Лотинча парча унинг «Энеида» достонидан олинган  
(IV-қисм, 33-байт).

*339-бет. Мурр* — қадимий халқ ўйини. Қадимги Рим давридаёқ  
машҳур бўлган. Ўйин қуйидагича содир бўлади: иккита ўйновчи  
бир вақтнинг ўзида бир неча бармоғини кўрсатади ва айни чоқ-  
да бирон соғни айтади. Ўзи ва шериги кўрсатган бармоқлар со-  
нига тўғри келувчи рақамни айтган одам ютган ҳисобланади.  
«Мурр ўйинчиси» ҳайкали Луврда. Уни қадимги юнон ҳайкалтаро-  
ши Клеомен (мелоддан аввалги I аср) ишлаган деб тахмин қи-  
лишади.

*Германик* (мелоддан аввалги 15-йил — мелодий 19-йил) — қа-  
димги рим саркардаси. Герман қабилалари устидан қозонган ға-  
лабалари учун Германик деб ном олган.

*340-бет. «Ўлжасига бир ўй билан суянган Венера»*...—  
Расининг «Федра» трагедиясидан олинган мисра (I-парда,  
3-саҳна).

*341-бет. Вулқон* — қадимги рим мифологиясида олов худоси.  
Баъзи афсоналарга кўра, Венеранинг эри бўлган.

*343-бет. Тур* — Финикиядаги энг йирик портлардан ва шаҳар-  
лардан бири. Тирликлар Шимолий Испания ва Францияда, жум-  
ладан, Русильонда бир қанча савдо колониялари барпо этишган.

*Ваал* — семитларнинг олий худоси.

*Тетрик* — Рим томонидан тайинланган Аквитания (жапубий-гарбий Франция) префекти. Мелодий 268-йилда ҳокимиятни босиб олади ва ўзини Галлиянинг императори деб эълон қилади. У 273 йилгача ҳокимият бошида туришга муваффақ бўлган.

*344-бет. Грутер Ян* (1560—1627) — голланд филологи, қадимги дунё филологияси бўйича мутахассис. Қадимги рим ёзувлари ҳақидаги капитал асарнинг муаллифи.

*Орелли Иоганн* — Каспар (1787—1849) — швейцар филологи, Гораций, Цицерон ва Тацитлар асарларига шарҳлар ёзиб нашр эттирган. Шунингдек қадимги латин ёзувлари мажмуасини эълон қилган.

*345-бет. Диомед* — қадимги юнон мифологияси қаҳрамонларидан бири. Гомернинг «Илиада»сида Троя уруши вақтида жангга берилиб кетган Диомед Афродитани ярадор қилиб қўйгани ҳақида ҳикоя қилинади. Бундан дарғазаб бўлган плоҳа узоқ вақтгача унинг ватапига қайтишига тўсқинлик қилади. Овидийнинг «Метаморфозалар»ида Венера (Афродита) Диомеднинг ҳамроҳларини қандай қилиб оққушларга айлантириб қўйгани ҳақида ҳикоя қилинган.

*347-бет... нечун тўйни жума кунига тайин қилдингиз?..* — Инжил ривоятларига кўра, Исо пайғамбар жума кунини хочга тортилган, шунинг учун христианлар жума кунини оғир кун деб ҳисоблашади.

*...Жума.* — Венеранинг кунини... — жума сўзи латинча *Veneris dies*дан, яъни «Венера кунини»дан олинган. Француз тилида жумани *Vendredi* дейилади. Латинча цитата — Вергилийнинг «Энеида»сидан (VI-қисм, 883-байт).

*...конституция номингагина конституция...* — Луи-Филипп томонидан тузилган «1830 йил хартиясини»га биноан, католицизм давлат дини деб эмас, балки «кўпчилик французларнинг» дини деб эълон қилинганди. Шу билан диний эътиқодлар эркинлиги тасдиқланган эди.

*348-бет... Диррахия ёнида қўшинини тўплаган Цезардек...* — Мелоддан аввалги 48-йилда Помпей билан уруш вақтида Цезарнинг қўшини Диррахия ёнида (ҳозирги Албания территориясида) деярли тор-мор қилинган эди. Аммо Цезарь легионларнинг қолдиқларини тўплашга муваффақ бўлади ва солдатларнинг руҳини кўтариб, Фарсал яқинида галаба қозонади.

*351-бет. Сабиянкаларнинг ўғирланиши* — қадимги Римнинг асосанвий тарихидан бир лавҳа: бир замонлар Римда фақат эркаклар истиқомат қилган экан. Қўшни сабияни қабиласи ўз аёлларининг римликларга тегишига розилик беришмаган. Шунда римликлар шаҳарда дабдабали зиёфат чоғида тўсатдан қуролсиз меҳмонларга ҳужум қилишади ва энг чиройли сабияни аёлларини ўғирлаб кетишади.

354-бет. *Кольюр шароби* — Перпиньяндан жануброқда, Шаркий Пиреней департаментидаги Кольюр шаҳарчасида тайёрланган шароб.

353-бет... *Айтишларича, Монтењь...* — Мериме француз ёзувчиси ва философи Мишель де Монтењинг (1533—1592) «Тажрибалар» асаридаги ҳаёсизроқ ўринлардан бирини назарда тутмоқда.

*Де Севинье хоним* — Мария де Рабютен-Шанталь де Севинье (1626—1696) — француз ёзувчиси. Унинг кўп сонли мактублари француз прозасида жиддий воқеа бўлган.

354-бет. *Минотавр* — мифга биноан, боши буқаники, танаси одамникига ўхшаш махлуқ. Ҳар йили Афинадаги энг чиройли йигит ва қизлардан унга ўлпон юбориб турилар экан. Минотавр уларни еб, тирикчилик қиларкан.

355-бет. *Друид ёдгорликлари* — Галлия ва Британияда яшаган қадимги кельтлар ўз роҳибларини друидлар деб аташган. Друид маданияти Франция тарихининг афсонавий даврига тўғри келади.

#### АРСЕНА ГИЙО

Бу ҳикоя «Ревю де дё Монд»да 1844 йил 15 мартда босилган. 1846 йилда бу ҳикоя «Кармен» ва «Аббат Обен» билан бирга алоҳида китоб тарзида нашр этилган, 1852 йилда эса кенгайтирилган тарзда қайта босилган (унга Пушкиндан қилинган таржималар ва Гоголь ҳақида мақола ҳам киритилган). Мериме анча вақтгача «Арсена Гийо»ни эълон қилишга журъат этмай юрган — у ҳақли равишда асардаги кескин антиклерикал руҳ жамоатчилик ўртасида норозилик туғдиришидан хавфланган. Асарнинг ҳажвий йўналишини ниқоблаш мақсадида Мериме воқеаларни Карл X (1824—1830) даврига кўчиради, лекин, бари бир жамоатчилик ўртасида норозилик туғилади. Худди шу пайтларда Мериме Француз Академиясига ўз номзодини қўйган эди. Табиийки, бундай шароитда жанжал ножоиз эди. Ҳикоя журналда Академия сайловлари ўтган куннинг эртасига босилиб чиқади. Мериме дўстларидан бирига шундай ёзади: «Айтишларича, мен яқиндагина «Ревю де дё Монд»да Арсена Гийо деган ном билан пайдо бўлган қизим орқали жуда катта жанжалга сабаб бўлибман. Унинг пайдо бўлиши туфайли менинг атеистлигим, кофирлигим, ёвузлигим ва ҳоказолар маълум бўлди. Шувиси ажабланарлики, шу пайтгача мени бирон шубҳали ишратхонада ушлаб, қамаганлари йўқ». Танқидчилар ва тақризчилар ёзувчига оқсуяк мунофиқларчалик шафқатсиз муомала қилишмади, бироқ матбуотда ҳикоя ҳақида жуда кам мақола босилди.

Россияда «Арсена Гийо» «Литературная газета»да 1845 йил

17 июлда (27-сон) босилган. 1884 йилда «Рус ведомостлари»да А. Н. Пешчевнинг таржимасида пайдо бўлди.

*361-бет.* Ҳикоянинг эпиграфи — жони узилаётган Гекторнинг Ахиллга қарата айтган гапидир («Илиада», XXII қисм, 359—360-мисралар).

*У замонларда...*— жанжалдан хавфланиб, Мериме бу ҳикояда бир неча ўринда воқеа Карл X салтанатида содир бўлганини таъкидлайди. Унинг салтанати даврида реакция ва черков зулми кучайган.

*Дофиннинг рафиқаси* — яъни валиаҳд герцог Ангулемскийнинг (Карл Хнинг катта ўғли) хотини. Бу аёл ападий католиклиги билан машҳур бўлган.

*363-бет. Беванинг икки улуши...* Исонинг ивжилдаги гапига ишора:—«...бу шўрлик бева хазинага ҳисса қўшганларнинг ҳаммасидан ортиқроқ қўшди. Чунки улар бадавлатлигидан қўшди, бу аёл қашшоқлигидан бор-йўқ нарсасининг ҳаммасини қўшди». (16 июнь, XII, 41—44).

*366-бет...* Уни бир вақтлар балетда ишлаган дейишади...— 30-йилларнинг бошида Мериме ва унинг дўстлари Париж операсининг корде балетидagi артист қизлар билан тез-тез учрашиб туришган. Улардан бирининг қайғули тарихини ёзувчи яқин оналаридан бири Женни Дакенга ёзган мактубида айтиб берган (1832 йил июль ойининг охири): «Мен сизга опера артистлари турмушидан бир воқеани айтиб бермоқчиман. Мен бу воқеани улар билан улфатчилик қилиб юрганимда эшитгандим. Сент-Оноре кўчасидаги уйлардан бирида бир шўрлик аёл истиқомат қилган. У ойига уч франк тўлаб, шундоққина чордоқдаги харобгина бир хонада яшаган. У хонасидан ташқарига чиқмас эди. Унинг ўн икки яшар қизи бўлиб, у ҳаммаша озода кийиниб юрган ва жуда одобли бўлган. Қизча ҳеч ким билан гаплашмас эди. У ҳафтада уч марта пешиндан кейин кўчага чиқиб кетар ва ярим кечага яқин ёлғиз қайтиб келарди. У операда рақсларда қатнашар экан. Бир куни у қоровулнинг олдига тушиб, ундан шам сўрайди. Қоровул унга шам беради. Қоровулнинг хотини қизча анча вақт пастга тушмай қўйганидан хавотирланиб, унинг олдига чордоққа чиқади. У ерда фақирона тўшак устида қизчанинг онаси ўлиб ётган, қизча эса катта чамадон тўла мактубларни ерга ағдариб ёқаётган бўлади. «Онам бугун кечаси қазо қилди,— дейди қизча,— ўлимидан олдин у мендан мана шу мактубларнинг ҳаммасини ўқимай, ёқиб юборишимни илтимос қилди». Бу гўдак шу тарзда онасининг ҳақиқий номидан беҳабар қолди. Энди у якка-ю ёлғиз қолган эди. У операда қузғунлар, маймунлар ва ажиналарни тасвирлаш йўли билангина тирикчилик қилиши мумкин».

*367-бет. Тетанос* — қоқшол.

*...упаси тўкилиб, ажойиб батист жабоси эзилиб қолганди...*—



Доктор К. ни тўрлик жабо қийишга ва сочига уша септиришга мажбур қилиб, Мериме уни эски, революциядан аввалги урф-одатларнинг тарафдори қилиб кўрсатмоқчи.

368-бет. «Мен уни эшитиб кўрганам йўқ»... 20-йилларнинг бошида доктор Рене Лазнеком (1781—1826) томонидан таклиф қилинган хасталарни эшитиб кўриш методи; у пайтларда жиддий мунозарарага сабаб бўлган.

369-бет. Харон — мифга кўра ўлганларнинг руҳини Стикс дарёси орқали у дунёга олиб ўтадиган қайиқчи.

369-бет... Бўйнида бир шиш борки, у қаттиқ ҳаяжоннинг белгиси. XIX асрнинг биринчи ярмида френология деган сохта илм анча машҳур бўлган. Унинг асосчиларидан бири немис олими Франц Иосиф Галль (1758—1828) эди. Унинг таълимотига кўра, бош суягининг тузилишига қараб, одамнинг характери ва темпераментини аниқлаш мумкин.

370-бет. «Журналь де Деба» — Парижда чиқадиغان кундалик газета. Мўътадил либерал йўналишга эга бўлган. 1789 йилдан чиқа бошлаган.

Лагук шарбати — ўша пайтларда тарқалган тинчлантирувчи маъжун.

376-бет. «Нега энди форс бўлиш керак» — Шарль де Монтескьеннинг «Форс мактублари» номли фалсафий романидан олинган ибора (XXX-мактуб).

Амио Жак (1513—1593) — француз гуманисти ва таржимони. Унинг асосий хизмати Плутархнинг «Ҳаётлар тасвири»нинг таржимаси.

377-бет... Лекин, жуда ажойиб одам эди... Француз шоиря Клеман Маронинг (1495—1544) «Франциск I га мактуб» асаридан олинган машҳур ибора. Бу мактубда Маро бир гасконликнинг ярамас сифатларини санаб туриб, кутилмаганда гапни юқоридаги ибора билан тугаллайди.

378-бет. «Жимназ» — Парижда 1820 йилда таъсис этилган драматик театр. Унинг саҳнасида водевиллар ва енгил комедиялар қўйилган.

...«Конрарнинг оқилона сукутига...» — Буалонинг биринчи «Мактуби»дан олинган ибора. Валантен Конрар (1603—1675) — француз ёзувчиси, француз Академиясининг асосчиларидан бири, у ўз асарларидан биронтасини ҳам эълон қилган эмас.

381-бет. Нибби Антонио (1792—1839) — таниқли итальян археолог. 1829—1837 йилларда у Рим форумидаги қазини ишларига раҳбарлик қилган.

...Бурни Ливан минорасидай... — Бу ўринда Мериме Соломоннинг Суламифга мурожаатини кинояли маънода қўллаган («Қўшиқлар қўшиғи», VII, 5).

382-бет... Бир жойда Отелло айтади-ку... — Шундан кейин Макс

томонидан келтирилган сўзларни Отелло эмас, Дездемонанинг отаси Брабанцио айтади (1-парда, 3-саҳна). Отеллонинг ўзи эса бир жойда ўзининг қоралигини ва чиройли сўзлаёлмаслигини айтади (III парда, 3-саҳна).

*390-бет... Минтури ботқоғида Марий: «Мен кимврларни енгдим!» дея ўзига-ўзи далда берган экан.* Гап Рим саркардаси Гай Марий (мелоддан аввалги 156—86 йиллар) ҳақида кетяпти. У мелоддан аввалги 102-йилда Верцеллар яқинидаги жангда герман қабиласи кимврларни тор-мор келтирган. Рақибн Люций Корнелий Сулла (мелоддан аввалги 138—78 йиллар) томонидан Римдан қувилгандан сўнг Марий бир қанча вақт Минтури ботқоқларида яшириниб юради.

*398-бет. Аргус — қадимги юнон мифологиясида — юз кўзли паҳлавон.* У ухлаганда элликта кўзи очиқ турар экан.

*401-бет... магнетик флюид ҳақида...*— Реставрация даврида гипноз сеанслари кенг тарқалганди (бу сеанслар «магнетиъм» деб ҳам аталган); у пайтларда одам аллақандай «магнетик флюидлар» чиқаради, буни бошқа одам қабул қилиши мумкин деб ҳисобланган.

*Де Риньи Анри (1782—1835)*— француз адмирали. Франциянинг Ўрта Ер денгизидаги флотига қўмондонлик қилган. Унинг қўмондонлиги остидаги француз эскадраси Наварин ёнидаги жангда (1827) иштирок этган. Бу жангда англо-француз-рус қўшма флоти турк-миср флотини мағлубиятга учратган.

*Филэллин* — юнонларнинг дўсти.

*402-бет. «Хуршид пошо»*— турк саркардаси; юнон-турк уруши вақтида бениҳоят шафқатсизлиги билан ном чиқарган.

*...лорд Байронни ўқирди.*— Келтирилган юнонча ибора Байроннинг «Афиналик қизча» шеърисида (1810) ҳар банддан сўнг нақорат тарзида такрорланади.

*404-бет. Румелия* — Туркиянинг Босфор ва Дарданеллнинг Европа соҳилида жойлашган қисми шундай аталган.

*406-бет. Фуа Максимилиан-Себастьян (1775—1825)*— француз генерали ва либерал йўналишдаги сиёсий арбоби. Уни кўмиш маросими реакцион Бурбонлар тузумига душман бўлган республикачиларнинг кўп минг кишилик намоёнлигига айланиб кетган. Бу намоёнлишда Мериме актив иштирок этган. Ҳайкалтарош Давид д'Анже ишлаган генерал Фуа ҳайкалининг тоқчасида Мерименинг ҳам тасвири бор.

Бу ҳикоя «Конститюсьпель» газетасида 1846 йилнинг 24-февралда автор номини кўрсатмасдан босилган. 28-февралда Мериме де Мовтихо хонимга ёзади: «Сизга кичкина бир саргузаштни юборяпман. Уни мен куни кеча имзосиз эълон қилдим. Нега десангиз, мен қюри ҳақида огиз очишим биланоқ, қари мунофиқлар динга қаршилигим ҳақида чуввос солишади. Ҳамма саргузаштлар — чинакам ҳақиқат, мен иштирокчиларнинг номини ҳам айтишим мумкин». Шу йилнинг ўзида «Аббат Обен», «Кармен» ва «Арсена Гийо» билан бирга алоҳида китобга киради. Бу китоб кенгайтирилган ҳолда 1852 йилда қайта нашр этилади. Россияда бу ҳикоя «Қироат кутубхонаси»да босилган (1846-йил, т. 75).

408-бет. *Филаминта* — Мольернинг «Олима аёллар» комедиясининг қаҳрамони (1672).

409-бет. «*Мопра*» — Жорж Санднинг 1836 йилда босилган романи.

...«*Кофир*»даги қароқчилар қўшиғи... қароқчилар қўшиғи «*Кофир*»да эмас, балки Байроннинг «*Қароқчи*» поэмасида бор.

410-бет. «*Жослен*» — Альфоне де Ламартиннинг (1790—1869) 1836 йилда нашр этилган поэмаси. Унда қишлоқдаги ёш руҳоний қалбидаги кураш ҳақида ҳикоя қилинади. У муҳаббат билан диний бурчдан бирини таплаши керак. Поэмада охир-оқибатда дин галаба қозонади.

411-бет... «*Плутархнинг эсчи китоби саҳифаларига...*» Мольернинг «Олима аёллар» комедиясидан цитата (II парда, 7-саҳна). Комедия қаҳрамони Криваль Плутархнинг қалин китобини тилга олиб, «ичига тўр ёқа солиб қўйишдан бошқа нарсага ярамайди». дейди.

418-бет. «*Куси, сен хурсандмисан?*» — Вольтернинг «Аделаида Дюгесклен» трагедиясидан олинган мисра (V парда, 6-саҳна).

419-бет. *O Meliboee...* — Вергилийнинг «Буколика»сидан олинган цитата. (1 эклога, 6-байт).

*Horresco referens* — Вергилийнинг «Энеида»сидан, цитата (II қисм, 204-байт).

*Жаноб де Ремюзнинг «Абеляр»и.* — Бу ўринда гап Шарль де Ремюзнинг икки томлик «Абеляр, унинг ҳаёти, унинг фалсафаси ва унинг теологияси» деган асари ҳақида кетяпти (1845). Бу асарда ўрта аср француз философи, теологи ва ёзувчиси Петр Абеляр (1079—1142) ҳақида, унинг Элоизага муҳаббати тўғрисида ҳикоя қилинади.

420-бет. *Фома Кентерберийский* — Фома Бекет (1117—1170) инглиз сиёсий ва черков арбоби, Кентерберий епископи, Англия канцлери. Генрих II унга чексиз даражада ишонарди, бироқ икковлари ўртасида низо чиққандан сўнг қиролнинг буйруғи билан ўлдирилган. Авлиёлар қаторида савалади.

## ҲАВОРАНГ ХОНА

Бу ҳикоя 1866 йилнинг сентябрида ёзилган. Мерименинг ай-тишича, ҳикоя мутлақо кутилмаган тарзда вужудга келган, оқшом «ҳаддан зиёд қуюқ чой» ичганидан туни билан ухломмай, шунинг оқибатида ҳикояни ёзган. Биаррицеда императрицанинг қасрида Мериме ҳикояни қаср бекаси ва унинг меҳмонларига ўқиб беради. Гарчи эшитганларга ҳикоя жуда манзур бўлган бўлса-да, Мериме уни бостиришдан қатъий бош тортади. Мериме бу ҳикояни жуда бўш деб ҳисоблаган. Бу ҳикоя Мерименинг вафотидан кейингина эълон қилинди. Дастлаб, «Ҳаворанг хона»ни «Император хонадонининг шахсий қоғозлари ва мактублари» тўпламида эълон қилишмоқчи бўлишади, бироқ бу тўпلامнинг босилиши кечиккани туфайли, Мериме қўлёзмасини эълон қилиш учун Брюсселга жўнатишади. 1871 йил 6-7 сентябрда Бельгия газетаси «Эндепанданс бельж»да босилган «Ҳаворанг хона» жиддий сиёсий жанжалга сабаб бўлади. Асарнинг адабий фазилатлари ҳақида эмас, балки Империянинг сенатори ва бонапартист бўлатуриб, Мериме шундай «беҳаё» асар ёзиши мумкинми ва уни императрица Евгенияга бағишлармиди, деб баҳс қилишади. (Авторнинг қўлёзмаси шундай сўзлар билан тугайди: «Императрица ҳазрати олияларининг латофатидан ақли шошган Проспер Мериме томонидан тўқилган ва ёзилган».) Республикачилар матбуоти ҳикоянинг Мериме қаламига мансублигига сира ҳам шубҳа қилган эмас. (12 сентябрда Париж газетаси «Либерта», «Ҳаворанг хона»ни ўз саҳифаларида босиб чиқаради). Бонапартистлар матбуоти ҳикоянинг Мерименики эканини оғиз кўпиртириб инкор қилди. Жумладан, «Авенир либераль» газетаси шундай ёзган эди: «Йўқ, «Коломба»нинг авторси сенатор, академик «Ҳаворанг хона»ни ёзган эмас. Йўқ, императрица ҳеч қачон бунақа тарздаги адабиётни ўқиган эмас». Аммо кўп сонли авторлик шаҳодатлари «Ҳаворанг хона»нинг Мериме қаламига мансублигига заррача шубҳа қолдирмади. 1873 йилда «Ҳаворанг хона» Мерименинг «Сўнгги ҳикоялар» тўпламига кирди. Россияда бу асарнинг таржимаси 1871 йил сентябрида «Иллюстрацияли газета»да пайдо бўлди (35, 36-сонлар).

421-бет. *Де Ларюн хоним* — Мериме дўстларига мактубларида императрица Евгенияни шундай деб атарди. Бу лақабнинг келиб чиқиши қуйидагича: Ларюн Пиреней этакларидаги чоғроқ бир тоғнинг номи. У Сен-Жанде Люс деган истироҳатгоҳ жойнинг яқинида жойлашган. Мериме Биаррицадаги император қасрига тез-тез меҳмонга бориб турган. Қаср аҳли бот-бот шу тоққа сайрга борган.

425-бет. *Пирам ва Фисба* — ёш ошиқ-маъшуқлар, қадимий мифлардан бирининг қаҳрамонлари. Фисбага ургочи арслон ҳамла қилади. Қиз арслон ҳамласидан омон қолади, лекин ёпинчигини йўқотади. Пирам бу ёпинчиқни топиб олиб, маъшуқасини ҳалок бўлган деб ўйлайди ва ўз-ўзини ўлдиради. Фисба Пирамнинг жасадини кўриб, у ҳам ўз-ўзини нобуд қилади.

*Жюли ва Сен-Прё* — Ж. Ж. Руссонинг «Юлия ёхуд Янги Элоиза» (1761) романининг қаҳрамонлари.

*Дюбюф Эдуард* (1820—1883) — ўша йилларда ном чиқарган француз рассоми.

426-бет. *Жонсон Сэмюэль* (1709—1784) — инглиз танқидчиси ва ёзувчиси, инглиз маърифатпарварлигининг кўзга кўринган арбобларидан бири.

А. МИХАЙЛОВ

## МУНДАРИЖА

КАРЛ IX САЛТАНАТИНИНГ ПИЛНОМАСИ. РОМАН . . . . . 5

### НОВЕЛЛАЛАР

МАТТЕО ФАЛЬКОНЕ . . . . .	215
ТАМАНГО . . . . .	228
ТРИКТРАК ҰЙИНИ . . . . .	249
ҚУШ ХАТО . . . . .	266
ИЛЛЬ ВЕНЕРАСИ . . . . .	330
АРСЕНА ГИЙО . . . . .	361
АББАТ ОБЕН . . . . .	407
ҲАВОРАНГ ХОНА . . . . .	421
АВТОР ИЗОҲЛАРИ . . . . .	435
ИЗОҲЛАР. <i>А. Михайлов.</i> . . . .	438

*На узбекском языке*

ПРОСПЕР МЕРИМЕ

**ХРОНИКА ЦАРСТВОВАНИЯ КАРЛА IX**

Роман и новеллы

Переиздание

Перевод с издания издательства «Художественная литература»  
Москва, 1975 г.

«ЖАД» нашри учун масъуллар:  
Ш. Усмонхўжаев  
В. Барсукова  
С. Азимова

Редактор Н. Жўраева  
Рэссом М. Карпузас  
Расмлар редактори А. Кива  
Тех. редактор М. Мирражабов  
Корректор С. Турсункулова

ИБ № 3453

Босмаҳонага берилди 23.10.85. Босишга руҳсат этилди 21.02.86. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмаҳона ҳоғови №1. Янги оддий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 24.36. Шартли л. кр.-оттиси 2436. Нашр. л. 26,83. Тиражи 30000. Заказ № 182/1843. Баҳоси 2с. 50т. Шартнома № 110—85. Фафур Ғулوم номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-босмаҳонаси. 700194, Тошкент Юнусобод массиви, Муродов кўчаси, 1.

Қайта нашри

**Мериме, Проспер.**

Карл IX салтанатининг йилномаси: Роман. Новелларлар /Тарж. О. Шарафиддиновники.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.— 464 б.— («Жаҳон адабиёти дурдоналари» сериясининг таҳрир ҳайъати: Зулфия ва бошқ.)

Проспер Мериме жаҳон адабиёти хазинасига ўзининг ажойиб роман ва новелллари билан баракали ҳисса қўшган атоқли француз ёзувчиси. Унинг ушбу китобга кирган асарларида ҳоким табақа кишиларининг маънавий қиёфалари, буржуа цивилизацияси етиб бормаган жойларда яшовчи кишиларнинг эса покиза ва довюраклиги санъаткорона, тўғри акс эттирилган.

Мериме, Проспер. Хроника царствования Карла IX: Роман. Новеллы.

И(Фр)

4703000000—53  
М М 352(04)—86 109—86